

ФЕНИМОР КУПЕР

ИЗҚУВАР

Роман

БИРИНЧИ БОБ

Улар тўрт киши: икки эркагу икки аёл эдилар. Қаршилариди намоеън бўлган манзарага ҳайрат-ла, маҳлиё бўлиб тикилардилар. Бу сўлим манзаранинг ҳар бир кўринишию ҳар бир қаричигача назардан қочирмай, батафсил томоша қилиш ниятида улар бўрон илдиз-пилдизи билан қўпориб, бир-бировининг устига ортмоқлаб, тоғдай қалаштириб ташлаган дарахтлар уюми тепасига чиқиб олгандилар. Американинг қутқули-улуғвор ҳамда намхуш нимқоронғиликка бурканган хилват чағалзор ўрмонлари сийнасида бўрон бунёд этган бундай яланг жойлар бамисоли чароғон воҳаларга ўхшаб кетади. Шу аснода биз ҳикоя қилаётган дарахтлар уюми чоғроққина бир тепаликнинг нақ кифтида қад кўтарган эди. Мазкур тепалик унчалик баланд бўлма-са ҳамки, унинг чўққисидан боққанда — ўрмон кезиб юрган сайёҳ учун беқийёс томоша — беҳудуд сўлим манзара намоеън бўлади. Шамол запти-зарбасидан ер тишлаган, бир хас-чўп мисоли қасира-қусурига олиб парча-пурча бўлган азамат дарахтларнинг шоҳ-шаббалари шунчалар бир-бировига ўрашиб-чирмашиб кетгандиким, уларнинг шоҳ-бутоқлари ҳам зина, ҳам зинапоя панжара-тутқичи хизмати-ни ўташи мумкин эди. Томир-помири билан қўпориб ташланган бир азим туп дарахт оёғи осмондан келиб, чўкирт-так-тўнкаси тепага қараб ётибди; томирлари орасида қотиб қолган лой-тулроқ гўски супача ҳосил қилган, юқорида зикр этганимиз тўрт сайёҳ эса ана шу супачанинг устига чиқиб олишган эди. Улардан иккиси — бир эркагу бир аёл — ҳиндуларнинг тускарорлар¹ қабиласидан эди.

Улар ҳамроҳлари — энгил-бошига қараганда ҳаёти океанда ўтган, оддий денгизчи қатори биронта хизматни ўтаган эркак билан серзавқу ақиқ чехрасида назокат ва оқилалик ифодаси акс этиб турган навниҳол қизалоқ эди.

¹ Тускарорлар — прокез қабилалари иттифоқига кирувчи америкалик ҳиндулар қабиласи.

Унинг йирик мовий кўзлари қаршисида намоён бўлган ман-
зарадан нақадар ҳаяжон-ла порларди.

Мағриб ёққа қараб—сайёҳлар кўзига фақат шу томон-
гина олис-олисларгача кўриниб турарди, холос — шимоллий
кенгликнинг қирқ иккинчи даражасига хос бўлмиш анвойи
тур рангу бўёқлар-ла тусланиб-турланаётган антиқа, маҳо-
батли, чек-чегарасиз баргу япроқлар уммони кўз илгамас
ерларгача чўзилиб кетганди. Шамсия янглиғ қалпоқ кий-
ган хушқад бужун, зарангнинг хилма-хил турлари, амери-
ка эманининг беҳисоб навлари, йирик-йирик япроқли ар-
ғувонларнинг шаббалари ўрашиб-чирмашиб, токи уфққача
чўзилиб кетган, энию бўйини кўз илғаёлмайдиган улкан
антиқа гилам ҳосил қилганди. Очиқ ерлар оралиғида, гоҳ
у-гоҳ бу нуқтада паст бўйли оққайинлар, барглари дирил-
лаб, қарс уриб турган тоғтерақлар, ёнғоқларнинг турли
хиллари — табиати у қадар бой бўлмаган ўлкаларнинг дов-
дарахтлари — кўзга чалиниб қолар, улар ҳайбатли, азамат
дарахтлар орасида ғарибу нимжон ҳамда кўримсизгина ту-
юларди. Баъзи жойларда эса адл қоматли, баланд қадли
қайин яшиллик олами, барглар уммони узра (нақ кўкалам-
зорга бурканган воҳага ўрнатилган баҳайбат ёдгорликдек
кўк тоқи сари бўй чўзганди. Борлиқ атрофни беинтиҳо
яшил яланглик, нозигу нафис бўёқлар, нуру соялар жило-
сию ўйини тутган; табиатнинг маҳобатли, тантанавор осу-
далиги эҳтирому ихлосга баробар бир туйғу уйғотарди
қалбларда...

— Тоғажон, — деди ҳайратга келиб, маҳлиё бўлган қиз
супачага чиқиш учун унинг қўлидан хиёлгина ушларкан, —
бу жой худди сиз яхши кўрадиган океanning ўзгинаси-ку.

— Жоҳиллик ва қиз болаларча хаёлпарастлик деб мана
шуни айтадилар-да, Мағнит! (Денгизчи ўз жиянини дил-
барлиги, жозибалилигига шама қилиб кўпинча шундай деб
атарди.) Фақат ёш болагина мана шу шапалоқдеккина
жой — бир ҳовучгина барги хазонни Атлантика океани би-
лан тенглаштириши мумкин, холос! Мана шу жамики шох-
бутоқчаларни йиғиштириб, гулдаста ўрнида Нептуннинг
камзули ёқасига тақиб қўйса бўлади, ундан бўлак нарсага
ярамайди булар:

— Тоғажон, назаримда, ҳазил қиляпсиз чоғи. Ўзингиз
бир қаранг-а: чақиримма-чақиримлаб чўзилиб кетган, қа-
ёққа қараманг баргу япроқ, кетию адоғи кўринмайди. Сиз-
нинг ўша океанингизда нима бор экан, ниманиям кўрар-
дингиз?

1 Нептун — Рим мифологиясида денгиз худоси.

— Нима бор экан? — такрорлади тоға жияни ушлаб турган тирсагини бетоқат қимирлатиб; унинг кўкраги устида чалиштириглиқ қўлларининг тирсақлари ўша пайтларда расм бўлган қизил мовут камзулининг икки биқинини дўппайтириб турарди. — Хўп, айтайлик, айқашиб-уйқашиб, қувалашиб келадиган тўлқинларнинг кўпиги, зилол сув, қояю бурунлар, китлар, қуюну уюрмалар, абадий ҳамлакор тўлқинлар қани, бу бир парчагина ўрмоннинг қай гўрида қолди улар, ҳеч бирини кўрмаяпман-ку, жоним қизалоғим?

— Бунақанги осмонўпар дарахтлар, бунақанги улуғвор осудалик, бунақанги хушбўй япроқлару бунақанги чиройли дарахтлар ўша океанингизда қаёқда дейсиз, тоғажон?

— Бемаъни гап, Магнит! Агар бу масалада бирон ниманинг фарқига борганинга яшил сув денгизчи учун ҳалокатли таҳдид солиб туришини билган бўлардинг. Ҳатто энг гўл одамни ҳам дидига бопта келавермайди яшил сув.

— Лекин кўм-кўк дов-дарахтлар бутунлай бошқа гап. Анави шарпани эшитяпсизми? Бу япроқларга куҳлаётган шабаданинг майин нафаси.

— Э болажоним-эй, олдин очиқ денгизда шимоли-ғарбдан эсадиган шамолнинг нафасини эшитиб, ана ундан кейин шамолнинг қандай нафас олишини гапирсанг бўларди! Хўп майлига, илло бу дарахтзорчада пўртанаю довуллар қани, пассат¹лару шарқий шамоллар қай гўрда қолди? Бу осуда жойларда қанақанги балиқлар биланглаб сузиб юрибдйкин асти?

— Ҳозир биз турган жойнинг ўзиёқ бу ерларда бўронлар бўлганидан далолат бериб турибди-ку, тоғажон; бу дарахтлар остида балиқ бўлмаса ҳам, бошқа ҳайвонлар бордир.

— Қайдам, билмадим-ов,— дея денгизчиларга хос насихатомуз оҳангда жавоб қайтарди тоға.— Олбани²да бу ерларда гўёки учратишимиз мумкин бўлган ёввойи ҳайвонлар тўғрисида ҳар хил воқеаларни қанчалик кўпиртириб гапиришганди, мана, ҳалигача ақалли тюленни чўчита оладиган биронта йиртқични кўрганимиз йўқ. Уша сизларнинг қуруқликларингда яшайдиган йиртқичлардан бирортаси жанубий кенгликлардаги наҳангга бас келади деган гапни ўйламай ҳам, хоби-хотирингга келтирмай ҳам қўя қол!

— Анавини қаранг! — дея қичқириб юборди ўз тоғаси-

¹ Пассат — Шимолий яримшарда мутгасил шимоли-шарқдан, тропика ва экватор оралигидан эсиб турадиган шамоллар.

² Олбани — АҚШнинг қадимий шаҳарларидан бири. Голландлар томонидан 1623 йилда асос солинган. Нью-Йорк штатининг пойтахти.

нинг далоли исботларидан кўра кўпроқ ўрмоннинг улугвор чиройига маҳлиё бўлиб турган жияни. — Кўряпсизми, ҳув анави ёқда, дарахтлар тепасида тутун кўтариляпти, кўряпсизми? Балки ўша ерда уй-пуй бордир?

— Кўряпман, кўряпман! Тутун — бу атрофда одам туршининг аломатидир, бу нарса эса юз минг туп дарахтдан ҳам аълороқ. Уни Ароухедга¹ кўрсатиш керак, негаки у ёнидан ўтиб бораётиб ҳам бандаргоҳни пайқамай қолиши мумкин. Тутун бор жойда камбуз² ҳам бўлади.

Шундай дея кекса денгизчи қўлини камзули бари остидан чиқариб, ёнгинасида турган ҳиндунинг елкасига астагина туртди-да, ўзларидан бир миляча нарида дарахтлар узра баландга кўтарилиб, деярли сезилмайгина ҳавога таралиб-сингиб кетаётган тутунни кўрсатди.

Бу тускарор илгарилари Американинг маҳаллий аҳолиси орасида бот-бот учраб турадиган важоҳатли, қаддини мағрурона тутувчи жангчилардан бири эди; гарчи у оқ танлиларнинг қароргоҳларига кўп маротабалаб қадамранжида қилган ва уларнинг одатлари, ҳатто тиллари билан унча-мунча ошно бўлса ҳам, ҳар қалай, сардорларга хос салобат ҳамда хотиржам-сиполигини сақлаб қолганди. Унинг денгизчига бўлган муносабати дўстона, бироқ вазминона эди, зероки турли ҳарбий лавозимдаги офицерлардан кўпини кўрган ҳинду ҳамроҳининг паст унвондаги одам эканини пайқаганди, албатта. Ҳақиқатини олганда, тускарорнинг ўзини мағрурона, хотиржам тутиши шундай иззат-эҳтиромга муносиб эдики, танишганларига бир ҳафтадан ошган бўлса-да, Чарлз Кап (кекса денгизчининг исми шарифи шундай эди) ҳинду билан муомалада ҳеч қандай бетакаллуфликка йўл қўймасди. Аммо-лекин шу топда тутун денгизчини очиқ денгизда кутилмаганда пайдо бўлиб қолган елқандан кам таажжубга солмаганди, шу бонисдан ҳам у ҳиндунинг елкасига қўл теккизишга биринчи марта журъат этганди.

Тускарорнинг ўткир кўзи лаҳзадаёқ тутунни илғади. Ҳинду салгина оёғи учига кўтарилиб, бурун катаклари шубҳали исни туйган тоғ эчкисининг тумшугидек титраб-кенгайиб, бамисоли эгасининг ўқ узишини кутаётган тозидек кўзларини ўша томонга қадаганча бирон дақиқа чамаси қилт этмай туриб қолди. Кейин товонини ерга қўйди, шунда кўксидан ҳинду жангчининг ўткир ҳайқирғига мут-

¹ Ароухед — сўзма-сўз таржимаси «Найзабош».

² Камбуз — кема ошхонаси.

лақо ўхшамайдиган майин ва нозик бир хитоб отилиб чиқди. Зоҳиран у хотиржам эди, фақат қоп-қора бургут кўзларигина япроқлардан иборат олис-олисларга диққат-латикиларди. Ўзларининг кимсасиз хилват ерлардан ўтгувчи, кўпга чўзилгувчи саёҳатлари хавфу хатардан холи эмаслигини тоға ҳам, жиян ҳам жуда яхши билишарди; бироқ улар яқингиналарида қандайдир одамлар борлигидан дарак бераётган ушбу тутунининг яхшилик ёхуд ёмонлик нишонаси эканини ажратолмай туришарди.

— Ароухед, яқин атрофда онеидлар¹ ёки тускарорлар бўлишса керак,— деди Қап.— Тунни вигвамда² ўтказиш учун ўшаларга бориб қўшилмасак бўлмасмикин?

— Бу ерда вигвам йўқ,— хотиржамгина жавоб қилди Ароухед:— дарахтлар жудаям қалин.

— Ҳиндулар бўлиши керак-ку бу атрофда, ахир? Эҳтимол, мистер Ароухед, сизнинг эски ошшаларингиздан бирортаси бордир у ерда?

— Тускарор йўқ, онеид йўқ, мохаук³ ҳам йўқ. Оқ юзлининг олови бу.

— Вой иблис-эй. Мана бу, Магнит, денгизчининг ақли етмайдиган гап: биз, кекса, устаси фаранг денгизчилар, денгизчилар тамакисини аскарларнинг тамакисидан, дарёда сузадиган матроснинг каталагини ҳақиқий денгизчининг сўкчак-каравотидан ажрата оламиз; ўйлайманки, қирол ҳазрати олийларининг флотидаги энг кекса адмирал ҳам қирол тутунини кўмирчининг тутунидан айира олмайди!

Денгизчининг қаватида турган қизнинг, бу ўтиб бўлмас чангалзор ўрмоннинг қаеридадир яқингина ерида одамлар бор экан, деган фикрдан юз-кўзлари ёришиб, жонланиб кетди. Нима деб ўйлашини ҳам билмаган (чунки ҳар икковлари ҳам тускарорнинг билимдонлиги ёки, тўғрироғию маъқулроғи, табиий туйғусидан тез-тез ҳайратга тушиб келишаётган эди) қиз:

— Оқ юзлининг олови. Йўғ-э, тоғажон, шунгача ажратолмаса керак у! — деди.

— Чамаси ўн кун бурун, она қизим, буни эшитганда ҳозиргига қараганда хийла кўпроқ таажжубга келиб, ёқамни ушлаган бўлардим... Ижозатингиз билан сиздан шунга сўрасам, Ароухед: нега энди сиз буни қизил танлини эмас, оқ юзлининг олови деб ўйлайсиз?

¹ Онеидлар — ирокез қабилалари иттифоқига кирувчи ҳиндулар қабилиси.

² Вигвам — Шимолий Америка ҳиндуларининг кулба ёки чодир.

³ Мокхауклар — ирокезларга иттифоқдош қабила.

— Утин ҳўл,— дея жавоб қилди жангчи худди қовоқ-калла шогирдига арифметика масаласини тушунтираётган муаллим янглиғ хотиржам бир қиёфада; — қанча кўп ҳўл бўлса — шунча кўп тутун бўлади; нами кўп — тутуни қора.

— Афв этасиз-у, мистер Ароухед, аммо-лекинига жудаям унчалик қорамас, иннайкейин, унчалик кўп ҳам эмас. Наздимда, кемада ўт ёққани ҳеч нима тополмай, тағхонада сочилиб ётган уч-тўрттагина пайраҳани қалаб, чой қайнатилаётган капитан чойнаги остидан кўтарилаётган тутун сингари еп-енгил ва сийраккина дуд бу, холос.

— Суви кўп, — эътироз билдирди Ароухед бошини чайқаб. — Тускарор ақлли, у сувдан олов ёқмайди; оқ юзлининг китоби кўп, шундоқ бўлсаям ҳамма нарсани ёқаверади; китоби кўпу билими оз.

— Ҳақ гап ҳақлигича қолади. — деди илм-фанни унчалик жини суймайдиган Кап. — Бу билан сизларнинг китобларингизни ўққа тутяпти, Магнит! Ҳиндулар сардори ўз билгича оқилона фикр юритяпти... Қани, Ароухед, энди айтинг-чи, сизнинг ҳисобингизча Улуғ Кўл деб атайдиганларинг, ўша ҳалқобдан қанчалик олисдамизу неча кунда етиб борамиз у ерга?

Тускарор денгизчига ўз устунлигини намоён этгувчи хотиржам бир қиёфада нигоҳ ташлаб қўяр экан, жавоб берди:

— Онтарио — осмондай бир гап; қуёш битта чиққач — буюк сайёҳ уни кўради.

— Ҳа, бу ҳақ гап, — гўлдираб қўйди кекса денгизчи, — каминани буюк сайёҳ деса арзийди бемалол; илло жамики сафару саёҳатларим ичида бу энг чўзилиб кетгани, энг кам сабоқ оладиганию океандан энг олислаб кетадигани бўлди. Башартики бу чучук сувли ҳалқоб шунчалик яқингинамизда, айни вақтда шунчалик катта экан, Ароухед, у чоғда бир жуфт ўткир кўз уни шу ердан бемалол кўриши керак эди-ку.

— Қара, — деди Ароухед хотиржам, важоҳат-ла қўлини олға чўзиб. — Онтарио!

— Тоғажон, сиз «ер» деб қичқиришга ўрганиб қолгансиз-у, лекин «сув» деб қичқиришга кўникмагансиз ҳали. Нима, кўрмаяпсизми уни? — деди жиғини кулиб.

— Ҳалиги, сен, Магнит, наҳотки мени ўз қадрдон «истиқоматгоҳимни» кўзим кўриб турган чоғдаям танимайди деб ўйласанг?

— Лекин Онтарио сизнинг қадрдон «истиқоматгоҳингиз» эмас-да, азиз тоғажоним: сиз шўр сув билан қон-қардошлашиб кетгансиз, бу бўлса чучук сув.

— Бунақанги фарқ-тафовут ёш, ҳали гўр денгизчини чалғитиши мумкин, менга ўхшаган кекса, тажрибали денгизчиниямас. Агарчи у Хитойда бўлса ҳамки, сувни фарқлай оламан, болажоним!

— Онтарио! — такрорлади Ароухед қатъият-ла, қўлини яна шимоли-ғарб сари чўзиб.

Қап тускарор билан танишганларидан берига биринчи марта унга нописандона қараб қўйди; бироқ, бари бир сардорнинг қўл ҳаракати ҳамда кўзлари имосини кузатишни давом эттирди, афтидан сардор ям-яшил текисликдан хиёлгина тепароқда, осмоннинг ҳеч нима тўсмаган очиқ бир жойини кўрсатаётган эди.

— Ҳа-ҳа, ана шу чучук сувли ҳалқоб ёққа бориш ниятида океан соҳилини тарк этаётганимда ўзим ҳам худди шундоқ бўлса керак деб кутгандим, — деди Кап елкасини қисиб. — Онтарио бўлиши мумкин ўша, иннайкейин, у бемалол менинг чўнтагимга ҳам жойлашиб кетиши мумкин, Уйлайманки, шунга қарамай, етиб борганимиздан сўнг қайғимизни буриб олгани жой топилиб қолар. Илло, Ароухед, модомики яқингинамизда оқ танлилар бор экан, уларга овоз берса бўладиган даражада яқинроқ борсакмикин дейман.

Тускарор маъқул деган маънода бош ирғаб қўйди, шундан кейин сайёҳлар ағдарилган дарахт кундасидан паства туша бошлашди. Улар ерга оёқ қўярканлар, Ароухед гулханга яқинроқ бориб, уни ким қалаганини билиш ниятида эканини айтди; бошқаларга, шу қаторда ўзининг хотинига ҳам, нарироқдаги анҳорда қолган қайиқларига қайтиб, ўша ерда уни кутиб туришларини таклиф қилди.

— Бу қанақаси бўлди, сардор? — эътироз билдирди кекса Кап. — Ўзимизга нотаниш бўлган мамлакатда лоцманни кемадан олисга жўнатиш ақлсизлик-ку, ахир. Ижозатингиз билан, биз жамоатимизнинг бўлиниб кетишини истамаймиз.

— Биродарим нимани истайди унда? — дея сўради ҳинду қовоғи осилиб, бироқ бундайин ошкора тарзда ўзига нисбатан шубҳа билан қараганларидан дили ранжигани сезилмади асло.

— Сиз билан бирга бўлишни, бўлак ҳеч нимани эмас, мистер Ароухед. Мен сиз билан бирга бораман ва ўша нотаниш одамлар билан ўзим гаплашаман.

Тускарор чурқ этиб қаршилиқ билдирмай, кўна қолди ва чиройли қора кўзлари ҳаминша эрига ҳурмат, кўрқув ҳамда меҳр-ла жавдираб турадиган сабр-бардошли, итоатгўй хотинига тагин қайиққа қайтишни буюрди. Лекин

шу топда Магнит туфайли жиндаккина «ишкаллик» чиқди. Қиз журъатли ва мушкул дамларда асқотадиган кучли иродага эга бўлса-да, ҳар қалай аёл эди. Шундай чекипоёни йўқ ўрмонда ҳар иккала ҳимоячимиз бизни ёлғиз ташлаб кетишаркан-да, деган хаёл ниҳоятда ташвишга солиб қўйди уни. Қиз тоғаси билан бирга боражагини айтди.

— Қайиқда узоқ қўл қовуштириб ўтириб келгандан кейин озроққина сайр қилиш фойдали мен учун, азиз тоғажоним, — деб қўшиб қўяр экан, у ўзини ҳар қанча хотиржам кўрсатишга тиришмасин, бари бир оқариб кетган бетларига тагин қизиллик тошиб чиқди. — Уша нотаниш одамлар орасида балки аёллар ҳам бордир.

— Нимаям дердим, майли, юра қол, қизалоғим; орадаги масофа бор-йўғи бир кабельтовча¹ келади, шундоқ бўлгач, кунботардан бирор соатча бурунроқ қайтармиз-ов.

Асли исми-шарифи Мабель Дунгам бўлмиш қиз ушбу рухсатдан сўнг улар билан биргаликда йўлга отланди; бу орада Саратон Шабнами — Ароухеднинг хотинининг исми шундай эди — сўзсиз-несиз анҳорга қараб юрди: у итоаткорлик, ёлғизлик ва гира-шира ўрмон қоронғилигига ўрганиб кетганди.

Уч сайёҳ шамол қулатган дарахтлар уюми исканжасидан қутулиб чиқиб, бу айқаш-уйқашлик салтанатини айланиб ўтишаркан, ниҳоят ўрмон чеккасидан ўзлари учун зарур томонга қараб йўл олдилар. Тутун чиқаётган ерга етиб бориш учун қайси тарафга қараб юришни аниқлаб олгани Ароухед атрофига бирров кўз ташлаб олса кифоя эди-ю, бироқ кекса Қап қалин ўрмон нимқоронғилигига ўз измини ишониб топширишдан аввал чўнтак компасига қараб олди.

— Сезгисига ишониб йўл танламоқ, эҳтимол, ҳиндуга муносибдир-у, илло манави милнинг хусусиятидан хабардор илмли одам учун бу номуносиб иш, — деди тоға тускарорнинг билинар-билинемас изидан одимларкан. — Гапимга ишонавер: мабодо Колумбнинг бурун парракларидан бўлак ҳеч вақоси бўлмаганида Американи ҳеч қачон кашф этолмасдилар... Дўстим Ароухед, умрингизда кўрганми-сиз манавинақанги машинани?

Ҳинду ўгирилиб, компасга кўз қирини ташлади-да, виқор билан деди:

— Оқ юзлининг кўзи! Тускарор ўз боши билан қарайди. Шўр Сув (ҳинду ўз йўлдошини шундай деб атади) ҳозир бутун вужуди кўз, тили йўқ бўлиши керак.

¹ Кабельтов — денгиз узунлик ўлчови, 185,2 м.га тўғри келади.

— Тоғажон, у бизни жим боринглар, демоқчи; балки у ҳозир олдиларига бораётган одамларимиздан шубҳаланаётгандир.

— Тўғри, ҳиндуларнинг одати шунақа ўзи. Кўряпсанми, у қуролининг пилта тешигини кўздан кечириб олди. Мен ҳам тўппончаларимга кўз ташлаб олсам чакки бўлмас.

Узоқ сафари давомида аллақачон кўникиб кетган бу ишлар Мабелни сира чўчитмади. У ҳамроҳларидан бир қадам ҳам ортда қолмай, уларнинг изидан пилдираганча борарди. Дастлабки ярим миляни индамай, ҳеч қанақанги эҳтиёт чораларини кўрмай босиб ўтишди. Аммо, фикрларича, гулхан ёнаётган жойга яқинлашиб қолишганида ўзгача чоратadbирларни кўришлари лозим эди.

Урмонда, одатдагидек, дарахтларнинг адл ва ҳайбатли таналари олисни кўрсатмай, пана қилиб туради. Ям-яшил шох-шаббалар тепага, ёруғликка қараб интилиб, бамисоли беҳисоб табиий устунлар кўтариб турган, баргу япроқлардан бунёд бўлган улкан гумбазни ҳосил қилади. Ана шу устунлар — ёхуд дарахтлар — кўпинча қаллоблар, овчи ёки ғаним учун панагоҳлик хизматини ўтайди; шу боисдан ҳам Ароухед тажрибали ҳамда беҳато ишлайдиган сезгиси нотаниш кимсаларни қаердан излашни амр этиб турган жойга яқинлашганида одими енгиллашиб, кўзлари чандон бора ўткирлашди, ўзини пухтакорлик ила дарахтлар панасига олиб илдамлай бошлади.

— Қара, Шўр Сув,— деди у Капга музаффарона оҳангда, қуоқ дарахтзордаги ёруғликни кўрсатиб: — оқ юзлининг олови!

— Яратган ҳаққи онт ичаман, ошнам ҳақ! — ғўлдираб қўйди Кап. — Ана, улар гўёки уч қаватли кеманинг каютасидадек хотиржамгина овқатланиб ўлтиришибди.

— Ароухед ярим, ҳақ, холос, — пичирлади Мабель. — У ерда икки ҳинду, биттагина оқ танли-ку.

— Оқ юзлилар, — дея икки бармоғини кўрсатди тускарор. Сўнгра, битта бармоғини кўтариб, қўшиб қўйди у: — қизил танли.

— Ҳа, — деди Кап, — ким ҳақу ким ноҳақлигини аниқлаш қийин. Биттаси — мутлақо оппоқ, қадди-қомати келишган, кўринишидан ёқимтойгина, мард йигит; иккинчиси — табиатан ёхуд бўёқдан одам қанчалик қизил танли бўлса, ўшандай туси қизил; учинчиси эса на икки мачтали елкан, на уч мачтали кемага ўхшайди, хуллас, аросат.

— Оқ юзлилар, — такрорлади Ароухед, яна икки бармоғини кўтариб. — Қизил танли... — Шундай деб битта бармоғини кўрсатди.

— У ҳақ гапни айтаётганга ўхшайди, тоғажон: афтидан, кўзлари сира алдамайдиган кўринади. Лекин ҳозир ҳаммасидан ҳам муҳими — кимга йўлиқамиз: дўстларгами ёки душманларгами? Балки булар французлардир?

— Битта бақирш билан ҳаммасини биламиз-кўямиз, — жавоб берди Кап. — Магнит, дарахт панасига ўтиб тур, тагин бу ярамасларнинг хаёлига, музокара бошланишини кутиб ўлтирмай, бараварига, ялли ўқ узиш фикри келиб қолмасин! Бир лаҳзадаёқ уларнинг қайси байроқ остида сузаётганларини биламан-оламан.

Тоға иккала кафтини оғзи теграсига қилиб, худди карнайга ўхшатиб қичқиришга энди шайланган ҳам эдики, тўсатдан Ароухед қўлини шитоб-ла чайқаб тўхтатиб қолди уни.

— Қизил танли — могокан¹, — деди тускарор, — яхши; оқ юзлилар — ингизлар².

— Бу самонинг саодатманд ваҳийси, — шу ерда, мана бу хилват чангалзорда қонли тўқнашув содир бўлса-я тагин, деб қўрқиб турган Мабель шундай дея шивирлаб қўйди. — Меҳрибон тоғажоним, юринглар, биргалашиб борамиз-да, бизлар дўстларингизмиз, деймиз.

— Яхши, — деди Ароухед, — қизил танли шошилмайди ва биледи: оқ юзли тезкор — ўт-олов. Майли, сквау³ бора қолсин.

— Нима? — деди Кап ҳайратда. — Шундай қайиқча — жажжи Магнитни олдинда юборамизми? Биз, икки ялқов бўлсак оқимдан четга чиқиб, унинг номаълум бандаргоҳга қандай сузиб боришини кузатиб турамызми писиб? Ундан кўра мен...

— Бу ҳаммасидан ҳам ақлли гап, тоғажон! — унинг сўзини бўлди қиз. — Мен зигирчаям қўрқаётганим йўқ. Ёлғиз, ҳимоячисиз қизни кўрганида ҳеч ким отмайди; менинг боришим тинчлик гарови бўлади. Ароухед истаганидек, мени олдин юборинглар, ҳаммаси жойида бўлади, кўрасиз. Ҳали бизни пайқашганича йўқ: бу нотаниш одамлар ҳайрон бўлишади-ю, лекин хавотир олишмайди.

— Яхши, — деди Ароухед, Мабелнинг довюраклигини ошкора маъқуллаб.

— Бу денгизчининг шаънига ярашмайдиган нарса, —

¹ Могоканлар — Гудзоннинг қуйи оқимида яшаган ҳинду қабиласи. Могоканлар делаварлар қабиласи иттифоқига кирганлар. Бу қабилла бутунлай қирилиб битган.

² Ингизлар — ҳиндулар инглизларни шундай деб атайдилар.

³ Сквау — ҳиндучасига аёл шундай аталади.

тўнғиллади Кап, — илло биз токи ўрмонда эканмиз, ҳеч зоғ хабар топмайди бундан. Агарчи сен, Мабель...

— Тоғажон, биламан, ҳеч қанақанги қўрқадиган жойим йўқ; бунинг устига, ораси ҳам яқингина, бир гап бўлса, бемалол ҳимоя қила оласиз мени.

— Хўп майли, тўппончаларимдан биттасини оливол унда, иннайкейин...

— Керакмас, яхшиси ёшим билан заифалигимга ишонганим маъқул, — жавоб қайтарди қиз кулиб, шунда икки ёноғи ловиллаб кетди. — Аёл кишининг энг яхши ҳимоячиси эркакнинг ҳомийлигига ҳақли эканлигидир. Мен қуролни ишлатишни билмайман, билишни ҳам истамайман.

Тоға эътироз билдирмади. Мабель тускарордан бир неча оғиз эҳтиёткорликка оид насиҳату йўл-йўриқ олгач, бор жасоратини жамлаб, гулхан атрофида ўлтирган гуруҳ сари йўлга тушди. Гарчи қизнинг кўкси қаттиқ-қаттиқ тепа бошлаган бўлса-да, одими дадил ва хатти-ҳаракатида заррача иккиланиш сезилмасди.

Ўрмонда қабристон сукунати ҳукм сурарди. Қиз яқинлашиб бораётган одамлар ўз иштаҳаларини қондириш билан шунчалик банд эдиларки, бу муҳим ишдан ақалли бирон лаҳза чалғимасдилар. Бироқ Мабель гулхандан юз қадамлар бериқоқда ногаҳон қуруқ шаббани босиб олиб, қирс этган товуш эшитилганда Ароухед могокан деб атаган ҳинду билан кимлиги хусусида тускарор ва Кап бир фикрга келолмаган ўртоғи ўрнидан дик этиб туриб кетди. Ҳар иккаласи дарахтга суяб қўйилган қуролига кўз ташлади-ю, лекин улардан ҳеч бири қўл узатмади қуролига: улар қиз бола келаётганини пайқашга улгуришган эди. Ҳинду ўртоғига бир оғизгина алланимадир деб, бояги жойига чўкди-ю, гўёки ҳеч нима бўлмагандек, яна тамаддига киришди. Оқ танли эса Мабелга қараб юрди.

Мабель ўзига томон келаётган одамнинг туси худди ўзиникидақа эканини кўрди. Эгнига эса ҳиндулар билан оқ танлилар энгил-бошини шунақанги антиқа тарзда аралаш-қуралаш қилиб кийиб олгандики, унинг оқ танли эканини таниб-билиш учун афтани яқин ердан кўриш керак эди. У ўрта яшар киши эди. Уни чиройли деб бўлмасди-ю, бироқ чехрасидаги кўзга ярқ этиб тушган ҳалоллик, ростгўйлиги самимийлик ифодаси ўша замоноқ қиз қалбида ўзига ҳеч қандай хавф таҳдид қилмаётганига ишонч уйғотди.

— Қўрқманг, қизгина, — деди овчи, кийимига қараганда шундай хулосага келиш мумкин эди, — сиз тинчлик, адолату ҳаққонийликни сеувчи ҳар қандай кимса билан яхши муносабатда бўладиган одамларни учратиб турибсиз. Ка-

мина бу атрофларда маълуму машхур одамман, эҳтимолки лақабларимдан бирортаси сизнинг қулоғингизга ҳам етиб боргандир. Улуғ Қўлларнинг нариги томонидаги француз ва қизил танлилар мени Узун Карабин деб атайдилар; ҳалолу инсофли, одилу тўғригўй могиқанлар Лочинкўз дейдилар; Қўлларнинг бу тарафидаги қўшинлар ва овчилар орасида эса исмим Изқувар, зотан мен бир бошида минг¹ ёхуд ёрдамимга муҳтож дўстим турган издан ҳеч қачон адашмаганман.

Бу гапларни у қатра мақтанмай, қандай лақаб билан машхур бўлмасин, ҳеч қачон қизариб қолмаслигига қаттиқ ишонган одам сифатида очиқ кўнгиллик билан айтди. Мазкур нутқининг пироварди кутилмаган самарага олиб келди. Мабель унинг охириги лақабини эшитиб қувонч-ла чапак чалиб юборди ва:

— Изқувар! — дея такрорлади.

— Мени худди шундай деб аташади. Мен талайгина амалдору тўралар ўз унвонларига яраша кўрсатган хизматларига қараганда хийла ортиқроқ хизматларим эвазига сазовор бўлганман бу номга, аммо, ростини айтганда, ўзим учун из бор жойдан кўра из тушмаган ердан сўқмоқ очган чоғларимда кўпроқ ғурурланаман. Бироқ мунтазам қўшинлар кўпдаям бунинг фарқига бормайдилар, сўқмоқ билан из орасидаги (гарчи, агар сўқмоқни топмоқчи бўлсанг фақат кўзгина кераг-у, борди-ю изни излайдиган бўлсанг ёлғиз сезгигина озлик қилса ҳам) фарқни билмайдилар.

— Демак, сиз отам бизни кутиб олишга жўнатмоқчи бўлган дўстимиз экансизда шундай қилиб?

— Башарти сиз сержант Дунгамнинг қизи бўлсангиз, у чоғда, делаварларнинг² энг улуғ пайгамбари ҳам ҳеч қачон бунчалик аниқ-тиниқ башорат қилмаган.

— Мен Мабелман, анави ёқда, дарахтлар орқасида эса тоғам, исми Кап, кейин Ароухед исмли тусқарор яшириниб

¹ Минглар — XVIII асрда Онтарио ва Гурон қўллари ҳамда авлиё Лаврентий дарёси бўйларида яшаган ирокез қабилалари иттифоқига кирган қудратли гуронлар қабиласининг лақабларидан бири. Гуронлар делаварлар билан узоқ муддат кураш олиб борган. Америкадаги инглиз-француз урушлари даврида улар французлар тарафини олганлар.

² Делаварлар ёхуд, ўзларини ўзлари атагандек, лени-ленаплар — XVIII асрда Делавар дарёси воҳаси ва Атлантика океани соҳилларидан ҳозирги Шимолий Каролинагача бўлган майдонда истиқомат қилган ҳиндулар қабиласи. Улар гурон қабилалари иттифоқни билан кураш олиб борган қудратли қабилалар иттифоқини тузганлар, Делаварлар аксар ҳолларда инглизларга иттифоқдош бўлиб курашганлар.



туришибди. Биз бўлсак сиз билан кўл бўйидагина учрашсак керак деб ўйлагандик.

— Мен йўл бошловчиларингиз бошқа, хийла ишончлироқ ҳинду бўлишини истардим, — деди Изқувар, — ўз отабоболарининг қабрларидан анча-мунча олислаб кетган тускарорларни кўпдаям ёқтирмайман. Ароухед — шуҳратпа-раст. Саратон Шабнами-чи, у билан биргами?

— Ҳа, у ҳам биз билан бирга. Қандай ювош, вафодор аёл-а!

— Бунинг устига оққўнгил ҳам. Ароухед хусусида эса асло бундай деб бўлмайди. Токи ҳаёт сўқмоқларини ора-лаб борар эканмиз, начора, кўп нарсага чидашимизга тўғ-ри келади. Негаки, томирида делаварларга оналик қила оладиган қабиладан кўра уларга ғирт душман бўлмиш минглар қони оқаётган бўлса-да, тускарордан ҳам баттар-роқ йўл бошловчига учрашларинг мумкин эди.

— Ундай бўлса, сизни учратганимиз бахтимизнинг чоп-ганидир балки? — деди Мабель.

— Ҳар ҳолда — бахтингизнинг чопгани эмас, чунки мен сержантга, бунинг эвазига жонимдан ажралган чоғимда-ям, қизини гарнизонга эсон-омон етказишга ваъда берган-ман. Сизларни биз қайиғимизни ташлаб келган шалолага етиб бормасларингдан бурунроқ учратиш умидида эдик. Мен, мабодо бир неча миля олдинга қараб юрсак ҳеч қан-дай фалокат юз бермаса керак, деган қарорга келдим, ма-на, яхши қилган эканман, нега деганингизда, Ароухеднинг қайиқни шалоладан олиб ўтиши амримаҳол эди-ёв.

— Ана, тоғам билан тускарор буёққа келишяпти.

Бу орада суҳбат тинчу осойишта кечаётганини кўрган Кап билан Ароухед уларга томон яқинлаб келаверишди. Қиз ўзи билиб олган нарсаларни икки оғизгина қилиб га-пириб берди уларга. Кейин ҳаммалари биргалашиб гул-хан ёнида ўлтирган икки эркак ёнига келишди.

ИККИНЧИ БОБ

Могикан овқатланишни давом эттираверди, иккинчи оқ танли эса ўрнидан туриб, Мабелга эҳтироми юзасидан шляпасини бошидан олди. У навқирон, кучга тўлган ва мардона қиёфали йигит эди. Гарчанд унинг эғнида Кап-нинг устидаги каби батамом денгизчилар либоси бўлмаса ҳамки, ҳар қалай, энгил-боши сувга алсқадор одамлигини айтиб турарди. У замонларда асл денгизчилар бўлак касб-кордаги одамлардан мутлақо ажралиб турадиган алоҳида

бир синфни ташкил қилардилар; туркнинг тушунчаси, нутқи ва ўзига хос уст-боши унинг мусулмон эканини қанчалик ойдин-ошкора айтиб турса, буларнинг ҳам тушунчаси, тили, кийими — жами касб-корини шунчалик яққол намоён этиб турарди. Изқувар ҳали унчалик кексайган бўлмаса ҳам, Мабель уни бамайлихотир қарши олганди, бунинг боиси, афтидан, у билан суҳбат қуришга олдиндан ҳозирланганида эди, бироқ нигоҳи гулхан олдида ўлтирган йигитнинг нигоҳи билан тўқнашганида кўзлари ер сузиб қолди; унинг дилига ғулғула солган нарсаси, наздида, йигитнинг кўзларида чақнаб ўтган ҳайрат ёлқини бўлди. Дарҳақиқат, улар бир-бирларини қизиқтирмасликлари мумкин эмасди: икковлари ҳам навқирон, зебо ва ҳар икковлари учун ҳам тамоман янги бир ҳолату вазиятда қолгандилар шу топда.

— Мана, — деди Изқувар меҳрибонона табассум-ла Мабельга мурожаат қилиб, — мана булар отангиз сизни қарши олгани жўнатган дўстлари. Манави ҳаётида бошидан қанчалик беҳисобу бесаноқ кулфатларни кечирган бўлса, ўшанчалик беадад шуҳрат орттирган улуғ делавар. Унинг ҳиндуча исми қабила сардорига бағоят муносиб; лекин ўрганмаган одам учун ҳинду тили осонликча бўй бермайди, шу боисдан ҳам биз унинг исмини инглизчага ағдариб, Улкан Илон деб атаймиз. Бу — қизил танли учун эп кўрилганидан ортиқроқ айёрлик қилгани учун шундай ном олган дегани эмас: йўқ, бу исми унинг донолигини, жангчи учун зарур бўлган жамки ҳийлаю муғамбирликларни билишини англатади. Нима демоқчи эканимни, мана, Ароухед тушуниб турибди.

Бу пайтда ҳар иккала ҳинду бир-бирларига диққат-латилиб туришарди.

Кейин тускарор могоканга яқинлашиб, у билан дўстона суҳбатга киришди чамаси.

— Мистер Қап, хилват ўрмонда икки қизил танлининг бир-бири билан омонлашини кўриш ниҳоятда кўнглили мен учун, — сўзини давом эттирди Изқувар. — Бу ҳол океanning қоқ киндигида учрашиб қолган икки дўст кеманинг бир-бирини садо бериб қутлашига ўхшайди. Э-ҳа, сувни тилга олиб навқирон дўстим Жаспер Уэстерн ёдимга тушиб қолди-ку. Мана у. Йигит бунақанги ишларда унчамунча нарсанинг фарқига боради, негаки у бутун умрини Онтариода ўтказган.

— Сиз билан кўришганимдан ғоятда хурсандман, дўстим, — деди Қап ёш денгизчининг қўлини қувонч-ла қисаркан, — гарчандики биз ўтаган мактабни ҳисобга олганда

ҳали кўп нарсани ўрганишингиз даркор бўлса ҳам, бари бир хурсандман. Бу менинг жияним Мабель; мен уни ўзи ҳаёлига ҳам келтирмаган сабабга кўра Магнит деб атаيمان, сиз эса, мабодо компас нималигининг фаҳмига етадиган бўлсангиз, тушуниб оларсиз буни балки.

— Бунинг сабабини англаш осон гап, — деди йигит тиниқ қора кўзларини қизнинг дув қизарган бетига қадаркан, — аминманки, сизнинг магнитингизга суянган сузувчи ҳеч қачон саёзликка ўтириб қолмайди.

— А-а! Кўриб турибманки, сиз унча-мунча атамаларни биларкансиз ва жуда ўрнида қотириб ишлатаркансиз, илло, шунга қарамай, сиз мовийдан кўра кўпроқ кўк сувни кўргандирсиз-ов, деб чўчиб турибман.

— Башарти бизлар гоҳо денгизчиларга хос бўлмаган ифодаларни ишлатар эканмиз, бунинг ҳайрон бўладиган жойи йўқ, чунки қуруқликни сурункасига бир кеча-кундуздан ортиқроқ кўздан қочирадиган пайтларимиз камдан-кам бўлади.

— Буниси чакки иш, йигит, чакки! Денгизчини қуруқлик қанчалик камроқ қуршаб турса, шунчалик яхши! Илло, жаноб Уэстерн, фикри ожизимча, ўша кўлингизнинг теграсида, турган гапки, бирмунча қуруқлик ястаниб ётади-ёв.

— Тоғажон, океаннинг теварагида худди ўшандай «бир-мунча қуруқлик» ястланиб ётмас эканми? — эътироз билдирди Мабель тезгина.

— Ундай эмас, қизалоғим, аксинча: океаннинг ўзи маълум даражада ерни қуршаб туради... Каминалари қуруқликда яшайдиганларга ҳамиша шундай деб келадилар, йигитча. Улар ўзлари денгизнинг қоқ ўртасида яшайдилар-у, сувнинг қуруқликдан чандон бора қудратлироқ ҳамда бепоёнроқ эканлигини ҳатто хоб-хотирларига ҳам келтирмайдилар десак бўлади. Бу дунёнинг ишлари ўзи шунақа! Умри бино бўлиб шўр сувни кўрмаган бир хил тентак уни Горн бурунини¹ айланиб ўтган одамдан кўра яхшироқ биладан деб хаёл қилади. Йўқ-йўқ, бу ер — оролдай бир гап.

Тез-тез океанда сузишни орзу қилиб турадиган ёш Уэстерн денгизчига ниқбатан чуқур ҳурмат ҳиссини туя бошлади. Шунга қарамай у, табиийки, шу кунга қадар ўзи умр кечирган ва кўзига сўлиму гўзалликда ҳеч ердан кам жойи бўлмаган улугвор сув яланглигига меҳр қўйган, унинг мафтуни эди.

¹ Горн буруни — Американинг Оловли Ер архипелагининг чекка оролидаги энг жанубий буруни.

— Сиз айтаётган гаплар, — деди у камсуқумлик ила, — эҳтимол, Атлантика океанига нисбатан ҳақ гаплардир, аммо бу ерда, Онтариода, қуруқликка ҳурматимиз баланд.

— Ер ҳамиша кўз олдиларингда бўлгани сабабидан шундай, — дея қаршилик билдирди Кап астойдил кулиб. — Илло, ана Изқувар деб аталгувчи ошнаимиз ҳовур чиқиб турган таомни келтиряпти ва бизни ундан тотинишга таклиф этяпти; тан оламан, денгизда илвасинни тополмайсан. Жаноб Уэстерн, сизнинг ёшингизда ёшгина қизга ғамхўрона мулозамат қилиш кемада сигнал байроқчалари тизгинидан тортишдай бир гап, хулласи калом, токи камина Изқувар ва ҳинду дўстларимиз билан бирга тамадди қилар эканман, сиз мабодо унинг стакани ҳамда тақсимчасига кўзқулоқ бўлиб турсангиз, шубҳам йўқки, бу нарса жиянимга ҳаловат бахш этади.

Шундай қилиб, Жаспер Уэстерн Мабелга ғамхўрлик қилишга киришди. У қизга курси ўрнига тўнғакни суриб берди, илвасиннинг энг лаззатли жойидан бир бўлак тутқазиб, стаканини зилол булоқ сувига тўлатди. У ўзи хушмуомалалигу сиполик ила кўрсатаётган ғамхўрлиги шарофати билан қизда янада кучлироқ таассурот қолдирди. Уэстерн ҳаёти аёллар даврасидан олисда кечган аксарият кишилар сингари самимий, очиққўнғил ҳамда хушфёъл эди. Унинг хатти-ҳаракатларида назокат етишмаётган бўлса-да, ҳар қалай, бўлак жозибатор фазилат, ёшларга хос соддалигу одмилик акс этиб турарди.

Ҳиндулар сас-садосиз ўз юмушлари билан банд эдилар: туб америкаликларнинг иштаҳаси карнай кўринарди. Икки оқ танли эса сўзамолроқ чиқиб қолишди, улардан ҳар қайсиси буюму нарсаларга нисбатан ўз нуқтаи назарини қаттиқ ҳимоя қиларди.

— Сиз, мистер Изқувар, ўз турмуш тарзингиздан мамнунсиз, албатта, — сўзини давом эттирди Кап, сайёҳлар очиққан нафслари қониб, энди тузукроқ ҳамда селавалироқ бўлакларни танлай бошлаган бир пайтда. — Сизларнинг ҳаётларингда биз денгизчилар ҳам ёқтирадиган талай нарсалар учраб туради, илло бизнинг бор бисотимиз — сув бўлса, сизларники — қуруқлик.

— Саёҳату сафарларимиз чоғида бизга ҳам худди шундай сув учраб туради, — эътироз билдирди унинг оқ танли суҳбатдоши; — биз, чегара истиқоматчилари, эшкак билан балиқ тутғич чангакини мисоли милтиғу овчи пичоғидай ишлатишни уддалаймиз.

— Шундай... Илло реяларни¹ маҳкамлашу созлаш, лот-ни² жиловлаш, рул чамбарини бошқариш, сиртмоқли арқон³ ва бўлак арқонларни ишлатишнинг уддасидан чиқа ола-сизми? Эшкак — шак-шубҳасиз, қайиқда яхши иш беради, аммо-лекин кемада ундан нима фойда?

— Мен ҳар қандай касби-корни ҳурмат қиламан ва бу нарсаларнинг жамикиси фойдали эканчга ишонаман. Кимки менга ўхшаб кўплаб қабилалар орасида яшаган бўлса, ўша расм-русмларнинг тафовутини билади. Мингларнинг ўзла-рини ранглар билан бўяшлари делаварларникига мутла-қо ўхшамайди, инчунун, кимки жангчини сквау либосида кўришни кутадиган бўлса, у қаттиқ янглишган бўларди. Мен ҳали қариганимча йўқку-я, локин ўрмонларда яшаб, инсон табиати билан бирмунча ошно бўлиб қолганман. Мен ҳеч қачон шаҳар аҳлининг билимига жудаям ишона-верган эмасман: шу пайтгача у ерда бирор марта милтиқ-дан мўлжалга аниқ урадиган ёки ўрмонда бирор изни топа оладиган ўткир кўзли одамни учратган эмасман.

— Мен ҳам айнан шундай фикрдаман, мистер Изқувар. Кўча-кўйда санғиш ва якшанба кунлари черковга бориб, ваъз эшитиш билан одам бўлиб қолмайсан. Борди-ю ёш йигитнинг кўзини очмоқчи бўлсангиз, уни океанга жўна-тинг, токи у бошқа миллату элатларни ёки каминанинг ти-ли билан айтадиган бўлсак, табиат юзи-қиёфасини кўрсин. Мана масалан, менинг кўёвим, сержант: бўлак қоқнон ке-мирадиганлардан — ўз андозасига қараб, албатта, — тир-ноқчалик кам жойи йўқ ажойиб йигит-у, илло ўзи ким бўл-ди денг? Бор-йўғи битта аскар, вассалом! Рост, сержант ўзи... хўш, ҳалиги, лекин бу деярли оддий аскар де-ган гап-ку ахир, ўзингиз ҳам биласиз буни. Синглимга киши қўйганида бурчим юзасидан шўрлик Брижетга унинг нархи неча пуллигию нима каромат кўрсата олишини ту-шунтирганман: илло севги касофатидан эс-ҳушидан айри-лаёзган қизларнинг аҳволи-руҳияси қандай бўлишини би-ласиз-ку, ахир! Тўғри, айтишларича, у ҳозир қалъада кат-та одаммиш; аммо бечора хотини бу кунларни кўролмади: оламдан ўтганига ўн тўрт йил бўлди.

— Аскарлик унвони, агар у адолат томонида туриб ку-

¹ Рея — мачтадаги тўғри (чорси) елканлар маҳкамланадиган кўн-даланг ёғоч.

² Лот — чуқурликни ўлчайдиган ва денгиз тубидаги ернинг наму-насини оладиган асбоб.

³ Сиртмоқли арқон — кемага юк ортишда ишлатиладиган сиртмоқли йўғон арқон.

рашсагина ҳалол, пок унвон, — эътироз билдирди Изқувар, — модомики французлар доимо айбдор бўлиб келган эканлар, кафолат бераманки, сержантни ҳам виждони хотиржам, ҳам феъл-атвори жойида. Гарчандики мен ҳамиша ҳинду сингари эмас, оқ танлига хос тарзда жанг қилиш лозим деган қондага амал қилсам-да, ҳар қалай, ҳеч қачон минглар билан бўлган жангдан кейин ухлаганимдек ширин, мириқиб ухламаганман. Ҳа, ҳиндулар хусусида гап очдим, бунга мисол қилиб, мана, Илонни олайлик, унинг ўз одат-таомили, мени эса ўзимники бор; шунга қарамай иккаламиз талай йиллар мобайнида елкама-елка курашиб келдик, лекигин бирон марта бир-бировимизнинг қилиғу одатимиз хусусида ёмон фикрга бормадик. Мен унга айтаманки, ўша сенинг жамики афсоналарингда айтилганининг аксича фақат битта осмону битта дўзах бор-у, бироқ унисига ҳам, бунисига ҳам очиб борадиган йўлу сўқмоқлар кўп, дейман.

— Гўппа-гўғри! Ақлди гап бу, илло, камина дўзахга элтадиган сўқмоқларнинг кўпчилиғи қуруқликда бўлса керак деб ўйласам ҳамки, у сизнинг сузингизга инонмоғи даркор. Денгиз шўрлик синглим Брижет айтганидек аърофдир, баски, соҳилни кўздан йўқотган кимса васвасага солғувчи гуноҳ йўлидан йироқдир. Дарвоқе, бу ҳикматни сизларнинг кўлларингизга нисбатан қўллаб бўлмаса керак-ов.

— Шаҳару кентлар гуноҳга бошлайди дейилган гапга қўшиламан, лекин бизнинг кўллар ўрмонлар билан қуршалган, бу эса ибодат қилиш учун энг аъло ибодатгоҳдир. Яна шу фикрга ҳам қўшиламанки, одамлар ҳамиша, ҳатто саҳрода ҳам бир хилда бўлавермайдилар: минг билан делавар орасидаги тафовут қуёш билан ой орасидаги фарқчалик очиқ-равшан, — деди Изқувар. — Буёғи қандай бўлмасин, дўстим Кап, учрашганимиздан хурсандман, ақалли Улкан Илонга суви шўр кўллар борлигини айтганингизни ўзигаёқ шодман.

— На Ароухед, на Илон бунга заррача шубҳа қилмасликлари лозим, ўзимга келганда эса, тан оламан, ички денгизлар, устига-устак, чучук сули денгизлар бор деган гапни ҳазм қилишим маҳол. Мен ушбу олис сафарга ана шунини ўз кўзим билан кўриб, қанчалик ишонч ҳосил қилиш иштиёқида чиққан бўлсам, сержант билан Магнитга худди ўшанчалик хизмат қилиш истагида отланганман, зотан сержант синглимнинг эри, Магнитни эса ўз қизимдан ортиқ севаман, ахир.

— Биз атрофимизни қуршаган табиат бойликлари билан кўпам фахрланавермаймиз, — нутқини давом эттирди

Изқувар андак дам сақлагач, — шу нарсани яхши биламизки, тоғда ва денгиз яқинида турадиганлар...

— Денгизда, — унинг гапини бўлди Қап.

— Шунга истасангиз, дўстим, денгизда бўла қолсин, ана ўшалар биз саҳройиларда йўқ афзалликларга эгалар. Аммо-лекин бизнинг ўз иқтидоримиз, на шуҳратпарастлик, на мактанчоқлик соя ташлай олган табиий лаёқатимиз бор. Менинг лаёқатим — бу ўқ узиш ва изни излаб топиш, овчи билан синчи-изловчи маҳорати. Гарчанд мен балиқ овлайдиган чангак билан эшкакни ишлатишдан хабардор бўлсам ҳам, бу билан фахрлана олмайман. Мана, масалан, сержантнинг қизи билан суҳбатлашаётган навқирон Жаспернинг миждози бошқача: уни сувда мисоли балиқ бўлиб кетади дейиш мумкин. Шимолий соҳилдаги ҳиндулар ва французлар уни ана шу истеъдоди учун Чучук Сув деб атайдилар. Ўрмон сўқмоқларида қаланган гулхандан кўра эшкак ҳамда қайиқ анжомлари кўпроқ ошно унга.

— Дарвоқе, гапингиз ҳақ чоғи: сиз айтаётган ишу юмушларда ҳам лаёқатга эга бўлиш зарурга ўхшайди, — деди Қап. — Мана шу оловни ўзиёқ, тан оламанки, менинг кемачилик бобидаги бор билимларимни оёғини осмондан келтириб юборди. Ароухед гулханларингдан кўтарилаётган тутунни оқ танлиларнинг оловидан чиқяпти, деди, бу эса шунақанги истеъдодки, уни кемани зимистон тунда бошқариш санъати билан баб-баравар қўйса бўлади.

— Бунинг ҳеч қанақанги қийин жойи йўқ, — эътироз билдирди изқувар шўхчан, аммо одатий эҳтиёткорлигидан деярли унсиз кулиб. — Вақтини табиат бағрида ўтказувчи бизга ўхшаган одамлар учун унинг сабоқларини ўқиб-ўрганишдан осон иш борақанми. Из қидириб ёки маълумот тўплаб ўрмон оралаб кезар эканмиз, бунақанги майда нарсаларни ажратиб-билиб оладиган маҳоратимиз бўлмаса манави бефойда тўнкалардан нима фарқимиз қоларди. Чучук Сув — биз шундай атаймиз уни — ўша сувини шунчалик яхши кўрганидан гулханга, оёғи тагида қанчадан-қанча қоқ-қуруқ шох сочилиб ётганига қарамай, иккита ёки учта кўм-кўк шаббани ташлаганиди; ҳўл ўтиндан эса қора тутун чиқади, буни сиз денгизчилар ўзларингиз ҳам биласизлар. Кўпдаям мушкул ери йўқ-ку буни, ахир!

— Модомики шунчалик арзимас тафовутни фарқлай олибдими, демак, Ароухеднинг кўзи жудаган ўткир экан.

— Акс ҳолда у ёмон ҳинду бўларди. Ҳозир уруш пайти, шу боисдан ҳам бирортаям ҳинду ўзининг жамики сезгилари — кўзини ўткир, қулоғини динг қилмай туриб йўлга чиқмайди асло. Ўрмон илмининг барча соҳалари билан

етарлича танишгунимча талай йиллар ўтиб кетди, зероки қизил танлиларнинг билимини оқ танлилар осонликча ўзлаштиролмаганларидек, ўйлайманки, оқ танлилар билимини қизил танлиларнинг ўрганиши ҳам осон эмас. Айтмоқчи, ҳаётимнинг кўп қисми ўрмонда кечганидан шаҳар ҳаётини мен ўзим ҳам тузук-қуруқ билмайман.

— Мистер Изқувар, сиз жуда яхши уқиб-ўрганибсиз! Бу нарсаларнинг барчасини ниҳоятда пухта билар экансиз. Илло, фикримча, денгизда тарбия топган одам учун, башарти унда майл-истак уйғонса, бу икир-чикир нарсаларнинг жамини ўрганиб олиш ҳеч гап эмас.

— Менга қолса, асло бундай демаган бўлардим. Оқ танли одамнинг қизил танлиларнинг удумига, қизил танлиларнинг эса оқ танлиларнинг таомилига мослашиши амримаҳол.

— Жаҳонни кезиб чиққан биз денгизчилар эса хитойнинг ҳам, голланднинг ҳам табиатию мижози битта деймиз. Бунга имоним комил, бинобарин, ҳаммаларининг олтин-кумушни яхши кўришларини, одамларнинг аксарияти тамакини ёқтиришини ўз кўзим билан кўрганман.

— Қизил танлиларни сиз денгизкезарлар қанчалик кам биласизлар-а! Уша хитойларингиздан бирортаси атрофини ўту олов қуршаб, ажал нақ бошарасига тикилиб турган дамда ўз жанговар қўшиғини айтганини кўрганмисиз сира? Токи менга ўшанақанги бирорта хитой ёхуд христианны топиб бера олмас экансиз, қизил танлининг табиатию феъл-атворига эга бўлган (борингки у қиёфасидан ҳар қанча довурак кўринса ва босмадан чиққан жамики китобни ўқишни қотирса ҳамки) оқ танлини рўпара қилолмайсиз менга!

— Бунақанги дўзахи ҳангомани фақат ёввойиларгина қилиши мумкин бир-бировига! — хитоб этди Кап дарахтзорлар ташкил этган поёни йўқ яшил гумбазларга хавотир-ланигоҳ ташлаб кўяр экан. — Оқ танли одамни ҳеч қачон бунақанги қийноққа ҳукм этмаганлар.

— Бу хусусда яна хато қиялсиз, — қаршилиқ билдирди Изқувар, бамайлихотир мойлироқ эт бўлагини олаётиб. — Гарчандки бунақанги азобга фақат қизил танлининггина вужуди-танаси дош бера олса-да, ҳар қалай, оқ танли ҳам бундай қийноққа дучор бўлиши мумкин, бот-бот дучор бўлиб ҳам туради.

— Бахтимизга, — деди Кап овозига дадиллик тусини беришга беҳуда уриниб, — ҳазрати олийларининг иттифоқдошларидан ҳеч бири Буюк Британиянинг ҳалол фуқаро-

сидан бирор кимсани бунақанги шафқатсизона жазога муб- тало этишга журъат қилолмаса керак. Мен қирол флотиди қисқа муддат хизмат қилганман, бу ҳақиқат, илло, ҳар ҳолда хизмат қилганман, ушбунинг унча-мунча маъноси бор чиқар, ахир. Корсар хизматига келганда-ку — душман- нинг кемасига ташланиб, бутун юклари билан қўлга туши- риш — бу иш рози кетган каминаларидан. Илло умид қила- манким, кўлнинг бу соҳилларида французларга иттифоқчи ваҳшийлар йўқдир; устига-устак сиз, наздимда, Онтарио- ни ниҳоятда катта дедингиз чоғи?

— Шундай, бизнинг . назаримизда у каттаку-я, — дея эътироз билдирди Изқувар офтобда қорайиб, шамолда нақ ловиллаб кетадигандек қизарган бетига қалққан табассумни яширишга уринмай, — аммо, ўйлайманки, у баъзиларга тор кўриниши мумкин. Душмандан олисроқда бўлиш за- рурати туғилган пайтларда Онтарио ҳақиқатан кўпдаям кенгу бепоен кўринмайди. Мабодо душман кўлни сузиб ўтишга журъат этолмаса, уни осонгина айланиб ўтиши мум- кин.

— А-ҳа. Мана сизларнинг ўша лаънати чучук сувли ҳал- қобларинг! — тўнғиллади Кап ва ўзининг ноўрин гапидан афсусланаётгандек қаттиқ-қаттиқ йўталди. — Бирорта қа- роқчи ёки оддий кеманинг Атлантика океанини бир чети- дан нариги бошигача сузиб айланиб чиққанини ҳеч зор эшитган эмас.

— Балки океаннинг четию поёни йўқдир?

— На поёни, на четию на туби бор. Атлантика океани- нинг бирор соҳилига бамисоли кемадай маҳкам боғланган халқнинг қарши томонда лангар ташлаб турган бошқа халқдан — фақат у ердагилар кема ясашни билмасаларги- на — чўчишининг асло ҳожати йўқ. Ҳа-ҳа, Атлантика соҳи- лида яшайдиган халқ на ўз териси, на бош териси учун зар- рача хавотирда бўлади! Бу ўлкаларда одам эрта билан турганида бошидаги сочи бир туки ҳам тўкилмай туража- гига қаттиқ ишониб ётади тўшагига... башарти, бошидаги ясама соч бўлмаса, албатта...

— Аммо-лекин, бу ерда ундоқмас. Сулув қизгинани чў- читмаслик учун (гарчи у, биз атагандек, Чучук Сувнинг гапига вужуди билан қулоқ солаётган кўринса-да) мен икир-чикиригача сўзлаб ўтирмайман. Хавф-хатарларга ўр- ганиб кетган бўлмаганимда борми, айнан шундай пайтда атроф-теваракда шундай аҳвол-вазият ҳукм суриб турган бир чоғда, ҳозир турган еримиз билан гарнизон оралиғида- ги масофани босиб ўтиш учун йўлга чиқишимизни ўзини телбалик деб ҳисоблашим тайин эди. Ҳозирда Онтарионинг

нариги соҳилларида қанча ирокезлар бўлса, бу бетида ҳам ўшанча бор улар. Ана шунинг учун ҳам, дўстим Кап, сержант биздан сизларнинг истиқболингизга чиқишимизни ва уёққа кузатиб қўйишимизни илтимос қилди.

— Қанақасига? Наҳотки ўша ярамаслар ҳазрати олийлари истеҳкомдаги замбаракларнинг шундоқ тумшуққинасида изғиб юришган бўлса?

— Овчи яқингина ерда бўлишига қарамай, қузғунлар буғунинг ўлиги тепасида ғужғон ўйнамайдиларми, ахир? Уларнинг буёқларгача изғиб келишларини ҳеч қанақанги қийин жойи йўқ. Қалъа-истеҳком ва манзилгоҳлар орасида оқ танлилар қатнашади, ҳиндулар бўлса уларнинг изларидан изғишади. Ўша ярамасларнинг хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиш ниятида Илон анҳорнинг бир бетидан, мен бўлсам иккинчи ёқасидан келдик. Жаспер бўлса бир ўзи қайиқда сузиб келди. Бекорга жасур кемачи эмас-да, ахир. Сержант унга қизи тўғрисида, нуридийдасини қандай яхши кўриши, боласининг қанчалик мўмин-қобиллигию ёқимтойлиги ҳақида кўзларида ёш йилтиллаб сўзлаб берганида, йигит биз билан бирга йўлга чиқиш уёқда турсин, нақ қуруқ қўл билан минглар қароргоҳига бостириб киришга ҳам тайёр эди!

— Раҳмат унга, раҳмат! Бундай жонфидалик мақтовга лойиқ; ўйлайманки, бу оқкўнгил йигит у қадар катта хавф-хатарга йўлиқмагандир-а?

— Фақат қайиқни анҳорнинг қиялама тезоқар жойидан ўтказаётганида, иннайкейин, гирдобдан кўз узмай бурунни айланиб ўтаётганида ўққа учраши хавфи бор эди, холос. Жамики саёҳатлар ичида энг хатарлиси — тузоғу пистирмалар қуршовидаги сувдан юриш; фикримча, Жаспер худди шундай хавф остида эди.

— Бу жин ургур сержант нима қилиб мени шунақанги хатарли йўлдан юз эллик миля масофани босиб ўтишга мажбур қилиб ўтирибди унда? Менга очиқ денгизни, рўпарамга душманни қўйиб беринг, истаганича бир гурпаклашиб, у билан хоҳласа узоқдан туриб, хоҳласа кемамни кемамни тақаб олишай; илло уйқуга кетган бир қуш мисоли ўққа учиб — бу каминанинг дидига тўғри келмайди. Агарда Магнит бўлмаганидами, ҳозироқ кемамни бурардим-у, орқага, Йоркка қараб йўлга тушардим. Онтарио бўлса — суви чучукми ёки шўрми, бунга ўзи ҳал қилаверсин эди.

— Бундан наф камроқ бўларди, денгизчи дўстим! Орқага қайтадиган йўл қайтанга узоқроқ, кейин, хавф-хатари ҳам деярли олға юрилгандагидан кам эмас. Бизга ишонаве-

ринг, сизни эсон-омон манзилга етказамиз ёки бош теримизни ҳиндуларга совға қиламиз.

Кап одатда орқадаги сочини тигиз-пишиқ қилиб ўриб, устидан илонбалиқ терисини сириб оларди, бошининг тепаси сўлса деярли тап-тақир эди; ҳаммаси жойидамикин дегандай у ҳозир бенхтиёр кокили ва тепакалини қўли билан сийпаб қўйди. Аслини олганда, у қўрқоқлардан эмасди, кейин десангиз, бот-бот ажалнинг башарасига бамайлихотир тикилган ҳоллари ҳам бўлиб турарди. Аммо у ажални суҳбатдоши шунчалик қисқагина ҳамда таъсирли қилиб таърифлаб берган даҳшатли қиёфада кўрмаганди ҳеч қачон. Орқага чекинишни ўйлаш учун фурсат ўтганди, шу боисдан ҳам Кап, гарчи шундай мушкул аҳволда қолдирган сержантни нчида сўкиб қўйишдан ўзини тиёлмаган бўлса-да, дадил олға боқишга аҳд қилди.

— Мистер Изқувар, кемамиз бандаргоҳга соғ-саломат етиб боражамга шубҳам йўқ. Қалъага етишимизга кўп борми ўзи?

— Ун беш милядан сал кўпроқ; анҳор тез оқади, агар минглар халал беришмаса, жадал илгарилиб кетамиз.

— Хў-ўш деганингиздан, турган гапки, худди ҳозиргача бўлганидай, штирбортда ҳам, бакбортда¹ ҳам ўрмон чўзилиб бораверса кераг-а?

— Нима дедингиз?

— Мен, йўлимиз мана шу лаънати дарахтзорлар оралаб бораверадими, деяпман.

— Йўқ-йўқ, сизлар қайиқда борасизлар, Освегони² эса қўшинлар кўчиб-оқиб юрадиган дов-дарахтлардан тозаланганлар. Қайиқ оқим бўйлаб сузади, дарё эса жуда тезоқар.

— Саёзликларни ёки қояларни айланиб ўтаётганимизда ўша минглар ёки алланима бало деб атаётганларингизнинг бизни ўққа тутишларига нима халал бера олади?

— Мистер Кап, Улкан Илоннинг бошига бир назар ташланг-а, Чап қулоғи олдидаги тиг изини кўряпсизми? Манави миля узун қуролдан узилган ўққина унинг бош терисини асраб қолган. Пичоқ аллақачон ўз ишини бошлаб юборганди, тагин ярим дақиқа қўйиб берилганида сочидан айрилиб қолиши тайин эди. Тасодиф мени айнан қотиллик содир бўлаётган ерга етаклаб борди-ю, мен ўша заҳотиёқ тутунга қараб хатарни дарҳол англаб олдим. Албатта, томагавк³ дўстингнинг боши тепасида ўйнаб турганида калланг ҳам шитоб-ла ишлайди, ўзинг ҳам жадал ҳаракат қи-

¹ Штирборт — ўнг томон; бакборт — сўл томон.

² Освего — Онтарио кўлига қуйиладиган дарё.

³ Томагавк — ҳиндуларнинг жанговар болтаси.

ласан. Мен худди шу қаблда иш тутдим; йўқса Улкан Илоннинг руҳи аллақачонлар ота-боболарининг жаннатмаво ўлкасида ов қилиб юрган бўлармиди.

— Бас-бас, етар, Изқувар! Бу ҳақда гап сотиш — кема тумшуғидан қуйруғигача йиртилиб кетганини кўриб тургандан ҳам баттарроқ; кун охирлаб боряпти, шунинг учун ҳам сиз айтаётган ўша дәрёдан қуйига қараб сузганимиз маъқулмиди... Магнит, йўлга чиқишга тайёрмисан?

Мабель бир чўчиб тушди, қип-қизариб, йиғиштирина бошлади. Кап билан Изқуварнинг орасида бўлиб ўтган суҳбатдан ақалли ярим оғиз гап ҳам кирмаганди унинг қулоғига, зотан Чучук Сув саёҳлар бораётган, ростки, ҳали олисда бўлган бандаргоҳнинг таъриф тавсифи, қиз ёш болалик даврларидан буён кўрмаган отаси ҳақидаги, кейин, чегара минтақасидаги горнизонларнинг ҳаёти тўғрисидаги ҳикоялар билан бутун хаёлини банд этганди. Йўл тадориги бу суҳбатга нуқта қўйди, йўл бошловчиларнинг юклари чоққина эканлиги туфайлидан эса бир неча дақиқа орасида ҳаммалари йўлга тушишга тап-тайёр эдилар. Аммо Изқувар тўсатдан, ҳамма дўстларини ҳайрон қолдириб, гулхан иложи борича кўпроқ ва қоп-қора тутун таратсин учун бир қанча шабба териб — ичида бир хиллари мутлақо кўм-кўк эди — оловга ташлади.

— Агарда ўз изингни яширишни уддалай олсанг, Жаспер,— деди у,— у чоғда кўниб ўтган манзилингдан тутун зарар ўрнига наф келтириши мумкин. Мабодо биз турган жойдан ўн миля атрофда минглар бўлишса, шубҳасизки, улардан баъзи бировлари бирорта тепалик ёки дарахт устида қаердак тутун чиқади деб кузатаётибди шу топда; шундсқ экан, майли, улар бу тутунни кўриб, шубҳа меҳмондорчиликка келазеришсин.

— Борди-ю улар изимизга тушиб қолишса-чи?—деб сўради йигит, эндиликда, Мабель билан учрашганидан сўнг хавф чандон бора даҳшатлироқ кўрина бошлаганди унга. — Дарё томонга қараб орқамизда энли сўқмоқ очилиб қолади-ку...

— Қаңчалик кенг бўлса, шунчалик яхши, ўша ерга етиб келган пайтларида уларни чалғитишимиз, минглардан кўра усталик қилиб, қайиқ оқим бўйлаб кетганми ёки юқоригами, бунни билдирмаслигимиз керак. Фақат сувгина изни бутунлай ювиб кетиши мумкин, минглар шаршара ортидаги изимизни пайқагач, шу тутунга қараб келишади, сўнгра эса, ўз-ўзидан тушунарлики, ростки биз юқорига қараб сузиб келган эканмиз, яна ўша ёққа сузишда давом этишяпти, деб ўйлашади. Борди-ю уларни унча-мунча нарса-

дан хабардор дейдиган бўлсак, қалъадан бир неча киши чиқиб кетганимизнигина билишлари мумкин, холос. Бош теримизни хавф остига қўйиб, шу куннинг ўзидаёқ яна орқага қайтиш учунгина бу ерга сафар қилишдан қандай ҳаловат топишимизни минг икки дунёдаям англаб етолмайди.

— Бу табиий, — қўшимча қилди Жаспер, — сержантнинг қизи тўғрисида уларнинг бирон гапни билишлари даргумон, сабабки, унинг келиши мутлақо сир тutilган.

— Бу ерга келиб ҳам ҳеч нимани билишолмайди, — дея жавоб қилди Изқувар; шунда ҳамроҳлари унинг Мабелнинг жажжи оёқчаси барглар устида қолдирган жамики излари устидан ғайрату ҳафсала билан бир-бир босиб чиқаётганини кўришди. — Дарвоқе, бу шўр сувдан чиққан қари балиқ жиянини очиқ ялангликларнинг энию бўйига қараб бамисоли буғи боласидек эргаштириб юргандир балки! Менга қара, Жаспер, — сўзини давом эттирди Изқувар ўзининг босинқи кулгиси билан, — мабодо унинг тиғи тобини бир синаб кўрсаг-у, шаршарадан кечишга мажбур қилсак-чи, қандоқ бўларкин?

— Унда сулув жияни нима бўлади?

— Ҳеч нима! Унга ҳеч нима бўлмайди; у пиёдалаб бераверади, сен билан биз бўлсак бу Атлантика денгизчисини имтиҳондан ўтказамиз, ана шунда икки томонлама танишиш қисқачагина битади-қўяди. Қани, бир кўрайлик-чи, қуроли жангга шаймикин, иннайкейин десанг, у ҳам бизнинг чегарадаги аҳвол-шароитимиз таъмидан тотиб кўради.

Навқирон Жаспер кулиб қўйди: у пича кўнгил очишга йўқ демасди, бунинг устига Капнинг такаббуруна панд-насиҳатлари бир оз қитиқ патига текканди; лекин у Мабель хусусида безовталанаётган эди.

— Балки сержантнинг қизини эсхонаси чиқиб кетар? — деди у.

— Агар зигирчалик бўлсаям отасига тортган бўлса, қўрқмайди. Кўринишидан қўрқоққа ўхшамайди. Буёғини менга қўйиб беравер, Чучук Сув, ҳаммасини бир ўзим эплаштираман.

— Йўқ, Изқувар, бўлмайди, сен ўзингни ҳам, Капни ҳам ғарқ қиласан; агар қайиқ шаршарадан ўтказилса, мен бўзсиз унинг ичида бўламан.

— Хўп, сен айтгандай бўлсин. Нимаям дердим, ҳамрозлик чилимини баҳам кўришга келишдиг-а?

Жаспер кулиб, бош ирғади-ю, шундан сўнг бу ҳақда ортиқ оғиз очилмади.

Ниҳоят улар қайиқ ёнига етиб келишди.

УЧИНЧИ БОБ

Маълумки, Онтарионинг жанубий қисмига қуйиладиган дарёларнинг деярли барчаси тор, сустоқар ва чуқур. Баъзи ерларида тез оқаётган ёки сайёз жойлари, гоҳо эса ҳатто пиллапоя-остоналари бор дарёчалар бундан мустасно. Онеида билан Онондаганинг¹ қўшилишидан ҳосил бўлган Освего ана шундай дарёлар жумласидан. У токи табиат ўз қудрати ила бунёд этган дўнглик этагига етиб келиб, ўн ёхуд ўн беш фут² чамасида пастга қуйилгунига қадар адиру тепалар билан қопланган ўлка бўйлаб ўн-ўн беш миля масофани босиб ўтади. Шу ердан бошлаб ниҳоят ўз эҳсону хирожини Онтарио кўлининг улкан сувдонига ҳадя этгувчи дақиқагача унинг чуқур суви сирли-синоатли ҳамда сас-садосиз гунг бир ҳолатда оқиб бораверади. Қап ўз ҳамроҳлари билан Мохаук³даги энг сўнги ҳарбий манзилгоҳ — Стануиск қалъасидан бу ергача сузиб келган қайиқ соҳилда тургани, энгил қайиқни итариб юбориш учун қирғоқда қолган Изқувардан ташқари ҳаммалари унга ўтишди.

— Жаспер, қуйруғини бур! — деди ўрмон истиқоматчиси эшкакни қўлига олиб, дарға ўрнини эгаллаган чучук сувда сузадиган навқирон денгизчига. — Худди орқага қайтиб кетаётгандай қилиб бур! Мабодо анави лаънати минглардан бирортаси изимизни топиб, шу ергача келадиган бўлса, унда бу лой-балчиқдаги аломату белгиларни элак-элак қилиб текширишлари турган гап. Қайиқнинг тумшуги сув оқимига қарши бурилганини кўрганларида, шубҳасизки, улар бизни юқорига қараб сузиб кетган деган қарорга келишлари тайин.

Ушбу буйруқ адо этилди. Бақувват ва чайир Изқувар забардаст қўли билан қайиқни итариб юборди-да, ўзи энгилгина бир сакрашда ҳатто қайиқни салгина чайқатмай ҳам, тумшугига чиқиб олди. Дарёнинг ўртасига етганда Жаспер қайиқни буриб, уни шарпа чиқармай оқимнинг қуйи тарафига қараб бошқара кетди.

Бу — ҳиндулар одатда дарахт қобиғидан ясайдиган қайиқлардан бири эди; ўзининг бағоят энгиллиги ва қулайлиги жиҳатидан бунақанги қайиқлар саёзликларни оралаб, сувда оқиб юрувчи дарахт таналари ва бўлак тў-

¹ Онеида ва Онондага — Освегонинг ирмоқлари.

² Фут — 30,479 см. га баравар келадиган энгил ўлчови.

³ Мохаук — Гудзон дарёсининг ирмоғи, у Олбани шаҳаридан шиб молроқда Гудзонга қуйилади.

сиқларга чап бериб ҳаракат қилишга ниҳоятда бопта келарди.

Қайиқда сузувчиларга тез-тез ичидаги юкни бўшатиб, уни бир неча юз ярдлаб¹ кўтариб боришларига тўғри келиб турарди. Уни битта одам қийналмай, бемалол кўтарса бўларди. Бироқ қайиқ узун ва хийла энига кенг эди. Тажрибасиз одамга унинг қушдай енгиллиги жиддий бир нуқсондай туюлиши мумкин эди. Аммо-лекин у билан қисқа муддатли танишувдан сўнг ҳар қандай хавфсираш барҳам топарди. Мабель билан тоғаси қайиқнинг «инжиқликлари»га шунақанги ўрганиб қолишдики, оқибатда жой-жойларида мутлақо хотиржам ўтирадиган бўлишди. Қайиқ жуда ўхшатиб ясалган эди. Унинг кичик-кичик беламак-қовурғалари тасмалар билан мустақкамланганди, гарчи у кўринишидан нозигу мўртгина ва омонатдек кўринса-да, аслида талайгина оғир юкни кўтара оларди.

Қап қайиқнинг қоқ белидаги пастаккина ўриниқда ўлтирарди; Улкан Илон унинг ёнида тиззалаб туриб олганди; қуйруқдаги илгариги жойини тарк этган Ароухед билан хотини олд томонга ўрнашишганди. Мабель тоғасининг орқасидаги тугунларидан бирига суяниб олганди, Изқувар билан Жасперлар эса — бири тумшукда, иккинчиси қуйруқда — тик турганча, қўлларидаги узун эшаккини «чўлп» этган товуш чиқармай ишлатишарди. Узаро оҳиста, пичирлаб гаплашишарди, зотан ҳаммалари ҳам қалбага яқинлаганлари сари ҳамда эндиликда дарахтлар панасидан чиқиб яйдоқ сув бетида кетаётганлари сабабидан эҳтиёткорлик қанчалик зарур эканини фаҳмлаб турардилар.

Освего бу ерда чуқур, аммо тор бўлиб, қорамтир суви шох-бутоқлари солланиб-солланиб турган, баъзан офтобни деярли тўсиб қўйган дарахтлар орасидан иланг-биланг оқиб борарди. Гоҳи жойларда бирорта ҳайбатли дарахт нақ сув бағирлаб, кўндалангига энгайиб ўсгандики, унинг шох-шаббаларига урилиб кетмаслик учун ниҳоятда эҳтиёт бўлишга тўғри келарди. Бута ва пастак дарахтларнинг пастки шаббалари шундоққина сувда чўмилиб турарди. Хулласи калом, бу ерлардаги бой табиат ҳали инсон боласининг истагию талаб-эҳтиёжи измига бўйсундирилганича йўқ эди. Ҳашамдор, ёввойи, тасодифоту гаройиботларга тўла манзара ўзининг важоҳатли дағал маҳобатила мафтун этарди.

Шу нарсани эслатиб ўтмоқ даркорким, ҳикоя қилаёт-

¹ Ярд — 0,91 м.га баравар инглиз узунлик ўлчови.

ганимиз воқеалар 175... йилда содир бўлган. Уша узоқ ўтмиш замонларда Нью-Йорк мустамлака жамоасининг аҳоли ўрнашган қисми билан Канада чегарасидаги манзилгоҳлар оралиғида иккита ҳарбий алоқа йўли бор эди: бири — Шамплен ва Жорж кўллари орқали, иккинчиси — Мохаук, Вуд-Крик, Онеида ва юқорида зикр этилган дарё орқали ўтарди. Ана шу йўллارни ёқалаб ҳарбий соқчиҳоналар барпо этилганди, бироқ Мохаукнинг бошланишидаги охирги қалъа-истеҳком билан Освегонинг мансаби оралиғидаги юз миля масофада бирорта ҳам соқчилик қароргоҳи йўқ эди; Кап билан Мабель ана шу масофанинг аксар қисмини Ароухеднинг ҳомийлигию раҳнамолигида босиб ўтгандилар.

— Гоҳо-гоҳо дилим яна тинчлик замонлар тикланишини қўмсаб қолади,— деди Изқувар,— қани энди, авваллардагидек ўрмонларда бемалол кезсанг-у, ёввойи ҳайвонлару балиқдан бўлак ғанимларга дуч келмасанг. Эҳ, Улкан Илон икковимиз дарёлар ёқасида, илвасину буғу эти ва хонбалиқ билан тирикчилик ўтказиб, на мингларни, на бош теримизни ўйлаб, қанчадан-қанча бахтиёр кунларни кечирдикми-я бошдан! Ҳа, гоҳо ўша бахтиёр кунлар қайтиб келишини тусаб қолади кўнглим, зероки ўз қавмимдаги жонзодларни ўлдириш табиатимга тўғри келмайди асло. Имоним комилки, сержантнинг қизи мени инсон боласига азоб бериш кўнглига хуш келадиган ёвуз деб ўйламас...

Шу сўзларни айтarkan, Изқувар қизга ўгирилди; гарчи энг беғараз дўсти ҳам уни чиройли дея олмаса-да, Мабель ўрмон овчисининг содда-самимийлик, оқкўнгиллик акс этиб турган кулгисини жозибали деб билди.

— Отам мени бу ҳувиллаган овлоқ жойларда кузатиб боргани ёвуз одамни юбормаса керак деб ўйлайман,— дея жавоб қилди қиз табассум ила.

— Бундай қилмасди у, йўқ, ҳеч қачон бундай қилмасди! Сержант — меҳрибон, оқкўнгил одам, талай сафарларда, қанчалаб жангларда у билан, ўз оғзи билан айтганидек, елкама-елка (рости, қаршимда француз ёки минг турганида кўлларим эркин бўлишини кўпроқ ёқтирсам ҳам) одим ташлаганмиз.

— Бундан чиқди, отам хатларида бот-бот тилга олиб турадиган ўша ёш дўстлари экансиз-да?

— Отангизнинг ёш дўсти? Сержант мендан ўттиз ёш ўзиб кетган; ҳа, у мендан ўттиз ёш катта-ю, аммо-лекин мендан ўттиз карра яхшироқ ҳам.

— Фақат, унинг қизи кўзига бунчалик кўринмас-ов,

дўстим Изқувар,— дея гапга аралашди теварак-атрофида сувни кўргани заҳотиёқ бардамлиги яна қайта бошлаган Кап.— Ортиқча ўттиз ёш — ўн тўққиз яшар қизалоқ наздида жиндаккина афзаллик жойи бор холос буни!

Мабель қизариб кетди; у қуйруқ томонга юзини бураркан, кўзлари Жаспернинг ўзига тикилиб турган нигоҳи билан тўқнашди. Айнан шу сонияда дарахтларнинг шох-шаббалари ҳосил қилган гумбаз остида ҳимо билан эсиб, сув бетини сийпалаб живирлата бошлаган майин шабада қаердандир олислардан бўғиқ, шовуллаган шовқинни олиб келди.

— Қулоққа мойдай ёқадиган товушми,— деди Кап олисдаги ҳуришни иллаган ит мисоли қулоқларини динг қилиб.— Бу, чоғимда, сизларнинг кўлингиз соҳилидаги буруннинг шовқини бўлса керак? Шундоқмасми?

— Йўқ,— жавоб берди Изқувар,— қуйига қараб борганда ярим миляча нарида дарё қоялардан ошиб тушаётиб шовулляпти, бу ўшанинг шовқини.

— Шунақа денг, ҳали бу дарёда шаршаралар ҳам борми?— деб сўради Мабель, шунда унинг ёноқлари ловиллаб кетди.

— Жин урсин, мистер Изқувар, ёки сиз, мистер Чучук Сув,— Кап чегара таомилига мослашиш истагида Жасперни шундай деб атай бошлаганди аллақачон,— қирғоққа яқинлашганимиз маъқулроқмасмикин унда? Одатда бунақанги шаршаралар яқинлашганида оқим тезлаша боради.

— Бизга ишонаверинг, дўстим Кап, ҳа, ишонаверинг!— деб жавоб қайтарди Изқувар.— Биз бор-йўғи чучук сув денгизчиларимиз, холос, бу ҳақ гап, мендан эса бу жабҳада ҳам наф кам-у, лекигин биз пиллапоя-остонали жойларни, тезоқар ерларниям, шаршараларниям биламиз, шундоқ экан, мазкур шаршарадан пастга тушаётганимизда юзимизни ерга қаратиб, шарманда бўлмасликка ҳаракат қиламиз.

— «Шаршарадан тушаётганимизда!»— хитоб қилди Кап.— Наҳотки сиз, жин урсин, ростданам мана шу ёнғоқ пўчоғида шаршарадан сузиб ўтмоқчимисиз?

— Ҳа, нимаси бор экан буни? Токи йўл шаршара бўйлаб ўтган экан, қайиқни ичидаги ашқол-дашқоллари билан қуруқликдан бир миля ташмалаб юргандан кўра, шаршарадан сузиб ўтган минг карра осонроқ-ку.

Мабель ранги қув ўчган юзини йигитга томон бурди, сабабки, айна шу лаҳзада яна шаршаранинг «ўкириги» эшитилган ва бу наъра эндиликда — ниманинг «ўкириги»

эканлиги аён бўлгач — чиндан-да даҳшатли туюлганди.

— Аёллар билан иккала ҳиндуни қирғоққа тушириб, ўзимиз, уч оқ танли, сувга кўникиб кетган уч эркак шаршара кифтида учиб бораётган қайиқни (тез-тез уддасидан чиқиб турганимиздек) бамайлихотир бошқара олармиз деб ўйлайман, — деб қўйди Жаспер бепарвогина.

— Биз бўлсак сизга ишонгандик, денгизчи дўстим, — деди Изқувар елкаси оша Жасперга кўз қисиб қўяр экан. — Ахир сиз бевош тўлқинлар алғов-далғовига ўрганиб кетгансиз-ку; бунинг устига, агар биров эҳтиётлаб-авайлаб турмаса сержант қизининг бутун кийимлари сувга тушиб, нобуд бўлади.

Кап мушкул аҳволда қолди. Шаршарадан пастга қайиқда сузиб тушиш фикри кемачиликдан мутлақо беҳабар одамга нисбатан унинг учун хийла даҳшатлироқ эди: сувнинг қудратию унинг ғазабига дучор бўлган инсоннинг ожизлигини жуда яхши биларди денгизчи. Аммо айни дамда унинг ҳамияти бошқалар, чўчиш уёқда турсин, аксинча, батамом бамайлихотир сузишга ҳозир турган бир пайтда қайиқни тарк этишига йўл бермаётганди. Бироқ бу туйғуга ҳам, хавфу хатарни мардона қаршилашдек кўҳна одатига ҳам қарамай, у мазкур посбонлик курсисини тарк этиши шубҳасиз эдику-я, лекин одамнинг бош терисини шилиб олгувчи ҳиндулар қиёфаси ўзини муттасил таъқиб этиб турганидан бундай қилолмади; эотан қайиқ унга қандайдир бир паноҳгоҳдек кўринарди.

— Унда Магнитни нима қиламиз, ахир? — сўради у. — Яқин атрофда ғаним ҳиндулар изғишиб юришган бўлса Магнитни қирғоққа қандай туширамиз?

— Сув яқинига бирорта ҳам минг йўламайди: бу жой деярли яйдоқ; иблисона макру найрангларга яроқсиз, — жавоб берди Изқувар. — Инсон табиати табиатлигича қолади, ҳиндунинг табиати эса шундайки, у мутлақо кутмаган жойда пайдо бўлиб қолади. Текису тақир йўлда ундан асло ҳайиқманг: у сизга дуч келишни сира кутмаган бир пайтингизда ҳамла қилишга уринади; бу қароқчилар қандай бўлмасин одамга фириб беришни ўзлари учун шараф деб биладилар... Қирғоққа қараб сузавер, Чучук Сув! Сержантнинг қизини анови тўнғакка туширамиз, шунда у оёғини сувга теккизмай, соҳилга ўтиб олади.

Жаспер худди ўзига айтилганидек қилди ва бир неча лақиқа ичида қайиқда Изқувар билан иккала денгизчининга қолишди холос. Кап ўзининг касби-коридан фахрланиш туйғусини ҳам йиғиштириб қўйиб, қайиқдан тушарганларга жон-жон деб эргашган бўларди-я, аммо эучук

сувда сузадиган денгизчи олдида бундай ожизлигу зайфликни ошкор этгиси келмади.

— Гаров бойлашаманки,— деди у қайиқдан тушириб қолдирилганлар нари кета бошлаганларида,— бу ҳеч вақога арзимайдиган гап. Шаршарадан сузиб ўтиш учун алоҳида бир санъату маҳоратнинг кераги йўқ, буни оддий ўқувчи ҳам кекса денгизчидан ёмон бажармайди.

— Э йўқ-йўқ, Освего шалоласини камситманг жуда унақанги!— деди Изқувар.— Ниагара ёки Глен, ёки Канада шаршаралари билан бунинг орасида еру осмонча фарқ бор, албатта, аммо, ҳар қалай бу шалола уни кўрмаган янги одам учун ҳазил гапмас. Қани, сержантнинг қизи ҳув анави қояга кўтарилсин-чи, ўша ердан биз омий ўрмон аҳлининг айланиб ўтиш иложини тополмаган пайтларимизда йўлимиздаги тўсиқлардан қандай ўтишимизни кўради... Энди, Чучук Суз, қулоғингни динг қилавер, бу ёғига ҳаммаси сенга боғлиқ. Мистер Капни фақат йўловчи ҳамроҳимиз деб ҳисоблашимиз мумкин, холос.

Бу орада қайиқ қирғоқдан аллақачон узоқлаб кетганди. Мабель бутун аъзои баданини титроқ босиб, ўзига кўрсатилган қояга қараб югурди; қиз қуйруқда типпа-тик турганча енгил қайиқни бошқариб бораётган Жаспернинг мардона ҳамда келишган қоматидан кўз узмасди. Бироқ шаршара кўриниб турадиган жойга етгани ҳаманоқ у беихтиёр «вой» деди-ю, қўллари билан кўзини беркитиб олди. Бирон дақиқадан сўнг яна кўзини очди ва бамисоли сеҳрлангандек, ҳайкал янглиғ қотган кўйи, билинар-билинемас нафас олганча, қаршисида содир бўлаётган ҳангомаларга бақрайиб қолди. Ҳар иккала ҳинду тўнгатка ўрнашиб олиб, дарёни хотиржамгина кузатиб ўлтираверишди, Ароухеднинг хотини бўлса Мабелга яқинлашди, афтидан, у қайиқнинг ҳаракатини, худди дорбознинг дор устида ирғишлашини анграйганча томоша қилаётган ёш боладай, қизиқсиниш-ла кузата бошлади.

Қайиқ дарёнинг ўртасига етганда Изқувар чўккалаб олди. У ҳамон эшкак эшишда давом этарди-ю, лекин ўз ўртоғига халақит беришдан чўчиётгандек, эҳтиёткорлик билан ишлатарди уни. Ўртоғи бўлса ҳануз бояги жойида ўшандай типпа-тик турарди; унинг нигоҳи шаршаранинг нариги томонидаги алланимага қадалган эди; шубҳасизки, у синчиклаб, диққат билан кесиб ўтгани қулайроқ ерни танлаётган эди.

— Ғарбга яқинроқ, йигит, ғарбга яқинроқ бур!— қичқирарди Изқувар.— Ҳув анави ёққа, кўпириб турган жойга! Қуриган эманнинг учи билан анави синган дарахтнинг

тўнгагини бир чизикқа тўғрилаб, ўша чизикдан боравер.

Жаспер индамади. Айқириб оқаётган оқим қайиқни шаршара сари тобора тезроқ суриб борарди. Шу топда Кап қирғоқда, бежавотир ерда бўлиш учун бу шарафли жасоратдан воз кечишга минг бора рози эди. У сувнинг олис-олислардаги момагулдурак наъраси мисоли ўкириғини эшитиб ўтирарди; бу ўкирик борган сайин равшан тортиб, зўрайгандан-зўраймоқда эди. Мана, қуйида қулоч ёйган ўрмонзор узра сув сарҳади кўзга ташланди; кўм-кўк сув салтанати ўша сарҳад ёқасига етганда ярқираб ва намлик томчиларидан бунёд бўлган чодра гўёки чок-чокидан ситилиб кетай-ситилиб кетай деб турганга ўхшарди.

— Рулни пастга тушир, рулни пастга!— кичқирди Кап қайиқ шаршара ёқасига етиб қолганида вужудига инган жавотирни жиловлашга қурби етмай.

— Ҳа-ҳа, пастга, хотиржам бўлинг,— жавоб қайтарди Изқувар бурилиб қараб.— Пастга қараб кетяпмиз, бу тўғри... Рулни баланд кўтар, болакай, баландроқ, тагин!

Буёғи нақ кўзга кўринмас шамол эпкинидай кўз юмиб-очгунча ўтиб келди. Чучук Сув эшкакни сувга солди, қайиқ олға сапчиб, бамисли парвоз қилди; Капнинг наздида у бир неча лаҳза давомида бақиллаб турган дошқозонда чархпалак бўлиб айланаётгандек туюлди. У қайиқнинг тумшуғи қандай оғиб-қийшайганини пайқаб, бақирлаб қайнаётган дарғазаб сувнинг қутуриб қайиқ сари қандай човут солганини, енгилгина қайиқни эса мисоли ёнғоқ пўчоғидек итқитиб ўйнатаётганини кўриб-фаҳмлаб турди. Тўсатдан, уни ниҳоятда қувончу ҳайратда қолдириб, Жаспер эшкак билан бошқараётган қайиқ шаршаранинг нариги томонидаги осойишта ҳалқага силлиққина сузиб кириб бораверди.

Изқувар кулишда давом этарди, бироқ кейин тиззасидан туриб, тунука товоқ ва мугуз қошиқни олди-да, ҳафсала билан шаршарадан ўтаётганида қайиқ «хўплаган» сувни ўлчашга тушди.

— Ўн тўрт қошиқ, Чучук Сув, роппа-роса ўн тўртта! Ўзинг тан ол, ўн қошиқдан бир томчиём ортиқ сув туширмай ўтганингни ўзим кўрганман.

— Мистер Кап оқимга қарши томонга қараб шунақанги оғиб кетдиларки,— жиддий эътироз билдирди Жаспер,— қайиқни аранг бошқардим-да ўзиям.

— Бўлиши мумкин, жудаям бўлиши мумкин, бу гапни сен айтаётган экансан, шундоқ бўлганига сираям шубҳам йўқ; аммо-лекинига сени ўн қошиқдан оширмай ўтганингни кўрганман-ку, ахир...

Гап. шу ерга етганда Кап қаттиқ йўталди, худди ҳеч нима қилмадимикин дегандек, кокилини ушлаб қўйди-да, кейин ўзи гирифтор бўлаёзган хатарни чамалаб кўрмоқлик ниятида орқасига ўгирилиб қаради. Шунда бекорга кўрқмаганини кўрди. Дарё деярли бор энича ўн ва яна йигирма фут баландликдан тиккасига отилиб тушаётган эди; бироқ ўртада тошни шунақанги ўйиб-ҳирпа қилиб қўйгандики, сув фақат новдан тушгандай энсизгина оқим бўлиб пастга қуйила оларди, қуйилганида ҳам қирқ-қирқ беш даражалик бурчак ҳосил қилиб отиларди пастга. Ана шу хатарли қияликдаги ўнгир-дўнгир ҳарсанг қоялар, айланаю гирватларни оралаб, жунбушга келиб ёқасини чок этаётган дарғазаб сувнинг гўлқиллашию бижир-бижир кўпикларнинг вижиллаган садолари остида сирғалиб ўтганди қайиқ. Тажрибасиз кўзга омонатгина қайиқни бу ерда шаксиз ҳалокат кутиб тургандек кўринарди. Аммо-лекинига қайиқнинг худди ана шу омонатлигию пардай енгиллиги омон-эсон пастга тушиб олишида асқотганди. Тўлқинлар кифтида сирғалганча, ўткир кўз ҳамда бақувват қўл бошқариб турган қайиқ бир кўпикли елкадан иккинчисига пардай учиб ўтганди. Фақат бир нечтагина ҳарсангни четлаб ўтиш, мўлжалга олинган йўналишдан қатъиян оғишмаслик лозим эди, қолганини эса оқим қудрати ўз-ўзидан ниҳоясига етказарди.

Кап ҳайратда қолди десак, унинг шу аснодаги ҳис-туйғуларининг атиги ярминигина ифода этган бўламиз: у данг қотиб қолганди; қояларни кўрганида аксар денгизчилар дилига ғулув соладиган беқиёс кўрқув мазкур мардона жасорат олдидаги ҳайрат туйғусини чандон бора ошириб юборганди. Лекин, шунга қарамай, чучук сув ҳамда ички сувлар кемачилигига ҳаддан зиёд даражада иззату эҳтиром билдириб юборишдан чўчиганидан шу топдаги ҳис-туйғуларини ошкор этишга майли йўқ эди унинг. Йўталиб томоғини тозалаб олгач, тагин одатдаги кайфияти қайтди-ю, яна нописандона оҳангда сўзлай бошлади.

— Мистер Чучук Сув, сиз билан баҳслашиб ўлтирмаман, зотан бу сойни билар экансиз! Э, турган гапки, сойнинг бунақанги ерини билиш — энг муҳими. Каминанинг шунақанги қайиқчилари бор эдики, башарти улар сойни биладиган бўлсалар, ушбу шаршарадан қотириб сузиб ўтишлари тайин эди.

— «Сой»ни билишнинг ўзигина камлик қилади, денгизчи дўстим! — деди Изқувар. — Бунда совуққонлик ва қайиқни тўғри ҳолатда тутиш маҳорати зарур, кейин, қайиқни шундай бошқариш керакки, у тошларга урилиб-

Сукнашиб кетмасин. Бутун теварак-атрофда Чучук Сувдан бўлак Освего шалоласидан қатъий ишонч билан, даядил кечиб ўтадиган (гарчи баъзилар бир амаллаб сузиб ўта олса ҳамки) бирорта лоцманни тополмайсиз. Яратган мадад бермаса, ҳатто мен ўзимдай одам ҳам буни эплашим маҳол. Бу пиллапояли шалоладан шалаббо бўлмай кечиб ўтишлик учун Жаспернинг қўлию Жаспернинг кўзлари керак. Ун тўрт қошиққина-я — нега бунча бўлиб қолгани бир худога аён-у, бироқ мен фақат ўн қошиққина бўлишини истардим: ҳар қалай бугун бизни сержантнинг қизи кузатиб турганди-да, ахир.

— Ҳар ҳолда, қайиқни қандай бошқаришу қандай ҳолатда тутишни сиз ўзингиз айтиб турдингиз-ку бари бир.

— Одамзоднинг ожизлиги бу, мистер денгизчи: бу биз рақ танлиларга хос нарсасиз. Агар қайиқда Илон бўлганида миқ этиб оғзини очмасди. Ҳинду ўз тилини жиловлаб туришни билади, лекин биз оқлар ҳамини ўзимизни бошқалардан донороқ деб биламиз. Мен энди-энди бу иллатдан фориге бўла бошладим, аммо ёши ўттиздан ошиб кетган дарахтни кундаков қилиб, илдиз-пилдизи билан қуритмоқ учун озмунча вақт керакми.

— Бунинг ҳеч қанақанги айрича хосиятини кўрмаяпман, сэр, мабодо тўғрисига кўчиладиган бўлса, ҳатто тирноқчалик лоф қиладиган жойини кўрмаяпман! Бу шунчаки арзимас бир гап, холос! Мана масалан, Лондон кўприги тагидан ўтишни олсак — мутлақо бошқа гап, бу ишни эса ҳар кун июзлаб одам, иннайкейин, кўпиңча энг назоқатли хонимлар қилишади. Қирол олий ҳазратларидек зот ҳам Лондон кўприги остидан шахсан сузиб ўтган!

— Менинг қайиғимга бўлса на назоқатли хонимларни, на олий ҳазрат қиролларни кераги бор; агар у икки барабар кенгроқ бўлгани тақдирда ҳам — бунақанги олий зот йўловчиларни сувга фарқ қилишимиз тайин эди... Чучук Сув, бизда, чегарадагилар нималарга қодирликларини бир кўрсатиб қўйиш учун сержантнинг қайнағасини асли Ниагара шалоласидан кечиришимиз керак экан-да!

— Суф сизга-е! Мистер Изқувар, жуда ошириб юбордингиз-ку! Дарахт пўстлогидан ясалган қайиқда унақанги ҳайбатли шалоладан сузиб ўтиб бўлсиз!

— Мистер Кап, эҳтимолки, ҳеч қачон бунақанги қаттиқ хато қилмаган бўлсангиз керак. Бундан осон иш бораканми оламда. Ундан сузиб ўтаётган талайгина қайиқларни ўз кўзим билан кўрганман; агарда икковимиз ҳам соғ-саломат бўлсак, сизга бунинг мумкин эканлигини исботлашдан умидворман. Менга қолса, ўйлашимча, океан

да сузадиган энг катта кема ҳам бу шалолани кечиб ўтолмайди.

Кап Изқуварнинг Жаспер билан кўз уриштириб олганини пайқамай, бир муддат жим қолди.

Улар бу орада Жаспер ўз қайиғини буталар орасига яшириб қўйган жойга етиб қолишган эди. Кап, Жаспер ва Мабеллар битта қайиққа ўтиришди; Изқувар, Арсухед билан хотини бошқасига. Могикан эса ҳиндуларга хос эҳтиёткорлигу эпчиллик-ла, бирон ерда ганимларнинг белги-аломатлари йўқмикин деб дарё ёқалаб кузатиб бораверди.

Мабель шаршарадан қандай сузиб тушишларини даҳшат-ла кузатаркан, қанчалик қўрқмасин, ёш денгизчининг қайиқни қандайин қатъият билан бошқараётганини кўриб ҳайратга тушганди. Чинданда Жаспернинг совуққонлигию довюраклигини кўрганда хийла сусткашу хийла кам таъсирчан қалбларда ҳам тасанно туйғуси уйғониши равшан эди. Қайиқ қийшайиб-оғиб бораётганига қарамай йигит типпа-тик ва қилт этмай турарди. Унинг ўз вақтида ишлатган чаптадлигию кучигина қайиқни устидан сув пастга отилаётган ва бўлиниб-парчаланиб кетаётган, дам қорайиб кўзга ташланаётган, дам яна оппоқ кўпикка кўмилаётган қоятош ёнидан (гўёки бу ўйинни қандайдир механизм бошқариб тургандек) беэён-безаҳмадлиб ўта олгани қирғоқдан яққол кўриниб турганди. Тезоб шалола суриб келаётган қайиқ, қилт этмай турган дарға сиймоси Мабелнинг хаёли қатларида бир умрга муҳрланиб қолди. Стануик қалъасидан йўлга чиққанидан берига у биринчи марта ўзини ана шу шалоқ қайиқда бутунлай беҳавотир ҳис этаётганди.

Иккинчи қайиқ шундоқ ёнма-ён сузиб бораётганидан уларга энг яқин ўлтирган Изқувар бўлди, шу босидан гурунни асосан давом эттираётган ҳам ўша эди. Жаспер кам сўзларди, шунда ҳам ўзига биров мурожаат этган пайтлардагина. Унинг одатий бепарволигига ўрганиб кетган одам йигит қайиқни бошқаришда салгина безовталанса бунини ўша заҳотиёқ пайқаган бўларди.

— Аёл табиатини яхши биламиз, шунинг учун ҳам биз сержантнинг қизини шаршарадан олиб ўтмоқчи эмасдик, — деди Изқувар Мабелга қараб, аммо тоғасига мурожаат қилиб. — Бироқ бу ўлкада шунақанги аёллар борлигидан бохабарманки, улар учун бу иш ҳеч гапмас.

— Мабель журъатсизликда онасига тортган, — эътироз билдирди Кап, — шу сабабдан ҳам, дўстим, унинг бу ожизлигига шафқат юзасидан жуда яхши иш қилдингиз. Ахир

умри бино бўлиб денгизда сузмаган-да жажжи қизалоғим.

— О, албатта, буни пайқаш қийин эмас. Сизга келсак, довюраклигингиз билан буларнинг бари ўзингизни заррача чўчитолмаганини намойиш қилдингиз. Бир гал ёнимда битта она сути оғзидан кетмаган гўдак ҳам борийди, ўша десангиз, қайиқ нақ пастга қараб отилган лаҳзада ўзини сувга улоқтириб қолди-ку, уёғи нима бўлгани ўзингизга аён...

— Шўрликка нима бўлди?— дея сўради Кап, Изқуварнинг истехзоли оҳангда сўзлаётганини қандай тушунишини билмай.— Шаршарадан сузиб ўтган одам у бечоранинг ҳолига ачинмай қолмайди.

— У худди сиз айтгандай бечора— ўз билимини биз омиларга кўрсатгани келган бир бечора эди. Унга нима бўлди дейсизми? Бамисоли суд маҳкамаси ёки қалбадай дўмбалоқ ошиб тушди...

— Мабодо ўша маҳкамаю қалъа қайиқдан сакрай олса,— дея кулиб унинг сўзини бўлди Жаспер.

— Йигит ҳақ,— деди Изқувар қизга жилмайиб боққанча, бу орада қайиқлар деярли биқини-биқинига тегиб сувиб борарди.— У мутлақо ҳақ гапиряпти. Лекинига сиз, мисс, бизнинг пойгамиз тўғрисида ҳеч нима демадингиз-ку?

— У хатарли ва мардона ўтди,— жавоб қилди Мабель,— менга қолса, ўрни-тагида бўлмагани яхшийди; ҳоёр, бўлиб ўтганидан кейин, бу ишни бажарганларнинг маҳоратию мърдлигига тасанно ўқийман, ходос.

— Тагин бизни аёл кишининг олдида ўзини кўрсатмоқчи бўлишди деб ўйламанг-а. Бир-бировларида ўзлари ҳақда яхши фикр туғдиришга уриниш, балким, ёшларнинг кўнглига хуш келар, лекин на Чучук Сув, на мен ана шунақанги кишилар тоифасиданмиз. Менинг табиатим, феъл-атворимда— Илон бунга ҳаммадан кўра яхшироқ гувоҳлик бера олади— бурилишлар камдан-кам: ўз бурчимни адо этишим зарур бўлган бир пайтда мақтанчоқлик қилиш хоби-хотиримга ҳам келмайди. Жасперга келганда-ю, у Освего шалолаларидан юзлаб кўз тикилиб турганидан кўра бешоҳид ошиб ўтишга бажону дил тайёр. Мен уни ўрганганман, иш юзасидан бот-бот у билан бирга бўлганман ва шунинг учун унинг мақтанчоқ ҳам, шухратпараст ҳам эмаслигини биламан.

Шунда Мабель Изқуварни табассум-ла тақдирлади-ю, бу табассум гўёки ҳар иккала қайиқни бир сонияга кўзга қўринмас ришта билан боғлагандек бўлди. Ёшлик ва гўзаллик ушбу олис чегара ўлкасида шунчалар ғайриодатий

Ва ғалати эдиким, навқирон қизнинг дуркунлиги, латофатию зеболиги ҳатто ўрмон дарбадарининг дағаллашган қалбини ҳам ийдириб юборди.

— Биз буни яхши ниятда қилдик,— сўзини давом эттирди Изқувар,— мана, оқибати чакки бўлмади. Мабодо қайиқни қўлда кўтариб борадиган бўлсак, анча-мунча вақтимиз зое кетарди; минглардан хавфсираб турган пайтда эса вақтдан қимматлироқ нарсанинг ўзи йўқ.

— Энди ҳеч нимадан қўрқмасак ҳам бўлар. Қайиқларимиз шигаб сузиб боряпти, иннайкейин, ўзингиз икки соатдан сўнг қалъада бўламиз деяписиз.

— Токи биз сержантга сўз берган эканмиз, бундан ҳам кўра — энди бемалол айтсам бўлади — ҳар қандай хавф-хатардан асраймиз деб сизнинг олдингизда ваъда қилган эканмиз, бирорта ирокезнинг ақалли бир дона мўйингизга қўл теккизиши маҳол... Ҳой, Жаспер! Дарёдаги анави нарса нима бўлдийкин? Ҳув анави ерда, бурилишда, ана бутанинг остида.. тўғрироғи, тошнинг устидаги демоқчи ман.

— Улкан Илон-ку, Изқувар! У бизга аллақанақанги ишораларни қиляпти-ю, мен тушунмаяпман.

— Ҳа, Илон экан. Менинг оқ танли эканим қанчалик тўғри бўлса, буям шунчалик тўғри. У қирғоққа чиқиши мизни истаяпти. Бу ерда бир гап бор, йўқса унингдай саботли ва оқил одам беҳудага хатардан дарак бермасди. Лекин умидсизликка тушманглар, дўстлар! Биз эркаклар ўша иблисларни тусимиз ҳамда номимизга муносиб тарзда кутиб оламиз. Эҳ! Мақтанчоқликдан ҳеч қачон ҳеч қанақанги яхшилик чиқмайди-да ўзи: хавф-хатардан холимиз деб оғзимдан чиқиб улгурмасиданоқ хавф таҳдид қилиб, ёлғон гапирганимни фош этиб турибди-я.

ТУРТИНЧИ БОБ

Освего шаршарадан нарёғига тезлашади, ўзиям буёғига юқоридагидек бир маромда оқмайди. Баъзи ерида у чуқур ҳамда осойишта оқади; баъзан эса — ўша узоқ ўтмиш замонларда, ҳали борлиқ табиий ҳолатида бўлган пайтларда сузиш учун хатарли бўлган саёзлик ҳамда тезоқар жойлар учраб турарди. Қайиқни бошқариб бориш унчалик мушкул эмас, фақат у ер-бу ердаги тошу тезоқар жойлар ниҳоятда эҳтиёткорликни талаб этади. Ана шунақанги жойларда ғоятда совуққон бўлиш, қайиқни бақувват ҳамда чайир қўллар бошқариши лозим. Шуларни яхши

билган могокан тадбиркорлик билан дарё осойишта оқ-
ётган ва қирғоққа келиб тўхташ осон бўлган жойни тан-
лаганди.

Изқувар қизил танли дўстини танигани заҳотиёқ эш-
какни зарб билан сувга ботириб, қайиқ тумшугини тўппа-
тўғри қирғоққа бураркан, Жасперга орқамдан юр дея
ишора қилди. Орадан бирон дақиқа ўтмаёқ қайиқлар сув
бетига осилиб турган шох-шаббалар остидан ғизиллаган-
ча, шарпа чиқармай дарё қуйисига қараб сузиб борар-
ди. Қайиқдагилар: бир хиллари қўрққанларидан, бошқа-
лари одатий эҳтиёткорликдан ун чиқармай ўлтиришарди.
Улар ҳиндунинг ёнига сузиб борганларида, у тўхтанглар
дея ишора қилди ва Изқувар икковлари ораларида дела-
варлар тилида қисқагина, аммо жиддий суҳбат бошланди.

— Сардор жонсиз тўнгатки рақиб деб билишга одат-
ланмаган эди-ку,— дея мурожаат қилди оқ танли ўзининг
қизил танли дўстига.— Бизга нима мақсадда тўхташни
буюрди у?

— Урмонда минглар.

— Кейинги икки кун мобайнида шундоқ бўлса керак
деб ўйламабмидик ўзимиз ҳам. Сардорда исбот-далили
борми бун?

Могокан бамайлихотир тошдан ясалган трубкани кўр-
сатди.

— Гарнизонга олиб борадиган янгигина сўқмоқда ёт-
ган экан.

Уша замонларда чегарага яқин ерлардаги ҳарбий ис-
теҳкомларни — уларда рўстдан ҳам гарнизон турганми
ёки йўқми, бундан қатъи назар — шундай деб аташ одат
тусига кирганди.

— Бу бирор аскарники бўлса ажабмас. Кўпчиликлари
қизил танлиларнинг трубкасида чекишади.

— Мана кўр! — деди Улкан Илон ўзи топиб олган
буюмни дўстининг нақ кўзлари рўпарасида тутиб турга-
нича.

Трубканинг сархонаси совунтошни ҳафсала билан, ни-
ҳоятда санъаткорона йўниб ишланганди. Унинг қоқ ўрта-
сидаги кичкинагина лотинча хоч аниқ-тиниқ кўриниб ту-
рарди.

— Бу бўлажак фалокат ҳамда жинойтдан нишона,—
деди Изқувар.— Айёр Канада руҳонийлари йўлдан оздир-
маган бирор ҳинду ўзининг тамаки трубкасига бунақанги
белгини ўйиб туширмасди асло. Сени ишонтириб айтаман-
ки, ўша ярамас ҳар сафар бирон соддадил одамни лақил-
латишни истаган ва бирорта даҳшатли қабоҳатни амалга

оширишни ниёт қилганида ана шу тимсолга тоғниб олади. Бу трубка яқинда ишлатилган эканини ўзи, Чингизбек?

— Мен топганимда ҳали тамакисин тутаб турганим.

— Ишлар чатоқ, сардор. Қани ўша сўқмоқ?

Могикан унга ўзларидан юз ярдча нарини кўрсатди. Иш жиддий тус ола бошлаганди, шу бондан йўл бошловчилар бир печа дақиқа мобайнида желишиб олишди. Сўнг-ра ҳар иккалалари қирғоққа кўтарилди, могикан кўрсатган жойга боришди-да, ниҳоятда синчковлик билан изларни кўздан кечиришга тушишди. Бу чорак соат вақтларини олди, шундан кейин оқ танли орқага ёлғиз ўзи қайтди. Унинг қизил танли дўсти ўрмонда ғойиб бўлди.

Одатда Изқуварнинг юзида соддадиллик, ҳалоллик, самимияту ўзига ишонч ифодаси акс этиб турар, бу нарса ҳамиша унинг ҳимоясидаги одамларда бутунлай хотиржамлик ҳиссини уйғотарди. Ҳозир бўлса қандайдир хавотирчилик унинг чеҳрасини тундлаштирганди, ана шу ҳол барча ҳамроҳларини таажжубга солиб қўйди.

— Нима гап, мистер Изқувар?— деб сўради Кап одатдаги йўғон, хотиржам ва шанғи овозини шивирлагундек пасайтириб.— Наҳотки душман кемалари биз билан бандаргоҳимиз ораллиғида қатнаб, соқчилик қилиб юрган бўлса?

— Нима дедингиз?

— Ҳаммаёғини ранг-баранг бўёқлар билан чаплаб олган масхарабозлар, чамаси, яқинлашган пайтимизда йўлимизни кесиб қўйиш ниятида биз бораётган бандаргоҳ яқинида лангар ташлаган кўринадими, демоқчиман.

— Дўстим Кап, ҳамма нарса бўлиши мумкин, лекин нима тўғрисида гапирётганингизни сира англаб етолмаяпман. Одам мушкул дамларда қанчалик содда қилиб гапирса, уни тушуниш шунчалик осон бўлади. Сизнинг ўша бандаргоҳу лангарларингиз борасида ҳеч ниманинг фарқига бормайман, мен фақат бу ердан юз ярдча нарида лаънати мингларнинг изи, из бўлганда ҳам ҳали тузланмаган илвасиндай яп-янги изи борлигини биламан, холос. Агарда бу иблислардан ақалли биттаси шу атрофдан ўтган бўлса, улардан ўнлаб нафари ўтган деяверинг; энг расвоси эса— улар гарнизон томонга қараб кетишган. Эндиликда бирон тирик жон зоти уларнинг ўткир кўзига қалинмай туриб қалъани қуршаган ялангликка қадам бо-са олмайди, қадам қўйди дегунича эса ўқлар визиллаб қолиши турган гап.

— Нима, қалъа бутун қуролларидан бир йўла ўқ узиб,

бир кабельтов масофадаги душманларни ер тишлатиб қўя олмайдим, ахир?

— Бу ердаги қалъалар — кенту қишлоқлардаги қалъа-истехкомлардақанги эмас. У ердаги икки ёки учта чоғроққина замбаракчалар дарё қуйилиши томонгагина тўғри-лаб қўйилган, бунинг устига десангиз, ўрмонда дарахтлар панасига яшириниб олган ўн-ўн беш чоғли мингларга қарата тўп отиш ўқ-дорини шамолга совуришдай бефойда гап. Бизнинг фақат биттагина чорамиз бор. Шу яқин-атрофда кута турамыз: ҳар иккала қайиғимизни қирғоқ билан буталар тўсиб тўрибди, бизни нариги қирғоқдангина кўришлари мумкин, холос. Шундоқ бўлгач, бу ерда кўп-даям хавотир олмай тўхтаб туратурсак бўлади. Аммо-лекин қонхўр иблисларни қандай йўл билан дарёнинг юқорисига қараб юришга мажбур қилсак экан?.. Воҳ, топдим, топдим! Борди-ю нафи чиқмаган чоғдаям, ҳар қалай, зиёни ҳам тегмайди. Жаспер, ҳув анави шохлари тарвақайлаган каштани кўряпсанми, дарёнинг энг сўнги бурилиш жойидаги-чи... бериги қирғоқдагини айтяпман.

— Ағнаб ётган қарағайнинг ёнидагимми?

— Худди ўзи! Чақмоқтош билан чақмоқни олгин-да, қирғоқдан тез ўша ёққа бориб, ўт ёққин; эҳтимол, тутун уларнинг диққатини тортар. Бу орада эса биз қайиқда ҳув анави жойгача сузиб бориб, бошқа панароқ жой излаб кўрамыз. Буталар қалин, яшириниш осонроқ ўша атрофда: у ерда пистирмалар ҳам қўйиб юрардик-ку, ахир.

— Ҳозир боппайман ҳаммасини, Изқувар,— деди Жаспер, қирғоққа сакраб ўтаркан.— Ун дақиқаларда гулхан тайёр бўлади.

— Иннайкейин, Чучук Сув, бу гал ҳўл шох-шаббани аяб ўтирма,— дея пичирлади Изқувар кулиб.— Тутун зарур пайтда нами уни бурқсатиб беради.

Йигит нима қилиши лозимлигини жуда яхши тушунарди, шу боисдан бирон лаҳза ҳаяллаб ўтирмади. Мабель унга таҳдид солиб турган хатардан гап очиб, эҳтиёт бўлишни тайинламоқ ниятида оғиз жуфтлади, бироқ йигит бунга эътибор бермай, шитоб-ла тарвақайлаган каштан томонга югуриб кетди. Қолганлар ўша заҳотиёқ жойларини ўзгартириш тараддудини кўра бошладилар, зероки қайиқлар Жаспер ўт ёқиши лозим бўлган ердан кўриниб туриши мумкин эди. Бироқ ўта шошилишнинг зарурати йўқ эди, шу сабабдан ҳамма тадорик ишлари пухта режа билан, зарурий эҳтиёт чораларига амал қилинган ҳолда адо этилаётган эди. Қайиқларни буталар остидан олиб чи-

қиб, токи Жаспер остида гулхан қалаётган каштан кўринмай кетгунича оқим бўйлаб ҳайдаб бордилар.

Ҳаммаларининг кўзи ўша ёқда эди.

— Ана, тутун кўтарила бошлади!— деб юборди Изқувар енгил шабада дарё ўзани узра буралиб-буралиб кўтарилаётган тутунни «титкилаб тўзита» бошлаганида.— Асил чақмоқтош, бир парчагина пўлату қуп-қуруқ хазон — ана сизга қулинг ўргилсин олов. Умидворманки, Чучук Сув ақллилик қилади ва ўзимиз учун фойдаси тегадиган ҳозирги пайтда ҳўл ўтинни аяб ўтирмайди.

— Тутун қанча кўп бўлса — айёрлик ҳам ўшанча кўп бўлади,— деб қўйди Ароухед.

— Ҳаққоний гап, тускарор, агарда минглар яқинларида аскарлар борлигини билмаганлари тақдирда бу ниҳоятда ҳақ гап бўларди; аскарлар бўлса, ўз-ўзидан аёнки, дам олгани кўнганларида эҳтиёткорлигу хавф-хатардан кўра кўпроқ ўз қоринларини ўйлашади. Майли, иложи борича кўпроқ ўтин қалайверсин: қанчалик кўп тутаса, шунчалик яхши. Бунини ҳиндуларнинг пистирмасию қуролидан кўра кўпроқ обиевгон ёхуд картошканинг ғамини еётган бирор телба шотланд ёки ирландияликнинг аҳмоқчилигини деб ўйлашади.

— Бизнинг шаҳарларимизда бўлса,— деди Мабель,— буёқларда, чегарада, аскарлар ўз душманларининг ҳийла-найрангларига ўрганиб кетишган ва айёрликда уларнинг ўзлари ҳам қизил танлилардан қолишишмайди, дейишади. Наҳотки ундай бўлмаса?

— Йўқ, тажриба уларнинг тадбиркорликларини сира ҳам ошираётгани йўқ. Улар, гўёки ўз ватанларида намоишда қатнашаётгандай (бунини оғизларидан қўйишмайди денг сира), ўрмонда нуқул ўша вазову батальонларига ғуж бўлиб олишади. Бир ҳиндунинг ҳийласи океан ортидан келган бутун бошли полкка юк бўлади, яъни ўрмонга хос устомонликлари демоқчиман. Аммо-лекин, виждонан айтганда, гулхан етарлича тутаяпти, ана энди бўлак панагоҳ излашимиз керак. Йигит гулхани устига бутун дарёни буриб юбордим дейман ўзиям. Тағин минглар қалъадан кам-кўстсиз бир полк қўшин чиққан деб ўйламасалар гўрга эди-ёв, дея чўчиб турибман-да.

Изқувар шундай деб ўз қайиғини шу топгача у қадалиб турган бута шоҳ-шаббалари тутқинидан халос этди, орадан икки дақиқа фурсат ўтмасқ дарё бурилиши тутунни сайёҳлар кўзидан тўсиб қўйди. Омадларини қарангки, улар айланиб ўтишган бурилишдан бир неча саржин на-

рида қирғоққа ботиб кирган чоққина қўлтиқ бор экан; иккала қайиқ ҳам ана шу ерга сузиб кирди.

Бундан қулайроқ жойни топиш маҳол эди. Қалин буталар сув узра яшил ишком ҳосил қилганди. Ана шу мўъжазгина қўлтиқ-бандаргоҳнинг ичкарисиди соҳил қумлоқ бўлиб, сафарчилардан кўпчилиги ўша ерга ўтишди. Уларни нариги қирғоқдангина пайқаш мумкин эди. Дарвоқе, уёқдагиларнинг кўзига чалиниб қолиш хавфи кўпдаям катта эмас эди. У ердаги буталар янаям ўрашиб-чирмашиб кетган, буталарнинг нарғи ботқоқлик бўлиб, ундан бирор кимсанинг ўтиб келиши даргумон эди.

— Бежавотир, ишончли жой экан,— деди Изқувар ўзлари эгаллашган маррани диққат-ла кўздан кечириб,— лекигин уни янаям ишончлироқ қилишимиз керак. Мистер Кап, сиздан биттагина ўтинчим бор, тилингизни тийиб, денгизда ўрганиб қолган нарсаларингизни ишга солмасангиз бас, тускарор икковимиз эса фалокатнинг олдини олишнинг зарурий чораларини кўриш билан шуғулланамиз.

У ҳинду билан энг яқиндаги буталар ёнига кетди. Икковлари у ерда тиқ этган шарпа чиқармасликка ҳаракат қилишиб, зирк ва бўлак дарахтлардан бир нечта шохни кесишди. Ана шу шохларни қайиқларнинг олди томонидаги лойга қадаб, ўн дақиқача фурсат орасида хавф таҳдид солиши мумкин бўлган томондан ўзларини ғов билан пана қилишди. Бу ишлар тез ҳамда усталик билан бажарилди. Қирғоқнинг тузилиш ҳолатини ўзи: жойнинг камгаклиги, сувнинг саёзлигию дов-дарахтларнинг дарёга солланиб осилиб турган тепа шох-шаббалари уларга ёрдамга келганди. Изқувар тадбиркорлик билан эгилган шох-бутоқларни танлаб, эгик жойидан хиёл қўйроқдан кесарди-да, учини сал-сал сувга солинтириб қадаб қўярди, нариги қирғоқдан қараганда уларни ўзи шундоқ ўсган бута деб ўйлаш мумкин эди. Бир сўз билан айтганда, қўлтиқ шунақанги устомонлик ва шунақанги маҳорат билан ниқобландики, иштирма йўқмикин деб изловчи ғоятда шубҳачи одамнинг кўзларигина тикилиб қолиши мумкин эди қўлбола тўсиққа.

— Умрим бино бўлиб бунақанги усталик билан яширинган эмасман,— деди Изқувар одатдагидек унсиз кулганча, ўз ишини сиртдан кузатаркан.— Бизнинг бу янги дарахтларимизнинг барглари тепамиздаги шох-шаббаларнинг япроқларига қўшилиб-аралашиб кетди, яқиндагина гарнизонда бўлган сураткаш шахсан келиб кўрганида ҳам булардан қай бирини табиат ўтқазгану қай бирини биз ўтқазганимизни айтиб беролмасди. Жим! Мана, Чучук Сув

ҳам келиб қолди! Фаросатли йигит-да! Изини йўқотиш учун сувдан келяпти. Кўрган чора-тадбиримизнинг қанчалик нафи бор эканини кўрамиз ҳозир.

Жаспер орқага қайтиб, қайиқларни бояги жойидан топмагач, шу заҳотиёқ уларнинг дарё бурилишини айланиб ўтганларини фаҳмлади. Одатий эҳтиёткорлик қирғоқда қолдирилган излар билан ўз тахминича қайиқлар яширилган жой оралигида ҳеч қандай алоқа риштаси бўлмастлиги учун уни сувдан боришга ундади. Борди-ю канадалик ҳиндулар орқага қайтиб, Изқувар билан Илон қолдирган изларни топганлари чоғда ҳам, бу ерга, дарё ёқасига етгач тўхтаб қолишади, зероки сув изларни сақлаб турмайди. Успирин то дарё бурилишигача тизасидан сув кечиб келди. Уни айланиб ўтгач, қайиқлар қаерда яширилганини синчиклаб кузатганича, қирғоқ ёқалаб аста-аста илгариларга келди.

Буталарга тақалиб келибгина барглар орасидаги кичик-кичик очик жойларни топса бўларди. Ушбу яшил пардага сирт томондан ҳатто тақалиб келиб тикилган одам ҳам бундай жойларни пайқай олмасди. Борди-ю бирор кимса тасодифан очик жойни пайқаб қолган чоғдаям, фақат яшил парда ортидаги қум билан нимқоронғиликка кўзи тушган, бироқ, шубҳасизки, у ерга яшириниб олган қочоқларни бари бир кўрмаган бўларди. Қочқинлар қайиқларда, япроқлардан бунёд бўлган девор орқасида Жаспернинг хатти-ҳаракатини кузатиб ўтиришар экан, йигит мутлақо адашиб-довдираб, Изқуварнинг қаерга беркинганига ақли етмай гарангсиз қолганини кўриб туришди. Жаспер ўзи ёққан гулхан кўринмай қолгач, тўхтаб, қирғоқни синчиклаб назардан ўтказиб бошлади. У саккиз, ўн қадам олға юрарди-да, яна тўхтаб, атрофни кузатарди. Шу тариқа йигит сунъий тўсиққа қўл узатса етгундек яқинлаб келди. Лекин у ҳеч нимани пайқамай, нари ўтиб кетаверди, шунда Изқувар шаббаларни нари-бери сурди-да, астагина чақирди.

— Қойил! — деди Изқувар кулиб. — Дарвоқе, оқ танли билан қизил танлининг кўзи орасида ер билан осмонча фарқ бўлса ҳамки, ҳар қалай зўр... Сержантнинг қизини гаровга қўйиб бас бойлашаманки, отасининг бутун бошли полки шундоқ ёнгинамиздан заррачаям алдовни сезмай ўтиб кетавериши тайин гап. Мабодо минглар дарёга тушиб, ҳозиргина Чучук Сув бўлган ерга етиб борганларидами, унда қўрққан бўлардим. Бироқ нариги қирғоқдан қараганда улар ҳеч нимани сезмасликлари тайин, бунинг эса бизга нафи тегиши турган гап.

— Мистер Изкувар, орқамизда бу аблахлар йўқлиги-га ишонч ҳосил қилишимиз билан лангарни кўтариб, бутун елканларни ишга солганча оқим бўйлаб қуйига қараб жўнаб қолганимиз маъқул эмасмикан сизнингча? Биз денгизчилар қуйруқ ёқдан таъқиб этишни энг узоқ таъқиб этиш деб ҳисоблаймиз.

— Гарнизон дўконидаги жами милтиқдорини берганларида ҳам, токи Илон қайтмагунча бу ердан қимирламайман. Сержантнинг қизига мен жавобгарман-ку, ахир, борди-ю таъқиб этадиган бўлсалар, муқаррар асирлик ёки сўзсиз ўлимдан қочиб қутула олмаймиз. Башарти ёш кийик ўрмонда етук буғудай юғура олганда эди, қайиқларни тарк этсак бўларди; айланма йўл билан тонготмасдан қалъага етиб олардик унда.

— Бўпти, шундай қилганимиз бўлсин!— деди Мабель дик этиб ўрнидан туриб, туйқусдан жўш уриб кетган ғайрати тазйиқида.— Мен ёш, кучлиман, юравериб ўрганиб кетганман. Менга етиб юриш тоғажонимга йўл бўлсин. Мени оёққа тушов деб ўйламанг. Мени деб бирортанглар хатарга йўлиқиб, жонларингни таҳликага қўйишингларни хоҳламайман.

— Йўқ-йўқ, азизим, сизни ҳеч ким оёққа тушов деб ўйламайди. Агарда хавфу хатар икки баравар каттароқ бўлганидаям, сержант билан унинг қизига хизмат қилиш учунгина бажонидил қадам қўйган бўлардик бу йўлга... Сен ҳам шу фикрда эмасмисан, Чучук Сув?

— Унга хизмат қилишга тайёр бўлганда қандоқ!— деди Жаспер ҳаяжонланиб.— Токи ўзини отасининг бағрида бежавотир кўрмагунича Мабель Дунгамни ташлаб кетишга ҳеч нима мажбур қилолмайди мени.

— Жуда яхши айтдинг, йигит! Мардона ва ҳалол гапни айтдинг! Мен ҳам чин дилимдан қўшиламан бунга... Йўқ-йўқ, сиз мен бу хилват жойлардан кузатиб қўйган биринчи аёл эмассиз, лекинга улардан биттасигина фалокатга учради, холос. Бу мудҳиш кун эди... Илоё ҳеч қачон такрорланмасин у!

Мабель ўз ҳимоячиларидан гоҳ бирига, гоҳ иккинчисига жавдираркан, унинг чиройли кўзларида ёш милтиллади. Ишонувчанлик-ла қўлларини сиқиб, титроқ товуш билан:

— Узимни деб сизларни хавфу хатарга қўйишга ҳаққим йўқ,— деди.— Отам ҳам худди мендай миннатдор бўладилар сизлардан... Биздан қайтмаса, худодан қайтсин. Лекин жонни беҳуда хавф-хатарга қўйишнинг нима кераги бор? Мен узоқ юра оламан, бирорта аҳмоқона эрмакни

деб тез-тез бир неча милялаб чопиб ҳам турардим; гап ўз ҳаётим, бундан ҳам муҳимроғи, сизларнинг ҳаётингиз устида кетаётган пайтда нимага энди бир зўр бермас эканман!

— Фариштанинг ўзгинаси экан-ку бу қизалоқ, Жаспер,— деди Изқувар, токи Мабель бўшатиб олмагунига қадар қизнинг қўлини қўйиб юбормай.— Қандай мулоғим, қанчалик ёқимтой-а!.. Ўрмонда юравериб бизнинг юрагимиз дағаллашиб, тошюрак бўлиб боряпмиз, Мабель, аммо сиздай бир хилқатнинг ой чеҳраси бизнинг қалбимизда энг эзгу ҳис-туйғуларни уйғотяпти, бунга тоабат ёдда сақлаб қоламиз. Уйлайманки, Жаспер ҳам худди шундай деса керак, негаки у, худди мен сингари, Онтариода сизга ўхшаган — юракларни ийдириб, қалбларда атрофидагиларга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғота оладиган аёлни камдан-кам учратган... Ўзинг айт-чи, Жаспер, ё мен нотўғри гапиряпманми?

— Бирон жойда Мабель Дунгамга ўхшаган бирор кимсани учратиш душвор-ов,— жавоб қайтарди йигит одоб билан.— Сен, ўрмонда бундай аёлни учратиш мушкул, деб беҳуда гапни айтяпсан; йўқ, бунақасини ҳатто қишлоқ ёхуд шаҳарларда ҳам йўлиқтириш амримаҳол!

— Қайиқдан тушганимиз маъқул,— деди Мабель шоша-пиша.— Кўнглим сезиб турибди, бу ерда қолиш хавфли.

— Бунга чоғингиз келмайди, дош беролмайсиз бунга,— деди Изқувар.— Тунда тўнкаю кундалар, қулаган дарахтлар оралаб, ботқоқликлардан кечиб йигирма милядан ортиқроқ йўл босиш керак. Бунинг устига десангиз, орқамизда ҳаддан зиёд кўп излар қолдирамиз унда, иннайкиин, балки гарнизон томонга қурол ёрдамида йўл очиб боришимизга тўғри келар. Яхшиси, могиқанни кута турамиз.

Ҳеч ким эътироз билдирмади унга.

Ароухед билан хотини икковлари четроқдаги бута тагига ўтиришиб, суҳбатга тушиб кетишди. Ҳиндунинг овози қаҳрли эди, хотини бўлса мўмину итоаткорлик-ла жавоб қайтарарди. Изқувар билан Кап қайиқда қуруқлик ҳамда денгизда содир бўлиб ўтган турли ҳангомаю саргузаштлардан сўзлашиб ўлтиришарди. Жаспер билан Мабель иккалаларни иккинчи қайиқда ўлтиришар эди; икковлари орадан ўтган шу бир соатлик фурсат давомида бўлак вазиятдаги бир йилдан ортиқроқ мулоқатда бўлгандан кўра кўпроқ иноқлашиб кетишганди. Хавфу хатар таҳдид солиб турганига қарамай, улар учун вақт физиллаб ўтиб



бораётган эди. Кап орадан қанча вақт ўтиб кетганини айтганида улар ҳайрон қолишди.

— Эҳ, қани энди чекишнинг иложи бўлса, ана унда бу каюта янаям шинаму файзли бўлиб кетарди-да! — деб қўйди кекса денгизчи.— Бу ерда биз нақ кемани маҳкам боғлаб қўйгандек, ҳар қанақанги шамолдан қўрқмайдигандек бежавотирмиз. Биттагина нарса — чекиб бўлмагани касофат-да!

— Тамакининг тутуни фош қилиб қўяди бизни,— жавоб қилди Изқувар.— Агар мингларнинг бурунларига қардалигимизни айтиб турадиган ҳидни тутадиган бўлсак, уларнинг кўзидан яширинганимиздан нима фойда? Ҳа-ҳа, шундоқ, нафсларига уриб турадиларда энди... Сабр-тоқатли бўлишни атиги битта бош терисини қўлга киритиш учун бир ҳафталаб оч юра оладиган ҳиндудан ўрганинг... Жаспер, қулоғингга ҳеч қандай шарпа чалинмадими?

— Илон келяпти.

— Яхши! Қимнинг кўзи ўткирлигини — могоканникими ёки сувда истиқомат қилувчи йигитникими — бир кўриб қўйайлик-чи.

Могикан боя Жаспер пайдо бўлган томондан келаётган эди; бироқ дарё бурилишидан айланиб ўтгач, олдинга қараб юриш ўрнига у қирғоққа яқинлашди-да, буталар остида писиб турган кўйи, орқага тикилиб қолди.

— Илон муттаҳамларни кўряпти чоғи! — пичирлади Изқувар.— Улар қармоққа илинишибди, ҳозир тутун чиқаётган жойга қараб кетишяпти; менинг теримнинг оқлиги қанчалик аниқ бўлса, бу худди ўшанчалик равшан.

Унинг сўзларини, гарчи сассиз бўлса-да, қувноқ кулги бўлиб қўйди. У тирсаги билан Капни туртиб, Чингачгукнинг ҳар бир ҳаракатини кузатишни давом эттирди. Могикан ўн дақиқалар чамаси ўзи устида турган тош мисоли қотиб қолди, сўнгра, гўёки ўзи кутаётган нарсани кўргандек, изларини саёз сув остига яширганича ошиғич йўлга тушди. Афтидан у шошилаётган ва безовталаниб қолган кўринарди, зероки муттасил дам орқасига ўгирилиб қараб-қараб қўяр, дам қирғоқ ёқасидаги буталарни диққат-ла кўздан кечириб, қайиқлар яширилиши мумкин бўлган жойни топишга тиришарди.

— Чақира қол уни,— деди Жаспер.— Овоз бер, йўқса кеч бўлади! Қара, ёнимиздан кетяпти нарига!

— Тағин пича сабр қил, шошма! Шошилишнинг ҳожати йўқ, ишонавер гапимга, акс ҳолда Илон қорни билан судралиб келган бўларди... У-ҳў! Чамамда, кўзлари ит-

нинг ис олиш сезгисидек ўткир Чингачгукдек одам ҳам панагоҳимизни пайқай олмайдиган кўринади-ку.

Изқувар тўйдан олдин ноғора қоққан эди. У ҳали сўзини охирига етказиб улгурмасидан олдинроқ бир неча фут пастроқдан салгина нарига ўтиб бўлган ҳинду тўсатдан тўхтади, зийрак нигоҳини буталарга қадаб, зудлик билан орқага бир неча одим ташлади-ю, шаббаларнинг орасини очиб, дўстлари ҳузурида муҳайё бўлди-қўйди.

— Нима гап? Лаънати мингларми?— деди Изқувар, дўсти эҳтиёткорликка амал қилган ҳолда гаплашса бўлгундек яқинлаб келганида.

— Ирокезлар!— дея лўнда қилиб эътироз билдирди ҳинду.

— Бари бир эмасми-я! Ирокезлар, шайтону иблислар, минглар, менгвизлар ёки алвастилар — ҳаммаси бир гўр. Бу аблаҳларнинг жамикисини минглар деб атайман. Яқинроқ кел, сардор, яхшилаб кенгашиб олайлик.

Икковлон бир чеккага ўтиб ўлтиришиб, делаварлар тилида сўзлаша бошладилар. Кенгашиб бўлганларидан кейин Изқувар ҳамроҳлари ёнига келди-да, ошнасидан эшитиб билганларини барини етказди уларга.

Могикан қалъа томонга кетаётган ирокезларни бирмунча вақтгача кузатиб борибди. Жаспер ёққан оловнинг тутунини кўриб, улар ўша заҳотиёқ орқага қайтибдилар. Чингачгук кўзларига чалиниб қолишдан хавфсираб, бекинишга ва то улар ёнидан ўтиб кетгунларича кутиб туришга мажбур бўлибди. Унинг бахтига, ўша дамда бутун ўй-хаёллари ўз кашфиётлари билан банд бўлган ҳиндулар атрофларига одатдагидан хийла камроқ диққат қилганлар. Уёғи қандоқ бўлмасин, ўн беш нафар ирокезлар, бир-бирларининг изига оёқ қўйганча, унинг ёнгинасидан шошилишга ўтиб кетишибди, ана шундан кейин Илон орқаларидан келаверибди. Овчи билан могиканнинг изига дуч келганларидан сўнг шу издан дарёга қараб юришибди ва Жаспер айнан дарё бурилишидан эндигина ўтиб кўздан йўқолган сонияда ўша жойга етиб боришибди. Бу пайтда тутун шундоққина кўриниб турган экан, шунда ҳиндулар гулхан ёнига ими-жимиди писиб боришга ҳаракат қилишиб, ўрмон ичкарасига кириб кетишибди. Чингачгук ана шу вақтдан фойдаланиб ҳеч кимга сездирмай дарёга тушибди-да, дарёнинг бурилган еридан айланиб ўтиб олибди. У ирокезларни гулхан ёнида кўргунига қадар ўша жойда кутиб турибди, ирокезлар эса кўпдаям ҳаяллашмабди гулхан олдида.

Ирокезларнинг ният-режалари хусусида могикан фақат

уларнинг хатти-ҳаракатларига қараб бирон нима дейиши мумкин эди, холос.

Унинг фикрича прокезлар бу гулхан нима мақсадда қаланганини фаҳмлаганлар, сабабки, ўша жойни зудлик билан кўздан кечирганлару иккига бўлинганлар: бир гуруҳи ўрмон ичкарасига кириб кетган, бошқалари — етти ё саккиз киши — Жаспернинг изидан соҳил ёқалаб юриб, қайиқлар қирғоққа келиб тўхтаган жойгача келганлар. Улкан Илон шунда шошилиш лозим эканини сезган-у, дарҳол дўстлари ёнига қайтган. Ирокезларнинг баъзи бир имо-ишораларидан у дарё оқими бўйлаб юрмоқчи эканларини англабди-ю, бироқ албатта шундай қўладилар деб қатъий исботлай олмасмиш.

Токи Изқувар бу гапларнинг барини ўз ўртоқларига бир бошдан сўзлаб бераркан, йкки оқ танли нажот чорасини топиш устида бош қотириб, беихтиёр ўз касбларини эслаб қолдилар.

— Қайиқларни ҳозироқ олиб чиқамиз бу ердан,— деди Жаспер.— Дарё тез оқади, шуни-чун ҳаммамиз эшкакка барабар зўр берсак, анави дайдилардан олислаб кетамиз.

— Қирғоқда эндигина очилган бечора гунча наҳотки ўрмонда сўлиб-қовжираши керак?— дея эътироз билдирди унинг дўсти делаварлар орасида узоқ йиллар истиқомат қилган пайтларида беихтиёр тарзда ўрганиб кетгани шоирона тилда.

— Бундан кўра ҳаммамизнинг ўлганимиз яхши!— дея жавоб қайтарди йнгит ва икки бети алвон тусга кирди.— Мабель билан Ароухеднинг хотини қайиқнинг тубига ётиб олишади, биз эсак эркакчасига ўз бурчимизни адо этамиз.

— Ҳа, сен эшкак эшишга устасан, Чучук Сув, бунга қўшилишаман, лекигин лаънати минг қурол ишлатиш санъати бобида сендан асло қолишмайди. Қайиқларимиз енгил-у, аммо ўқ улардан тез учади.

— Бизга ишонч билдирган отага тантанали ваъда берганмиз, шундоқ экан, бу хавфу хатарга тик боқиш бизнинг бурчимиз-ку!

— Аммо-лекин эҳтиёткорлик ва мулоҳазакорликни ҳам унутмаслик даркор.

— Мулоҳазакорлик эмиш-а! Мулоҳазакорлик охир-оқибатда қўрқоқликка айланиб кетиши мумкин.

Улар энсизгина қумлоқ соҳилда туришар эди. Изқувар қуролига суянганча турар экан, мўлжал нишони елкасига қадалган милтиқ милини икки қўли биланғижимларди ҳадеб. Жаспер ушбу терс ҳамда ноўрин сўзларни айтганида Изқуварнинг қорача туси заррача ўзгармади, бироқ

Йигит унинг бармоқлари милтиқ мили оғзини қаттиқроқ сиқимлаганини пайқади. Бу ҳол ҳаяжонланганининг як-каш нишонаси бўлди, холос.

— Сен ёшсан, қизиққонсан,— қаршилиқ билдирди Изқувар босиқлик билан, обрў сақлаб; овчининг ушбу устунлиги сўзларига қулоқ солиб турганларда унга нисбатан эҳтиром туйғусини уйғотди,— лекигин менинг ҳаётим минг бир хил хавфу хатарлар орасида кечди, иннайкейин десанг, тажрибам ҳам бесабр болакайнинг бетизгин жўшқинлигига қараганда ишончлироқ. Қўрқоқликка келганда эса, Жаспер, жаҳлу ғазаб-ла ҳамда ўйламай айтилган бу сўзга мен дарғазаб ва бемулоҳаза жавоб қайтармайман, аммо-лекин сен ҳали бешикда ётган пайтнингдаёқ минглар билан бетма-бет рўпара келган одамга ишонавер, кейин, билиб қўй, уларнинг ҳийла-найрангларига ақлсизона жасоратдан кўра оқилона устомонлик-ла панд бериш осонроқ.

— Кечиринингги ўтинаман, Изқувар,— деди Жаспер самимий, дўстининг қўлини қисар экан.— Эзгуликни ҳимоя қилишда кўл соҳилидаги қоялардай мустаҳкам жасорат кўрсатувчи одам ҳақида шундай деб аҳмоқлик ва бемаънилик қилдим.

Шундан кейингина Изқуварнинг юзи ёришди. Табиий майл заптида чеҳрасига қалқиб чиққан мағрурлик туси унинг феъл-атворига хос оққўнгиллик, самимият ифодаси эпкинидан мулойим тортди. У Жаспернинг қўл сиқишига дўстона жавоб қайтарди; хиёлгина чимирилган қошлари жойига қайтди-ю, кўзларида яна меҳр-саховат акс эта бошлади.

— Қўй-қўй, бас, Жаспер, етар!— жавоб қайтарди у кулиб.— Тирноқчаям жаҳлим-чиққани йўқ, кейин десанг, мендан ҳам жаҳллари чиқшини истамайман. Мен кекчи бўлмаслигим керак. Шу гапларнинг ақалли ярми Илонга айтилганида борми, унинг делаварлигига ҳам қарамай, ёмон бўларди: танасининг туси...

У кифтига кимдир турганини ҳис этиб, сўзлашдан тўхтади. Мабель қайиқда энкайганича, бармоғини лабига босиб турарди. У кўзлари билан барглар оралиғида нар-ёққа тикилган кўйи, шаббани ушлаган қўлини орқага узатиб, шохчанинг учини Изқуварга теккизган эди. Шунда Изқувар барглар орасидаги бошқа тирқишдан мўралаб қаради-да, Жасперга:

— Лаънати минглар! Қуролларни шайланг, дўстлар, лекигин қимирлай кўрманглар, бамисоли чирик тўнкадай!— дея шивирлади.

Жаспер шарпа чиқармай қайиққа лип этиб ўтди-ю, енгилгина бир ҳаракат билан Мабелни қайиқ тубига ётишга мажбур қилиб, милтиқни ўқ узишга шайлаганча қизнинг ёнига туриб олди. Ароухед билан Чингачгук буталар олдига эмаклар бориб, улар ҳам ўз қуролларини худди шундай шай тутганича, буталар остига илон янглиғ чўзилиб олишди; тускарорнинг хотини эса бошини тиззасига қўйиб, чит кўйлагининг этагини устидан ёпди-ю, қилт этмай қотди-қолди. Кап тасмасига қистириғлиқ тўппончаларини чиқарди, бироқ, чамаси, буёғига нима қиларини билмай қолгандек кўринди. Изқувар қилт этмай турарди. Аввал-бошдаёқ у ҳам ганимларни кузатиш, ҳам ўқ узиш учун қулай ҳолатни эгаллаган эди. У шунчалик совуққон эдики, ҳатто шундай аҳвол танг дақиқада ҳам қатрача ҳовлиқмас, саросимага тушмасди.

Мазкур дақиқа дарҳақиқат даҳшатли дам эди. Мабель йўл бошловчининг кифтига шабба учини теккизган маҳалда дарё бурилишида, сайёҳлардан юз ярдча нарида пайдо бўлган уч нафар ирокез тўхтаб, оқим бўйича қуйи томонни кузата бошлаган эди. Улар белларига қадар яланғоч, душман билан олишадиган бўлиб қуролланган, жангари ранг-бўёқларни чаплаб олган эдилар. Уларнинг қочқинларни топиш учун қай томонга юришни билмай иккиланаётганлари кўриниб турарди. Битталари оқим бўйлаб қуйини, иккинчиси — юқорини, учинчиси нариги қирроқни кўрсатаётган эди.

БЕШИНЧИ БОБ

Бу таҳликали дамлар эди. Қочқинлар рақибларининг ниятларини уларнинг имо-ишораларию ўз муваффақиятсизликларини қанчалик даргазаблик билан қаршилаганликларидангина пайқашлари мумкин эди, холос. Ганимларнинг бир қисми қалъа томонга қайтгани, бинобарин, уларни гулхан билан чалғитиб бўлмагани яққол кўриниб турарди. Бироқ бу ҳол сайёҳлар учун катта аҳамиятга эга эмасди, зотан уларга хавф солиб турган нарса — дарёдан оқим бўйлаб келаётган уч ирокезнинг пайқаб қолиши эди. Фурсатни бой бермай, зудлик билан бир қарорга келиш ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш лозимлигини тушуниб турган Изқувар вазиятни тезгина англаб етди. У заррача шарпа чиқармай иккала ҳинду билан Жасперга ёнига келишни ишора қилди ва уларга шивирлаб бундай деди:

— Биз шаппа-шай бўлиб туришимиз керак. Бу яра-

маслар уч кишигизга холос, биз эса беш кишимиз; тўртто-
вимиз бунақа мушкулликларга кўникиб кетганмиз... Чу-
чук Сув, ажал нусха бўёқ чапдангани сенинг тегишинг.
Сен, Чингачгук, сардорнинг капилени оласан. Ароухед эса
ёшроғига кўз-қулоқ бўлсин. Тагин адаштириб юбора кўр-
манглар-а: биттасига иккита ўқ узиш-сержантнинг қизи
хавф остида қолиб турган пайтда ўтакетган исрофгарчи-
лик бўлади. Мен бўлсам, ҳар эҳтимолга қарши, заҳирада
туратураман: балки тўртинчи рақиб ҳам бордир ёки би-
рортангиз эпидан чиқолмай қоларсизлар. То мен ишора
қилмагунимча ота кўрманглар! Жуда тор келиб қолганда-
гина отамиз, негаки, ўқ овозини эшитиши биланоқ бу аб-
лаҳларнинг ўртоқлари югуриб, келишади. Жаспер, бор-
ди-ю ярамаслар орқа томонимиздан ҳамла қиладиган бўл-
са, у тақдирда сержантнинг қизи ўлтирган қайиқни сенга
топшираман; дарёдан қўйига қараб сузасан-у, уни қалъа-
га етказасан.

Изқувар ушбу гапларни айтиб улгурди-ю, жим бўлди,
зотан бу сонияда ирокезлар шунчалик яқинлаб келишган
эдики, тиқ этган овоз чиқармаслик лозим эди. Ирокезлар
оҳиста-оҳиста сув кечиб келишар, буталарга яқинроқда
бўлишга интилишарди. Айни шу паллада эшитилган барг-
ларнинг шитирлашию шаббаларнинг чирсиллаши қочқин-
ларга машъум хабардан дарак берди — ҳиндуларнинг
бошқа гуруҳи қирғоқ ёқалаб орқа томонларидан келаёт-
ган эди. Қочқинлар бекиниб турган жойга етганда ҳар
иккала гуруҳ бир-бировига рўпара бўлди. Улар тўхташиб,
ўзаро кенгаша бошладилар; бу кенгаш том маъноси билан
қочқинларнинг нақ бошлари узра содир бўлди; қочқин-
ларни ҳавонинг сезилар-сезилмас бир ҳимосигина ҳилпи-
ратиб юборадиган, шамол эпкиннида эса оралиғи бемалол
очилич кетадиган нозик гиёҳ ҳамда дарахтларнинг япроғу
шоҳ-шаббаларигина кўздан тўсиб турарди. Омадларига
ҳар иккала гуруҳ ҳам бир-бирларига шоҳ-шаббаларию
барглари шунчалик араллашиб, чирмашиб кетганидан асло
шубҳа тугдирмайдиган ҳақиқий ҳамда «қўлбола» буталар
тепасидан қарашаётганди. Ирокезлар қизгин, аммо, биров
қулоқ солиб турмаганмикан дея чўчинқирагандек, аста-
аста сўзлашишарди. Изқувар ҳам, иккала ҳинду жангчи-
си ҳам уларнинг тилига тушунишар эди. Ирокезларнинг
нима дейишаётганини ҳатто Жаспер ҳам қисман тушунди.

— Изни сув ювиб кетибди! — деди дарёда шундоққина
«қўлбола» бутанинг ёнгинасида турган жангчи; Жаспер
қайиғининг тубида ётган балиқ тутадиган чангакни унга
ғарчча қадаши мумкин эди. — Сув изни шунақанги топ-

тозалаб ювиб кетибдики, ҳатто ингизларнинг ити бўлганида ҳам излаб тополмасди уни.

— Оқ юзлилар қайиқда кетишган,— деди қирғоқда турганлардан бири.

— Мумкин эмас! Анави ёқдаги... қуйидаги... жангчиларимизнинг қуроллари хато урмасди унда.

Изқувар Жасперга маънодор нигоҳ ташлаб қўйиб, нафас олаётгани эшитилмасин учун тишини-тишига босди маҳкам.

— Менинг навқирон йигитларимнинг кўзи бургутнинг кўзидай ўткир бўлиши керак,— деди сув кечиб келган жангчиларнинг ёши каттаси.— Уруш сўқмоғида бир ойдан бери кезапмиз-у, атиги битта бош терисини қўлга киритдик... Уларнинг орасида қиз бола бор, бизнинг жангчиларимизга эса хотин керак.

Яхшиямки Мабель бу сўзларни англамади, аммо Жаспернинг қовоғи уюлиб, қошлари чимирилди, юзлари лолақизғалдоқдай ловиллаб кетди.

Ирокезлар жим бўлишди. Баргу шаббалар товушидан қирғоқда турган гуруҳнинг йўлга тушиб, нари кета бошлаганини фаҳмласа бўларди. Сувда турганлар эса қирғоқни кузатишни давом эттиришди. Икки ёхуд уч дақиқа фурсат ўтгач, улар йўқотган нарсасини излаётган одамлардек, аста-секин дарё бўйлаб қуйига қараб йўлга тушишди. Ниҳоят улар сунъий буталар ёнидан ўтиб кетишди, шунда Изқувар оғзини очиб, одатича унсиз кулиб қўйди. Бироқ унинг тантанасининг умри қисқа бўлди: айнан шу аснода орқада кетаётган ҳинду ўгирилиб қараб тўхтади-да, сунъий тўсиқни синчиклаб кўздан кечира бошлади. Унда қандайдир шубҳа туғилгани кўриниб турарди.

Сайёҳларнинг бахтига у ҳали ёш жангчи бўлиб, тажрибаси етарлича эмасди. У ўзи тенги жангчи эҳтиёткор ҳамда камтарин бўлиши лозимлигини тушунарди, кейин, агарда аслида йўқ хатардан хабар бериб, беҳуда ваҳима кўтарса майна бўлиши ва назардан қолишидан ҳаммасидан кўра кўпроқ қўрқарди. Шу боисдан ҳам у икки ўртоғини чақириб ўрнига, кетига бурилди-да (шериклари дарёнинг қуйисига томон кетишаверди), секингина диққатини тортган бутага яқинлашди. Қуёшга қараган бир неча япроқ бандида осилиб турган ерида хиёлгина сўлинқирагани, ушбу табиатнинг одатий қонуниятидан билинар-билинимас чекиниш жангчини таажжубга солган эди. Бунинг ҳеч қандай ҳайрон қоладиган жойи йўқ, зероки барча ҳиндуларнинг барча сезги аъзолари шунчалик нозик ҳамда ўткирки, айниқсанги уруш сўқмоғига чиққанда арзимас

бир нарса уларга тўппа-тўғри мўлжалга элтувчи иғнинг учини тутқасади-қўяди.

Бироқ ёш ҳиндуда шубҳа уйғотган белги ҳатто унинг ўзига ҳам шунчалик арзимас туюлдики, бу ҳақда шерикларига хабар қилишни телбалик деб билди, у шубҳа-гумонини бировнинг ёрдам-кўмагисиз текшириб кўришга аҳд этди. Ёш жангчининг кутилмаган пистирманинг қанчалик ҳатарли эканига ақли етарди, шу сабабдан ҳам у бутага аста-аста одимлаб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан яқинлаша бошлади; токи у буталар олдига писибгина етиб келгунича ҳар иккала гуруҳ ҳам эллик-олтмиш ярдлар чамаси олислаб кетишга улгурган эди.

Сайёҳлар ўзларининг аҳволлари танглиғига қарамай, айни шу дақиқада қарама-қарши туйғулар исканжасида талвасаланаётган ёш ирокезнинг хавотиргарлик акс этган юзидан кўз узмай туришарди. Ёш ҳинду аввало ўз қабиласининг ғоятда тажрибали жангчилари қўлга кирита олмаган ғалабага эришиш иштиёқида. Ана шу билан у ўз тенгқури ёки дастлабки уруш сўқмоғига чиққан ёш жангчи камдан-кам эришадиган шон-шухратини мустаҳкамлашни хаёл қиляпти. Шунинг билан бирга у тараддудда эди, негаки, сўлинқираб қолган барглари шамол ҳилпирата бошлаган ва улар яна бояги-боягисидек тирилиб қолгандек туюларди. Бундан ташқари, кўзга кўринмас хавфу хатардан чўчиш ифодаси юзида очиқ-ойдин акс этиб турарди. Учи сувга тушиб турган шаббалардаги барглари иссиқдан жуда кам ўзгарганди, уларни ушлаб кўрган ирокез, тахминим тўғри чиқмади, деган қарорга ҳам келиб қолганди деярли. Ниҳоят дилидаги барча шубҳа-гумонларига барҳам бериш истагида у иккита шаббани нари суриб, олдинга бир қадам қўйди-ю, қаршиёида ҳайкалдек қотиб турган қочқинларни кўрди. У сесканиб тушди, кўзлари чақнаб кетди-ю, лабларидан эшитилар-эшитилма хитоб учди. Чингачгук томагавкини қулочкашлаб туриб, ёш жангчининг бошига кучли зарб билан туширди. Ирокез қўллари тарвақайлаб, ўзини орқага ташлади-ю, дарёга қулади, ўша заҳотиёқ тезоқар сув унинг жон талашиб типирчилаётган танасини оқизиб кетди. Делавар бош терисини шилиб олиш мақсадида ҳиндуни қўлидан ушлаб қолмоқчи бўлди-ю, лекин беҳуда уринганди: сув қонли из қолдирганча мурдани олға суриб кетди.

Бу гапларнинг бари бир нафаслик фурсат орасида содир бўлиб ўтган ва тажрибасиз одамни довдиратиб қўйиши мумкин эди, бироқ ўрмондаги жангу жадалларга ку

никиб кетган Изқувар билан унинг ҳамроҳлари ундайлардан эмас эдилар.

— Бирон лаҳзани бой бериб бўлмайди,— деди Жаспер шивирлаб, шаббаларни юлқиркан.— Мистер Кап, агар жиянингизни омон сақлаб қолишни истасангиз, мен нима қилсам, сиз ҳам ўшандай қилинг. Сиз эса, Мабель, қайиқнинг тубига ётиб олинг.

У шундай дея солиб дарёга сакради-ю, енгил қайиқнинг тумшугига ёпишди. Ҳиндуларга сездирмай дарё муюлишидан ўтиб олиш ва шу йўл билан душман кўзидан ғойиб бўлиш ниятида Жаспер қайиқни тумшугидан тортса, Кап қирғоқ ёқалаб юрганча қуйруғидан итара бошлади. Изқуварнинг қайиғи қирғоққа яқинроқ турар, шу боисдан у охирида йўлга тушиши лозим эди. Могикан қирғоққа югуриб чиқиб, душман ҳаракатини кузатиш учун ўрмон ичкарасига кириб кетди, Ароухед бўлса Изқуварга қайиқни олдинга итариб юбориб, Жаспер ортидан йўлга тушишга имо қилди. Бу ишларнинг жами бир сониялик иш эди. Изқувар дарё муюлишини айланиб ўтиб, тезоқар жойига етганда қайиқнинг тўсатдан енгиллашиб қолганини пайқади. Орқасига ўгирилиб қараб, тускарор билан хотини ғойиб бўлганларини кўрди. Шу заҳоти хаёлидан: «Хиёнат!» деган ўй кечди. Ҳозир ўй-мулоҳазанинг вақти эмасди, негаки дарёнинг қуйи томонида қаттиқ-қаттиқ ҳайқириқлар янграгани: турган гапки, тез оқаётган сув бу орада ёш ҳиндунинг жасадини ўртоқлари кетаётган ерга оқизиб борган эди. Варанглаб ўқ овози эшитилди, худди шу топда Изқувар бурилишдан айланиб ўтиб, қуйруқда тик турганча қайиқни нариги соҳилга қараб бурган Жасперни кўрди. Кап тумшукда ўлтирар, ҳар иккалалари ҳам қайиқ тезроқ сузсин деб эшкани ғайрат-ла ишлатишарди. Изқувар бирров кўз ташлашдаёқ миясига бир фикр келди-ю, дарҳол уни амалга оширишга киришди, зотан чегарада бўладиган жангу жадалларнинг беқарору ўзгарувчанлигини ҳеч ким овчичалик билмасди. У бир ҳатлашда ўз қайиғининг қуйруқ томонига ўтиб олди-да, эшкани бир селпишда қайиқни тез оқаётган оқимга тўғрилади, овчи дарёнинг нариги бетига, лекин ўз дўстидан анча-мунча қуйроқдан кесиб ўтишга чоғланди. Шу дамда унинг танаши рақиб ўқига нишон бўлган-қўйгани: овчи ирокезларнинг аввало унинг бош терисини қўлга киритгилари келиб қолишини жуда яхши биларди.

— Жаспер, оқимдан юқорига қараб сузишни давом эттиравер!— дея қичқирди у, шиддат-ла, қулочкашлаб эшак солиб нақ сувни чок-чокини сўккундай бўлиб.— Ке-

йин нариги бетдаги, ҳув анави зиркзорга етиб олишга ҳаракат қилгин! Ҳаммадан бурун сержантнинг қизи бежавотирлигининг ғамини е, ярамас мингларни Илон билан менга қўйиб беравер.

Жаспер гапингни тушундим, деган маънода эшкакни ҳаволатиб силкиб қўйди. Бу аснода милтиқлар тез-тез, устма-уст варанглай кетди. Жамки ўқлар ирокезларга яқинроқда сузиб бораётган қайиқдаги одамга аталган эди.

— Баракалла, милтиқларингни бўшатаверинглар, аҳмоқлар!— дерди умрининг талай қисмини кимсасиз овлоқ ўрмонларда ўтказиб, ўз-ўзи билан гаплашишга ўрганиб кетган Изқувар.— Мундоқ бирор мартаям тузукроқ мўлжалга олмай, иложи борича нарироққа бориб олишимизга имкон бериб, ўқ-дорини исроф қилаверинглар! Жанг пайтида мақташ келишмаган ишқу-я, лекигин мен, ҳар қалай, айтиб қўяй, сизлар мерганликда полиздаги чумчуқларни отадиган шаҳарликлардан кўпдаям эпчил эмассизлар. А-ҳа! Мана буниси чаккиямас!— дея қўшиб қўйди у шундоққина ёнгинасидан учиб ўтган ўқ сочининг бир чимдимгинасини юлқиб кетганида бошини силкиб қўяркан.— Аммо лекин бир энлик четдан чувиллаб ўтган қўрғошиннинг умуман милтиқ оғзидан чиқмай қўя қолгани маъқул— фойдага қолади у. Қойил, Жаспер! Ўзимизнинг бош теримизни шу ерда қолдиришимизга тўғри келган чоғдаям, ҳеч бўлмаса сержантнинг дилбар қизини қутқаришимиз зарур!

Изқувәр айни сонияда дарёнинг ўртасида, деярли душманларнинг рўпарасида эди. Қап билан Жаспернинг зарбардаст қўллари бошқариб бораётган иккинчи қайиқ эса аппа-аниқ тайинланган жойга етиб олганди деярли. Кекса денгизчи қайиқда ўзини уйидадек ҳис қилиб, мардона тутаётган эди. Устига-устак, у жиянини астойдил яхши кўрар, айни чоғда, шубҳасизки, ўз шахсини ҳам унутмаётган эди. Гарчандки у бошқача турдаги жангларда тажриба орттирган бўлса-да, урушнинг ўтли-оловли йўлларида кўниқиб кетганди. Эшкаклар баҳамжиҳатлик билан яна бир неча бора сувга урилгач, қайиқ шифиллаганча буталар орасига кириб кетди. Жаспер Мабелни шоша-пиша қайиқдан туширди-ю, шу лаҳзадан бошлабоқ учала қочқин хатардан халос бўлишди:

Изқуварнинг аҳволи бундай эмасди. Унинг ҳаётига ниҳоятда катта хавф таҳдид солиб турарди, у худди ганимларга яқинлашган дақиқада қирғоқдаги ирокезлар сувдан келаётган шериклари қаторига қўшилишгани туфайлидан бу хатар янада ортганди. Освегонинг эни шу ерда бир кабельтов атрофида бўлиб, дарё ўртасида сузиб бораётган

қайиқ бироқ лаҳза тинмаётган икки томонлама ўқ ёмғири остида қолган эди.

Мазкур ҳал қилувчи дамда Изқуварнинг совуққонлигию матонати ўзига бағоят асқотди. У ўзини фақат бетиним ҳаракатда бўлиш асраб қолишини биларди, зотан ирокезлар қимирламай турган нишонни бундай масофадан беҳато мўлжалга олишлари аниқ эди. Бироқ Изқувар агарда тўғрига қараб сузаверадиган бўлса, бугу овига ўрганган ҳиндуларнинг ўқи бари бир қувиб етарди уни. У қайиғи йўналишини муттасил ўзгартириб туриши, гоҳ оқим бўйлаб ўқдай учиши, гоҳ қўққисдан тўхтаб, бир неча ярд оқимга кўндаланг сузиши лозим эди. Бахтига ирокезлар милтиқларини сувда ўқлаёлмасдилар, қирғоқни қоплаган қуюқ буталар эса қуруқликка чиқиб олган қочқинларни кўриб туришларига ҳалал берарди. Шундай қилиб Изқувар рақиблар ўқи остида дам қуйига, дам кўндалангига сузганича оз-оздан узоқлаб бораркан, қўққисдан хавфу хатар янаям газак олиб кетди: оқ танлилар оқим бўйлаб қуйига сузиб кетмадилармикан, дея кузатгани жўнаган соқчилар тўдаси етиб келиб қолди.

Боя ирокезлар ўз суҳбатлари пайтида тилга олган жангчилар тўдаси эди бу. Улар ўн кишидан кам эмасдилар. Улар сув қутурганича дўппайиб чиқиб турган харсанглар ва саёзлик сари интилиб, шовуллаётган ерга жойлашиб олишди. Изқувар мабодо қайиғини ўша шовуллаган саёзликка қараб соладиган бўлса, оқим уни албатта ирокезлар писиб ўтиришган жойга итқитиб юборишини кўриб билиб турарди. Бўйбермас қудратли оқим уни суриб кетиши, ҳарсанглар эса йўлини тўсиши, ана унда бу ҳаракатининг оқибати шак-шубҳасиз ўлим ёхуд бандилик билан тугаши тайин эди. У бор кучини ғарбий соҳилга, душманлар турган қирғоққа қарама-қарши ёққа етиб олишга сарфлашга тутинди. Аммо бу инсон боласининг чоғи келадиган иш эмасди. Оқимга қарши сузса қайиғининг тезлиги сусаярди-ю, бу билан у душманларга ўзини қувиб етишларига имкон яратиб берарди. Ана шундай иложсиз, танг шароитда, бари бир одатий совуққонлигини йўқотмай, қалтису мардона бир ишга жазм этди. Оқим бўйлаб ҳарсангларни оралаб ўтиш ўрнига, саёзликка қараб ҳайдади, ўша ерга етиб бора солиб узун милтиғини қўлига олди-ю, ўзини сувга отди. Изқувар тошдан-тошга сакраганча аста-секин ғарбий қирғоққа яқинлашиб бораверди. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган қайиқ гоҳ шиғиллаб бориб харсангларга урилиб, гоҳ қийшайиб ичига сув кириб, гоҳ чайқалганидан яна суви сачраб тўкилиб, шитоб-ла саёзлик сари елиб бо-

рарди, ахийри ирокезлар жойлашиб олган ердан бир неча саржин берида қирғоққа урилди.

Бироқ Изқувар ҳали хавфдан қутулганича йўқ эди; тўғри, унинг жасоратию эпчиллигидан ҳайратда қолган ҳиндулар дастлабига бир лаҳза мобайнида қимир этмай анграйиб туришди-ю, аммо ҳаял ўтмай тагин ўққа тутиш бошланиб, қочқиннинг боши узра учиб ўтаётган ўқларнинг чувиллаши тўлқинларнинг шовуллашига омихта бўлиб кетди. Устидаги кийимининг бир нечта жойини ўқ юлқиб кетди-ю, бироқ ўзининг бирон жойини ҳатто ўқ ялаб ҳам ўтмади.

Баъзи жойда Изқуварнинг кўрагидан сув кечиб ўтишига тўғри келди; бундай пайтда у милтиғи билан ўқ-дориларни боши устига қилиб баланд кўтариб оларди. Бу ҳолдан тойдирарди, шунинг учун ҳам у сувдан чиқиб турган, тепаси қуп-қуруқ харсангни кўрганида жуда қувониб кетди. Шунда милтиқдори солинган мугузни харсанг устига қўйди-да, ўзи эса орқасига, ўқдан панага яширинди. Ғарбий қирғоқ атиги эллик қадамча нарида эди, лекин у қорайиб секингина оқаётган сувга бир нигоҳ ташлаганидаёқ уёққа фақат сузибгина етиб бора олиши мумкин эканини англади.

Ҳиндулар бир неча дақиқага ўқ отишни бас қилишди. Улар қайиқ атрофида тўпланишиб олишганди, ичидаги эшкакни кўргач, дарёни кесиб ўтишга шайланишаётганди.

— Изқувар! — чап қирғоқдаги қалин бутазордан эшитилди бу овоз.

— Нима дейсан, Жаспер?

— Дадил бўл! Дўстларинг яқинингда, сурбетлиги эвазига жонидан айрилмай туриб бирорта минг дарёдан сузиб ўтиб бўпти. Милтиғингни харсангда қолдириб, то бу палидлар қайиқни сувнинг чуқур жойига олиб чиқмасларидан олдинроқ буёққа сузиб ўтганинг маъқулмасми?

— Урмон одами, токи мугузида милтиқдорисию садоғида ўқ билан чақмоқ тоши бор экан, ҳеч қачон ўз қуролни ташлаб кетмайди. Биласанми, Чучук Сув, мен бугун бирор мартаям ўқ узганим йўқ ҳали, лекинга бу дайидлардан ўзимдан эсдалик қолдирмасдан ажралишни ёқтирмайман. Оёғим сувда бўлса бало урмайди унга. Бунинг устига десанг, Ароухедни бу бекорхўжа аблахларнинг орасида кўрдим; у ўз «садоқати» учун мукофотга лойиқлиги кўрсатди, шундоқ экан, уни тақдирлаганим бўлсин. Ишонаманки, сен сержантнинг қизини ўққа нишон қилгани буёққа эргаштириб келмагандирсан-а?

— У бежавотир жойда, ақалли ҳозирча. Буёғи душман-

нинг дарёни кечиб ўтишига халақит бера олиш-олмаслигимизга боғлиқ. Улар энди бизнинг камчилик эканимизни билишади. Шунинг учун ҳам, мабодо буёққа сузиб ўтганларидаям, чамамда, тўдаларидан бир қисмини нариги қирғоқда қолдиришса керак-ов.

— Қайиққа алоқадор жамики гап сенинг зиммангга юкланади, бола. Аммо-лекин, минглардан қачон бўлмаски буғуга найза санча олган энг довюрагига бир эшкак эшгудек масофагача яқинлаб келишига йўл қўйиб берман. Агар улар дарёни шалола-остонадан юқорироқдан кечиб ўтишса, биз улардан кўра юқорироқдан сузиб ўтиб, бу қашқирлар билан қувлашмачоқ ўйнасак қандоқ бўларкин?

— Сенга айтдим-ку, чамамда, тўдаларидан бир қисми нариги қирғоқда қолса керак, деб. Иннайкейин, Мабелни бу ирокезларнинг ўқиға рўпара қилишни хоҳламассан?

— Сержантнинг қизини қутқариб қолиш зарур!— жавоб қайтарди Изқувар қатъий.— Сен ҳақсан, Жаспер; қиз ўзини мингнинг ўқиға нишон қилмаслиги даркор. Унда нима қилдик? Агар иложини топсак, шунга ҳаракат қилайликки, улар дарёдан бир ёки икки соатсиз сузиб ўта олмасинлар, биз эса бу орада қош қорайганидан фойдаланиб қоламиз.

— Гапингга қўшиламан, Изқувар. Қани энди шундай бўла қолса эди! Лекин бунга чоғимиз келармикин?

— Шаршара билан гарнизон оралиғида бизнинг қайиқларимиздан бўлак бирортаям кемаю қайиқ йўқ, қизил танлилар эса менинг ўзларига ўқталиниб турган карабиним билан сенинг қуролингни кўриб дарёдан сузиб ўтишга ботинишолмайди. Мақтанишни истамайман-у, Жаспер, аммо чегаранинг бу атрофларида менинг «буғу урарим» камдан-кам хато уришини жуда яхши билишади.

— Сенинг иқтидорингга ҳамма ерда ҳам одилонга баҳо беришади, Изқувар, лекин милтиқни ўқлаш учун вақт керак-ку, ахир; бунинг устига ўзинг шу топда бежавотир қуруқликда, пана жойда турган бўлмасанг, хийла ноқулай маррада туриб жанг қилишингга тўғри келса. Башарти менинг қайиғим ихтиёрингга бўлганида қуролингни ҳўл қилмай, бу қирғоққа ўтиб олармидинг?

— Бургут парвоз қила оладими, дегандай гап бўлди-ку. Бу,— деб жавоб қилди Изқувар ўз одатича унсизгина кулиб.— Сувда туриб ҳаётини таҳлика остида қолдириш ақлсизлик бўлурди; кўряпман, бу палидлар яна ўқ-дорини ишга солиш ниятида кўринадилар.

— Хатардан қутулса бўлади. Мистер Кап қайиқнинг

олдига боради-да, битта шохни дарёга ташлайди, шунда сув уни сен панасида турган харсанг ёнига оқизиб борадими-йўқми, маълум бўлади-қўяди. Кўряпсанми, шох аллақачон сувда оқиб келяпти! Агар шох олдинга оқиб борса, унда кўлингни кўтарасан, кейин Қап қайиқни итариб юборади. Мабодо қайиқ оқиб борса-ю, сен ушлолмай қолсанг, оқим уни бари бир тагин қирғоққа суриб келади, шунда мен осонгина тутиб оламан.

Оқим тобора тезроқ оқиза бошлаган шох ниҳоят харсанг ёнига етиб келган пайтда ҳам Жаспер гапириб ётганди. Изқувар шохни тутиб олди-ю, муваффақият белгиси сифатида қўлини юқори кўтарди. Шох кетидан қайиқ ҳам оқиб келди, Изқувар уни шу заҳотиёқ ушлаб олди.

— Антиқа иш бўлди-ку! Чегара ҳаётига кўникишнинг хосияти ана бундоқ бўлибди, Жаспер!— деди йўл бошловчи илжайиб.— Сенинг табиатинг сувга тортади, меники бўлса — ўрмонга. Ана энди муттаҳам минглар милтиқ тепкисини тепага кўтариб, хоҳлаганча мўлжалга олаверсинлар: охирги марта қулай фурсатдан фойдаланиб, беҳимоя одамга қарата ўқ узиб қолишлари мумкин.

— Қайиқни қирғоққа қаратиб итариб юборгин-да, кейин унга ирғиб чиқиб, тубига ётиб ол. Бекордан-бекорга кундай равшан кўриниб турган хатар тигига кўксини тутиб бериш аҳмоқлик.

— Мен ўз рақибларим билан эркакчасига бетма-бет туришни яхши кўраман, агарда улар ҳам менга худди шундоқ ибрат кўрсатишса, албатта!— жавоб қайтарди Изқувар мағрурона.

— Мабел-чи?

— Тўғри айтасан, бола, тўғри! Сержантнинг қизини қутқариб қолиш керак ва, сен айтгандай, бекордан-бекорга ўзни хавф-хатар тигига рўпара қилмаслик лозим, йўқса ўйламай иш қиладиган телба болакайга ўхшаб қоласан киши. Ҳозир турган жойингдан қўл узатиб қайиқни ушлаб ололасанми?

— Албатта-да, фақат зарб билан, қаттиқроқ итарсанг.

Изқувар қайиқни бор кучи-ла итариб юборди. Енгил қайиқ ўзини қирғоқдан ажратиб турган масофани тезгина босиб ўтди. Қайиқ Жасперга яқинлаб бориши биланоқ йигит дарҳол ушлаб олди уни. Қайиқни беҳавотир жойга яшириб, буталар орасидан қулай жойни топгач — бу ишлар кўз очиб-юмгунчалик фурсат ичида адо этилганди — Изқувар билан Жаспер, бамисоли узоқ жудоликдан сўнг дийдор кўришган икки ўртоқдек, қўл сиқишишди.

— Ана энди кўрамиз, Жаспер, «буғу урар» тишини ги-

жирлатиб турганида бу минглардан бирортаси Освегодан кечиб ўтишга журъат эта олармикан. Эшкак, рул ва елканларга сен қуролдан кўра кўпроқ ўрганиб кетгансан, албатта, лекигин юрагинг мардона, қўлларинг бақувват, толмас, жангда бу чакана гапмас.

— Мен Мабелни ҳимоя қиламан,— хотиржамгина жавоб берди Жаспер.

— Ҳа-ҳа, биз сержантнинг қизини асраб-авайлашимиз керак. Мен сени ҳамиша яхши кўриб келганман, Жаспер, эндиликда эса, бор кучингни ўз жонингни ҳимоя қилиш зарур бўлиб турган бир пайтда шу шўрлик қизнинг ғамию ташвишини чекаётганинг учун янаям кўпроқ севаман сени. Қара, Жаспер! Ярамаслардан учтаси қайиққа ўтириш-япти-ку! Афтидан, улар бизни жуфтакни ростлаб қолди деб ўйлашяпти чоғи, йўқса, менинг «буғу урарим» жонларига кўз тикиб турганида дарёдан сузиб ўтишга ботинолмасдилар.

Ирокезлар усталик билан яшириниб турган Изқувар ва унинг дўстини кўрмай, уларни қочиб қутулишмоқчи деб ўйлаб, чиндан ҳам Освегони кесиб ўтиш тараддудида эдилар. Башарти ҳимояларида Мабель бўлмаганида оқ танлилар ҳақиқатан жон-жон деб шундай қилишлари мумкин эди: ўрмон жанглари билан ниҳоятда таниш бўлган дўстлар қизни фақат дарёдан ўтиладиган йўлни тўсганларидагина қутқариб қолиш мумкин эканини фаҳмлаб туришарди.

Қайиқда Изқувар айтганидек уч жангчи: икки нафари чўк тушиб олган, қўлларида қуроллари, отишга шай; учинчиси қуйруқда типпа-тик турганча эшкак билан қайиқни бошқарарди. Улар дарёни остона-шалолодан юқориқодан, сув осойиштароқ оқаётган жойдан кесиб ўтиш ниятида оқимнинг юқорисига қараб сузиб кетишди. Эшкак билан қайиқни бошқариб бораётган минг ўз ишининг устаси фаранги экан: энгил қайиқ сувда нақ ҳаводаги патдай текис учиб кетяпти.

— Отсак қандоқ бўларкин?— секингина сўради Жаспер сабрсизликдан қалтираб.

— Ҳали эрта, бола, фурсати келгани йўқ ҳали! Улар уч кишигина, холос, иннайкейин, агарда мистер Кап белидаги тўппончасини ишга солиб қолмаса, ҳатто уларни қирғоққа тушишларига ҳам йўл қўйиб берамиз, шу йўл билан қайиғимизни қайта қўлга киритамиз.

— Мабель нима бўлади?

— Сержантнинг қизидан хавотир олишнинг ҳожати йўқ. У беҳавотир жойда, дарахтнинг ичидаги бўш кавак-

да, кавак оғзини тоғолча шаббалари билан беркитиб қўйдим, деб ўзинг айтдинг-ку менга. Кейин, агарда изларни яхшилаб йўқотган бўлсанг, қиз сира қўрқмай, минглардан қулиб, бир ойгача бемалол ўша ерда ётавериши мумкин.

— Ҳамма нарсагаям бунчалик ишонч билан, кўнгил тўқ бўлиб қарайверишлик ярамайди. Мен унинг яқинроғимизда бўлишини истардим.

— Нима учун, Чучук Сув? Унинг ажойиб бошчасию япроқдай титраб турган юракчасини ўққа нишон қилиш учунми? Йўқ-йўқ, ҳозир турган жойида бўлгани унинг ўзига яхши ҳамда бежавотирроқ-ку!

— Менинг бунга ишончим комил эмас. Аτροφимизда шох-шабба қадаб тайёрланган кўзпана орқасида ўзимизни мутлақо бежавотир жойдамиз деб ўйлаган эдик, лекин бизни топиб олишди-ку бари бир.

— Ўша жин ургур мингнинг қизиқсиниши касофатига жазосини тортгани-чи! Манави фирибгарлар ҳам худди ўшандай жазосини тортади, агарда...

Изқуварнинг сўзи оғзида қолди, зероки худди шу сонияда варанглаб ўқ узилди. Қайиқ қўруғида турган ҳинду бир сапчиб тушди-ю, қўлидаги эшкак билан сувга қулади... Шарқий қирғоқдаги буталар узра озроққина тутун буралиб чиқди-ю, ҳаял ўтмай ҳавога таралиб-сингина кетди.

— Бу Улкан Илоннинг ҳуштаги!— қувнаб хитоб қилди Изқувар.— Бирорта делавар зотининг кўксига бунақанги мардона ҳамда садоқатли юрак гурсиллатиб тепиб турган эмас. Шунга қарамай, шов-шув кўтармай тургани маъқулроқ эди ҳар қалай... Лекигин у бизнинг ҳозир қай аҳволда эканлигимизни қаёқдан ҳам билсин, ахир; ҳа, қаёқдан билсин!

Даргадан айрилган қайиқни ўша заҳотиёқ тезоқар оқим суриб кетди. Унда ўлтирган икки ҳинду қутуриб оқаётган сув билан олишишга кучи етмай, хавотирда атрофга аланглашарди. Чингачгукнинг бахтига ирокезларнинг бутун диққати шу икки ўртоқларида эди, акс ҳолда Илоннинг уларнинг қўлидан соғ қутулиб кетиши маҳол, деярли иложи йўқ эди. Ирокезлардан бирортаси қилт этмади жойидан; жамикиларининг нигоҳи қайиққа қадалган эди. Енгил қайиқ шитоб-ла олға интилаётган оқимнинг инжиқ майли ила шунақанги чайқалиб ва чирпирак бўлиб айлана бошладики, ҳар иккала ҳинду ҳам мувозанатни сақлаш учун қайиқ тубига ётиб олишга мажбур бўлишди. Бу чоранинг жонларига ора кириши кўпга бормади: тошга бориб урилган қайиқ тўнтарилиб кетди-ю, жангчилар дарёда кўрди ўзларини. Сув одатда шалола-остона-

ларда (оқим ўзига йўл очиб олган жойлардан ташқари) чуқур бўлмайди, шу боисдан ирокезлар чўкиб кетишлари мумкин эмасди. Бироқ улар қуролларидан ажрашган, қирғоққа чиқиб олиш учун эса, заруратга қараб, гоҳ юриб, гоҳ сузиб боришлари лозим эди. Қайиқ дарёнинг ўртасидаги харсанглар орасига қисилиб қолганди; шу аснода ундан на сайёҳлар, на уларнинг таъқибчилари фойдалана олардилар.

— Мана, қулай фурсат етди, Изқувар!— деди Жаспер икки ирокез белидан сув кечиб боришаётганда.— Бирини мен мўлжалга оламан, иккинчисини эса сен.

Шундай дея у ўқ узди, бироқ бўлиб ўтган ҳодисалар уни шу даражада ҳаяжонга солган эдики, қўли титраб кетди. Иккала ҳиндуга ҳам зарар етмаганди, ўқ хато кетганидан кулишиб, қўлларини кўтариб қўйишди улар. Изқувар отмади.

— Йўқ-йўқ, Чучук Сув,— жавоб қилди у,— мен бекордан-бекорга душман қонини тўкмайман. Менинг ўқларим терига яхшилаб ўраб-чирмаб, ўт олдиргич дориси маҳкамлаб пахтавон қилиб қўйилган; уни муқаррар зарурат туғилиб, иложи бўлмай қоладиган дақиқа учун сақлайман. Очигини айтганда, мингларни делаварлар билан кўпдан яқинлашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетганим сабабидангина жиним суймайди, шунга қарамай, ўлиши зарур эканига ишонч ҳосил қилмай туриб ҳеч қачон бирортаям ёвузга қарата ўқ узмайман. Мен фақат ҳузур-ҳаловат топиш учунгина буғуни ўлдирган эмасман асло. Пича сабр қилайлик! Бу судралувчиларга биқингиналаридан эканлигини ана шундай тап тортмай билдириб қўйган Илонга мадад бериш учун «буғу урар»ни ишга соладиган фурсат ҳам келиб қолади ҳадемай. А-ҳа! Улардан бири, худди олмахонни отаман деб синган дарахт панасида пусиб турган гарнизонлик болакайдек, уёқда қирғоқ ёқалаб ивирсиб қолибди-ку аллақачон.

Изқувар бармоғи билан ўзи айтаётган ҳиндуни кўрсатган эди, Жаспер уни кўрди. Ёш жангчи ўзини кўрсатиш иштиёқида ўртоқларидан кейинда қолиб, Чингачгук яшириниб турган бутага яқинлашаверди. Душманларнинг ясама бегамликлари чалғитиб қўйган Чингачгук ирокезга ўзини бемалол кўра оладиган масофагача яқинлаб келишига йўл қўйиб берди. Ҳинду хатти-ҳаракатига қараганда ўқ узишга чоғланаётган эди. Чингачгук, ирокезлар ва икки нафар оқ танли ҳар бир ёни юз ярдча келадиган тенг томонли учбурчакнинг учта бурчагини ҳосил қилишган эди шу топда.

— Илон қаердадир ўша атрофда бўлиши керак,— деб қўйди ёш жангчини бирон лаҳза ҳам кўздан қочирмай турган Изқувар.— Бу жин ургур мингни шунчалик яқинига йўлатган экан, душманни ёмон кузатаётгани кўриниб турибди.

— Қара,— деди Жаспер,— ҳув ана делавар ўлдирган ҳиндунинг жасади. Оқим уни харсангларга қараб оқизиб келибди, бошиям, елкалариям чиқиб қолибди сувдан.

— Бу табиий, бола, табиий! Жон танани тарк этганидан кейин жасаднинг ғўладан фарқи қолмайди. Турган гапки, бу ирокез ҳеч кимга зарар етказолмайди, лекигин анави қуёнюрак ёввойи менинг содиқ дўстимнинг бош терисини қўлга туширишга аҳд қилган кўринади чамада.

У жим қолди, ҳаддан зиёд узун милтигини кўтарди-ю, қўндоғини елкасига тираб туриб ўқ узди. Ирокез нақ Чингачгукни нишонга олган сонияда «буғу урар»нинг машъум элчиси мўлжалга бориб қадалди. Ирокезнинг милтиғи ҳам варанглаб отилди, бироқ ўқи ҳавога учди, ўзи бўлса буталар орасига қулади, мабодо ўлмаган тақдирда ҳам, оғир жароҳатланган бўлиши керак.

— Бу маразнинг ўзи айбдор!— дея ғудранди Изқувар қовоғи уюлиб, милтиғи қўндоғини ерга тушириб, уни диққату ҳафсала билан қайта ўқлар экан.— Чингачгук билан ёш болалигимиздаёқ дўстлашиб қолганмиз, Гориканда, Мохаук, Онтарио ва бизнинг еримизни французлар еридан ажратиб турган қонли чегаранинг бошдан-оёғигача биргаликда жанг қилганмиз. Наҳотки бу тентак писиб бориб дўстини ўлдираётганларини кўра туриб қўл қовуштириб ўтираверади деб ўйлаган бўлса мени!

— Бизга кўрсатган каттакон хизмати эвазига худди ўшандай каттакон хизмат билан жавоб қайтардик Илонга. Лекин уёққа қарагин-а, Изқувар: муттаҳамлар безовталаниб қолишди. Улар ўқимиз нариги қирғоққа етиб бораётганини кўргач орқага чекиниб, панароқ жой излашяпти.

— Бу зарба ҳали ҳеч гапмас, Жаспер, ҳа, ҳеч гапмас! Олтмишинчи полкдагилардан сўраб-суриштириб кўр: у ердагилар сенга «буғу урар»нинг қандоқ иш берганини гапириб беришади, яна-тагин тепамиздан ўқлар дўлдай ёғилиб турган пайтларда десанг. Бугунгиси ҳеч вақога арзи-майдиган гап: мияси йўқ саёқ ўзига-ўзи тилаб олди ўлимни.

— Нима бу? Бу қирғоққа сузиб келаётган итми ёки буғуми?

Изқувар сесканиб кетди, негаки чиндан ҳам дарёда, остона-шалолодан юқорироқда нимадир сузиб келяпти, у

қирғоққа жудаям имиллаб яқинлашяпти, чунки дарё ўша ерда ниҳоятда тез оқади. Диққат билан тикилиб ҳар иккалалари ҳам унинг одам, иннайкейин, афтидан, ҳинду эканини пайқашди. Улар бирорта ҳарбий найранг ишлатилмаяптимики деб чўчиганларидан бутун вужудлари диққатга айланиб, бу номаълум кимсанинг ҳар битта ҳаракатини кузата бошлашди.

— У олдинда ниманидир итариб келяпти,— деди Жаспер.— Унинг боши шамол суриб келаётган шох-шаббага ўхшайди худди.

— Бу ҳиндуларнинг қандайдир найранги, лекигин тўғрилиқ ва ҳалоллик уларнинг маккорлигидан устун чиқади бари бир.

Номаълум кимса яқинлашиб келавергани сари икки ошна ўз тахминларининг тўғрилигига шубҳалана бошлади; улар ҳалиги кимса дарёнинг учдан икки қисмини сузиб ўтганидан сўнггина ҳақиқатни англаб етдилар.

— Ҳаётим ҳаққи онт ичаман, бу Улкан Илон-ку!— дея қичқириб юбораёзди Изқувар ва унсиз, аммо чин юракдан кулди.— У бошини пана қилиш учун шох-шаббалардан четаннамо бир нарса ясаб, милтиқдорили мугузни тепасига қўйган, милтиғини бўлса таёққа боғлаган-да, олдинга қилиб итариб келяпти... Тэя атрофларида иккаламиз қонимизга ташна бўлиб турган минглар кўзи ўнгида озмунча мана шунақанги ҳангомаларни кўрсатганмизми-я!

— Ростданам ўшамикан ўзи, Изқувар? Унинг бирорта жойи ҳам таниш кўринмаяпти-ку кўзимга.

— Бирортаям жойи дейсанми?! Ахир ҳиндунинг бирорта жойидан ким ҳам таний оларди. Ҳеч зоғ, бола! Уни суртиб олган бўёқларидан таниб оламан мен. Ҳеч ким ўзини делаварга ўхшатиб бўйаб-безаёлмайди. Жаспер, кўлда сузадиган Георгий хочли кеманг ёки балиқ суяғи ва илвасин парча-пурчаси тегиб доғ бўлган французлар қайиғи «рўмолчаси»¹дан қандай танилиб турса, у ҳам танасига ана шунақанги таниқли бўёқларни суртиб юради. Ана энди шу ердан туриб унинг кўзларини кўришинг мумкин... У ҳақиқий сардорлардек важоҳатли нигоҳ ташлайди! Лекинига, биласанми, Чучук Сув, у шунчалик ғазабкор, шунчалик вазмин кўринганига қарамай, гоҳо кўзларидан шашқатор ёш қуйилади. Гапимга инонавер: бу қизил тусли тери остида қайноқ ҳамда покиза юрак тепиб турибди.

— Бунга ҳеч ким шубҳаланаётгани йўқ ҳалиям.

— Мен буни аниқ биламан,— деб қўйди Изқувар ғу-

¹ Байроқча.

рур-ла,— нега деганинда, мен у билан қайғуни ҳам, қувончни ҳам баҳам кўрганман! Мен уни ҳам-қайғу юки қаддини букканида кўрганман, қувончли дамларининг шоҳиди бўлганман. Илло секинроқ! Бировни иккинчи одамга пичирлаб мақтаб шаҳарликларнинг ўзгинасига ўхшаб кетяпман, Илоннинг қулоғи эса ўткир. Уни севишимни, ҳамиша мақтаб юришимни (фақат ўзига эшиттирмай) билади. Ахир делавар, гарчанд қийноқ устунига боғланган пайтларида ўтакетган мақтанчоқ бўлиб кетса ҳамки, табиатан ўта камтарин одам.

Улкан Илон ушбу дамда қирғоқнинг худди икки ошна сўзлашиб турган ерига сузиб келганди.

У сувдан чиқиб, бамисоли тозидай бир силкиниб олдида, ўз одатича нидо солди:

— Хуг!

ОЛТИНЧИ БОБ

Изқувар сардорнинг ёнига бориб, унинг жангари қабиласи тилида мурожаат этди.

— Ёлғиз одамнинг ўнлаб мингларга қарши пистирма қуриши ақлданми ахир, Чингачгук?— дея тана қилди у.— Тўғри, «буғу урар» менга қамдан-кам панд беради, лекигин Освегонинг бир бети билан иккинчисининг оралиғи анчагина-ку, ахир, бу ярамасларнинг бўлса буталар орасидан бошлари билан елкаларигина кўзга чалиниб қоляпти, ҳолос, шундоқ экан, тажрибасизроқ қўлнинг ўқни мўлжалга текизолмай қолиши ҳеч гап эмас. Сен, сардор, барини олдиндан, албатта олдиндан яхшилаб тарозуга солиб кўришинг лозим эди!

— Улкан Илон — могоканлар жангчиси; уруш сўқмоғида унинг кўзи фақат ўз душманларини кўради, унинг аждодлари ҳам сувлар оқа бошлаган замонлардан берига доимо мингларнинг орқа томонида кезиб юришган.

— Сенинг истеъдоду салоҳиятингни биламан ва ҳурмат қиламан, лекигин жангчига жасорат қанчалик зарур бўлса, ақлу идрок ҳам шунчалик зарур. Борди-ю бу иблис ирокезларнинг ўй-хаёллари сувда типирчилаётган шериклари билан андармон бўлмаганида борми, изингни олганларидаёқ темирни қизиғида босиб қолишлари аниқ эди.

— Бу делавар нима демоқчи ўзи?— деб сўради Жаспер, сардорнинг қўққисдан Изқуварни қолдириб, гўёки яна ўзини сувга ташлайдигандек бир тахлитда қирғоққа қараб юрганини кўриб.— Ишонаманки, у тентаклик қи-

либ, эсидан чиқиб қолган бирорта арзимас нарсасини деб тагин нариги қирғоққа қайтиб бормаса керак?

— Йўқ, ундаймас, у ахир нафақат довюраккина, шунингдек, гарчи ҳозиргина эҳтиётсизлик қилган бўлса-да; фаросатли ҳам. Менга қара, Жаспер,— қўшимча қилди Изқувар уни бир чеккага олиб ўтиб,— қулоқ сол: Чингачгук — бизга ўхшаган оқ танли эмас; у могиқанларнинг сардори, унинг ўзига хос истеъдоди-салоҳияти, ўз қилиқ-одатлари бор. Агар ўзингга тақир ўхшамайдиган одамлар орасида яшайдиган бўлсанг, уларнинг ўз табиатларига мос тушадиган одату қилиқларига амал қилишларига қўйиб беравер. Қирол аскарлари-онт ича туриб ҳам қиттак ота-веради, унинг ичкиликдан ютинишию онт ичишига халал бермоқчи бўлсанг, бекорга овора бўласан; жентльмен ширин, лаззатли нарсаларни ёқтиради, гўзалларни олсак — уларга ясан-тусан керак, сен эса уларни на лаззатдан, на зеб-зийнатдан қайтишга мажбур қила оласан. Ҳиндунинг табиатию майли эса бундан беқийёс даражада ортиқроқдир.

— Нима қилмоқчи у, ахир? Қара! Делавар анави харсангларга илиниб ётган жасад томонга сузиб боряпти... Бошини яна нимага бунақанги хатарга қўйяпти ўзи?

— Шон-шараф, шуҳрат ва яхши ном чиқариш учун. Шу топда у худди ўзларининг осойишта хонадонларини денгизнинг нарёғида қолдириб, илвасин лаззатини тотишу французлар билан олишиш учун буёққа келадиган эътиборли, кибор жаноблар сингари иш тутяпти.

— Гапингни тушуняпман... Дўстинг бош терисини шилиб олгани кетяпти шекилли-а?

— Қизил танлининг ор-номуси, шаъну шарафи шуни талаб қилади. Қўявер, ўз удумича иш тутаверсин. Биз — оқ танлилармиз, шунинг учун ҳам ўлиб ётган душманни қандай абгор қилиш мумкин — буни тушунолмаимиз; лекин қизил танлининг шон-шавкати шуни талаб этади. Эҳтимол, Чучук-Сув, сенга бу нарса ғалати кўринар, аммо мен оқ танлилардан, маълуму машҳур кибор оқ танлилардан шаън-шавкат, ор-номус тўғрисидаги ниҳоятда ғалати ҳамда бориб турган кулгили мулоҳазаларни ҳам эшитганман... Ҳа-ҳа, оқ танлиларнинг оғзиларидан!

— Улкан Илон ўлдирилган ирокезнинг бош терисини шилиб олиш учунгина жонини мардларчасига таҳлика остига қўйяпти. Биз бўлсак бунинг эвазига шунчалик машаққат билан эришган жамики устунликларимизни қўлдан чиқариб юборишимиз мумкин-ку, ахир.

— У бошқача ўйлайди. Унинг тушунчасича бутун

жанг майдонини бош териси шилиб олинмаган душман мурдалари билан тўлдиргандан кўра ана шу битта бош терисини қўлга киритган чандон бора шарафлироқ. Французлар билан бўлган охириги жангимизда олтмишинчи полкнинг капитани, йигитларнинг сараси, биттагина уч фунтли замбаракни қўлга тушириш учун жонини фидо қилди, бундан хабаринг борми ўзи? У буни шараф, виждон амри деб билган. Қаттиқ яраланган ёш прапоршчигани ўзим кўрдим; у қора қонига беланиб ўз байроғига ўралиб ётибди-ю, қўтос пўстагидан ҳам юмшоқроқ тўшакда ётибман деган хаёл билан жон таслим қиляпти.

— Ҳа-ҳа, тушунаман, шон-шараф, орият байроқни ҳимоя қилиш, асрашни амр этади.

— Ҳа баракалла! Бу бош териси — Чингачгукнинг байроғи. Сардор уни болаларининг болаларига кўрсатгани асраб қўяди. Ие, нималар деб валақляяпман-а! — ўйчан қиёфада қўшиб қўйди Изқувар. — Кекса могиқаннинг ҳаёт дарахти танасида бирортаям новдаю бутоқ қолмаган-ку, ахир. Унинг на ўлжа олиб келадиган болалари, на Илоннинг жасоратларидан фахрланадиган қабиласи бор. Бу ёруғ жаҳонда у яккаю ёлғиз, шунга қарамай, ўз табиатию удум-одатларига содиқ қолган ҳар қалай. Буларнинг барида қандайдир бир олиҳимматлик, қандайдир ҳурмату эҳтиромга арзигулик жиҳатлари борлигини тушунасанми, Жаспер?

Шу дақиқада ирокезлар даҳшатли наъра тортдилар, орқама-орқа бир нечта милтиқ варанглаб отилди.

Ирокезларнинг делаварни шунақанги қўлга туширилари ва жасаднинг бош терисини шилиб олишига халал бергилари келиб кетдики, улар сувга кирдилар, баъзилари эса оқим заптани енгиш умидида юз одимлар чамаси остона-шалолога яқинлашдилар ҳам. Чингачгук шу топда ўзини ўйлаётганиям йўқ эди. Кўпдан орттирган малакаю тажрибаси шарофати билан ишини тез ҳамда чаққон ниҳоясига етказди-ю, зиён-заҳмат чекмай, ўлжасини ҳавода силкитган кўйи, ғоятда шиддатли ва ваҳшиёна овозла зафар наърасини тортганча орқасига қайтди... Туташ ўрмонлар ҳосил қилган унсиз яшил гумбазлару дарё ялаб ўтган узундан-узун очиқ йўлак бу даҳшатли, тантанавор наърани акси садо бериб такрорлар эди. Эсхонаси чиқиб кетган Мабель бошини эгиб, кифти орасига тортди, тоғсининг бўлса ура қочиб қолишига бир баҳя қолди.

— Бунақанги ҳайқириқни умримда эшитмагандим! — дея хитоб этди Жаспер даҳшат ва нафратдан қулоғини беркитиб,

— Бу уларнинг мусиқаси, бола,— совуққонлик билан жавоб қайтарди Изқувар.— Бу товушлар улар учун дўм бираю сурнайлар ўрнини босади; шуларсиз ишлари олға босмайди уларнинг; бу товушлар вужудларида қонга ташнадик ҳамда шашту шиддат ҳиссини уйғотади. Ёшлигимда ушбу товушлар менга даҳшатли бўлиб туюларди, лекигин ҳозир улар бамисоли қушлар навосидек, оддий хошишдек бўлиб қолган қулоғимга. Мана энди Улуғ Илон қаноатланди... Ана, у бош терисини белига қистириб қайт-япти.

Жаспер сувдан чиқиб келаётган делаварни кўрганида нафратланиб-жирканиб тескари қаради; Изқувар эса, гўёки дўстининг бу қилмишида қуюшқондан чиқадиган ҳеч қандай жиҳатни кўрмагандек, ошнасига файласуфона хотиржамлик ила қараб турарди. Чехрасида ҳаяжонланиш аломатларидан асар қолмаган делавар ўртоқларига музаффарона-тантанавор нигоҳ ташлаб қўйди-ю, кийимининг сувини сиқиб, милтиғини ўқламоқлик учун чакалакзор ичкарисига кириб кетди.

— Жаспер,— деди йўл бошловчи,— бориб Капни топгин-да, унга айт, келиб сафимизга қўшилсин. Кенгаш қуриб ўтиришга вақт зиқ; бирон дақиқа ичидаёқ ҳаракат режасини тузиб олишимиз керак, йўқса минглар фурсатдан фойдаланиб, бизни қўлга туширадилар.

Иигит Капни чақирди, хулласи, бир неча дақиқа ўтмаёқ тўртовлон тугал қирғоқда, мингларнинг назаридан мутлақо пана ерда жам бўлишди. Дарвоқе, бу ҳол душманни кузатиб туришларига қисман халақит берарди.

Кеч кириб келмоқда эди. Ҳадемай қош қораяди, жамики белги-аломатларидан тун зим-зиё бўладиган кўринади. Қуёш ботиб, тез қоронғилик туша бошлади. Қоронғилик душманнинг ҳаракатини пардалаб, маълум даражада хавф туғдирса ҳамки, сайёҳларимизнинг бутун умиди ана шу зимистон қоронғилиқдан эди.

— Дўстларим, баҳамжиҳат ҳамда дадил ҳаракат қилиш учун совуққонлик билан мулоҳаза юритиб, пухта режа тузиб оладиган фурсат етди,— деди Изқувар.— Бир соатлар орасида ўрмон нақ ярим кечасидагидек қоп-қоронғи бўлиб қолади, ана шу қоронғилиқдан фойдаланиб қалъага етиб олишимиз мумкин. Бу тўғрида сиз нима дейсиз, мистер Кап? Гарчи сиз ўрмонда қандоқ олишиш керагу қандоқ чекиниш лозимлигини унчалик билмасангиз ҳам, ёшингиз улуғ, шунинг учун биринчи бўлиб фикр билдиришга ҳақлисиз.

— Бунинг устига, Мабелнинг яқин қариндоши эканим ҳам инобатга олинаши зарур шунингдек.

— Хўш, бу хусусда мен ҳеч нима деёлмайман. Меҳр ҳамиша меҳр бўлиб қолаверади, иннайкейин, у қай асосда — туғма ҳис-туйғулар таъсирида туғилганми, майл ёхуд ақлу мулоҳаза таъсиридами, бунинг айтарли аҳамияти йўқ. Улкан Илон ҳақида гапириб ўтирмайман-у, аммо Жаспер икковимиз сержантнинг қизини худди отасидек ҳимоя қилишга тайёрмиз. Тўғри айтаяпманми, йигит?

— О, Мабель бемалол ишонса бўлади менга! Мен унч охирги томчи қоним қолгунча ҳимоя қиламан! — жавоб берди Жаспер оҳистагина, бироқ ёниб.

— Қойил, тасанно! — унинг сўзини бўлди тоға. — Бу борада баҳслашиб ўтирмайлик, зотан ҳамманглар уни бажонидил ҳимоя қилишга тайёрсизлар чоғимда. Менинг фикри ожизимча, қош қорайиб бўлиши биланоқ қайиққа ўтириш керак, токи душман соқчилари сезиб қолмасин бунини, ана ундан кейин шамолу денгиз суви кўтарилиши имкон берган тезликда бандаргоҳга қараб сузиш керак.

— Бу айтишга осон-у, аммо бажариш мушкул иш, — қаршилиқ билдирди Изқувар. — Сувда ўрмондагига қараганда кўпроқ хавф таҳдид қилади бизга; бунинг устига уёқда, қуйида остона-шалола бор, мен эсам, ҳатто Жаспердай одам ҳам қоронғида қайиқни ундан омон-эсон олиб ўтишига амин эмасман. Бизга бунинг уддасидан чиқа олишингга қафолат бера оласанми?

— Мен мистер Капнинг фикрига қўшиламан, қайиқда жўнаганимиз маъқул. Мабель бунақанги зимистон тунда, чамаси, биз босиб ўтажак ботқоқзорларни кечиб, тўнкакундалардан ҳатлаб юришга қурби етадиган аҳволда эмас; менинг эса сувда ҳамиша кўнглим хотиржам, кўзим ўткирроқ бўлади.

— Сен аслида довьораксан, йигит, кўзларинг ҳам очиқ ерларда, офтоб тигида қанчалик узоқ, ўрмонда эса ўшанчалик кам яшаган одамнинг кўзидек ўткир... Эҳ, қани энди Онтариода дарахт бўлса; бўлганида эса бундайин тептекис водийни кўриб овчининг дили қанчалар яйрар эди-я! Хўш дегандан, сизларнинг маслаҳатларингга келсак, уни ҳам маъқуллайдиган, ҳам рад этадиган талайгина далилу исботлар мавжуд. Сувда из сақланиб қолмайди...

— Айтинг-чи, кильватер¹ хусусида нима дея оласиз? — деди Кап насихатомуз оҳангда.

¹ Кильватер — бир-бири кетидан тизилишиб сузадиган кема-лар сафи.

— Нима дедингиз?

— Давом эттиравер,— деди Жаспер.— Мистер Кап океандаман деб ўйлаптилар ўзларини... Сувда из сақла-ниб қолмайди, деётган эдинг...

— Ҳеч қандай, Чучук Сув; ақалли бу ерларда. Денгиз-да қандоқ бўлиши ҳақида бир нима деёлмайман. Устига-устак, қайиқ еппа-енгил, унда оқим бўйлаб сузиш қулай, йўл ҳам сержантнинг қизини толиқтирмайди. Бу бир то-мони. Иккинчи томони, кўк гумбаздан бўлак дарёни пана қилиб турадиган ҳеч вақонинг ўзи йўқ; шалоладан ҳатто кундузи сузиб ўтиш амримаҳол, бу ердан гарнизонгача эса сув билан борилганда олти милядан ошиқроқ сузиш керак. Яна шу нарсаниям билиб қўйингларки, кечаси ўр-монда изни излаб топиш осонмас... Мен, рости, бу ҳолда қандай маслаҳат беришга ҳам бошим қотиб, қийналиб ту-рибман, Жаспер.

— Борди-ю Илон икковимиз сузиб бориб, иккинчи қа-йиқни судраб келсак қандоқ бўларкин?

— Бўлганда қандоқ! Лекинига қоронғи қуюқлашган-дан кейингина шундай қилиш мумкин. Ҳа-ҳа, орамизда сержантнинг қизи борлигини эътиборга олинадиган бўлса, бу энг маъқули, албатта. Орамизда аёл киши бўлмагани-дами, бақувват ва довюрак эркакларга нариги қирғоқ-даги сайёҳлар билан беркинмачоқ ўйнаш ҳузурли эрмак эдику-я. Шундай қилиб, Жаспер,— сўзини давом эттирди табиатида заррача шуҳратпарастлик учқуниям бўлмаган йўл бошловчи,— қайиқни буёққа олиб келишни зимманг-га оласанми?

— Мабелга ёрдами тегиши мумкин бўлган жамики нарсага тайёрман.

— Бу олиҳимматлилиқ, ўйлайманки, сенинг табиатинг-га хос фазилат. Аллақачон деярли ширьяланғоч бўлиб ечи-ниб улгурган Илон кўмаклашади сенга. Агар қайиқни қўлга киритсак, ғанимларимиз қўлидан бизга зиён-заҳмат етказадиган яна бир воситани тортиб олган бўламыз.

Шунга аҳд қилишиб, бундайн муваффақият-ла хаёл-га келиб қолган режани амалга ошириш тараддудини кў-ра бошладилар. Тунги кўлагаю шарпалар тез қўнди ўр-монга, тадорик ишлари ниҳоясига етган пайтда нариги қирғоқдаги нарсаларни кўз илғаши қийин бўлиб қолган эди аллақачон.

Бўсғинга ҳаяллаш мумкин эмасди: муғамбир минглар бунақанги энсизгина дарёни кечиб ўтиладиган турли хил усулу чораларни ўйлаб топишлари мумкин, шу боисдан Изқувар тезроқ жўнаб қолиш дардида эди. Жаспер билан

делаваар сувга киргани заҳотиёқ Изқувар Мабелнинг панагоҳига қараб юрди ва қизга тоғаси билан дарё ёқалаб сув тез оқаётган ергача боришларини тайинлади. Сўнг ўзи ихтиёрида қолдирилган ва худди ўша ерга етказилиши зарур бўлган қайиққа ўтирди.

Тезда қайиқни қирғоққа ҳайдаб келди. Мабель билан Қап қайиққа ўтиб, одатдаги жойларини эгаллашди, Изқувар эса дарахт бутоғидан тутганича қуйруқ томонда типпа-тик турарди; у, тағин қайиқни оқим суриб кетмасин, деган ҳадикда эди. Дўстларнинг тақдиридан хавотирлантирувчи изтиробли дақиқалар кеча бошлади.

Бу орада Жаспер билан Чингачгук кечиб ўтса бўладиган шалолага етиб олиш мақсадида дарёнинг чуқур ва тезоқар еридан сузиб боришарди. Ҳадемай улар оёқлари остида дарё тубини ҳис этишди. Ана шунда икковлон қўл ушлашиб, аста-секин ва ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ўз тахминларича қайиқ турган жойга қараб илгарилайверишди. Бироқ қоронғилик шунақанги қуюқ эдики, улар ҳеч нимани кўришмаётганди, шу сабабли фақат кун ботгандан кейин, кўк тоқида биронта ҳам юлдуз милт этмайдиган ва ўтиб бўлмас чангалзорга кўникмаган одам кўзига ҳамма нарса боши-кети йўқ жаҳаннамий мавҳумот олами бўлиб кўринадиган бир паллада ўрмон аҳлига йўл кўрсатгувчи табиий туйғу амрига итоат этиб иш тутишларига тўғри келди. Жаспер бутун инон-ихтиёрини тажрибакорлигига қараганда энг олди йўл бошловчи бўлишга яроқли делаваар измига топширганди. Бироқ бундай зимистон кечада шундай қутуриб, айқириб оқаётган асое сувни кечиб бориш ва теварак-атрофни ипидан-игнасигача ёдда тутиш осон эмасди. Улар дарёнинг ўртасига етганларида, ҳар иккала қирғоқ ҳам қоронғилик қўйнига кириб ғойиб бўлди. Булутлар сийнасига қадалган баъзи бир дарахтларнинг учигина ғира-шира кўзга чалиниб турарди. Икки марта йўналишни ўзгартиришларига тўғри келди, чунки улар бехосдан камарга тушиб қолаёздилар, қайиқнинг эса саёзликка ўтириб қолганини билардилар. Ана шу тариқа, улар учун компас ўрнини босаётган ўймулоҳазаларга амал қилиб, чорак соат сув кечдилар ҳамки, мазкур сафарга чиқишларининг сабабчиси бўлмиш нарсанинг қораси кўринмасди ҳануз; орадан кечган ана шундай фурсат ёш денгизчи наздида ниҳояси йўқдек туюлди. Делаваар тўхтаб, ўз шеригига қайси томонга қараб юришларини аниқлаб олиш учун қирғоққа қайтишни энди таклиф қилмоқчи бўлиб турган дамда улар қўл узатса етгу-

деккина жойда сув кечиб келаётган одамни кўриб қолдилар.

— Минг!— дея Жаспернинг қулоғига шивирлади делавар.— Илон ўз биродарига ҳийлагарлик қандоқ бўлишини кўрсатади.

Номаълум одамни пайқагани ҳаманоқ ёш денгизчи нима гаплигини тушунди.

Иигит барчасини могоканга қўйиб бериши кераклигини ҳис этиб, орқароқда боришга аҳд қилди; дўсти эса ирокез ғойиб бўлган томонга қараб юрди. Ҳеч қанча ўтмай яна ғанимини кўрди-ю, тўғри унга қараб юрди. Сув бу ерда шунақанги шовуллаб-шалдирар эдики, сира хавотирланмай бемалол гаплашса бўлаверарди, шунинг учун ҳам сардор орқасига ўгирилиб, ўртоғига:

— Улкан Илоннинг ҳийласига ишонавер бемалол,— деди.

— Хуг!— деб юборди ирокез тўсатдан, кейин ўз тилида қўшиб қўйди:— Топдим қайиқни, лекин ёнимда менга кўмаклашадиган одам йўқ. Орқамдан буёққа келавер, икловлашиб тошлар исканжасидан чиқариб оламиз уни...

— Бажонидил,— деди ирокезлар тилини биладиган Чингачгук.— Бошла, биз кетинган борамиз.

Ирокез сувнинг шовуллашида на овозни, на талаффузоҳангни тузук-қуруқ эшитди, у ҳеч нима деб жавоб қайтармай, олдинга қараб юрди; бизнинг ошналаримиз унинг орқасидан эргашишди ва тезда учовлон қайиқ ёнига етиб боришди. Ирокез уни бир бошидан, Жаспер иккинчи, Чингачгук ўртасидан ушлади. Энг муҳими, ишқилиб душман бу янги шерикларидан бири оқ танли эканини фаҳмлаб қолмаса бўлгани эди. Айтмоқчи, бундай бўлиши ҳийла мушкул эди, зотан Жаспер ўз кийимларидан анчагинасини қирғоқда қолдирганди.

— Кўтар!— деди ирокез ҳиндуларга хос лўнда қилиб.

Улар қайиқни осонгина хиёл кўтариб, ичидаги сувни тўкишди-да, кейин оҳистагина яна дарёга туширишди; аммо сув оқизиб кетмасин тагин деб чўчиганларидан учалалари ҳам қўйиб юборишмади уни. Қайиқни тумшуғидан ушлаган ирокез уни шарқий қирғоққа, ўзини дўстлари кутиб турган томонга қараб сургай бошлади.

Жаспер билан делавар ўзларининг пайдо бўлиб қолишлари ирокезни зиғирчалик ажаблантирмаганидан дарёда бошқа ғанимлари ҳам изгиб юришганини фаҳмладилар; шу сабабдан улар пложи борича эҳтиёткорлик билан иш кўришга аҳд қилдилар. Ҳийла жасорати камроқ ва пича журъатсизроқ одам бўлишганида душман орасига ту-

шиб қолишдан қўрқишлари тайин эди, бироқ уларнинг юрагига қўрқув деган нарса ёт эди. Улар хавфу хатарлар ила ошнолашиб кетишганди; рақибларнинг қайиқни қўлга киритишларига халал беришига ақллари етса, ҳар қандай хатарли ишга журъат этишлари тайин гап эди. Жаспер ё қайиққа эга бўлиш, ёки уни бузиб-синдиришни қатъий дилига тукканди, зероки Мабелнинг хавфсизлиги шунга боғлиқ эди. У мабодо бирон ҳодиса могокани қайиқни душман қўлида қолдириб кетишга мажбур этадиган бўлса, ақалли маълум вақтгача яроқсиз қилиб қўйиш учун қайиқ тубини тешиш мақсадида пичоғини чиқарди.

Бу вақтда ирокез шошилмай сув кечиб, қайиқни судраб борарди; икки ўртоқ чор-ночор унинг изидан кетишарди. Чингачгук томагавкини баланд кўтариб, ҳеч нимадан шубҳаланмаётган ҳиндунинг бошини қоқ икки паллага ажратишга чоғланди ҳам-ку, лекин унинг жон аччиғида оҳ чекиши ёки сув оқизиб кетадиган жасад хавф туғдиришидан қўрқиб, ўзини тутиб қолиб оқилона иш қилди. Орадан бир дақиқа ўтмаёқ Чингачгук иккиланганидан афсуслана бошлади, негаки ўзларига томон яқинлаб келаётган тўрт нафар ирокезни кўрганди у.

Одатда ҳиндулар ўз мамнунликларини ифода этадиган лўндагина хитобдан сўнг ҳаммалари қайиққа қараб интилишди. Ирокезлар эндиликда шунчалик кўп эдиларки, айни сонияда делаварнинг ҳийлакорлигию мулоҳазакорлиги иш беролмасди. Беш нафар ирокез тўхтамай ва чурқ этиб оғиз очмай, соҳилга томон ошиқишди. Улар олдиндан ҳозирлаб қўйилган эшкакларни олиб, уч ёки тўрт жангини қурол ҳамда заҳира ўқ-дорилари билан қайиққа ўтқизмоқчи эдилар; бу нарсаларни қоронғиликда ҳўл қилиб қўйиш ҳадиги ирокезларнинг дарёдан сузиб ўтишларига халал бериб турарди.

Дўсту душманлардан ташкил топган чоққина тўда шу тахлитда шарқий соҳилга яқинлашиб борди, дарё бу ерда ҳам худди ғарбий қирғоқ ёқасидагидек чуқур эди. Шу туфайли нарига сузиб ўтиш зарур эди... Улар қайиқни соҳилга қай йўсинда етказишни ҳал қилиб олиш учун бир дақиқагина тўхтадилар. Кейин келган тўрт ирокездан бири сардорлари бўлиб, америкалик ҳиндуларнинг одатда сардорнинг обрў-эътибори, тажрибасию рутба-мартабасига нисбатан бўлган иззат-эҳтироми йўлбошчининг сўзини кутиб, ҳаммаларини жим туришга мажбур этди.

Мазкур танаффус туфайли икки дўстнинг, айниқсанги Жаспернинг аҳволи янаям хатарли тус олди: уларнинг душман эканликларини пайқаб қолишлари мумкин эди.

Жаспер эҳтиёти шартдан қалпоғини қайиқ тубига ташлади, эғнида на камзули, на кўйлаги борлиги сабабли унинг оқ танли эканлигини пайқамаслар балки деб умид қилса бўларди. Бунга яна бари ирокезларнинг олдиндалиги, унинг эса қайиқнинг қўйруқ ёғида, ғанимларнинг кўзидан панада тургани узукка кўз қўйгандек ёпишиб тушганди. Чингачгукнинг аҳволи бўлакча: у ўзининг ашаддий рақибларининг қоқ ўртасида эди; аммо-лекин сардорнинг жамики сезгилари сергак турар ва у истаган дамда сирғалиб кетиш ёки қулай фурсат келди дегунча зарба беришга шай эди. Орқадагилар таниб қолмасин деб ўгирилиб қарашга ҳам чўчиган кўйи, битмас-туганмас сабр-тоқат-ла ҳаракат бошласа бўладиган дақиқани кутарди у.

— Икки киши қайиқнинг икки учида туриб, олдинга итариб боради. Қолганлар сузиб ўтиб, қуролларни шайласин, — деди ирокезлар сардори.

Ҳиндулар жимгина итоат этишди буйруққа ва Жасперни қўйруқда, қайиқни топган ирокезни тумшукда қолдиришди. Чингачгук сувга шунчалик чуқур шўнғидики, ирокезлар ёнидан ўтиб бораётиб ҳам пайқашмади уни. Ҳеч қанча вақт ўтмай, сузиб бораётганларнинг шовқини, сувнинг шалоплаши, қулоч отиш, бир-бировини чақирган товушлардан биринчи ирокезга кейин келиб қўшилишган тўрт ҳиндунинг аллақачон чуқур жойдан сузиб ўтаётганлари аён бўлди. Бунга ишонч ҳосил қилган делавар ўша заҳотиёқ бошини кўтарди-ю, бояги жойига туриб олди ва иш бошлайдиган дақиқа етди деган қарорга келди.

Таҷрибали жангчининг ўрнида ўзини у қадар вазмин тута олмайдиган одам бўлганида шу заҳотиёқ аллақачон дилига тугиб қўйган зарбасини амалга ошириши аниқ эди. Бироқ моғикан бир неча ирокезнинг ҳали яқингинада, сув шовуллаб оқаётган тезоб ерда эканини билиб турар, шунинг учун ҳам ниҳоятда қисталанг келиб қолмагунича таваккал қилгуси йўқ эди. У олдинда кетаётган ҳиндунинг қайиқни дарёнинг чуқур жойигача сургаб боришига йўл қўйиб берди, кейин учовлашиб шарқий соҳилга томон суза бошладилар. Делавар билан Жаспер дарё айниқсанги тез оқаётган ерга етганларида қайиқни тезоб оқимдан тўппа-тўғри олиб ўтиш ўрнига буриб юбордилар; шунда қайиқ ёйсимон чизиқ бўйлаб сузаркан, тезлиги хийла пасайди. Турган гапки, бу иш дабдурустдан, шу тахлитдаги хийлага чоғланган оқ танлининг одатича шошмашошарлик билан эмас, балки, аксинча, ниҳоятда эҳтиёткорона ҳамда аста-секин амалга оширилган эдиким, бундан му-**род** олдинда бораётган ирокезда улар тезоб оқим билан

олишишяпти деган ўй туғдириш ва шу тариқа душманни чалғитиш эди. Бирор дақиқа чамаси ўтар-ўтмас қайиқ остона-шалоланинг ёнгинаси, энг чуқур жойга етиб борди. Ана шунда ирокез қайиқ қандайдир тушунарсиз сабабга кўра мўлжалдагидан сустроқ илгарилаётганини пайқади. У шартта бурилиб қараб, қайиқнинг ҳаракатига ўз шериклари халал беришаётганини кўрди.

Еш ирокез душманлари қаршида ёлғиз ўзи бетма-бет турганини ўша ондаёқ пайқади. У Чингачгукнинг гирибонидан олди, иккала ҳинду бамисоли йўлбарсдек бир-бирига човут солганди. Зимистон қоронғилик қўйнида, қайнаб-кўпираётган сув исканжасида улар ўзаро адоватларию душманни енгишдан бўлак жамики нарсани унутгандилар.

Жаспер сув нақ шамол парни учиргандек шиғиллатиб елдириб бораётган қайиқнинг танҳо эгаси бўлиб қолганди. Дастлабига миясига тез сузиб бориб могоканга ёрдам бериш фикри келди-ю, бироқ қайиқни қўлга киритиш зарур экани ёдига тушиб, бир-бировини бўғиб ўлдиришга уриниб олишиб ётган иккала жангчининг ҳансираб-хириллаб нафас олаётганини эшитиб турганига қарамай, қайиқни ғарбий соҳилга қараб бурди ва ҳадемай у ерга етиб борди.

Дўстларини топиб, кийиниб олди-да, бўлиб ўтган воқеани қисқача қилиб сўзлаб берди.

Унинг ушбу ҳикоясидан сўнг орага чуқур жимлик чўкди. Ҳар иккала ҳиндунинг ўртасидаги олишувнинг оқибати нима бўлганидан далолат бергувчи бирон-бир товушу шарпани эшитиш умидида ҳаммалари нафасни ичга ютиб қулоқ сола бошлагандилар. Аммо уринишлари беҳуда эди: фақат сувнинг бир маромдаги, бетиним гувиллашигина эшитиларди. Нариги соҳилдаги ирокезлар, худди сув куйгандек, жим эдилар.

— Манави эшакни олгин-да,— деди Изқувар хотиржам оҳангда, лекин зийрак кузатувчи унинг овози одатдагидан ғамгинроқ эканини фаҳмлаган бўларди,— кетимиздан ҳайдайвер. Бу ерда ортиқ туриб қолиш ақлдан эмас.

— Илон-чи?

— Илон, ўзи айтганидек, Улуғ Рухнинг паноҳида ҳозир. Тирик қоладими ёки нобуд бўладими, бари бир ёрдам беролмаймиз унга, борди-ю қўл қовуштириб, худди хотинларга ўхшаб бошимизга тушган қайғудан кўзёши қилиб, аза тутиб ўтираверсак ўзимиз ҳам ҳалок бўламиз. Бу зимистон қоронғилик жудаям қулай биз учун...

Қарама-қарши соҳилдан эшитилган узундан-узун, қулоқни тешгудек чинқириқ йўл бошловчининг сўзини бўлиб қўйди.

— Бу бўкириқ нимани билдиради, мистер Изқувар? — деб сўради Кап.— Шубҳасизки, инсон боласининг томоғидан эмас, нақ иблиснинг бўғзидан отилиб чиқаётган бўкириқнинг ўзгинаси-я.

— Бу уларнинг ғалабасидан дарак бераётган қувонч садолари. Шубҳа йўқки, Улкан Илоннинг танаси, жонлими ёки жонсизми, ирокезларнинг қўлида.

— Бизлар-чи!— нидо солди Жаспер; агар ташлаб келмаганимда дўстимнинг бошига бу бахтсизлик тушмасди, дея мардларчасига ўз-ўзига таъна қилаётганди у.

— Энди сардорга ҳеч нима билан ёрдам беролмаймиз, йигит. Биз ўзимиз имкони борича тезроқ жўнашимиз керак бу ердан.

— Қанақасига? Уни қутқаришга уришиб кўрмасдан-а? Унинг тирик ёки ўликлигини билмай туриб-а?

— Жаспер тўғри гапиряпти,— деди Мабель нафаси бўғзига тикилгундек титроқ товуш билан.— Мен, тўғриси, қўрқмайман, тоғажон, иннайкейин, то дўстимизга нима бўлганини билмагунимизча бажонидил шу ерда қоламан.

— Менимча, бу ўринли гап, Изқувар,— гап қўшди Кап.— Ҳақиқий денгизчи ҳеч қачон ўз сафдошини ташлаб кетмайди, иннайкейин, тан бераманки, бундай олиҳиммат туйғу чучук сув салтанати аҳлига ҳам бегона эмаслигидан ғоятда хурсандман.

— Эҳ, сиз ҳеч нимани билмайсизу ҳеч нимадан қўрқмайсиз! Мабодо ҳаётингиз қиммату жонингиз керак бўлса, яккаш қалъага етиб олишинигина ўйланг-у, делаварни тақдири азалга ҳавола қилаверинг. Нима ҳам қила олардик?! Шўрхокка тез-тез қатнаб турадиган кийик охир-оқибатда овчига дучор бўлади.

ЕТТИНЧИ БОБ

Қайиқ соҳилдан узоқлашаркан кучли оқим измига тушиб олди. Булут тарқаб атроф хиёл ёришди, аммо дарё узра шох ташлаб эгилган дов-дарахтлар шунақанги кўланка ташлаб турардики, қуйига қараб сузиб кетаётган қайиқлар зулумот пардасига чулганган ва уларни ҳеч зор илғаб ололмайдигандек туюларди. Дарвоқе, қочқинларнинг ҳали-ҳозирча хавфдан холи бўлганларига ишончлари комил эмасди, шу боис қизнинг ҳаётидан хавотир

ола бошлаган Жаспер ўрмондан ҳар гал нотаниш шарпа эшитилганида атрофига безовта аланглаб қўярди. У ғоятда оҳиста, ғоятда эҳтиёткорлик билан эшкак эшарди; тунги сукунатда тиқ этган шовқин сергак ирокезларнинг қулоғига етиб бориши ва уларни фош этиши мумкин эди.

Мазкур дамлар Мабелнинг ҳаётидаги энг хавотирли дамлар эди. Сергайрат, жўшқину ўзига ишонган, ушбу ишонч ҳисси эса аскар қизиман деган мағрурона ўйдан қувват олиб турадиган Мабель қўрқув тазйиқига ён бермади, бироқ шу топда унинг юраги одатдагидан чандон бора қаттиқроқ тепар, чиройли мовий кўзлари бўлса, гарчи уларда акс этаётган ифодани ҳеч ким пайқай олмаса-да, қатъият-ла чақнар эди.

— Мабель,— деди Жаспер паст овозда иккала қайиқ биқинма-биқин суза бошлаганида,—қўрқмаяпсизми, сизни ҳимоя қилишга тайёр эканлигимизга астойдил ишоняпсизми ўзи?

— Ўзингиз биласиз, Жаспер Уэстерн, мен аскар қизиман, шундоқ экан, қўрқаётганимни таң олишим мен учун уят-ку, ахир.

— Менга, ҳалиги, ҳаммамизга суюнаверинг. Тоғангиз, Изқувар, могокан (агарда бу бахти қаро ёнимизда бўлганида) ва мен — ҳаммамиз сизни қутқариб қолиш йўлида ўтга киришу сув кечишдан ҳам тоймаймиз!

— Ишонаман сизга, Жаспер,— жавоб қайтарди қиз,— биламан, тоғам мени яхши кўради, иннайкейин, у доимо олдин менинг ғамимни ейди, ана ундан кейингина ўзини; шунингдек, сизлар, отамнинг дўстлари, қадрдонингизнинг қизини ҳимоячисиз ташлаб кетмасликларингга ҳам ишонаман. Лекин мени жуда унақанги ожиза экан деб ўйламам. Шаҳарлик бир аёл сифатида кўзимга таги-тугида йўқ хавфу хатар шарпаси кўриниши мумкин; лекин, Жаспер, сўз бераман, ўзимнинг аҳмоқона қўрқоқлигим билан сизларга ҳалақит бермаман.

— Сержантнинг қизи ҳақ,— деди Изқувар.— У Том Дунгамдек довиорак отага муносиб қиз. Эҳ, бир вақтлар отангиз икковимиз неча-неча марталаб, худди мана шунақанги мистон кечада, дақиқа сайин пистирмага тушиб қолиш нифи остида, роса душманнинг жиғига текканмиз! Уни елкасидан ярадор қилган пайтларида мен ёнида эдим. Ҳали у билан кўришганингизда иккаламиз қандай қилиб дарёдан сузиб ўтганимиз, ўзининг бош терисини қандай асраб қолганини гапириб беради.

— Буни ҳикоя қилиб берган менга,— жавоб қилди Мабель.— Ана шуларни тилга олган хати бор менда,

Уша хизматларингиз учун чин юракдан ташаккур айтаман сизга. Биздан қайтмаса худодан қайтсин, кейин, истаган нарсангизни талаб қилишингиз мумкин Дунгамнинг қи-видан.

— Ҳа-ҳа, ўзи ҳамиша қалби пок, ҳимматли одамлар шундай қилишади... Сержант менга ўзининг ёшлик йиллари, онангиз, ундан кейин десангиз, унга қандай унаштирилгани, бу йўлда қанақанги тўсиқлари кўнгилсизликларга учрагани ва пировардида уларни қандай енгиб ўтганларини ҳикоя қилиб берган.

— Ойижоним шунчалик қисқа умр кўрганки, отамни унга етишгунича чеккан азоб-уқубатларига яраша ҳам тақдирлашга улгурмаган,— деркан Мабелнинг овози титраб кетди.

— Баракалла. Ҳалол, тўғри сўз сержант мендан ҳеч нимани яширмасди; ёши мендан талайгина катта бўлса ҳам, биргалашиб разведкага борган пайтларимизда менга худди ўғлидай муомала қиларди.

— Эҳтимол, Изқувар, башарти сен чиндан ҳам унга ўғил бўлсанг боши осмонга етармиди,— деб қўйди Жаспер, шуниси ҳам борки, йигитнинг овози оҳанги ҳазилга мутлақо ёпишиб тушмасди.

— Шундоқ бўлса нима қипти, Чучук Сув! Менимча, бунинг ҳеч қанақанги номаъқул жойи йўқ... Изни қидиришга келганда менинг унча-мунча нарсанинг фаҳмига боришимни биледи, кейин, французлар билан бетма-бет олишган пайтларимда кўрган мени. Баъзи-баъзида, ҳаммамиз албатта уйланишимиз керак-ку, деган хаёлга бораман. Ахир муттасил ўрмонда яшаб, фақат душманлари ёввойи ҳайвонлар кетидан қувиб юраверадиған одам, нима деганингдаям, ўзининг туғма, табиий сезги-туйғуларидан баъзиларини йўқотади-да ҳар қалай.

— Ҳозир кўриб, эшитиб турганларимга қараганда,— деди Мабель,— ўрмонда узоқ яшаган одамларда шаҳарликларнинг на қусури, на мунофиқлиги бор экан, деган хулосага келдим.

— Доимо табиат қучоғида яшаб туриб, унинг эзгу таъсирини ҳис этмаслик мушкул, Мабель.

— Ҳақ гапни айтяпсиз, мистер Изқувар,— деди Кап,— буни танҳоликда яшовчилар жуда яхши тушунадилар. Гоҳ юлдузли тун чоғи экватор яқинида ёхуд Жанубий океанда навбатчиликда туриб қолардим, ана шунда виждонинг қандай покланаётганини сезиб-ҳис қилиб тургандай бўларди кини!

— Бу тўғрида сен нима дейсан, Жаспер?— деди Изқу-

вар.— Сен ҳам мистер Кап сингари бўронларни «татиб» кўргансан-ку, ахир, шундоқ экан, унинг қалбга қандай таъсир этишини билишинг керак.

— Мен бу ҳақда мулоҳаза юритишга ҳали жудаям ёшлиқ қиламан, тажрибам ҳам йўқ,— жавоб қайтарди Жаспер камсуқумлик билан.

— Лекин сизда қалб, сезги бор-ку,— жўшқин эътироз билдирди Мабель,— табиат қучоғида, табиий ҳодиса-воқеалар қуршовида яшаб туриб яратганга умид боғламоқ, унга ҳамду сано ўқимаслигимизнинг, борингки, ҳеч зогнинг шундай қилмасдан иложи йўқ-ку!

— Бунақанги фикр-уй хаёлимга камдан-кам келади деб қўрқаман, аслида-ку кўпроқ ўйлаш кераг-а бу тўғрида.

— Чучук Сув!— маънодор қилиб деди Кап.— Сен, Мабель, бу азаматдан ҳаддан зиёд нарсани кутяпсан. Чучук Сув! Наздимда сизни шундай деб аташади чоғи? Тўғриямасми, Eau-de-Vie?¹

— Eau douce,— бамайлихотир жавоб қайтарди Жаспер. Қўлда кемада қатнаб юриб у французчани ҳар турли ҳинду шевалари сингари тузуккина ўрганган эди.— Мени денгизда сузувчи ва ҳиндуларга шўр сувли улуғ кўллар ҳақида ҳикоя қилиб берувчи ўртоқларимдан фарқлаш учун ана шу лақабни беришган.

— Хўш, нима қипти?! Фикримча, бундай ҳикоялар ёввойиларга ёмон таъсир кўрсатмагандир. Эҳтимол прокезлар билимдон бўлиб қолишмаган, лекин жоҳилликлари баттар ортиб ҳам кетмагандир, ахир. Ҳа-ҳа, «eau douce» ми ёки оқ арақми — пировард-оқибатда унча аҳамияти йўқ, сабабки, бу иблисона ичимлик.

— Eau douce ширин арақ, яъни хуштаъм арақ дегани. Французлар чучук сувни ҳам шундай деб аташади,— жавоб берди Жаспер, Капнинг шарҳу изоҳидан жиндаккина дили озор чекиб.

— Бу қанақаси бўлди, жин ургур, eau douce асли французчада арақ бўлса-ю, улар сувга айлантириб ўтиришса-я! Балки бу Бордо ва бўлак француз бандаргоҳларидаги эмас, мана шу ердагилар сўзлашадиган француз тилида шундай дейилар? Eau денгизчилар тилида ҳаммиша арақ, eau-de-vie эса аъло навли арақ деганини билдиради. Уларини билимсизликда айбламоқчимасман, йигит. Нима ҳам қилардик, сизнинг шароитингизда бу табиий. Агар камина билан бирга кетиб, бир-икки мартагина Атланти-

¹ Бу ўринда Кап гапни чалкаштириб юборяпти. Французчасига eau douce — чучук сув, eau-de-vie эса арақ дегани.

ка океанида сузганингиздами — токи умрингизнинг охиригача фойдаси тегиши мумкин эди бунинг. Ана унда Мабель ҳам, денгиз ёқасида турадиган бўлак қизлар ҳам сиз тўғрингизда ғоятда яхши фикрда бўлишлари турган гап эди.

— Йўқ-йўқ,— қарши чиқди соддадил ва олиҳиммат йўл бошловчи,— сизни ишонтириб айта оламанки, Жаспернинг бу ўлкаларда дўсту ёрлардан кам жойи йўқ. Унинг учун, ҳар қандай бошқа одам каби, жаҳонни кезгани, одату таомилларни кўргани фойдали эдику-я, лекин у бу ерда биз билан ҳеч ёққа чиқмай яшаётган бўлсаям, биз ҳар ҳолда уни бояги-боягидек ҳурмат қилаверамиз. Уни еан douce дейсизми ёки еан-de-vie ми, хоҳлаганингиздай атайверинг-у, лекигин у бемалол суянса бўладиган довюрак йигит; Жаспер соқчиликда турганида ҳамиша данг қотиб ухлайман, негаки унга худди ўзимга ишонгандек ишонманан. Бунга имоним комил, эътиқодим баланд. Кейин, сержантнинг қизи ҳам, афтидан, бошқаларнинг ҳурматига эришмоқ учун йигит албатта денгизда бўлиши зарур деган фикрда эмас чоғи.

Мабель жавоб бермай, тескари ўгирилди. Унинг бу уриниши беҳуда эди, зеро зулмат шундоқ ҳам чеҳрасини мутлақо яшириб турарди. Аммо Жаспернинг албатта дилидагини айтгиси келди. Уртоқлари ҳурмат қилмайди, қизлар эса эътибор бермайди деган фикрдан унинг ғурури озор чекиб, жаҳли чиқди.

— Мен билмайдиган нарсамни биламан деб мақтаёлмаман,— деди у.— На океанни, на кемада сузишни билмаслигимни жон-жон деб тан оламан. Биз ахир ўз кўларимизда юлдузлар ва компас ёрдамида, бир бурундан иккинчисига ўтиб, шу тахлитда қатнаймиз, шунинг учун ҳам рақамлару ҳисоб-китобларнинг ҳожати йўқ бизга. Лекин, шунга қарамай, ўз устунликларимиз бор, буни таллай йилларни океанда ўтказган одамларнинг оғзидан эшитганман. Биринчидан, бизда ер доимо кўз ўнгимизда, кейин, кўпинча шамол эсадиган томонда бўлади, бу эса, эшитишимча, денгизчини чиниқтиради. Бизда шамол кўққисдан бошланиб қолгани ва шиддатли бўлгани сабабли бот-бот бандаргоҳларда паналаб туришга тўғри келади.

— Лотдан фойдаланасизларми ўзи?— деб сўради Кап.

— Лот ёрдам бермайди бизга, шунинг учун ҳам камдан-кам ташлаймиз уни.

— Дип-лот¹ дан-чи?

¹ Д и п л о т — катта чуқурикларни ўлчайдиган асбоб.

— Шунақа асбоб борлигини эшитганман-у, лекин иқрорманки, уни сира кўрмаганман...

— Жин урсин! Дип-лотсиз кема ҳам бўларканми-я! Йўқ, болакай, денгизчи деб аталишга зигирчалик ҳам қаққи-хуқуқингиз йўқ сизни. Жин чалиб, жаббор урсин, денгизчи дип-лот нималигини билмаса, бундай гапни қулоқ ошитиб, кўз кўрганми, ахир?

— Мен ҳеч қанақанги махсус билимга эгаман деб даъво қилмоқчи эмасман, мистер Кап...

— Шалолоаю шаршаралардан сузиб ўтишдан бошқасига де, Жаспер! Шаршаралару остона-шалолалардан бошқасига,— деди Изқувар унга ёрдамга келиб.— Бундай ҳолларда — сиз бунга қўшилсангиз кераг-а, мистер Кап — у эпчил ва моҳир. Фикримча, ҳар кимни унинг истеъдодидоқобилиятига қараб койиш ёки иззат қилиш керак. Башарти мистер Кап Освего шалолаларидан сузиб ўтишда мутлақо бефойда бир кимса бўлса ҳам, мен биламанки, очиқ денгизда керакли, зарур одамга айланади; шунингдек, модомики Жаспер ер кўздан йўқолган пайтда бефойда бўлса-да, шаршаралардан ўтишга тўғри келганида кўзи ўткир, билаги забардаст.

— Жасперни очиқ денгизда ҳам бари бир фойдаси тегарди! — Мабель чуқур сокинлик ичра шунчалик қаттиқ ҳитоб этдики, ҳаммалари чўчиб тушишди.— Мен бу ерда шунчалик нафи тегаётган одамнинг, гарчи Жаспер кемачилик санъатида тоғамчалик билимдон эмаслигини тушуниб турсам ҳам, уёқларда фойдаси тегмаслиги мумкин эмас, демоқчиман...

— Ҳа-ҳа, жоҳилликда бир-бировларингни қувватлай-веринглар! — дея истеъзоли тўнғиллаб қўйди Кап.— Биз денгизчиларни қуруқликда эканимизда рақибларимизнинг бисёрлиги доимо елкамиздан тегирмон тошидай босиб-эзиб туради ва, тан оламанки, камдан-кам қадримизга етишадди. Қачонки иш сизларни ҳимоя қилиш ёки юкларингизни ташишга бориб тақалди дегунча ҳаммаларингиз бошпарингизни ҳам қилиб, соямизга кўрпача тўшаб, атрофимизда пойи-патак бўлиб қоласизлар.

— Лекинига, тоғажон, қуруқликда яшайдиганлар бизнинг соҳилларимизга ҳамла қилишмайди, денгизчилар фақат денгизчилар билан урушилади-ку.

— Ана жоҳиллигу ана нодонлик! Ҳўш, бизнинг ўлкамизга келиб тушган жамики душманларимиз қаёқда, қани анави инглизлар билан французлар? Қай гўрда улар, билсак бўладими ўзи, жиянча?

— Ростдан ҳам, қаерда ахир улар? — деди Изқувар.

Бу тўғрида ҳеч ким биз ерлилардан яхшироқ сўзлаб беролмайди, мистер Кап. Улар саф тортиб ўтган йўлларга кўп марта лаб дуч келганман, чунки бу йўлларда уларнинг ёмғир чўмилтирган суяклари сочилиб ётарди; иннайкейин, талай йиллар ўтиб душманларнинг ҳатто хотирасию такаб-бурлиги ёдимиздан кўтарилиб кетганидан сўнг ҳам қабр гумбазчаларида уларнинг изларини излаб топганман. Генераллару оддий аскарлар — жамикиларининг жисми бу тупроқда сочилиб ётибди. Фақат шон-шухрат учун яшаган ва ўзига ўхшаган биродарларидан устун келиш иштиёқ-майли изтиробида ўртанган одамларнинг кўрғилиги ана шундай бўлади.

— Ўзларига айтиб қўйишим лозимким, мистер Изқувар, сиз,— қуролни қўлидан қўймайдиган, ўқ-дори ҳидидан нафас оладиган ва душманни забуну ғорат қилиш учунгина лангар кўтарадиган сиздек одам — негадир ҳаддан зиёд алломалик қилиясиз.

— Агарда сиз мени бутун умрини урушда ўтказяпти деб ўйлаётган бўлсангиз, унда мени яхши билмас экансиз. Урмон ва чегарада истиқомат қиладиган одам ҳамма нарсага тайёр туриши лозим. Лекинига менинг зиммамда ҳеч қандай расмий масъулият йўқ, негаки мен қўлнда ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи бўлмаган шунчаки бир оддий ўқчи-разведкачиман, холос. Менинг ҳақиқий вазифам (гарчанд ҳозирги кунда хусусан ўзим ҳеч қачон бормайдиган қишлоғу кентларда қўниб турган бир офицернинг ҳисобида бўлсам-да) тинчлик кунларида ҳам, уруш пайтида ҳам қўшинларни илвасин — ов ўлжалари билан таъминлашдир. Шунга қарамай мен, ҳар қалай, ҳар қандай бўлак одам сингари, душманлардан қочмаслигим даркор.

— Бўпти, бўпти! Демак, каминалари сизнинг мунтазам вазифангизни кема замбаракчисининг вазифасига ўхшайди, деб хато ўйлаган эканлар. Мана, менинг куёвимни олайлик! У ўн олти яшарлигидан бери аскар-у, мартабам ҳар тарафлама денгизчининг мартабасидек иззат-ҳурматга лойиқ, деб хаёл қилади. Э-э, бу тўғрида у билан баҳслашиб ўтиришнинг ўзи бефойда гап...

— Ҳа, дадам жангчи деган ном, жангчи мартабаси олижаноб мартаба эканига қаттиқ ишонади,— деди Мабель.— Бобом отамдан ҳам ёш пайтидаёқ аскар бўлган экан.

— Шундоқ-шундоқ,— тасдиқлади йўл бошловчи,— сержантнинг мижози жангари, шунинг учун ҳам оламдаги жамики воқеа-ҳодисаларга ўз пилтамилтиғи миллининг оғзи орқали қарайди. У манави ҳаддан зиёд узун милли

қуролдан қироллик карабинини афзал кўради. Одат, кўникма одам онгида шунақанги хурофоту мутаассибликни туғдирадики, бу ҳол, эҳтимол, инсон табиатига хос умумий қусурдир.

— Қуруқликда шундай бўлса ажабмас,— деди Кап.— Негаки денгиз сафаридан қайтар эканман, ҳар гал худди шу нарсани кўрардим. Масалан, охирги гал Нью-Йоркда, ўзим билан бир хилда фикрлайдиган маслакдошни аранг излаб топдим десангиз. Мен учратганларнинг бари, наздимда, каминанинг фикрини фақат иложи борича тезроқ отверштагни¹ буриб, бейдевиндда² бошқа галсга³ ўтиб олиш учунгина шамол эсаётган тарафга буришга ҳаракат қилишарди холос.

— Бу гаплар сизга тушунарлими, Жаспер?— шивирлаб сўради Мабель йигитга кулиб мурожаат этаркан.

— Чучук сув билан шўр сувнинг фарқи кўпдаям катта эмас, шундоқ экан, бутун умрини ўша ёқларда ўтказадиганлар бир-бировларини осонгина тушунишади. Ўз касби-корининг тилини тушунишнинг эса, Мабель, сираям қийин жойи йўқ.

— Наздимда, компасдан бўлак нарсанинг бари ўзгариб кетган чоғи,— ваъзини давом эттирди Кап,— ҳа, айтмоқчи, ҳатто унда ҳам ўзгаришлар бор. Гарчи қуруқликда ҳаво қалину қуюқ бўлса ҳамки, ҳар қалай ердаги жамики нарса абадий ҳаракатда. Сафар олдидан бир туп кўчатни ўтқазиб кетсангиз-у, кейин икки йил, уч йилдан сўнг қайтиб келсангиз — ўша дарахтни бутунлай танимай қоласиз. Шаҳарлар кенгаяди, янги кўчалар бунёдга келади, соҳил бўйлари гўзаллашиб кетади — бир сўз билан айтганда, ерда мутгасил ўзгариш содир бўлаверади. Кема — бошқа гап, у Ҳиндистонга қай қиёфада жўнаган бўлса (фалокатга учраш, тешилиш ва турли хил денгиз ҳодисаларига қарамай) худди ўшандай қиёфада қайтади.

— Афсуски, бу ҳақ гап, мистер Кап. Такомиллаштиришу тузатиш, яхшилаш деб аталмиш нарсаларнинг ҳаммаси ер сийнасини пачағини чиқариб, хунукдан-хунук қилиб ташлаяпти. Менга айтишларича, Улуғ Кўлларнинг жануби ва ғарбида аллақачон бўлажак ўзгаришларнинг

¹ Отверштаг — елканли кеманинг шамол йўналишига қарши бир галдан иккинчи галсга ўтиши.

² Бейдевинд — кеманинг шамолга қарши ўткир бурчак ҳосил қилиб сузиши.

³ Галс — кеманинг шамолга нисбатан йўналиши. Агар шамол ўнг биқинидан эсаётган бўлса, кема ўнг галсда, чапдан эсаётган бўлса, чап галсда сузиб бораётган бўлади.

даҳшатли аломатлари пайдо бўлибдимиш, лекинига мен ўзим у ўлкаларга борган эмасман.

— Бу билан нима демоқчисан? — деб сўради Жаспер.

— Мен ўша жойлар тўғрисида, бу ўлканинг, эҳтимолки айнан аҳмоқ исрофгарларга хизмат қилиш учун яралган жойлар хусусида гапиряпман. У жойларни прерия¹ дейишади, хўш деганингдан, энг ҳалол делаварлардан эшитишимча, ҳозир уёқларда тиккайган таёқни учратолмасмишсан.

— Аммо мен дов-дарахти кесиб битирилган ўша яйдоқ жойлар жуда ёқадиган кўплаб колонист-мустамлакачиларни биламан. Ерни тозалайман деб ўлиб-қутулишнинг кераги йўқ уёқларда. Мана сен, Изқувар, нонни яхши кўрасан, буғдой бўлса соя-салқин ўрмонда битмайди-ку, ахир.

— Лекигин инсофу ҳалоллик, эзгу тилак-истаклар битади, Жаспер. Мана, мистер Кап ҳам, ўрмонсиз яйдоқ ер бўм-бўш, хилват оролга ўхшайди, дейиши мумкин.

— Шундоқликка шундоқку-я,— деди Кап,— лекин хилват оролларнинг ҳам нафи бор. Уларга қараб йўналиш ҳисоб-китобига тузатишлар киритса бўлади. Агарда каминанинг дидига қараладиган бўлинса, мен ҳеч қачон яйдоқ текисликни сўкиб-койимайман. Ахир одамга кўз — кўргани, қуёш эса унинг йўлини ёритгани берилган-ку. Дов-дарахт бўлса, фикримча, кемасозлигу гоҳо иморат қуриш учунгина ярайди, холос.

Йўл бошловчи бу гапга ҳеч нима деб жавоб қайтармади, фақат кўксидан бўғиқ хўрсиниққина юлқиниб чиқди. Ҳамроҳлари ҳам жим қолишди-ю, яна сукунат ҳукм сура бошлади.

Иккала қайиқ ғарбий соҳил яқинидаги дарёнинг тезоб жойига кириб борди. Бу ерда оқимнинг кучи бир хилда эмасди: баъзи бир жойда сув оҳишта, бўлак жойда соатига икки ёхуд уч миля тезликда шиддаткор оқарди. Остоналарда сувнинг тезлиги ҳатто кўникмаган кўзга даҳшатли кўринарди. Жаспернинг тахминича, шу йўналишда сузилса икки соат ичида дарё қуйилишига етиб олса бўларди. У ҳам, Изқувар ҳам шу боисдан лоақал энг хатарли жойлардан ўтиб олтуларига қадар тезликни бундан ошириш ярамайди деган ўйда эдилар.

Қочқинлар шивирлашиб гаплашардилар. Чеки-чегарасиз ўрмонда ҳукм сураётган сукунатга минг бир тилда

¹ Прерия — Шимолий Американинг бепоён даштликлари.

хониш қилаётган табиат садоларигина рахна соларди холос. Бесаноғу беҳисоб дов-дарахтларнинг барглари пичирлашар, сув шалдираб-шовуллар, вақти-вақти билан шамолда силкиниб, бир-бировини оҳиста «савалаб-савалаб» қўяётган новдаю шаббаларнинг чирсиллашлари қулоққа чалиниб қоларди. Ҳеч қайда ҳаёту тирик жондан заррача аломат сезилмасди. Рост, Изқувар бир гал олисларда бўри увлаганини эшитди, аммо бу элас-элас эшитилган оний товуш эди, эҳтимолки, тасаввурот дунёга келтирган маҳсулдир бу. Бироқ Изқувар ўртоқларидан жим бўлишни илтимос қилган сонияда унинг тийрак қулоғи қуруқ шаббанинг «қирс» этганини илғаб олди; ушбу овоз ғарбий соҳилдан келганди.

— Қирғоқ ёқалаб биров келяпти,— деди Изқувар Жасперга, овозини аранг эшитиладиган даражада пасайтириб.— Наҳотки лаънати ирокезлар қайиқсиз, қўлларида қуроллари билан дарёдан сузиб ўтишган бўлса?

— Балки делавардир бу? У бизни қаердан топишни билиб, чамаси дарё ёқалаб орқамиздан келаётган бўлса керак... Шошма-чи, соҳилга бориб, нима гаплигини билиб кела қоламан.

— Бора қол, бола, лекигин ёдингда бўлсин, эшкакни жуда эҳтиётлик билан ишлат, нима қилаётганингни яхшилаб ўйлаб кўрмай зинҳор-базинҳор қирғоққа чиқа кўрмагин-а!

— Ақлданмикин шундай қилиш?— деб юборди Мабель қизишиб, овоз чиқариб сўзлашиш мутлақо мумкин эмаслигини унутиб.

— Агарда сиз мана шунақа шанғиллаб гапирадиган бўлсангиз, ўтакетган нодонлик бўлади бу,— жавоб қилди Изқувар.— Менинг қулоғим эркаклар овозига кўникиб кетган, шунинг учун сизнинг майин ва ёқимли овозингизни ҳузурланиб эшитяпманку-я, лекигин ҳозир унақанги қаттиқ гапиришнинг хонасиямас. Дадангиз, жасур сержант, дийдор кўришганларингда, рақиб изига тушиб қолинган пайтда сукут сақлаш беқиёс фазилат эканини тушунтириб берар ҳали...Бора қол, Жаспер, ўз ҳаққингдаги ақлли-мулоҳазали йигит деган фикрни тасдиқла албатта.

Жаспер гўёки оқим ўз комига тортиб кетган мисоли ими-жимида зулумот қаърида ғойиб бўлганидан берига ўн дақиқалар чамаси таҳликали фурсат ўтди. Бундай жасоратга журъат этган йигит ўз ҳаётини катта хавфу хатарда қолдираётганига Мабелнинг ишончи комил эди. Ҳаммалари жим, нафасларини ичларига ютганча қирғоқ тарафдан эшитилиб қолиши мумкин бўлган тик этган

товушга бутун вужудлари ила қулоқ солишяпти. Бироқ ҳаммаёқда бояги-боягидек тантанавору маҳобатли осудалик ҳукмрон. Елғиз тўлқинларгина саёзликка шалолаб урилардию шамол ўрмоннинг тош-қаттиқ уйқусига рахна солиб дов-дарахтларнинг шох-шаббаларини тебратарди, колос.

Мана, тагин енгилгина шарпа эшитилди. бамисоли аллакимнинг оёқлари остида бир нечта қуруқ шабба қирсиллаб сингандай бўлди. Изқуварнинг қулоғи кимларнингдир овозини илғаб олди.

— Эҳтимол янглишаётгандирман, яна билмадим-у,— деди у,— негаки, одамнинг тасавури кўпинча хаёлида ўзи истаган нарсани гавдалантиради, аммо-лекин, назаримда, бу делаварнинг овозига ўхшайди.

— Нима бало, ёввойиларнинг ўликлари тентираб юрадимми?— деб сўради Кап.

— Худди шундоқ, улар ҳатто ов ортидан қувиб юрадилар, лекигин руҳлар салтанатининг шикоргоҳларида. Қизил танлининг руҳи танасини тарк этган дақиқадан эътиборан унинг ер билан боғлиқ жамики ришталари буткул узилади. Унинг табиатида ўлимидан сўнг ўз вигвами теварагида тентираб юриш одати йўқ.

— Хув ана, сувда нимадир...— шивирлади Мабель.

— Қайиқ!— деди Изқувар қувонч-ла.— Чамамда, ҳаммаси жойида кетяпти, йўқса йигит аллақачон ишора берган бўларди.

Ҳадемай иккала қайиқ бир-бировига яқинлашди, сайёҳлар ана шундан кейингина қайиқнинг қуйруғида турган Жаспер билан тумшуқда ўтирган бошқа одамни кўришди. Эшкакни яна икки-уч марта селпишда қайиқлар ёнма-ён бўлди, шунда Изқувар билан Мабель делаварни танишди.

— Чингачгук! Биродарим!— ҳаяжондан овози титраб хитоб қилди йўл бошловчи.— Могиканлар сардори! Қувончдан юрагим нақ ёрилиб кетай деяпти! Қанча-қанча марта-лаб бирга жанг қилиб, озмунча қон тўкканмизми, энди бўлса ҳеч қачон насиб этмайди бу деб қанчалик кўрқдим-а, дўстим!

— Хуг! Минглар—сквау. Белбоғимда учта бош териси осиглиқ турибди. Э-йўқ, делаварларнинг Улуғ Илонини ўлдиролмайди улар! Уларнинг юрагида қони йўқ, шуничун ҳам улар ҳозир Улуғ Кўл орқали қайтиб кетиш ўйида.

— Ҳали уларнинг орасида ҳам бўлдингми? Сен дарёда олишган анави жангчи нима бўлди?

— У балиққа айланиб, ҳозир сув тубида шиллиққуртлар билан бирга; биродарлари уни ушлаш учун қармоқ

ташлашаверишсин...Изқувар, мен душманларни санаб чиқдим ва қурулларини тутиб-пайпаслаб кўрдим.

— О, унинг довураклигига имоним комил эди!— деди Изқувар инглизчалаб.— Ботир йигит минглар орасида бўлибди, улар ҳақида сўзлаб беради бизга...Гапир, Чингачгук, сенинг ҳикоянгни буларга таржима қилиб бераман.

Делавар ўз тилида унга Жаспер ўзини ирокез билан олишаётган пайтда қолдириб кетганидан берига барча билган-кўрганларини гапириб берди. У ўз ғанимининг тақдири ҳақида ортиқ бир сўз ҳам демади. Ҳеч қачон кўрсатган жасоратлари билан мақтанмайдиган ҳинду жангчиларнинг одатлари шундай. Бу шиддатли олишувда ғолиб чиққач, у шарқий соҳилга қараб суза бошлабди, уёққа осонгина етиб олибди-да, қоронғида ирокезларга аралашиб кетибди. Бир гал ундан кимлигини сўрабдилар, шунда у: «Ароухед», деб жавоб қайтарибди. Кейин ундан қайта сўраб-суриштиришмабди. У ирокезларнинг Мабель билан тоғасини (Капнинг унвонида хато қилган экан минглар) асир олиш ниятида сафарга чиққанларини билиб олибди. Могикан бундан ташқари Ароухеднинг хиёнат қилганига ҳам ишонч ҳосил қилибди. Бундайин маккорона қадам қўйишга уни нима ундаганини билиб олиш мушкул бўлибди, негаки тускарор ҳали-ҳозирча ўз хизматлари эвазига мукофот олиб улгурмаган экан.

Ушбу ҳикоядан Изқувар ўртоқларига ўз фикрича ваҳимани камайтириши мумкин бўлган гапларнигина тушунтириб берди. У ирокезлар кўрган талафотларидан сўнг эс-хушларини йиғиб олмасларидан буруноқ бор кучларини ишга солиб қолишлари зарур эканини ҳам кўшиб қўйди.

— Улар билан остона-шалолода тўқнаш келишимизга шубҳам йўқ,— сўзини давом эттирди у,— шунинг учун уларни айланиб ўтишимиз керак, йўқса чангалларига тушишимиз тайин. Қалъагача унча олис эмас, шу боисдан ҳам мен Мабелни қирғоққа тушириб, ўзимга маълум сўқмоқлардан бошлаб боришни жуда-жуда истардим, қайиқларни эса шалолога қараб ҳайдасак.

— Мумкин эмас бу, Изқувар!— дарҳол қарши чиқди Жаспер.— Мабель бунақанги зимистон қоронғида ўрмондан юролмайди. Уни менинг қайиғимга ўтказинглар, шунда мен ё жонимдан жудо бўламан, ё Мабелни қоронғиликка ҳам қарамай эсон-омон шалолодан олиб ўтаман.

— Ишонаман бунга, йигит, иннайкейин, сержантнинг қизига ёрдам бермоқчи эканинга ҳеч ким шубҳаланмайди. Лекигин уни шундай қоронғи тунда Освего шалоласидан ким ҳам олиб ўта олади?

— Хўш, уни ўрмондан беэиён-беаҳмат бошлаб ўта оладиган ким экан? Наҳотки тун қирғоқда худди сувдагидек зимистон эмас? Ёки мени ўз касби-коримни сен ўз касбингни билганчалик билмайди деб ўйлайсанми?

— Тасанно, йигит, ўхшатиб айтдинг! Мабодо мен ўрмонда адашиб қолдим ҳам дейлик (чамамда ҳеч қачон бундоқ бўлмаган чоғи), унда биз тунни ўша ерда ўтказардиг-у, шу билан қутулардик, вассалом; айни пайтда, шалодадан ўтаётиб эшқакни бир мартагина беўхшов ишлатиб юборилса ёхуд қайиқ бехосдан оғиб кетса — икковларинг сувга қулайсизлар-ку; унда сержантнинг қизи нобуд бўлиши аниқ.

— Буни Мабелнинг ўзи ҳал қилсин. Инонаманки, қайиқда кетгани тинчу хотиржамроқ унинг учун.

— Мен икковларингга ҳам ишонаман, — деди Мабель. — Биламан, дадамга бўлган меҳр-оқибатларингни исботлаш учун қўлларингдан келадиган жамики нарсага тайёрсизлар; лекин, тан оламан, қайиқдан тушмай қўя қолай, нимага десанглар, қуруқликда душманлар изғиб юргангани кўрдик. Айтмоқчи, майли, буни тоғам ҳал қилсинлар.

— Оқим бўйлаб шундай яхши сузиб кетаётган бир пайтимизда, — деди Кап, — ўрмон дидимга ўтиришмай турибди; буниг устига эса, мистер Изқувар, қизил танлиларни гапирмаган тақдирда ҳам, наҳангларни унутиб қўйяпмиз.

— Наҳанг! Сизга нима бўлди ўзи? Ўрмонда наҳанг нима қилади?

— Наҳанг деганда мен бўри билан айиқни назарда тутяпман. Гап-ҳайвонларга берилган номда эмас! Ахир ўша сизларнинг бўри ва айиқларинг ҳам бошлаб тишлайди-ку!

— Ё тангрим! Наҳотки ўзлари Америка ўрмонларида тентираб юрадиган жониворлардан қўрқсалар? Силловсинга, ўйлашимча, эътибор қилса бўлади, лекигин тажрибали овчи учун ўшайм унчалик қўрқинчли эмас. Ундан кўра минглардан келинг, улар қўрқинчлироқ, лекигин, илтимос, ўша бўрию айиқларни гапириб ўтакани ёрманг, қўйинг.

— Бундоқ дейиш осон сизга, мистер Изқувар: бу йиртқишларнинг жамикиси ўзларига беш қўлдаи таниш. Кўникма — улуғ нарса. У қўрқоқ одамга ҳам жасорат бахш этади. Жанубий кенгликларда камина наҳангларни оралаб бир неча соатлаб сузган денгизчиларни кўриш шарафига муяссар бўлганман; якшанбада тушлик ибодатдан сўнг Чорковдан чиқаётган деҳқон бошқа деҳқонлар ҳақида

қанчалик ұйласа, улар ҳам атрофларида тишини чархлаб турган наҳангларга ұшанчалик парво қилардилар.

— Буниси ғалати-ку жуда,— деб қўйди одатда денгизчиларнинг йўқ ердаги лофларни ұйлаб топишга мойил эканликларига ҳали кўникма ҳосил қилмаган Жаспер.— Мен ҳамиша, сувда наҳангга дуч келиш — муқаррар ўлим, деб эшитиб келганман-ку.

— Тўғри, ўша йигитлар зарур бўлиб қолганида наҳангнинг тумшуғига тушириб қолиш учун доимо вимбовка¹ ёки аншпуг² оливолишларини айтиш эсимдан чиқибди. Иқрорманки, сизнинг бўрию айиқларингиз мутлақо кўнглимга ўтирмайди-да. Мабель икковимиз, ҳар қалай, сув саёҳатини афзал кўрамиз.

— Мабель менинг қайиғимга ўтгани маъқул эди-да,— деди Жаспер.— Қайиғимда бошқа ҳеч ким йўқ, кейин десангиз. Изқувар сувда менинг кўзим уникидан кўра яхшироқ кўришини эътироф этса кераг-ов.

— Бу гапингга батамом қўшилишаман, бола! Сув — сенинг муҳитинг, уйингдай гап, унинг феълини жуда яхши ўргангансан. Аслида сержантнинг қизи ёнимда қолса ўзимни бахтиёр ҳис этсам ҳамки, сенинг қайиғингга ўтса уни хийла бехатарроқ бўлади деб ўйлашга тўла ҳақлисан. Лекигин мен ҳаммасидан ҳам унинг бежавотир бўлиши ғамини еяпман, шундоқ экан, самимий маслаҳатим — қайиғингни менинг қайиғим биқинига ёнма-ён қилиб тўғри-ла, Жаспер, ана шунда бебаҳо хазинани ҳимоятингга ишониб топшираман.

— Сен ҳақсан,— жавоб қайтарди ўспирин ва ўша ондаёқ қайиғини тақаб келди.

Мабель унга ўтиб, ўзининг юки устига ўлтирди.

Қиз ўтиб ўлтиргач, қайиқлар бир-биридан чиза узоқлашди-ю, эшкаклар ишга тушди. Гап-сўзлар тинди, ҳар қайсилари ўз ҳолларича ҳозир қанчалик жиддий дақиқа эканинигина ўйлардилар. Шубҳасизки, душман остонашалолага улардан аввалроқ етиб олишга ҳаракат қиляпти; аммо ирокезлар бунақанги зим-зиё қоронғиликда дарёдан кечиб ўтишга ботинолмайдилар, шу сабабдан Изқувар ғанимларнинг уларни қирғоққа чиқаётганларида ҳўлга тушириш ниятида дарёнинг ҳар иккала бетига жойлашиб олганларига деярли амин эди. Эндиликда ҳамма иш қайиғни бошқараётганларнинг маҳоратига боғлиқ. Мабодо енгил қайиқ қоя-харсангга бориб урилса, қоқ иккига ажраб

¹ Вимбовка — қаттиқ дарахтдан ясалган узун ғўла, қўл чигирини айлантришда ишлатилади.

² Аншпуг — оғир юкни баландга кўтарадиган чигир дастаги.

кетиши ёки тўнқарилиши аниқ, ана унда саёҳатчилар, ай-ниқса Мабель, сувга фарқ бўлишлари ёки ирокезларнинг қўлига тушишлари мумкин. Ниҳоятда эҳтиёт бўлиш зарур; ҳар ким ўз ўй-хаёли билан банд, ҳаммалари жим.

Қайиқлар шарпасиз шигиллаб бораётган пайтда, ба-ноғо яқинлашиб келаётган остона-шалоланинг ўкириги эшитилди. Капни қимирламасликка кўндиришга урини-шарди; сувнинг ўкириги ҳеч қандай яхшиликдан дарак бермаётгани ва иккала соҳилда юксалиб турган маҳобатли ўрмон тўрғини қоронғида аранг илғаётганларига қарамай, у мардонавор адо этди бу илтимосни. Бояги шаршара қолдирган таассурот ҳам буткул тарқаб улгурмаган, кекса денгизчининг тасавури эса хавфу хатарни тобора газак олдириб, бўрттириб бораётган эди. Олдиндаги остона-ша-лола кўз ўнгида нуқул ўзи бугун сузиб ўтган, ҳозиргина зикр этганимиз ўн икки ёки ўн беш фут баланддан тушаёт-ган шаршара мисоли, ҳатто янаям баландроқ бўлиб гав-даланаверди. Уни шубҳа ва мавҳумият қийин-қистокқа олаётган эди. Бироқ кекса денгизчи беҳуда чўчиётганди; остона-шалола билан Освего шаршараси орасида ўхшаш-лик кам: остона — шунчаки тошу саёзликларни оралаб шарқираб оқаётган оддийгина оқим, шаршара эса тамо-мила ўз исмига монанду мос эди.

Мабелнинг ҳам, шунингдек, кўнгли мутлақо хотиржам эмасди; лекин янги вазиятда шароит ҳамда ҳамроҳлари-нинг қатъияту ишончлари ўзини тутиб туришида мададкор бўлди.

— Ана шу жойни гапираётувдинларми менга?— дея сўради қиз Жаспердан шалола-остонанинг ўкириги эши-тилганда.

— Ҳа... Лекин менга ишонаверинг, Мабель. Биз ҳали жиндаккина танишимиз-у, аммо бунақанги хилват жойларда биргаликда ўтказилган бир кун катта гап. Назаримда, худ-ди сизни аллақачонлардан бери танийдиганга ўхшайман.

— Менинг наздимдаям, Жаспер, сиз ҳам бегонага ўхшамайсиз! Сизнинг маҳоратингизга, мени қутқариб қо-лишни истаётганингизга ҳам чиппа-чин ишонаман.

— Кўрамиз, кўрамиз ҳали! Изқувар аллақачон тезоқар жойнинг қоқ ўртасига кириб борди; афсус, менинг овозим-ни эшитмайди-да... Қайиқни маҳкамроқ ушланг, Мабель, ҳеч нимадан кўрқманг.

Қутуриб-айқираётган оқим қайиқни кўз юмиб-очгунча суриб кетди-ю, хавотирланишдан кўра кўпроқ ҳайратга тушган Мабель уч ёхуд тўрт дақиқа давомида атрофида **фақат** айланиб-буралаётган кўпикни кўриб, сувнинг наъра-

синигина эшитиб турди, холос. Қайиқ йигирма мартача тўлқинлар ўлжасига айланаёзди, бироқ дарғанинг забардаст қўли уни ўшанча марта қатъийлик ила тўғри йўл сари йўллаб турди. Жаспер бир мартагина қайиқнинг «жиловини» ўз ҳукмидан чиқариб юборди ва у бир неча сония бир ерда айланиб туриб қолди, аммо йигит жаҳду жадал кўрсатиб, қайиқ устидан бўлган бояги ҳукмини қайта қўлга киритди. Ҳадемай у остона-шалолодан ўтиб олди. Энди қайиқ шалоланинг нариги ёғидаги сокин дарё ҳалқасида тамоман хавфу хатардан холи бўлиб, осойишта сузмоқда эди, ичига бир стакандан ортиқ сув тушмаганди унинг.

— Мана, ҳаммаси тамом, Мабель!— хитоб қилди қувониб кетган ўспирин.— Хавфу хатар орқада қолди, эндиликда дадангизни шу бугун кечаси кўришдан умидвор бўлаверинг бемалол.

— Бундай бахт учун сизнинг олдингизда бурчли бўларканман-да, Жаспер?

— Менинг олдимда қанчалик бўлса, Изқуварнинг олдида ҳам ўшанчалик... Ие, иккинчи қайиқ қаёқда қолдийкин?

— Сувда, биздан хиёлгина нарида алланимани кўряпман. Бу дўстларимизнинг қайиғи, тўғриямасми?

Жаспер эшакки қаттиқроқ эша бошлади ва диққатларини тортган нарсага яқинлашди. Бу дарҳақиқат иккинчи қайиқ эди, лекин у қорни осмондан келиб тўнкарилиб қолганди. Шунда улар дўстларини излашга киришдилар ва оқим бўйлаб сузиб келаётган Капни илғаб, бошлари нақ кўкка етгудек суюниб кетишди. Денгизчи ҳиндуларнинг қўлига тушгандан, сувга фарқ бўлишни афзал кўрганди. Жаспер уни аранг қайиққа тортиб чиқарди ва Изқуварнинг суйган қуролидан ажрамаслигига, сув кечиб қирғоққа чиқиб олишига қаттиқ ишонганидан (негаки бу ерда сув унчалик чуқур эмасди-да), излашни бас қилди.

Қоронғига қарамай йўлнинг буёғига тез сузиб кетдилар. Кўп ўтмай қулоқларига сувнинг шовуллашига қоришиб кетган, олисда гулдураётган момагулдурак овозига ўхшаш шовқин чалинди. Жаспер ҳамроҳларига кўлдаги бурун шовуллаётганини тушунтирди. Олдинда пастак, иланг-биланг тасмасимон қуруқлик кўзга ташланди-ю, қайиқ чоққина қўлтиқчалардан бирига кириб бориб, қумлоқ соҳилга томон сузаверди. Бу ўзгариш шунчалар ногаҳоний ва шунчалар улуғвор эдиким, Мабель нима бўлганини ниҳоятда қийинчилик ила тушуниб етди.

Орадан бир неча дақиқа кечгач улар соқчилар ёнидан ўтишди. Дарвоза очилди-ю, қиз ўзини шу пайтгача ўзи исси-бўйини туйиб-тотиб кўрмаган отаси бағрида кўрди.

САККИЗИНЧИ БОБ

Чарчоқдан кейин ҳордиқ чиқариш ўзгача гаштли бўлади ва одамда хотиржамлик, беғамлигу бепарволик ҳиссини уйғотади. Эртасига эрталаб Мабель ҳам ўзини ана шундай ҳис қилаётган эди. Дўмбира даъватига итоат этгувчи бутун гарнизон аллақачон эртаманги кўрикка шай эди. Гарнизоннинг кундалик машғулотларини назорат қилиб бориш зиммасига юкланган сержант Дунгам қизи саҳарги сарин ҳаводан тўйиб нафас олгани чиққан пайтда аллақачон ўз вазифасини адо этиб бўлиб, нонушталикка ҳозирланаётган эди.

Биз тасвирлаётган воқеалар содир бўлган замонларда Освего қалъаси Америкадаги инглизларга қарашли ерсувларнинг энг чекка чегарасидаги соқчилик қопқаларидан бири эди. У яқингинада қўлга киритилган бўлиб, қалъа гарнизонини шотланд полкининг бутун бошли батальони ташкил этарди; бироқ етиб келганига ҳеч қанча вақт бўлмай кўплаб америкаликлар келиб қўшилгандилар батальонга, шу муносабат билан Мабелнинг отаси, маҳаллий одам сифатида, катта сержант қилиб тайинланган эди. Бу бўлуқда, шунингдек, мустамлакада туғилган бир неча ёш офицерлар ҳам бор эди. Освего қалъаси, ўзига ўхшаш истеҳкомлардан аксарияти каби, ҳиндулар ҳамласини қайтаришга қодир, аммо мунтазам, сурункали қамалга дош бериши амримаҳол эди. Дарвоқе, бу ерларга оғир артиллерияни келтириш шунчалик мушкул эдиким, бунақанги қамал бўлиши аҳтимоли истеҳкомларни барпо этган инженерларнинг ҳатто хаёлига ҳам келган эмасди. Бу ерда тупроқ ва ходалардан бунёд этилган қўргонлар, қуриб қолган хандақ, боғча, намойишлар ўтказиладиган кенгковул майдон, ҳам тураржой, ҳам мудофаа хизматини ўтайдиган узун ёғоч уйлар бор эди.

Ҳовлида истаган пайтда бир ердан бошқа жойга олиб бориш мумкин бўлган бир нечта енгил дала замбараклари турарди; қалъанинг мезана-минорачаларида қалъага яқинлашишга журъат этган ҳар бир кимсани важоҳати ила тўхтатиши лозим бўлган иккита оғир чўян тўп кўзга ташланиб турарди.

Мабель ўз бошпанасидан чиқиб, чимдор қиямаликдан

қалъа қўрғонига кўтариларкан, қаршисида мутлақо янги манзара намоён бўлди.

Жануб ёқда қиз қанча-қанча хавфу хатарни бошдан кечириб, шунча машаққатли кунлар давомида сафар қилган ваҳимали ҳамда қалин ўрмон чўзилиб кетганди. Ўрмонни ёғоч девордан дов-дарахти кесиб очилган яланглик ажратиб турибди. Бу ердан қирқиб олинган дарахтлар шу дамда Мабель атрофини қуршаб турган ҳарбий иншоотларга ишлатилган.

Қалъа девори тахминан юз акрча майдонни ўраб турибди. Маданий оламнинг жамики изу асари ана шу ерда тугарди; орқасида эса, қаёққа қараманг, чеки-чегараси кўринмайдиган, Мабель барча зилол сувли кўллари, айқириб оқаётган қорамтир ирмоқларию бутун ранго-ранг табиат манзаралари билан яхлитига ўз тасавури кўзгусида жонлантира оладиган қалин ўрмон кўзга ташланарди.

Мабель бошқа ёққа ўгирилиб қарар экан, юзига соҳилни тарк этганидан буён у ҳис этмаган майину ёқимли шабада урилди. Шунда нигоҳи ўнгида янги манзара чирой очди-ю, гарчи қиз ҳамма нарсани кутган бўлса ҳамки, ҳар қалай, вужуди беихтиёр баргакдек титраб кетди, кўксидан қувонч нидоси отилиб чиқди. Шимол, магрибу машриқ томонда — хулласи калом, уч тарафда саф-саф бўлиб мавжу тўлқинлар ўрмалаётган ойнадек яланглик ястанганди. Ушбу мавжу тўлқинларнинг туси на умуман Америка сувларининг ранги каби яшилтоб, на океан сингари тўқмовий эди,— йўқ, бу тус тиниқ, ширавагина каҳрабо жилваси-ла сайқал топган шаффоф маъдандек ярқироқ эди. Унгу сўлга чўзилиб кетган, дам баланд бурунлар, дам кенг-кўлам қўлтиқлар ҳосил қилган ва қуюқ ўрмон миитақаси билан қопланган сувга туташ қирғоқдан бўлак қуруқликдан ном-нишон кўринмасди. Қирғоқнинг аксар қисмини, баланд-баланд қоялар тилимлаган оралиқлардаги даралардан олисда бўлаётган тўпбозлик садоларидек босинқи гумбурлаб шалолалар отилиб тушаётган эди. Ярқироқ яланглик сийнасида на биронга елкан кўринар, на остида бирон-бир йирикроқ балиқ шўх-шодон биланглаб-ўйноқларди: чор атрофни — бир хилдаги ҳамда маҳобатли бепонён ўрмону интиҳосини кўз илғамас кўл эгаллаганди. Афтидан, табиат бу ерда кўл билан ўрмонни атайин қиёслашга — ҳад-ҳудуди йўқ сув яланглиги, тиним билмас ва мутасил толиқтирувчи ҳаракатдаги кўлни кўрганда қалбларда туғилгувчи таажжубу ҳаяжон сиртдан осойиштаю осуда, беҳаракат туюлгувчи ўрмон салтанатига боққанда

дилларда барқ ургувчи завқу шавқ ҳамда лолу танг қолиш ҳиссига уланиб кетсин дея қасд қилганга ўхшарди.

Таъсирчан, оққўнғил ва софдил Мабель Дунгам атрофини қуршаган табиатнинг мафтункор чиройини ҳис этгулик иқтидорга эга эди. Гарчандики ўша замонларда аёллар Англияда ниҳоятда саёз, юзаки билим олган бўлсалар-да, у кўп нарсани ўрганган, бу эса унинг ижтимоий мавқеидаги қиз учун ғайриодатий бир ҳол бўлиб туюлгучи эди. У фикрлашу тасаввуроти тарзи билан ўз устозларига шон-шараф келтирарди. Онаси оламдан ўтгач, отаси билан бир полкда хизмат қилган бир офицернинг беваси Мабелни қаноти остига олади. Ана шу аёлнинг ҳимояти соясида Мабель ўз тоифасидаги қизларнинг аксариятига нисбатан чандон бора яхшироқ таълим-тарбия топади. Шу боисдан ҳам ҳозир кўриб турган манзараси қизнинг қалбида ҳар кимга хос шунчаки бир ҳайрат ҳиссинигина эмас, балки теран завқу шавқ, лаззатланиш туйғусини уйғотганди. Мазкур сўлим манзарани кўпчилик қандай баҳоласа, қиз ҳам шу қатори қадрляпти дейишлик камлик қилади — қиз унинг ҳам маҳобати, ҳам улуғвор осудалигини, ҳам унсиз сокинлигини — қисқаси, табиатнинг (токи инсон боласи қўли теккунига қадар) кишини мафтун этгучи жамики беқиёс кўринишу манзараларини ҳис этиб, туйиб турарди.

— Қандай чиройли, фусункор манзара! — нидо солди у ўзлигини унутиб, истехком тепасида танга роҳат бахш этгучи майин шабада эсаётган қўл томонга юзланганча. — Қандай сўлим манзара! Иннайкейин, қанчалар антиқа, ғалати-я!

Кимдир елкасига қўл теккизиб, унинг хаёлини бўлди. Мабель, отам келди чоғи, деган ўй билан ўгирилиб қараган эди, Изқуварга кўзи тушди.

Овчи қўли билан ер ва сувни кўрсатганча, унсиз кулиб, ўзининг узундан-узун милтиғига таянган кўйи турарди.

— Бизнинг мулкларимизни кўриб турибсиз, — деди у қизга, — Жаспер билан каминанинг мулкларини. Қўл унга қарайди, қуруқлик — менга. Йигитча гоҳи-гоҳида мулкнинг бепоёнлигини айтиб мақтаниб қолади, лекигин унга, менинг дарахтзорларим ҳам сенинг сувингни сатҳи қанча бўлса, ўшанча ер юзасини эгаллаб турибди, деб жавоб бераман. Сиз ҳам, Мабель, чамаси, ҳозир теварагингизни қуршаб турган ана шу оламда яшаш учун яратилган кўринасиз. На тунги сарсонликларимиз, на минглардан кўрқиш — чеҳрангизнинг тетиклигию мусаффолигига зиён-заҳмат етказа олибди.

— Изқувар тентак қизалоққа хушомаду илтифот кўрсатиб, ўзини янги қиёфада кўрсатмоқчи бўлибди-да?

— Мабель—тентак! Асло! Сержантнинг қизи мабодо ростдан ҳам бемаъни гапларни гапирганида ёки ўйламай, ножўя иш қилганида, бу ўз отасининг шаънига ярашиб тушмасди.

— Унда хушомадларга учмаслиги керак у. Шундоқ бўлса ҳам, сизни яна қаторимизда кўрганимдан жуда-жуда хурсандман, Изқувар. Жаспер, назаримда, сизлардан сираям хавотир олмаган бўлса ҳам, мен анови даҳшатли шалоладан ўтаётганда сиз билан дўстингизни, ишқилиб бирор фалокатга учрашмасин-да, деб кўрққандим.

— Йигитча икковимизни яхши билади, шунинг учун чўкиб кетмаслигимизга ишониб, кўнгли тўқ бўлган. Рост, узун милтиқ билан сузишга қийналдим, нега деганингизда, «буғу урар» икковимиз кўҳна қадрдонлармиз-да, ахир; икковимиз ҳамиша — овда ҳам, ҳиндулар ва французларга қарши жангларда ҳам биргамиз, шундоқ бўлгандан кейин бир-бировимиздан ажралишимиз осонмас-да. У ерда сув хийла саёз бўлганидан дарёни кечиб бориб, қўлда қурулларимиз билан эсон-омон қуруқликка етиб олдик. Айтгандай, бунинг учун қулай фурсатни кутишимиз керак эди. Бу дайди ирокезлар гарнизондаги аскарларнинг таъқиб этишидан хавфсираб, сизларни кутиб олгани чиққан сержантнинг фонусларига кўзи тушгани ҳамоноқ жўнаб қолишларини билардик. Битта қояга жойлашиб олдик-да, то хавфу хатар ўтиб кетгунича, бир соатлар чамаси ўша ерда бамайлихотир ўтиравердик. Сабр-тоқат — ўрмонда яшовчи одамнинг энг буюк фазилатидир.

— Сизни хатардан холи кўрганимдан гоятда хурсандман. Ўлардай чарчаганимга қарамай, сиздан хавотир олганимдан мижжа қоқолмадим.

— Илоё яратганнинг ўзи яллақасин меҳрибон юракчангизни! Тан оламан, сувга қараб яқинлашиб келаётган фонусларни кўрганда жудаям суюниб кетдим... Сизнинг хатардан халос бўлганингизни тушундим шунда. Биз, овчилар ва изқуварлар, албатта, хиёл қўполроқмиз-у, лекигин самимий ҳис-туйғулар бизга ҳам бегона эмас. Жаспер икковимиз ўлсак ўлардикки, лекигин сизни бирор-та фалокатга дучор қилиб қўймасдик.

— Менга қилган ҳамма яхшиликларингиз учун раҳмат сизга. Изқувар, чин қалбимдан ташаккур айтаман! Имонингиз комил бўлсин, буларнинг барини отамга етказаман.

— Бас-бас, Мабель! Сержант бу ўрмон билан қизил танлиларни яхши билади, шунинг учун буларни унга гапи-

риб ўтиришнинг ҳожати йўқ... Мана, ниҳоят, дадангизни кўрдигиз. Бу довиорақ кекса жангчи кутганингиздек, кўнглингиздагидек бўлиб чиқдимиз?

— Мен ўз фарзандини фақат оталаргагина хос меҳр билан кутиб олган меҳрибон дадамнинг дийдорига етдим. Уни кўпдан бери танийсизми?

— Биласизми, бу вақтни қандай ҳисоблашга боғлиқ. Мени ўзи билан бирга разведкага олакетганида ўн икки яшар бола эдим; ўшандан бери йигирма йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Биз талай жангларда қатнашдик. У пайтларда сиз туғилмагандингиз ҳали, иннайкейин, агарда менинг узун милтиғим бўлмаганида, эҳтимол, сизнинг отангиз ҳам бўлмасиди.

— Қанақасига?

— Жуда жўнгинасига-да, ҳозир сизга ҳаммасини икки оғизгина қилиб гапириб бераман. Биз пистирмада турган эдик. Сержант қаттиқ яраланганди, борди-ю мен мана шу милтиқни ишга солмаганимда унинг бош терисини шилиб олишлари аниқ эди. Уёғи қандоқ бўлмасин, ҳар қалай, сержантни қутқариб қолдик. Мана ҳозир бутун бошли полкда, ёшига қарамай, унинг сочига ўхшаган ажойиб сочи бор бирор одамни тополмайсиз.

— Отамнинг ҳаётини сақлаб қолган экансиз-да, Изкувар? — хитоб этди Мабель ҳаяжон заптида овчининг чайир кўлини сиқиб.

— Унинг ҳаётини сақлаб қолганман деб даъво қилолмайман; мен фақат бош терисини қутқариб қолганман, холос, одам эса сочсиз ҳам яшай олади. Жаспер ҳам, мана, сизнинг жонингизни омон сақлаб қолдим дейиши мумкин, негаки, агарда унинг ўткир кўзларию толмас қўллари бўлмаганида еппа-енгил қайиқ кечагиндақанги тунда шалолодан эсон-омон сузиб ўтолмаслиги аппа-аниқ эди. Мен қанчалик ов ва изларни излаб топиш учун яратилган бўлсам, йигитча шунчалик сув учун яратилган. Э-ҳа! Хув ана, у ҳам ўзининг сеvimли кемасига тикилганича қўлтиқ қирғоғида ўлтирибди-ку! Менимча, бу яқин атрофларда Жаспер Уэстерндан чиройлироқ йигит йўқ.

Мабель ўз ҳужрасидан чиққанидан берига биринчи маротаба қуйига нигоҳ ташлади. Освего кўлга икки анчагина баланд қирғоқ орасидан қуйиларди. Бу қирғоқлардан машриқ ёқдагиси баландроқ ва шимолга қараб кўпроқ туртиб чиққан эди. Қалъа эса мағриб ёқдаги қирғоққа жойлашганди. Пастда бир нечта ёғоч уй бамисоли сочилиб турарди. Бу кулбачаларда Онтарио бандаргоҳига келтирилган ёки у ердан олиб кетиладиган турли-туман нарса-

лар сақланарди. Тезоб Освего ҳамда шимол шамоллари дарё ўзанида иккита баб-баравар қумлоқ саёзлик бунёд этганди, улар оралиғида кўлда бўрон кўтарилган пайтларда паналаб турса бўладиган чоғроққина қўлтиқчалар бор эди. Мағриб томондаги чуқурроқ ва кенгроқ қўлтиқча гўёки қалъанинг кема тўхтайдиган гўзал манзарали бекатининг ўзгинаси эди.

Соҳилда турли хил ялиқ — кўп эшкакли ва эшкаксиз қайиқлар тизилиб турар, қўлтиқчада эса Жасперга денгизчи деб аталиш ҳуқуқини берувчи мўъжазгина кема кўзга ташланарди; кема худди куттер¹дай жиҳозланган ва, чамаси, қирқ тонна юк сиғадиган ҳажмда эди. Гарчанд шканц²лари бўлмаса-да, бағоят ҳафсала ҳамда ғайрат-ла қурилгани ва мойланганидан у ҳарбий кемага ўхшаб кетарди; кема шунақанги билимдонлигу уддабуролик ва шунақанги пухталики билан жиҳозланган эдиким, ҳатто Мабель ҳам унинг шакли-тарҳи хушбичим, беқиёс нафис эканини пайқамай қолмади. Кема Англиядан юборилган, қўли гул санъаткор кема устасининг ижоди бўлмиш лойиҳа бўйича қурилган эди. У бўялган тўқ-қорамтир ранг кемага салобат бахш этиб, унда ҳилпираётган узун энсиз байроқ эса бу қироллик кемаси эканидан далолат бериб турарди. Унинг номи «Учқур» эди.

— Жаспернинг кемаси шу денг? — деб сўради Мабель. — Кўлда бошқа кемалар ҳам борми тагин?

— Французларда — учта; биттаси, уларнинг гапига қараганда, ҳақиқий кема, анови океанда сузадиганларга ўхшаш, иккинчиси — бриг³, учинчиси эса — куттер, ўшанисини «Олмаҳон» деб аташади. Наздимда, ўша «Олмаҳон» «Учқур»ни ўлгудек «ёқтирмайди». Жаспер кўлда кўринди дегунча, «Олмаҳон» ўша заҳотиёқ уни таъқиб этишга тушади.

— Наҳотки Жаспер французлардан қочса, яна-тагин аллақандай олмаҳоннинг олдига тушиб, бунинг устига сувда-я?

— Керагида фойдалана олмагандан кейин довиюракликдан нима фойда? Жаспер — жасур бола, буни чегарачиларимизнинг ҳаммалари билишади, лекигин унинг бор қуроли битта чоққина замбарак, бутун экипажи эса икки нафар катта ёшдаги кишию бир болакайдан иборат, холос.

¹ Куттер — бир мачтали елкашли кемача.

² Шканц — орқа ва ўрта мачталар оралиғидаги юқори саҳнининг бир қисми.

³ Бриг — икки мачтали кема.

Бир галги сафарида бирга сузганман, ана ўшанда унинг қанчалик довюрак эканини чинакамига билиб олганман. Бир кўз олдингизга келтиринг-а, у бизни душманга шунчалик яқин олиб бордики, рақиблар ўт очди; яна шуни ҳам айтиб қўяйки, французларнинг замбараклари ниҳоятда бадастир, шай бўлиб туради, бунинг устига ғанимларимиз «Олмахон»дан ташқари алоҳида куттерда йигирма кишини жўнатмай туриб Фронтенакдан бир қадам ҳам чиқмайдилар. Йўқ, «Учқур» шундай қурилганки, сувда сузмайди, балки учади; иннайкейин десангиз, Жасперга, тагин бебошвоқлиги тутиб, ўзини-ўзи хароб қилмасин. деб жўрттага одам ва тўп бермайман, дейди майор.

— А! Ана, тоғажоним ҳам келяптилар «ички денгиз»ни кўриб қўйгани! Кеча қайиқда сузганмиздан кейин ҳам сира ўзгармаганга ўхшайдилар-ку.

Ўзининг яқинлаб келаётганидан далолат бериб бир неча маротаба томоғи йиртилгундек «иҳм, иҳм!»лаб олган Кап айти шу сонияда истеҳком устида пайдо бўлди-ю, жияни ва ўртоғига бош ирғаб қўйиб, ўнгида ястанган поёни йўқ сув яланглигини назардан ўткази бошлади.

Мазкур манзарадан мириқиб ҳаловат топмоқлик ниятида у кўҳна чўян замбарак тепасига чиқди-да, қўлларини кўксига чалиштирганча, калтагина трубкасидан паға-паға тутун таратган кўйи, гўёки қайиқда тургандек, икки ёнбошига соллана-соллана тебранишга тушди.

— Хўш, қалай, мистер Кап? — оққўнгилик билан сўради Изқувар ундан, кекса денгизчининг афтада аста-секин пайдо бўлаётган жирканганнамо ифодани пайқамай. — Бу сўлим сув яланглиги ҳақиқатан ҳам денгиз деб аталишга лойиғ-а, тўғримасми?

— Ҳали сизлар шуни, бизнинг кўл, деб юрибсизларми? — деди Кап ўзининг трубкаси билан шимол уфқини кўрсатиб. — Сиздан сўраяйман, шуми ҳали сизларнинг кўларинг?

— Албатта, шу-да! Башарти бошқа кўлларнинг соҳида турадиган одамларнинг фикрига қўшиладиган бўлсак, бу энг каттаси.

— Худди шундоқ! Баайни камина кутганидек: катталиги жиҳатидан — ҳовуз, таъми жиҳатидан эса бир бочка чучук сув, холос.

— Онтарионинг нимаси ёқмади сизга, мистер Кап? Бу кўрганда кўзни қувнатадиган бепоён кўл-ку, иннайкейин, ҳатто булоқнинг сувига ўрганиб қолган одамлар ҳам бизнинг сувимиз ширин деб мақтанишолмайди бунинг олдида.

— Ҳали шуни бепоён кўл деб атаяпсизми? — деди Кап

трубкаси билан ҳавода ярим доира шаклини чизаркан.— Энди, ижозатингиз билан, битта савол берсам: сизча, нимаси ва қанақанги қизиқадиган жиҳати бор экан бунинг? Жаспер, бир қирғоғидан иккинчи соҳилигача йигирма милядан ошмайди, деб ўз оғзи билан айтди-ку.

— Лекин, тоғажон,— гапга аралашди Мабель,— ахир теварак-атрофда ҳозир биз турган ердан бошқа ҳеч қаерда қуруқлик кўринмаяпти-ку. Менимча, бу кўл — чинакам океан!

— Шу кафтдаккина ҳовузча — чинакам океан эмиш-а! Бағоят миннатдорман, Магнит! Қон-қардошлари орасида асл денгизчилар бор қиз айтяпти-я шу гапни! Бемаъни гап, Магнит, сафсата! Хўш, сенингча, нимаси денгизга ўхшайди бу ерни?

— Нимаси? Сув, сув ва яна сув, кўплаб милягача, кўз илғамайдиган даражада чўзилиб кетган сув.

— Хўш, сен сузиб келган дарёю сойларда «сув, сув ва яна сув», кейин «кўз илғагунга қадар ястанган сув» йўқми?

— Шундайку-я, тоғажон, лекин ўша дарёю сойлар тор, уларда дов-дарахт қоплаган саёзликлар бор.

— Нима, биз бу ерда саёзликда турганимиз йўқми ҳали? Бу ерда, ахир, минг-минглаб дарахтларни кўрмайсанми? Кейин, виждонан айт: наҳотки йигирма миля масофа ҳайратланишга арзийдиган масофа бўлса? Океанда бунақанги саёзликлар бор эканини умрида эшитган инсон зоти бораканми-я! Наҳотки сувнинг қоқ ўртасида қирғоқ бўлиши ақлга тўғри келса!

— Лекин, тоғажон, бу кўлда дарёдагига ўхшаб қарши томондаги қирғоқни кўриб бўлмайди-ку.

— Янглишяпсан, Магнит! Амазонка, Ориноко¹, Ла-Плата²— булар ҳам дарё-ку, илло сен уларда ҳам нариги бетини кўрмайсан. Менга қаранг, Изқувар! Ростини айтганда, мен бу аянчли сув ҳавзаси кўл эканлигидан шубҳаланиб турибман. Мабодо дарё эмасми бу? Қараб турсам, сиз ўз ўрмонзорларингизнинг жуғрофияси билан унчалик ошнога ўхшамасиз.

— Бу гал хато кетдингиз, мистер Кап: ушбу кўлнинг ҳар бурчида дарё қуйилади, дарё бўлганидаям асил дарё; лекигин ҳозир қаршингизда кўҳна Онтарио турибди, гар-

¹ Амазонка, Ориноко — Жанубий Американинг энг йирик дарёлари.

² Ла-Плата — Жанубий Америкадаги Қарана ва Уругвай дарёлари қўшилишидан ҳосил бўладиган дунёдаги энг кенг дарё мансаби.

чандки бу ер менинг манзилгоҳим бўлмаса-да, назаримда, ушбу кўлдан яхшироғини ҳеч ердан тополмайсиз.

— Борди-ю биз денгиз бўйида... масалан, ақалли Рокавейда турган бўлсак, худди шундай манзаранинг шоҳиди бўлмасмидик, тоғажон? У ерда ҳам қирғоқ, саёзликлару дов-дарахтлар, кейин, турган гапки, уёқда ҳам худди шу ердагидек ҳузурбахш осудалик...

— Бу мутлақо бемаънилик, Магнит! Еш қизалоқ бунчалик қайсар бўлмаслиги лозим. Аввало, океанда саёзлик эмас, соҳил бўлади. Бу гапни сизларга ўхшаган соҳил кўзидан йўқолиши биланоқ ўй-тафаккурдан жудо бўлаганларга айтяпман.

Мабель жим қолди, шундан сўнг Кап мулоҳазасини тантанавор қиёфада, ўз ғалабасидан янада илҳомланиб давом эттирди.

— Шуниси ҳам борки, бу дов-дарахтларни уёқдаги дарахтлар билан тенглаштириб бўлмайди. Океан соҳилларида шаҳарлар, фермалар, қишлоғу монастирларни, қалъаю маёқлар — ҳа, маёқларни кўрасан, хўш, бу ерда-чи? Ҳеч вақони! Эҳ, эҳ, мистер Изқувар-а! Соҳилда маёқ йўқлиги кўз кўриб, қулоқ эшитган гапми-я! Қошқийди бу ерда лоақал биронта фонусча қўйилган бўлса...

— Аммо-лекин бу ерда ундан ҳам улуғворроқ нарса — ўрмон бор.

— Ўрмон, қандайдир, кўлга ярашиб тушади, албатта; илло, мабодо уни қуршаб турган ер бутунлай ўрмон билан қопланган бўлса, бундан океанга нима наф? У чоғда кемаларнинг ҳечам ҳожати бўлмасди, савдо-тижорат хароб бўларди-ку! Инсон боласи тижорат учун яратилган, деган файласуфнинг фикрига тўлиқ қўшиламан... Ҳайронман, Магнит, сен бу ҳовуз билан денгиз ўртасида қандай ўхшашлик топдинг? Мистер Изқувар, бас бойлашаманки, сизларнинг кўлингизни бошдан-оёқ изғиб чиққанда ҳам бирорта кит зоти топилмайди!

— Иқрорман, ҳеч қачон эшитмаганман бунга. Айтмоқчи, мен фақат дарё балиқларигина борлигини биламан.

— Қанақасига?! На қалдирғоч, на денгиз чўчқаси, на ҳатто бирорта бахти қаро наҳанг ҳам бўлмаса?

— Сизнинг ўша океанингизда нималар бўлишини мен қаёқдан билай, ахир? Мен денгизчи эмасман, мистер Кап!

— Сельд ҳам, альбатрос¹ ҳам, учарбалиқ ҳам-а? — ижикилашни давом эттирди Кап жоҳилу нодонлиги қаергача боришини кўрмоқ учун йўл бошловчининг бетига ти-

¹ Альбатрос — йирик денгиз қуши.

килиб.— Яна бир нарсани сўрашга журъат этаман: сизларнинг бу кўлларида уча оладиган балиқ борми?

— Уча оладиган балиқ! Мистер Кап, эҳ мистер Кап, наҳотки сиз бизни, бу ерда, чегарада истиқомат қиладиганларни табиат ва у яратган жониворлар хусусида ҳеч қандай тушунча-тасаввурга эга эмас, деб ўйласангиз? Масалан, учар олмахонлар борлигини биламан-у, лекигин...

— Учар олмахонлар! Оббо мистер Изқувар-эй! Тагин ўзлари, қаршимда биринчи марта узоқ сафарга чиққан шогирд бола турибди, деб ўйламаяптиларми ишқилиб?

— Мистер Кап, гарчи фикри ожизимча сиз умрингиз давомида етарлича денгизда сузган бўлсангиз ҳам, мен сизнинг сафарларингиз ҳақида ҳеч нарсани билмайман; ўрмоннинг табиатига келганда эса, ҳар қандай одамнинг кўзларига тик қараб туриб, у билан жуда яхши танишман, дея оламан.

— Наҳотки мени чиндан ҳам сизнинг учар олмахонни кўргангизга ишонади деб ўйлайсиз?

— Сўзимнинг ҳақ-ростлигига асло шубҳа қилманг.

— Лекин сиз ўзингиз балиқнинг учишига шубҳа билан қараяпсиз-ку, ахир!— деди Мабель овчига дўстона жилмайиб қараганча.

— Мен ундай демадим... йўқ, ундай демадим мен. Борди-ю мистер Кап ўз сўзини исботлайдиган бўлса, назаримда, ҳар қанча ақлга сиғмайдигандек туюлишига қарамай, бунга ишонишга тайёрман.

— Хўш, нега энди каминанинг балиғини худди ўзларининг олмахонларининг қанотига ўхшаган қаноти бўлмас экан? — деди Кап, муросасозлик оҳангида. — Балиқнинг уча олиши ва унинг ростдан ҳам учиши — бу ақлга тўғри келадиган ҳамда ҳақ гап.

— Унчаликмас. Сувда яшайдиган балиққа ўз масканида унинг учун мутлақо бефойда бўлган қанот ато этиш, менинг фикримча, бутунлай ақл бовар қилмайдиган гап.

— Э, ўзлари, қаноти бўлганидан кейин сувда учиши керак-да, деб балиқларни шунчалик бемия фаҳмлайдиларми ҳали?

— Очиги, ҳеч нимага тушунмаяпман: ҳавода учадиган балиқ ўз она масканида учадиганидан ҳам антиқароқ-ку; ҳавода учиш — бутунлай зид-ку унинг табиатига.

— Мана, кўриб қўй, Магнит, билим даражаси пасту фикри саёзлик қандай бўлади! Балиқ сувдан у ердаги, яъни сувдаги ўз кушандаларидан қутулиб кетиш учун учиб чиқади.

— Э-ҳа, ана энди ишондим,— деди йўл бошловчи хожиржамлик билан.— Хўш, узоққа учадими улар?

— Балки кабутардек узоққа учолмас-ку, илло таъқибчидан қутулиб кетишга етарли масофагача учади. Ўзларининг олмахонларига келганда эса, қадрдоним Изқувар, бу тўғрида ортиқ пачакилашиб ўтирмаймиз; чамамда, бу гапни ўзларининг ўрмонларида ҳам худди бизнинг денгиздагидек хилма-хил ажойиботлар бор деб мақтаниш учун ўйлаб чиқардингиз чоғи... Анови тоғ этагидаги лангар ташлаб турган нима?

— Бу Жаспернинг куттери, тоғажон!— дарҳол жавоб берди Мабель.— Менимча, жудаям чиройли кема. Номи «Учқур» экан.

— Ҳа, кўлда унча-мунча ярайди-ю, аммо аслида ўйинчоқдай бир гап экан. Бугшприти¹ тўппа-тўғри турибди... Хўш, бунақанги куттерларда бугшпритнинг тўғри турганини кўрган борми ҳеч замонда?

— Балки кўлда шундай бўлиши керакдир, тоғажон?

— Баракалло! Шу нарсани унутмаслик лозимки, ўрта-сида баъзи бир ўхшашлик бор эканлигига қарамай, кўл — бу океан эмас.

— А-ҳа, тоғажон! Демак, Онтарио океанга ўхшарканда?

— Шундай, Изқувар билан сенинг кўзларингга, жиянча, асло менинг кўзимга эмас. Ҳеч нарсани кўриб бўлмайдиган зим-зиё тунда мени писта пўчоғидеккина қайиққа ўтқазиб, бирор кўлмакнинг қоқ ўртасига элтиб қўйиб кўринглар-чи, ўша заҳотиёқ унинг кўл эканини билиб оламан. Мен сузган «Доротей» ҳам янглишмаган бўларди у ҳолда. У ҳам Онтарио билан Атлантика орасидаги тафовутни пайқаган бўларди. Камина уни кунлардан бир кун Жанубий Американинг катта кўрфазларидан бирига бургандим — нима бўлди денг-а? У ерда кема шўрлик ўзини жуда ноқулай, беўхшов сизди. Жаспер ана шу кемачада сузадими? Ҳим! Магнит, сизлар билан хайр-хўшлашмасимдан бурун мен албатта у билан сайр қилишим керак. Яна тагин орқамдан, ҳовузнинг шундоқ ёқагинасига келиб ҳам унда сайр қилмади-я, деб гапириб юришларингни истамайман.

— Жуда соз! Унда кўп кутмайсиз,— деди Изқувар.— Сержант ўз булуги билан соқчиларни алмаштиргани Минг Оролга жўнайди; эшитишимча, у Мабелни бирга олакетар экан, бинобарин, сиз ҳам улар билан бирга борсангиз бўлади.

¹ Бугшприт — кеманинг тумшугидаги қия тўсин.

— Шу ростми, Магнит?

— Шунақага ўхшайди,— дея жавоб қилар экан, қизнинг чеҳрасига салгина қизиллик югурди, буни ҳеч қайсилари пайқашмади.— Отам билан жиндаккина гаплашдим, шунн-чун кўпдаям ишончим йўқ бунга... Ана, буёққа кел-япти у, ўзидан сўрай қолинг.

Сержант Дунгамнинг истараси иссиқ, ёқимтойгина эди. У баланд бўйли, ҳар бир хатти-ҳаракати, юриш-туришида қатъият ҳамда жасорат аломати сезилиб турарди. Денгизчи бўлмаган истаган одамга баландпарвоз панду насиҳат ўқишни яхши кўрадиган Капдек зот ҳам кўпни кўрган аскар билан муомалада, бошқаларга қилганидек, тилига кўпда эрк беравермасди.

Шотландиялик лорд, қалъа қўмондони Дункан Лэнди ўз қўли остидаги бошқа ҳамма офицерларга қараганда Дунгамга кўпроқ илтифот кўрсатарди. Башарти сержант унвони ошишидан умидвор бўлмаса-да, ҳар ҳолда ўзини муносиб тарзда тутиб, обрў сақлашни билар ва бу одати беихтиёр кишилар эътиборини тортарди. Капитанлар у билан эски ошналари сифатида дўстона муомалада эдилар; поручиклар ҳарбий иш хусусида унинг фикрига эътироз билдиришга ботинишолмас, прапорщиклар эса унга турли йўсинда ғамхўрлигу илтифот кўрсатишарди.

Бутун чегара аҳли орасида ёлғиз Изқуваргина сержант билан ўз тенгидай мулоқатда бўлар ва чинакамига дўстона гаплашарди.

— Салом, оғам Кап,— деди сержант истеҳком тепасига кўтарилиб, таъзим бажо келтириш ўрнига честь берар экан.— Бугун тонгда хизмат бурчим сен билан Мабелни буткул унутишга мажбур этди. Локин мана энди икки соатча бўшман, шу боис яқинроқ танишиб олсак бўлади. Сен нима дейсан, оға, қизалоқ аллазамонлар жудо бўлган хотинимга ўхшамайдимми?

— Мабель — қуйиб қўйгандек онасининг ўзгинаси, сержант, илло юзида сенинг мардлигининг аломатлари ҳам бор, хўш деганингдан, Капларнинг ҳам куч-қувват ва қатъият бобида бошқалардан кам жойлари бўлмаган ҳеч қачон.

Мабель отасининг жиддий ва келишган чеҳрасига ҳуркибгина нигоҳ ташлаб қўйди.

— Сен, оға, менга бўлган меҳр-оқибатинг туфайли ўзоқ ва машаққатли йўлни босиб келдинг, шу боисдан ҳам, токи биз билан бирга экансан, сени вақтингни хушлашга, ҳамма жиҳатдан мамнун этишга ҳаракат қиламиз.

— Эшитишимча, сержант, осма каравотларингни олам-

нинг Минг Орол жойлашган қисмига олиб бориб осигга шай қилиб, лангар кўтариш учун буйруқ беришларинигина кутаётган эмишсизларми?

— Буни сен оғзингдан гуллаб қўйган бўлсанг кераг-а, Изкувар?

— Йўқ, сержант, оғзимдан гуллаб қўймадим, балки иният-режаларингни яқин қариндошингдан яширишнинг ҳеч қанақанги ҳожати бўлмаса керак деб ўйладим.

— Жамики ҳарбий ҳаракатлар мутлақо сир тутилмоғи шарт!— таънаомуз, аммо йўл бошловчининг кифтига қоққанча жавоб қилди сержант.— Сен ҳаётингнинг кўп қисмини французлар билан жангларда ўтказгансан, шунинг учун ҳам, назаримда, оғзи маҳкам бўлиш қанчалик муҳим эканлигини аллақачон билиб олишинг лозим эди. Айтмоқчи, ҳечқиси йўқ: ҳадемай бу режа амалга оширилади, шу сабабдан ҳам эндиликда уни сир тутиб ўтиришга кўпдаям зарурат қолмади. Ҳа, биз тез орада кўлдаги соқчиларни алмаштиргани бўлинма жўнатамиз, аммо-лекин, гапнинг очиғи, Минг Оролга биз борамизми, йўқми, буниси қоронғи. Эҳтимол мен ҳам ўша бўлинма билан борарман. Агар борадиган бўлсам, овқат-повқат пишириб бергани Мабелли ҳам олакетаман ва, умидворманки, сен ҳам, ога, аскарча обнёнвондан ҳазар қилмассан.

— Бу нарса йўллари қай тарафга тушишига боғлиқ. Негаки мен на ўрмонни, на ботқоқликни ёқтираман, ахир.

— Биз «Учқур»да жўнаймиз, шунинг учун бутун сфаримиз сувга кўникиб кетган одамнинг дидию табиатига мос ўтса керак.

— Шундоқ, лекин ўзлари маъзур тутадилар, денгиз сувига, зинҳор-базинҳор кўл сувига эмас. Қандоқ бўлган тақдирда ҳам, мабодо куттерларингни бошқариш қўлидан келадиган одамларинг бўлмаса, у чоғда, гарчандки бу менимча, тан оламан, вақтни беҳуда исроф қилиш бўлса-да, сизларни кузатиб боришга розиман. Мана шу ҳовузда сузамиз дейиш эса туппа-тузук одамлардан кулиш бўларди.

— Жаспер «Учқур»ни ниҳоятда моҳирона бошқаради, шундоқ экан, айти дамда сенинг хизматингга муҳтожлигимиз йўқ; локин, агар бизга ҳамроҳ бўлсанг бошимиз осмонга етарди-да. Токи бирорта бўлинмани жўнатмагунарича кентга қайтолмайсан бари бир, мен қайтмасимдан бурун эса, балки бунинг иложи бўлмас... Менга қара, Изкувар, биринчи марта сенсиз мингларнинг изини излаш-япти ҳозир, бундай пайтларда эса сен доимо ҳаммадан олдинда бўлардинг-ку, ахир.

— Очиғини айтганда, сержант, бугун эрталаб бунга

майлим йўқроқ ҳис қилдим ўзимни,— жавоб қайтарди йўл бошловчи шошиб қолиб.— Биринчидан, эллик бешинчи полк жангчиларининг ирокезларни ўрмонда тузоққа туширишнинг эпчил устаси эмасликларини, ҳиндуларнинг эса, айниқса Жаспернинг қалъага етиб олганидан хабардор бўлганларидан кейин—душман ўзларини бемалол қуршаб бўлгунича қўл қовуштириб кутиб турмасликларини жуда яхши биламан. Иккинчидан, бутун ёзни офир меҳнатда ўтказган одамнинг шунча чеккан заҳматларидан кейин озроқ дам олишга ҳаққи бордир, бунинг учун уни койиш ярамайди-ку. Бунинг устига, Улкан Илон улар билан бирга, башартики ўша ярамасларни топишнинг иложу имкони бўлса, дўстимга бемалол ишонаверишинг мумкин. Илоннинг уларга бўлган нафрати меникидан чандон бора кучлироқ, кўзлари эса ўткирликда менинг кўзларимдан асти қолишмайди. Бу гал зафар шарафини бўлинмага бошлиқлик қилаётган ёш прапоршчикка раво кўргим келди. Борди-ю у мазкур ишда бош терисидан жудо бўлмай қолса, ўз сафари ҳақда офиз кўпиртириб мақтаниши, қайтганидан сўнг онасига бу тўғрида хат ёзиб юбориши мумкин. Мен умримда лоақал-биргина марта ялқов ролини ўйнашга аҳд қилдим.

— Модомики беҳисобу бебаҳо хизматларининг ўзигина дам олиш ҳуқуқини бергудек бўлса, ҳеч кимнинг сендан кўра кўпроқ ҳаққи йўқ бунга,— жавоб қайтарди сержант.— Ҳиндуларни таъқиб этишдан кўра Мабель билан бирга бўлишни афзал кўрганинг учунгина қизимнинг сен тўғрингдаги фикри айниб қолмаса кераг-ов, кейин, кафолат бериб айтаманки, агарда иштаҳанг бўлса, сени бажонидил нонушталикка таклиф этади у... Дарвоқе, тагин Изқуварни, қуролини ишга солмай туриб ҳам қалъа атрофида ўралашиб юрган анови палидларни жўнаб қолишларига йўл қўйиб бераркан-да, деб ўйламагин-а, қизалоғим.

— Агарда Мабелни мен ҳақимда шундай фикрда деб ўйлаганимдами, сержант, гарчи ўзини кўз-кўз қиладиган овчи бўлмасам ҳам, шу лаҳзадаёқ «буғу урар»имни шартта елкамга ташлардим-у, токи у кўз юмиб-очишга улгурмасиданоқ қалъадан чиқиб, йўлга тушардим. Йўқ, яқиндагина танишганимизга қарамай, Мабель яхши билади мени.

— Изқувар, мени сиз тўғрингиздаги фикримни ўзгартиришга мажбур қилиш учун кўплаб далилу исботлар зарур бўларди,— дея жавоб қилди Мабель қизариб.— Отаси ҳам, қизи ҳам ҳаётлари учун сиздан қарздор; улар бунинг ҳеч қачон эсдан чиқаришмайди.

— Ташаккур сизга, Мабель, чин қалбимдан миннат-дорман! Лекигин шуни айтиб қўяй, менинг хизматим сиз ўйлаганчалик катта эмас; мабодо сиз мингларнинг қўлига тушиб қолган тақдирингиздаям, улар сочингизнинг бирор толасига тегишмасди. Мистер Кап, Жаспер, Улкан Илон ва менинг бош теримиз, албатта, уларнинг гулханида қуритилиши тайин эди-я, лекигин, такрор айтаман, сизнинг бирон тукингизга тегишмасди.

— Ахир улар на аёлларга, на болаларга шафқат қилишмайди-ку, нега энди менга тўсатдан шунчалик раҳмлари келиб қоларкан? Йўқ-йўқ, ҳаётим учун сиздан қарздорман, Изқувар!

— Яъна бир карра қайтараман, Мабель, улар сизга тирноқчалик зарар етказишмасди, ўша минглардан биронтаси бирорта мўйингизга қўл теккизмасди. Улар, эҳтимол, сизни бирор сардорларига хотин бўлишга мажбур қилишарди, бундан бўлак ҳеч қанақанги хавотир оладиган жойингиз йўғийди.

— Ҳар қалай, шундай фалокатдан халос этганингиз учун қарздорман сиздан,— деди Мабель ўз қувончини яширолмаётган камсуқум йўл бошловчининг қўлини сиқар экан.— Ирокезга хотин бўлганимдан ўлганим афзал!

— Бунинг феъли шунақа экан ўзи, сержант!— дея эски қадрдонига хитоб қилди Изқувар ва чиройи ёришиб кетди.— Иннайкейин, ҳеч қачон ўзгармай, шундоқ қолади у!

— Сен ҳақсан, Изқувар, Локин нонушталик вақти бўлиб қопти-ку. Оғам Кап, қани юр, биз бечора аскарлар бу овлоқдаги чегарада қандай тирикчилик қилаётганимизни кўрсатай сенга

ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

Сержант Дунгам лоф қилмаганди. Қалъа овлоқ ерда бўлишига қарамай, унинг истиқоматчилари кўп жиҳатдан князу қироллар ҳавас қилса арзийдиган дарстурхонга эга эдилар. Ғарб ёхуд Янги Ерлар деб аталмиш бу ҳадсиз ўлка ўша йилларда бўм-бўш, аммо об-ҳавосига мос жамики турдаги табиий бойликлари мўл-қўл эди. Урмонларда изғиб юрувчи ҳиндулар ов қилинадиган жониворлар сонини камайтиролмасди; аскарлар билан овчилар бу бойликларни қорабуғдой сепилган далани «талаган» асалариларчалик ҳам талаб битиролмасдилар. Освегода кўплаб анвойи тур балиқлар бор эди. Ундан Шимолий Европада

овладанидиганидан деярли қолишмайдиган ажойиб сёмга балиғи тутиларди. Ўрмонлар ва сувда паррандаларнинг турли-туман турлари муҳайё эди. Ғозу ўрдаклар Онтарио қўлтиқларига бамисоли булут янглиғ ёпирилларди; кийик, айиқ, олмахон ва гоҳо-гоҳо ораларида бурама шохли буғулар ҳам учраб қоладиган бўлак тўрт оёқли жониворлар ушбу маъмурчиликнинг кемтик ерини тўлдириб турарди.

Освего қалъасидаги ҳар бир аскар Парижда тузалгучи дастурхонга шараф келтиришга арзигулик илвасин тановул қиларди. Бироқ хом сўт эмган инсон боласининг инжиқ таъби аслида шундайки, ҳар қандай жойда ҳавасу иштаҳа уйғотадиган таом бу ерда кўнгилга уриб, ҳатто жирканиш ҳиссини уйғотарди. Аскарлар сёмга балиғи, буғу, ўрдак ва кабутар этини жон-жон деб сур гўшт, сўлган шолғом ва карамга алмашардилар.

Дунгамнинг дастурхони тепасида ўлтириб, бу ўлканинг ҳам тўкин, ҳам камчил томонларини пайқаса бўларди. Ёғоч товоқдаги қовурилган сёмгадан буғ кўтариларди; бир неча идишда бўлак-бўлак қилиб тўғралган қайноқ илвасин этларию совуқ таомлар териб қўйилганди столга.

— Оламнинг бу томонларидагиларнинг насибаси яримта-юримтага ўжшамайди чоғи, сержант!— деди Кап бир неча идишдаги таомдан тотиб кўриб.— Сизларнинг сёмгаларингга шотланд ҳам қаноатланган бўлурди.

— Сирасини айтганда, оғам Кап, гарнизонни ташкил этган икки ёки уч юз кишидан сёмгани, бир пақирга қиммат экан, деб онт ичмайдигани бешта-ўнта чиқмайди. Уйда, қўлда боқилган парранда этидан бўлак ҳеч қанча қанги гўштни тотиб кўрмаган, кейин, имкони борича энг семизини топиб пиширилган буғу сонини назар-писанд қилмайдиганлар ҳам бор.

— Оқ танлиларнинг одати шунақа ўзи,— деди Изқувар,— дангалига айтсам, бу қилиқлари уларнинг шаънига ярашмайдиган иш. Қизил танли эса ҳамиша олдиға қўйганларини — у ёғлиқми ёки ёғсиз, буғунинг этими ёки айиқникими, ҳинду товуғининг соними ёки ёввойи ўрдакнинг қанотими, бориға шукр қилиб еб кетаверади. Биз учун уят эканига иқрорлигимни тан олсам ҳамки, айтиб ўтай, биз оқ танлилар табиатнинг жамики инъому ноз-неъматларидан фойдаланамиз-у, лекигин ундан миннатдор бўлишни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

— Шахсан Дункан Лэндининг ўзи арпа унидан пиширилган сомсани Освего олабуга балиғидан аъло кўради, иннайкейин десангиз, ўз изми-ихтиёрида ташналигини қондиргани бутун бошли Онтарио турганида, Шотландия тоғ-

ларидан оқиб тушадиган сувларни қўмсаб уҳ тортгани-уҳ тортган.

— Майор Дунканнинг хотини, болалари борми?— деб сўради Мабель, табиийки, эркаклар даврасида бир ўзи ўлтирган туфайлидан аёл кишини кўришни истарди у.

— Йўқ, локин айтишларича, Шотландияда қайлиғи бормиш. Чамамда, қайлиғи бу ёввойи ўлкаларда қийинчилигу муҳтожликларга дучор бўлишдан кўра унинг қайтиб боришини кутишни афзал кўрганга ўхшайди. Бу нарса меннинг аёл кишининг бурчи хўсусидаги қарашларимга мутлақо тўғри келмайди, оғам Кап. Сенинг синглинг бошқача фикрда эди, агарда тирик бўлганда уни ҳозир шу ерда, қизи ўлтирган курсида кўрадинг.

— Умид қиламанки, сержант, сен Мабелни аскарга бериш ниятидамасдирсан?— деди Кап жиддий.— Бизнинг оиламиз қўшинларга тўлайдиган хирожидан қутулиб, эҳтиромини билдириб бўлган аллақачон; эндиликда қайтатдан денгизни ўйлайдиган фурсат етмадимикан?

— Сени ишонтириб айтишим мумкинки, оға, фикримча, бўйи етиб, турмуш қурадиган пайти келган бўлса-да, қизимга на эллик бешинчи, на бошқа бирорта полкдан куёв излаш хаёлимда ҳам йўқ.

— Дадажон!..

— Бунақанги гапларни ҳамманинг олдида шанғиллаб гапирмайди, сержант,— деди Изқувар.— Мен тажрибамдан биламан, агарда кимқи қиз боланинг изидан бормоқчи бўлса, у қизга дилидаги ниятини шанғиллаб айтмаслиги лозим. Яхшиси, ижозатларинг билан, бирор бошқа нарсадан гаплашайлик.

— Хўш дегандан, оғам Кап, умид қиламанки, манави чўчка боласи, гарчи у совуқ бўлса ҳам, сенга ёқади-ёв: бу сенинг диди-таъбингга мослаб пиширилган.

— Ҳа-ҳа! Агарда есин десанг, менга маданий оламнинг овқатидан бер. Бу дағал илвасин эти сизларга ўхшанган чучук сув денгизчиларига тузук, биз океанда сузатганлар бўлсак ўзимиз фойдали деб билган нарсамизни ёқтирамыз.

— Мистер Кап, сизни бу чўчка боласининг териси йўқлиги таажжублантирмаяптими?

— Албатта, Изқувар, ўз камзулининг ичида бўлганига нима етсин эди-я; илло сизнинг ўрмонларингизда чўчка боласини шундай усулда пишириш расм бўлса керак-да, а?

— Мана кўрдингизми! Бутун жаҳонни кезиб чиқиб ҳам баъзи нарсаларни билмаслик мумкин экан ҳар қалай.

Борди-ю бу чўчқанинг терисини шилишдек заҳматни ўз зиммангизга олганингизда борми, мистер Кап, бармоқларингизни ловуллатиб ўтини чиқариб юборишини кўрардингиз! Бу жайра-ку!

— Ё алҳазар, кўзимга хиёл бошқачароқ кўринган, чўчқага ўхшамаган эди-я ўзим. Лекинига мен бу ерда, ўрмонда, ҳатто чўчқа боласиям ўзининг баъзи хусусиятини йўқотар экан-да, деб ўйловдим; наздимда, чучук сувлар бўйидаги чўчқа боласи очиқ денгиз ёқасида ўсган чўчқачалик бўлмайдигандек туюлганди. Ўйлайманки, бу нарса сен учун бари бир бўлса кераг-а, сержант?

— Ишқилиб терисини шилишимга тўғри келмаса бас, оғам Кап... Изқувар, умидворманки, сафарларинг давомида Мабель сизларга ташвиш орттирмагандир?

— Йўқ-йўқ, асло! Мабодо Мабель Жаспер билан Изқувардан — Жаспер ва Изқувар ундан мамнун бўлганининг лоақал ярмисичалик хурсанд бўлса, сержант, у чоғда бизни умрбод дўст бўлиб қолади деявер.

— Ҳа-ҳа! Аёллар — эркак эмаслигини, уларнинг феъл-атворларини тарбияларига кўпроқ эътибор бериш лозим эканини ёдда тутиш зарур. Рекрут! — тажрибали аскар эмас, — эътироз билдирди сержант. — Ҳар қандай юмушга қараганда аскарга ҳарбий таълим бериш хийла кўп вақтни талаб қилади. Аскарнинг сулув қизини тарбия қилишга эса бундан ҳам зиёдроқ вақт керак.

— Ана буниси янгилик бўлди-ку, сержант! — хитоб қилди Кап ўша замоноқ. — Биз, кўҳна денгизчилар эсак, битта матросдан кўра олти нафар аскарни тезроқ тарбиялаб етказса бўлади, деб ўйлаймиз.

— Балли, балли, оғам Кап, денгизчиларнинг ўзлари ҳақларида қандай фикрда эканликларини биламан, — жавоб қилди куёви очиққўнгилик ила жилмайиб, — сабабки, мен бир неча йил денгизбўйи қалъаларидан бирида хизмат қилганман. Бу мавзуда аввал ҳам мунозара қилганмиз, шу боисдан, фикрларимиз бир жойдан чиқмаса кераг-ов, деб чўчиб турибман. Локигин, агарда ҳақиқий аскар билан ҳарбий таълим кўрмаган одам ўртасидаги тафовутни билишни истасанг тушликдан кейин эллик бешинчи полкнинг батальони намойишдан қандай ўтишини томоша қилгани боргин; Йоркка қайтгач эса милиция полкларига разм солиб кўрасан.

— Ҳўш деганингдан, менинг наздимда, фарқи кўпмас, бриг билан шнява² орасидаги тафовутдан ортиқ эмас. Ас-

¹ Рекрут — ҳарбий хизматга янги олинган аскар.

² Ш н я в а — қадимги елканли кема.

кар зоти борки туси-турқи бир хилда: қизил мундир, уқаю заржияк, милтиқдори, сопол тамаки трубка...

— Бу борада денгизчигина ана шундоқ ўйлайди!— деди сержант вазминона, обрў сақлаб.— Локигин сен, эҳтимол, аскарга овқатни қандай ейишни ўргатишнинг ўзигагина бутун бошли бир соат вақт кетишини билмассан ҳали?

— Ўзига зиён қилади унда. Милиция қўшинлари бу жабҳада аввал-бошданок билимдон бўлиб келишган. Сафар пайтида уларнинг йўлда учраган жамики нарсани пок-покиза тушириб кетишлари қулоғимга тез-тез чалиниб турарди.

— Менимча, бошқа одамларга ўхшаб уларнинг ҳам ўз одат ва қилиқлари бор, — деди Изқувар муросаи мадорага келтиришга ҳаракат қилиб.— Инсон феъл-атвори ни ўзгартиришга уриниш бефойда. Эллик бешинчи полкдагилар овқатни тушириш бобида устаси фаранг одамлар, сержант, бу полкни кўпдан бери биламан; лекигин, турган гапки, милицияда ҳам бу жабҳада улардан қолишмайдиغان корпуслар топилади.

— Тоғажон, агар нонуштани тугатган бўлсангиз, мени истехкомгача кузатиб боролмайсизми?— деди Мабель.— Кўлни ҳали мундоқ тузуккина томоша қилолганимча йўқ. Келган кунимоқ қалъа бўйлаб уёқдан-буёққа бир ўзим сайр қилишим сал ноқулайроқ бўлар.

Кап билан Мабель чиқиб кетишди. Сержант Изқуварга мағрурона кулганча мурожаат қилди:

— Хўш, дўстим, қизим ёқадими сенга?

— Гурурлансанг арзийди, сержант! Бунақанги ажойиб қизнинг отаси бемалол гердайса ярашади. Гўзал қизларни, кибор хонимларни кўп кўрганман, лекигин бунақанги пурфазилат бирорта қизни учратмаганман.

— Сени ишонтириб айтаманки, Изқувар, унинг ҳам кўнгли бор сенда. Кеча оқшом бўйи сенинг совуққонлигинг, довюраклигинг, айниқсанги хушфеълу кўнгилчанлигинг тилидан тушмади-да; хушфеъллигу кўнгилчанлик эса аёл зоти учун бошқа жамики фазилатлардан аълороқ, дўстим! Шундай қилиб, дастлабки кўрик ҳар иккала томонни қаноатлантирибди. Энди уст-бошингни сал тозалаб, мундоқ турқи тароватинга қарасанг, унинг қўли билан юраги сеники-да.

— Сенинг маслаҳатларингдан фойдаланаман, сержант, кейин, бор кучимни қизинг менга қанчалик ёқса, мен ҳам унга шунчалик ёқишга ҳаракат қилишга сарфлайман. Бугун эрталаб, қуёш чиқиши билан «буғу урар»имни тоза-

лаб ялтиратиб қўйдим, бу қурол ҳеч қачон ҳозиргидек ярқирамаганди.

— Бу сенинг овчиларга хос фикрлаш тарзингга мос тушади, Изқувар! Тўғри, ҳар қандай ўт очар қурол ярқираб, офтобда кўзни қамаштириши лозим. Қуролингни мила ярқираб турмаса, саз қурол бўлиб қайга борарди у? Қайиқда бирга сузганларингда Мабель билан тузуккина гаплашдингми ўзи?

— Гаплашадиган гапнинг ўзи йўғийди деярли, сержант! Кези келиб қолганида бўлса унинг олдида ўзимни хийла нодон ҳис қилдим. Мен ўзим биладиган, ақлим етадиган нарсалар устида сўзлай олдим, холос.

Сержант мийғида кулиб қўйди:

— Сен ярим ҳақ, ярим ноҳақсан, дўстгинам! Аёллар сафсатани яхши кўришади, иннайкейин, ўша олди-қочди гапларнинг қоқ марказида бўлишдан ҳузурланишади. Узингга маълум, мен тилимга эрк беришни ва калламга келиб қолган ҳамма нарсани ўша заҳотиёқ валақлайверишни ёқтирмайман. Локин унча-мунча попугини пасайтириб қўйган пайтларимда ҳам Мабелнинг онаси мен тўғримда ёмон фикрга бормасди. Ушандан берига йигирма икки йил ўтибди-я! Эндиликда полкдаги энг қари сержантман; у пайтларда эса ҳаммадан ёши эдим. Эркак киши сипо бўлиши керак. Локин аёл кишига ёқмоқчи бўлсанг, унда кези келиб қолганида пича риюгарчиликка ҳам боришинг лозим.

— Эҳ, сержант, ҳеч қачон бу қўлимдан келмайдими деб қўрқаман.

— Фикримча, орамизда келишмовчилик бўлмагач, нумидликка тушишнинг нима ҳожаги бор?

— Биз ўзаро, агар Мабель менга таърифлаб берганингдек бўлса, агарда қизга оддий бир овчи ҳамда йўл бошловчи ёқса, у чоғда мен дарбадар ҳаётимдан кечиби, ўзимни оилавий турмушга кўниктиришга ҳаракат қиламан, деб гаплашгандик. Лекигин мен Мабелни кўрганимдан бошлабоқ кўнглимда гашлик пайдо бўлди...

— Нима деганинг бу?— жаҳл билан унинг гапини бўлди сержант.— Ёки гапингни нотўғри тушундимми? У менга ёқди, деб ўз оғзинг билан айтмадингми ахир? Наҳотки Мабель сен кутгандек бўлиб чиқмади?

— Эҳ, сержант, Мабелмас! Мен ўзим алданиб қолмаган бўлсам деб қўрқиб турибман! Мен бор-йўғи оддий, қашшоқ бир ўрмон одамиман, яна-тагин сизлар ўйлаганчалик яхши ҳам эмасдирман балки.

— Агарда сен ўз фикрингга ўзинг ишонмаётган бўл-

санг, Изкувар, ўтинаман сендан, менинг фикримдан шубҳаланма. Одамларни феъл-атворига қараб баҳо беришда унча-мунча тажрибам бўлса керак, ахир? Хўш деганингдан, ёки бу хусусда кўп янглишганманми? Мабодо бу гап гувоҳ керак бўлиб қолган бўлса, ана, майор Дункандан сўра.

— Ахир биз эски қадрдонлармиз-ку, сержант; неча-неча марталаб елкама-елка туриб жанг қилган, бир-биримизни ўлимдан қутқариб қолганмиз. Бир-биримиз тўғримизда жуда яхши фикрда эканимиз табиий. Мен, оддий бир жоҳил овчига қизи отасичалик илтифоту мойиллик билан қарамайди-ёв, деб чўчияпман.

— Етар, бас қил, Изкувар! Сен ўзингни ўзинг яхши билмайсан, дўстим! Сўзимга ишонавер. Аввало, сен тажрибали одамсан, ҳаммага аёнки, тажрибакорликка жамики қизлар-муҳтож ҳамда чанқоқдирлар. Бирорта эс-ҳуши бор ёш аёл бунақанги фазилатга, нописандлик билан қараёлмайди. Бунинг устига сен полкка хизматга келиш билан бурни кўтарилиб кетадиган олифталардан эмассан. Сен хизмат қанақалигини биладиган одамсан. Ўйлашимча, агарда ҳамма қатнашган жанглариңу пистирмаларни ҳисоблайдиган бўлсак, сен ўттиз-қирқ бора ўтга кириб чиққансан-ку, ахир.

— Ҳаммаси тўғри, сержант, ҳаммаси тўғри; лекигин Мабелдай қизнинг ўй-хаёлини ром этиш учун мен юраксиз, нодон, ғоятда қарилик ва кўполлик қиламан; у бизнинг ўрмондаги одат-таомилларимизга кўникмаган, иннайкейин, унга балки ўзиниң тарбияси, дидию хатти-ҳаракатига мос тушадиган шаҳар ҳаёти кўпроқ ёқар.

— Илгари бунақанги шубҳа-гумонларинг йўғийди-ку, ошнам, ҳайронман, қаёқдан пайдо бўла қолди каллангда бу гаплар.

— Эҳтимол то Мабелни кўргунимга қадар ўзимнинг кичкина, ночор одамлигим тўғрисида ўйламагандирманда. Мен талай аёллар билан сафарга чиққанман, уларни ўрмон оралаб кузатиб борганман, уларни бошига кулфат тушганида ҳам, қувноқ дамларида ҳам кўрганман, лекигин жамикилари мендан чандон бора юқорироқ турганлар. Ҳозир эса аҳвол бўлакча: Мабель ва мен — бир-биримизга шунчалик яқинда турибмизки, орамиздаги тафовутнинг қанчалик катта эканлигини кўриб, чидаб бўлмас оғир бир юк елкамдан нақ тегирмон тошидай эзаяпти. Қани энди ёш, сулув қизга ёқиш учун ўн ёшга ёшариб қолсам-у, ҳусним ҳам шунга яраша очилиб кетса.

— Хотиржам бўл, довюрак дўстим, кейин, аёл юраги-

ни биладиган мендек одамга қўйиб беравер буёғини. Мабель ярим-ёрти бўлса ҳам кўнгил қўйган аллақачон, уёқда, оролларда ўтказадиган икки ҳафтамиз эса ниҳоясига етказди бу ишни. Кеча кечқурун у деярли тан олгандай бўлди буни.

— Йўғ-э, бўлиши мумкинмас, сержант!— ҳаяжон-ла деди Изқувар.— Наҳотки шундоқ бўлса? Мен бир қашшоқ овчи қаёқда-ю, Мабель қаёқда? У офицерлар хонадонини бежашга муносиб қиз. Наҳотки сен уни жамки шаҳар таомилию одатларидан, черковга қатнаш ва таниш-билишларни йўқлаб туришдан воз кечиб, оддий бир овчи ва йўл бошловчи билан ўрмонда яшашга рози бўлади деб ўйласанг? Утмишини эслаб, тузукроқ одамга тегмаганидан афсусланмасмикин?

— Тузукроқ эр топиш, Изқувар, қийин гап,— эътироз билдирди сержант.— Шаҳарча одату қилиқларга келганда эса, эришган эркинлигию озодлиги ҳадемай буларни унутиб юборишга мажбур этади уни. Мабель шунчалик ақллики, бу олис чегара ўлкасида зерикиб қолмайди асло. Дўстим, генерал сафар режаси устида қандай бош қотирса, мен ҳам бу тўй режасини худди ўшандай пухта пишитиб қўйганман. Вақти-соати билан ўрнимни эгаллар деган ниятда сени олдинга полк сафига киритиб қўймоқчи эдим, локин ўйлаб кўриб, сенинг мутлақо мунтазам қўшинлар хизматига яратилмаганинга ишонч ҳосил қилдим. Дарвоқе, агарчи сен ҳамма жиҳатдан ҳарбий бўлмаган тақдирингда ҳам, аслида соф, асл маънодаги жангчисан барибир, бинобарин, гарнизонимиздаги барча офицерларнинг сени кўп ҳурмат қилишларидан бохабарман. Токи мен ҳаёт эканман, Мабель меникида туравериши мумкин, иннайкейин, сафардан қайтган пайтларингда сенинг ҳам ҳамшишалик бошпананг бўлади у.

— Эҳ, қанчалик кўнгилга ёқади-я бу, сержант! Кошкийди Мабель ҳам шуни истаса, шунга майли бўлса! Лекигин менга ўхшаган одам унга ёқмайди деб кўрқаман. Агарда ёшроқ ва чиройлироқ бўлганимдами, масалан Жаспер Уэстернга ўхшаган, унда умид қилса арзирди... Ҳа, чиндан ҳам умид қилса бўларди у чоғда.

Сержант бармоқларини қисирлатиб, «чучвара» қилиб кўрсатганча деди:

— Жаспер Чучук Сув ва қалъадагию қалъа тошидаги жамики йигитчаларга манови тегади! Жудаям мунчалик хокисорлик қилавермагин-да, Изқувар! Яқин кунлар ичида мерганлик кураши ўтказилиши керак, шунда ўз маҳо-

ратингни кўрсатсанг бўлади, ана унда Мабель сени янаям яхшироқ тушунади ва қадрлайди.

— Бу ҳалолидан бўладими, йўқми, билмадим-ов, сержант! «Буғу урар»нинг ўқи камдан-кам хато кетиши ҳаммага маълум, ҳеч бир киши асло шубҳа қилмайдиган нарсани синовдан ўтказишнинг ҳожати бормикин?

— Бас, етар! Қараб турсам, совчиликниям, унашиш-ниям шахсан ўзим амалга оширишимга тўғри келадиганганга ўхшайди. Қизиқ, жангу жадалда шунчалик жасуродам куёвликка келганда бунчалик юраксиз бўлиб чиқсанг-а. Ёдингда бўлсин, Мабель марди майдонлар авлодидан-а. Шундоқ экан, онаси эркак кишининг қай фазилатини қадрлаган бўлса, қизи ҳам худди ўшани қадрласа керак чоғимда.

Сержант ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетди.

Изқуварни озроққина билган одам борки, ҳаммалари уни беқиёс фазилатларга эга деб биларди. Доимо бир хил, соддадил ва оддий, ақлли ва тап-тўртмас, ҳамиша ҳаққоний ишнинг биринчи ҳимоячиси бўлмиш овчи ҳеч қачон юзи шувит бўладиган, қизариб қоладиган нарсага бош қўшмасди. У билан узоқ яшаган кимса овчини ҳурмат қилар ва ибтидоий кишиларга хос беназир соддадиллигидан ажабланарди.

Сержант Дунгам Мабель билан Изқуварнинг бошини қовуштириб қўйишни орзу қилар экан, бу иштиёқ унинг хислату фазилатларини синчиклаб текшириб-ўрганиб чиқишдан кўра кўпроқ йигитга бўлган шахсий меҳр-муҳаббатининг самараси эди. У йўл бошловчини яқиндан биларди, лекин овчини жамки хислату фазилатлари учунгина эмас, балки беҳисобу беўлчов меҳр-муҳаббати учун кўпроқ ҳурмат қиларди. Қизи отаси танлаган кимсани рад этиши мумкинлиги кекса аскарнинг ҳатто хаёлига ҳам келмаганди ҳеч қачон.

УНИНЧИ БОБ

Орадан бир ҳафта ўтди. Мабель гарчи янги бўлса-да, бироқ хиёл зерикарлироқ аҳвол-шароитга кўника бошлади. Аскарду офицерлар аста-секин ёш қиз билан ҳамнафас эканликларига ўргана бордилар. Улар энди ўзларининг шундоққина сезилиб турадиган ҳайратли боқишлари билан қизни безорижон қилмайдиган бўлдилар. Бироқ қиз тез орада (гарчи хизматлари юзасидан шундоқ ҳам тез-

тез кўришиб турсалар-да) ўрта яшар тўл квартирмейстер¹нинг сержантга суйкалиб, унга яқинлашиш пайига тушиб қолганини пайқаб олди. Ёш-яланглар овқат устида ўзаро бу шотландиялик офицер Мюйрнинг сержант ҳузурига илгаригига қараганда бот-бот қатнайдиган бўлиб қолганини гаплашишарди.

Ҳафтанинг охирида, кечқурун, кечки карнай чалинғач, қалъа қўмондони майор Дункан Лэнди юзма-юз гаплашиб олмоқлик ниятида сержант Дунгамга одам юборди. Кекса жангчи заруриятга қараб қалъадаги барча кўраю ҳовлиларга кўчиб бора олувчи ғилдиракли уйчада турар эди. Сержант олд хонада кўп кутиб қолмади, ҳеч қанча ўтмай бошлиғининг ҳузурига кирди.

— Киравер, сержант, кела қол, қадрдон! — деди Лэнди дўстона оҳангда ҳам ётоқхона, ҳам кутубхона хизматини ўтайдиган хонанинг эшиги олдида эҳтиром сақлаб турган Дунгамга. — Киравер, қурсига ўтир. Мен сени на кўрикка, на ҳисоб-китобга дахлдор иш хусусида гаплашиб олгани чақиртирдим. Ахир сен билан эски қадрдонлармиз-ку, шунча муддат бирга бўлиш майорнинг — сержант билан, шотландияликнинг — янки билан бемалол иноқлашиб кетишига етарлимасми. Утир, марҳамат, тортинма сира. Бугун ҳаво жуда ажойибми, а, сержант?

— Шундоқ, ажойиб, майор Дункан, — дея жавоб қилди сержант унинг буйруғи билан ўлтираётиб. Эски ҳарбий хизматчи бўлмиш Дунгам сўзлаш оҳангида ҳам, хатти-ҳаракатида ҳам муносиб тарзда одоб сақларди. — Ажойиб кун бўлди, сэр! Йилнинг бу фаслида шундай ҳаво узоқ сақланса керак дея умид қилса бўлар-ов.

— Умид қиламиз! Бу йил, наздимда, ҳосил мўл бўлади чоғи, сўнг, эллик бешинчи полк аскарлари қандай ажойиб жангчи бўлсалар, худди ўшандай фермер эканликларини ўз кўзинг билан кўрасан. Мен ҳеч қачон Шотландияда бунақанги, бу ердаги, биздагидек картошкани кўрмаганман.

— Шундоқ, ҳосил мўл бўладиган кўринади, майор Дункан; бу йилги қиш ўтган галгисига қараганда бехатару хотиржамроқ келади-ёв.

— Биз бўлсак йил сайин кўпроқ тинчлигу хотиржамликка эҳтиёж ортиб бораётганлигини сезяпмиз. Кексайяпмиз, кейин десанг, назаримда, истеъфога чиқиб, ўзимизнинг ҳузур-ҳаловатимизни ўйлашнинг фурсати етганга ўхшайди. Тобора кучдан қолаётганимни сезиб юрибман.

¹ Квартирмейстер — ҳарбий қисмларни уй-жойга жойлаштирадиган ва озиқ-овқат билан таъминлайдиган офицер.

— Сиз ҳали қиролимизга кўп хизмат қиласиз, сэр!

— Эҳтимол... айниқса, мабодо унинг ихтиёрида подполковникка ўрин топилгудек бўлса.

— Майор Дункан Лэнди бу унвону мансабни олган куни эллик бешинчи полк учун байрам бўлади.

— Шунингдек, Дункан Лэнди учун ҳам бу кун байрам бўлажак. Аммо-лекин, сержант, башарти сен умрингда подполковник бўлмаган эсанг-да, ҳар қалай сени ажойиб хотининг бўлган; унвону мансабдан кейин фақат шугина одамни бахтиёр қила олиши мумкин.

— Шундоқ, майор, хотиним борийди, локин аллазамонлардаёқ тул қолганман, шунинг учун эндиликда ўз вазирамгагина меҳр қўйишим мумкин, холос.

— Қанақасига? Ие, яқинда қалъада кўзим тушган бетлари қирмизи ёқимтойгина қизалоқни, ўз қизингни ҳеч нимага арзитмайсанми ҳали? Қўй-э, сержант! Қанчалик кексайиб қолган бўлмайин, бу шўх қизалоқни севиш ва подполковник унвонини жаҳаннамга жўнатишга ҳам тайёр эдим.

— Майор Дунканнинг қалби қаердалиги ҳаммамизга аён. Хизмат бурчи қайтишига имкон бериши билан уёқда, Шотландияда майорни бахтиёр қилишга орзуманд сулув хоним интизорлик билан кутяпти.

— Эҳ, сержант! Орзу-умид тутқич бермас, бунинг устига саховатли Шотландия ҳам яқин жойда эмас,— жавоб қайтарди майор, шунда унинг жиддий чеҳрасига ғам булути соя ташлаб ўтди.— Э, бунга гапириб ўтиришдан на фойда! Башартики арпа унимиз йўқ бўлса ҳамки, ўқдори сарфлаганга арзигулик илвасину Бервик-Твид¹дагидан кам бўлмаган беҳисоб сёмгамиз бор. Аммо оламда арпа унидан анчагина тотлироқ нарсалар ҳам бор... Сирасини айтганда, Дунгам, соҳибжамбл қизинг бор экан-да!

— Қизим онасига тортган, ҳар қанақанги кўрикдан ўта олади!— деди сержант ғурур билан.— Шундоқ, қизим кўрикдан шаънига доғ туширмай ўтади, сэр!

— Бунга кафолат бера оламан. Шундай қилиб, тўғридан-тўғри ишга ўтамиз ва эҳтиёт корпусини олдинги маррага йўллаймиз. Дэви Мюйр, квартирмейстер, қизингга уйланиш ниятида экан. Шарманда бўлиб қолишдан қўриқиб, бу тўғрида сен билан гаплашиб кўришни илтимос қилди мендан. Ўзинг биласан, офицерларимиздан ярми қизингнинг соғлиғига қадаҳ кўтариб, эртадан-кечгача уни оғизларидан қўйишмайди.

¹ Бервик-Твид — Англия ва Шотландия чегарасидаги, Твид дарёси Шимол денгизига қуйиладиган ердаги порт.

— Жуда катта иззат-илтифот кўрсатиб юборишибди-ку қизимга, майор!— дея совуққина жавоб қайтарди сержант.— Бу жентльменлар ўз суҳбатларида бўлак мавзун топсалар бўлармиди дейман. Бир неча ҳафтадан сўнг уни ҳалолу диёнати бир одамнинг рафиқаси ўрнида кўриш умидидан, сэр.

— Ҳа, Дэви — ҳалол одам, ҳар қандай квартирмейстер тўғрисидаям бундай деб бўлмайди, сержант,— дея тасдиқлади Лэнди кулимсаб.— Ҳўш, нима дейсан? Муҳаббат тангрисининг камони ўқи ила жароҳатланган бу ўспиринга иш деярли битаёзди десам бўладими?

— Илтифотлари учун ташаккур, лекин Мабель бошқа бировнинг қайлиғи бўлади.

— Оббо, буёғи неча пулдан тушди! Бу гап бутун гарнизонни остин-устин қилиб юборади-ку! Дарвоқе, ҳечқисн йўқ, жаҳлим чиқмайди бу гапдан, сержант; сирасини айтганда, мен нотенг никоҳ тарафдори эмасман.

— Мен ҳам шу фикрдаман, жаноблари, иннайкейин, қизимни офицер хотини ўрнида кўришни асло истамайман. Фаросатли қиз учун онасига ўхшашни ўзи кифоя.

— Ижозатинг билан сўрасам, сенинг куёвинг бўлиш орзусидаги ўша омадли йигит ким экан?

— Изқувар, жаноблари.

— Изқувар!

— Худди ўзи, майор, унинг бутун таржимаи ҳолини ҳикоя қилиб бергандим сизга. Бу ерда, чегарада ҳеч зор менинг ҳалол, жасур ва садоқатли дўстимчалик маълуму машҳур эмас.

— Ҳаммаси тўғри; бироқ йигирма яшар қизни бахтиёр қилиш қўлидан келармикин?

— Нега энди келмас экан, жаноблари? Ўз ишининг моҳир устаси. Қўшинимиз ихтиёрида Изқуварнинг ақалли ярми шуҳратига эга бўлган бирорта разведкачи ёки йўл бошловчи топилмайди.

— Ҳақ гап бу, сержант; лекин қўшин ихтиёридаги йўл бошловчилик обрў-шуҳрати билан қизнинг кўнглини олиб, муҳаббатини қозониб бўлармикин?

— Майор Дункан, менинг қатъий ақидамча, қиз боланинг инжиқликларига эътибор бериш нимаю ёш рекрутнинг мулоҳазасига қулоқ солиш нима, иккиси бир гўр. Агарда биз бирорта бесўнақай тўпорига қараб сафимизни тўғрилайдиган бўлсак, у чоғда, турган гапки, батальонни ҳеч қачон рисоладагидай сафга тиза олмаймиз.

— Лекин қизинг асло тўпори эмас-ку; бутун кўҳна Англияни излаганда бунақанги кўҳлик аёлни тополмай-

сан. Наҳотки у сенинг айтганингга рози бўлса? Ростки у унаштирилган экан, демак, оқибат шундоқ бўлиб чиқадик-ку.

— У билан бу тўғрида гаплашганимизча йўқ ҳали, жаноблари, лекин баъзи бир аломатларга қараганда унинг кўнглини билиб олдим аллақачон.

— Хўш, қандай аломатлар экан бу, сержант?— деб сўради майор, мазкур суҳбатга қизиқиши тобора ортиб бораркан.— Узинг билганингдек, мен ҳам бўйдоқман, бинобарин, иқрорманки, ёш қизнинг фикр-ўйию кўнгли қандай бўлишини билиш мени жуда қизиқтиради.

— Биласизми, жаноблари, унга Изқувар тўғрисида гапирсам: мендан кўзини узмай тикилади, кейин десангиз, овчини мақтаганимда севиниб кетади, бунинг устига, гўёки эри ҳақидаги гапларни эшитаётгандай, кўзларимга очиқ-ойдин, тик боқиб тинглайди.

— Ҳм! Шу аломатга қараб билдим деяпсанми қизингнинг кўнглини?

— Албатта-да, жаноблари. Бирор аскар ўз офицерини мақтаётганида кўзимга тик боқса— жаҳлингиз чиқмасин-у, аскарлар ўз бошлиқлари ҳақида мулоҳаза юритишади,— ҳа, ўз капитанини мақтаётганида кўзимга тик боқса, имоним комилки, у ҳалол йигит ва дилидагини тилига чиқараётибди деяверинг.

— Менимча, айттириб қўйилган куёв бола билан унинг сулув қайлиғининг ёшлари орасида анча-мунча тафовут бор чоғи?

— Гапингиз мутлақо ҳақ, сэр. Изқувар ўттиздан ҳатлаб ўтган, шу боисдан тажрибалди эри бор ёш хотин қандай ҳузур-ҳаловат топса, Мабелни келажакда ўшандай бахту саодат кутяпти. Онасига уйланганимда менинг ўзим қирқдан ўтиб қолгандим.

— Хўш деганингдан, қизингга ҳурматли йўл бошловчимизнинг яшил овчилар камзулию тулки тумоғи эллик бешинчи полкнинг башанг мундиридан кўра кўпроқ ёқиши маҳол чиқар-ов.

— Балки ёқмагандир, сэр; у ҳолда, ўз диди измига қулоқ осиб ўтирмаса зап ақллилик кўрсатган ва оқила аёл деган номга муносиб иш қилган бўлади.

— Қизинг ёшгина бева қолиши мумкинлигидан қўрқмайсанми? Доимо ваҳший ҳайвонлар билан баттар ваҳшийроқ ҳиндулар орасида юрадиган Изқувар ўз ҳаёти, узоқ яшашига кафолат бера олармикин?

— Ҳар қандай ўқнинг ўз йўналиши, ўз йўли бор, Лэнди,— жавоб берди сержант (майор ўзаро суҳбат чоғида

гоҳо шундай деб аташларини ёқтирардик,— шундоқ экан, эллиқ бешинчи полкдан ҳеч зоғ баногоҳ ўлимдан қочиб қутула олишига кафолат беролмайди. Мабодо бошқа одамга текканида ҳам, Мабель бу хусусда ҳеч нима ютмайди. Бунинг устига, Изқуварнинг жангда ҳалок бўлишига ёки ўрмонда бирор фалокатга йўлиқиб жонидан ажрашига ишонинқирамайман.

— Нега шундай деб ўйлайсан?— деб сўради майор.— Ҳар қандай аскарга таҳдид қилиб турган, эҳтимолки ундан ҳам хавфлироқ хавф-хатар кўз тиккандир овчига. Нимага энди у ногаҳоний ўлимга чап бера оларкан?

— Бу борада Изқуварнинг бошқалардан бирор-бир алоҳида устун жойи бор деб ўйламайман-у, жаноблари, лекин ўққа учиб ўлмайди у. Атрофда ўқ дўлдай ёғилиб турган пайтда унинг ўз қуролини бамисоли чўпон таёғидай қанчалик совуққонлик билан ишга солганини кўп кўрганман, шунинг учун ҳам унинг пешонасига бу тахлитда ўлиш битилган деб ўйламайман. Айни пайтда эса қирол олий ҳазратларининг жамики мулку салтанатларида Изқуварчалик шарафли ўлимга муносиб одам топилмайди.

— Э-йўқ, буни ҳеч қачон олдиндан кўриб-билиб бўлмайди, сержант,— дея жавоб қайтарди Лэнди жиддий қиёфада,— кейин, бу ҳақда иложи борича камроқ сўзлаган маъқул. Лекин қизинг Мабель — чамамда, унинг исми шундай шекилли?— фақат номигина қўшинимиз рўйхатига тиркалган, аслида эса ҳақиқий хизматда бўлмаган одамга тегишга розилик берармикин? Йўл бошловчининг унвону мансаб олишга ҳеч қанақанги умид қиладиган жойи йўқ-ку, сержант!

— Буларсиз ҳам ном чиқариб бўлган у, жаноблари! Айтгандай, Мабель бир қарорга келган, иннайкейин сиз, шубҳасизки, илтифот кўрсатиб, жаноб Мюйрга қизимнинг аллақачон ўз полки рўйхатига қайд. этилганини айтиб кўярсиз.

— Бўпти, бўпти, бу ҳақда гап тамом. Ана энди... Сержант Дунгам!

— Эшитаман, жаноби олийлари!— деди сержант ўрндан туриб, қўлини чаккасига қилиб.

— Бу ой сизни Минг Оролга юбормоқчи эканимдан хабарингиз бор. Ҳамма эски катта офицерлар — ҳеч бўлмаганда мен ишонадиганларнинг бари — навбати билан ўша маррадаги бурчу вазифаларини адо этиб бўлишди; эндиликда, ниҳоят, сизнинг навбатингиз келиб етди. Гарчи поручик Мюйр навбат уники эканини айтаётган бўлса-да, у квартирмейстер бўлганлиги сабабли мен мавжуд

тартиб-қондани бузишни истамайман. Қалай, одамларни танлаб бўлдингизми?

— Ҳаммаси таппа-тахт, жаноблари! Бўлинма жам, сўнг, кеча тунда етиб келган қайиқ ҳозир уёқда турган бўлинма навбат алмашишини кутаётгани ҳақдаги ахборотни келтирди.

— Хабарим бор, сизлар индинга кундузи ёки эртага кечаси йўлга чиқишинглар лозим... Албатта, қоронгида сузиб кетилса оқилона иш бўлурди.

— Жаспер ҳам шу фикрда, майор Дункан; мён эсам, шу давада ёш Жаспер Уэстеридан бўлак яна кимга кўпроқ ишонса бўларкин, буни билолмадим.

— Ёш Жаспер Чучук Сув!— деб қўйди Лэнди илжа-йиб.— Демак, йигитча ҳам сизлар билан борар экан-да?

— Жаноблари, балки «Учқур»нинг ҳеч қачон қўналға-бекатини Жаспер Уэстерисиз тарк этмаганини эсларлар.

— Сен ҳақсан, лекин истеснога ўрин бўлмайдиган тартиб-қонда йўқдир. Менинг назаримда, шу кунлар ичида қалъамизга қандайдир бир денгизчи келгандек бўлдимми?

— Худди шундай, жаноблари, бу мистер Кап. Қизимни буёққа кузатиб келган қайноғам бўлади.

— Бу сафар уни «Учқур»га ўтқазсаг-у, Жасперни шу ерда қолдирсак бўлмасмикин? Қайноганг учун чучук сувда сузиш янгилик бўларди, кейин сен ҳам у билан отамлашиб, зерикиб қолмасдинг.

— Ўзим ҳам жанобларидан уни бирга олакетишга, лекин кўнгилли сифатидагина боришига рухсат беришингизни сўрамоқчи эдим. Жаспер жасур йигит, шу сабабдан уни ҳеч қандай важ-баҳонасиз қўмондонликдан маҳрум этиш ноўрин. Шуниси ҳам борки, ўйлашимча, қайноғам Кап чучук сувларни писанд қилмайди ва ўз вазифасини виждонан адо этмаса кераг-ов.

— Тўғри гап, сержант! Буёғини ўзингиз ҳал қилаверинг, барчаси ихтиёрингизга ҳавола. Жаспер қўмондон бўлиб қолавергани маъқул. Хўш, Изқувар сизлар билан борадимиз?

— Агар лозим топсангиз, жаноб майор! Уёқда ҳар иккала йўл бошловчи — ҳиндуга ҳам, оқ танлисига ҳам иш топилади.

— Чоғимда сиз ҳақ кўринасиз. Сафаринглар бехатар бўлсин! Орқага қайтадиган фурсатларинг етганда у ердаги истеҳкомларни бузиб-текислаб ташлаш ёдларингдан чиқмасин. Улар аллақачон ўз хизматларини ўтаб бўлган. У маррани зарурий эҳтиёжсиз сақлаб туриш ниҳоятда хавфли. Рухсат сизга.

Сержант Дунгам қўлини чаккасига қилган кўйи орқасига ўгирилиб, эшикни ёпаркан, худди шу он майор уни яна чақириб қолди:

— Мен сенга бир нарсани айтишни унутибман, ёш офицерлар мерганлик мусобақасига рухсат сўрашган эди, бунга эртанги кунни тайинладим. Мусобақада ҳамма қатнашиши мумкин; совринга кумуш нақшли милтиқдори солинадиган мугуз-садоқ, чарм сувдон, у ҳам кумуш нақшли ва капор — ипаклик аёллар қалпоғи қўйилади. Қалпоқ — қолиб энг ёқтирган хонимга тортиқ қилиб, ўзининг одобу назокатини намоёйиш этсин деган ниятда таъсис қилинган.

— Бу ғоятда кўнгилли гап, айниқсанги қолиб учун. Мусобақада Изқувар ҳам қатнашса бўладими?

— Башарти шахсан ўзи қатнашиш истагини билдирса, уни талабгорлар рўхатига киритмасликка сабаб бўла оладиган важ борлигини пайқамаяпман; сезишимча, у бирмунча вақтдан буён бу тахлит кўнгилочар тамошаларда қатнашмаяпти. Бунинг боиси ўзига бас кела оладиган одам йўқ деб билганидан эмасмикан?

— Худди шундоқ, майор! Бу ҳалол, диёнатли йигит чегарада отишувда ўзи билан баслаша оладиган бирор кимса йўқ эканини билади, ана шу боисдан ҳам бошқаларнинг хурсандчилигу ҳаловатини бузишни истамайди. Ҳар қалай унинг сиполигига инонса бўлади. Эҳтимол уни ўз майлига қўйиб берган маъқулроқдир.

— Бўлмаса худди шундоқ қиламиз: кўрайлик-чи, аввалгидек омадлимикин у. Хайрли тун, Дунгам!

Сержант Дунган Лэндини ўз ўй-хаёллари билан холи қолдириб чиқиб кетди. Шотланднинг жиддий ҳамда жангари қиёфасида вақти-вақти билан милт этиб ўтаётган нимтабассум бу ўй-фикрлар нохушу ёқимсиз эмас эканлигидан далолат бериб турарди. Орадан ярим соатча фурсат ўтмаёқ эшик тикиллаб қолди. Майор киришга ижозат берди. Офицер мундиридаги, аммо палапартиш кийинган, ўрта яшар бир киши майорга салом берди.

— Сизни кўришдан хурсандман, мистер Мюйр!— деди унга жавобан Лэнди.

— Ҳузурингизга, сэр, ижозатингиз билан, ўз тақдирини билгали келдим,— деди квартирмейстер кучли шотландча талаффузда, ўзига кўрсатилган курсига ўтираётиб.— Сирасини айтганда, майор, бу ёқимтой қиз гарнизонга французлар Тэяда туғдиролмаган ташвишу безовталик ортиряпти. Бунчалик қисқа муддат ичида бунақанги тўс-тўполону ғоратгарликни кўрмаганман ҳеч қачон!

— Турган гапки, Дэви, сен навқирон ва бенуқсон қалбниг бир ҳафта ичида шунақанги аланга олиб, оҳинг дуди кўкка туташаётганига мени ишонтириб ўтирмайсан. Сирасини айтганда, азизим, бу ҳатто сенинг Шотландиядаги савдоларингдан ҳам баттарроқ, айтишларича, сенинг ичинга туташган ўт шунчалар кучли эканки, бебаҳо танангни куйдириб, бир дарча очганмишки, ўшал дарчадан жаминки кўзлари ўйноқи ойимчалар юрагингнинг қандайини лангиллаб ёнаётганини кўриб туришган эмиш.

— Сизга нуқул ҳазил бўлса, майор! Ёш йигитларнинг ўз майл-истаклари буюрганини қилишларида ҳеч қанақанги ғалат томони йўқ менимча.

— Аммо сен, Дэви, ўз майл-истакларингга шунчалик кўп итоат этгансанки, охир-оқибатда бу ишлар сен учун ҳар қандай жозибасию янгилик жиҳатларини йўқотиб қўйиши тайин. Ахир сен, биродари азизим, тўрт марта уйлангансан-а.

— Уч мартагина холос, майор, тўртинчи уйланиш режам қанчалик рост бўлса, бу гапим ҳам шунчалик рост... Гулдаста бут, жуфт бўлганича йўқ ҳали. Йўқ, йўқ, уч мартагина холос!

— Чамамда, яна битта тўйни, руҳонийсиз ўтганини унутиб қўйяпсан чоғи, Дэви?

— Уни эслашимни нима ҳожати бор, майор? Судда норасмий, ҳақиқий эмас деб топилган-ку бу никоҳ, ахир, яна нима керак? Уша аёл менинг доимий заиф томоним — салга қизишиб-повиллаб кетишимдан фойдаланган-да.

— Мабодо хато қилмасам, Мюйр, ўшанда, масалага бошқа томондан ёндошиш мумкин эди, дейишганди шекилли.

— Ҳар қандай нарсанинг икки томони бўлади, муҳтарам майор, мен эсам уч томони бор нарсаларни ҳам билардим; лекин шўрликкина боласиз ўтиб кетди оламдан, шундай қилиб, бундан ҳеч вақо чиқмади. Иккинчи хотиним билан айниқсанги бахтсиз бўлдим... сизга ҳурмат юзасидан, биринчи никоҳимни тегишли тарзда ўқитилган деган сизнинг ҳозирги янглиш тахминингизга ён бериб иккинчи хотиним деяпман, майор. Биринчисимиди ёки иккинчисими, бунинг фарқи йўқ, гап шундаки, Женни Грэхем билан жудаям бахтсиз эдим, беш йил бирга умр кўрганимиздан кейин фарзанд кўрмай ўлиб кетди у. Агар у тирик бўлганида уйланишни хаёлимга ҳам келтирмаслигим тайин эди.

— У оламдан ўтиб кетгани сабабли сен аллақачон ик-

ки марта уйланишга улгуриб, мана энди учинчисига кўз тикиясан.

— Ҳақиқатни рад этиб бўлмайди, майор Дункан, шундоқ экан, иқдор бўлишга тайёрман ҳамиша... Ҳар галги янги тажрибамдан янги муваффақиятлар кутардим, лекин одам боласи аслида шундоқ туғилган экан, дарров ихлоси қайтиб, кўнгли совуркан-қоларкан. Эҳ, дунёнинг ишлари шунақанги мири кам икки экан ўзи, Лэнди, оламда уйланишдан кўра ортиқроқ ташвиш йўқ экан!

— Шунда ҳам сен бўйинингни бешинчи марта сиртмоққа ўзинг тутиб бераясан экан-да.

— Шунини эслатиб ўтишни эп кўраманки, тўртинчи марта, майор,— деди квартирмейстер.

— Хўп майли, Дэви... кейин, сенга шу нарсени айташ кўнглисиз-у, лекин бу гал зафар қозонишинга умид йўқ.

— Зафар қозонишимга умид йўқ? Офицер, устамасига квартирмейстер бўлсам-у, нега энди дабдурустан битта сержантнинг қизи рад этаркан мени?!

— Бу гапни мен айтяпман сенга, Дэви!

— Хўш, нега энди, Лэнди? Шу саволга жавоб бермоқни лозим топмайдиларми ўзлари?

— Қиз аллақачон унаштирилиб қўйилибди. Эҳтимол ҳали қўл ташлашиб ва сўз беришишмагандир-ку — буни мен қатъий тасдиқлаёлмайман, аммо... қиз — қаллиқ.

— Ҳа, ана бу тўсиқ бўла олади, майор! Бироқ агарда қизнинг қалби озод қуш бўлса ҳаммаси сариқ чақа.

— Албатта, мен ҳам қизнинг қалби озод бўлса керак деган фикрдаман, сабабки, куёвни қиз эмас, ота танлаган чамаси.

— Ким экан у, майор? — деб сўради квартирмейстер одат ҳосиласи бўлмиш совуққонлик ила.— Бу ерда меннинг йўлимга кўндаланг кела оладиган бирор кимсани эслолмаяпман.

— О, шубҳасиз, сен — бу ўлкада яккаю ягона муносиб даъвогарсан бунга, Дэви! Лекин, ҳар ҳолда, омади кулбоққан сен эмас, балки Изқувардир!

— Изқувар дедингизми, майор?!

— Худди ўзгинаси, Дэви Мьюр! Аммо сенинг рашккингга жиндаккина хайф бермоқ учун бир гапни айтиб қўяй, назимда, бу никоҳ режаси қизнинг юрагидан кўра кўпроқ отасининг калласида пишитилган кўринади.

— Ўзим ҳам шундоқдир деб ўйловдим-а! — хитоб этди квартирмейстер.— Инсон феъли-атворини билиш бобидаги билимим билан қатъиян янглишишим мумкин эмаски...

— Айниқсанги аёл зотининг феъл-атворини билишда, Дэви...

— Ҳамма нарсани ҳазилга бураверасиз-да, Лэнди... Бу қизнинг майлу иштиёқи хусусида янглишишим мумкин эмас. Дадилу дангал айтишим мумкинки, у Изқувардан хийла юқорироқни чамалаши тайин. Бу одамга келганда эса, вақтнинг ўзи кўрсатади ҳаммасини...

Майор хонада уёқдан-буёққа юриб туриб, қўққисдан тўхтади-ю, Мюйрнинг бетига тик қараб сўради:

— Менга виждонан айт-чи, Дэви: сержант Дунгамнинг қизидек ёш бир қиз сенинг ёшингдаги, сенинг қиёфандаги, тажрибаси ҳам сеникичалик одамни беҳазил севиши мумкин деб ўйлайсанми?

— Э-ҳе, Лэнди, сиз аёлларни билмас экансиз ҳали! Ёшингиз қирқ бешга борганига қарамай, шунинг учун ҳам ҳанузгача уйланмагансиз-да!

— Поручик Мюйр, ўз навбатида битта қалтис савол беришга журъат этсам бўладими: ёшингиз нечада?

— Қирқ еттида, Лэнди, мен ёшимни яшириб, тониб ўтирмайман. Бироқ, ҳар қалай Дунгамни шунчалик диди наст ва калласига чиндан ҳам сулув қизини Изқувардай одамга беришдек хомхаёл келмагандир-ов менимча...

— Мен сержантнинг жавобини етказдим, мана, ўзинг кўриб турибсанки, ўша сен орқа қилган каминанинг таъсири ёрдам беролмади сенга... Кел, Дэви, эски ошначилигимиз устидан битта қадахдан кўтарайлик, сўнгра эртанги сафар тадоригини кўришга киришсанг-у, Мабель Дунгамни эсдан чиқарсанг ўзингга зиён қилмас. Сенинг янги муҳаббатинг учун нчаман, поручик Мюйр, ёки бу дарддан эсон-омон халос бўлишинг учун!

— Миннатдорман сиздан, азизим майор! Мен ўзим унча-мунча хабардор бўлган кўҳна ишқий савдоларнинг хайрли тугаши учун кўтараман. Бу шароб — шаффоф тоғ шудрингидир, Лэнди, у қалбларни илитади ҳамда ўзимизнинг саховатли Шотландиямизни ёдга солади. Башарти сиз менга яна битта илтифот кўрсатсангиз, у чоғда гўдакликда бирга ўйнаб-юмалашган ўртоғингизни унутмаганингизга тўла-тўқис ишонч ҳосил қилган бўлурдим.

— Агар илтимос оқилона ҳамда уни ўрнига қўйиш бошлиқнинг қўлидан келадирган бўлса, розиман бунга, Дэви. Нима илтимос, айта қол.

— Мен учун Минг Оролда ақалли икки ҳафта ёки шунча муддат атрофида адо этиладиган биронта топшириқ топиб бера олсангиз қани эди! Лэнди, бутун чегара бўйи-

ча фақат биргина қайлиқ борлигини — бу ҳам бўлса Мабель эканини эътиборга олинмигини ўтинадим.

— У ердаги ишлар бир кишига етгулик, холос, шундоқ экан, сержант бу юмушларни генерал-квартирмейстердек, ҳатто ундан ҳам ўтказиб ўринлата олади.

— Лекинга оддий квартирмейстердан аълороқ эмас. Полкда шундоқ ҳам одам етишмайди ўзи.

— Ўзим ҳам бу хусусда ўйлаб кўргандим, Мюйр! — жавоб қилди Дункан кулиб. — Жавобини эртага эрта билан оласан. Эртага сен ўша қалбиингни ром этган хоним кўзи ўнгида ўзингни кўрсатишинг мумкин. Сен яхши мергансан, кейин десанг, голибга совринлар ажратилган. Ўз маҳоратингни намойиш этишга уриниб кўр. Ким билади яна, «Учқур» йўлга тушгунича нималар бўлиши мумкин ҳали!

— Хайрли тун сизга, майор Дункан, бод отлиқ дардингизга шифою яхши тушлар кўришни тилайман.

— Ташаккур! Сенга ҳам шуларни тилайман, Мюйр. Эртага мерганлар мусобақаси бўлажagini унутмагин-а тин.

УН БИРИНЧИ БОБ

Эртасига ҳаво ниҳоятда ажойиб бўлди. Бутун гарнизон қўмондон ва офицерлардан илмли одам сифатида ном чиқарган баъзилари ҳазиллашиб «рицарлик эрмаги» деб атайдиган беллашув ўтказиладиган мусобақагоҳга жам бўлди.

Лэнди ўз изми-ихтиёридаги ёшларда китоб ўқишга рағбату ҳавас уйғотишдан кўп ҳаловат топарди. Унинг хийла каттагина, яхши сараланган кутубхонаси бўлиб, хоҳлаганларга бажону дил китобларидан фойдаланишга рухсат берарди. Ана шу китобларни мутолаа қилиш натижасида туғилган ҳаваслардан бири — рицарлик воқеанавислари афсонавий тарзда бўяб-бежаган, қисман олис, овоғу ёввойи ўлкадаги қалин ўрмонда жойлашган гарнизоннинг жуғрофий шароитию табиатига мос тушадиган шу хилдаги «эрмак»ларга нисбатан уйғонган майлу иштиёқ эди.

Аммо-лекин, буларнинг баридан қатъи назар, қоровуллар ўз вазифаларини оғишмай адо этардилар. Қалъа кўтарма-дамбасидан беадад, ёрқину ярқироқ ва осойишта сув яланглигига, чеки-чегараси кўринмас мудроқ ўрмонга бир бора кўз ташлаган кимса беихтиёр ўзини тинчлик-осойишталик ўлкасида тасаввур қилмоғи аннқ эди. Бироқ

Дункан Лэнди ўрмондан қалъани вайрон қилиб, ундаги жамики нарсани кун-паякун этгувчи юзлаб ҳиндулар чиқиб келишлари ҳеч гап эмаслигини, кимсасиз кўринган алдамчи кўл орқали эса муҳолиф французлар осонгина йўл солиб келиб, қалъага қўққисдан ҳамла қилишлари мумкин эканини яхши биларди. Ўрмонга кўпни кўрган, тажрибали, бу кунги каби эрмакларга кўпда қизиқмайдиган офицерлар бошчилигида қўриқчилар қўйилди. Қалъада душман яқин атрофда бўладиган пайтларда бериладиган энг қатъий кўрсатмаю йўл-йўриқ олган махсус бўлук жангга шай ҳолатда қолдирилди. Бу эҳтиёт тадбирлари кўрилиб бўлингач, ҳамма сабрсизлик ила томоша бошланишини кута бошлади.

Мусобақа ўтказиш учун танланган жой қалъанинг мағриб томонида, кўл ёқасида эди. Бу сайҳонликни орқа тарафдан кўл, иккинчи ёғидан эса қалъа яхши муҳофаза қилиб турарди. Бу ердаги дов-дарахт атайин қирқиб, кундаков қилинган эди. Шундай қилиб, фақат икки томондангина душман ҳамласини кутиш мумкин эди, мағриб ва жануб ёқдаги дарахтлар кесилгани туфайли эса ғанимларни бирон зиён-заҳмат етказмасларидан бурун, олисданок пайқаш мушкул эмасди...

Бу гал ҳарбийларнинг милтиқларидан ташқари элликта овчилар милтиғи ҳам пайдо бўлганди. Ҳар бир офицерда кўнгил хуши учун ов милтиғи бор эди. Шунингдек, қалъага бот-бот келиб турадиган урмон овчилари ва дўст ҳиндуларнинг қуроллари ҳам кўзга ташланарди. Соврини кўлга киритиш ниятида мусобақага қатнашиш истаги борлигини билдиргувчиларга аталган эҳтиёт қурооллар ҳам бор эди. Мерганлар орасида беш ёки олти киши айниқсанги ўз маҳорати билан ном чиқарган, ўн-ўн икки киши эса оддий мерганлар орасида яхши отувчилар саналарди; бироқ оддий мерганлар еилсиласида ҳам кўзи ўткиру билаги бақувватлари оз эмасди.

Эллик ярд масофадаги нишонни учоёқсиз¹ пойлаш лозим эди. Оқ доиралар чизилган, қоқ ўртасида ҳам кичкинагина доирачаси бор тахта нишон вазифасини ўтарди. Мана, совринга даъвогарлик қилмайдиган, ўз маҳоратларинигина намойиш этиш истагини билдирган паст тоифадаги мерганлар ўртасида мусобақа бошланди. Аскарлардан аксариятини шотландлар ташкил этарди, зотан полк Штирлинг ва унинг атрофларидаги аҳолидан тузилган эди;

¹ Учоёқ — қимирлаб кетмаслиги учун милтиқнинг мили устига қўйиб отиладиган мослама.

америкаликларнинг кўпчилиги, сержант Дунгам сингари, поляк етиб келиши билан мустамлакада сафга қўшилган эди. Ана шулар энг олди мерганлар эдилар. Ярим соатдан сўнг таги-зоти голландлардан, Нью-Йорк колониясилик, ван-Фалькенбург деган жарангдор исми бор-у, лекин барча оддийгина қилиб Фоллок деб атайдиган бир йигитча ўзининг энг моҳир мерган эканини намоиш этгани ҳаммага маълум бўлди. Барчанинг диққат-эътибори голландга қаратилган бир софияда майдонга офицерлардан аксари ва уларнинг хотинлари ҳамроҳлигида майор яқинлаб келганди. Уларнинг кетидан йигирма чоғли хотин-халаж келарди, Мабель Дунгам шулар орасида эди. Унинг сарв тахлит қадди-қомати, ақл, завқ-шавқ акс этиб турган чеҳрасию одмигина либоси шу заҳотиёқ умумнинг диққатини тортди-олди ўзига.

Кўл ёқасида аёллар учун тахтадан ясалган харраклар турарди. Улардан хиёлгина нарида совринлар қатор осиб қўйилган эди.

Аёллар жойлашиб бўлганлари замоноқ майор Дункан олдиндан белгиланиб қўйилган тартиб бўйича мусобақани бошлашга ишора берди. Гарнизоннинг саккиз ёхуд ўн чоғлиқ олди мерганлари ўқ узиш учун белгиланган маррага чиқиб, бир-бир кетин ўқ уза бошладилар. Улар орасида офицерлар ҳам, оддий аскарлар ҳам, ҳатто қалъага тасодифан келиб қолганлар ҳам бор эди. Турган гапки, мерганлик дилларига ҳузур бахш этгувчи асосий омил ва озуқа топишнинг бош воситаси саналмиш одамлардан кутиш лозим бўлгандек, ҳаммалари нишонга теккизишарди. Улардан навбат олганларнинг кўзлари буларникичалик ўткир эмасди-ю, ammo деярли жамиларининг ўқлари марказга яқинроқдаги доираларга бориб қадаларди.

Тартиб-қоидага биноан биринчи даврада ўқи хато кетган одам иккинчисида қатнаша олмасди. Маросимда мутасаддилик вазифасини адо этаётган адъютант нишонни мўлжалга олганларнинг исми-шарифини эълон қилиб турарди. Ушбу дақиқада майор Дункан, квартирмейстер ва Жаспер Чучук Сувлар мусобақа майдонининг ёнида, бир четда туришарди, Изқувар бўлса нарироқда астагина уёқдан-буёққа юрарди. Суюкли қуроқ ёнида эмасди, чамаси, унинг соврин учун даъволашиш майли йўқ эди. Ҳамма маррага яқинлашаётган Дунканга йўл берди, у дадил одимлаб келиб, тўхтади-ю, мўлжалга олиб-олмай ўқ узди. Ўқ нишондан бир неча дюйм четроқдан ўтиб кетди.

— Майор Дункан мусобақанинг кейинги даврасидан чиқарилади!— дея эълон қилди адъютант қичқириб.

Кекса офицерлар билан сержант майорнинг атайлаб хато отганини жуда яхши тушунишди, бироқ ёшлар билан оддий аскарлар тартиб-қоидага шаксиз итоат қилинаётганидан мамнун бўлдилар.

— Энди сизнинг навбатингиз, мистер Чучук Сув,— деди Мюйр,— агарда майордан ўтиб кета олмасангиз, кўлингиз қуролдан кўра кўпроқ эшкак ишлатишга боп экан, дейишим турган гап.

Жаспер қизариб, маррага бориб тураркан, узилажак ўқ натижасини кўриш қулайроқ бўлсин учун гавдаси олдинроққа сурилган Мабелга кўз қирини ташлади-ю, милтиқ милини шартта чап кафтига қўйди-да, мўлжалга олиб туриб ўқ узди. Ўқ доирачанинг қоқ киндигини тешиб ўтди. Бу энг аниқ узилган ўқ эди, зеро бошқалари доирачанинг чеккасигагина текканди.

— Тасанно, мистер Жаспер!— қичқариб юборди Мюйр.— Ушбу ўқ узиш сиздан ёши хийла улуғроқ ҳамда тажрибаси ортиқроқ одамга ҳам шараф келтириши мумкин эди. Наздимда, бир омадингиз чопиб қолди чоғи, негаки астойдил мўлжаллаб ўлтирмадингиз ҳам... Ана энди сиздан илтимос, сержант Дунгам, хонимларни мутлақо фаройиб бир нарсага эътибор қилишга таклиф этгайсиз. Камина мана бу қуролни шундай ишга солайинким, шояд буни «илмий» асосда ижро этилган санъат десалар. Жаспер сўзсиз голиб бўлиб қолиши мумкин эди, бунга асло шубҳа йўқ, аммо унинг мерганлиги илмий қонун-қоидага биноан узилажак ўқнинг нишонга аниқ тегиши олдида ип эшолмай қолажак.

Квартирмейстер шу сўзларни айтган кўйи «олимона» ўқ узиш тадоригини кўраверди, бироқ токи Мабелнинг бошқа аёллар қатори ўзини қизиқсиниб кузатаётганини кўрмагунича бу ишга киришмади. Қалъа қўмондони квартирмейстернинг ёнгинасида, бошқалар эса нарироқда туришарди.

— Кўряпсизми, Лэнди, агарда аёлларда қизиқиш уйғота олсангиз, унча-мунча ютуққа эришишингиз мумкин; бу ниҳоятда таъсирчан сезги-да, шу сабабдан мабодо уни тузуқкина қитиқлаёлсангиз борми, пировард-оқибати баъоят кўнгилдагидек бўлиб чиқиши ҳеч гап эмас.

— Ҳаққоний гап, Дэви; лекин бизни куттириб қўйясан... Э, ана, бу жабҳада тажрибакор сендек одамдан сабоқ олгани Изқувар ҳам келиб қолди-ку.

— Хўш, Изқувар, биздан илмий асосда отишни ўрганиш ниятида келибдилар-да? Мен ўз билиму маҳоратимни сир тутиб ўтирмақчи эмасман. Хуш кептилар! Ҳа, ҳеч ни-

мани сир тутмайман! Лоақал бирор марта ўқ узгинг йўқми ўзингни?

— Отиб нима қиламан, квартирмейстер? Совринларни кераги йўқ менга. Агарда мерганликни шуҳрат деб аташ мумкин бўлса, у чоғда бу борадаги шуҳратим етиб-ортади ўзимга. Бунинг устига десангиз, мен аёл киши эмасман — бошимга ураманми ўша хотинлар қалпоғини.

— Шундайку-я, лекин буни бирор аёлга туҳфа қилишинг мумкин, ўзинг учун қадрли ҳамда...

— Қани, Дэви,— гапга аралашди майор,— ё от, ёки туёгингни шиқиллат. Адъютантнинг тоқати тоқ бўляпти.

— Квартирмейстер билан адъютант камдан-кам чиқишади, Лэнди. Хўш, мен тайёрман... Пича четроқ туринг, Изкувар, хонимларга ҳам кўринсин...

Поручик Мюйр маррага бориб, яхшилаб машқ қилиб ҳадиси олинган ғоятда чиройли ҳолатда турди-да, оҳиста милтиғини кўтара бошлади, кейин пастлатди, шу ҳаракатини бир неча бор такрорлаб, ниҳоят тепкини босди.

— Уқ нишон ёнидан ўтиб кетди!— дея нидо берди квартирмейстернинг узоқ мўлжалга олишидан зерикиб кетган адъютант.

— Бўлиши мумкинмас!— қичқириб юборди Мюйр алам ва ғазабдан қип-қизариб.— Бўлиши мумкинмас, адъютант! Умримда ўқим бунақанги хато кетганмас... Хонимлардан менга ҳакам бўлишларини ўтинаман.

— Узоқ тарадудланганингиздан хонимлар хавотирга тушиб қолишди ва сиз ўқ узганингизда кўзларини юмиб олишди,— дея луқма ташлади полкдаги шайтони зўр ҳазилкашлардан бири.

— Ҳеч бирига ишонмайман!— қичқирди квартирмейстер. У қизишгани сайин сўз оҳангидаги шотландча талаффуз тобора яққолроқ урғу ола борарди.— Аёлларга ва менинг маҳоратимга нисбатан туҳмат бу! Тақдирланишга сазовор бўлган ғолибнинг қўлидан совринни тортиб олиш қасдида қилинаётган фитна бу!

— Нимаям қилардинг, Мюйр, ўқинг хато кетган экан, бу омадсизликка тан бермоқ керак!— деди Лэнди кулиб.

— Ундай эмас, майор,— деди Изкувар нишонга тикилган кўйи,— квартирмейстер, агарда яхшилаб мўлжалга олиш учун фурсат бўлса, яқин масофага отишда моҳир мерган. Нишон тахтасига кўз югуртган ҳар қандай одам унинг ўқи Жаспернинг ўқи билан устма-уст текканига ишонч ҳосил қилади...

Изкуварнинг кўзи қанчалик ўткир экани барчага аён эди. Унинг оғзидан шу сўзлар чиқар-чиқмас, жамики то-

мошабинлар ўз шахсий фикрларининг тўғрилиги борасида шубҳага тушиб қолдилар. Йигирма чоғли одам ўз кўзлари ила шоҳид бўлмоқлик ниятида нишон томонга қараб ошиқишди ва квартирмейстернинг ўқи Жаспернинг ўқи қолдирган тешикдан ўтиб кетганини кўришди.

— Айтмабмидим сизларга, муҳтарама хонимлар,— деди квартирмейстер аёлларга яқинлашар экан,— илмий қонун-қоидаларга амал қилиб отиш қандоқ бўлишини амалда кўрасизлар деб! Майор Дункан нишонни мўлжалга олиш пайтида қилинадиган математикавий ҳисоб-китоб устидан кулади, аммо камина ҳар қалай айтиб қўяй унга, илм-фан инсон ҳаёти-фаолиятига алоқадор жамики нарсани безайди, самарасини орттиради, такомиллаштириб, моҳият-мағзини шарҳлаб беради: у нишонга қарата ўқузишни ёки ваъз-хутбами — бари бир. Қисқаси, илм — бу илмдир, вассалом!

— Менинг наздимда, сиз ушбу силсила-рўйхатдан муҳаббат отлиқ нарсани ўчириб ташлаясиз шекилли,— деди капитаннинг хотини, бу аёл квартирмейстернинг ҳамма никоҳлари тарихидан бохабар ва кези келиб қолди дегунча уни узиб олиш фурсатини қўлдан бой бермас эди.— Афтидан, илм-фанни муҳаббатга даҳли камроққа ўхшайди чоғи?

— Хоним, башарти қалбингизга муҳаббат бир неча карра гулу солиб ўтганида эди, бундай демаган бўлардингиз. Такрор-такрор севги туйғусидан тотганларгина, бошдан кечирган тажрибали одамларгина бу нарса ҳақида чинакамига ҳукм юрита оладилар. Кейин, ишонаверинг, ҳар қандай туру тусдаги севги ичида илмий муҳаббат — энг садоқатли ҳамда энг оқилонасидир.

— Шундай қилиб, сизнинг фикрингизча, муҳаббат тажриба: орттириш билан камолга етаркан-да?

— Зийрак зеҳнингиз менинг фикримни дарҳол илғаб олибди. Навқиронлик, ҳусну малоҳат ҳамда икки томонлама иззат-икром, мулоҳазакорлик, босиқлик ва етуклик ёшига (яъниким, ўрта яшарлик демоқчиман) таянадирган никоҳ энг бахтиёр никоҳдир; эр ҳаддан зиёд қари бўлиши яхшиямас. Мана, масалан, сержант Дунгамнинг сулув қизи, чамамда, каминанинг фикрига қўшилса кераг-ов; гарчанд бу ерга яқиндагина келган бўлса ҳам, унинг оқилалиги аллақачоноқ гарнизондагиларнинг барчасига маълум.

— Сержантнинг қизи сиз билан менинг орамизда далалик қилиши даргумон бўлса керак, поручик Мюёр! — жавоб қайтарди хоним ўз қадри-эътиборини билиб.— Ле-

кин Изқуварга бир қаранг-а: у, чоғимда, ўз бахтини синаб кўрмоқчи шекилли.

— Мен норозилик билдираман, майор Дункан, норозилик билдираман!— қўлларини силкиган кўйи қичқирди Мюйр тахта сўри томон йўрғалаганча.— Мен қатъиян норозилик билдираман, жаноблар! Изқувар ўзининг «буғу урар»и билан мусобақада қатнашиши мумкин эмас. Унинг милтиғи қондада белгиланганидан узун.

— «Буғу урар» дам олиб ётибди, квартирмейстер,— совуққонлик ила жавоб қайтарди Изқувар,— уни безовта қилишни ҳеч ким хаёлига келтираётгани йўқ. Менга қолса бугунги мусобақага қатнашишга мутлақо ҳушим йўғийди-ю, лекигин сержант Дунгам, мабодо бошқалардан орқада қоладиган бўлсам, унинг буёққа ўзим кузатиб келган қизи иззату ҳурматини ўрнига қўймаган бўлиб чиқшимни айтди менга. Мен Жаспернинг милтиғини олдим, квартирмейстер, бу қуроли эса, ўзингиз билганингиздек, сизникидан ҳеч қанақанги афзал жойи йўқ.

Поручик Мюйрнинг эътироз билдирадиган жойи қолмади. Ҳамманинг кўзи Изқуварга қадалди. Машҳур йўл бошловчи ҳамда овчининг қотма танасини ростлаб, милтиқни баландлатган пайтидаги қиёфаси ва қадди-қомати ҳайратда қолдирарли тус касб этганди. Бутун жуссасида ўзига қаттиқ ишонч, ўзини мутлақо хотиржам сезиш ҳисси акс этиб турарди. Изқувар ҳусн бобида — ушбу сўз одатий маъно-моҳияти билан олинганида — чиройли эмасди, бироқ унинг кўриниши тўлиқ ишонч ҳамда ҳурмату эҳтиром уйғотарди. Унинг мушаклари чайир расо қаддибаста, башарти ҳаддан зиёд қотма бўлганида, дилларда завқу шавқ уйғотиши мумкин эди. Уни келишган йигит деб бўлмасди-ю, бироқ милтиқни кўтарган пайтида жамики аёллар беихтиёр унинг абжирона ҳаракати ва мардона қиёфасига маҳлиё бўлиб қолишди.

У яшин тезлигида ўқ узди, милтиқдан чиққан дуд ҳали боши тепасига кўтарилиб улгурмасиданоқ қўндоғи аллақачон ерда, Изқуварнинг ўзи эса қўли билан мил оғзидан тутганча суяниб турарди. Чеҳраси унсиз, самимий кулгидан яшнарди.

— Изқувар нишонга теккизолмади!— дея қичқириб юборди майор Дункан.

— Асло ундаймас, майор,— ишонч-ла эътироз билдирди Изқувар,— сиз хулоса чиқаришга жудаям шошилясиз. Бу милтиқни мен ўқлаганим йўқ, шунинг-чун ўқдондаги нима эканини билмайман, лекигин, агарда қурол ростакамига ўқланган бўлса, у чоғда менинг ўқим шу

топда Жаспер билан квартирмейстернинг ўқлари ўрнидан ўтганига кафолат бера оламан, акс ҳолда Изқувар отимни бошқа қўяман!

Нишон олдида маъқулланган хитоблар янгради: Изқувар ҳақ бўлиб чиқди.

— Э-йўқ, бу ҳали ҳаммасиямас,— деди Изқувар аста секин хонимлар ўтиришган харраклар сари яқинлашар экан,— бу ҳаммасиямас ҳали, дўстлар! Мабодо ўқ нишон-тахтани ақалли салгина ялаб ўтган бўлса, мен ютқиздим дейишга ҳам розиман. Квартирмейстернинг ўқи тахтани тешиб ўтганди, менинг ўқим эса ўша тешикни асло кагта-лаштирмаганини кўрасизлар.

— Бу рост, Изқувар,— деди Мабелнинг ёнида уймалашаётган, лекин офицерларнинг хотинлари олдида қизни гапга солишдан ийманаётган Мюйр.— Дарҳақиқат, квартирмейстер тахтани тешиди-ю, шу билан сенинг ўқингга йўл очиб берди.

— Қўйинг-э, квартирмейстер, майли, мих келтира қолишин, кўрамиз, ана унда қай биримиз михни тахтага чуқурроқ қоқаркинмиз. Чингачгук — чинакам санъатни ана ўша кўрсатиши мумкин эди. Лекигин у ҳозир узоқда. Сиз билан эса, квартирмейстер, баҳслашиш узоққа бормаиди. Борди-ю, мих устидаги тажрибани уддасидан чиққанингизда ҳам, картошка голибона илгарилашингизга тўсиқ бўлади.

— Бу гал нимагадир жуда мақтанчоқлигинг тутиб қолди, Изқувар, лекин мен сенга қандайдир қишлоқи ёки шаҳарлик пихи чиқмаган жўжаҳўроз эмаслигимни кўрсатиб қўяй. Ҳа, буни кўрсатиб қўйганим бўлсин!

— Биладан буни, квартирмейстер, жуда яхши биламан, иннайкейин, тажрибакорлигингизни инкор этаётганим ҳам йўқ. Сиз талай йилларни чегарада ўтказгансиз, мустамлака қишлоғу кентларида ва ҳатто ҳиндулар орасида исмингиз тилларда дoston бўлганидан берига талайгина одамлар туғилиб, улғайиб ҳам улгурдилар...

— Бас, бас,— унинг сўзини бўлди Мюйр.— Бу нотўғри! Мен ҳечам қартайган эмасман-да.

— Мен фақат, поручик, қуролсиз бир одим ҳам юриб бўлмайдиган бунақанги жойларда ҳарбий хизматдаги бир одам учун етиб-ортгулик вақт яшадингиз, демоқчи эдим, холос. Биладан, сиз умуман хийла моҳир, лекигин, ҳар нечук нишонни, ҳа, нишонни пойлашда ҳақиқий мергансиз. Мени мақтанчоқликда беҳуда айбситяпсиз: чоғимда, ўз жасоратларимдан оғиз кўпиртириб сафсата сотишни ёқтирмасам керак деб ўйлайман. Аммо-лекигин бошқалар-

нинг иқтидору истеъдодини менсимай, уни йўққа чиқариш ярамайди. Мабодо сержантнинг қизидай соҳибжамол ҳакамнинг измидаги айбдор бўлишга журъат эта олсак, келинг, иккимизнинг баҳсимизни шу қиз ажрим қила қолсин.

Шундай қилиб, Изқувар Мабелни ҳакамликка танлади, зероки қиз унга ёқарди. Бироқ поручик Мюйр бу ерда уч офицер хотини ҳозир эканлигидан тортиниб турарди. Табиийки, дилини ром этгандек туюлувчи маҳбубасининг муттасил кўз олдида бўлишни жуда-жуда хоҳларди-ю, бироқ у эҳтиёткор эди ва муваффақиятига ишончи комил эмаслиги сабаблидан ошкора мулозаматга ўтишга журъат эта олмаётганди. Мабодо қандайдир йўл билан кичик офицернинг қизи унга тегишга розилик бермабди деган гап тарқалиб қолса, шаксиз-шубҳасиз майна бўлажагини биларди у. Мазкур гумону хавотирларга қарамай, Мабель кўзига фаришта бўлиб кўринарди; қиз шунчалар дилрабо қизариб, шунчалар ёқимли жилмаярдик, вужудидан ёшлик, ҳусну малоҳат, латофату камтаринлик нафаси уфуриб турарди. Поручик ортиқ кўнгил васвасасига дош беролмади.

— Бўпти, хўп, Изқувар!— деб жавоб қилди у ўз шубҳа-гумонларини енгиб.— Майли, сержантнинг қизи... сержантнинг соҳибжамол қизи дейишим керагиди... майли, ўртамизда ҳакам бўла қолсин. Ҳар иккимиздан биримизга тегадиган совринни унга туҳфа этганимиз бўлсин. Ўзларингиз кўриб турибсизлар, муҳтарама хонимлар, нима-ям қилардик, майли, Изқуварнинг кўнгли жойига туша қолсин.

Гап-сўз тугади, зероки квартирмейстер билан унинг рақобатчисини тахта супа ёнига чақириб қолишди. Бир неча дақиқадан сўнг иккинчи дапқир синов бошланди. Қалпоқчаси оқ рангга бўялган оддий мих тахтага салгина қадаб қўйилганди, мусобақалашаётган мерган унга текказиши, ё мусобақанинг кейинги даврасида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши керак эди.

Маълум бўлишича соврин даъвогарлари жами етти киши экан, шулардан ҳам бириси олдинги даврадаги ютуғининг ўзи билан қаноатланиб ва бу галги хийла қийинроқ синовда шарманда бўлишдан чўчиб четга чиқиб кетди. Уч киши кетма-кетига отишди: буларнинг ўқлари михнинг атрофига қадалибди-ю, лекин бирортасиям унга тегмабди. Тўртинчи даъвогар квартирмейстер эди, у одатча олдиниға бир неча дақиқа давомида томошабинлар кўзи олдида ўзини кўз-кўз қилиб турди, ана шундан ке-

Йингина отди, ўқи мих қалпоғининг бир четини юлқиганча уни тиғи бўйи тахтага киритиб ўтибди. Бу ҳол унинг кейинги даврада ҳам отишига ҳуқуқ берарди.

— Қишлоқларда айтганларидек, ўз жонингизни асраб қолдингиз, квартирмейстер, — деди Изқувар кулиб, — лекигин сизникига ўхшаган болға билан иморат қуриш учун талай вақт керак бўлади. Мана, Жаспер, агар чайир, қилт эгмас билакларию ўткир кўзлари ҳали-ҳозирда панд бериб улгурмаган бўлса, михни бўғзигача қандай қоқиш кераклигини кўрсатиб қўяди... Сиз эса, поручик, милтиқни қўлга олганда ўзингизни камроқ намоиш қилсангиз маъкул бўлармиди!

— Буёғини кўрамиз ҳали, Изқувар! Мўлжалга олиш бўлса — шунчалик бўлади-да! Шу эллик бешинчи полкда михга бунчалик эпчиллик билан зарба тушира оладиган бошқа бирорта болға топилмас-ов, деб шубҳаланиб турибман-да.

— Жаспер эллик бешинчи полкда хизмат қилмайди, лекигин кўрамиз ҳозир, қандоқ болға туширишини.

Жаспернинг ўқи тўппа-тўғри михга тегиб, уни бўғзигача киритиб юборган паллада Изқувар ҳали сўзини тугатиб улгурмаган эди.

— Мана, йигитлар, мих парчинлашга тап-тайёр бўлди-қолди! — қичқирди йўл бошловчи ўз дўстининг ўрнини эгаллар экан. — Янги михнинг ҳожати йўқ; бўёғи кўчиб кетгани ҳеч гапмас, кўриб турибман уни, кўриб турган нарсамни эса, агарда у чивиннинг кўзи бўлгандаям, юз ярддан ура оламан. Михни парчинлашга ҳозирланинглари!

Милтиқ варангилаб отилди-ю, ўқ мих қалпоғини тахтага чуқур киритиб юборди.

— Ҳа, Жаспер, сен кундан-кунга камолга етиб борясан, — сўзини давом эттирди Изқувар милтиқ кўндоғини ерга тушириб, ўз зафарига эътибор ҳам бермай. — Мен билан яна озроқ қуруқлик кезсанг — чегарадаги энг олди мерган ҳам сен билан беллашишга ботинолмайди. Квартирмейстер — яхши отади, лекигин олисга боролмайди у, сен бўлсанг ўз истеъдодинг соясида вақти-соати билан истаган мерганни баҳсга чақира оласан.

— Ҳой, ҳой! — эътироз билдирди Мюйр. — Мих қалпоқчасининг бир четини учуриб юбориш ҳазилакам иш эмас! Хўш, бу камолот эмасми, ахир? Ҳаммага аёнким, салгина теккизиш моҳир санъаткорлик далолати, болға билан қулочкашлаб туриб тушириш — бу дағал ҳамда жоҳил қўлнинг иши. Хўп деявер, Изқувар, кимки нишонга теккизол-маса — ўқи қилча хато кетдими ёки бир чақирим наридан

кетдимми — у теккизолмаган ҳисобланади; агарчи теккиз-
димми, бас, ярадор қиладими ёки ўлдирадими — бари
бир бу.

— Бу можарони ҳал қилиш учун, — деди майор, — яна
бир қур мусобақа ўтказишга тўғри келади. Бу гал кар-
тошка нишон бўлади. Сиз, поручик Мюйр, шотландсизу
арпа унидан ёпилган нонни маъқул кўрасиз; локин чегара
тартиб-қондаси америка сабзавотлари фойдасига сўзлай-
ди. Баски, картошка келтирилсин!

Майор Дункан тоқатсизлана бошлаганди. Мюйр му-
собақани чўзмаслик учун одоб юзасидан тортишиб ўтир-
мади ва ҳафсала билан навбатдаги отишувга ҳозирлик
кўришга киришди. Очиғига кўчганда, бу сафар квартир-
мейстер ўзига кўпдаям ишонмаётган эди. Башарти бун-
дай синов бўлишини олдиндан билганида, довлашувчилар
сафига қўшилмасмиди балки. Аммо майор Дункан ўзи-
нинг шотландларга хос босиқлигига қарамай, ҳазил қи-
лишни яхши кўрар ва шу бонс квартирмейстерни бир са-
ранг қилиб, жиғига тегиш учун мазкур мусобақага керакли
жамики нарсани тайёрлаб қўйишни яширинча тайинлаган
эди. Ҳаммаси таппа-тахт бўлгач, Мюйрни чақиринди.

Одатда бундай ҳолларда энг йирик картошка танлана-
ди-да, тахтадан ўн ярдча нарида турган одам ишора бе-
ришлари билан уни тепага иргитади. Уқ картошка ерга
тушмасдан, у ҳаводалигида тегиши керак.

Квартирмейстер бу мушкул тажрибани юздан ортиқ-
роқ марта машқ қилиб кўрган ва атиги бир маротабагина
теккиза олган эди. У рўёбга чиқмайдиган қандайдир кўр-
кўрона умидворлик ила бахтини синаб кўришга жазм эт-
ди. Картошка ҳавога учди, милтиқ отилди, бироқ учувчи
нишон ерга зиён-заҳматсиз «тап» этиб тушди.

— Ундан орқага бурилинг, сафдан четлашинг, квар-
тирмейстер! — буйруқ берди майор ўз ҳийласи муваффа-
қиятли чиққанидан хурсанд бўлиб. — Шойи қалпоқ Жас-
пер билан Изқуварга тегадиган бўлди.

— Баҳсимиз нима билан тугайди, майор? — деб сўра-
ди йўл бошловчи. — Қандайига отишамиз — иккита кар-
тошкани жойлаймизми ё фақат биттани: қоқ ўртасига тек-
кизамизми?

— Биттани, марказини! Борди-ю ўқларинг марказдан
бир хил масофада тегадиган бўлса, унда иккитасини жой-
лайсизлар.

— Мен учун даҳшатли фурсат бу, Изқувар! — дея гап
бошлади Жаспер маррага яқинлашар экан, шунда унинг,
ранги қув ўчиб кетди.

Изқувар Жасперга диққат-ла кўз ташлаб олди-да, кейин Дункандан пича кечиктиришни сўраб, гапларини ҳеч ким эшитмаслиги учун дўстини бир чеккага олиб борди.

— Чамамда, синов сени жудаям ташвишга соляпти дейман-а, Жаспер?— деди у йигитнинг кўзига тик боқиб.

— Тан оламан, Изқувар, илгари ҳеч қачон муваффақият қозонишни ҳозиргичалик истамаганман.

— Мендан, эски қадрдонинг, синалган дўстингдан устун чиққинг келяптими? Мен ўз касби-корим деб атайдиган жабҳада устун чиқишни-я? Нишонни пойлаш — менинг иқтидорим, иннайкейин, бу борада ҳеч кимсанинг қўли бас бойлашолмайди менинг қўлларим билан.

— Буни биламан, Изқувар, лекин...

— Лекин нима ахир, Жаспер? Нима гап, болакай? Очиғини айтавер, дўстинг билан гаплашяпсан, ахир.

Жаспер лабларини қимтиди, севгисига иқроор бўлаётган қиздек дам қизариб, дам бўзарган кўйи қўли билан кўзларини сийпаб қўйди; тўсатдан ўртоғининг қўлини маҳкам сиқиб, гўё қандайдир бир аҳди-паймони бўлак жамики туйғуларидан зўр чиққандек, хотиржамгина деди:

— Мана шу қалпоқчани Мабель Дунгамга совға қилиш имкониятига эга бўлишнинг ўзи учунгина қўлимни кесиб беришга ҳам тайёр эдим, Изқувар.

Овчи кўзларини ерга қадади-ю, чамаси, ҳозир эшитган гапи устида ўйга толди.

— Иккита картошкани уролмайсан, Жаспер,— деб қолди у дабдурустан.

— Уролмайман, турган гап. Мени ташвишлантираётган нарса шу-да.

— Қандоқ хилқат-а бу одам дегани! Табиат ато қилмаган, ўзида йўқ нарсани қўмсайди куйиб-ёниб, боз устига, тақдир инъом этганининг қадрига етмайди. Хўп, шундай бўла қолсин, майли, сен айтганча бўла қолсин! Бора қол маррага, Жаспер. Майор кутяпти. Қулоқ сол, йигит: менинг ўқим картошкани ақалли «ялаб» ўтиши керак, акс ҳолда бундай ишдан сўнг қалъада ҳеч кимнинг кўзига кўринолмай қоламан.

— Мен ўз тақдиримга тан беришим керак,— деди Жаспер яна туси ўзгариб,— аммо кучим етганича, қўлимдан келганича ҳаракат қиламан.

— Қандоқ хилқат-а бу одамзод!— дея такрорлади Изқувар дўстига йўл бериб бир неча одим тисарилар экан.— Ўзининг устун жиҳатларини пайқамайди-да, бошқаларни-кига ҳасад қилади-я!

Мана, картошка итқитилди, Жаспер ўқ узди, кўпчилик-

нинг шу заҳотиёқ янграган хитобу ҳайқириқларига қараганда ўқ картошканинг ўртасидан ёхуд деярли марказидан тешиб ўтганди.

— Мана сен билан беллаша оладиган рақиб, Изқувар!— дея нидо солди майор қойил қолиб.— Наздимда, иккита картошкани ишлатишга тўғри келади-ёв.

— Қандоқ хилқат-а бу одамзод!— дея такрорлади яна, ўз ўй-хаёллари уммониға шунчалар шўнғиб кетганидан ҳеч нимаға эътибор ҳам бермай.— Итқитинглар!

Қорамтир «соққа» ҳавода айни тўхтаган сонияда милтиқ варанглаб отилди. Изқувар бу гал айниқсанги ҳафсала билан мўлжалга олгандек туюлди. Бироқ пастга тушаётган нишонни илиб олганларнинг афтида норозилик ҳамда ҳайрат аломати намоён бўлди.

— Иккаласи бир жойға тегибдими?— сўради майор.

— Сал тегиб ўтибди, холос,— деган жавоб бўлди.— Атиги пўстини шилиб кетибди, вассалом!

— Бу қанақаси бўлди, Изқувар? Наҳотки Жаспер Чучук Сув голиб чиққан бўлса?

— Қалпоқ уники!— деб жавоб қайтарди овчи ва бош ирғаб қўйди-ю, аста чеккароққа ўтаверди. — Қандоқ хилқат-а бу одамзод!— дея такрорлади ичида.— Ҳеч қачон пешонасига битганиға қаноат қилмайди, доим табиат унга ато этмаган нарсаға эришай деб ўлиб-қутулади.

Шу заҳотиёқ совринни Жасперға беришға қарор қилинди. Йигит қалпоқни қўлиға олганида квартирмейстер унинг ёниға келди-да, ўзининг бахтиёр рақибини ғалаба билан муборакбод қилди.

— Менға қаранг, азизим,— дея қўшимча қилди у,— бу қалпоқчани сизға мутлақо кераги йўқ-ку, ахир, бу на елканға, на ҳаттоки байроқчаға ярайди. Наздимда, Чучук Сув, мабодо сизға бунинг эвазига дурустгина ақча беришса ачинмасдингиз-а? Нима дедингиз?

— Бу пулга сотилмайди, поручик!— эътироз билдирди Жаспер, йигитнинг кўзлари бахту қувонч нашидасидан чақнаб турарди.— «Учқур» учун элликта яппа-янги елкан ютгандан битта мана шу қалпоқчани ютган аълороқ!

— Қўйинг-э, азизим! Бу дейман, ютуқ бошингизни айлантириб, ҳушингизни ўғирлаб қўйган кўринади-ку. Мана шу арзимас нарсача учун ҳатто ярим гинея¹ беришға тайёрман, зотан у кемагиздаги бирорта каютада ортиқча матаҳ бўлиб ётмасин ёки бирор ҳинду аёлнинг бошини безаб юрмасин деган ниятдаман, холос.

¹ Гинея — инглизларнинг 10 сўмлик қадимги олтин тангаси.

Жаспер квартирмейстернинг қалпоқ учун ҳақиқий баҳосининг ярминигина таклиф қилаётганидан беҳабар эди. У эътиборсизлик билан эшитди бу таклифни. Жаспер йўқ деган маънода бош чайқади-ю, хонимлар ўтиришган харақларга яқинлашди. Унинг яқинлаб келиши хонимлар орасида сезиларли даражада ҳаяжон уйғотди, зероки офицерларнинг хотинларидан ҳар бири илтифотли Жаспердан бу соврийни ўзига тортиқ қилишни кутаётган эди.

— Мабелы!— деди у.— Бу соврин сизга, фақат, агарда...

— Хўш, уёғи-чи, Жаспер?— деб сўради қиз ўз журъатсизлигини енгиб, йигитни саросималанишдан халос этиш истагида.

Шунда ҳар икковлари ҳам шундай қизариб кетишди-ки, оз бўлмаса дилларидаги туйғуларини ошкор қилиб қўяёзишди.

— Фақат, агар ушбу тортиқ унча-мунча эътиборга аризулик бўлса, нега деганингизда, сизга буни ўз совғасининг қабул қилинишига умид боғлашга ҳадди-ҳуқуқи бўлмаган бир одам таклиф этипти.

— Қабул қиламан уни, Жаспер! У мен учун биргаликда бошдан кечирган хавфу хатарларимиздан хотира, кўрсатган ғамхўрликларингдан эсдалик бўлиб қолади; бу яхшиликларинг учун сиз билан Изқувардан беҳад миннатдорман.

— Мен тўғримда ўйламанг,— деди йўл бошловчи,— ҳа, мени қўяверинг, ўйламанг! Бу отишув Жасперга омад келтирди, шу боис совға ёлғиз ундан. Менинг навбатим, худди квартирмейстернинг (чоғимда, йигитчанинг муваффақиятига ҳасади келяпти шекилли) навбати сингари бошқа сафар келади. Айтмоқчи, наmunча қалпоқчани қўлга киритишни истаб қолди ўзи: ахир унинг хотини йўқ-ку!

— Ия, Жасперни хотини борми унда? Ёки ўзинг ҳам уйланганмисан? Балки қалпоқ менга ақалли янги хотин олишим учун ёки марҳумаларни ёдлаб юришим учун, ёки умуман қулай фурсати келиб қолганда гўзал санамларга эҳтиромимни билдириш учун, ёки бўлмаса бошқа бирор мақсадда керакдир.

— Нима ҳам дердим, ҳаммаси бўлиши мумкин! Бу болада мутлақо тажрибасиз одамман мен, шунинг учун ҳам сизлар билан тортишиб ўтирмайман. Бу хусусда яхшиси Мабель, сержантнинг қизи билан гаплашганларинг маъқул... Хўш деганингдан, Жаспер, гарчи бу ерда энди бўлак ишимиз бўлмаса-да, ҳар қалай қолиб, бошқа йигитларинг қандай отишларини томоша қиламиз.



Изқувар ўртоғи билан бир чеккага ўтди; томоша яна бошланиб кетди. Лекин отишув хонимларни қизиқтирмай қўйганди эндиликда: ҳаммаларининг фикру хаёллари қалпоқда эди. У қўлдан-қўлга ўтарди. Ҳаммаси шойи матосининг сифатию пишиқлигини текширишарди, безағу бичинини танқид қилишар, шундай ажойиб бош кийими кичик офицернинг қизига бисот бўлиб қолиши одобданми, деган масала устида такаббуруна мунозара юритишарди.

— Мабель, балки қалпоқчани кейинчалик сотиб юбормоқчидирсиз-а?— деди капитаннинг рафиқаси.— Менинг наздимда, буни киймайдиганга ўхшайсиз.

— Эҳтимол киймасман ҳам, хоним,— дея жавоб қайтарди Мабель камсуқумлик билан,— лекин уни қўлдан чиқариш ниятим йўқ.

— Албатта, сержант Дунгам жуда тору танқис фурсат келмагунича бисотингизни соттириб қўймас, жонгинам, лекин сизга айтиб қўяй, кийиб бўлмайдиган буюмни асраб-авайлаш номаъқулчилик. Бу жудаям антиқа нарса, шуни-чун нест-нобуд бўлиб ётса одамнинг жони ачийди.

— Йўғ-э, ишонинг, хоним, нест-нобуд қилмайман сираям. Бир умрга асраб қўяман уни.

— Ихтиёрингиз, жонгинам. Сиз тенги қизлар кўпинча ўз фойдасини билишмайди. Шу нарсани унутмангки, борди-ю бу қалпоқни бир мартагина бўлсаям кийсангиз, сираям олмайман-да уни.

— Буни эсдан чиқармайман, хоним,— деб жавоб қайтарди Мабель мулойимгина товуш билан, лекин кўзлари жавҳардай ярқираб турар, икки бети эса алвон тусга кирганди. У қалпоқчани ўлчаб кўраётгандек бошига кийди-да, бир дақиқалардан кейин яна қўлига олди.

Мусобақа охирига борганда қизиги қолмади. Офицерлар тарқаб кетишди, хонимлар ва бўлак жами томошабинлар ҳам уларга эргаштишди. Мабель тошлар бодраб ётган кўл бўйидан кетаётган эди. Шу ерда у Изқуварни учратди. Овчи ҳозиргина ўзи нишонга қарата ўқ узган милтиқни кўтариб келарди. Нигоҳи ташвишли ҳамда ғамгин эди. Қаршиларида ястанган кўлнинг кўрку чиройи ҳақидаги бир неча оғиз майда-чуйда гапдан сўнг у қўққисдан шундай деб қолди:

— Жаспер сиз учун бу қалпоқни, Мабель, ўзини кўпам қилиб қўймай ютиб олди.

У ҳақли равишда ютди-ку буни, Изқувар!

Албатта, албатта, ўқи картошкани тешиб ўтди, гарчи аъзи бировларнинг бундан ҳам ўтказиб юбориш қўллари-дан келса-да, ҳеч ким бунинг уддасидан чиқолмади.

— Лекин ҳеч ким сиз айтгандай қилолмади-ку!— дея нидо солди Мабель шошилиб, аммо шу ондаёқ, айтган гапи ва ҳаяжонли сўз оҳангидан йўл бошловчининг маъюс тортганини кўрибоқ ўзи пушмон еди.

— Тўғри, тўғри, Мабель, ҳеч зор бундай қилмади. Лекигин табиат менга инъом этган нарсани яширишнинг нима ҳожати бор, ахир? Ҳа-ҳа, ҳеч ким бундай қилмади у ерда, аммо бу ерда нима қилиш мумкинлигини кўрасиз ҳозир. Анови, тепамиздан учиб ўтаётган чағалайларни кўряпсизми?

— Бўлмасамчи, Изқувар. Улар шунчалик кўпки, кўрмай ҳам бўларканми.

— Кўряпсизми, улар бир-бирларининг йўлларини қандай кесиб ўтишаётганини?— дея қўшимча қилди у тепкисини кўтариб, милтиқни баландлатар экан.— Иккита, ҳа, иккитасини! Ана энди қараб туринг...

У бир неча саржин оралиқ билан бўлса-да бир чизиқ бўйлаб учиб бораётган икки қушни шитоб-ла мўлжалга олди. Варанглаб милтиқ отилди-ю, ўқ ҳар иккала ўлжани тешиб ўтди. Чағалайлар кўлга қулаб улгурмасиданоқ Изқувар қуролни ерга тушириб, одатича кулиб қўйди. Чеҳрасида бояги аламангиз туйғудан асар ҳам қолмаганди шу топда.

— Чакана гап эмас бу, Мабель! Қўлимда сизга совға қиладиган қалпоқча бўлмаса ҳамки, чакки гап эмас бу. Дарвоқе, Жаспернинг ўзидан сўрай қолинг. Ҳаммасини айтиб беради сизга, чунки бутун Америкада ундан қалби покроғу тўғрисўзроқ одам йўқ.

— Бундан чиқди, у бу соврин учун ўзидан эмас, бошқадан миннатдор бўлиши керак экан-да?

— Ундаймас, ундаймас-э! У қўлидан келганини қилди, қилганда ҳам қотирди. Қуруқликдан кўра сувга кўпроқ ўрганган одам тариқасида Жаспернинг маҳорати беқиёс даражада. Жасперга сувда худди қуруқликдагидек тап тортмай ишонса бўлади. Қалпоқча менга тегмаганига ўзим айбдорман, Мабель. Гарчи бу бари бир... бари бир бўлса ҳам, негаки у олижаноб қўлларда ҳозир.

— Афтидан, сизни тушунгандай бўляпман, Изқувар,— деди Мабель бейхтиёр қизариб.— Бу совға — ҳам сиздан, ҳам Жаспердан.

— Унга адолатан тан бермаслик бўлурди бу. Йигит қалпоқчани ютиб олди ва тухфа қилишга тўла ҳақли. Лекигин имонингиз комил бўлсинким, Мабель, мабодо мен ютган тақдиримдаям, бари бир сизга тегарди у.

— Ёдимда тутаман бунини, Изқувар, кейин, анови шўр-

лик паррандалар устида намоиш этган маҳорату санъатингизни бошқалар ҳам билиб қўйишларига ҳаракат қиламан.

— Нима кераги бор, Мабель? Бу ерда, чегарада, менинг мерганлигимни гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, бамисоли кўлда — сув, осмонда эса қуёш бор, деб тушунтиргандай ортиқча гап бу. Шундоқлигини ҳар бир одам билади бу ерда. Унда сўзларингизни шамолга совургандай бўласиз.

— Бундан чиқди, Жасперни сизнинг ён беришингиздан билиб-кўриб туриб ноинсофлик билан фойдаланди деб ўйлайсизми?— деди Мабель, шунда унинг кўзларида ёлқинланиб турган учқун аста-секин сўна бошлади. Чехраси ўйчан тус олди.

— Мен бундай демаяпман ва буни хаёлимгаям келтирганим йўқ. Икковимиз ҳам ўз истак-майлимизни амалга ошираётганимизда жамики нарсани унутиб юборамиз. Жаспер менинг худди ҳозир икки қушни уриб туширганимдек, битта ўқ билан иккита картошкани ура олишимни жуда яхши биларди. Шунингдек у бутун чегарада бўлак ҳеч зог буни уддалаёлмаслигини ҳам биларди. Лекигин кўзига қалпоқчадан бошқа нарса кўринмай қолган, хаёлини эса уни тортиқ қилиш умидигина банд этганди. Йигит ўша дақиқада мутлақо кучи етмайдиған нарсага аҳд қилганди. Йўқ-йўқ, буни ҳеч қанақанги фирромлик томони йўқ, иннайкейин, Жаспер Чучув Сувга ишонмаслик — бу айб-а. Ҳамма йигитларнинг ҳам қизларга ёққиси келади.

— Мендек муштипар бир қизга икковларинг қилган яхшилиқдан бўлак жамики нарсани эсдан чиқаришга ҳаракат қиламан,— деди Мабель ўзи ҳам билмаган ҳолда вужудини исқанжага олаётган ҳаяжонни босишни истаб.— Ишонинг гапимга, Изқувар, менга қилган яхшилиқларингни, сиз билан Жаспернинг, ҳеч қачон унутмайман, бунинг устига, менга бўлган эътиборингизнинг ана шу янги ишботидан бошим осмонга етгудек хурсандман. Манг, мана-ви кумуш тўғнағични сиздан ҳаётим ёки-ақалли озодлигим учун қарздорлигимдан бир хотира сифатида олинг.

— Буни нима қиламан, Мабель?— деб сўради овчи таажжубда, тўғнағични қўлига оларкан.— Пишиқ бугу терисидан ишланган тасмадан бошқа нарсани ишлатмайман мен. Бу жуда чиройли нарса экан-у, лекигин ўзингизга кўпроқ ярашади.

— Ёқангизга қадаб олинг: шунда тузук бўлади. Едингизда тутинг, Изқувар, бу ўртамиздаги дўстлик гарови, на

сизни, на қилган хизматларингизни ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимнинг нишонаси бўлади.

Мабель у билан кулиб хайрлашди-ю, қирғоқ ёқалаб югура кетди ва тезда қалъа кўтармаси ортида кўздан ғойиб бўлди.

УН ИККИНЧИ БОБ

Ана шу суҳбатдан бир неча соат кейинроқ Мабель дарё билан кўл узра қад керган истеҳком тепасида чуқур ўйга толганча турарди. Осуда ва сокин шом олди палласи эди. Қилт этган шамол йўқлиги сабабли Минг Оролга бориши белгиланган бўлинманинг бу кеча йўлга чиқиш масаласи ҳал қилинмаган эди ҳали. Озиқ-овқат, қурол-аслаҳа ва бўлак зарурий анжомлар аллақачон қирғоқда турарди; Мабелнинг буюмлари ҳам ўша ерга келтириб қўйилганди. Куттерда тунаши лозим бўлган одамлар қачон йўлга чиқилишини кутиб ҳануз соҳил бўйида сайр қилиб уёқдан-буёққа юриб туришар, сафар тадоригидан далолат берадиган ҳеч қандай алоҳида белги-аломат сезилмасди. Жаспер «Учқур»ни қўлтиқдан олиб чиқиб, борди-ю зарурат туғилиб қолгудек бўлса дарҳол дарё мансабини кесиб ўтишга шай қилиб, оқимнинг ичкарилиғига лангар ташлади.

Шовқин-суронлию шўх-шодон эрта билан бошланган кун ҳозирда Мабелнинг кайфияти ҳамда сўлим табиий манзара ила уйғун бир тарзда осудалик касб этганди.

Қизнинг теварак-атрофини қуршаган борлиқ дилларга қувончу танга ором бахш этар, сас-садосиз ўрмонларнинг тантанавор салобатию оинадек кўл сатҳининг осойишталиги эса жамики мавжудодни улуғвор рангу бўёқ-ла бежарди. Мабель жисмини чулғаган шаҳар одатию кўникмалар ҳукми-тазйиқи сезиларли даражада кучсизланиб, бўшашиб бораётганини илк бора пайқади шу топда. Ҳозирда атрофини қуршаб турган мазкур борлиқ қўйнида яшаш ўзининг илгари кечирган ҳаётидан чандон бора саодатлироқ бўладигандек туюла бошлади назарида.

— Нақадар ажойиб шафақ палласи-я, Мабель!— Капнинг тетиқ овози қизнинг нақ қулоқлари ёнгинасида жараиглаб кетганидан у чўчиб тушди.— Ажойиб оқшом, чуқук сувлар учун, албатта: океанда, турган гапки, бунга парво ҳам қилиб ўтирмасдилар.

— Наҳотки табиат соҳил билан денгизда, мана шу

кўлу океанда ҳам бирдай яхши бўлмаса? Наҳотки қуёш ҳамма жойда бир хилда нур сочмаса, азиз тоғажоним?

— Сен қизалоқ буни онагинангининг китобларидан ўқиб олибсан-да! Менимча, сержант биринчи сафарига отланаётиб, ўла қолса бунақанги бир пақирга қиммат нарса-ни ҳарбий юклари орасида ташмалаб юрмаган бўлса керак-ов. Наҳотки табиат бир хилда бўлмаса эмиш-а! Яна-тагин аскар билан денгизчининг табиати бир хилда деб ҳам ўйласанг керак ҳали? Чамамда, қавми-қариндошларинг орасида унисидан ҳам, бунисидан ҳам бор шекилли, шундоқ бўлгач, бу саволга бемалол жавоб беришинг керагиди-ку.

— Лекин мен одамнинг табиати ҳақида гапиряпман...

— Мен ҳам-да, қизалоқ. Мен денгизчи табиати билан эллик бешинчи полкдаги йигитчалар табиати хусусида, дарвоқе, сенинг отангни ҳам истисно қилмай гапиряпман. Мана масалан, бугун уларда мерганлик мусобақаси, яъни нишонни палапартиш ўққа тутиш бўлди. Денгиздаги отишув шунақа бўлармиди! У ерда лоақал ярим миль масофадаги нишонни кема биқинидаги барча замбараклардан бир йўла тўпга тутиларди; борди-ю сира кутилмаганда кема саҳнида картошка пайдо бўлиб қолган тақдирда ҳам у хотиржамгина ошпазнинг қозонида қолавериши тайин гап эди. Аскарлик хизмати, Мабель, албатта эҳтиромга лойиқ машғулот, илло тажрибали кўз, билимдон кишининг кўзи манавинақанги қалъа-истеҳкомлардаги сон-саноқсиз бемаънигарчилик ҳамда хатою нуқсонларни илғаб олади. Бу писта пўчоғидеккина кўлча ҳақидаги фикримни ўзинг биласан-ку, ахир: менинг наздимда ушбу Онтарио деб аталмиш ҳалқоб — шунчаки бир бочка чучук сув, холос. Мабодо океан билан кўл орасидаги тафовутни билмоқчи бўлсанг, биргина кўз қирини ташлашнинг ўзи кифоя, Мабель, ана ўша заҳотиёқ кўрасан-қўясан. Манави штиль — шамолсизликни олиб кўрайлик, сизларнинг бу шамолсиз сукунатларинг денгиз бўйида бўладиганларига ақалли тариқчалик ўхшаса ўлсин.

— Ҳавода тик этган ҳаракат йўқ-ку, тоғажон. Ҳатто ўрмондаги барглар қилт этмаяпти...

— Барглар эмиш-а! Барг деганини ўзи нима? Денгизда барг-марг деган гап таги-туғида йўқ. Агарда ҳақиқий денгиз сукунاتини билишни истасанг, шам билан тажриба ўтказиб кўр: башарти алангачаси ҳилл этмаса, демакки, дарҳақиқат шамол йўқ экани. Агарда сен нафас олиш қийин бўлган ҳавоси оғир кенгликларни кўрганнингда эди, уёқлардаги шамолсизлик қанақа эканлигини тасаввур қил-

ган бўлардинг. Ҳеч қандай ҳаракатдан асар бўлмайди! Нақ ҳурмадаги сутдай. Океанда эса, ҳаво қанчалик сокин у осуда бўлмасин, сув у дунёю бу дунё осойишта турмайди.

— Наҳотки океан абадий ҳаракатланиб туради, Кап тоға? Ҳатто ҳаво сукунати пайтида ҳам-а?

— Бўлмасам-чи! Океан бамисоли тирик жонивордек нафас олиб, шоирлар айтганидек, кўкси доим тепиб туради. Ҳеч бир зот океанни манави кўлдай осойишта кўрмаган. Гўёки ўпкаси бордек, у кўтарилиб-тушиб туради.

— Бу кўл ҳам мутлақо тинчгина тургани йўқ: қирғоқ ёқалаб хиёлгина мавжланаётгани сезилиб, ҳаттоки тўлқинларнинг тошларга урилиб шалоплаётгани эшитилиб турибди-ку.

— Бунинг бари ўша лаънати шеъриятнинг касри! Унақада сувнинг вижирлаб кўпришини кўриб—бўрон қутуряпти, кема саҳнини ювишини кўриб тўлқин келиб уриляпти деса бўлади. Пўстлоқдан ясалган қайиқ ҳарбий кемага қанчалик ўхшаса, Онтарио ҳам Атлантика океанига ўшанчалик ўхшайди. Бу билан Жасперни айбситмоқчи эмас-кан, йўқ, одам бўлиши учун унга маълумот етишмайди, холос.

— Нима, сиз уни нодону жоҳил деб ўйлайсизми?— деб сўради Мабель сочларини тузатиб қўяр экан.— Менинг назаримда, Жаспер ўз тоифа-рутбасидагиларга қараганда хийла билимлироқ кўринади. У кам ўқиган, зотан бу ерда китобни ўзи оз; лекин, назаримда, у ўз ёшига нисбатан кўп ўйлаб, кўп мулоҳаза юритганга ўхшайди.

— У жоҳил, бу сувда сузадиганларнинг жамикиси сингари нодон! У оддий арқонга боғламай тугун солишни биллади дейлик, бунга розиман, аммо лангарни қимирлатмай тутиб тура оладиган тугунни икки дунёда эплаёлмайди. Шунга қарамай, Мабель, икковимиз ҳам Жаспер билан Изқувар олдида бурчлимиз, алаалхусус, бунинг эвазига бирор яхшилик билан жавоб қайтарсам дегандим. Бу оламда қадр билмаслигу нонкўрликдан расво нарсанинг ўзи йўқ.

— Тўғри айтасиз, тоғажон! Бу довюрак одамларнинг бизга кўрсатган барча хизматларидан қанчалар миннатдор эканлигимизни кўрсатишнинг ўзи учуноқ қўлимиздан келган жамики ишни қилишимиз керак.

— Сен нақ марҳума онанга ўхшаб гапиряпсан, бу Каплар номига бўлган ҳурмат устига боз ҳурмат ёғдиргусидир. Мен бир нарсани мўлжаллаб қўйдим, у, чамамда, ҳаммага ёқса керак, ана шу режамни кўл бўйлаб қилади-

ган қисқагина сафаримиздан қайтганимиздан сўнг таклиф қилиш ниятидаман.

— Жуда соз бу, азиз тоғажоним! Уша режангиз нималигини билсам бўладими?

— Сендан сир сақлашимнинг ҳожати йўқ, Мабель, илло бу ҳақда отангга оғиз оча кўрмайсан: у мутаассибу мутакаббур одам, бизга халал бериши мумкин. На Жаспер, на унинг дўсти Изқувар ҳеч қанақанги бемаъни мартабага эришолмайди бу ерда, шу боисдан ҳам мен уларни ўзим билан денгиз ёқасига олакетиб, очиқ денгизга олиб чиқишга аҳд қилдим. Икки ҳафтадан кейин Жаспер денгизчилардек одим ташлай бошлайди, бир йилик сафар эса уни одам қилади. Хўш дегандан, Изқувар учун эса кўпроқ вақт керак бўлади, ҳатто ўйлашимча — у ҳеч қачон расмана денгизчилар сафига қабул қилинмаса ҳам керак. Шундоқ бўлса-да, ундан яхши навбатчи чиқади: кўзлари ниҳоятда ўткир унинг.

— Сиз уларни бунга кўнишади деб ўйлайсизми, тоғажон?— деб сўради Мабель жилмайиб.

— Нима, шунчалик аҳмоқмиди улар? Қайси ақлли одам мартабаси ошишини хоҳламас экан! Қани, Жасперни тўғри йўлга солиб кўр-чи, у ҳеч шак-шубҳасиз бирор-та елканли кеманинг кўмондони бўлиб кўз юмади оламдан!

— Ушанда ҳозиргидан бахтиёрроқ бўлармикин-а, тоғажон? Катта елканли кемага бошчилик қиладими ёки бирорта оддий кемагами — бари бир эмасми, ахир?

— Қўй-э, Магнит! Нималар деяётганингни ўзинг ҳам билмайсан. Буни менга қўйиб беравер, ҳаммасини ўзим эплаштираман... Э, ана, Изқувар ҳам шахсан қадамранжида қилиб қолди-ку! Бу режамни учини чиқариб, шама қилиб кўраман унга.

Кап бош силкиб қўйиб, жим қолди. Изқувар ёнларига етиб келди; худди ўзини қандай кутиб олишларини билмаётгандек, унинг қиёфасида безовталиқ ҳамда хижолатпазлик акс этиб турарди.

— Ёт кишининг ораларига суқилиб кириши қариндошларга малол келмасмикин?— деб сўради йўл бошловчи уларга яқинлашаркан.

— Сиз, мистер Изқувар, бизга бегона эмассиз,— эътироз билдирди Кап,— ҳеч кимни сизчалик қувонч-ла кутиб олмаган бўлардик. Узиям ҳозиргина сиз хусусингизда гаплашиб тургандик, модомики дўстлари ўзи йўқлигида қадрдонлари ҳақида сўзлашаётган эканлар, уларнинг нималар деяётганларини бемалол фаҳмлаб олса бўлади.

— Тўғри, тўғри. Ҳар кимнинг ҳам рақиби бор, шу қатори менинг ҳам; лекигин на сизни, мистер Кап, на гўзал Мабелни улар қаторига қўшаман. Мана, минглар ҳақида бундай деёлмайман; аммо лекинига ҳатто ўшалардаям мени кўролмасликларига етарлича сабаб йўқ.

— Бунга имоним комил, Изқувар, зотан сизнинг одиллигингизу ростгўйлигингиздан ҳайратдаман. Хўш дегандан, сизни ўша ғанимлар, яъни ўша минглардан халос этишнинг чораси бор эканини биласизми? Агар истасангиз, мен сизга бунинг йўриғини бажонидил кўрсатиб бераман, иннайкейин, эвазига сиздан ҳеч нима талаб ҳам қилмайман.

— Мен душманларим бўлишини истамайман, мистер Шўр Сув (Изқувар ўзи ҳам билмагани ҳолда Капни қалъага келиб-кешиб турган ҳиндулар денгизчига берган лақаб билан атай бошлаганди); ҳа, душманларим бўлишини истамайман, бунинг устига минглар ва французлар билан қўшилишиб томагавкни ерга кўмишга¹ тайёрман. Лекигин сиз ўзингиз биласизки, қалблардаги адоват туйғусини тағтомири билан қурииб ташлаш биз ожиз бандаларнинг изми-ихтиёримизда эмас.

— Олдимизда турган қисқа муддатли сафаримиздан кейин, қадрдон дўстим Изқувар, лангарни кўтарасиз-у, камина билан бирга денгиз бўйига жўнайсиз. У ерда ҳиндуларнинг жангари ҳайқириқларини эшитмайсиз, уларнинг ўқлари етиб боролмайди сизга.

— Хўш, уёқда нима қиламан? Уша сизларнинг шаҳарларингизда ов қиламанми? Бозорга борадиган ёхуд бозордан қайтган сўқмоқ-излардан изғийманми? Иту товуқларга тузоқ қўяманми? Модомики мени соя-салқин ўрмондан маҳрум этиб, жазирама офтобда яшашга мажбур қилмоқ ниятида бўлсангиз, мистер Кап, унда каминага бахту саодат тиламаётган экансиз.

— Мен сизни қишлоғу кентларда қолдирмоқчи эмасман ҳам, Изқувар; сизни очик денгизга жўнатиш керак, фақат ўша ёқдагина одам эркин нафас ола билади.

— Хўш, Мабель қандай фикрда: бундай ўзгариш оқибати нимага олиб бориши мумкин? Ҳар кимнинг ўз табиатию феъли-мижози борлигини ва буни ўз майлу истаги, иқтидорига қарамай ўзгартириш бефойда гап эканини билади у. Мен овчи, разведкачи ҳамда йўл бошловчиман ахир, Шўр Сув. Мен ўз майлиму иқтидоримга қарши бо-

¹ Томагавкни ерга кўмиш — шимолий америкалик ҳиндуларнинг жонли тилида тинчлик сулҳи тузмоқни билдиради.

ролмайман... Ҳақ гапни айтяпманми, Мабель? Ёки сиз ҳам ҳамма аёллар қатори енгил-елпи ўйлайсизми ва мени ўз табиатимга хиёнат қилишимни истайсизми?

— Асло хиёнат қилманг унга, Изқувар!— дея жавоб қайтарди Мабель дўстларчасига самимий, бу эса овчининг дил-дилигача таъсир қилди.— Тоғам денгизни қанчалик эъзозламасин, бу ўзгариш қандайин манфаату фойда ваъда қилмасин, мен ҳар қалай ўрмон овчиларидан энг яхши-сию энг олиҳимматининг ҳатто адмирал бўлишини истамасдим. Киму қандай бўлсангиз, ўшандайлигингизча қолаверинг!

— Бу гапларни эшитяпсизми, мистер Шўр Сув? Сержантнинг қизи нима деётганини эшитяпсизми? Бу унинг рўйирост, сидқидил фикри. Узингиз бир қаранг-а: у кўнгилида бўлмаган гапни айтмайди. Токи у менинг ҳозирги мавқеим билан қаноатланар экан, камина ўз табиату майлимга қарши бормайман, ким бўлган бўлсам, ўшандайлигимча қоламан. Бу ерда, қалъада, бефойда одамдай кўришим мумкин, албатта; лекигин Минг Оролга борганимизда, умид қиламанки, уёқда бир эмас, бир неча бор ишонса бўладиган саз қурол қанчалик зарур эканлигини исботлайдиган хонаси келади.

— Иқрорманки, сафаримиздан мурод нима эканини жуда-жуда билгим келади. Куёвимдан ҳеч нимани билиб бўлмайди. Бу хусусда сен бирон нимани билмайсанми, Мабель?

— Йўқ, тоғажон. Отамдан унинг хизматига доир ишларни суриштиришга қандай ботинардим дейсиз: бари бир у, аёл кишининг иши эмас бу, деб жавоб қайтариши аниқ. Фақат бир ойга кетишимизни, кейин, мувофиқ шамол туриши биланоқ йўлга тушишимизнигина биламан.

— Унда Изқувар бирон нима дея олмасмикин? Бу каминани хурсанд қилган бўлурди-да, йўқса, нима мақсаддалигини билмай саёҳатга чиқиш кекса денгизчи учун гоятда кўнгилсиз-да.

— Сафаримиздан мақсад ва биз йўл олишимиз лозим бўлган манзилгоҳ — гарчандки гарнизонда бу ҳақда гапириш ман этилган бўлса-да — унчалик катта сир эмас, мистер Шўр Сув. Бунинг устига тез орада йўлга чиқамиз — сафаримиз мақсадини билмаслигингиз мумкин эмас, ахир! Ўйлайманки, мистер Кап, сиз Минг Орол деб аталадиган жой бор эканини эшитган бўлсангиз кераг-а?

— Ҳа, эшитганман, илло тахминимча, бу океанда учрайдиган чинакам ороллардан эмас, иннайкейин, уларнинг сони мингтага етмаса ҳам керак, албатта. Очиғини айта-

веринг: уёқдаги оролчаларнинг сони икки-учтага етадимми ўзи?

— Менинг кўзим чаккиямас, мистер Шўр Сув, шунга қарамай, уларни санашга бир неча бор беҳуда уриниб кўрганман.

— Ҳм! Ҳа, маълум ҳадгача санашнигина биладиганларнинг талайини кўрганман,— истехзо-ла кулиб жавоб қилди кекса денгизчи.— Сизларнинг қуруқликларингдаги паррандалар қирғоққа учиб келаркан, ҳатто ўзларининг кўноқ жойларини ҳам таниёлмай қолади. Неча-неча мароталаб каминанинг кўзи аллақачон соҳилни, ҳатто уйлару ибодатхоналаригача пайқаганда кемадаги йўловчилар сувдан бўлак ҳеч вақони кўролмаган пайтлар бўлган бир замонлар. Чучук сувда суза туриб қанақасига қирғоқ кўздан мутлақо ғойиб бўлиши мумкин, сира ақлим бовар қилмайди бунини! Фикримча, ҳақиқатан ҳам бундоқ бўлиши мумкин эмас!

— Агарда бизнинг кўлларимизни билганингизда, мистер Кап, бундай демаган бўлардингиз. Ҳали Минг Оролга етиб бормасимизданоқ ушбу фикрингизни ўзгартиришингизга тўғри келади-ю, бу овлоқ ерларнинг табиати қандайлигини кўрасиз ўз кўзингиз билан.

— Бутун теварак-атрофда ақалли бирорта ҳақиқий орол борлигига, ҳар нечук, ишонгим йўқ.

— Сизга юзлаб оролларни кўрсатамиз — эҳтимол аниқ мингта эмасдир-у, лекигин, ҳар ҳолда, кўз қанчани илғаб, тил қанчани санай олишга қодир бўлса, нақ ўшанчани.

— Қанақанги тоифадаги ороллар бу?

— Гир атрофи сув билан қуршалган ер.

— Шундоқку-я, илло қанақанги еру қанақанги сув? Амминманки, синчиклаб тикиладиган бўлсанг — яриморолу бурунни кўрасан, холос. Ҳа майли, бўпти, отасини гўрига... Айтинг-чи, бу сафардан мурод нима?

— Сизга, сержантнинг қайнағасию қизининг тоғасига унча-мунча нарсани айтсам бўлади. Сиз, мистер Кап, денгизда узоқ хизмат қилгансиз, шу боисдан Фронтенак бандаргоҳини билсангиз керак?

— Уни эшитмаган одам бораканми! Рост, мен у ерга кирмаганман-у, локин ёнидан сузиб ўтишимга тўғри келган.

— Шундоқ экан, сиз ўзингизга ошно жойларга борасиз... Лекигин бир нарсани тушунмаялман, океандан уёққа қандоқ келиб қолган бўлишингиз мумкин?.. Ҳўп, қандай бўлган чоғда ҳам, барча катта кўллар, ғарбдаги Онтарио

сингари, бепоён Эри¹дан бошлаб ўзаро занжир ҳосил қилишини билиб қўйсангиз зиён қилмас. Эридан оқиб чиқадиган сув чоғроққина тоққача етиб боради-да, у ердан пастга қўйилади...

— Йўғ-э, шунақаси ҳам бўларканми?

— Бунинг қанақанги тушунмайдиган томони бор экан, мистер Кап?— эътироз билдирди Изқувар кулиб.— Башарти мен, сув тоққа чиқади, деганимда, бемаъни гап бўларди бу; лекигин, ўйлайманки, сув тоғдан пастга оқиб тушади дейишдан кўра тушунарли, жўн гап бўлмаса кераг-ов... тўғрироғи, мен чучук сув ҳақида гапиряпман.

— Ахир сиз гўёки тоғдан пастга қўйиладиган кўл ҳақида гапиряпсиз-ку! Ҳеч кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гап-ку бу!

— Бу тўғрида баҳслашиб ўтирмайлик; мен ўз кўзим билан кўрганимни айтяпман. Жамки кўлларнинг суви Онтарио орқали ўтиб, кейин битта дарё ўзанидан ороллар бориб денгизга қўйилади; ҳозирда сўз бораётган оролларга кўл, на дарё деб бўлмайдиган энг тор жойда жойлашган. Французларга қарашли Фронтенак эса ўша ороллардан юқориоқда; французлар жойлашган қалъа қўйида бўлганлиги сабабидан эса улар ўзларининг озиқ-овқату қурол-яроғ ва бўлак анжомларини дарё орқали Фронтенакка жўнатишади. У ерда аслаҳа-анжомларни Онтарио ва бошқа кўллар соҳилида яшовчи ҳиндуларга бўлашиб бериб, турли хил иблисона режаларни амалга ошириб, бош терисини шилиб олишларига имконият яратишади.

— Бизнинг ўша ерда бўлишимиз бундай даҳшатларга чек қўядими?— деб сўради Мабель.

— Эҳтимол шундайдир, балки йўқдир. Лэнди, мана шу қалъанинг қўмондони, французларнинг бир нечта юк кемачасини кўлга тушириш мақсадида Минг Оролга битта бўлинмани жўнатган. Шу пайтгача бор-йўғи ҳиндулар учун ҳарбий аслаҳа юкланган иккитагина юк кемачасини кўлга туширишга муваффақ бўлинди. Лекигин ўтган ҳафтада айғоқчи шунақанги хабарларни топиб келдики, майор ўша бекорхўжаларнинг узил-кесил суробларини тўғрилаб қўйишга қарор берди. Жасперга йўлнинг миридан-сиригача маълум, шунинг учун ҳам биз ишончли кўллар паноҳида бўламиз, сержант эса мулоҳазали ҳамда ўз ишининг Силимдони. Ҳа, у қанчалик эпчилу чапдаст бўлса, ўшанчалик тадбиркор.

¹ Эри — Канаданинг жануби, Онтарио вилоятидаги кўл.

— Бор гап шугинами?— деди Кап нописандлик билан.— Сафар тадоригию аслаха-анжомлар билан таъминлаш тадбирларини кўриб, контрабандачиларга қарши иш кўришга тўғри келар экан-у, бу ишда иштирок этиб, ҳалол йўл минан пул ишлаб олса бўларкан, деган хаёлга борибман. Айтмоқчи, чучук сувларда мукофот пули улашилмасаям кераг-а?

— Нима демоқчисиз ўзи?

— Қирол, афтидан, ҳаммасини ўзи олса кераг-а?

— Бу ҳақда ҳеч нима деёлмайман, мистер Кап. Мен ўқ-доридан ўз улушимни оламан-у, бошқаси билан бўлса ишим йўқ. Дарвоқе, эндиликда мен ҳам ўз хўжалигимга эга бўлмоғим зарур-а...

Изқувар шундай деркан, гарчанд охириги сўзларини қиз эшитганини билиш учун оламдаги жамики нарсани беришга тайёр бўлса ҳамки, Мабелга кўз қирини ташлаб, унинг шу ондаги юз ифодасини кўришга журъат этолмади. Бироқ Мабель бу сўзларнинг асл маъносини хоб-хотирига ҳам қелтирмаганди. У хотиржамгина дарё томонга юзланди. У ерда, куттерда аллақачон ҳаракат бошланганди.

— Жаспер куттерини буёққа олиб чиқмоқчи,— деб қўйди тикилиб турган йўл бошловчи кема саҳнига алланимадир гурсиллаб тушгани эшитилганда.— Ингит шамол аломатини пайқаган ва ундан фойдаланиб қолмоқчи шекилли.

— Балли, ана энди кемада сузишни ўрганадиган бўлдик-да,— деди Кап масхараомуз.— Яхши аскарни мундир тугмаларини юқоридан пастга ёки пастдан юқорига қарата қадашидан билиб олганларидек, лангар кўтаришнинг шунақанги бир усули борки, унга қараб ўша заҳотиёқ ҳаққий денгизчини ажратасан-қўясан.

— Жаспер сизнинг ўша денгизчиларингизга тенг кела оладими-йўқми, билмадим-у, лекигинига у довюрак бола, ўз куттерини қойиллатиб бошқаради, ҳар нечук, кўлда бўлсаям,— деди Изқувар.— Сиз, мистер Кап, чамамда, уни Освего шалоласидан пастга тушаётганда қўполу бесўнақай деб ҳисобламагандингиз чоғи.

Кап ҳеч нима демай, чимирилди. Истеҳком тепасида турганларнинг ҳаммалари куттернинг ҳаракатини диққатла кузатардилар. Атрофда ҳукмрон осудаликка ҳеч нима раҳна солмасди. Кўл сатҳи қуёшнинг сўнгги шуъласида ял-ял ловуларди... «Учқур» бемалол ҳаракатланиш имкони бўлган жойга, дарё қуйилишидан юз ярдлар чамаси юқорироққа ташланган лангарга яқинлашди. Бироқ тик

этган шамолнинг йўқлиги ҳаракатланишига халал бериб, кемани бамисоли тушовлаб қўяётган эди; эшкаклардан фойдаланишга тўғри келди. Лангар кўтарилган замоноқ эшкаклар бараварига сувни кураклаб кетди-ю, куттер дарёнинг ўртасига яқинлаша бошлади. Шу ерга етганда матрослар эшкак эшишни бас қилдилар, «Учқур» оқим кифтида суза кетди. Беш дақиқалардан сўнг қумлоқ саёзликларни ортда қолдирган эди у. Кема токи қўлтиқни пана қилиб турган бурундан чорак миль чамаси олисламагунига қадар қиргоқдан узоқлашаверди. Уша ерга етганда оқим ўз кучини йўқотарди, шу боисдан куттер тўхтади.

— Жуда яхши кемага ўхшайди, тоғажон,— деди «Учқур»дан кўз узмай кузатиб турган Мабель.— Балки сиз унинг жиҳозланиши ва ҳаракатланиш усулидан камчилик топарсиз-у, лекин бу масалада ҳеч ниманинг фаҳм-фарқига бормасам ҳам, у менга ёқпти.

— Шундоқ, шундоқ, қизгинам, у оқим бўйлаб чаққон илгарилаяпти, ҳеч қанақанги пайраҳадан қолишмай сузаяпти. Илло унинг камчилигию нуқсонини топиш учун камини сингари тажрибали денгизчининг кўзойнак тақишига ҳожат йўқ.

— Мен бўлсам, мистер Кап,— деди Жасперни ҳимоя қилишга ҳамиша ҳозир Изқувар,— мен бўлсам кекса ва тажрибали денгизчиларнинг, «Учқур» шу пайтгача сувда сузиб келган энг ажойиб кемалардан биттаси, деганларини неча-неча марта эшитганман. Гарчи бу соҳада бирон ниманинг маънисига етмасам-да, ҳар қалай, куттер ҳақда ўз фикрим бор — албатта, балки, янглиш бўлиши ҳам мумкин; лекигин шунини айтиб қўяй сизга, мистер Кап, ҳеч зор мени, гўё Жаспер ўз куттерини тегишлича батартиб ҳолда тутмайди, деб ишонтиролмади.

— Камини бу куттерни бесўнақай деётганим йўқ-ку, илло унда нуқсонлари бор, бўлганда ҳам катта-катта қурсурлар.

— Хўш, қандай камчиликлар экан, тоғажон? Агарда Жаспер билганида, жон-жон деб тузатган бўлармиди уларни.

— Қандай нуқсонлар дейсанми?.. Э, булар элликдан зиёдроқ-ку... Тўғрироғи, юздан ортиқ, демоқчийдим... Муҳим ҳамда жиддий камчиликлар.

— Кўрсатинг-да ўшаларни, тоғажон! Изқувар ҳаммасини дўстига етказди.

— Кўрсатайми уларни? Айнан беҳисобу бесаноқ бўлгани сабаблидан ҳам юлдузларни санаш осон эмас. Уларни кўрсатинг эмиш-а? Буни қаранг-а! Хўп, суюкли жиян-

чам, мисс Магнит, анави гик¹ ҳақда қандай фикрдасиз? Каминанинг нодону жоҳил кўзларига у лозим бўлганидан ақалли бир фут баландроқ тургандай туюляпти; хўш... шунингдек, байроқча ҳам ўралиб қолган... яна... тагин... ҳа-я, жин урсин, кўриб турибман, унинг шамолга тескари томонидаги марселида² сезень³ осилиб ётипти, шу боис лангар ташланаётганда клюзга⁴ қозиқчалар қадалиб қолгудек бўлса, заррача ажабланмайман. Камчиликлар-а! Э, ҳар қандай денгизчи бу куттерга бир нигоҳ ташлагандаёқ ундан минглаб камчилик топади!

— Эҳтимол ҳаммаси тўғридир-у, тоғажон, лекин Жаспер буни билмаса керак-да. Сиз нима деб ўйлайсиз, Изқувар, у айтилган камчиликларни ҳаммасини тузатар-а, албатта?

— Келинг, куттерининг ғамини Жаспернинг ўзи еяверсин, Мабель, буни унинг ўзига қўйиб бераверинг. Бу иш — унинг бор ҳаёти. Қафолот бераманки, «Учқур»ни ҳеч кимса фронтенаклик французлар ёки уларнинг дўстлари — минглардан йигитчадан яхшироқ асраёлмайди. Мистер Кап, байроқча ўралиб қолса ёки гик бир фут баландроқ бўлса нима қипти, осмон узилиб ерга тушармиди! Муҳими, «Учқур» доимо яхши сузсаю французларга чап бериб кетса бас-да. Бу атрофдаги кўлларда Жаспернинг олдига тушадиган матрос йўқ.

Кап бу гал танқидни тўхтатишга аҳд қилиб, мийиғида, такаббуруна илжайиб қўйди. Шу аснода куттер кўл оқими измида қолганди: муқаррарки, у ҳар томонга ўгирилиб-буриляётган эди. Айни сонияда кливер⁵ни кўтаришган эди, кўл сатҳи бояги-боягидек сокин эканига қарамай, у соҳилдан эсаётган шабададан тезда қаппайди. Ҳаво ҳаракати қанчалик заиф бўлмасин, энгил куттер уни ўз фойдасига ишга солди-ю, бирон дақиқа ўтмаёқ «Учқур» оқимини кесиб ўтаркан, шунчалар энгил ҳамда осойишта илгарилар эдики, баъзан у гўё жойида қимир этмай тургандек кўринарди. Дарё қуйилишидан чиқиб, қалъа жойлашган тепалик сари шитоб-ла суза кетди у. Ўша ерга етганда Жаспер лангар ташлади.

¹ Гик — олдинги учи мачтага тиралган, айланиб турадиган ёғоч тўсин. Елканнинг этаги ана шу гикка сириб, тортиб қўйилади.

² Марсель — қуйидаги иккинчи, марса-реяга боғланадиган чорси елкан. Марса-рея — мачтадаги (пастдан иккинчи) кўндаланг тўсин, чорси елкан ана шунга маҳкамланилади.

³ Сезень — елканни боғлайдиган арқон парчаси.

⁴ Клуз — кеманинг биқинидаги лангар занжири ёки уни боғлаб қўйиладиган арқон ўтадиган туйнук.

⁵ Қливер — қия уч бурчак елкан.

— Қойил!— ўзича гудраниб қўйди Қап.— Чаккиямас. Унига эмас, сал чапроққа бурганида...

— Жаспер — эпчил йигит,— дея қайнағасининг сўзини бўлди ҳозиргина келган сержант Дунгам,— бу сафаримиз муваффақиятли бўлишида унинг маҳоратидан умидвормиз. Қани, юра қолинглар... Йўлга чиқилишига атиги ярим соат вақт қолди. Шай бўлдик дегунимизча қайиққа ўтирамузу — йўлга равона.

Шундан сўнг ҳаммалари сафар тадоригини кўргани жўнадилар. Бўғиқ дўмбира садоси янгради-ю, шу ондаёқ ҳамма ғимирлаб қолди.

У Н У Ч И Н Ч И Б О Б

Бундай кичик бир бўлинманинг жўнаб кетиши кўпдаям ташвиш орттирмасди. Сержант Дунгам бошчилигидаги бўлинма жами ўн нафар оддий аскарару икки кичик офицердан иборат эди. Айтмоқчи, тез орада поручик Мюйрнинг ҳам сафарда қатнашажаги, фақат унинг шунчаки бир кўнгилли сифатида кетаётгани маълум бўлди. Квартирмейстерлик мансаби, у ва бошлиғи ўзаро келишиб олганларидек, бунинг учун етарли баҳона вазифасини ўтаганди. Бундан ташқари, Жаспер ҳамда унинг ихтиёридагиларни (улардан бири балоғатга етмаган ўсмир эди) ҳисобламаганда, бўлинма билан Изқувар ва Қап ҳам йўлга чиқишаётган эди. Жами бўлиб йигирма нафар эркак, шу қаторда ўн тўрт яшар болакаю икки аёл: Мабель билан аскарлардан бирининг хотини.

Сержант Дунгам ўз бўлинмасини эшкакли қайиққа жойлаштириб, охириги йўл-йўриғу буйруқларни олиш ва қайнағаси билан қизини ола кетиш учун қирғоққа қайтди. Сержант Қапга у ва қизи учун ажратилган қайиқни кўрсатиб қўйиб, ўзи Лэнди билан гаплашгани тепаликка кўтарилди. Майор истехком тепасида турарди.

Мабель қайиққа ўтираётганида деярли қош қорайиб бўлганди. Сафарчилар тўппадан-тўғри қирғоқдан қайиққа ўтишди, зотан ҳеч қандай мавжу тўлқиндан асар ҳам йўқ, сувнақ ҳовуздагидек қилт этмасди. Қайиқ қирғоқдан узоқлашаркан, Мабель ўзини шундай улкан кўлда эканини деярли ҳис этмади. Эшкаклар бир неча бор сувни чаллиганда қайиқ куттернинг биқинига етиб келди.

Жаспер ўз саёҳатчиларини кутиб олди, «Учқур»нинг сарни сувдан бор-йўғи икки-уч фут баландда бўлганлиги сабабли кемага чиқиш қийин эмасди. Йигит Мабель би-

лан аскарнинг хотинини уларга ажратилган жойга бошлади.

Мабель қулай ва шинам каютасини кўздан кечираркан, Жаспер ҳаммасини айнан менга ғамхўрлик қилиб мана шундай ҳозирлаб қўйибди, деган хушёқар фикрдан тия олмади ўзини. Ҳеч қанча ўтмай у яна кема саҳнига чиқди. У ерда ҳамма ҳаракатда эди. Одамлар тугуну лашлушларини кўтариб уёқдан-буёққа югуришарди, бироқ тартиб-интизом кўникмаси тезда ҳамма ишни жой-жойига қарор топтирди-қўйди. Куттерда ҳукм сура бошлаган жимжитлик замирида қандайдир бир сирли тантанаворлик яширинганди. Бейхтиёр оқибати хунук тугаши мумкин бўлган содир бўлажак саргузаштлар ҳақдаги ўй-хаёллар бостириб келарди.

Соҳилдаги нарсаларни қоронғиллик ўз чодраси ила чирмай бошлаганди аллақачон. Тез орада бирин-сирин юлдузлар милтиллай бошлади. Кема саҳнида ўлтирган Мабель бир вақтда ҳам кўнгли осойиш толгандек, ҳам қандайдир хавотиргарчиликни ҳис қилаётгандек сезарди ўзини. Одатича ўзининг узун милтиғига таянган Изқувар унинг ёнгинасида турарди. Тобора қуюқлашиб бораётган қоронғиликка қарамай, Мабелнинг кўзига овчининг чехраси аиниқсанги ўйчан кўринди.

— Сиз учун, Изқувар, бундай саёҳат янгилик эмас-у,— деди қиз,— лекин мени атрофимиздагиларнинг индамасликлари ва ташвишли кўринишлари ҳайрон қолдирыпти.

— Сизни бу шунинг учун ҳам ҳайрон қолдирыптики, сиз ҳиндулар билан бўладиган уруш нималигини билмайсиз. Милициямиз сафидаги аскарлар оғизда ботиру амалда жуда ожизлар; бироқ минглар билан тез-тез тўқнашиб турадиган аскар тилни жиловлаш қанчалик фойдали эканини билади. Ўрмонда тилни тия олган қўшин икки барабар кучли, вайсақи қўшин эса икки барабар заифдир. Башарти ҳамма кучу қудрат тилда бўлганида борми, у чоғда юк карвони билан сургалиб келадиган хотин-халаж ҳаммиша ғалаба қилиши тайин эди.

— Лекин биз қўшин ҳам, кейин, ўрмонда ҳам эмасмиз-ку, ахир. «Учқур»да бўла туриб, минглардан қўрқиб ўтириш қанақаси бўлди?

— Бу куттерга командирлик қилишни Жасперга нима учун топширишганини ўзидан сўрасангиз, ушбу саволингизга жавобини оласиз-қўясиз. Башарти мингларнинг табиатини билмаса ёки билсаям билимига ишониб чора-тадбирини кўрмаса, ҳеч бир киши ўзини улардан хавфсирасам ҳам бўлади деб ҳисоблаёлмайди. Такрер айтаман,

бу куттерга қандай қилиб командир бўлиб қолганини Жаспердан бир сўраб кўринг-а...

— Хўш, қандай қилиб командир бўлиб қолган?— Мабелнинг шоша-пиша ва хайрихоҳларча берган бу саволи ҳеч бир нарса дўстининг фойдасига бирон нима дейишдан кўра ортиқроқ ҳаловат бахш эта олмайдиган оқкўнгил суҳбатдошини қувонтириб юборганди.— Унинг ёшида бундай мартабага эришиш — катта шараф.

— Ҳақ гап бу, лекин у шунга муносиб хизмат кўрсатган. Ҳатто бундан ортиқроқ мартабага лойиқроқ хизмат кўрсатиб қўйибди. У кўрсатган жасоратлару совуққонлик эвазига фрегат¹ қўмондонлигини берган чоғларида ҳам хизматлари тўлиқ тақдирланмаган бўларди бари бир. Борди-ю Онтариода фрегатлар сузган тақдирида, улардан бирини берганларида ҳам камлик қиларди, дейман мен.

— Лекин сиз ҳали менга Жаспернинг нима хизмати учун куттерга командирлик лавозимига эришганини айтмадингиз-ку.

— Бунинг тарихи узун, Мабель, иннайкейин, отанғиз, сержант бунга менга қараганда яхшироқ гапириб бериши мумкин. У ўз кўзи билан кўрган, мен бўлсам ўша вақтда йўғийдим... Мен узоқда, разведкада эдим. Ростини айтганда, Жаспер гапга нўноқроқ. Уша иш хусусида сўраб-суриштиришганини тез-тез эшитиб қолардим, шу десангиз, гарчи ажойиб воқеалиги ҳаммага отнинг қашқасидай маълум бўлса-да, ҳеч қачон мундоқ тузук-қуруқ гапириб беролмаган. Ҳа, шундоқ, Жаспер нўноқ ҳикоягўй, бунга энг яқин дўстлари ҳам иқрор. Агар Жаспер «Учқур»ни ақли тез, юраги тап тортиш нималигини билмайдиган одамгина журъат эта оладиган бир усулу ҳаракат билан қутқариб қолмаганида, кема французларнинг қўлига тушиши шубҳасиз экан... Сержант бунга мендан яхшироқ сўзлаб беради. Бирор бўш пайтини топиб, ундан сўраганингиз маъқулийди менга қолса. Жасперни бўлса қийнаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Йигит ҳамма ишни пачавасини чиқаради: у ҳикоя қилишни мутлақо билмайди.

Мабель шу куни кечасиёқ бу воқеа тўғрисида отасидан суриштириб билишни дилига туғиб қўйди; унинг жуда-жуда ўз жасоратларининг уқувсиз солномачиси бўлиши кимса ҳақида мақтов эшитгиси келаётганди.

— Оролларга етиб олганимиздан сўнг «Учқур» биз билан қоладими ёки бизни ўз ҳолимизга ташлаб кетаверадими?— деб сўради қиз, шундай савол бериш ўринли бўлармикин деган хаёлда бирон дақиқа ўйлаб тургач.

¹ Фрегат — уч мачтали елканли ҳарбий кема.

— Шароитга қараб. Бирорта юмуш бор пайтларда Жаспер куттерини бекор турғизиб қўймайди. Лекинига, қайиқда шалола-остоналардан ёки шаршаралардан ўтиш пайтларини истисно қилганда, мени сув деярли жазб этмайди, дейлик, мутлақо қизиқтирмайди, шундоқ бўлгач, бу хусусда бирон нима дейишим маҳол. Фақат шу нарсага имоним комилки, қуруқликда изларни топишга делавар қанчалик уста бўлса, Онтариода Жаспер ўшанчалик моҳир.

— Изқувар, нимага ҳозир делавар ошнализ, Улкан Илон биз билан бирга эмас?

— Ундан кўра; Изқувар, сиз нимага бу ердасиз, деб сўраганингиз маъқулиди. Илон ўз жойида, мен эсам ўз жойимдаман; у икки ёки уч ўртоқ билан соҳил бўйлаб разведкага жўнаган, оролларда бизга қўшилади ва йиққан маълумотларини хабар қилади. Илон ўз ишини яхши билади, душманга қарши борар экан, орқа томонини ҳам унутмайди.

— Сиз уёқда душман билан бетма-бет келамиз деб ўйлайсизми?— деб сўради Мабель кулиб. Қиз сафарларининг хавfli томонлари ҳам бор эканини хаёлидан кечираркан, биринчи марта хиёлгина безовталиқ ҳиссини туйганди.— Бундан чиқди, тўқнашувни кутиш керак экан-да?

— Мабодо тўқнашув бўладиган бўлса, Мабель, бажонидил сиз билан хавфу хатар орасига кўксини қалқон қилишга тайёр одамлар топилади. Асло жанг ваҳимасини қилмай, хотиржам ухлайверинг.

— Бу ерда, ўрмонзорлар ичра мен ўзимни шаҳардагидан дадилроқ сезаман.

— Жудаям онангизга ўхшаркансиз, Мабель. «Изқувар,— дерди менга сержант,— кўрасан ҳали, қизим ҳамма жиҳатдан онасига ўхшайди. У йиғлоқи, асаби заиф қизларданмас; одам бор кучини жамлаб ишга солиши зарур бўлиб турган пайтда йиғи-сиғи қилиб таъбни хира торттириб, авзойни бузмайди. Аксинча, хавф-хатарли дамларда эрига далда бериб, руҳини кўтаради». Ана шундоқ дерди у менга, ўша кезларда сизни лоақал бирор мартаям кўрмагандим...

— Изқувар, отам бу гапларни нега айтарди?— деб сўради қиз.— Балки у, агарда ўзини ҳуркак қилиб кўрсатишни яхши кўрадиган кўпчилик аёлларга ўхшаган кўркак заифа эмаслигимни билиб қўйсангиз мен тўғримда яхши фикрда бўларсиз деб ўйлагандир-да, а?

Савол Изқуварни ниҳоятда хижолатга солиб қўйди. Қандайдир савқи табий (ўзи ҳам кўлда бунинг маъни-

сизга сзмаётганди) бор ҳақиқатни тўғридан-тўғри тўкиб солиш ножоиз эканини айтиб турарди унга. Ҳақиқатини яшириш эса қўлидан келмасди. Ана шу боисдан ҳам у мубҳам, чалкаш жавоб бера бошлади.

— Шунини билиб қўйишингиз керакки, Мабель,— деди у,— сержант билан эски қадрдонлармиз; талай жангларда, қонли жанглар, шафқатсизларча хунрезликларда елкама-елка олишганмиз, ёки, ҳақиқа кўчадиган бўлсак, жудаям унақанги елкама-елка эмас: мен бевосита мунтазам қўшинлар сафида бўлмаган бир изтопарга муносиб тарзда бирмунча олдинроқда, сизнинг отангиз эса қироллик қўшинлари сержанти бурчи тақозоси билан ўз аскарлари сафи олдида жанг қилганмиз. Биз, дабдурустан ҳамлага ташланиб иш кўрувчилар, яроғлар овози тингани заҳотиёқ жангни унутамиз-у, кечаси гулхан ёнида ёхуд йўл юриб кета туриб, худди бирпас кулишиб-чақчақлашиб олиш учун тўпланганларингда дил хуфияхонасидаги кўнгил розларидан гаплашадиган сиз қизларга ўхшаб, оламда ўзимиз учун энг азиз нарсалар устида суҳбатлашамиз, Сиздай қизи бор сержантнинг ўз нурийдасини оламдаги жамики нарсадан ортиқроқ кўриши ва фарзанди тўғрисида ҳаммасидан ҳам кўпроқ гапиришини тушунишнинг ҳеч қанақанги қийин жойи йўқ. Менинг бўлса на қизим, на эгачи-синглим, на онам, на қон-қардошим, на ёр-биродарим бор, делавардан бўлак меҳр қўядиган кимсам йўқ, шу боисдан ҳам отангизнинг гапларини жон қулоғим билан тинглай-тинглай... оқибатда, ўзингизни кўрмай турибоқ севиб қолдим сизни, Мабель... Ҳа-ҳа, Мабель, яхши кўриб қолдим, сабабки, шунчалик кўп эшитганман сиз тўғрингизда...

— Ҳўш, энди, мени кўрганингиздан кейин-чи?— деб сўради қиз эмин-эркин ҳамда самимий табассум-ла. Изқуварнинг сўзини оталик ёхуд акалик меҳри ифодаси сифатида қабул этганди у.— Эндиликда ўзини кўрмай туриб, эшитибгина бировга нисбатан дўстона меҳр қўйиш номаъқул иш эканини тушунган бўлсангиз керак-а?

— Дўстона эмас... йўқ, Мабель, мен сизга нисбатан дўстона меҳрни айтмаяпман, Мен делаварларнинг дўстиман, дўст бўлгандаям нақ болалигимданоқ, лекигин уларга, улардан энг яхшисига нисбатан бўлган туйғуларим сержантнинг ҳикоялари давомида сизга нисбатан туғилган туйғулардан мутлақо бошқача, сизни яқиндан таниганимдан буёнги ҳисларимдан бутунлай бўлакча. Гоҳо миямга мутасил йўл бошловчилик, разведкачилик ва ҳаттоки аскарлик хизмат-вазифаси билан банд бўлган одамнинг аёлга,

айниқсанги ёш қизга кўнгил қўйиши яхшиямас; бу нарса унинг ташаббускорлигу серғайратлилик руҳини бўшаштириб, одатий машғулотидан чалғитиб қўйиши мумкин, деган фикр келди.

— Сиз, Изқувар, қиз бола билан дўстлашиш жасоратимни бўшаётгиреди, французлар билан илгаригидек бажону дил, иштиқ-ла тўқнашмасликка мажбур этади, демоқчи эмасдирсиз, албатта?

— Йўқ-йўқ, асло! Борди-ю, масалан, сиз хавфу хатарда қоладиган бўлсангиз, фақат биргина нарсадан — менинг жасоратим ақл-хушимни йўқотар даражага бориб етмасмикин деб қўрқаман. Аммо-лекин сиз билан бундай яқиндан танишгуниimizга қадар, — энди бемалол айта оламан бунини, — ўз разведкачилигим, сайру сафарларим, пистирмаю жанглар ва бўлак саргузаштларим устида ўй-хаёл суришни яхши кўрардим: энди буларнинг бари аллақачон қизиқтирмай қўйди. Негадир казармалар, оқшом суҳбатлари, адовату ғанимлик ҳамда қирғинбаротга заррача алоқаси йўқ нарсалар хусусида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолдим. Қулоқларим остида қўнғироқдай аёллар кулгусею шўх-шодон ҳамда нафису майин овозлар жаранглайди, кўзларим ёқимтой чехралару хиромон рафторларни илғай бошлади... Баъзан сержантга, қизинг икковинглар чегарадаги энг олди ва энг тажрибали разведкачини бузадиган бўлдинглар-да, деб қўяман...

— Сираям ундоқмас, Изқувар. Улар шундоқ ҳам ўз ишининг тажрибакори бўлган кишининг янаям камолга етишига кўмак беришга ҳаракат қилишади. Башарти сиз бирор ўзгаришни кўришни истайди булар деб ўйласангиз, бизни яхши билмас экансиз, ўшандоқлигингизча қолинг; доворак, билимдон, тўлиқ ишончга сазовор йўл бошловчи, ростгўю ҳалол — шундай қолинг; на отам, на мен сиз ҳақингизда бундан ўзгача фикрга бормаймиз ҳеч қачон.

Бу орада бутунлай қош қорайган, шунинг учун Мабель Изқуварнинг қалбида нимадир содир бўлаётганини унинг юз ифодасидан ўқиб ололмасди. Шунга қарамай қиз овчига тикилиб турар, у билан қизишиб, очиқ-ошкора сўзлашаётган эди. Бу ҳол қизнинг сўзлари самимий эканлигини, унинг заррача бўлсин хижолат чекмаётганини янада кўпроқ исботларди. Тўғри, бетига қирмизи қон югурганди-ю, бироқ томири бояги-боягидек бир маромда тепмоқда эди. Одатда қалбда уйғонган севги билан эгизак ҳаяжон ҳиссини пайқаш маҳол эди қиз вужудида.

Изқувар мазкур жабҳада ҳаддан зиёд даражада тажрибасиз бўлиб, бунақанги нарсанинг фарқи-тафовутига

бормасди; қиз сўзларининг содда-самимийлигию сеҳри-қуввати овчига далда берди, кўнглини кўтариб юборди. Унинг сўзлагиси келмади ёки бошқа гапиролмади (шундай деган маъқулроқ) ва нарирөққа юрди. У милтиққа таянган кўйи, чуқур ўйга толганча бир неча дақиқа юлдузларга тикилиб қолди.

Бу аснода майор Лэнди билан сержант қалъа истеҳкоми тепасида суҳбатлашаётган эдилар.

— Жангчиларнинг тўрваларини кўздан кечириб чиқдингизми?— деб сўради майор Дункан сержант қўлига тутқизган ахборотга кўз ташлаб қўйиб, қоронғида ўқий олмагач.

— Худди шундай, жаноблари, ҳаммаси жойида.

— Анжомлару яроғ-аслаҳалар-чи?

— Ҳаммаси тегишли тарзда бадастир, майор Дункан, ҳозир ишга тушгундай шай.

— Ишончли одамларни олиб кетяпсизми?

— Беистисно ҳаммаларини, сэр. Бутун полкдан булардан яхшироғини топиб бўлмайди.

— Сизга энг сара аскарлар керак, сержант. Мени бу ишнинг тўлиқ муваффақиятли чиқишига ишонтирган уч прапорщик бошчилигида уч карра уриниб кўрдиг-у, шунга қарамай уддалаёлмадик. Шунчалик ташвиш орттирган ва шунчалик чиқимга тушган режани бутунлай бир чеккага йиғиштириб қўйишни истамасдим; бироқ, шунга қарамай, бу галгиси охирги уриниб кўриш, муваффақиятли чиқиши эса асосан сиз билан Изқуварга боғлиқ.

— Икковимизга бемалол ишонишингиз мумкин, майор Дункан. Изқувар ҳеч бир ишда дол қолдирмайди.

— Унга буткул ишонса бўлади. У гоятда ажойиб одам, Дунгам. Мен уни узоқ тушунолмай юрдим. Эндиликда уни жуда яхши биламан ва олий ҳазратлари хизматидаги талайгина генераллардан кўра кўпроқ ҳурмат қиламан.

— Умид қиламанки, сэр, Изқувар билан қизимнинг бошини қовуштириб қўйиш режамни маъқулларсиз?

— Бу хусусда, сержант, сабр қилайлик, вақти-соати билан бир гап бўлар,— қарши чиқди Лэнди кулиб; Дунгамнинг эса қоронғида унинг жилмайишини пайқамаслиги аниқ эди.— Кўпинча бутун бошли полкни бошқаришга қараганда битта хотинни бошқариш қийинроқ бўлади. Ҳа, айтмоқчи, хабаринг борми, сенга куёв бўлиш пайига тушган квартирмейстер ҳам сизлар билан бирга кетаётибди-я? Ишонаманки, қизингнинг кўнглини топиб, илтифотига сазовор бўлишига унга ҳам имкон берарсан-а?

— Агарда унинг мансаб-унвони олдидаги бурчим шуни

талаб этмаган тақдирда ҳам, сизнинг хоҳишингизни ўзига кифоя эди, сэр.

— Раҳмат, сержант. Фикримга тушуняпсан, сендан фақат бир нарсани, Дэви Мюйрни афзал билмай, унинг ҳаракат қилишига имкон беришингни илтимос қиламан, холос. Ишқ-муҳаббат бобида, худди урушдагидек, ғалаба қилиш одамнинг ўзига боғлиқ... Албатта озиқ-овқат заҳирасини тегишли тарзда ҳисоблаб чиққандирсизлар?

— Мен бунга жавобгарман, майор; дарвоқе, бундай бўлмаган тақдирда ҳам, ҳар ҳолда Изқувар ва Илондек икки овчи билан озиқ-овқат масаласида муҳтожлик сезмасак керак.

— Қани айт-чи, анави Жаспер Еау доусенинг маҳорати борасида шубҳанг йўқми ўзи?

— Йигитча исботлади буни, сэр, ундан ниманики кутсак, жамини удалашга қодир.

— Унинг оти французча, кейин, ярим болалик даври французлар мустамлакаларида ўтган. Унинг томирида француз қони йўқмикин, сержант?

— Бирор томчи ҳам, жаноблари. Жаспернинг отаси эски қадрдоним эди.

— Унда нега французлар орасида шунча узоқ туриб қолган? Еау доусе лақабини қаердан орттирган? Яна, эшитишимча, у Канада тилида ҳам гаплашармиш.

— Буни осонгина тушунтириш мумкин, майор Дункан. Бола олдинги уруш қатнашчиси бўлмиш инглиз денгизчиси назоратида қолдирилган-у, худди ўрдакдек сувни яхши кўриб қолган. Жанобларига аёнки, Онтарионинг бизга қарашли соҳилида, аслини олганда, кемалар турадиган бандаргоҳ йўқ; шу сабабдан ҳам Жаспер, табиийки, кўп вақтини французлар беш-ўн йил олдин кемачилик билан шуғуллана бошлаган нариги соҳилда ўтказган; тилни ҳам ўша ёқда аста-секин ўрганиб олган. Лақабни бўлса унга канадалик ҳиндулар беришган.

— Ҳар қалай француз ўқитувчи британиялик денгизчи учун бўлмағур устоздир.

— Афв этасиз, сэр, Жаспер Чучук Сув маҳоратини асл инглиз денгизчисидан, қироллик байроғи остида сузган ва ўз ишининг устаси бўлмиш кимса, мустамлакада туғулган бир одамдан ўрганган, иннайкейин, ишонаманки, бунинг зарари тегмаган бўлса керак унга.

— Эҳтимол ундай эмасдир, сержант, бироқ яхшироқ ҳам бўлиб қолмагандир бундан. Очигини айтганда, бу Жаспер ўзини ибрат олгундек тутяпти, кейин, «Учқур»га командирлик қилишни топширганимдан берига ҳеч ким

Ўзини учалик мардона ҳамда ундан яхшироқ тутгани ҳам йўқ...

— Жасурроқ ҳам, майор Дункан. Таассуфки, сэр, сиз худди Жаспернинг садоқатидан шубҳаланаётган кўрина-сиз.

— Шундай олис ҳамда муҳим маррани қўриқлаш зим-масига юкланган жангчиларнинг бурчи ҳеч қачон ўз ҳуш-ёрлигини бўшаштирмасликдир, Дунгам. Бизнинг иккита ниҳоятда маккор душманамиз бор — ҳиндулар ва фран-цузлар. Бизга зиён келтириши мумкин бўлган нарсага бармоқ орасидан қараш ярамайди.

— Бу сафарга бошчилик қилиш шарафини ростки мен-га муносиб кўрган экансиз, майор, унда каминани ишон-чингизга сазовор санаб, Жасперга нисбатан сизни шубҳа-га солаётган сабаблардан хабардор қилинг-да, ахир.

— Менга етиб келган биттагина маълумот илгариги бутун фикрларимни остин-устун қилиб юборди. Яқинда но-маълум бир кимсадан хат олдим, унда Жаспер Уэстерндан ёки Жаспер Чучук Сув деб аталадиган одамдан эҳтиёт бўлишни маслаҳат беришибди; яна унинг душманга со-тилганини, кейин мени батафсилроқ ҳамда аниқроқ хабар-дор этишни ваъда қилишибди қўшимчасига.

— Ҳарбий ҳолат пайтларида имзосиз хатларга эъти-бор беришнинг ҳолати йўқ, сэр.

— Шунингдек, тинчлик пайтида ҳам, Дунгам. Имзосиз хат битадиганлар тўғрисида ҳеч ким менчалик ёмон фикр-да бўлмаса керак: бу нақ қўрқоқлик, пасткашлик ва қа-боҳатни тасдиқловчи далилу исботнинг ўзгинаси; аксар ҳолда бу хиёнаткорлик ва бўлак қусурларнинг далолати-дир. Аммо ҳарбий ишда ҳамма нарсага ўзгача кўз билан қарашга тўғри келади. Боз устига менга бир нечта шуб-ҳали ҳолатни шама қилиб ўтишибди.

— Шундай гапларни ўз қўл остидаги одамга гапириш жоизми, муҳтарам жаноблари?

— Ҳа, башарти сенга ишонганимдек ишонадиган одам бўлса, Дунгам. Менга, масалан, шундай деб ёзишибди, гўёки ирокезлар қизинг билан унинг ҳамроҳларини менинг Жасперга бўлган ишончимни орттириш мақсадида жўрт-тага ўтказиб юборишган эмиш. Яна, Фронтенакдагилар кут-терни сержант ва унинг бўлинмаси билан қўлга тушириб, кўпдан ўйлаб қўйган режаларимизни барбод қилишни навқирон қиз ва тоғасининг бош терисини қўлга киритиш-дан чандон бора муҳимроқ... — эшитяпсанми? — чандон бо-ра муҳимроқ деб ҳисоблашларини ёзишибди.

— Бу шамага тушуниб турибман-у, сэр, локин бирор-

та сўзига ҳам ишонмайман. Агарда Жаспернинг ҳалоллиги шубҳа туғдирадиган бўлса, унда Изқуварга ҳам ишониш мумкин эмас; йўл бошловчига келганда эса, сиздан шубҳаланишим қанчалик ноўрин бўлса, ундан ҳам гумонсирашим шунчалик ноҳўя, майор.

— Гапингга қўшиламан, аммо Жаспер — бу Изқувар эмас, кейин, тан оламан, башарти у француз тилида сўзлашмаганида эди, ҳар ҳолда йигитчага кўпроқ ишонган бўлармидим.

— Наздимда, бу ҳам дуруст далил-далолат эмаску-я, локин, сизни ишонтириб айтаманки, йигитча заруратдан ўрганган бу тилни. Шу боисдан уни бунинг учун шошқалоқлик билан айблашнинг ҳожати йўқ.

— Менимча, бу ғоятда ярамас тил, ҳеч ким ҳеч қачон унда гаплашиб барака топган эмас... бирорта британ фуқароси, демоқчиман. Французларга келганда эса, рост, қандайдир тилда сўзлашишлари керак-да, ахир. Шундоқ, башарти француз тилида гаплашмаганида Жасперга кўпроқ ишонган бўлардим. Хулласи калом, бу хат ғулғула солиб қўйди дилимга, борди-ю куттерни топширса бўладиган одам топилганида, Жасперни биронта баҳона билан бу ерда олиб қолардим. Сенга қайноғанг ҳақида гапиргандай бўлгандим чоғи? Ахир у денгизчи-ку, тўғриямасми?

— Ҳақиқий денгизчи, муҳтарам жаноблари, локин чучук сувга нисбатан нотўғри фикрда у. Кўлда кема бошқаришга кўникиши даргумон-ов; бунинг устига у бизни кўзланган манзилга етказиб боролмайди.

— Бўлиши мумкин; бундан ташқари, у бу хиёнаткор кўлда сузиш қанчалик машаққатли эканини ҳам билмайди. Дунгам, сен ҳушёрликни икки қарра оширишинг лозим. Қулоқ сол, сержант: сенга тўлиқ ҳуқуқ бераман, борди-ю Жасперни хоинлигини фош қилгудек бўлсанг, дарҳол жазосини беришинг керак.

— У қирол хизматидаги одам, муҳтарам жаноблари, шундоқ экан, фақат ҳарбий суд жазолай олади-ку уни.

— Ҳақ гап. Хўш, у ҳолда, сен уни кишанбанд қилиб, ўз куттерида буёққа жўнатишинг керак. Минг Оролга етиб борганидан кейин қайноғанг куттерни орқага қайтариб келишнинг уйдасидан чиқа олар дейман.

— Шубҳам йўқки, майор Дункан, гарчи йигитчанинг содиқ эканлигига сира тап тортмай жонимни тикиб кафолат беришга тайёрман деб ўйласам-да, агарда Жаспернинг сиз гумон қилаётган нарсада чиндан айбдорлиги аниқ-

ланса, қайноғам икковимиз нимаики зарур бўлса, барини бажарамиз.

— Сенинг ишончинг ёқяпти менга, бу ҳам йигитчанинг фойдаси... Лекин анави лаънати хатни айтмайсанми! Унда ҳаммаси чинга ўхшайди, унда ҳақиқатга яқин шама-ишоралар бор...

— Локин ўзингиз, муҳтарам жаноблари, хатнинг остида имзо йўқ деб айтдингиз-ку. Ҳалол, диёнатли одам учун катта хато бўлурди бу.

— Сен ҳақсан, Дунгам, ёлғиз аблаҳ, устига-устак қуён-юрак аблаҳ одамгина хусусий ҳаётга алоқадор имзосиз хат ёзишга журъат этади. Лекин уруш пайтида аҳвол бошқача. Бунда ёлғон-яшиқ мактубу ахборотлар ҳам, бўлак найранглар ҳам ўринли деб саналиб, инобатга олинади.

— Ҳа, ҳарбий... истасангиз — жасурона найранглар, сэр. Айтайлик, пистирма, тўсатдан хужум қилиш, ёлғондакам ҳамлага ўтиш ва ҳатто жосуслик ҳам. Локин мен ҳақиқий одамнинг ҳалол бир йигитчани орқаворатдан, тағин мана шундай йўл билан бадном қилишга ботинганини сира эшитган эмасман.

— Ўрнимда мен ғалати-ғалати ҳодисаларнинг гувоҳи бўлганман ва ғаройиб одамларни учратганман... Дарвоқе, саломат бўл, сержант, сени ортиқ тутиб турмайман. Узил-кесил тайёрланиб бўлдингларми ўзи? Утинаман сендан, ниҳоятда сергагу ҳушёр бўл. Чамамда, Мюйр тез орада истеъфога чиқадиган кўринади, шундоқ экан, агарда сафарни муваффақиятли тугатсанг, бор кучу ғайратимни унинг ўрнини эгаллашингга сарф қилишга қаратаман, ушбу лавозимни эгаллашга талайгина ҳақ-ҳуқуқинг бор сени.

— Ташаккур сизга, майор Дункан, — совуққина жавоб қилди йигирма йил мобайнида бунақанги ваъдаларга ўрганиб кетган кекса сержант. — Тақдирнинг шу берганига ҳам шукур қиламан.

— Замбаракни унутганинг йўқми ишқилиб?

— Жаспер бугун эрталабоқ кемага ортиб қўйган уни, сэр.

— Эс-ҳушингни йиғин-да, ҳожати бўлса-бўлмаса, ортиқча ишонавермагин унга. Изқуварни ўзингга ишончли сирдош қилиб олгин. Бизга фойдаси тегиши мумкин унинг.

— Унинг учун ўз бошим билан жавоб бераман, ҳатто унвон-мансабим билан ҳам. Изқуварни шунчалик яхши биламанки, ундан шубҳаланишни хаёлимга ҳам келтиролмайман.

— Жамики ҳис-туйғулар ичида кишига энг азоб бера-

дигани — ноилож ишонишга мажбур бўлган одамингга дахлдор шубҳадир... Қуролларингга чақмоқтошдан ғамлаб олдингларми?

— Бунақанги майда-чуйда ишларни кекса сержантга бемалол ишонаверишингиз мумкин, мухтарам жаноблари.

— Хўп, қўлни ташла бўлмаса, Дунгам. Ишинг ўнгидан келсин. Мюйр, ҳозир айтганимдек, истеъфога чиқмоқчи... Биласанми, сенга йўл-йўлакай яна нима демоқчилигимни? Қизингни кўнглини топишга уринишига халақит бермасанг. Бу никоҳ сенинг мартабанг ўсишини енгиллаштирадн.

— Имоним комилки, қизим ақл-фаросат билан танлайди қаллиқни, кейин, ўйлашимча у аллақачон Изкуварнинг фойдасига ҳал қилган бу ишни.

— Аслаҳа-анжомларни яхшилаб кўздан кечир, қирғоққа тушган заҳотларингоч шамоллатишни буюргин. Кўлда нам тортиб қолиши мумкин. Яна бир карра хайр, сержант! Жасперга кўз-қулоқ бўл, қийин аҳволга тушиб қолинадиган бўлинса Мюйр билан келишиб иш кўришга ҳаракат қилгин. Умид қиламанки, бир ойдан сўнг ғалаба билан қайтасан.

Сержант бошлиғининг узатган қўлини сиқди, улар ниҳоят ажралишди. Лэнди ўзининг кўчма уйчасига жўнади; сержант қалъадан чиқиб, қирғоққа тушди-да, қайиққа ўтирди.

Дунгам ўз бошлиғи билан хайрлашгач, эшитган шубҳа-гумонларини унутмади. Сержант Жаспер тўғрисида жуда яхши фикрда эди, бироқ майорнинг гаплари ҳазилакам ташвишга солиб қўймаганди уни. Сержант илгариги ишончию зиммасига юкланган масъулият ҳисси ўртасида тараддулланиб қолган эди. У ҳамма иш ўзининг сергақлиғига боғлиқ эканини ҳис этган ҳолда «Учқур» саҳнига кўтарилар экан, шундай бир кайфиятда эдиким, заррача шубҳали туюлган ҳолат унинг назаридан қочиб қутулолмас, навқирон денгизчининг тариқчалик ғайриоддий ҳаракати эътиборидан четда қололмасди.

«Учқур» сержант ўтирган қайиқ қирғоқдан жилган заҳотиёқ лангар кўтарди, зотан ёлғиз унинггина кутишаётган эди: Куттернинг тумшуги машриқ ёққа юзланганди. Ҳалиҳануз шамол турганича йўғийди. Куёш ботар палласида кўл томондан сезилар-сезилмас уфурган майинггина ҳаво нафаси тақа-тақ тинган эди.

Куттерда ғайриодатий жимжитлик ҳукмрон эди. Сафарчиларнинг аксарияти сукут сақлашарди: башарти кимдир гапираётган бўлса ҳам, бир-икки оғизгина, шундаям

шивирлаб сўзларди. Дарё оқими суриб бораётган куттер аста соҳилдан узоқлашарди. Сўнгра у соҳилдан турадиган шамолни кутиб қимир этмай қолди. Орадан ярим соат ўтди. Сержант Дунгам, қизи ва унинг ҳамроҳи кема саҳчида туришганига ишонч ҳосил қилгач, Изқуварни орқа каютага бошлади. Эшикни яхшилаб беркитиб, гапига ҳеч ким яшириқча қулоқ сола олмаслигига қаноат ҳосил қилгач, шундай деди у:

— Дўстим, ўрмонлардаги машаққат ва хавфу хатарни мен билан баҳам кўра бошлаганингдан берига аллақанча йиллар ўтиб кетди...

— Шундоқ, сержант, шундоқ. Гоҳо-гоҳо сен билан биргаликда французларнинг додини бериб юрган кезларимизда ҳали дунёга келмаган Мабелга хийла қарилик қилмасмиканман деб кўрқаман.

— Кўрқма, Изқувар. Онасини яхши кўриб қолганимда мен ҳам худди сен тенги эдим; Мабель бўлса, ўзинг биласанки, оғир-вазмин, мулоҳазали қиз, унинг учун энг муҳими одамни хулқ-атвори, албатта. Масалан, Жаспер Чучук Сувга ўхшаган ўспирин, ёшу келишган бўлишига қарамай, унга ҳеч қачон ёқмаслиги мумкин.

— Ие, ҳали Жаспернинг уйланиш нияти ҳам борми?— деб сўради Изқувар.

— Умид қиламанки, йўқ. У ҳали бунга муносиб эканлигини исбот қилиши керак.

— Жаспер олижаноб ва истеъдодли йигитча. Ҳар қандай бошқа йигит, сингари унинг ҳам уйланиш ҳақида ўйлашга ҳаққи бор.

— Сенга очиқчасига, тўппа-тўғри айтиб қўя қолай, Изқувар: мен сени бу ерга ана шу азамат хусусида гаплашгани бошлаб келдим. Майор Дункан, Чучук Сув бизни лақиллатиб юрибди, уни душманлар сотиб олган, деган шубҳа туғдирадиган маълумот олибди. Мен сенинг шу тўғридаги фикрингни эшитмоқчиман.

— Нима-нима?

— Мен сенга, майор Дункан Жасперни хоин, французларнинг жосуси, бизни лақиллатиб кетиш мақсадида душманларга сотилган деган шубҳага боряпти. Майор шу маънода хат олибди, шунинг учун ундан кўз узмасликни тайинлади менга. Биласанми, Лэнди бизни, ишқилиб Жаспернинг марҳамати билан «ҳа» йўқ, «бе» йўқ, қўққисдан душманга рўпара бўлиб қолишмасайди, деб чўцияпти.

— Дункан Лэнди, сенга ўз оғзи билан шундай дедими, сержант Дунгам?

— Ҳа, шундай деди у, Изқувар! Жаспер ҳақида ёмон

ўйга боргим йўқку-я, лекин кўнглимга нимадир шубҳа солаётгандай. Дўстим, айт-чи, кўнгил сезишига ишонасанми сен?

— Нимага ишонасанми дединг, сержант?

— Кўнглимга келишига. Бу бўлажак ҳодисаларни яширинча, ички туйғу билан олдиндан кўра билишнинг бир тури. Полкимиздаги шотландлар бунга ишонишади. Жаспер тўғрисидаги фикрим шунчалик тез ўзгарди-қолдики, ўша миш-мишларда ростдан ҳам ҳақиқат йўқмикан, деб чўчий бошладим.

— Дункан Лэнди билан Жаспер тўғрисида гаплашибсан-у, унинг сўзлари сенинг кўнглимга ўша сезгини уйғотибди-да.

— Ундаймас, жудаям унчалик эмас. Майор билан гаплашаётганимда ҳис-туйғум бутунлай бошқача эди. Кучим борича уни Жасперга нисбатан фикри ноҳақ эканига ишонтиришга ҳаракат қилдим. Лекин мана энди, дарҳақиқат шубҳалангани биронта асос бўлса-я, деб кўрқяман.

— Сержант, кўнгил сезиши нималигини билмайман-у, лекигин Жаспер Чучук Сувни нақ гўдаклик чоқларидан биладан ва унинг софлигига худди ўзимнинг ёки Улкан Илоннинг софлигига ишонгандек ишонаман.

— Локинига Илон пистирма қўйишнинг моҳир устаси, иннайкейин, уруш пайтида алдамчиликда ҳеч кимдан қолишмайди-ку.

— Унинг табиати шунақа, сержант, қўй-чи, бутун қабиласи шунақа ўзи. На қизил танли, на оқ юзли ўз табиатини ўзгартира олади. Лекигин Чингачгук унақанги кўнглимга аллақандай сезги соладиган одам эмас.

— Ишонаман бунга, э буёғини сўрасанг, бугун эрта-лаб ҳам Жаспер ҳақида ҳеч қанақанги ёмон хаёл хобихотиримга келмаганди. Лекин шу сезги кўнглимга ғашлик солганидан кейин, назаримда, Жаспернинг кема саҳнида юриши ҳам худди қандайдир бошқачароқ, қандайдир илгаригига ўхшамайдигандай туюляпти, гўёки виждонини огир тош босиб ётган гуноҳкор одам сийғари индамас, ўйчан.

— Жаспер ҳеч қачон сергапу шанги бўлганмас, иннайкейин, у менга, сузиб бораётганида шовқин соладиган кема — кема эмас, дерди. Мистер Кап ҳам қўшилганди бу гапга... Йўқ-йўқ, токи исбот-далилини ўз кўзим билан кўрмагунимча Жаспер тўғрисидаги ҳеч қанақанги бўлмағур миш-мишга ишонмайман. Қайноғангизни чақиртиринг, сержант, ундан шу ҳақда сўраб кўрамиз, зероки дилда дўст-

га нисбатан шубҳа билан ўринга ётиш юракка қадалган кўрғошин билан ётиш деганнинг ўзгинаси. Сизнинг ўша кўнглингиз сезгисига сира-сира ишонгим йўқ.

Гарчи оқибати нимага олиб боришини билмаса-да, сержант ушбу талабга кўнди-ю, Кап кенгаш даврасига келиб қўшилди. Биринчи бўлиб Изқувар гап бошлади.

— Мистер Кап, сизни бу ерга таклиф қилишдан муродимиз, бугун кечқурун Жаспернинг ўзини тутишида бирон-бир одатдагидан бошқачароқ ҳаракатни пайқамадигизми, деб сўрамоқчи эдик.

— Чучук сувда эканимизни эътиборга олсак, каминанинг кема бошқаришида ҳеч қанақанги фавқулодда нарсани кўрмаяпман, мистер Изқувар, илло лангар кўтараётганда қондага хилоф тарзда бир талай хатоларга йўл қўйди.

— Тўғри-тўғри, куттерни бошқариш усули борасида у билан асло келишолмаслигингизни биламиз, биз бўлак нарса хусусида фикрингизни сўраяпмиз.

Шундан сўнг Изқувар Капга сержантнинг шубҳаси, бу шубҳанинг қандай туғилгани-ю, ҳатто майор Дункан олган хатгача гапириб берди.

— Ёнгитча французчада валақлаша олади денг?

— Айтишларича, у французчада керагидан кўра ҳйла яхшироқ тиллаша оларкан,— дея жавоб қилди сержант жиддий.— Изқувар бу гап тўғри эканлигини билади.

— Мен буни инкор этиб ўтирмайман,— жавоб қайтарди йўл бошловчи,— ҳеч бўлмаганда, бу гапни ҳаммадан эшитганман. Лекигин бу нарса Жаспердай одамга зигирчалик ҳам шубҳа кўланкасини ташлаёлмайди. Мана мен ўзим мингларнинг тилида гаплаша оламан, ўша дайдиларга асир тушиб қолганимда ўрганганман, аммо мени ким ўшаларнинг дўсти дейди, ахир?

— Ҳаммаси тўғри, Изқувар, бироқ Жаспер французчани асриликда ўрганмаган, бу тилда у болалигидан, гўдак таассуротларни осонгина ўзлаштирадиган ва асосий тушунчага эга бўладиган, хулқ-атвори шаклланадиган пайтлариданоқ гаплаша бошлаган.

— Мутлақо адолатли мулоҳаза,— илова қилди Кап.— Бу айнан биз катехизис¹ ва бўлак насиҳатномаю ибратномаларни ўқиб-ўрганадирган ёшдир. Сержантнинг сўзлари унинг инсон табиатини тушунишидан далолат беради ва мен куёвимнинг гапига тамоман қўшиламан. Ҳа, ўзи шу-

¹ Катехизис — христиан диний ақидалари савол-жавоб тарзида қисқача баён қилинган китоб.

дай бир кўлмакда сузадиган, қўшимчасига французча сўзлашадиган шоввоздан бирор маънили нарсани кутиб бўлармиди.

— Жаспер нариги соҳилдагилар билан французчалаб гаплашмаса, қайси тилда гаплашади ахир,— деди йўл бошловчи.— Ёки уёқдагилар бошқа тилда гаплашмаганликлари учун умуман оғзини очмай қўя қолсинми?

— Тагин мени, Изқувар, Франция нариги соҳилга жойлашган деб ишонтириш хаёлида эмасмисиз?— деди Қап бош бармоғи ила елкаси оша Канада томонни кўрсатиб.— Наҳотки мана шу чучук сувли кўлмакнинг бир ёғида Йорк, иккинчи ёғида эса Франция жойлашган бўлса? .

— Мен сизга бу томонда Йорк, нариги томонда бўлса Юқори Канада, демоқчиман; буёқда инглизча, голландча гаплашадилар, уёқда эса — французча билан ҳиндулар тилида. Ҳатто минглар ҳам бир нечта французча сўзни ўрганиб олишган, хўш деганимиздан, бу билан уларнинг тиллари яхшиланиб қолмаган, албатта.

— Баайни ҳақ гап. Хўш, ўша минглар деганинг қанақанги халқ ўзи, дўстим?— деб сўради сержант айтаётган сўзларини таъкидламоқчидек Изқуварнинг кифтига қўл ташларкан, бу гапнинг тўғри эканлигига тобора шак-шубҳа қолмаётгандек туюла бошлаганди унга.— Уларни ҳеч ким сенчалик яхши билмайди, шунинг учун ҳам сендан сўраяпман: қанақанги халқ ўзи ўша минглар?

— Жаспер минг эмас, сержант,— эътироз билдирди йўл бошловчи.

— У французча гаплашишни билади, бу жиҳатдан мингга ўхшайди. Оғам Қап, бахти қаро йигитчани хиёнаткорлигини фош қилса бўлгудек биронта найрангу хаттиҳаракатини эслаёлмайсанми?

— Тузук-қуруқ эслаёлмайман, сержант... Шунга ўхшашроқ бир нарса бўлгандек эди чоғи... Қўл остидагилардан бири арқон ўрамини тўғрилайётган экан... Ундан, нима қилипти, деб сўрадим. Арқонни ўраб қўйяпти, деб жавоб берди у. Дарвоқе, бунда ҳеч қанақанги хосият йўқку-я, илло, биламанки, французлар енгил машқларни чалакамчатти қилиб ўтказадилар ва мос келмайдиган сўз-ибораларни ҳам ишлатаверадилар.

— Жаспернинг нариги соҳилда узоқ яшаб, кемачиликдаги канадача бир нечта тушунча ё иборани ўзлаштирганининг ажабланидиган жойи йўқ,— деди Изқувар.— Лекинига қандайдир бир тушунча ёки сўзни ўзлаштириш хиёнаткор бўлди деган гап эмас-ку асло. Кўпинча ўзимдай одам ҳам минглардан у ёки бу ғоя-тушунчани олар-

дим-у, аммо юрагим делаварлар томонда қолаверарди ҳа-миша. Йўқ-йўқ, Жаспер хоин эмас, ҳатто қирол тожини тўнғич ўғлига қандай ишонса, унга ҳам шундай ишониб бўлади!

— Тасанно, чиройли гап бўлди-ку!— деб қўйди Кап сал қаддини кўтариб, ўзининг маънавий қудратини ҳис этган, бунинг устига тамаки чайнашга ўрганиб қолган одам қиёфасида каюта ойнасида туфларкан.— Чиройли гап бўлди, мистер Изқувар, аммо-лекин мантиқан нақадар аянчлию қашшоқ! Биринчидан, қирол олий ҳазратлари ўз тожини ушлаб тур деб бировнинг қўлига беролмайди: у ҳолда давлат қонуни бузилган бўлади, зероки қонунга биноан тожни мудом ўзи кийиб юриши лозим. Иккинчидан, тожни ўзлаштиришни хаёл қилиш олий ҳазратнинг тўнғич ўғли томонидан давлатга хиёнат қилиш деган гап бўлурди, зотан, унда тахт ворислиги тартиб-қондаси бузилурди. Кўряпсизки, дўстим Изқувар, фақат тўғри ускуна-анжомлар билан қуроллангандагина соғлом фикр-мулоҳаза соҳилига етиб бормоқ мумкин. Қонун — бу ақл, ақл — фалсафа, фалсафа эса мустаҳкам узун дастакли чангақдир. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, тожи-тахт — яъни салтанат қонун, ақл ҳамда фалсафага мувофиқ бошқарилади.

— Бунақанги гапларга унчалик ақлим етинқирамайди, мистер Кап. Лекигин фақат ўз кўзим билан кўриб ишонч ҳосил қилганимдан сўнгина Жасперни хоин де-йишга мажбур эта оласиз мени.

— Янглишасиз, Изқувар!— дея хитоб қилди Кап.— Баъзан кўздан кўра кўпроқ аҳвол-шароитга ишонишга тўғри келиб қолади. Мана, ўзингиз бир ўйлаб кўринг: бизнинг сезгиларимиз Жаспернинг шу дақиқада кема саҳни-далигини айтиб турибди. Уёққа чиқадиган бўлсак, йигитчани ҳар биримиз ҳам кўришимиз мумкин. Илло пирр-вард-оқибатда худди ана шу сонияда французларга бирорта маълумот жўнатилган ва ўша хабарни жўнатиш Жаспердан бўлак ҳеч зогнинг қўлидан келмайдиган бўлиб чиқса-чи, у ҳолда биз вазиятга ишонишга ҳамда кўзимиз бизни алдаганини тан олишга мажбур бўламиз. Истаган рўзгорбоши ёхуд ошпаз аёл шу гапни айтиши мумкин сизга.

— Бу бемаъни ҳамда эҳтимолдан йироқ гап,— деди Изқувар,— негаки, айнан ана шу нарса ҳақиқатга зид келади!

— Эҳтимол ҳам гап эканми, турган гап, эй ҳурматли йўл бошловчим: бу — қонун, қатъий давлат қонуни, шу бонсдан ҳам уни ҳурмат қилмоқ лозим... Шундай гувоҳ-

лик асосида туғишган укамниям, ҳеч қандай қариндошчиликни инobatга олиб ўтирмай, шартта осган бўлардим, сержант...

— Бунинг Жасперга қандай дахли борлигини билмадим-у, локин ўйлайманки, мистер Кап қонун тафсирида ҳақ, Изқувар, нега деганинда, шарт-шароит ҳар ҳолда бизнинг сезги-туйғуларимизга қараганда хийла кучлироқ далилу исботдир. Биз сергакланиб, кўз-қулоқ бўлиб туришимиз, ҳеч қанақанги шубҳали нарсани назардан қочирмаслигимиз зарур.

— Мана энди сал эсимга тушгандай бўляпти!— дея шанғиллаб қолди Кап, тағин ойнадан туфлаб қўяркан.— Дарҳақиқат, бугун кемага чиққан пайтимизда битта «ҳолат», бу азамат ҳақидаги фикр-мулоҳазалар фойдасига тош қўядиган ғоятда шубҳали ҳол юз берганди. Жаспер қироллик байроғини шахсан ўз қўли билан боғлаб осаётган эди. Ўзини айни ўша пайтда анави аскарнинг хотини билан кемага чиқиб келаётган Мабелга қараётган ва гўёки уларга пастдаги каютага қандай тушишни кўрсатаётганга солиб, қарангки, байроқни пастга туширди-ворди.

— Тасодифан шундай бўлиб қолгандир,— эътироз билдирди сержант.— Мен билан ҳам деярли шундай воқеа бўлган... Бунинг устига, гардель¹ чиғир билан бошқарилади, шу сабабдан байроқ йигитча қанақасига кўтармоқчи бўлганига қараб, тасодифан нотўғри йўналишда ҳаракатлангандир балки.

— «Гардель чиғир билан бошқарилади» эмиш-а!— дея нидо солди Кап.— Атамаларни аниқ қилиб ишлатишни сендан кўра дурустроқ биламан, агарда сен сигнал гарделини чиғир деб атасанг, унда мен сенинг ойболтангни кемалар тақалиб жанг қилганда ишлатиладиган найза дейман. Тўғри, тасодифан шундай бўлгандир балки, ammo ҳозирда сен ўз шубҳа-гумонларингдан мени хабардор қилган экансан, ўша байроқ билан боғлиқ хатти-ҳаракатга шубҳали ҳолат сифатида қарайман ва уни асло ёддан чиқармайман. Умид қиламанки, башарти кеманинг тағхонаси хоинларга тўлиб кетган чоғда ҳам, ҳар қалай кечлик таомни унутиб қўймасак кераг-а?

¹ Гардель — гафелнинг «товони»ни кўтариш ёки пастга тушириш учун ишлатиладиган арқон. Гафель — (елканларни ўрнатиш, оғир юкларни кўтариш, сигнал ва ҳоказоларда ишлатиладиган жамик ёғоч ва металл мослама-қурилмалар) бир учи мачтага тақалган, елканли кемаларда елканлар ўрнатиладиган қия ёғоч рангоут. Иккинчи учига эса сафар чоғида байроқ кўтарилади. Гафелнинг нариги учи вок, мачтага тақалган иккинчи учи эса товон деб аталади.

— Үз вақтида кечлик қиламиз, оғам Қап. Локин умидим сендан, мабодо бирон кориҳол мени Жасперни авахта қилишга мажбур этгудек бўлса «Учқур»ни бошқаришни ўз зиммангга оласан деб ишонаман.

— Шубҳасиз, сержант, бу куттерни қай мақомга солса бўлишини ўшанда кўрасан.

— Мен бўлсам,— деди. Изқувар чуқур хўрсиниб,— мен Жаспернинг айби йўқ деган қатъий фикримда қоламан. Мен Жаспер Уэстерни ҳар қанақанги олдиндан кўнгил сезиб турибди деган гапу шубҳа-гумонлардан ҳимоя қиламан. Сизларга ҳам очиқчасига ҳаракат қилишни, ҳозироқ ўзидан хоин ёки хоин эмаслигини сўрашни маслаҳат бераман.

— Асло,— қарши чиқди сержант.— Ҳамма масъулият менинг бўйнимда, шундоқ экан, мендан беижозат ҳеч кимга ҳеч нима деб оғиз очмасликни буюраман. Биз сергак ва бутун аҳвол-шароитдан хабардор бўлиб туришимиз керак.

— Шундай-шундай, ҳаммасидан ҳам муҳими вазият,— деди Қап.— Биттагина ҳолат элликта далилга баробар келади. Қонун, биламанки, шуни тақозо этади; шароитга асосланиб озмунча одам дорга осилганми.

Суҳбат тугади, уювлари ҳам кема саҳнига чиқдилар; ҳар қайсилари ўз табиати ҳамда одатига хос тарзда Жаспернинг хатти-ҳаракатларини кузатишга шайланган эдилар.

УН ТУРТИНЧИ БОБ

Ишлар одатдагидек ўз маромида борарди. Жаспер соҳилдан турадиган шамолни кутарди, эрта туришга одатланган аскарлар эса ўз каюталарига тушиб кетгандилар. Куттер саҳнида кема хизматчилари, Мюйр ва икки аёлгина қолишганди, холос. Квартирмейстернинг Мабелга хушомад қилавериш тинка-мадори қуриёзган, аммо қиз унинг мулозаматларини қисман умум ҳарбийлар одоб-ахлоқи-га хос деб ҳисоблагани, қисман эса, эҳтимолки, ўзининг хушрўй чехраси шарофатига йўйганидан бу хушомадларга аҳамият бермаётган эди. Қиз ўзи кўриш бахтига муяссар бўлган янги-янги манзаралар сурурини сурмоқда эди.

Елканлар ёйилган эди, бироқ ҳавода қилт этган ҳаракат сезилмасди. Кўл ойнадай сип-силлиқ эди, шу боисдан кемада чайқалиш отлиқ нарсадан асар ҳам сезилмасди. Оқим кемани соҳилдан нари борса чорак милча жилдира олганди. Куттер шу ерга етгач, ўз «аъзолари»нинг қанда-

Йин мутаносиблигини кўз-кўз қилиб, бамисоли қозикқа боғлаб қўйилгандек, қимир этмай туриб қолганди. Жаспер кеманинг қуйруқ томонида Мабелга шунчалик яқин жойда турардики, қизнинг поручик билан бўлаётган суҳбатини осонгина эшита оларди; бироқ йигитча камсуқум, тортинчоқ, ўз вазифасига ниҳоятда зийраклигу жонкуярлик билан қарайдиган одам бўлганлигидан бу гуруннга аралашмаётган эди. Мабелнинг мовий хумор кўзлари йигитнинг ҳар бир ҳаракатини қандайдир ғалати илинжу умидворлик ила кузатиб турар, бунинг оқибатида квартирмейстер унинг эътиборини ўзига жалб этмоқлик учун ўз мулозаматини бир неча карра такрорлашга мажбур бўларди: қиз квартирмейстернинг хушомадларига шунчалик бепарво қарар ва куттерда бўлаётган жамики ҳаракатлар хаёлини шунчалик ўғирлаб қўйган эди. Мюйр ниҳоят жим бўлди-ю, сув узра сукунат ҳукм сура бошлади. Баногоҳ қирғоқ ёқасидаги қайсидир қайиқнинг эшкаги шалоп этиб сувга тушди. Бу шалоплаш «Учқур»да шундайин аниқ эшитилдики, гўёки ушбу ҳол шу ерда, кема саҳнида содир бўлди деб ўйлаш мумкин эди. Кейин оҳиста шитирлаш, бугшпритнинг ғийқиллаши ва фок¹нинг шалоплагани эшитилди. Шундан сўнг куттер титраб, елканлари қаппайди.

— Шамол туряпти, Андерсен!— дея қичқирди Жаспер катта матросга.— Рулга тур!

Куттер бурилди, бир неча дақиқа ўтгач сув форштевень² остида қулқуллаб кўпириб-қайнай кетди. «Учқур» соатига беш миль тезликда илгарилай бошлади. Бу ишларнинг жами чуқур жимжитликда бўлаётган эди. Ҳадемай Жаспер буйруқ беришга тушди:

— Шкот³ аста бўшатилсин, соҳил ёқалаб сузилсин!

Сержант, унинг қайноғаси ва йўл бошловчилар худди шу аснода кема саҳнига чиқиб келишди.

— Азизим, шундай қилиб, қўшниларимиз — французларга жудаям яқин боришни истамайсизми дейман-а?— деди Мюйр фурсатдан фойдаланиб узилиб қолган суҳбатни тиклаш ниятида.— Нимаям дердим, бунинг учун сизни айб-ситолмайман, бу оқилона иш; менинг ҳам худди сизга ўхшаб, Канадани жиним суймайди.

— Шамол туфайлидан бу соҳил ёқалаб бормоқчиман,

¹ Фок — фок мачтадаги қуйи елкан.

² Форштевень — тагтўсиннинг тумшуқ қисми.

³ Шкот — елканнинг пастдаги бурчагини тортиб қўйишда ишлатиладиган арқон.

жаноб Мюйр. Бу ерда соҳилдан тез-тез шабада эсиб туради, фақат қирғоққа жудаям яқинлаб борилмаса бас. Мехико қўлтиғидан сузиб ўтишимизга тўғри келади, шу йўналиш бизни очиқ ерга олиб чиқади.

— Мексика кўрфазидан сузиб ўтмаганимиздан бағоят хурсандман,— деди Кап:— зотан дунёнинг мазкур қисмига сизларнинг қандайдир кўлда сузадиган кемаларингда ташриф буюришга заррача майлим йўқ. Айтинг-чи, мистер Чучук Сув, куттерингиз рулга қандай итоат этади?

— Жуда яхши, мистер Кап; бироқ у шамолга ҳам жонжон деб қулоқ солади, айниқса шамолнинг жазаваси тутган пайтида.

— Ишонаманки, сизларда анавинақанги нарсалар, масалан, рифлар¹ бордир-а? Дарвоқе, буларнинг сизга асло кераги ҳам йўқдир.

Мабель Жаспернинг юзида йилт этиб ўтган жилмайишни пайқади; ажабланиш ҳамда ўстеҳзони ифода этган жилмайишни ундан бўлак ҳеч зор пайқамади.

— Бизда ҳам рифлар бор, иннайкейин, тез-тез ишла-тиб турамиз уларни,— босиқлик билан эътироз билдирди ўспирин.— Мистер Кап, манзилга етиб боргунимизча балки уларни қандай эплаштиришимизни сизга кўрсатадиган кези келиб қолар, негаки осмоннинг шарқ томони қорайиб боряпти; ҳатто океанда ҳам шамол Онтариодагидек шиддатли эсмаса керағ-ов...

— Мана, нодонлик нима эканини кўриб қўйинглар! Атлантика океанида шамолнинг бир соат давомида чархпалак бўлиб айланиб, елканларни тилка-пора қилганини, кеманинг бўлса қайси томонга бурилишини билмай қимир этмай туриб қолганини ўз кўзим билан кўрганман.

— Бизда унақанги кутилмаган ўзгаришлар бўлмайдими-ю, албатта,— дея жавоб қайтарди Жаспер вазминлик билан,— лекин бизни ҳам шамолнинг ногаҳоний инжиқликларига дуч келадиган пайтларимиз бўлиб туради. Ҳар қалай ана шу соҳил шамолидан фойдаланиб дастлабки оролларга етиб олишдан умидворман, уёғига эса Фронтенак крейсери бизни пайқаб қолади деб хавотирланмаса ҳам бўлади.

— Жаспер, кўлда французлар айғоқчилари бўлиши хаёлингга келмаганми сени?— деб сўради Изқувар.

— Бизга маълум бўлишича, бор. Ўтган душанба кечаси улардан биттаси Освегога келган: қайиқ шарқий бу-

¹ Риф — шамол кучайган пайтда елкан сатҳини кичрайтиришда ишлатиладиган боғичлар.

рунга келиб, қандайдир бир ҳинду билан офицерни туширган. Агарда ўша кечаси биз билан бирга бўлганимда бу азаматлардан бирини қўлга туширишимиз аниқ эди.

Шу сўзларни эшитганида Изқуварнинг офтобда куйган юзи қизариб кетгани қоронғиликда кўринмади. Йўл бошловчи ўша кечани қалъада қўшиқ айтиб бераётган Мабелнинг ажойиб овозига қулоқ солиб ўтказган эди; Изқувар қизнинг сулув жамолига тикилган кўйи уларникида алла-маҳалгача ўтириб қолган ва ҳозирда бунинг учун ўзини ёзгираётган эди.

— Гапинг тўғри, Жаспер,— қисқагина жавоб қилди у:— агарда ўша кеча қалъа деворларидан ташқарида бўлганимда борми — у ерда қолишимга ҳеч қанақанги узрли сабабнинг ўзи йўқ эди чамамда,— унда сен айтгандек бўларди-ёв.

— Уша кечани бизлар билан ўтказгандингиз, Изқувар,— деб қўйди Мабел¹ соддалик қилиб.— Кўп вақтини ўрмонда, душманлар билан бетма-бет ўтказадиган одам учун бир нечагина соат фурсатини ўзининг қадрдон дўсти ва унинг қизига ажратиши кечирарли бўлса керак.

— Йўқ-йўқ! Гарнизонга қайтганимдан бошлабоқ лақиллаб юрибман,— жавоб берди йўл бошловчи хўрсиниб,— яхшиямки йигитча эслатиб қўйди буни менга. Ялқов таъна-маломатга лойиқ.

— Таънага дедингми, Изқувар? Дилингни ранжитадиган гап айтиш хаёлимда йўғийди; жосус билан ҳиндуни қўлдан чиқариб юборганимиз учун сенга таъна қилишни хоби-хотиримгаям келтирмагандим. Мана энди, қаерда бўлганингни билганимдан кейин, ўша пайтда нега йўқлигинг жудаям тушунарли.

— Сенинг танбеҳингдан жаҳлим чиқаётгани йўқ, Жаспер, мен шунга лойиқ иш қилдим.

— Бу дўстона гапмас, Изқувар.

— Қўлингни бер, ўспирин! Бу сабоқни менга сен эмас, балки виждоним берди.

— Бўпти, бас,— дея луқма ташлади Кап.— Ана энди, иккала баҳс ҳар иккала тарафнинг қониқиши билан барҳам топган экан, балки сиз ўша жосусларнинг шундоқ биқингинамизда бўлганларини қандай билганингизни айтиб берарсиз? Бу ҳодиса бағоят ғалати «аҳвол-шароит»га ўхшаб кетяпти-ку!

Денгизчи ушбу «ҳикматли сўз»ни айтаётиб сержантнинг оёғини астагина босиб қўйиб, тирсаги билан йўл бошловчинини туртаркан, гарчи қоронғиликда кўриб бўлмаса ҳамки, кўз қисиб қўйди.

— Илон эртаси куни уларнинг изини — ҳарбийлар этиги билан мокасин¹нинг изини топганидан кейин маълум бўлди бу нарса, буңдан ташқари, овчиларимиздан биттаси бўлса эрталаб Фронтенак томонга сузиб кетаётган қайиқни кўрибди.

— Из қалъа томонга қараб келганми, Жаспер?— деб сўради Изқувар ҳозиргина танбеҳ эшитган ўқувчи бола овози билан.

— Йўқ, лекин дарёнинг нариги томонига қараб ҳам кетмаган. Издан шарқий бурунгача, қўлтиқда бўлаётган ҳамма нарса кўриниб турадиган дарё қуйилишигача бордик.

— Нега энди елкан ёрдамида орқаларидан қува қолмадингиз?— деб сўради Кап.— Сешанба эрталаб қойилмақом шабада эсиб турганди-ку; ўшанақанги шамолда куттер тўққиз узел тезликда суза оларди-да.

— Океанда шундай қилса бўлади, лекин Онтариода эмас. Бунинг устига, сувда из қолмайди, минг билан француз эса орқадан таъқиб қилганларида ғирт иблиснинг ўзгинасига айланиб кетади.

— Қувиб бораётган қайиғинг кўзингга кўриниб турганида изни нима алоқаси бор бунга?— ҳайрон бўлди Кап.— Жаспер айтди-ку, ахир, қайиқни кўрдим деб... Башарти бизнинг измимизда инглизларнинг қўлидан чиққан яхши кема бўлса ўша мингу французларингиз йигирма киши бўлмайдими... Бас бойлашиб айтаманки, мистер Чучук Сув, агарда сешанба куни эрталаб ёрдамга чақирганингизда эди, зумда ўша каллакесарларни қувиб етган бўлардик.

— Сиздай кўпни кўрган денгизчининг маслаҳати, мистер Кап, мендай бир ёш денгизчига фойдали бўлиши мумкин, албатта; аммо ижозатингиз билан шунини айтиб қўяй, узоқ қувишга тўғри келарди унда, қобиқдан ясалган қайиқни таъқиб этиш-ку умуман бефойда.

— Қайиқни боплаб қирғоққа қисиб қўйишни ўзи кифоя эди.

— Қирғоққа денг-а, мистер Кап! Агар қайиқни қирғоққа қараб сузишга мажбур қилишни осон деб ўйласангиз, бизнинг кўллардаги кемачиликдан мутлақо беҳабар экансиз. Улар ўзларини соҳил томон қисининг пайиғига тушмоқчи бўлаётганларини пайқаган заҳотиёқ қайиқни жонжаҳдлари билан шамолга қарши ҳайдашга ўтардилар-у,

¹ Мокасин — ҳиндуларнинг чориги.

токи сиз эс-хушингизни йиғиб олишга улгурмасингизданоқ бир ёки икки миль олдинга ўтиб кетиб бўлардилар.

— Мистер Жаспер, мабодо сиз мени, шамол эсиб турган бир пайтда шунақанги тухум пўчоқларидан бирида мана шу қўлда сузиб бора туриб сувга гарб бўлишни хоҳлайдиган азамат топилади, деб ишонтирмоқчи эмасмисиз ўзи?

— Онтариода энг кучли шамол эсиб турган пайтларда ҳам қайиқда кўп сузганман. Агар бу қайиқларни усталик билан бошқарилса, бошқа ҳар қанақанги кемаю қайиққа қараганда сувда шулар бежавотирроқ.

Кап куёви билан Изқуварни бир чеккага чақириб, уларни Жаспернинг айғоқчилар тўғрисидаги гаплари «шарт-шароит», устига-устак, алоҳида эътибор беришлари лозим бўлган «муҳим шарт-шароит» эканлигига, қайиқ ҳақидаги ҳамма айтганлари эса фирт сафсата эканига ишонтира бошлади. Кап яна, Жаспер қирғоққа тушган ўша икки нотаниш ёдамни қатъий ишонч билан тасвирлаб берганини, гўёки нотаниш кимсалар тўғрисида фақат изларига қараб бунчалик кўп нарсани билиб бўлмаслигини ҳам қўшиб қўйди; унинг ўзи ҳам бир жуфт этик сотиб олганию этик ҳеч қачон аскарни ажратиб турадиган аломат бўлолмаслигини қўшимча қилди.

Сержант бу фикр-мулоҳазаларга кўпдаям аҳамият бермади-ю, бироқ, ҳар ҳолда ушбу гап бирмунча таъсир кўрсатди унга. Унинг наздида айғоқчиларни қалъанинг шундоқ яқингинасида пайқашгани, ўзининг эса бу тўғрисида ҳеч нарса эшитмагани галати туюлди. У, ушбу маълумотлар Жаспернинг хизмат фаолиятига бирон-бир жиҳатдан даҳлдор бўлиши мумкин-ку, деган гумонга ҳам бормаган эди. Рост, бир-икки марта «Учқур»нинг командирига кемага айғоқчиларни ўтқазиб соҳилнинг маълум еригача етказиб қўйиш ёки уларни қайтариб олиб келиш вазифаси топширилган эди. Аммо бундай ҳолларда Жаспернинг иккинчи даражали роль ўйнаши, бу айғоқчиларнинг қандай топшириқни бажарганлари ҳақида қўл остидаги матрослардан ортиқ нарсани билмаслиги сержантга маълум эди. Сержантга шунингдек жосусларнинг охириги қадамранжидаларидан ёлғиз Жаспергина бохабар эканлиги галати туюлаётган эди.

Изқувар эса хушёрлигу сергаклик одатига хиёнат қилгани учун ўз-ўзини ёзғирар, аввало шахсан ўзи билиши лозим бўлган воқеадан ундан олдинроқ Жаспер хабар топганига келганда эса — буни йигитнинг катта хизмати

деб қарарди. Жаспернинг ўша айғоқчилардан хабардор эканлиги уни заррача ажаблантирмаётган эди.

— Мокасин хусусига келганда эса, мистер Кап,— деди у орага чўккан бир нафаслик сукунатдан фойдаланиб,— мутлақо ҳақсиз: уни қизил танлилар сингари оқ юзлилар ҳам кийиши мумкин. Лекигин улар бир хилда из қолдиришмайди. Тажрибали кўз бир кўришдаёқ ҳиндунинг изини европаликнинг изидан ажрата олади, этикникими ёки мокасинникими — дарров айтиб беради. Менга бундан кўра ишонарлироқ далиллар керак.

— Илло сиз, Изқувар, оламда хоинлар ҳам бор эканига шак келтирмассиз-ку, ахир?— дея мантиқан тўғри эътироз билдирди Кап.

— Мен ҳеч қачон ҳалол мингни учратмаганман. Агар сизни сотишдан ўзига манфаат етадиган бўлса, мингга асло ишониб бўлмайди.

— Хўш, нега энди Жаспернинг ана шунақанги қусури бўлиши мумкин эмас экан? Одам ҳўм сут эмган банда, ўз тажрибамдан биламанки, гоҳида инсон боласининг табнати қанчалик аянчли бўлиб кетадики, буёғини қўяверасиз.

Жаспернинг жиноятчилиги ёхуд айбсизлиги устида узоқ суҳбатлашганларидан сўнг сержант билан қайноғаси деярли Жаспер айбдор деган қарорга келдилар. Изқувар аввалгидан чандон бора қизгинлик ила ҳимоя қила бошлади дўстини ва уни хоинликда айблашга асос йўқ деб туриб олди.

Бу вақтда Мабель соябон остида индамайгина ўтирарди. Мюйр пастга тушиб кетган, Жаспер бўлса қўлларини кўксига чалиштирган кўйи сержантнинг қизидан хиёл нарироқда турар, нигоҳи елканлардан — булутга, булутдан — зим-зиё соҳил тарҳига, ундан — кўлга ва сўнгра яна елканларга кўчарди.

Ҳаво мамлакатнинг ушбу қисмида ҳатто ёз чоғларида ҳам доим бўлавермайдиган тарзда илиққина эди. Соҳилдан эсаётган сарин, вақти-вақти билан шашту запти зўрайиб турган шамол ўрмоннинг анвойи муаттар бўйлари ни учуриб келарди қанотларида. «Учқур» тунги зимистонлик қўйнида шигиллаганча сирғалиб борарди.

— Агарда муттасил мана шундай сузиб борадиган бўлсак, Чучук Сув, кўзланган манзилга қачон етамиз?— деди ёш матросни шу ном билан аташга ўрганиб қолган Мабель.

— Унинг қанақа жой эканини отангиз айтмаганмидилар сизга, Мабель?

— Йўқ, бу тўғрида ҳеч нима айтмади у. Ўзининг полкдаги хизматига шунчалик берилиб, кўникиб, оилавий ҳаётдан шунчалик бегоналашиб кетибдики, мен билан бу тўғрида гаплашиб ўтирарди дейсизми. Назаримда, унинг қаёққа кетаётганимизни айтишга ҳаққи йўқ шекилли?

— Узоққа бормаймиз. Шу йўналишда тагин олтимиш ёки етмиш миль сузсак авлиё Лаврентий дарёсига етамиз, эҳтимол, ўша ерда французларга дуч келармиз. Бу кўлда кўпдаям олисга боролмайсан киши.

— Тоғам ҳам шундай дейди. Мен учун бўлса, Жаспер, Онтарио билан океан орасида деярли ҳеч қанақанги фарқ йўқ.

— Ие, ҳали океанда ҳам бўлганман денг? Мен эсам денгизчидан деб юрибман-у, лекин шўр сувни умримда кўрмаганман! Дилингизда менга ўхшаган денгизчига нописандлик билан қарарсиз-а, Мабель Дунгам!

— Сираям-да, Жаспер. Мендай тажрибасиз бир қизнинг бирор кишига, бунинг устига эса сизга назар-писандсиз қарашга қандай ҳаддим бор экан? Сиз майорнинг ишончини қозонгансиз, шундай ажойиб кемага бошлиқсиз. Ўзини кўрганман-у, лекин ҳеч қачон бўлмаганман океанда, кейин, такрор айтаман, бу кўл билан Атлантика океани ўртасида ҳеч қанақанги фарқни кўрмайман.

— Наҳотки сиз учун кўлда сузадиганлар билан океанда сузадиганларнинг ҳам фарқи бўлмаса? Мен бўлсам хавфсираб юрибман-а, Мабель! Тоғангиз биз чучук сувда сузадиган денгизчилар шаънига зид гапларни қалаштириб, тупроққа қориштириб ташлаганларига сизни ҳам бизга ўхшаганларга нақ қаллоб деб қарарсиз деб чўчиб юрибман-а!

— Жаспер, қўяверинг, тоғамнинг гапларидан хафа бўлманг. Уни биламан: Йоркда ҳам қуруқликда яшайдиганлар тўғрисида ҳозир чучук сувда сузадиганлар ҳақида гапириб юрган гапларини айтарди. Э-йўқ! На отам, на мен қўшиламыз унинг гапига. Агарда тоғам кўнглидагини тўғри, очиқчасига айтадиган бўлса борми, у океанни умрида кўрмаган денгизчига қараганда қуруқликдаги аскарлар тўғрисида бешбаттар ёмон фикрда.

— Лекин дадангиз аскарлар хусусида жуда яхши фикрдалар; у киши сизни жангчининг рафиқаси бўлишингизни хоҳлайдилар-ку.

— Жаспер, Чучук Сув! Мен аскарнинг рафиқаси бўларканманми? Отам шуни истайдими? Нимага энди шуни хоҳлаб қолибди? Айтинг-чи, гарнизонда мен тегишни хоҳлайдиган ва мени олгиси бор ўша жангчи ким экан?

Мабель нималигини ўзи ҳам билмай қизарди, бироқ тун пардаси унинг хижолат тортганини Жаспернинг эътиборидан яширди.

— Сиз янглишяпсиз, Мабель? Эллик бешинчи полкда сизга уйланмоқчи бўлган офицер бор.

— На эллик бешинчи, на бошқа бирорта полкда бундай телбаликка журъат этадиган бирон офицер борлигини биламан,— дарҳол жавоб қайтарди Мабель,— мен ўзим бўлсам сираям бундай қилмайман.

— Телбалик дейсизми, Мабель?

— Ҳа, телбалик, Жаспер! Жамоатчиликнинг нотенг никоҳга қандай қарашини ўзингиз яхши биласиз, шундоқ бўлгач, мабодо эрим бир нафаслик ўткинчи майлу эҳтиросга бўй бериб, ўзидан паст унволи одам — сержантнинг қизига уйланганидан афсусланадиган бўлса менга оғир ботади, еган ошим заҳарга айланади.

— Мабель, сизни тўғри тушунаяманмикин? Сиз офицерга у офицер бўлгани учунгина тегишни истамайсизми?

— Жаспер, менга бундай савол беришга ҳаққингиз борми ўзи? — деб сўради Мабель жилмайиб.

— Менда фақат биттагина ҳақ-ҳуқуқ бор — бу ҳам бўлса сизни бахтиёр кўриш, холос. Албатта, шунинг ўзигина етарли эмасдир балки. Отангизни сизни поручик Мюйрга бериш нияти борлигини тасодифан билиб қолганимдан кейин хавотиргарчилигим ошиб кетди.

— Дадажонимнинг бундай кулгили, бунақанги бешафқат нияти бўлиши мумкинмас.

— Бешафқат дедингизми, Мабель?

— Бу тўғридаги фикримни айтиб бўлдим сизга, бундан ортиқ ишонарлироқ қилиб айтолмайман. Жаспер, сизга шунчалик очиқ-ойдин жавоб бердим, энди айтинг-чи, сиздан бир нарсани сўрашга ҳаққим борми: отамнинг шундай ниятда эканини қаёқдан била қолдингиз?

— Сизга эр танлаганини ўз оғзи билан айтганди менга. Емиш-озуқа ортилаётганини кузатаркан, тез-тез шу тўғрида гапириб турарди. Мистер Мюйрнинг сизга етишиш пайида эканини унинг ўзидан эшитдим. Хуллас, ҳар икковини чоғиштириб туриб, маълумингиз хулосага келдим.

— Балки дадам,— шундай деркан Мабелнинг икки бети нақ ўт мисоли ловиллаб кетди,— балки дадам бошқа одамни ўйлагандир? Сизнинг гапларингиздан у мистер Мюйрни назарда тутган деб бўлмайди ҳали.

— Йўқ, Мабель, агар бу ерда бўлаёган ишларни диққат билан кузатилса, ҳеч қанақанги ақлга тўғри келмай-

диган жойи йўқ бунинг. Квартирмейстер бу ерда нима қилиб юрибди? Бўлинма билан бирга жўнашга унинг ҳеч қанақанги зарурияти йўқ эди-ку. Йўқ, у сизга эришмоқчи, кейин, дадангиз ҳам ўшанга тегишингизни хоҳлайди. Мабель, мистер Мюйрнинг сира изингиздан қолмай эргашиб юрганини наҳотки пайқамаётган бўлсангиз?

Мабель ҳеч нима деб жавоб қайтармади. Аммо у аёлларга хос ички бир туйғу-ла ўзини кўрганда Мюйрнинг завқу шавқи жўшиб кетишини аллақачон фаҳмлаган эди, Шунингдек, баъзи шамаларидан отаси ҳам унинг турмуш қуриши борасида жиддий ўйлаётганини ҳам тушунганди. Лекин отаси Мюйрни танлаши етти ухлаб, тушигаям кирмаган, буни тасаввуротигаям келтиролмасди. Мана ҳозир ҳам қиз бунга ишонмаётган, ақли бовар қилмаётган эди-ю, отасининг тасодифий шама-ишораларининг негизи аниқ бир кимсага қаратилган бўлмай, шунчаки қизи ҳаётини изга солиб юбориш экани хусусида ўйлаб кетганди. Хийла чўзилган, иккалалари учун ҳам тобора изтиробга айланиб бораётган жимликдан сўнг қиз Жасперга шундай деди:

— Бир нарсада, ёлғиз бир нарсадагина кўнглингиз тўқ бўлсин, буни ҳозирдаёқ бемалол айта оламан: поручик Мюйр, борингки у полковник бўлгани чоғидаям, ҳеч қачон Мабель Дунгамга эр бўлолмайди... Қани, энди сафаримиздан келинг... Тезда тугаб қоладими у?

— Буёғи номаълум. Сувга тушар эканмиз, бутун инонихтиёримизни шамолу тўлқинлар измига топширамиз. Изқувардан сўраб кўрсангиз, тонг-сахарда буғунинг изига тушган одам қаерда тунашини билмайди, деб жавоб берган бўларди.

— Ахир биз буғунинг изидан тушганимиз йўқ, иннай-кейин, ҳозир сахар ҳам эмас-ку! Изқуварнинг бу маталини маъноси нима?

— Буғунинг изидан қуваётганимиз йўқ, бу тўғри; биз тутиш ундан ҳам қийин жондорни таъқиб этияпмиз. Сизга ортиқ ҳеч нарса деёлмайман. Биз тилимизни тийишимиз шарт. Фақат «Учқур»да узоқ вақт бўлолмассизу унинг жангда нималарга қодир эканини кўролмассиз деб кўрқяпман, холос.

— Менимча, ақли қисқа аёлгина денгизчига тегади,— деб юборди Мабель овоз чиқариб, хаёлига тасодифан шу фикр келиб қолганди.

— Ғалати гап бўлди-ку! Нега энди сизга шундай туюлади?

— Нега деганингизда, денгизчининг хотинига, албатта, эрининг муҳаббати у билан кемаси иккаласи ўртасида бў-

линаётгандай туюлади. Мана, Кап тоғамни олайлик, у ҳам денгизчи уйланмаслиги кезак деб ҳисоблайди.

— У шўр сув денгизчиларини назарда тутиб айтади!— деди Жаспер кулиб.— Агарда унинг наздида аёллар океанда сузадиганларга умр йўлдоши бўлишга муносиб эмасдай туюлса, кўл матрослари ҳам, унинг фикрича, уйланиб обрўларини кетказиб ўтирмасликлари керак экан-да. Умид қиламанки, Мабель, сиз биз чучук сувда сузадиган денгизчилар тўғримизда тоғангизга ўхшаб ўйламассиз?

— Ҳай, ҳай, елкан!— қичқириб қолди Кап.— Йўғ-э, аниқроғи: қайиқ!

Жаспер кема тумшуғи томон отилди-ю; дарҳақиқат шамол эсаётган тарафда, куттердан юз ярдча нарида липиллаётган аллақандай чоғроққина нарсага кўзи тушди. Жаспернинг тажрибали кўзи бир қарашдаёқ унинг қобиқдан ясалган қайиқ эканини илғади-олди.

— Бу душман бўлиши керак,— деб қўйди йигитча.— Қани энди қўлга туширсак уни, саз бўларди-да!

— Жон-жаҳди билан эшяпти эшкакни, йигит,— деди Изқувар,— у йўлимизни кесиб ўтиб, шамолга қарши сузмоқчи: ана унда уни таъқиб этиш буғуни чанғида қувиш билан баб-баравар.

— Рулни биқин томонга бур!— қичқирди Жаспер руль бошқарувчига.— Кескинроқ, кескинроқ, румпель қарсиллаб кетсин!.. Шундай, шундай ушла!

Руль бошқарувчи ушбу буйруқни адо этди. «Учқур» сув сийнасини шитоб-ла тилиб-тилкалаб бориб, бир ёхуд икки дақиқа орасида қайиқнинг йўлини у ҳеч қаёққа қочолмайдиган қилиб кесиб қўйди. Шундан сўнг Жаспер рулга ўзи ташланди-ю, уни чапдастлик ила буриб, қайиққа шунчалик яқинлаб бордики, осонгина чангак ташладилар қайиққа. Қайиқда ўтирган икки кимсага кемага чиқишни буюрдилар. Бирор дақиқа ўтмаёқ улар куттер саҳнига кўтарилдилар; булар Ароухед билан унинг хотини эди.

УН БЕШИНЧИ БОБ

Ароухед билан учрашув ҳеч кимни ажаблантирмади. Фақат тускарор Кап ва унинг ҳамроҳларини қандай вазиятда ташлаб кетганидан хабардорларгина безовталаниб қолдилар.

Аммо-лекин уларнинг шубҳа-гумонлари ҳаққонийлигини аниқлаш осон эмасди. Елғиз Изқуваргина бандилар билан хотиржам гаплаша оладиган даражада тутарди

ўзини. У Ароухедни бир четга эргаштириб бориб, узоқ суҳбатлашди тускарор билан. Изқувар Ароухеднинг ўзи кутатиб қўйишга мажбур бўлган ҳамроҳларини нима сабабдан ташлаб кетгани ва бу вақт ичида у нима иш билан банд бўлгани билан қизиқсинди. Тускарор бу саволга ҳиндуларга хос бепарволик ила жавоб қайтарди. Қочиб қолгани сабабини ниҳоятда жунглина ва ҳақиқатнамо қилиб тушунтирди.

Унинг гапига қараганда, панагоҳлари ирокезларга ошкор бўлганини кўргач, табиийки, қочиб қутулолмаганларнинг ўлдирилишига заррача шубҳаланмай, ўз жонини қутқазиб қолиш ўйида ўрмонга кириб яширинибдиммиш. Бир сўз билан айтганда, у ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун қочиб кетганмиш.

— Жуда соз,— жавоб қайтарди йўл бошловчи унинг баҳонасига ишонгандай.— Биродарим оқилона иш тутибди; лекигин биродаримнинг аёли ҳам орқасидан жўнаб қолибди-ку.

— Нима, оқ юзлиларнинг хотинлари эрлари кетидан эргашиб бормайдиларми? Еки Изқувар ўзи севган аёл орқасидан келаётганини билиш учун орқасига ўгирилиб қарамасмиди?

Нима сабабданлигини тушунмаган бўлса-да, тускарор ҳар қалай далилу важлари инобатга олинганини кўрди; у обрў сақлаган кўйи кейинги саволларни кута бошлади.

— Ҳа, бу оқилона ва табиий йўл,— деди Изқувар инглизчалаб, ҳамиша ўзи билан ўзи гаплашганида шу тилда сўзларди у,— шундай, эҳтимол бу табиийдир. Турган гапки, хотин киши ўзи садоқатли бўлишга онт ичган одами орқасидан бориши керак. Агарда отаси ўша ерда бўлганида ва унинг худди мана шу тариқа чекинишига тўғри келганида, балки Мабель ҳам сержантнинг кетидан кетарди, иннайкейин, ҳеч шуҳба йўқки, у ўз эри орқасидан борган бўларди. Сўзларинг самимий, тускарор,— давом эттирди фикрини овчи яна ҳинду тилига кўчиб,— сўзларинг самимий ва адолатли; лекигин биродарим нима сабабдан шунча маҳалдан берига қалъага бормади? Дўстлари уни тез-тез эслаб туришди-ю, аммо ўзини кўришмади.

— Агарда буғу ўзининг нари ортидан борадиган бўлса, нега энди нари урғочисининг кетидан эргашмас экан?— жавоб қайтарди тускарор иржайиб ва бармоғини маънодор бир тарзда суҳбатдошининг кифтига қўйди.— Ароухеднинг хотини унинг орқасидан борди, Ароухед бўлса ўз хо-

тинининг кетидан. У йўлда адашиб, бегона вигвамда тамадди қилибди.

— Гапингга тушуняпман. Аёл мингларнинг қўлига тушиб қолибди-ю, сен уларнинг изини излабсан-да?

— Изқувар дарахтдаги йўсинни қандай пайқаса, бунинг сабабини ҳам ўшандай осонгина пайқади. Тўғри топдинг.

— Хотинингни қутқарганингга кўп бўлдими, кейин, қандай уддаладинг бунини?

— Икки қуёш муқаддам қулоғига қаёққа боришни шипшиганида Саратон Шабнами ўзин куттириб қўймаганди.

— Ҳа-ҳа, ҳаммаси гоётда табиий. Лекигин, тускарор, қайиқни қаёқдан топдинг-у, нега энди гарнизон томонга эмас, авлиё Лаврентий ёққа қараб сузаётувдинг?

— Ароухед ўзига нима тегишлию нима бировга тегишли, бунинг фарқига бора олади. Бу қайиқ меники, уни қалъа ёнидан, соҳилдан топдим.

«Бу ҳақиқатга яқин; ахир қайиқ кимникидир бўлиши керак-ку, ҳинду эса уни ўзлаштиришга иккиланиб ўтирмайди асло. Фақат биргина томони ғалати: на уни, на хотинини қандай қилиб кўрмай қолибмиз? Бу қайиқ дарёдан биздан олдинроқ чиқиб олган бўлиши керак-ку, ахир?»

Мазкур фикр хаёлига келган заҳотиёқ у ҳиндудан шу ҳақда сўради.

— Изқувар билади, баъзан жангчи уятга қолади. Ота-си мендан қизини суриштирган бўларди, мен бўлсам унга ҳеч нима деб жавоб беролмасдим. Мен Саратон Шабнамини қайиққа юбордим, ҳеч зор аёл кишига сўз қотмабди. Тускарор хотин бегона эркаклар билан гаплашишни ёқтирмайди.

Бу гапларнинг бари табиий, шуниси ҳам борки, ҳиндуларнинг феъл-атворию одатларига хос эди. Гарчи табиатан ростгўйлиги туфайлидан сержантнинг олдига бориб, ҳаммасини борича гапириб беришни афзал билиб турган бўлса-да, ҳар қалай соддадил Изқуварнинг фикрича Ароухед ўзини муносиб тарзда тутаётганди. Аммо ҳиндуларнинг одату таомилларини кўравериш кўникиб кетган овчи Ароухеднинг хатти-ҳаракатида айтарли ҳеч бир шубҳали жиҳатини кўрмади.

— Сўзларинг нақ тоғдан тушаётган ирмоқчадай қуйилиб келяпти, Ароухед,— дея жавоб қилди у бир нафас ўйлаб олгач,— гапларингга қўшилишим керак. Қизил танлининг мижози сенинг бу қилмишингга йўл қўяди, лекигин бу нарса оқ танли учун асло муносиб саналмайди. Уша

қизнинг отаси қандай ғам-ғуссага сотганини кўрмайин дебсан-да, а?

Ароухед маъқуллаган тахлитда хиёл эгилиб қўйди.

— Биродарим яна биргина нарсани айтсин,— сўзини давом эттирди Изқувар,— ана шунда, унинг вигвами билан ингизнинг мустақкам уйи ўртасида ортиқ туман қолмайди. Агарда биродарим шу туманни тарқатиб юборса, дўстлари ўз гулхани ёнида ўлтирганида унга очиқ юз билан қарашади, дўстлари қуролларини четга қўйиб, жангчи эканликларини унутган пайтларида у ҳам бирга бўлади. Қайиғининг тумшуги нега рақиблардан бўлак ҳеч зор йўқ авлиё Лаврентий тарафга қараган эди?

— Хўш, бўлмаса Изқувар билан дўстларимнинг ўзлари нимага худди ўша томонга юзланишган?— деб сўради тускарор хотиржамгина.— Ингиз қаёққа қараса, тускарор ҳам ўша ёққа қараш мумкин-ку.

— Тўғрисини айтсам, Ароухед, биз бу ерда из қидир-япмиз, яъники, ўз вазифамизни адо этиб сузиб юрибмиз. Сабабини айтишга ҳаққи-ҳуқуқимиз бўлмасаям, бу ерда бўлишга ҳаққимиз бор,— деб жавоб берди Изқувар.

— Ароухед катта қайиқни кўриб қолди, у бўлса Чучук Сувнинг юзига қарашни яхши кўради. У кечқурун қуёшга қараб йўлга тушганди, ўз вигамига қайтаётганди, лекин Чучук Сувнинг тескари томонга кетаётганини кўриб ўзиям ўша ёққа бурилди.

— Ҳаммаси тўғридир эҳтимол, тускарор, шу боисдан ҳам хуш келибсан. Бизнинг илвасиндан тотингайсан, ана ундан кейин ажралишамиз. Қуёш бизнинг орқа томонимизда ботади, сўнгра биз тез жўнаймиз; биродарим агарда қайиғини орқага бурмаса, излаётган нарсасидан жудаям олислашиб кетади.

Шундан сўнг Изқувар ўз ҳамроҳлари даврасига қўшилиб, олиб борган сўроғи натижасини етказди уларга. У гўёки Ароухеднинг сўзларига ишонганга ўхшарди-ю, бироқ хулқи-атвори ўзига ёқмаётган одамга қарши баъзи бир эҳтиёт чора-тадбирларини кўриб қўйилса ақлли иш бўлади деб ҳисоблади.

Жаспердан бўлак ҳеч бирлари тускарорнинг жавобига ишонишмади.

— Иним Дунгам, бу сотқиннинг оёқ-қўлига кишан солиш керак!— деди Кап Изқувар ўз ҳикоясини тугатгач.— Уни каптенармус¹ ёки денгизчи офицер (агар бу чучук

¹ Каптенармус — армияда кийим-кечак, озиқ-овқатни сақлаш ва тарқатиш вазифасини адо этувчи киши.

кўлмакда офицернинг ўзи бўлса, албатта) қўлига тутқазиб керак ва бандаргоҳга етиб борган заҳотимизоқ ҳарбий судга топшириш лозим.

— Мен уни тутиб қолиш зарур деб ҳисоблайман-у, — жавоб қилди сержант, — лекин у токи куттерда экан кишан уришнинг зарурати йўқ. Эртага эрта билан жиддийроқ сўроқ қиламиз уни.

Бу қарорни Ароухедга хабар қилишди. Ҳинду чурқ этиб эътироз билдирмай, бамайлихотир ҳамда диққат-латинглади. У атрофида содир бўлаётган воқеаларнинг бадиққат, бироқ гунгу кар кузатувчиси янглиғ салгина нарироқда қилт этмай турарди. «Учқур» елканларини тўлиқ ёйиб тезроқ суза кетди.

Ҳамма ухлагани тарқаладиган навбатчилик соати етиб келди. Кўпчилик пастга тушиб кетиб, кема саҳнида Қал, сержант, Жаспер ва икки матросгина қолишди. Ароухед билан хотини ҳам шу ерда қолишган эди.

— Ароухед, хотинингни пастга жойлаштиришинг мумкин: уёқда қизим қарайди унга, — мулоимгина деди сержант, каютага тушиб кетишга чоғланаркан. — Ҳув анави ерда елкан бор, ётиб ухласанг бўлади ўшанда.

— Падаримга ташаккур. Тускарорлар қашшоқ эмас. Аёл қайиқдаги тўшагимни олиб чиқади.

— Ихтиёринг, дўстим! Биз сени тутиб қолишни зарур деб топдик, лекин сени сиқиб-сиқиштириш ва ёмон муомала қилишнинг зарурати йўқ. Скваунгни тўшакни олиб чиққани тушира қол, ўзинг ҳам орқасидан тушиб, эшакларни буёққа олиб чиқишинг мумкин... «Учқур»даги одамларнинг кўпчилиги ухлагани сабабли эшаклар қўлимизда турса чакки бўлмас, Чучук Сув, — дея қўшиб қўйди сержант шивирлаб.

Жаспер рози бўлди, шундай қилиб, Ароухед билан хотини сўзсиз итоат этишни буйруққа. Улар қайиққа тушишди. Ҳинду хотинига жиддий танбеҳ бера бошлади. Хотини олган жойида тўшамани бир четга қўйиб, эри талаб қилаётган бошқа нарсани излаганча итоаткорлик ила қулоқ соларди.

— Қани, қўлингни бермайсанми, Ароухед, — деди кеманинг ўрта қисмида турган ва эр-хотиннинг ҳаракатини тоқатсизлик-ла кузатаётган сержант. — Алламаҳал бўлиб қолди... Шунинг учун ҳам биз ҳарбийларда эрта ётиб, эрта турилсин деб бонг урилади-да.

— Ароухед кетяпти, маана, — жавоб қайтарди шу аснода қайиқ тумшуғида турган тускарор.

У ўткир пичоқ билан бир тортишда қайиқ боғланган

арқонни кесиб юборди, куттер енгил қайиқни ортда қолдириб, олға кетаверди. Ароухед ўша ондаёқ қайиқни қимирлаттирмай таққа тўхтатди. Бу тадбир шунчалик кўққисдан бажарилганидан то сержант пайқагунича қайиқ анча-мунча орқада қолиб кетди, Дунгам мазкур воқеани ўртоқларига хабар қилиб улгурмасидан бурун шитоб-ла сузганча чап бериб кетди.

— Тиккасига шамолга тўғрила!— қичқирди Жаспер тумшукдаги елкан арқонини ўз қўли билан тортганча.

Куттер шамолга қараб шунақанги шиддат-ла суза кетдики, елканлари қарсиллаб-шалоплай бошлади («шамол пешонасидан уриб турарди», дейишади денгизчилар бундай пайтда).

Бу чора ниҳоятда зудлик ва чаққонлик билан адо этилганди, бироқ ҳиндунинг ҳаракати бундан ҳам илдамроқ эди; у эшкакни ола солиб жон-жаҳди ила эша бошлаганди. Хотини ёрдамлашарди унга. Қайиқ жануби-ғарб томонга қараб учиб бораркан, куттерни шунчалик ортда қолдириб кетган эдики, эндиликда кема ҳатто йўналишини ўзгартирган чоғда ҳам у билан қайтадан тўқнашишдан қўрқмай қўйганди. «Учқур» қанчалик шитоб-ла елиб бораётган, қанчалик илгарилаб кетган бўлмасин, Жаспер йўналишини ўзгартириш учун уни тўхтатиш лозим эканини кўриб-англаб турарди. Орадан икки дақиқа ўтмаёқ руль сўлга бурилди-ю, енгил кема шамолга нисбатан ўткир бурчак ҳосил қилиб сузиш учун йўналишини ўзгартиргани тўхтаб турибди-да.

— Қочиб кетадиган бўлди!— деди Жаспер, куттер билан қайиқнинг шу топдаги нисбий ҳолатини аниқлаб.— Айёр муттаҳам шамолга қараб сузаяпти, бунақада «Учқур» етолмайди унга.

— Қайиғимиз бор-ку!— дея қичқирди сержант йигитчалардек қизишиб, уни орқасидан қувиш истагида.— Уни сувга тушириб, ярамасларни қувамиз.

— Фойдаси йўқ,— жавоб қайтарди Жаспер.— Агар Изқувар кема саҳнида бўлганида бир нима қилиш мумкиниди, лекин ҳозир бефойда бу. Қайиқни сувга туширгунча уч ёки тўрт дақиқа ўтади, бу муддат эса Ароухедга мутлақо кифоя қилади.

Кап ҳам, сержант ҳам ўспириннинг ҳақлигини кўриб туришарди; бу нарса ҳатто денгизчилик бобида ҳеч вақодан хабари бўлмаган одам учун ҳам кундай равшан эди. Соҳил улардан ярим миль нарида эди. Қайиқ аллақачоноқ соҳил ёқалаб кетган соя-кўлага тушиб турган ердан жадаллаб сузиб борарди. Таъқибчилар то орадаги масофа-

нинг ярмини босиб ўтишга улгурмаслариданоқ қайиқнинг қуруқликка етиб олиши очиқ-ойдин кўришиб турар эди. Албатта, улар қайиқни қўлга туширишлари мумкин эди-ю, ammo бундан нима фойда. Ароухед кўл теграсини қуршаган ўрмондан нариги соҳилга етиб олишга аҳд қилганди афтидан.

Руль яна ўннга бурилди-ю, куттер кескин бурилиб, гўёки савқи табиий заптида, бошқа йўналишда суза кетди. Ана шу ишларни Жаспер чурқ этмай бажарди; қўл остидаги хизматчилари ўзларидан нима талаб этилаётганини кўриб-билиб туришганидан бошлиқларига тақлидан беихтиёр ҳаракат қилишарди. Бу пайтда Кап сержантнинг тугмасидан ушлади-да, уни гапларини ҳеч ким эшитмайдиган жой — каюта эшиги олдига бошлаб бориб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишга тушди.

— Менга қара, биродарим Дунгам,— деди у афти бадбин буришиб,— бунақанги нарса пухта ўйлаб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш кўришни тақозо этади.

— Ҳарбий одамнинг ҳаёти, оғам Кап, ҳамишаям ҳоримас бир эҳтиёткорликни талаб қилади. Бу ерда, чегарада бошқача бўлиши мумкин эмас. Башарти хиёлгина мудраб кетганимизда борми, аллақачон бош теримизни шилиб олишган бўларди.

— Илло мен Ароухедни қўлга туширилишига биринчи, унинг қочиб кетишига эса иккинчи «шарт-шароит» деб қарайман. Жаспер Чучук Сув жавобгар бунга.

— Тўғри, бу аппа-аниқ иккита далил бўлди, биродар. Локин агарда ҳиндунинг қочиб кетиши Жасперга қарши далил бўлса, Ароухеднинг қўлга туширилиши унинг фойдасига ишлайдирган далил.

— Шундай, шундай! Илло бу икки ҳолат асло бир-бировига қарама-қарши эмас-ку. Агарда кекса денгизчининг маслаҳатига қулоқ осадиган бўлсанг, сержант, шу лаҳзадан бошлабоқ, кема ва ундагиларнинг жамикисининг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган чора-тадбирларни кўришга киришишинг даркор. Куттер ҳозир олти узель тезликда сузаяпти, ушбу кўлмакнинг оралиғи катта эмас, шу боисдан ҳам тонготмаёқ французлар бандаргоҳига бориб қоламиз-у, оқшом тушгунича эса французлар турма-сида кўрамиз ўзимизни.

— Ҳамма гапинг ҳақдир балки, оғам Кап. Локигин нима маслаҳат берасан менга?

— Менинг фикримча, сен ҳозирнинг ўзидаёқ мистер Жаспер Чучук Сувни авахтага оласан-у, пастга тушириб, соқчи қўясан-да, кемани бошқаришни каминага топшира-

сан. Бу сенинг измингда, зотан кема қўшинга қарашли, сен бўлсанг мазкур сафарнинг масъул бошлиғисан.

Сержант Дунгам ушбу маслаҳат устида бир соатдан ортиқ бош қотирди. Одатда у ўз қарорини ғайрат-ла, тез амалга оширишга киришарди, бироқ қарорнинг ўзига келганда ҳеч қачон шошма-шошарлик, бемулоҳазакорлик билан қабул қилмасди уни. У Жаспернинг хулқи-атвори билан тузуккина танишишга улгурган ва донмо у тўғрида яхши фикрда бўлиб келганди. Ҳозирда бўлса дилини қамраб олган шубҳа-гумон сержантга тинчлик бермай қўйган эди. У квартирмейстер билан маслаҳатлашиб кўришга аҳд қилди, зероки унвони-даражаси жиҳатидан Мюйрнинг фикри-ла ҳисоблашиши лозим эди.

Нима гап бўлганини квартирмейстерга сержант эмас, Кап сўзлаб берди. Сўзлаш асносида кекса денгизчи бўёқларни қуюқлаштириб, бўрттиришга хўп тиришди. Мюйр «Учқур»ни бошқаришни дарҳол Капга топшириб, шу йўл билан хиёнатчини зарарсизлантиришни маслаҳат берди. Бу гап сержантда узил-кесил ишонч ҳосил қилди-ю, шу заҳотиёқ қабул қилган қарорини амалга оширди.

Сержант Дунгам ҳеч нарсани тушунтириб-нетиб ўтирмай, Жасперга уни вақтинча куттер қўмондонлигидан маҳрум этиб, кемани бошқаришни қайноғасига топширишни лозим топганини маълум қилди. Бу хабарни эшитганида йигитча намоён этган табиий ҳамда беихтиёрий ҳайратга жавобан у хотиржамлик ила, ҳарбий хизмат аксар ҳолда сир сақлашни талаб қилади ва вазият шундай буйруқ беришни тақозо этипти, деди холос. Гарчи Жаспернинг таажжуби бу билан озаймаган бўлса-да,— сержант ўз шубҳа-гумонларини аввало пинҳон тутушга уринаётганди,— ҳар қалай йигит ҳарбий интизомга кўникиб кетган эди; у бир оғиз ҳам эътироз билдирмай, камсонли кема хизматчиларига қўмондонлик Кап ихтиёрига ўтишини ўзи эълон қилди. Шундан сўнг Жаспердан ҳам, кўлни яхши билгани сабабли лоцман деб аталувчи ёрдамчисидан ҳам настга — каютага тушиб, ўша ердан чиқмасликларини талаб қилдилар. Бу гап Жасперга қанчалик қаттиқ таъсир қилганини юз ифодаси ва беихтиёрий бир ҳаракатигина намоён эди, холос. Бироқ йигитча ўзини шунчалик яхши тутушга қодир эдиким, унинг юзида акс этган оний ифода нимани англатишини ҳатто Капдек шубҳачи одам ҳам тушуна олмади. Сирасини айтганда, кўр-кўрона шубҳа таъсирида ҳаммиша бўлиб келганидек, Кап шу замоноқ ушбу нарсани ҳам ёмонликка йўйди.

Жаспер билан лоцман настга тушишди. Кема саҳнида-

ги пастга тушиладиган туйнук олдига соқчи қўйилди. Соқчига уларга сергаклик билан кўз-қулоқ бўлиш, кема саҳнига чиқармаслик, борди-ю чиқишга уринадиган бўлсалар ўша заҳотиёқ буни бсшлиққа етказиш ҳақида махфий тарзда фармойиш берилди. Бу эҳтиёт чоралари ортиқча эди: Жаспер билан ёрдамчиси ирдамай ўз ўринларига тап-на ташлаганларича тун бўйи жойларидан қимирламадилар.

— Ана энди, сержант,— деди Кап ўзини кема соҳиби тахтида кўргач,— илтифот кўрсатиб, тўғри боришим учун қаёққа ва қандай сузишимиз лозимлигини айт менга.

— Оғам Кап, буёғини биллолмадим,— дея эътироз билдирди бу савол билан боши берк кўчага киритиб қўйилган Дунгам.— Биз Минг Оролдаги қароргоҳга боришимиз керак. Уша ерда кемадан тушиб, қоровулларни алмаштирамиз ва маълумотларни оламиз-у, уёғига ўшанга мувофиқ ҳаракат қиламиз. Езма кўрсатмада сўзма-сўзига айнан шундай дейилган.

— Ахир менга масофа ва турган еримизни аниқлаш учун харита ёки шунга ўхшаш нарса бермайсанми, йўқса йўлни қандай топаман?

— Жасперда шунга ўхшаган бирон нима бўлмаса керак-ов.

— Харита йўқ дейсанми, сержант Дунгам?!

— Йўқ экан, биродар Кап! Бизнинг денгизчиларимиз бу кўлда харитага қарамай сузишади.

— Буёғи неча пулдан тушди! Бундан чиқди ғирт ёввойи экан-да улар. Наҳотки сен, сержант Дунгам, на отини, на қаерда жойлашганини, на масофасию на қай йўналтишдалигини билмай туриб топа олади деб ўйласанг мени?

— Отига келганда, биродар Кап, бунинг зарурати йўқ, негаки Минг Оролдан бирортасининг номи йўқ; шундоқ экан, бу борада ҳеч қанақанги янглишмовчилик содир бўлмайди. Қаерда жойлашганлиги хусусида эса сенга ҳеч нима деёлмайман, фақат йўлни топиш учунгина буни билиш шарт деб ўйламайман ҳам. Балки кема хизматидагилардан бирортаси қаёққа қараб сузиш кераклигини айтиб берар.

— Шошма, сержант... Бир нафасгина шошилма, ўтинанаман, сержант Дунгам! Башарти кемага қўмондонлик қила бошлаган эканман, ўзларининг ижозатлари ила ошпаз ёхуд шогирд бола билан ҳарбий кенгаш қуриб ўлтирмай бошқараман уни. Капитан капитанлигича қолади, у ҳатто нотўғри бўлса ҳамки ўз фикрига эга бўлиши керак.

Писта пўчоғидекикина кемачага кўмондонлик қиладиган шахсан буюк адмирал ҳам, башарти у ҳар гал қуруқликка яқинлашаётганида рулни бошқарувчи дарга билан маслаҳат қурадиган бўлса, ўз обрў-эътиборини сақлаб қололмайди. Шундай, сэр, агарчи кўл тубига тушиш лозим эрса, сув тубига тушганим бўлсин! Илло, жин урсин, мен сув тубига ҳам денгизчиларчасига, обрў сақлаб фарқ бўламан.

— Э-э, оғам Кап, мен Минг Оролдаги соқчилик маррасидан бўлак ҳеч қаёққа бормоқчи эмасман.

— Бўпти, бўпти, сержант! Тўғридан-тўғри ва очиқчасига матросга ёки ҳарбий кема майдончасида эмас, қандайдир кемача тумшуғида истиқомат қилувчи бирор бўлак кимсага маслаҳат солгандан кўра ўша Минг Оролниң жамини айланиб чиқиб, токи ўзимизга кераклисини топмагунча уларни биттама-битта кўздан ўтказарман. Илло маслаҳату кенгашсиз ва ўз нодонлигини намойиш этмай иш битиришиниң бир йўриғи бор; ўша одамларни шунақанги гапга соламанки, улардан ҳамма зарур нарсаларни билиб оламан, ўзларида эса каминаниң тажрибакорликлари хусусида юксак фикр қолади... Баъзан денгизда кўрадиган ҳеч нарсаниң ўзи йўқ бир пайтда дурбиндан қарашимизга тўғри келади. Ўйлашимча, сиз пиёда қўшиндагилар ҳам ўзингизни гўёки ҳамма нарсани биладиган билимдон қилиб кўрсатиб туриб унча-мунча нарсани англаб-билиб олиш энг маъқул йўл эканлигини билсаларинг керак. Ёшлигимда кемани бошқаришда зарур бўладиган маълумотларни худди шу йўлни ишлатиб билиб оладиган капитан билан икки марта сафарга чиққанман; гоҳо бунинг фойда катта фойдаси тегади.

— Биладан, ҳозир тўғри йўналишда кетяпмиз,— қаршилиқ билдирди сержант,— локин бир неча соатдан кейин тўғри бурунга қараб бораверамиз. Ана ўшанда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак.

— Руль чамбари олдида тургандан сўраб-суриштиришга ижозат эт, иним, ана шунда кўрасан бир нечагина дақиқа орасида унинг ичидан жамики зарур маълумотларни қандай суғуриб олганимни.

Кап билан сержант қуйруқ томонга қараб юришди ва руль бошқарувчига яқинлашишди. Кап ўзига буткул ишонадиган одам сингари бепарвою хотиржам тусга кирди.

— Зап ажойиб шабада эсяпти-да, азизим!— деб қўйди Кап шунчаки, гоҳида кема саҳнида офицер ўзи яхши кўрадиган матроси билан суҳбатлашаётганида изҳор этадиган мурувват оҳангида.— Албатта, сизларда ҳар кеча соҳил шамоли шу зайлда эсиб турса керак-а?

— Шундай, сэр, йилнинг мана шу фаслида,— жавоб қилди матрос янги бошлиқ ва сержант Дунгамнинг қариндошига ҳурмати белгиси сифатида қўлини шляпасига теккизиб қўяр экан.

— Минг Орол атрофларида ҳам шундоқ бўлса кераг-а: ҳар томондан қуруқлик билан қуршалганимизга қарамай, шамол ўзгармас дейман.

— Шарққа қараб борганимиз сайин, сэр, шамол ўзгаради чамамда, нега деганингизда соҳил томондан эсмай қўяди-да.

— Ҳа-ҳа, ана шунақа-да сизларнинг чучук сувларинг! Унда доим шунақанги бирорта ғайритабиий нарса топилиб туради. Масалан, Вест-Индия ороллари оралиғида ҳамиша ҳам соҳил, ҳам денгиз шамоли эсиб туришига ишонасан киши; ушбу жиҳатдан уёқда ҳеч қанақанги тафовут йўқ, бу ерда, мана шу кўлмакда, турган гапки, фарқига бориш керак бунинг. Албатта, азизим, ўша Минг Орол хусусида ҳамма нарсадан хабардордирсан-а?

— Қаёқда дейсиз, мистер Кап! Бу ороллар ҳақида ким ҳам бирор нарсани биларкан? Бу борада Онтариодаги энг тажрибали кекса денгизчилар ҳам бош қашиб қолишади, бизлар бўлсак-ку нима деб аташним билмаймиз. Бунинг устига, ороллардан аксариятининг таги-туғида номини ўзи йўқ.

— Менга қара, Жон... Чамамда, исминг Жон эди шекилли-а?

— Йўқ, сэр, менинг исмим Роберт.

— Э-ҳа, Роберт эди-я, лекин деярли бари бир: Жекми ё Бобми — бунинг фарқи йўқ, биз учун. Менга қара, Боб, ахир уёқда... яъники биз бораётган ерда лангар ташлайдиган тузуккина жой бордир-а?

— Худо биледи, сэр, мен буни бирор мохаук ёки эллик бешинчи полкнинг аскаридан ортиқроқ билмайман.

— Наҳотки у ерда сира лангар ташламаган бўлсаларинг?

— Ҳеч қачон, сэр. Мистер Чучук Сув ҳамиша соҳилга тақаб тўхтатади кемани.

— Илло шаҳарга яқинлашаётганларингда, албатта, лотни олиб, мой суртсаларинг кераг-а?

— Мой, бунинг устига яна шаҳар денг-а! Ё худо, эҳ мистер Кап-а! Бу ерда шаҳарлар нягингизда қанча тук бўлса — ўшанча, мой эса шунинг қоқ ярмича.

Сержант тиржайиб қўйди, бироқ қайноғаси унинг бу истеҳзоли кулгисини пайқамади.

— Қанақасига! На қўнғироқхона, на маёқ, на қалъа-

истеҳком бўлмаса-я! Илло! Хўш дегандан, ақалли гарнизон бордир-ку, ахир, у ерда?

— Буни билмоқчи бўлсангиз, сэр, сержант Дунгамдан сўранг. Бутун бошли гарнизон — «Учқур»нинг саҳнида.

— Унда оролларга қандай яқинлаб борилади, Боб? Сенингча, қайси ирмоқ тузукроқ? Ҳалиги, сизлар охириги марта сузганларингдир-да?.. А? Хўш... ёки... ёки бошқасими?

— Бир нима деёлмайман, сэр, негаки мен на бунисию на унисини биламан.

— Нима бало, азизим, ўйлайманки, сен руль чамбари олдида туриб ухлаётганинг йўқми ўзи?

— Руль олдида ухламайман, сэр, пастдаги ўз каравотимда ухлайман. Чучук Сув бизни — аскарларниям, бошқа ҳамманиям — пастга тушириб юбориб, битта лоцманни қолдиради тепада, бизлар бўлсак худди уёққа умримизда бормагандек, йўлни мутлақо билмаймиз. Қайтишда ҳам доим шундай қилади. Шунинг учун, жонимни суғуриб олганингиз тақдирдаям, на ирмоқ ҳақида, на оролга яқинлашаётганда қайси йўналишда сузиш тўғрисида бирон нима дея оламан. Жаспер билан лоцмандан бошқа ҳеч эф билмайди буни.

— Мана сенга яна битта «шарт-шароит», сержант! — деди Кап куёвини сал четроққа олиб ўтиб. — Бу ерда ҳеч нимани сиқиб-ситиб ҳам чиқариб бўлмайди: исканжа дастагини бурай бошлаган заҳотингоқ нақ жоҳиллигу нодонлик «шарбат» қуйила бошлайди шариллаб. Жин уриб, жаббор чалсин, энди йўлни қандоқ топдим?

— Шундоқ, оғам Кап! Бу саволни сўрашдан кўра унга жавоб бериш мушкулроқ. Буни кемачилик қонун-қоидаларига биноан бир амаллаб билишнинг иложи йўқмикин? Мен сиз шўр сувда сузадиган денгизчилар учун бунақанги арзимас нарса ҳеч гап эмас деб ўйлабман. Уларнинг янги-янги оролларни қандай кашф этганларини кўп ўқигандим.

— Бу ҳақ гап, иним, ҳақ гап; илло мазкур кашфиёт ҳаммасидан ҳам улугроғи бўларди-я, негаки биз биттагина оролни эмас, бутун бошли мингта оролни кашф этган бўлардик. Кема саҳнида игна йўқотгудек бўлсанг — кўзим қанчалик кексариб-ожизлашиб қолганига қарамай, уни топиб бераман-а, лекин ўша игнани пичан ғарамидан топиб бера олишимга асло кўзим етмайди.

— Локин мачави кўлда сузадиган денгизчилар керакли жойни топа олишади-ку.

— Агар гапингни тушунган бўлсам, сержант, ўша соқ-

чилик мазгили ёки истеҳком кўздан пана, пинҳоний жой-да экан-да.

— Ҳар ҳолда қаерга жойлашгани душманга сир бўлиб қолиши учун барча эҳтиёт чоралари кўрилган.

— Хўш, шундай қилиб, сен мени бу кўлларингни мутлақо билмай туриб, харита, йўналиш, масофа, кенглигу узунлик, лот, устига-устак, мой — шуларсиз ўша соқчилик манзилгоҳини топади деб умид қилиб ўтирибсанми ҳали? Ижозатинг билан бир нарсани сўрайман: мабодо сен денгизчиларни Изқуварнинг тозилари сингари сезгиларига қараб, ис билиб иш кўради деган хаёлда эмасманми ўзи?

— Оға, ҳар қалай рулни бошқараётган азаматдан бирор нимани билиб олишнинг иложи йўқмикин-а? Фаҳмимча, у ўзини гўлликка солаётганичалик нодонга ўхшамайди.

— Ҳм! Бу яна янги «шарт-шароит»га ўхшаб қолди-ку. Иш «шарт-шароит»лар билан шунчалик тўлиб-қаппайиб боряптики, очигини айтганда, қай бирининг этагидан тутишни ҳам билмай гаранг бўласан. Илло бу ўспириннинг нималардан бохабарлигини ҳозир билиб оламиз-да.

Кап билан сержант руль чамбараги ёнига қайтишди, шунда денгизчи ўз сўроғини келган жойидан давом эттирди.

— Ўша оролнинг қайси кенглигу қайси узунликда жойлашганини ҳеч эшитганмидинг? — деб сўради у.

— Нима дедингиз, сэр?

— Кенглик ёки узунлик, ё униси, ё буниси тўғрисида — менга қайсиси бўлсаям бари бир, негаки, азизим, мен сендан бу кўлмакда ёшлар қандай билим олишини билиб қўяй деб сўраяпман-да.

— Мен унисиниям, бунисиниям билмайман, сэр, сиз айтётган нарсаларни умримда эшитмаганман.

— Ие, ҳали кенглик нималигини билмайсанми?

— Йўқ, сэр, — дея эътироз билдирди денгизчи ўйчан қиёфада. — Айтмоқчи, назаримда, бу юқори кўлларнинг французча номи бўлса керак.

Кап аламидан ҳатто аста ҳуштак чалиб қўйди.

— «Юқори кўлларнинг французча номи бўлса керак» эмиш-а. Менга қара, йигит, узунлик нималигини биласанми унда?

— Назаримда, биламан чоғи, сэр. Бу беш футу олти дюйм — устав бўйича қироллик хизматидаги аскарларнинг бўйи бўлса керак.

— Мана сенга узунлик, сержант, билиб қўй билманган!.. Хўш, даража, минут ва секундлар тўғрисида жиндаккина бўлсаям тушунчанг борми ўзи?

— Ҳа, сэр, мансабларни яхши биламан, минут ва секундлар — бу лаг¹нинг узун-қисқа чизиқчалари. Буни яхши ўрганиб олганмиз аллақачон, кейин, шўр сувда сузадиганлардан кам билмаймиз.

— Э лаънат-э, биродар Дунгам! Одамлар тоғни ўрнидан қўзғатишга қодир дейдиган ўша эътиқоду ишонч парисининг ўзи бўлганидаям бу кўлдан сузиб ўтолмасди. Тажриба ҳам ҳеч қанча ёрдам беролмайди бунда. Ҳай майли, азизим... Азимут нималигини тушунасанми? Оралиқдаги масофани аниқлашни эплай оласанми, компасдан фойдаланишни-чи?

— Азимут масаласида, сэр, ҳеч нима деёлмайман. Масофани бўлса ҳаммамиз ҳам биламиз — бир нуқта билан иккинчи нуқта оралиғини ўлчашнинг қийин жойи йўқ. Компасга келганда эса, қирол олий ҳазратлари флотидаги истаган адмиралингизга бўш келмайман: норд, норд-ост, норд-норд-ост, норд-ост-норд, норд-ост-ост ост-норд-ост...¹

— Бас-бас, етарли! Агар шу зайлда давом этадиган бўлсанг кемани шамолга тескари қилиб юборасан... Яққол-равшан кўриб турибман, сержант, — сўзини давом эттирди Кап тагин бир четга ўтиб, овозини пасайтириб, — бу йигитчадан ҳеч вақо чиқмайди. Мен яна икки соатлар чамаси шу йўналишда боравераман. Сўнгра тўхтаймиз-да, лот ташлаб чуқурликни ўлчаб кўрамиз, уёғига бўлса шайроитга қараб иш тутармиз.

Кўнувчан одамлар тоифасидан бўлган сержант қаршилик билдирмади: тун бостириб келгани сари шамол кучсизлана борарди. Куттер сувда силлиққина сузарди, шу бойсдан сержант кема саҳнига елканни тўшади-ю, ҳадемай аскарчасига донг қотиб ухлади-қолди. Кап кема саҳнида нари-бери қатнашда давом этди: унинг темирдек мустақкам жисми чарчоқни енгиб, тун бўйи мижжа қоқмади.

Дунгам уйғонганида аллақачон тонг отиб бўлган эди. Урнидан туриб, атрофга кўз ташлар экан, ўзининг феъли ва сабр-тоқатига номуносиб тарзда баланд овозда ҳайратдан «воҳ» деб юборди. У ҳавонинг бутунлай ўзгариб кетганини кўрди: чор атрофни ямлаб лак-лак туман лашкари бостириб келаётган эди. Бир милдан нарисини кўринмас, кўл дошқозондай қайнаб-кўпирар, «Учқур» эса тўхтаб турарди. У Капнинг икки оғизгина сўзидан ногаҳоний ўзгариш асрорини тушуниб олди.

¹ Лаг — кеманинг босиб ўтган йўли ёки тезлигини аниқлайдиган асбоб.

² Норд — шимол. Ост — шарқ, кунчиқар томон.

Капнинг гапига қараганда ярим кечага яқин, олисда оролларнинг қораси кўзга чалина бошлагани туфайли у лот ташлаб кўриш учун кемани тўхтатишни ўйлаб турган дақиқада шамол таққа тинибди. Вақт ярим кечадан оғганда, соат бирларда шимоли-ғарбдан майда ёмғир аралаш шамол эса бошлабди, шунда Нью-Йорк соҳили қарама-қарши томонда эканини билган Кап кемани шимоли-ғарб томонга бурибди. Соат бир яримда у олдинги елканнинг боғичини ечибди; иккида иккинчи боғичларни, икки яримда эса қолганларини ҳаммасини ечибди-ю, кемани тўхтатибди.

— Сержант, тан олиш керак, куттер ўзини яхши тутяпти,— қўшиб қўйди кекса денгизчи,— шамол нақ қирқ икки замбарак қувватига тенг куч билан эсяпти. Бу чучук сувли кўлмак узра шундай кучли шамол туришини хаёлимгаям келтирмагандим. Дарвоқе, бундан тариқчалик ташвишланаётганим йўқ. Мазкур ҳол сизларнинг кўлингизга янада табий тус беради, агарда...— гап шу ерга етганда учиб келиб оғзига кирган бир неча томчи кўпикли сувни жирканиб туфлаб ташлади,— ҳа, агарда бу лаънати сувнинг жиндаккина тузи бўлганида зап қойил иш бўларди-да.

— Анчадан бери шу йўналишда келаётувдингми, оғам Кап?— дея суриштирди тадбиркор жангчи.— Кейин, тез суздикми ўзи?

— Шу йўналишда келаётганимизга икки ёки уч соат бўлди, ҳа-ҳа, куттер икки соатча жилови бўш қўйилган тулпордай елди. О, мана энди очиқ ерда турибмиз-да! Иқрорманки, йўлакай учраган оролчалар билан тўқнашиб кетмайлик деб, гарчи шамол улар томонга эсаётган бўлса-да, рулни ўз қўлимга олиб, куттерни бир ёки икки милча четроққа бурдим. Ҳозир биз ўшоқдан эсаётган шамол заптидамиз, бунга кафолат бера оламан! Шундай, ўшоқдан эсаётган шамол заптидамиз, деяпман, аслида ўзи, гоҳо битта ёки беш-олтита орол учраган пайтда уёққа эсаётган шамол таъсирида сузган жойидаку-я, аммо минглаб оролларга рўпара келганда ўша заҳотиёқ йўлни буриб, тескари шамолга кўндаланг бўлган маъқул... Йўқ-йўқ, хув ана улар, туман орасида. Қўявер, туманга бурканганча тураверсин ўшоқда. Чарлз Капнинг улардан бошқа ташвиши йўқмиди дейсан!

— Унда шимолий соҳил биздан шу топда беш ё олти миль нарида, оғам Кап; бунинг устига, биламанки, ўша томонда кенгина кўрфаз бор, шу сабабли кема хизматчиларидан бирортаси билан кеманинг ҳозир қаерда тургани

устида маслаҳатлашиб олинса чакки бўлмасди, акс ҳолда Жасперни озод қилиб, унга бизни Освегога қайтариб олиб кетишни буюришга тўғри келади. Шамол нақ пешонамиздан уриб турганида соқчилик манзилгоҳига етиб бориб бўлмайди-ку, ахир.

— Кемачилик асосини ташкил этувчи баъзи бир муҳим сабаблар сенинг ушбу таклифларингга зид келади. Бирламчи, қўмондоннинг ўз нодонлигини тан олиши тартиб-интизомга раҳна солади... Сен бошингни сарак-сарак қилияпсан, тушунаман буни, илло интизомни ҳеч нарса ўз жоҳиллигини тан олишчалик барбод этмайди. Мен бир капитанни билардим, ўша ўз хатосини бўйнига олишни истамагани учунгина бир ҳафта мобайнида янглиш йўналиш бўйлаб сузган, худди ана шу бошлиқни тушунмаганлари туфайлидан ҳам унинг ўз қўл остидаги хизматчилари орасида қанчалик иззату ҳурмат қозонганини сен ҳатто тасаввур қилолмайсан.

— Шўр сувда шундай қилиш мумкин, оғам Кап, лекин чучук сувда амримаҳол-ов. Бутун қўл остимдаги хизматдошларим билан бирга Канада соҳилига улоқтириб ташлавиш хавфига мубтало бўлгандан кўра Жасперни авахтадан бўшатганим маъқулроқ.

— Ўзингни Фронтенак бандаргоҳида кўрасан унда! Йўқ, сержант, «Учқур» ишончли қўлларда, иннайкейин, денгизда сузиш амали-санъатидан пича сабоқ ҳам олди. Биз ҳозир яйдоқ ердамиз, боз устига бунақанги шамолда телбаларгина қирғоққа яқинлашишга журъат этади, холос. Ҳар бир навбатчилик муддатида кема йўналишини шамолга мослаб ўзгартириб тураман, ана шунда биз ҳар қандай хавфу хатардан (фақат шамолсизликда тўхтаб қолишдан ташқари) халос бўламиз: бунақанги енгил ҳамда саёзу пастак кема учун шамолсизликда туриб қолишнинг қўрқинчли жойи йўқ. Нима қилишни ўзимга қўйиб беравер, сержант, ҳаммаси жойида бўлишига Чарлз Кап номим билан кафолат бераман сенга.

Сержант Дунгам ён беришга мажбур бўлди. У қайноғасининг денгизчилик бобидаги билимига тўлиқ инонар ва Капнинг куттер билан жиддий шуғулланиши ҳамда ўзи ҳақидаги яхши фикрни батамом оқлашидан умидвор эди. Бунинг устига сержант соқчилик мазгилига бормаи туриб қалъага қайтиш ҳамманинг олдида ўз обрў-эътиборини тушириб юборажани сезиб-пайқаб турарди; унинг ўрнига унвони баландроқ бошқа бировни тайинлашлари равшан эди.

Чошгоҳга бориб куттердагиларнинг жами кема саҳнига чиқишди. Мавж ураётган тўлқинлар айтарли баланд ҳамда кучли эмасди, «Учқур» ороллар остонасида шамолга тескари тарафда чайқалиб турарди. Аммо-лекин кўлнинг феълидан хабардор бўлганларнинг бари яқин орада бу ўлкада бот-бот жазавага тушиб турадиган кузаки кучли бўрон бошланишини яққол сезиб туришарди. Ҳеч қаерда қуруқликдан ном-нишон кўринмасди. Бадқовоқ ҳамда ҳувиллаган уфқ кўлга аллақандай бир сирли-сеҳрли маҳобат бахш этганди. Вижир-вижир кўпик ёлли пастак тўлқинлар зумда дув тўкилиб-таралиб кетарди. Одатдаги мовий сув тунду хира, яшилтоб тус касб этганди. Безовта сув сатҳи қуёш нурлари остида лак-лак учқун янглиғ ялтираб, шуълаланмай қўйган эди.

Бу манзарадан тезда диллари ғашланиб, зерика бошлаган аскарлар бирин-кетин ғойиб бўлдилар. Кема саҳнида фақат денгизчилар, сержант, Кап, Изқувар, квартирмейстер ва Мабелларгина қолишди. Мабелнинг чеҳрасига маъюслик соя ташлаган эди: қиз куттерда бўлаётган ишлардан хабар топган ва Жаспернинг ҳақ-ҳуқуқини тиклаш борасида беҳуда илтимос қилаётган эди.

Изқувар тонг отгунча шу хусусда бош қотириб, ниҳоят, ёш денгизчи бегуноҳ деган қарорга келиб, у ҳам худди қиз сингари ўз дўсти учун қизгин илтимос қилган, унинг ўтинчи ҳам худди ўшандай зое кетганди.

Орадан бир неча соат ўтди. Шамол аста-секин кучга кириб, тўлқинлар сапчиб баландлагандан-баландлаб борарди, ниҳоят кема чайқалиши Мабель билан квартирмейстерни саҳндан пастга тушиб кетишга мажбур этди. Кап кемани тез-тез буриб турарди; ҳеч қанча вақт ўтмай шамол «Учқур»ни кўлнинг энг очиқ ва энг чуқур жойига ҳайдаб боргани аён бўлди. Тўлқинлар қутургандан-қутуриб, кеманинг биқинига шу қадар куч билан «калла» қилардики, уларнинг забту ҳамласига фақат энг мустаҳкам кемагина бунчалик узоқ дош бера олиши мумкин эди. Аммо бу нарса Капнинг кўнглига заррача ҳам ғулу сололмасди. Аксинча, бурғу овозини эшитганида қулоғи динг бўлгувчи този янглиғ ёхуд жангга чорловчи карнай садосини эшитганда гижинглаб, туёқлари билан ер депсигувчи тулпор сингари бутун вужудига жон кириб, бор куч-қуввати жўшиб, асаб торлари таранг тортилган эди. Эндиликда унинг такаббурлиги, безорижон қиладиган қилиғи ва насихатгўйларча танқидчилиги барҳам топганди, ҳар бир

эрзимас нарса устида тортишиб, ҳар бир майда-чуйда, иг-надай нарсани туядай қилиб кўрсатадиган қилиғи йўқо-либ, илгари, аслида бўлганидек довурак ҳамда тажриба-ли денгизчига айланган эди. Гарчи олдинги бошлиқлари билан лоцманларини бесабабдан-бесабаб ишдан четлат-ганлари ғалати кўринса-да, матросларда ҳеч қанча вақт ўтмай унинг санъатию маҳоратига нисбатан эҳтиром ҳис-си уйғонганди, ўзларининг янги капитанларининг буйруқ-ларини аниқ, сўзсиз адо этаётган эдилар.

— Бу чучук сувли кўлмак, иним Дунгам, тан олиш ке-ракки, унчалик чакки кўринмайди-ку!— дея хитоб қилди Кап табиий офат ила яна бир бор олишажагига тўғри ке-лиши ҳақдаги фикр хаёлидан кечар экан, мамнуликдан кўлларини бир-бирига ишқаб.— Шамол менинг наздимда ҳаппа-ҳалол кўҳна қолипдаги довулдай туюляпти. Буни яхши кўраман, сержант, ёқади менга бу, башарти йигирма тўрт соат сурункасига шундоқ туриб берса кўлларингни ҳурмат қилганим бўлсин.

— Ер!— деб қичқирди навбатчи кема тумшугидан ту-риб.

Кап навбатчи томонга ташланди-ю, чиндан ҳам туман ва майда ёмғир пардаси орасидан ярим милча наридаги, куттернинг нақ тумшуги рўпарасидаги қуруқликка кўзи тушди. Кекса денгизчи энди: «Шамолга қиялатиб буриб, счиқ ерда тутилсин кема!»— дея буйруқ беришга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, сержант уни тўхтатиб қолди.

— Сал яқинроқ борилсин,— деди у,— шунда қанақан-ги жой эканлигини билиб оламиз. Орамиздан кўпчилик кўлнинг бу қисмидаги америка соҳилини билади, ҳозир қаерда турганимизни аниқлаб олсак ёмон бўлмасди.

— Тўғри, мутлақо ҳаққоний гап! Шунинг учун ҳам, токи имконият бор экан, айти йўналишда бораверамиз... Уёқда, шамол эсаётган томонда нима гап? Бу пастаккина бурунчага ўхшайдими?

— Юпитер ҳаққи онт ичаманки, гарнизон у!— дея қич-қириб юборди сержант, унинг тажрибали кўзлари ҳамма-дан бурун истеҳкомлар шакли-тарҳини илғаб олганди.

Сержант янглишмаган эди. Гарчи севалаб ёраётган майда ёмғир орасидан гўёки саҳарги туман ёхуд оқшомги ғира-шира пайтдагидек ширавагина кўзга чалинаётган бўлса-да, ҳақиқатан қалъа-кўрғон эди бу.

Пастак-пастак яшил марза-тўсиқлар, шу топда ёмғир-дан янада тундроқ кўринаётган қорамтир боғча-гулзор-лар, икки ёки учта уйнинг томи, ҳавода қилт этмай турган байроғу у илинган ингичка ва яккаю ёлғиз таёқ — шу-

лардан бўлак ҳаёт асорати сезилмайди. Ҳатто соқчи ҳам қоровулхонасига яшириниб-биқиниб олганидан «Учқур»нинг яқинлаб келаётганини ҳеч кимса пайқамаетгандек кўринарди. Бироқ чегара гарнизонининг сергаклиги сусайган эмасди. Қимдир аллақачон кемани пайқаб улгурган эди: дамбада бир неча киши кўзга ташланди-ю, тез орада бутун соҳилдаги дамбани одам тутиб кетди.

— Бизни кўриб туришибди улар,— деди сержант,— иннайкейин, бўронда қийин ақволга тушиб қолиб қайтишган булар, деб ўйлашяпти. Ана, майор Дункайнинг ўзи, шимоли-шарқий истеҳкомда: уни гавдасидан, кейин, аτροφини офицерлар ўраб туришганидан танияпман.

— Нима қипти, сержант, борди-ю мазах қилишса қилишар, бир жойимиз камайиб қолармиди, ишқилиб дарё ўзанига кириб, лангар ташлай олсак бўлгани эди! А лаббай? Ё нотўғримми? Боз устига, анави мистер Чучук Сувни ерга тушириб, кемани ортиқча юкдан халос этган бўлардик-да.

— Ҳа, албатта, яхши бўларди-я унда, локигин, гарчи ўзим денгизчиликка ярамасам ҳам, ҳар қалай бу мумкин эмаслигини билиб турибман. Мазкур кўлда бирорта кема бунақанги довул пайтида шамолга қарши сузолмайди: бунақанги об-ҳавода лангар ташлайдиган жойнинг ўзи топилмай қолади.

— Шундай, мен ўзим ҳам пайқай бошладим буни, сержант, иннайкейин, гарчи қуруқлик истиқоматчиларига ерни кўриб туриш жуда-жуда ёқса ҳамки, бари бир узоқлашамиз ундан. Шахсан менга келганда, бўрон пайтида ер анча олисда эканига қанчалик ишонсам, ўзимни шунчалик бахтиёр ҳисоблайман.

«Учқур» соҳилга шунчалик яқинлаб келгандики, яна очиқ ялангликка чиқиб олиш учун елканларни бошқа йўналишга мослаш зарур эди. Елканнинг этаги маҳкамландиган таёқ — гафелни бўшатиб, рулни ўнгга буришган эди, сув бетида ўрдак мисоли ўйнаб-чайқалаётган енгил куттер пича қийшайди-ю, аммо рулга итоат этиб, тезлигини оширган кўйи тўлқинлар кифти узра мисоли ўқдай учиб кетди. Гарчи ер яна сўл биқинида хийла вақтгача кўриниб турган бўлса-да, ҳадемай қалъаю аскарлар оломони туман девори ортида ғойиб бўлди.

Куттерни шамолга мувофиқ ҳолатда тутиш ва уни ушбу машаққатли йўл бўйлаб шимолий соҳилга қараб боришга мажбур этиш учун турли чораю усулларни қўллаб кўришга тўғри келди.

Бир неча соат ҳеч ўзгаринсиз кечди. Шамол шунчалик

кунайдики, ниҳоят, ҳатто Қапдек майдакаш расмиятчи одем ҳам, «ажойиб довул» бўлди-ку, деб тан олди. Кечга томон «Учқур» қоронгиликда қирғоққа бориб урилмасни деган мақсадда йўналишни тагин бир бора ўзгартирди, муллеси калом, ярим тунлар чамасида у, кўлнинг ўртасида, ҳар иккала соҳилдан баб-баравар масофадаман, деган ўйда эди. Айни фурсатга келиб кўпни кўрган денгизчида бир кун бурун ўзи кулган ҳамда мазах қилган чучук сувга нисбатан ҳурмат ҳисси уйғонган эди.

Тун кириши билан шамол янаям ғазаб отига қамчи босди. Қап бўронга бас келолмаслигини бўйнига олишга мажбур бўлди. Қафтдеккина кемача саҳнига тоғдай-тоғдай тўлқинлар нақ эзиб-янчиб ташлагундек бўлиб човут соларди. Кема хизматчилари, бирор марта бунақанги бўронни бошдан кечирмагандик, дейишарди. Ҳақиқатан ҳам шундай эди, зероки Жаспер жамики буруну кўрфазларни жудаям яхши билганидан довул турмасидан анча олдинроқ ўз куттерини бирон беҳавотирроқ ерга киритиб, лангар ташларди. Аммо Қап ҳануз пастда ўтирган ёш кўмондон ила маслаҳатлашишни асло истамай, очиқ денгизда бўлганида қандай иш тутса, бу ерда ҳам ўшандай иш кўришга аҳд қилган эди.

Гарчи барча елканлар йиғиб қўйилган бўлса-да, енгилгема ўзининг «Учқур» номини оқлаётган эди. У бўронда ўтакаси ёрилиб тепаларида чарх ураётган ва, афтидан, бақирлаб қайнаб-кўпираётган кўлга гарқ бўлишдан чўчиётган чағалайлар ила тезлик бобида баҳслашганча саккиз соат давомида ўқ мисоли олға елиб-учди. Тонг отиб, кун ҳам кирдики, ҳеч нима ўзгармади. Ёмғирли ҳавою жуябушга келган сув сиқувга олган уфқ тору танқис доирадеккина кўринарди.

Ушбу воқеалар давомида денгизчилар билан сафарга чиққанлар беихтиёр беҳаракат қолдилар. Жаспер ва лоцман ҳануз пастда — каютада эди. Сувнинг чайқатиши бир оз пасайгач, икковларидан ташқари ҳамма кема саҳнига кўтарилди. Нонушта умумий жимлик остида ўтди. Ҳамма бу табиий офат билан олишувнинг оқибати нима билан тугар экан деб сўрагандек бир-бировига қарарди. Аммо Қап бояги-боягидек хотиржам: чеҳрасида хавотирланишдан нишона ҳам кўринмас, қадамлари янада дадиллашиб қолган, бутун вужудидан гўёки унинг санъатию жасоратини яккама-якка олишувга чорлаётган бўрон билан бирга мустаҳкамлана борган ўзига ишонч ҳисси ифодаси ёрилиб турар эди. У бакда кўлларини кўксига чапиштир-

¹ Б а к — кема саҳнининг тумшугидаги қурилма.

ганча, денгизчилар одатига хос тарзда чайқалиб турарди-ю, нигоҳи эса куттерга келиб урилиб кун-паякун бўлаётган ва яна қайтадан ҳамлага ўтаётган тўлқинлар ярринига қадалганди. Ана шу тантанали дақиқада денгизчилардан бири қўққисдан:

— Ҳей, елкан!— дея қичқириб қолди.

Ҳувиллаган Онтариода кема билан учрашиш ниҳоятда кутилмаган бир ҳол эди. «Учқур»ни бепоён ўрмонда адашиб-улоқиб юрган йўловчига ўхшатиш мумкин эди, унинг бўлак кема билан учрашуви эса чангалзор ўрмонда икки овчининг тўқнаш келиб қолишини эслатарди. Қаршисида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ёлғиз Капгина совуқ-қонлик ила боқиб келаётган эди, бироқ мазкур ғалати ҳамда қутқули манзарани кўрганида ҳатто унинг темирдай мустаҳкам асаблари ҳам зил кетди.

Бегона кема билан «Учқур» оралиғидаги масофа тўрт юз қадамдан ошмасди. Уни «Учқур» сари шамол қувиб келар, келганда ҳам шундай йўналишда келаётган эдики, куттер ундан бир-неча газ наридан ўтиб кетиши керагиди. Бу чорси елканли кема эди. Ҳатто энг тажрибали кўз ҳам унинг на жиҳозланиши, на танасида нуқсон топа оларди. Ҳамма елканларидан фақат маҳкам сирилган ўрта мачтадаги пастдан биринчи, олдинги мачтадаги қуйи елкангина ёзиқ қолдирилган эди. Шамол шундай куч-ла уфурар эдики, кема дам ёнбошлаб, дам шамолга қарши тўлқинлар заптида тагин қадди тўғриланиб қоларди. Унинг бирон ери жароҳат кўрмаганди, кейин, шундай тезликда келишини эътиборга олганда (тезлиги тўрт узелга тенглашиб қоларди чамаси) у хийла бемалол сузаётган эди.

— Ошман, чоғимда, бораётган йўлини жуда яхши биладиган кўринади-ку,— деди Кап, бу орада куттер ўша кемага қараб шамол тезлигида учиб борарди.— У негадир жанубга томон дадил кетяпти, уёқдан лангар ташлашга боп бирон жой ёки бандаргоҳ топиш ниятидага ўхшайди. Шу йўналишида қаерга боришини аниқ билмайдиган ҳеч бир эс-ҳуши жойида одам бунақанги тезликда сузмас эди.

— Биз даҳшатли йўлдан боряпмиз, капитан,— деди денгизчи, юқоридаги гаплар унга қаратилган эди.— Бу француз қироллиги кемаси «Монкальм» бўлади, У Ниагарага қараб кетяпти, ўша ёқда французларнинг гарнизони ва бандаргоҳлари бор. Хосиятсиз учрашув бу.

— Шундайку-я, аммо унинг учун хосиятсиз! Французлиги дарров билинди-қўйди! Инглиз байроғига кўзи тушгани заҳотиёқ бандаргоҳга жуфтакни ростлаб қолишга шочиляпти.

— Қанийди биз ҳам шундай қила олсак, саз бўлар-ди-я,— эътироз билдирди матрос ғамгин бош чайқаб — Биз тўппа-тўғри қўлнинг охиридаги қўлтиққа қараб кетяп-миз, уёқдан бўлса бирон кун келиб қайтишимиз даргумон.

— Бас, биродар, бас! Ҳозир очиқ-яйдоқ ердамиз. Ос-тимизда эса мусту-мустаҳкам инглиз кемаси. Биз унақан-ги енгилгина шабададан қочиб, биқиниб оладигаилардан эмасмиз. Ҳей, рулни мустаҳкамроқ тут!

Бу огоҳлантирувчи буйруқ муқаррар бостириб келаёт-ган хавф туфайли берилган эди. «Учқур» тўғри «француз»-га қараб борарди.

Иккала кема орасидаги масофа юз газдан ортиқ эмас-ди шу топда. Шунда ҳатто омон-эсон ўтиб кетармикин бир-бировининг ёнидан деган шубҳа йилт этди хаёлда.

— Чапга бур! — қичқирди Кап. — Чапга олиб, қуйруқ томонидан ўт!

Француз кемаси хизматчилари кема саҳнининг шамол эсаётган томонига тўпланган, аллақачон бир нечта пил-тамилтиқ йўналишини ўзгартишга мажбур қилишга шай-ланиб «Учқур»га тўғриланган эди. Бироқ қўл шу қадар кутуриб кетдики, жамики ҳарбий ҳозирлик ишлари зое бўлди. Икки ёки уч замбаракнинг оғзидан шариллаб сув оқиб тушаётганидан ҳеч ким уларни шундай бўронда иш-га солишни ҳатто хоби-хотирига ҳам келтирмади. Кеманинг қоп-қора танаси сувдан шўнғиб чиқар экан, ялтирар ва, чамаси, қовоғини уяётгандек туюларди.

Шамол кема абзалу арқонларини тор қилиб чертиб ув тортар, минг бир оҳангда хониш қиларди. Бу шовқин-сур-рон орасидан «Монкальм»дан эшитилаётган баланд қич-қириқларни англаб бўлмасди.

— Томоқларинг йиртилиб, бўғилиб қолгунларингча ке-кирдакларингни чўзаверинглар! — гўлдиради Кап. — Ҳозир бир-бировига сир айтиб пичирлашиб ўтирадиган вақт эмас. Рулни чапроқ олинг, сэр! Чапроқ!

Руль бошқарувчи буйруққа итоат этди, шундан кейин сапчиб-ирғишлаб келган навбатдаги тўлқин «Учқур»ни французлар кемасига шунчалар яқин ерга итқитиб юбор-дики, ҳатто кекса денгизчи куттернинг тумшугидаги қия устун «французларнинг» арқону абзалларига илашиб қо-лади-ёв деб ихтиёрсиз равишда қўрқиб кетганидан жон-ролатда ўзини орқага ташлади. Лекин ундай бўлмади ҳай-товур.

Куттер ўзини ўнглаб, бамисоли ўлжасига ташланишга ҳозирланаётган қоплондек олға сапчиди, бирон дақиқа-лардан кейин душман кемасининг қуйруқ томонига ўтиб

олганди, оз бўлмаса у рақиб кеманинг биқинини «қашлаб» ўтаёзганди.

Ёшгина француз, «Монкальм»нинг командири кеманинг ўртасига сакраб, олижанобона эҳтиром-ла шляпасини ечди-да, илжайганча ёнидан ўтиб бораётган куттерни қутлади.

Ушбу эҳтиромга жавобан Кап мушт ўқталиб, ўзича тўнғиллаб қўйди.

— Кемамда тўп йўқлиги бахтинг! Йўқса бошлаб абажанингни чиқариб қўярдим-а!.. Шунчаки мақтаняпти у, сержант!

— Боодоб у, оғам Кап,— дея қарши чиқди униса эҳтиром юзасидан чаккасига олиб борган қўлини пастга тушираркан.— Назокатли у — француздан бундан бўлак нимани ҳам кутиш мумкин? Унинг бу назокати замирида яширинган ниятини билолмайсан.

— Бу кўлда бемақсад сузиб юрибди у. Келинг майли-е, агар уддасидан чиқа олса, ўша бандаргоҳига гумдон бўлаверсин; биз ҳақиқий инглиз денгизчиларига муносиб тарзда кўлнинг хўжайини бўлиб қолаверамиз.

Мазкур гап ғоятда улуғворона оҳангда янгради-ю, би-роқ Кап «Монкальм»нинг тобора хиралашиб бориб, ниҳоят туман ичра рўёдек ғойиб бўлаётган қоп-қора танасига, унинг жиҳозу абзалларига ҳасад билан тикилгандан тикиларди. Башарти журъат эта олганида борми, жон-жон деб унинг ортидан эргашган бўларди-я. Ростини айтганда, ушбу кимсасиз, ҳувиллаган, теварак-атрофида қаҳри-заҳрини сочиб, жазаваси тутаётган сувда иккинчи ана шундай довулли кечани ўтказиш истиқболи Капнинг наздида у қадар қувончли кўринмаётган эди. Аммо унинг касби-корига хос ғурури ўз хавотиргарчилигини яширишга ет-гүлик эди.

Яна бир неча соат ўтди. Лашкар тортиб келган қоронғилик «Учқур»га таҳлика солиб турган хавфу хатарни кучайтирди. Лекин довул бир оз сусайди, шу боисдан Кап шамолга «яқинлашиш»га қарор берди. Куттер ер билан тўқнашиб қолмаслик учун гоҳ олдинга жиблиб, гоҳ бошқа йўналишга бурилиб, тун бўйи дрейфда — тушовда бўлди. Тун бўйи сув кемани итқитиб-чайқатиб, бетиним наъра тортиб-ўкириб, тўлқинлар кема «жони» қасдида човут солиб, силсила тўлқинлар ҳар даф қилганида деярли фарқ бўлаётган кемага устма-уст зарба бериб, уни «тушовлаб» қўйган шамол эса муттасил ув тортиб чиқди.

Шу кеча Кап бир неча соат тош қотиб ухлади. Қимнингдир қўли кифтига тегшидан уйғонганида аллақачон

кун ёриша бошлаган эди. Кўзини очиб, сал қаддини кўтарар экан, ёнида турган Изқуварни кўрди у. Довул авжга минган пайтда йўл бошловчи кема саҳнида камдан-кам кўринганди. Камсуқумлигу одоб унга кемани бошқаришга фақат денгизчиларгина аралаша олиши мумкинлигини айтиб турарди. У ўз ҳамроҳларидан ўрмонда қанчалик ишончни талаб этса, кема хизматчиларига ўшанчалик ишонарди. Шу топда эса ўзини ишга аралашингга ҳақли деб билди.

— Уйқу ширин нарса, мистер Кап,— деди у денгизчи уйғониб, кўзларини ишқаркан,— ҳа, уйқу ширин, буни ўз тажрибамдан биламан, лекигин ҳаёт ундан ширинроқ. Атрофингизга бир назар ташланг-у, кейин айтинг-чи: ҳозир кема қўмондони ухлаб ётадиган вақтми?

— Нима? Нима дедингиз, мистер Изқувар?— дея гўлдиреди ҳали уйқуси бутунлай тарқаб улгурмаган Кап.— Нима бало, сиз ҳам вайсақилар томонига ўтиб олмоқчимисиз дейман? Соҳилда сизнинг чангалзорлардан бекомпас қандай уздабурунлигу тадбиркорлик билан йўл топганингизни кўриб ёқамни ушлагандим; сувга қадам қўйганимизда эса ўзингизга бегона муҳитда бошқаларга ҳам худди шундай ишонаётганингиздан ғоятда хурсанд бўлган эдим. Иқрорманки, сиздан бирон танбеҳ эшитишни кутмагандим.

— Гап менга келганда, мистер Кап, табиат ўзимга нимани ато қилганини биламан, кейин, имоним комилки, бировнинг ишига аралашмайман. Гап менда эмас: Мабель Дунгам биз билан бирга, қаторимизда. Мен ўзимдан эмас, ундан хавотирланияпман.

— Ҳа-ҳа, тушунаяпман! У яхши қиз, меҳрибон дўстимдай бир гап, илло у аскарнинг қизию денгизчининг жияни, шундоқ экан, довулдан асло чўчимаслиги керак. Хўш, нима гап, кўрқиб кетдимиз у?

— Э, йўқ-йўқ! Мабель — аёл, занфа, лекигин оқила, кейин, сирини сиртига чиқармайди. Унинг оғзидан ҳали биронта бунақанги сўз эшитганимча йўғ-у, аммо менимча, Жаспер Чучук Сув ўз ўрнига қайтганию ишлар илгаригисидек давом этгани маъқул бўларди ҳар қалай. Инсон боласининг табиати аслида шунақа ўзи.

— Яхши, яхши! Қиз бола, яна-тагин исми шарифи Дунгам бўлмиш қиз айнан шундай фикр юритиши керак. Аллақайдаги бир пандавоқи кекса тоғасидан кўра яхшироғу тажрибали денгизчидан кўра кўпроқ нарсани билади! Ҳа, одамнинг тузилиши аслида шунақа ўзи, мистер Изқувар! Йингирма яшар қизалоқнинг таъби-табиатини деб бораёт-

гап йўналишимдан на ўнгу на сўлга ақалли бир қадам буриладиган бўлсам, жин уриб, жаббор чалсин мени! Шундай,— қўшимча қилди у овозини пасайтириб,— ҳатто у ҳазрати одийларининг эллик бешинчи пиёдалар полки намойиш издиҳомида манамаман деб бўй чўзиб тургани тақдиридаям. Инсон боласи таъби-табиатини мана шу чучук сувли ҳалқобга келиб ўрганиш учун денгизда қирқ йил умримни ўтказган эмасман... Тўхташ нималигини билмайди-я бу довул! Бамисоли Борей¹нинг шахсан ўзи босқон босаётибди дейсиз... Ия, анави шамол эсаётган томондаги нима бўлди?— дея қўшиб қўйди у кўзларини ишқаб.— Ерку! Менинг исмим Каплиги қанчалик ҳақ бўлса, унинг ер экани ҳам шунчалик чин. Қирғоқ-ку бу, устамасига типпатик қирғоқ денг.

Изқувар ҳеч нима деб жавоб қилмади, у бош чайқаб қўя қолди-ю, Капнинг юзидаги ифодага безовталаниб қаради.

— Ер! «Учқур»да эканлигимиз қанчалик ҳақ бўлса, бунинг ерлиги ўшанчалик рост,— такрорлади Кап.— Шамол эсаётган қирғоқ, биздан бир милча нарида бутун Лонг-Айлендни излаганда аранг учратса бўладиган энг аъло сувости қоялари билан безанган қирғоқ!

— Хўш, бу таскин берадиган аломатми ёки аксинчани?— деб сўради Изқувар.

— Эҳ! Таскин беради — бермайди! Нимаси таскин берадиган буни? Агарда сиз таскин бермайдиган деганда бардамлиги ҳушёрликни бўшаштирадиган нарсани назарда тутаетган бўлсангиз, унда билиб қўйинг, дунёда ҳеч нима денгизчининг бардамлигию ҳушёрлигини йўқота олмайди! Ахир ўзингиз, дўстим, ўрмонда уни ҳеч қачон йўқотмаган, кейин уёқда ҳеч нарсадан қўрқмагандирсиз-ку?

— Йўқ, шундай бўлган деёлмайман. Хавфу хатар катта бўлса, уни кўриш-билишга тиришаман, ана шундан кейин уни четлаб ўтишга ҳаракат қиламан, акс ҳолда бош терим аллақачонлар бирор мингнинг вигвамида қуриб-қовжираб ётиши тайин эди. Лекигин бу кўлда изларни кўриб-топиш қўлимдан келмайди, шунинг учун ҳам бошқаларнинг буйруғию амрига индамайгина итоат этишим лозим; лекигин қаторимизда Мабель Дунгам борлигини ёдда тутишимиз керак-ку, ахир... Ана, отаси ҳам келиб қолди!

— Мушкул аҳволга тушиб қолдик-ку, оғам Кап,— деди сержант.— Икки денгизчи зўтган гапни мулоҳаза қилиб кўриб шундай деяпман. Уларнинг айтишича, эндилик-

¹ Борей — қадимий юнон мифологиясида шамол худоси.

да куттернинг елканини ёйиб бўлмасмиш, унда шамол шунақанги суриб кетармишки, бир ёки икки соат ичида қирғоққа итқитиб ташлармиш кемани. Ишонаманки, ваҳима васвасага солиб қўйган уларни...

Кап жавоб қайтармади. У олдин қирғоққа, кейин осмонга қаради, шунда унинг авзойи гўёки шамолни жангоҳга чорлаётгандек жангари ҳамда шафқатсизона, вожоҳатли тус олди.

— Жасперни чақиртириб, у билан маслаҳатлашганимиз маъқулмасмикин, оға?— сўзини давом эттирди сержант.— Бу ерда энди французлардан чўчимаса ҳам бўлади, ҳозирги аҳвол-шароитда йигитча, эҳтимолки, бизни қутқариб қолар.

— Ҳа-ҳа, ҳаммасига ўша «аҳвол-шароит» сабабчи! Майли, чақира қолинглар уни, буёққа чиқсин. Усталик билан битта-иккита савол беришда ичидаги бор ҳақиқатни билиб оламан, мана кўрасизлар!

Денгизчи сўзини тугатиб улгурмасиданоқ сержант Жасперга одам жўнатганди, йигит ўша ондаёқ етиб келди. Бутун туриш-турмушию чеҳрасида ҳамиятига текканларидан ранжиш ифодаси ва шу билан бир қаторда вазминлик акс этиб турарди. Жаспер кема саҳнига қадам босар-босмас, куттернинг шу аснода қаерда эканини билиш ниятида зудлик ила атрофга ташвишли нигоҳ ташлади. Ўзларига қандай хавф таҳдид қилаётганини фаҳмлаб олиши учун шунинг ўзи кифоя эди. Жаспер аввало кўкка назар солди, сўнгра уфқни кўздан кечираркан, тик қирғоқни кўрди-ю, нима гаплигини лаҳзада тушунди-олди.

— Мен сизни, мистер Жаспер, қаршимиздаги бандаргоҳ тўғрисида бирон нима билиш учун чақиртирган эдим,— деди Кап қўлларини чалиштириб, бутун гавдаси билан салобат тўкиб чайқалиб турар экан.— Сизнинг бизни, айниқса аёлларни фарқ қиладиган даражада кек сақламлигингизга ишончимиз комил; ўйлайманки, бизга ёрдам беришга жасоратингиз етади. Токи довул тингунига қадар бирон ерга лангар ташлаб турсак дегандик.

— Мабель Дунгамни хавф-хатар исканжасида кўришдан кўра жонимни қурбон қилишга тайёрман!— деб жавоб қилди навқирон денгизчи.

— Буни билардим, шундай дейишингни билардим!— хитоб этди Изкувар Жаспернинг кифтига дўстона қоқаркан.— Йигит инсонни тўғри йўлга солиб юборадиган энг аъло компасдан ҳам ишончлироқ! Унинг тўғрисида ноҳўя ўйга боришнинг ўзи гуноҳи азимдир.

— Ҳм!— деб қўйди Кап.— Мен: «айниқса аёлларни»

дедим, гўёки чиндан ҳам уларга хавф таҳдид қилаётгандек. Ҳа майли, буни ишга даҳли йўқ, йигитча. Биз бир-бировимизни, икки тажрибали денгизчига муносиб тарзда, тушунамиз. Қаршимизда биронта кема тўхтайдиган бандаргоҳ бор-йўқлигидан хабарингиз борми?

— Йўқ, хабарим йўқ. Бу ерда, кўлнинг бу чеккасида кенг кўрфаз бор-у, бироқ уни ҳеч ким яхши билмайди, устига-устига, уёққа кириш қийин.

— Анави шамол эсиб турган қирғоқ-чи? Назаримда, у бизга паноҳлик қилолмайди-ёв...

— Бу қирғоқ мутлақо овлоқ жойлар. Бир томони Ниагара мансабигача, иккинчи тарафи Фронтенаккача боради. Менга айтишларича, минг миллаб ергача ўрмону даштдан бўлак ҳеч вақо йўқ экан.

— Худого шукур-э! Демак, бу атрофда французлар йўқ экан. Хўш, ёввойилар кўпми бу ерда?

— Ҳиндулар ҳамма жойда, қаёққа борманг, ақалли озроққина бўлсаям бор. Мана шу ерда ҳам тасодифан ҳиндулар тўдасига дуч келиб қолиш ёки бир неча ой туриб бирортасиниям учратмаслик мумкин.

— Бундан чиқди, ўша муттаҳамлар хусусида ўзимизни тақдир изми-иродасига ишониб топшириб қўяверишимиз керак экан-да. Очигини айтинг, мистер Уэстерн: борди-ю анави французлар билан арзимагангина кўнгилсиз можаро бўлмаган тақдирда, ҳозир сиз куттерни нима қилар эдингиз?

— Мен сизнинг олдингизда ёш боламан, иннайкейин, сизчалик тажрибали денгизчи ҳам эмасман, мистер Қап,— деди Жаспер,— шунинг учун сизга маслаҳат бериш одобсизлик бўлурди мен учун.

— Бўлмасам-чи, ҳаммамизга аён гап бу. Одатдагидай шароитда одобеизлик бўларди, албатта, илло ҳозир фавқулодда вазият. Бундай шароити вазиятда ҳатто ўз отангизга маслаҳат беришнинг одобдан деб билаверинг. Қандоқ бўлган чоғдаям сиз бемалол гапираверинг, гапингизга қўшиламанми ёки йўқми буни ҳал қилиш менинг инон-ихтиёримда.

— Менинг фикримча, сэр, икки соат орасида куттер лангар ташлаши керак.

— Лангар ташлаши керак? Қанақасига? Шу ерда, кўлда-я?

— Йўқ, сэр, бу ердасамас, уёқда, қирғоққа яқинроқда.

— Мистер Чучук Сув, тагин сиз довул ўшоққа қараб эсаётган пайтда қирғоққа бориб лангар ташламоқчи эмас-мисиз мабодо?

— Агарда ўз кемамни омон сақлаб қолмоқчи бўлсам, худди шундоқ қилардим, мистер Кап.

— Шундай денг! Бу чучук сувларинг бир касофат эканда ўзи! Қулоқ солнинг, йигитча: қирқ бир йил бўлибдики денгизда сузаман-у, лекин ҳеч қачон бунақанги нарса ни эшитмаганман. Бундай бемаъни қилмишнинг айбдори бўлишдан аввал жамики лангару занжиру арқон-парқонларни кемадан сувга итқитиб ташларман.

— Кўлда оғир аҳволга тушиб қолган пайтларимизда биз ҳамини шундай қиламиз, — дея камтарона эътироз билдирди Жаспер. — Эҳтимол, агарда бизларга тегишлича ўргатганларида, бундан кўра яхшироқ чора-усулларни ўйлаб топармидик.

— Бўлмасамчи, топардинлар унда! Э йўқ, асло, мени ҳеч ким кўндирилмайди бундай гуноҳга жазм этишга. Денгизда сузиш санъати бобида бу болакайдан кўпроқ нарсага фаҳим етади. Сиз эса, мистер Чучук Сув, бемалол настига тушаверишингиз мумкин.

У Н Е Т Т И Н Ч И Б О Б

Аскарнинг хотини тоби қочиб қолиб, ўз каравотида қи-мирламай ётарди. Жаспер кириб борганида Мабель қуй-руқдаги каютада ёлғиз ўзи эди. Шунини айтиб ўтиш лозим-ки, ёш капитаннинг ҳибсга олиниши қизда унча-мунча шубҳа уйғотган эди, бироқ ҳозир йигит куттернинг қанчалик хатарли аҳволда қолгани устида боши қотиб, ғамгин қиёфада ёнига келиб ўтирар экан, барча шубҳа-гумонлари тарқади-кетди-ю, Жаспер тимсолида фақат таҳқирланган одамни кўрди, холос.

— Жуда ўзингизга оляпсизми дейман бу гапларни, Жаспер? — деди қиз одатда кўпинча юракдаги ардоқлини пинҳоний ҳис-туйғуларни фож қилиб қўядиган самимият билан. — Сизни озгинагина биладиган одам айбсизлигингизга заррача шубҳалашмайди. Изқуварнинг айтишича, у ҳаёти билан сизга кафил бўлишга тайёр эмиш.

— Мабель, ҳали сиз, — дея қаршилиқ билдираркан, ўси-риннинг кўзларида ўт чақнаб кетди, — ҳали ҳам сиз отангизга ўхшаб мени хоин деб ўйлайсизми?

— Отам — ҳарбий одам, зиммасига оғир вазифа юк-ланган. Унинг қизи эса сиз тўғрингизда бир одам ўзига шунча хизмат қилган киши ҳақида нимани ўйлаши лозим бўлса, ўшанигина ўйлаши мумкин, холос.

— Мабель, мен ким билан гаплашмайин, кўнглимда борини очиқ-ошкора айтиб, дилимни ёришга ўрганмаганман. Менинг опа-синглим бўлмаган; онам гўдаклигимдаёқ ўлиб кетган, шунинг учун, очигини айтганда, аёл кишига қандай қилиб ва нимани гапириш кераклигиниям билмайман...

Мабель Жаспер айтмоқчи бўлаётган, лекин ифола этишга сўз тополмаётган дилидаги гапни била олса бутун жаҳонни ҳадя қилиб юборгудек эди шу топда; бироқ бетизгин чўчиш туйғуси унинг аёлларга хос қизиқсинишини босиб кетди. У токи йигитнинг ўзи яна гапга киргунича жимгина кутди.

— Мен шуни айтмоқчиманки, Мабель,— сўзини давом эттирди Жаспер,— мен, ҳалиги, ўрмамаганман... сизга ўхшаганларни... ҳалиги... фикр-ўйлари ва одатлари, дидига мослаб гапиролмайман, шунинг учун кўп ками-кўстини ўзингиз хаёлингизда тўлатиб, тўғрилаб олишингизга тўғри келади...

Мабелнинг тасаввур-хаёлотдан камчилик жойи йўқ эди, аммо шундайин ҳис-туйғулар борким, аёл киши булар тўғрисида аввал ўз қулоғи ила эшитишни афзал билади, ана шундан кейин эса тарозуга солиб кўради. Мабель суҳбатдошининг дилидаги туйғу айнан шундай туйғу эканини ғира-шира англаб-фаҳмлаб турарди, шу боисдан ҳам аёлларга хос усталигу хушнуд-шодонлик билан суҳбат мавзуини бошқа ёққа буриб юборишга жазм этди.

— Жаспер, менга биттагина нарсани айтсангиз, кўнглим жойига тушади,— деди қиз қатъий оҳангда, суҳбатдошига ишонишини ошкор қилган кўйи;— зиммангизга тушган бешафқат шубҳа пуч нарса, сиз ундай одам эмасиз-ку, ахир, тўғрими?

— Ҳа, Мабель,— дея жавоб қиларкан, Жаспер қизнинг йирик мовий кўзларига шу қадар самимият, шу қадар оқ-кўнглилик ила тикилдики, унинг нигоҳи бундан кўра чандон бора кучлироқ гумонни ҳам чилпарчин қилгудек эди.— Мендан бекорга шубҳа қилишяпти.

— Билардим мен буни! Бунга онт ичишим мумкин-иди!— хурсанд нидо солди қиз.— Ҳалиги, шундай бўлсаям, отам — мулоҳазали одам... Лекин сиз хавотирланманг, Жаспер!

— Ҳозир хавотирланидиган бошқа сабаблар кўплигидан бу тўғрида деярли ўйлаётганим ҳам йўқ.

— Жаспер!

— Мен сизни қўрқитмоқчи эмасман, Мабель; фақат бир нарсани, тоғангиз ҳозир «Учқур»ни нима қилиш тўғ-

рисадаги ўз фикрини ўзгартиришинигина истардим; лекин у мендан анча ёш катта ва тажрибаси кўп, шу важдан, балки, мендан кўра ўзига кўпроқ ишониб тўғри қилаётгандир.

— Ростданам сиз куттерга хавф таҳдид қиляпти деб ўйлайсизми?

— Қўрқаманки, шундоқ! Эҳтимол тажрибакор денгизчи уни қутқаришнинг бирор бошқача чорасини билар...

— Жаспер, ҳамма сизнинг «Учқур»ни жуда яхши бошқаришингизга ишонади. Сиз куттерниям, кўлниям биласиз. Ҳозирги аҳволимиз ҳаммадан яхшироқ сизга аён.

— Сизга хавотир олганимдан, Мабель, мен одатдагидан кўрқоқроқ бўлиб қолгандирман балким. Очигини айтганда, куттерни икки ёки уч соатдан кейин кутаётган муқаррар ҳалокатдан қутқариб қолишнинг биргина иложи борлигини биламан-у... лекин тоғангиз бу чорани рад этди. Айтмоқчи, бу менинг билимсизлигимдандир эҳтимол, у Онтариони оддий чучук сувли ҳалқобча дейди.

— Чучукми у ё шўрми, бунинг фарқи йўқ, албатта. Отамни ўйланг, Жаспер! Ўзингизни, ҳаётлари сиз ўз вақтида айтган бир оғизгина сўзга боғлиқ бўлиб қолганларни, уларни қутқаришни ўйланг!

— Мен сизни ўйлаяпман, Мабель, шунинг ўзи ҳаммасини кўтара савдо қилиб, қўшалоқлаб олгандан ортиқ, ҳа, анча-мунча ортиқроқ!— қизишиб эътироз билдирди ўспирин, унинг ёниб турган кўзлари эса бамисоли дил кўзгусидек янаям ошкор этиб турарди қалби туғёнини.

Мабелнинг юраги гупиллаб ура кетди. Қирмизи тус ола бошлаган ёноқларида миннатдорлик ҳамда қувонч нурлари порлади. Бироқ хавфу хатар ниҳоятда катта бўлиб, ишни пайсалга солишлик, сусткашликка изи бермасди.

— Тоғамнинг қайсарлиги бахтсизлик, фалокатга сабабчи бўлмаслиги керак. Юқорига чиқиб, Жаспер, отамга айтинг, каютамга тушсинлар...

Йигит бу илтимосни адо этгунича Мабель шамолнинг увлашига ва куттерга келиб урилиб парчаланаётган тўлқинларнинг гувиллашига ваҳима билан қулоқ сола бошлади, шу пайтгача эса буни пайқамаганди. Отаси келгунича ўтган икки дақиқа фурсат соатдай узун туюлди унга. Отаси зинадан Жаспер билан тушиб келаётганини кўрганда бўғилиб кетаёзганидан аранг нафас олаётганди. Қиз отасига Жаспернинг ҳозирги аҳволлари ҳақидаги гапини тезгина етказди-ю, отанинг қизига нисбатан меҳрибонли-

гига орқа қилиб, ўзининг ва қўл остидагиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун Кап куттер қўмондонлигини кеманинг асли бошлиғига топширсин деб ёлборишга ўтди.

— Жаспер бизга содиқ, дадажон!— дея қўшиб қўйди у дарҳол.— Борди-ю бундай бўлмаганидаям, нимага энди бизни, бизга қўшиб эса ўзини кўлнинг бир чеккасида ҳалокатга гирифтор қилиши керак экан? Унинг содиқлиғига бошим билан кафилман!

— Сафарга бошчилик қилиш зиммасига юкланган одам ваҳимага тушган ёш қизга қараганда эҳтиёткор ҳамда мулоҳазалироқ бўлиши лозим,— дея жавоб берди сержант совуққонлик ила.— Нимага энди Жаспер бизга қўшилиб фарқ бўлиш имконияти билан— мабодо қирғоққа етиб олишга муваффақ бўлинган тақдирда— секингина қочиб қутулиб кетиш имконияти теппа-тенг эканини ўйламаслиги мумкин экан?

— Сержант Дунгам!

— Дадажон!

Бу хитоблар баб-баравар, бироқ турли оҳангда янгради: Жаспернинг нидосида кўпроқ ҳайрат, Мабелнинг нидосида эса таъна акс этганди. Бироқ қўл остидагилари билан бетакаллуф ва дағал муомала қилишга ўрганиб қолган кекса жангчи бунга эътибор ҳам бермади ва бирон дақиқача ўйга толиб тургач, гўёки ҳеч ким гапини бўлмагандек, сўзлашда давом этди:

— Бунинг устига, оғам Кап кемада ўзига бирон нимани ўргатишларига йўл қўйиб берадиган одам эмас.

— Лекин ҳамманинг ҳаёти қил устида турган бир пайтда ҳам-а, дадажон!

— Айниқсанги шундай пайтда. Ҳаво яхши пайтда кемани бошқариш қийин иш эмас; лекин ишлар пачава вақтда ўзининг яхши офицер эканини кўрсатиши керак. Чарлиз Кап кема хавф остида қолгани учун ҳам руль олдидан жилмаса кераг-ов. Бундан ташқари, Жаспер Чучук Суз, сизнинг таклифингизда қандайдир шубҳали жиҳати бор, ишни тузукроқ билишдан кўра кўпроқ хиёнатга ўхшаб кетяпти бу, деяпти у.

— У шундай деб ўйлай қолсин, майли, лекин лоақал лоцманни чақиртириб, ана ўшанинг фикрини эшитсин унда. У билан кечадан бери кўришмаганим ҳаммага маълум.

— Назаримда бу гап ўринлига ўхшайди. Уриниб кўрайликчи бир. Орқамдан тепага чиқинг, ҳаммаси очиқчасига, ҳалол бўлиши керак.

Жаспер итоат этди.

Мабель бу гапларга шунчалик қизиқсиниб қолдики, улар кетидан зинапоянинг шамол ва сачраётган сув томчиларидан пана бўлган энг юқориги супачасигача кўтарилишга аҳд қилди. Шу ерга етганда камсуқумлик уни тўхташга мажбур этди, бироқ, шундай бўлса-да, вужуди қулоғу диққатга айланди.

Тезда лоцман тепага чиқиб келди. Атрофга олазарак тикилар экан, юзи ташвишли тус олди. Тўғри, хавфу хатар ҳақидаги овозалар каюталарга ҳам тарқалганди, ammo бу гал хатар ҳақидаги овоза одатдагидек газак олиб эмас, балки пича камайиброқ етиб борган эди. Лоцманнинг атрофни кўздан кечиришига озроқ вақт беришди, сўнгра эса ҳозир ундан нима қилишни зарур деб билишини сўрашди.

— Мен куттерни қутқариб қолишининг лангар ташлашдан бўлак чораси борлигини кўрмайман,— дея жўнгина жавоб қилди у дарҳол.

— Қанақасига? Шу ерда, кўлнинг ўртасида-я?— ҳайрон бўлди Кап.

— Йўқ, соҳилга яқинроқда, сувости қояларининг биринчи тизмаси ёнида.

Куттер капитани билан лоцманнинг, чамаси, секингина жуфтаки ростлаб қолиш ниятида кемани атабин қиргоққа чиқариб ташлашга яширинча тил бириктириб олганларига Капнинг шубҳаси қолмади эндиликда.

— Мен сенга айтсам, иним Дунгам,— дея жавоб қилди у сержантга лоцман ҳам, Жаспер ҳам битта гапни айтишаётганини кўргач,— мен сенга айтсам, бироргаям денгизчи виждонан бунақа маслаҳат бермасди. Бунақанги бўрон пайтида шамол эсиб турган томондаги қиргоқ ёнида лангар ташлаш — телбалик-ку бу! Кема суғуртачилари олдида мен бунақанги бемаъни иш учун асло ўзимни оқлаёлмаган бўлардим, сувости қоялари ёнида лангар ташлаш — бунинг учун мутлақо ақлдан озиб, эсини еб қўйган бўлиш керак.

— «Учқур»нинг суғуртачиси — қирол олий ҳазратлари, меннинг зиммамда бўлса қўл остимдагиларнинг ҳаёти масъулияти турибди. Бу одамлар Онтариони биздан яхшироқ билишади, боз устига, уларнинг икковлариниям фикри бир жойдан чиққан экан, назаримда, буларга ишонмасликнинг ёлғизи йўқ.

— Тогажон!— нидо солди Мабель шу замонок, бироқ Жаспернинг ҳаракати уни ўзини босишга мажбур этди.

— Бизни бурун-қояларга қараб шунчалик шиддат билан суриб келяптики,— деди ўспирин,— бу тўғрида ортиқ гап сотиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Ярим соат ичида ма-

саламиз ё уёқлик, ё буёқлик бўлади; лекин сизни огоҳлатиб қўяй, мистер Кап, остимиздаги кема сувости қоялари тизмасига етганида ҳар қандай илиги бақувват одам ҳам бирон дақиқа турулмади бу кема устида. Ҳеч шубҳа йўқки, иккинчи тизмадан ўтишга улгурмаёқ кўл тубига гарқ бўлади у.

— Ҳўш, лангар бунга қандай халал бера олади унда? — деб сўради Кап; гўёки довул оқибатлари учун жавобгарликни Жаспернинг зиммасига юклаётгандек, қандайдир ваҳшиёна дарғазаб оҳангда.

— Лангар ташланса, жилла бўлмаганда бунинг зарари тегмайди-ку, — босиқлик билан қаршилиқ билдирди Жаспер. — Куттернинг тумшугини шамолга қарши қилиб қўйсак, оқимнинг олға суриб бориш кучини озайтирамиз; борди-ю қоятошлар оралигида чайқалиб турганимизда ҳам, ҳар қалай, хавф камроқ бўлади. Умид қиламанки, мистер Кап, лоцман икковимизнинг лангар ташлашга ҳозирлик кўришимизга ижозат этасиз, фақат шай қилиб қўйишга, уёғи ташлаш-ташламаслик ўзингизга ҳавола! Ахир бунинг зиёни йўқ-ку, шундай эмасми?

— Агар шуни хоҳласангиз, арқонларингизни чуваб-шайлайверинг! Уша лангарларингизни ҳозирлайверинг, чин юракдан рухсат бераман. Аҳвол-шароитимиз бу билан баттар ёмонлашиб қолмас... Сержант, икки оғизгина гапим борийди!

Кап Дунгамни четга олиб ўтди-да, ўзига мутлақо ғайриодатий одамшавандалик-ла, очиқ-ошқора ҳақиқий ҳолат хусусида гап бошлади.

— Бечора Мабелимиз учун қайғули ҳол, — деди у хиёл титроқ овоз билан, кейин қаттиқ бурнини қоқди. — Сен билан мен, сержант, кекса одамлармиз, гарчи ўлиб кўрмаган бўлсак ҳамки, Азроилга тўқнаш келавериб ажалга кўникиб кетганмиз. Асли касбимизнинг ўзи шунақа, иним Дунгам! Илло Мабель бечорагинани айтмайсанми-я! Жуда ажойиб қиз у, меҳрибон, оққўнги; вақти-соати билан уйли-жойли, бола-чақали бўлганини кўрармиканман деб умид қилгандим... Э-э, нимасини айтасан-а! Сафарда учрайдиган яхши ишларгайм, ёмонигайм чидашга тўғри келади, шундоқ экан, кекса денгизчининг яккаш биргина нарсадан, келиб-келиб ана шу лаънати чучук сувли ҳалқобчада фалокат содир бўлаётганидан афсус-надомат чекишга ҳадди бордир-ку!

Сержант Дунгам довьюрак одам эди.

— Шундай қилиб-сен ҳалокат муқаррар деб ўйлайсанми? — деб сўради у Капдан, гарчи овози қатъий бўл-

са-да, сержантнинг ниҳоятда ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди.

— Йигирма дақиқалардан кейин бурун-қояларга бориб уриламиз тўқмоқдай... ўзинг бир қарагин-а, сержант, бўронда бақиллаб қайнаётган ана шу дошқозонда, масалан, орамизда энг бақувватимизнинг нажот топишдан заррача умид қилса бўладиган жойимиз борми ўзи.

Дарҳақиқат қаршидаги манзара ҳеч қанча умид бахш этмасди. «Учқур» соҳилдан бор-йўғи бир миль берида бўлиб, шамол уни тиккасига шунақанги суриб борар эдики, елканлардан тагин ақалли бир нечтагинасини кўтариш ақлга сифмасди. Қирғоқдан узоқлашиш учун эса шундай қилиш зарур эди. Куттер тумшуғини шамол йўналишига яқинроқ тутишга ёрдам бериб, тўлқинларнинг кема биқинига келиб урилишига йўл қўймаётган қуйи чорси елканнинг боғичи тақилмай қолдирилган чоғроққина қисми дардаракдай дариллар ва шунақанги шалоплаб юлқинар, ўзи маҳкамланган пишиқ тугунларнинг бари узилиб кетай-узилиб кетай деб тургандек туюларди. Ёмғир тинганди, бироқ кўл узра бамисоли туман янглиғ сув зарраларига тўйинган ҳаводан кўрпа тўшалган, булутсиз кўк тоқида эса қуёш тантана қилаётган мисоли ял-ял ёнарди. Жаспер бу ўзгаришни пайқади-ю, бўрон ҳадемай тинади, деди. Аммо, шунга қарамай, уларнинг тақдирлари, ҳар ҳолда, бир-икки соатлардан сўнг ҳал бўлиши керак эди. Куттер билан соҳил оралиғида ҳамон ваҳшиёнаю қутқули манзара ҳукм сурарди. Сувости қоялари тизмаси деярли ярим милга чўзилиб кетганди; улар орасида бетига оппоқ кўпикдан чиммат тортган сув қайнаб-жўш урарди. Ҳавони шунчалик сув тўзони босиб кетганидан қоялар тизмаси ортидаги ернинг шакли-тарҳи ноаниқ, элас-элас ташланарди кўзга. Унинг интиҳосиз ўрмондан яшил ридо ёппаниб олганинигина пайқаса бўларди, холос.

Сержант билан Кап тўлқинли тўлғоқ тутаётган кўлга жимгина тикилиб туришар экан, Жаспер ўз кўл остидагилар ҳамкорлигида тумшуқ томонда тинимсиз тер тўкди. Йлгариги ҳақ-ҳуқуқини қайтариб берганлари заҳотиёқ у аскарлардан бир нечасини ёрдамга чақирди-ю, ошиғич шунча пайтгача ортга суриб келинган чора ҳозирлигини кўришга тушиб кетди. Жаспер бир нафасгина тўхтаб, атрофга назар солганида лангар ташлаш тадориги қиёмига етган эди. Бу орада аҳволнинг яхшилик сари юз тутганидан далолат бергувчи ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмаганди: куттер оз-оздан оқим измида силжишини давем эт-

тираётган ва дақиқа сайин унинг шамолга бирор қарич ҳам яқинлаша олмаслиги равшанлаша бораётган эди.

Жаспер кўлга яна бир бор синчиклаб назар ташлаб, шошилиш равишда янги буйруқ берди. Унинг ҳар бир лаҳзани қадрлаётгани кўриниб турарди. Кема саҳнида иккита лангар турарди. Уларни истоган дақиқада сувга ташлашлари мумкин эди. Шу сониягача Жаспер бесаранжому беҳаловат ҳаракатда эди; ҳозир эса у, гарчи қошлари ҳануз чимирилиб турган бўлса-да, хийла хотиржамроқ кўринарди. Жаспер «Учқур» ҳар гал шўнғиганида тўлқинлар запитига олиб савалаётган кема тумшугидан тушиб, сал қуруқроқ жой — ўрта қисмига қараб юрди. Ингит Мабель ва квартирмейстер билан турган Изқуварни ўша ердан топди. Сафарчиларнинг аксарияти қуйида эди.

— Жаспер, — деди Изқувар, — эртадан бери ҳеч вақо қилмадим, чунки менинг лаёқатим, ўзинг билганингдек, бу куттерда бефойда, иш бермайди; лекигин, агарда сержантнинг қизи қирғоққа тирик чиқиб олса, менинг ўрмон илми бобидаги маълумотим уни гарнизонга омон-эсон етказиб боришимда асқотади.

— Лекин у жуда узоқда-ку ахир, Изқувар! — эътироф билдирди Мабель. — Энди ҳеч қайсимиз қалъани қайтиб кўролмасмиз деб кўрқаман.

— Чиндан ҳам хатарли ва иланг-биланг йўл, Мабель. Лекигин шунақанги аёллар бўлишганки, улар бу хилвату овлоқ жойларда янаям хатарлироқ ва янаям олисроқ йўлларни босиб ўтишган... Менга қара, Жаспер, мен ёки сен, ёки икковимиз бирга манави қайиқни сувга туширишимиз керак: Мабелни қутқаришнинг биттаю битта йўли — уни мана шу қайиқда буруну қоялар орасидан олиб ўтишгина қолди.

— Мабелни қутқариш учун ҳар қандай ишни қилишга тайёрман, — жавоб берди Жаспер ғамгин жилмайиб. — Лекин инсон биласи, Изқувар, бунақанги бўрон пайтида қайиқни қоя-бурунлар орасидан олиб ўтишга қодир эмас. Мен ҳар қалай лангарга ишонаман ҳали-ҳозирча; «Учқур»ни бундан кам бўлмаган фалокатдан бир марта шу йўл билан қутқариб қолганмиз.

— Агарда лангар ташланадиган бўлинса, унда нега энди ҳозироқ ташлаб кўя қолмаймиз уни, Жаспер? — гапга аралашди сержант. — Башарти лангар ташлагандан кейин ҳам бари бир силжийверадиган бўлсак, унда биз ҳозир бой бераётган ҳар бир футунг фойдаси тегиб қолиши мумкин-ку, ахир.

Жаспер сержантга яқинлашди, унинг қўлини олиб, маҳ-

нам қисаркан, бу билан кучли, деярли енгиб бўлмас туйғуни изҳор этди.

— Сержант Дунгам,— деди у тантанавор оҳангда,— сиз, гарчи бу иш хусусида менга нисбатан шафқатсизлик кўрсатган бўлсангиз ҳам, яхши одамсиз! Қизингизни яхши кўрасизми ўзи?

— Бунда шубҳага ўрин йўқ, Чучук Сув!— дея жавоб қилди сержант титроқ товуш-ла.

— Унга ва ҳаммамизга ҳаётимизни сақлаб қоладиган яккаю ягона имконият яратиб беришни хоҳлайсизми ўзи?

— Ҳўш, нима қилишим керак? Нима қилишим лозим, айтинг? Шу пайтгача назаримда маъқул кўрингандай ишни қилиб келдим... Энди айтинг менга: нима қилай?

— Мистер Кап олдида беш дақиқагина, ундан ортиқ эмас, мени қўллаб турсангиз бас, шунда «Учқур»ни қутқариш учун одам боласининг қўлидан келадиган жамики ишни бажарамиз.

Сержант ўйланиб қолди, зотан интизом-тартиботга ўрганиб кетганидан бир марта берган буйруғини бекор қилишга ботинолмаётган эди. Шунингдек у ўз ишончи-этиқоди жабҳасида иккиланаётганини намойиш этиб, сир бой беришни ёқтирмасди; бунинг устига, қайноғасининг денгизчилик бобидаги санъату маҳоратини ниҳоятда ҳурмат қиларди. Токи у ўй сурар экан, руль чамбарини тутган дарга ёнида турган Кап жойидан жилиб, уларга яқинлашди.

— Мистер Чучук Сув,— деди у,— мен сиздан бир нарсани сўрагани келдим: бу атрофда, соҳилда куттерни итқитса бўладиган биронта қулайроқ жойни билмайсизми? Шундай фурсат келдики, бизнинг ана шу шафқатсизона чорадан бўлак иложимиз қолмади.

Капнинг айнан мана шу оний тараддуди Жаспер тантанасини ниҳоясига етказди. Йигитча сержантга кўз қирини ташлар экан, унинг маъқул маъносида бош ирғаганини илғаб олди.

— Рулни ўзим олақоламан,— деди у Капга,— қани кўрайчи, шамолга қарши турган қўлтиққа бир амаллаб ўтиб олса бўлмасмикин.

— Бора қолинг, бораверинг,— жавоб берди Кап томоғини қириб йўталиб қўяр экан, зероки у бутун масъулият оғирлигини ўз зиммасида ҳис этаётган эди.— Хоҳлаганингизни қилинг, Чучук Сув, негаки, сизга очиғини айтсам, мен биронта маъқулроқ чорасини тополмаяпман. Ё кема билан қўшилиб соҳилга итқитилишимиз, ё фарқ бўлишимиз керак.

Жасперга ана шу гапгина керак эди, холос. У кема

қуйругига қараб югурди ва рулни қўлга олди. Лоцманга олдиндан тегишли кўрсатмалар бориб қўйилган эди. У навқирон бошлигининг ишораси билан зумда охирги елканни йиғди. Жаспер ўша ондаёқ рулни буриб юборди; тумшукдаги қия уч бурчак елканнинг этаги пастга туширилди-ю, енгил куттер гўёки ўз эгаси қўлию амрини сезгандек, ёнига оғиб, тўлқин жўяклари оралиғида сирғала кетди. Ушбу тахликали сония муваффақиятли ўтди; бирер дақиқалардан сўнг енгил кема сув ости қоялари тизмаси сари ўқдай учиб борар ва қояларга урилиб парча-парча бўлиши муқаррардек туюларди. Дилидаги режасини амалга ошириши учун Жасперга беш ёхуд олти дақиқа кифоя эди. У рулни яна биқинга бурди, шунда «Учқур» дарғазаб тўлқинлар ҳамласига қарамай, мисоли ойнадек ярқираб турган ҳовуз сатҳидаги ўрдакдай, бир чиройли ҳаракатла шамолга юзланди-қолди. Жаспернинг имоси билан кема тумшугида ҳамма ҳаракатга келди, икки биқинга икки лангар ташланди. Айни дамда ҳатто Мабель ҳам кеманин қандайин эпчиллик билан шамолу оқим таъсирида йўналишини ўзгартираётганини кўрди, чунки ҳар иккала арқон ҳам айланиб-буралиб шиғиллаганча чўзилиб бораётган эди. Жаспер ташланган иккала лангарни арқонларнинг дсярли энг учига боғлаган эди. Бундай енгил кемани жиловлаш қийин эмасди: Жаспер рулни ўз қўлига олгач ўн дақиқа фурсат ўтмаёқ, қарабсизки, куттер тумшуги билан шамолга кўндаланг бўлиб турибди-да; нақ темир қувурдай мустаҳкам икки арқон кемадан икки ёнга қараб тарап тортилганди.

— Яхши эмас бу, мистер Жаспер!— зарда билан қичқирди Кап йигитнинг ҳийласини пайқаб.— Яхшиямас бу, сэр! Арқонларни кесиб юборишни буюраман сизга, сўнг-ра, бирон лаҳза ҳаялламай куттер соҳилга итқитилсин!

Аммо-лекин ҳеч ким бу фармойишни бажаргани ошиқмади: Чучук Сув ўзининг илгариги ҳақ-хуқуқини қўлга киритган сониядан эътиборан кема хизматчилари фақат унгагина итоат эта бошлаганди. Матросларнинг ҳеч нима қилмаётганларини кўрган ва куттерни ғоятда катта хавф остида қолди деб ўйлаган Кап Жасперни ғазаб қамчисила савалай кетди:

— Нега энди ўша ўзингиз айтган қўлтиққа қараб йўналтирмадингиз? Нега энди кема бориб урилиб парча-парча бўладиган, биз ҳаммамизни ёса жаҳаннамга жўнатадиган қояларга қараб бурдингиз?

— Хўш, ўзингиз нега энди арқонларни қирқиб, қуруқ

ликка айнан шу ердан чиқмоқчисиз унда?— деди Жаспер унга истедзоли тикилган кўйи.

— Ҳозироқ лот ташланглар!— бўкирди Кап кема тум-шуғидаги бакда турган матросларга.

Жаспернинг имоси билан буйруқни ўша ондаёқ адо этишди, кема саҳнидагиларнинг барчаси нафасларини ич-га ютганча бу тажрибанинг натижаси қандай бўлишини кута бошлашди. Қўргошин кўл тубига етиб улгурмаёқ ар-қон таранг тортилди, икки дақиқалардан кейин эса кут-тернинг қоялар томонга силжиб бораётгани маълум бўл-ди. Жаспернинг қиёфаси ташвишли эди. Борди-ю куттер бир кабельтов нарида дам шўнғиб чиқиб, дам ғойиб бў-либ турган сувости қоялари оралиғидаги гирдобга кириб қолса, уни ҳеч нарса фалокатдан қутқариб қололмаслиги-ни жуда яхши биларди йигит.

— Хоин!— бўкирди Кап, бармоғини ғазаб-ла силкиб навқирон бошлиққа дағдаға қилганча.— Бунинг учун бо-нинг билан жавоб берасан!.. Агарда мен бошлиқ бўлган-нимдами, сержант, уни сузиб қочиб қолмаслиги учун шу лаҳзани ўзидаёқ катта мачтага осардим!

— Сал ўзингни бос, оға! Утинаман, тинчлан! Жаспер, назаримда, бу ишларни жамини аҳволни яхшилаш учун қилди, кейин десанг, балки аҳволимиз сен ўйлаганчалик расво эмасдир мутлақо.

— Нимага энди у ўзи айтган қўлтиққа қараб ҳайда-мади кемани? Бизни нимага бу ерга, шамол тўғри ҳайдаб борадиган бу қоялар олдига, бошқа ердагига қараганда сувости қоялари зичроқ жойлашган, худди бизни тезроқ чўктириб юборишни пайдан бўлиб турган ерга олиб кел-ди?

— Мен кемани айнан қоялар зичроқ бўлгани сабаб-дан ҳам шу ёққа бурдим,— дея жавоб қайтарди Жаспер совуққонроқ бўлишга тиришиб.

— Тагин сиз кекса денгизчини куттернинг ана шу то-шу қоялар орасида беш дақиқагина омон қола олишига вийонтирмоқчи бўлманг?!

— Йўқ, сэр, ундай эмас! Уйлашимча, мабодо бу тош-ларнинг олдиндаги тизмасига урилиб кетганида ғарқ бў-ларди у. Борди-ю нарига ўтиб олгани тақдирда эса қир-поққа унинг парча-пурчаларинигина улоқтириб ташларди тўлқинлар. Лекин, умид қиламанки, у бус-бутун ва сув-ости қояларидан қутулиб қолади.

— Дақиқа сайин бўйи баробар силжиб турса ҳам-а?

— Лангар ҳали-ҳозирча тўла-тўкис иш бера бошлага-

нича йўқ, менга қолса, у бизни омон сақлаб қолишига ишонаман.

— Хўш, ўша умиду ишончингиз нимага асосланган, кейин, куттерни ишонч, умид ҳамда муҳаббат иплари билан боғлаб силжитмай қўймоқчи эмасмисиз мабодо?

— Йўқ, сэр, мен сувости оқимига умид боғлаяпман. Бу ердаги сувости оқими айниқса кучли эканини ҳамда қояларни четлаб қуруқликка яқинроқ боришимиз мумкинлигини билганимдан кейин шуёққа қараб бурдим куттерни.

Бу сўзларнинг бари қизишиб, аммо заррача жаҳлу га-забсиз айтилганди. Жаспернинг сўзлари Капга хийла таъсир кўрсатди-ю, у ниҳоятда ҳайратланди.

— Шундай, сувости оқими!— такрорлади у.

— Шу пайтгача қандайдир сувости оқими воситасида кема ҳалокатидан қочиб қутулса бўлишини қайси иблис эшитибди бу оламда!

— Эҳтимол океанда ҳеч қачон бундай бўлмагандир, сэр, лекин бу ерда гоҳо бўлиб туради.

— Йигитча ҳақ,— гапга қўшилди сержант.— Бу ишларга кўпда фаҳмим етмайди-ю, локин кўлдаги денгизчилардан унча-мунча қулоғимга чалинган шу тўғрида. Бу гал Жасперга ишониб қўйиб берганимиз маъқул.

Кап ўзича тўнғиллаб сўкинди-ю, бироқ у бўлак ҳеч қандай чора ўйлаб тополмаганидан ён беришга мажбур бўлди. Кема оқиму шамол измида силжишда давом этарди, аммо лангарлар маҳкамроқ жойлаша боргани сайин силжиш сезиларли даражада камая бошлади.

Ниҳоят лотни ушлаб турган матрос хурсанд овозда лангар тишлари кўл тубини тирнаб-сидирмай қўйгани ва кеманинг силжишдан тўхтаганини хабар қилди қичқириб. Нақ шу лаҳзада сувости қояларининг олдинги сафи билан «Учқур» оралиғида юз футча масофа қолганди, тўлқинлар тошлар устидан сочқи қилаётган кўпикларини йиғиштирганча шувиллаб орқага чекинган пайтларда эса қоялар янаям яқинроқ келиб қолганга ўхшарди.

Жаспер тумшукқа ташланди, у кемага назар солди-ю, қувонч-ла жилмайганча арқонларни кўрсатди. Улар эндиликда темир қувурга ўшамасди: арқонлар бўшалиб, қуйи қисми ёй тахлит букилиб, тўлқинлар кифтида гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастлаётган куттер билан барабар ҳаракатланаётганди.

— Бу сувости оқими!— нидо солди Жаспер ҳайрат ичра.

Кема саҳнидан югурганча бориб, рулни кема ўз лангарлари измига яхшироқ итоат этадиган қилиб бурди.

— Бизни тақдирнинг ўзи бошлаб келди худди ана шу оқимга. Энди ҳеч қанақанги хавфу хатар қолмади.

— Ҳа-ҳа, тақдир — ажойиб денгизчи,— дея гулдиради Қап,— у бот-бот нодонларга хавфу хатардан қочиб қутулишда ёрдам бериб туради. Сувости оқимими, сув усти-ми, буни билмадим-у, илло шамол пасая бошлади, иннай-кейин, бахтимизга лангарлар ерга маҳкам қадалиб олди. Бу лаънати чучук сувда мана шунақанги мутлақо ақлга тўғри келмайдиган нарсалар бўлиб туради ўзи!

Бахтиёр онларида одамларнинг одатда баҳсу муноза-рага майллари бўлмайди. Ўзларини ҳалокатдан фақат Жаспернинг маҳоратигина асраб қолганига деярли ҳам-маларининг имонлари комил эди. Шу боисдан ҳам ҳеч ким Қапнинг гапига эътибор бермади.

Рост, кеманинг ҳолати яна ярим соатча хавотирга солиб турди. Бу фурсат мобайнида лот ташлаб туришди: Охир-оқибатда хатар ўтиб кетгани аён бўлди ҳаммалари-га. Толиққан одамлар, қаршиларидаги муқаррар ўлим шарпаси гумдон бўлганини кўргач, қаттиқ уйқуга кетди-лар.

УН САККИЗИНЧИ БОБ

Чошгоҳга бориб бўрон қандай тез бошланган бўлса, худди ўшандай тез тинди. Ҳадемай Онтарио одатдаги қиё-фасига кирди. Тўлқинлар ҳануз қирғоққа бош уришда да-вом этаётган эди-ю, аммо сувости қоялар устидан нуқра кўпикларини соқчи қилмай қўйган, жўяк-жўяк туташ тўл-қинлар силсиласи эса оҳиस्ताгина кўтарилиб, босиқлик ила ҳамлага ўтаётган эди.

Сув чайқатиши ва машриқдан эсаётган терскай шамол ҳамон кеманинг нари сузиб кетишига халал бераётган эди. «Учқур»га бошчиликни қабул қилиб олган Жаспер лангарларни кўтариш тадоригини кўра бошлади.

Узоққа чўзилган кема тутқинлиги жонига теккан Ма-бель соҳилга суқланиб боқарди. У гап орасида шунчаки гапиргандай, уёққа жон-жон деб тушишга тайёр эканини айтди. Мазкур сонияда унинг ёнида турган Изқувар бун-дай қилишнинг қийин жойи йўқ эканига ишонтирди, са-бабки, кема саҳнида қайиқ ётганини, унда қояларни ора-лаб осонгина сузиб ўтса бўлишини айтди. Мабель узоқ иккиланиб ўтирмади. Изқувар сержантдан рухсат сўра-ганди, у рози бўлди; хулласи калом, бирор дақиқалар ичи-да ҳаммаси таппа-тахт бўлди.

Сержант Дунгам, унинг қизи ва Изқувар қайиққа тушишди. Мабель асло тап тортмай ўртага ўтириб олди, сержант тумшукқа, қайиқни бошқарадиган Изқувар бўлса қуйруққа жойлашишди. То соҳилга етиб боргунларича Мабель бир неча маротаба кўрсатган ботирлигидан афсусланди, бироқ Изқувар унга далда бериб, ўзини шунчалик хотиржам ва совуққон тутдики, унга қараб, ҳатто аёл киши ҳам кўрққанини ошкор этишга жазм этолмасди.

Қайиқдан тушган сержант Мабелни меҳр-ла ўпди, фақат шу ерда, қуруқликда ўзларини ниҳоят беҳатар жойда ҳис этди у.

Милтиғини елкасига ташлар экан, қизига бирор соатларга ўрмонга ов қилгани боражагини айтди.

— Изқувар сен билан қолади,— қўшиб қўйди у,— ишонмананки, у сенга бирорта маҳаллий афсонани ёки минглар билан ўзи орасида кечган саргузаштлардан бирини ҳикоя қилиб беради.

Иўл бошловчи Мабелни авайлашга сўз бераркан, кулиб қўйди. Бирмунча фурсатдан сўнг сержант тепалик устига кўтарилиб, ўрмонда ғойиб бўлди. Изқувар билан Мабель тескари томонга қараб юришди. Харсанг қоялардан иборат бурунга чиқиб, кўз ўнгиларида беадад ҳамда беқиёс манзара намоён бўлган жойга етишди. Чарчаб қолган Мабель қоя қирғоғига ўтирди, толиқиш нималигини билмаган ҳамроҳи эса, одатича, ўзига хос чиройли бир ҳолатда узун милтиғига таянган кўйи ёнида тик турарди. Бир неча дақиқа жимликда ўтди. Улар келиб қўнган жой кўлнинг шимолий чеккасида юксалиб турарди. Бу ердан куттер жажжи ўйинчоқдек, соҳилда ётган қайиқ эса билинар-билинемас дордек аранг кўринарди.

— Ҳозир одамлар турадиган жойлардан жудаям олисдамиз-а!— деди Мабель жўшиб.— Бу ер чинакамига чегара.

— Ҳалиги, денгиз бўйида, катта шаҳарлар ёнида ана шунақанги манзара бўладими ҳеч?— деб сўради Изқувар қизиқсиниб.

— Бўлиши қийин-ов.

— Уруш бошланиши олдида мен бу соҳиллар яқинида сузиб, мўйна учун ов қилардим. Бу ерларда бўлганман; айтмоқчи, худди шу ерда эмас: биз анави ёқда, яшин теккан эман кўриниб турган жойда тўхтагандик.

— Шунақанги майда-чуйдасигача қандай аниқ эслаб қоласиз-а, Изқувар?

— Бу бизларнинг уй ва кўчаларимиз, бизларнинг эҳромларимизу саройларимиз-ку! Буларни ёдда сақламай бўларканми-я! Бир марта Улкан Илон билан олти ойдан кейин чошгоҳда, фалон арча остида учрашамиз деб аҳдлашдик, ўзимиз бўлсак ўшанда арчадан уч юз миль олисда эдик, Агарда яшин тегмаган бўлса, ўша арча ҳозир ҳам ўрмоннинг қоқ ўртасида, жамики қишлоғу кентлардан эллик миль нарида кўкариб тургандир. У ер қундузга бой ажойиб жой.

— Шундай қилиб, шартлашилган соатда ўша ерда учрашдингларми?

— Қуёшнинг чиқишию ботиши аниқ эмасми ахир? Мен ўша ерга етиб келганимда Илон аллақачон арчага суяниб турган экан; мокасини ифлос, балчиқ. Делавар ботқоққа тушиб қолиб, зўр-базўр қутулиб чиқибди ундан; лекигин тонгда машриқ ёқдаги тоғлар орқасидан чиқиб келиб, оқшом палласи мағриб ёқдаги тоғлар ортига ботадиган қуёш сингари у ҳам шартлашилган жойга белгиланган соатда етиб келиш аҳдида содиқ эди. Чингачгукдан сира қўрқмас бўлади; на дўстини, на ғанимини алдамайди ҳеч қачон. Ҳаммага бирдай у.

— Ҳозир қаёқда у? Нега биз билан бирга эмас?

— У мингларни кузатиб юрибди, ростини айтганда, мен ҳам ўша ёқда бўлишим керагиди. Лекигин инсоний ожизлик...

— Сиз, Изқувар, чоғимда, ҳар қандай ожизликдан юқори турасиз. Мен сизчалик ожиз томони кам одамни учратмаганман ҳали.

— Агарда сиз куч-қуввату соғлиқни назарда тутаётган бўлсангиз, Мабель, унда ҳақдирсиз балки. Лекигин мусаффо ҳаво, серҳаракат турмуш тарзи билан кучли ўрмон овқати ҳар қандай одамни табибга бўлган эҳтиёждан халос этади. Аммо мен ҳам ҳамма қатори бир одамман... Шундай, баъзи сабабларга кўра пайқаяпманки, менда ҳам талай инсоний ожизлик томонларим бор экан.

Афтидан Мабель ҳайрон бўлиб, қизиқсиниб қолган эди.

— Сизнинг ўрмондаги ҳаётингизни аллақандай мафтункор, сеҳрли томони бор, Изқувар!— деди қиз ҳаяжонла жўшиб.— Ўрмонларнинг маҳобатли осудалигига ошиқ бўлиб қола бошлаганимни сезиб турибман. Шаҳарда зерикаман; отам, аҳтимол, қолган умрини шу ерларда ўтказса керак, шуни-чун у билан қолиб бахтиёр бўлишимга, кейин, сира-сира океан соҳилига қайтишни қўмсамаслигимга ишонаман.

— Овозига қулоқ солишни истайдиган одам учун ўр-

мон ҳеч қачон унсиз-осуда эмас. Кўпинча мен, одамлар билан мулоқатда бўлишга эҳтиёж сезмай, кунбўйи ёлғиз кезиб юрардим унда. У ерда бўладиган гап-сўзлар оқилона ҳамда ибратомуз. Фақат уни тушуна билиш керак.

— Уйлайманки, Изқувар, сиз одамлар даврасидан кўра ёлғизликда бахтиёрроқ ҳис қилсангиз кераг-а ўзингизни?

— Ундай деёлмайман, ундай демоқчи эмасдим... Илгарилари ўрмонда юрганимда ҳеч кимни ўйламасдим. Лекигин эндиликда бошқача ҳис-туйғу енгиб қўйяпти мени. Кўриниб турибдики, табиат табиатлигини кўрсатиб, ўз ҳақини талаб қиляпти. Оламда жамики жондор ўзига жуфт излайди, Мабель, шу қаторда одам боласи ҳам.

— Айтинг-чи, сиз ҳеч уйланишни, ўз тақдирингизни бирор кимса билан баҳам кўришни ўйлаганмисиз?— деб сўради Мабель ҳамдардлик билан.— Менимча, чинакам бахтиёр бўлишингиз учун сизга ўз сафару кезишларингиздан қайтадиган бошпана етишмайди, холос. Агарда мен эркак бўлганимда борми, бу ўрмонларда мириқиб кезар ва мана шу ажойиб кўлда жон-жон деб сузардим.

— Сизни тушуниб турибман, Мабель, биздай майдачуйда одамларнинг бахтини ўйлаётганингиз учун илоё яратганнинг ўзи ярлақасин сизни! Рост, бизнинг ўз қувончу хурсандчиликларимиз бор, лекигин биз бундан ҳам бахтиёрроқ бўлишимиз мумкин эди. Ҳа, ўйлайманки, янада бахтиёрроқ бўлишимиз мумкиниди!..

— Бахтиёрроқ? Қандай қилиб, Изқувар? Манави мусаффо ҳаво, бу соя-салқин ўрмон, мана шу мўъжизакор кўл, кўнгил хотиржамлигию виждон осойишталиғи, жамики тирикчилик эҳтиёжларини қондириш имконияти — наҳотки шуларнинг бари бахтли бўлиш учун озлик қилса?

— Ҳар битта тирик махлуқнинг ўз табиати, хулқи-атвори бўлади, Мабель. Инсонни ҳам ўз табиати, феъл-атвори бор,— дея жавоб қилди йўл бошловчи суҳбатдошига зимдан кўз қирини ташлаб қўяр экан.— Ҳамма махлуқот унга бўйин эгиши шарт. Нариги соҳилдаги, каштан ағаб наб ётган ердаги кабутарни кўряпсизми?

— Кўряпман; бу атрофда бизлардан бўлак яккаю ягона тирик жонивор ўшадир-ов.

— Йўқ, Мабель, ундаймас! Ана унинг жуфти учиб кетяпти; у бериги соҳилда экан, ҳозир унисининг ёнига етиб боради.

— Гапингизга тушундим, Изқувар,— деди Мабель кулимсаб; қиз йўл бошловчи билан худди отасидек хотиржам сўзлашаётган эди.— Лекин овчи ҳам ўзига умр йўлдо-

ши топса бўлади-ку бу овлоқ ўлкадан. Ҳиндуларнинг аёллари меҳр-оқибатли, кўнгилчан бўларкан. Масалан, Ароухеднинг хотинини олайлик: кулишидан кўра хўмрайиши кўпроқ бўлсаямки, у эрини яхши кўради.

— Йўқ, Мабель, йўқ! Бундан ҳеч қандай хайрли натижа чиқмайди. Агар мен сизга ўхшаган аёлни учратган бўлсам-у, ўша аёл овчига тегишга кўнса, менинг нодонлигим ва дағалу кўполлигимдан жирканмаса, ана унда ўтмишдаги жамики қийинчилик ҳамда мушкулотларим кийикнинг ўйноқлаб сакрашидек, келажак истиқбол эса зарафшон қуёши ёғдусидек туюлган бўларди.

— Менга ўхшаган аёл-а? Мен тенги, менга ўхшаган эрка-бевош қизнинг энг довирак разведкачи ва бутун бошли чегарадаги энг моҳир овчига хотинликка ярашини хаёлга сиғдириш қийин-ку!

— Эҳ, Мабель, жисмимда оқ танли билан қизил танлининг табиатию феъл-атвори қоришиб кетмадимикан деб кўрқаман... Сиз менда кўраётган хислату фазилатлар шарофати билан, чамамда, ҳиндулар қароргоҳидан ўзимга бемалол хотин топишим мумкин эди.

— У, шубҳасиз, Изқувар, сиз менга ўхшаган тентак, инжиқ ва тажрибасиз... бир қизга уйланишни хоҳламасдингиз.— У оз бўлмаса «мендай ёш» деб юбораёзди, аммо одоб-ахлоқ туйғуси қизни бундай дейишдан тийиб қолди.

— Нега энди хоҳламас эканман, Мабель? Башарти ки сиз бизнинг чегара ишларию таомилларидан беҳабар бўлган тақдирингизда ҳам, ҳар қалай қизиқ-қизиқ воқеалар ва шаҳар одатларини бизлардан яхшироқ биласиз. Ўзингиз айтишингизча, гўеки инжиқмишсиз: мен бу нима деганини тушунмайман, мабодо «ажойиб» дегани бўлса, эҳ, Мабель, бу ҳеч қанақанги камчилигу нуқсон эмас менинг наздимда, шу боисдан ҳам ўз-ўзимдан чўчиб турибман... Сиз инжиқ эмассиз: ов ҳақидаги пуч, бемаъни ҳикояларим ва ўрмондаги саргузаштларимга қандай диққат билан қўлоқ соласизки; тажрибага келганда эса, йиллар давомида, бора-бора жойига тушиб кетади. Айтмоқчи, Мабель, эркақлар уйланиш ниятига тушганларида бу гаплар устида кам бош қотирадилар шекилли деб чўчиб турибман — менга шундай туюлади.

— Изқувар, сўзларингиз... қарашларингиз... Албатта, бу гаплар ҳазил, ҳа-ҳа, ҳазилгина, холос...

— Ёнингизда бўлиш ҳамиша ёқади менга, Мабель! Агар бу гурунгимиз менга ўхшаб сизнинг ҳам кўнглингизга ўтиришяпти, ёқяпти деб умид қилолсам эди, ушбу хушбахт

кчада, ўтган ҳафта ичида бирор марта мишжа қоқмаган одамдай қотиб, хотиржам ухлаган бўлардим.

Мабель ўзи йўл бошловчига ёқишини пайқаб юарди. Савқи табиийси қизга аллақачоноқ ошкор этганди буни. Аммо Изқуварнинг унга уйланмоқ ниятида экани ҳеч қачон хаёлига ҳам келмаганди. Овчининг сўзларидан кўра унинг чеҳрасидаги ифода кўпроқ ошкор этиб турарди бу ҳақиқатни. Қиз тангу лол қолганди.

— Орамизда заррача мавҳумлик бўлмаслиги учун бир-биримизни яхши тушуниб олишимиз керак, Изқувар. Сиз шунчалик самимий ва оқкўнгилсизки, сизга ана шундай самимий жавоб бермасам, гуноҳ бўларди. Ҳаммаси ҳазил-а, тўғрими? Тажрибаси ва табиатию феъл-атвори сиздай бир одам мендек ёш қизга фақат дўст назари билан қарши ҳақидагина гапиряпсиз-а, шундайми?

— Менимча, буларнинг бари табиий-ку, Мабель! Ҳа, мен шундай деб ўйлайман. Сержант гапириб берганди менга, у онангизга нисбатан шунақанги туйғуни ҳис этган экан, кейин, чамамда, худди шунга ўхшаш ҳис-туйғуни гоҳо чангалзор ўрмонларда ўзим йўл бошловчилик қилган ёшларда ҳам пайқаганман. Ҳа... буларнинг бари табиий, шунинг учун ҳам, кўриниб турибдики, ушбу туйғу одам қалбига осонгина кириб келар экан-у, кишининг дили-баҳри яйраб-яшнаб, қалби шодликка тўларкан.

— Гапларингиз мени ташвишга солиб қўйяпти. Изқувар. Очиқ-ойдинроқ гапиринг — ёки бу суҳбатни тўхтата қолайлик. Сиз, ахир, шуни айтмоқчисиз... ҳалиги, анави хаёлда эмас...— Шу ерга етганда Мабель тўхтаб қолди, тилининг учига келиб турган нарсани бир неча сониягача айтолмади. Пировардида нафасини ростлаб, ўзини босиб олгач, қандай бўлмасин бор ҳақиқатни билишга аҳд қилди-ю, сўзини давом эттирди:— Изқувар, менга уйланиш фикри хаёлингизгаям келмаган-а, тўғримами?

— Шуни истайман, Мабель, иннайкейин, сиз бу гапни лўндагина ва очиқ-ойдин айтиб қўя қолдингиз, мен бўлсам ўзимнинг ўрмонбоп табиатиму чегарабоп феъл-атворим билан бундай деб айтолмасдим икки дунёда. Агарда сиз хўп дейдиган бўлсангиз, худди шундай келишиб қўйган эдик сержант билан. Гарчи ўзим Америкадаги энг олди йигитни ёр қилишга муносиб қизга ёқаман деб ўйла-масам-да, шундай битишиб қўйгандик.

Олдинига Мабелнинг юзида доводиранш-саросима аломати пайдо бўлди, сўнгра чеҳрасида охири маъюслик ила алмашинган ҳайрат нишонаси йилт этди.

— Отам билан-а!— нидо солди қиз.— Отам сизга тегишимни истайдими, Изқувар?

— Ҳа, Мабель, шуни истайди. У ҳатто сизни бундан хурсанд бўлади деб ўйлайди, кейин, мени ўзимга деярли ишонишга мажбур этди.

— Лекин сиз, сиз ўзингиз... сизга балки бу ғалати истакнинг амалга ошиш-ошмаслиги бари бирдир?

— Нима дедингиз?

— Мен, сиз бу никоҳ тўғрисида дадамни хурсанд қилиш учун, бошқа ҳеч қандай режа-ниятсиз гапиргансиз, демоқчиман... Иннайкейин, менинг жавобим қандай бўлмасин хафа бўлмайсиз, тўғриямасми?

Разведкачи шахд билан юзлари алвон тус олган Мабелга қаради; Изқуварнинг очиқ ҳамда мардона бетиде ҳаяжонли, ҳурматангиз ифода акс этарди.

— Баролидан келган овдан кейин ўрмонда соғ-саломат ва бардам, соф ҳаводан симириб тенгираб юрган кезларимда ўзимни бахтли ҳис қилардим кўпинча. Эндиликда билсам, сизнинг мени бошқалардан жиндаккина ортиқроқ кўришингиз, мен тўғримда салгина яхшироқ фикрда эканингизни ҳис этиш олдида буларнинг бари арзимас, бемаъни гаплар экан.

— Нимасини айтасиз, Изқувар! Кўплардан ортиқ кўраман сизни. Ҳатто сизга кимни тенглаштиришимни ҳам билмайман. Сиздақанги тўппа-тўғри, ростгўй, ҳалол, довжурак ва адолатпарвар одамни топиш амримаҳол бўлса керак.

— Эҳ, Мабель сўзларингиз шунчалар лаззат, шунчалар далда берадики, уёғини кўяверасиз! Сержант янглишмаган экан, кейин десангиз, мен бекорга чўчиганга ўхшайман!

— Изқувар! Биз бир-бировимизни тушуниб олишимиз зарур! Бу шунақанги жиддий ва шунақанги муҳим масалаки... Мен сизни ҳурмат қиламан, худди отамдек қаттиқ ҳурмат қиламан-у, аммо хотинингиз бўлолмайман. Мен...

Изқуварнинг шу замоноқ бирдан туси ўзгарди, ўзгарганда ҳам шундай ўзгардики, буни кўрган Мабель жуда-жуда дилини ёргиси келиб турганига қарамай, сўзи бўғзида қолиб, дарҳол жим бўлди. Икковлари ҳам бир муддат жим қолишди. Изқуварнинг алдамчи умиду ишонч туйғуси изтиробли ғуссага, чидаб бўлмас аламга айланганди. Худди нафаси бўғилиб қолаётганга ўхшарди; жисмоний азобни енгиллатишни истаётгандек, икки қўли ёқасига югурди. Унинг бармоқлари жон аччиғида ёқасини ғи-

жимлаётганини кўриб ўтакаси ёрилаёзган Мабель қўрқувдан қалт-қалт титрарди.

— Изқувар!— хитоб этди у.— Мен балки истганимдан кўра ортиқчароқ, кескин, қаттиқроқ гапириб юборгандирман; шундай бўлиши мумкин-ку, яна гоҳи пайтда нима демоқчилигини аёлларнинг ўзлари ҳам билишмайди, дейишади-ю. Мен сизга биз бирор вақт келиб бир-биримизга эр-хотиндек қарашимиз даргумонлигини тушунтирмақчийдим, холос.

— Мен бу кўз билан қарамайман, бундан-буён ҳам бундай қарамайман сизга, Мабель,— деб жавоб берди Изқувар тушкун овоз билан.— Йўқ-йўқ, ҳеч қачон бу кўз билан қарамайман сизга... на сизга, на бирон бўлак одамга...

— Изқувар, азизим Изқувар, менинг сўзларимга жудаям ортиқча аҳамият бериб, кўнглингизга олманг! Бундай никоҳ номақбул бўлурди.

— Шундай, бу нотабий бўларди, табиатга зид бориларди унда. Ўзим ҳам сержантга худди шундай дегандим-у, лекигин у гапимга ишонмаганди.

— Нимага ҳам айтдим буни! Қўлингизни беринг, Изқувар, қадрдоним, олиҳиммат Изқувар! Мендан нафратланмаётганингизни исботланг! Худо ҳаққи, кулиб қаранг менга!

— Мабель... Сиздан нафратланаманми-я!.. Кулиб қарайми сизга!.. Эҳ!..

— Қўлингизни беринг, шу мардона, шу садоқатли қўлингизни... иккови, иккаласини, Изқувар! Токи икковимиз дўст бўлиб қолганимизни, орадаги ҳамма гаплар фақат англашилмовчиликкина эканини билмагунимча қийналиб, изтироб чекаман.

— Мабель...— деди Изқувар ўзининг нозик бармоқлари билан унинг офтобда қорайган тошдек қўлларини ушлаб турган меҳрибон қизнинг афтига ўйчан тикилганча; айни пайтда одатдаги олижаноблик ҳамда самимиятини йўқотмаган бутун афти-ангорида маъюслигу ғамгинлик акс этиб турганига қарамай, у ўзининг ўнсиз кулгуси билан кулиб қўйди.— Мабель, бунга сержант айбдор!

У ортиқ ўзини ушлаёлмай қолди. Ёноқларидан ёш дурлари юмалади. Титроқ бармоқлари ғиппа ўз бўғзидан тутди. Кўкси бамисоли тегирмон тоши босаётгандек кўтарилиб-тушарди.

— Изқувар!— нидо солди Мабель.— Сиз учун нима қилишимни истайсиз? Айтинг... Бир оғиз айтинг, Изқувар, яна бир марта жилмайинг! Келинг, афв этганингизни бил-

дириб биргина сўз, биттагина ширин сўз, биттагина жил-майиш ҳадя эта қолинг энди!..

— Бунга сержант айбдор, сержант янглишган...— деди Изқувар зўрма-зўраки илжайиб. (Мабель бу ғайритаъиний табассумни, ушбу изтироб ҳамда ясама қувноқлик қоришмасини кўриб қалтираб кетди.)— Мен шундайлигини билардим, айтганман унга. Ҳа, сержант янглишган...

— Сизга умр йўлдоши бўлолмасам ҳам, дўст бўлиб қолишимиз мумкин-ку,— эътироз билдирди ҳамсуҳбати билан баб-баравар ҳаяжонланаётган Мабель.— Бир умрлик дўст бўлиб қолишимиз мумкин.. Дўст бўлиб қоламиз ҳам!

— Ўзим ҳам сержант янглишяпти деб ўйлагандим-а,— деди йўл бошловчи ҳаяжонини зўр-базўр босиб.— Шаҳарда тарбия кўрган қизга ёқишим қийинлигини билгандим. Қани энди у ўз режаларидан менга оғиз очмаган, сиз эса, Мабель, қани энди менга бунчалик самимий ва мулойим-меҳрибон муомала қилмаган бўлсанглар эди-я! Ҳа, унда яхшироқ бўлган бўларди.

— Борди-ю, мен қандай қилибдир беихтиёр кўнглингизда умид туғдирган бўлсам, Изқувар, бунинг учун ўзимни ҳеч қачон кечиролмайман... Ишонинг, сизга азоб бергандан кўра, яхсиси, ўзим азоб чекишга тайёрман!

— Мен ўзим алданибман, Мабель. Ҳозир очиқ-ойдин кўриб-билиб турибман буни. Дили-хаёлимдан қувиб чиқаришга ҳаракат қиламан бу фикр-ўйларни, яна илгарилардагидек илвасину рақибларни излашга киришаман. Эҳ, Мабель, сизни кўрганимдан берига сохта изнинг кетига тушиб кетган эканман!

— Лекин сиз тўғри йўлни топиб оласиз, мени сизга хотинликка ярамаслигимни тушунасиз ҳали.

— Сержантга айтгандим буни, лекигин у сўзида туриб олганди. Сизнинг жудаям ёш, сулув эканингизни, навқирон пайтларидаям унчалик чиройли бўлмаган менинг ёшимдаги одам сизнинг тенгингиз эмаслигини ўзим ҳам билардим. Бунинг устига, сизнинг табиатингиз бошқачаю менику мутлақо бошқа, иннайкейин, овчининг кулбаси шаҳар тарбиясини кўрган қизга муносиб бошпана бўлолмайди. Агарда мен, масалан, Жаспер Чучук Сувдай ёш ва чиройли бўлганимда эди...

— Жасперни нима алоқаси бор бунга?— дея сўзини бўлди Мабель тоқатсизлик билан.— Келинг, бошқа нарсадан гаплашайлик.

— Жаспер — ажойиб йигит, Мабель! У чиройли, жудаям келишган!— дея жавоб қилди йўл бошловчи содда-

лик билан, қизга таажжуб-ла тикилган кўйи.— Борди-ю Жаспернинг ҳуснини ярми менда бўлганида борми...

— Жаспер тўғрисида гапиришни бас қилайлик,— деди Мабель қизариб.— Эҳтимол у довул пайтида ёки кўлдалигида яхши бўлса яхшидир-у, лекин ҳозир мақтаб ўтиришимизга арзирмикин?

— Билаган, Мабель, у — сержант ҳеч қачон бундай бўлмайди деганига қарамай,— сизга эр бўлиши эҳтимоли сер одамдан яхшироқ.

— Ўша менга эр бўладиган ким экан, Изқувар?

— Квартирмейстер, поручик Мюйр.

— Йўқ, Изқувар, ўша поручик Мюйрингиз тушини сувга айтиб, бошқа жойдан хотин қидираверсин. Менинг исимим қўша-қўша хотинлари рўйхатига кириб бўпти!

— Ташаккур сизга, Мабель, ташаккур! Унинг мансаби қизиқтириб қоладими сизни деб қўрққандим. Шундай дейишга мени рашк мажбур қилаётгани йўқ. Башарти сиз бирор муносиб йигит, масалан, Жаспер Уэстернга кўнгил қўйганингизда эди...

— Намунча оғзингиздан тушмай қолди ўша Жаспер Уэстерн, Изқувар? Бизнинг дўстлигимизга нима дахли бор уни? Яхшиси сиз ҳақингизда, бу йилги қишни қандай ўтказмоқчилигингиз тўғрисида гаплашайлик.

— Мен ҳақимда гаплашайлик дейсизми, Мабель? Бас, етар! Разведка, душман билан тўқнашиш кезларини айтмаганда, илгари нархим унчалик баланд эмасди: эндиликда, сержантнинг янглишганини тушунганимдан кейин эса-ю нархим баттар пасайиб кетди. Мен ҳақимда ниманиям гаплашардик? Ёнингизда бўлиш ва ҳатто сержант янглишмаган экан деган хаёл қилиш менга жуда-жуда ёқарди, лекигин энди ҳаммаси равшан бўлди. Жаспер билан кўлда сузамиз; ишимиз кўп, етарли бўлади, шунда бефойда, пуч орзуларим тарқаб кетар балки.

— Шундай қилиб, бўлиб ўтган ҳамма нарсани унутасизми? Мени унутасизми? Йўқ, мени унутмайсиз, Изқувар, лекин аввалги машғулотингизга, ўрмондаги разведкангизга қайтасиз-у, сизга номуносиб бўлган қиз ортиқ диққат-этиборингизни безовта қилмайди, хотиржамлигингизга раҳна солмайди. Ўй-хаёлингизни тагин ов, буғулар, қундузлар хусусидаги орзулар банд этади...

— Афсуски, Мабель, мен энди орзу-хаёлларга берилмоқчи эмасман. Сизни учратганимча ўрмонда разведка билан шуғулланиш, ирокезлар изидан қувиш, пистирма қўйиш борасида орзу қила олардим. Лекигин сизни кўрганим-таниганимдан буёғига ҳеч нима кўринмайди кўзимга,

ҳеч нима қизиқтирмай қўйди мени. Тушларим ҳам ўзгариб, бошқача бўлиб қолган ҳозир. Уёқдаги, гарнизондаги охириги кечада кўрган тушимда кулбам зарангзорда эмишу ҳар туп дарахтнинг остида Мабель Дунгам турганмиш, қушлар шунақанги наво қилаётган эмишки, ҳатто битта буғу тўхтаб, қулоқ солаётганмиш. Мен унга ўқ узмоқчи бўлибман, аммо «буғу урар»им отилмабди, шунда буғу худди ёшгина қизга ўхшаб афтимга қараб шарақлаб кулганмиш.

— Келинг, шу тўғрида гаплашмай қўя қолайлик, Изқувар!— деди Мабель ёшини артиб. Овчининг қизни қанчалик қаттиқ севишини ошкор этиб турган очиқ кўнгиллиги Мабелни ниҳоятда тўлқинлантириб юборган эди.— Эндли юринг, отамни қарши олайлик; яқинга келиб қолган бўлиши керак, негаки яқингина ерда отилган ўқ овозини эшитдим.

— Сержант янглишган... Албатта янглишган! Ахир мусичани бўрига қовуштириб бўлармиди?

— Ана, дадам ҳам келди!— деди Мабель қувноқ кўришига ҳаракат қилиб.— Изқувар, дўстлар ўз сирларини пинҳон сақлашлари кераг-а, тўғри эмасми?

Сўнгра жимлик чўкди орага; қуруқ шаббаларнинг қарсиллагани эшитилди-ю, улар кўп ўтмай ўрмондан чиқиб, тепаликка кўтарила бошлаган сержантни кўрдилар. Яқинлаб келар экан, у аввал Изқуварга, кейин қизга кўз қирини ташлади-да:

— Мабель, болагинам, сен ёш ва оёғинг енгилроқсан — гизиллаб бориб, мен отган қушни олиб кел. У қарағай бу талари орасига тушди... ҳув анави ерда, ўрмоннинг қиргоққа яқин этагида... Кўряпсанми, Жаспер йўлга чиқиш керак деб ишора беряпти... яна буёққа чиқиб юрмагин, қиргоққа, ёнингга ўзимиз тушиб борамиз.

Мабель отасининг гапига қулоқ солиб, зипиллаганича тепаликдан чопиб тушиб кетди. Дарахтлар уни отаси билан йўл бошловчининг кўзидан тўсиб улгургани ҳаманоқ қиз дарахт танасига суянди-ю, аччиқ-аччиқ йиғлаб юборди. Сержант эса қизини у то кўздан ғойиб бўлгунича кузатиб турди, сўнгра дўстона жилмайганча ўртоғига гап қотди.

— Худди онасига ўхшаган оёғи енгил-да; унда отасининг куч-қувватидан ҳам унча-мунча бор,— деди сержант.— Ҳатто онаси қизичалик кўҳлик эмасди деган хаёлга ҳам бораман; айтмоқчи, Дунгамлар — эркаклариям, аёллариям — умуман ҳаммалари чиройли бўлишган. Хўш, Изқувар, қалай, ишонаманки, фурсатни қўлдан бермай,

барини айтгандирсан? Бунақанги ишларда аёллар очикчасига гапирганни яхши кўришади.

— Мабель икковимиз ниҳоят бир-биримизга тушундик деб ўйлайман, сержант,— жавоб берди Изқувар дўсти билан кўзлари тўқнашиб қолмаслиги учун четга қараб.

— Соз бўпти. Сирлилик муҳаббатга ўзгача бир жозоба бахш этади деб ўйлайдиган одамлар ҳам бор; мен ўзим бўлсам, тил қанчалик аниқ сўзласа, ақл-онг шунчалик осон идрок этади деб ҳисоблайдиганлар тоифасиданман. Мабель ҳайрон бўлмадими ўзи?

— Шундоқ бўлди деб қўрқаман, сержант... Бу унинг учун кутилмаган, томдан тараша тушгандай гап бўлди чоғи деб чўчийман.

— Хўш, нима қипти? Муҳаббат бобида ногаҳонийлик — урушда қўйилган пистирмадай гап. Аёл кишини гафлатда қолдириш душманга қўққисдан ҳамла қилишдек осон нарса. Қадрдон дўстим, Мабель қочиб кетмагандир, ахир?

— Йўқ, сержант, қочишга уринмади ҳам, виждонан ҳа-лолини айтяпман.

— Ишонаманки, у жудаям бетоқатлик ҳам кўрсатмагандир? Онаси эҳтиёткор эди, бир ойгача ноз-истегно қилиб юрган... Ҳар ҳолда очик кўнгиллигу ростгўйлик — аёл киши учун ҳам, эркак учун ҳам яхши фазилат...

— Ҳа-ҳа, лекигин, шунингдек мулоҳазакорлик ҳам.

— Йигирма яшар қиздан кўпдаям мулоҳазакорликни кутиб бўлмайди; вақти-соати билан қелади у. Мана бизларга келганда кечириб бўлмас хато бўларди бундай нуқсон.

Сержант сўзлаётганида, гарчи одатдагидек ўзини ўнглаб олган бўлса-да, Изқуварнинг туси бир неча бор ўзгарди. У кўзини дам кўтарар, дам ерга қадарди; чеҳрасидан Мабелни лолу ҳайратда қолдирган қалбий изтиробу қувончнинг ғалати омиҳта қоришмасини ўқиш мумкин эди.

— Тўғри айтяпсан, сержант: сенга ўхшаган одам учун хатога йўл қўйиш — оғир масала.

— Мабелнинг қанчалик очик кўнгил ва самимийлигини ўзинг ҳам айтиб қоларсан ҳали, фақат бунга вақт берсанг бас!

— Эҳ, сержант-а!..

— Сенга ўхшаган шунча фазилати бор одам ҳатто қояга таъсирини ўтказади, муддат берсанг кифоя бунинг учун!

— Сержант Дунгам, биз эски қадрдонлармиз, талай сафару юришларда бирга бўлганмиз, қанча-қанча марта-

лаб бир-бировимизга ёрдам берганмиз, шундоқ экан, бемалол очиқчасига гаплаша оламиз. Мабелдай қизнинг мен сингари йўнилмаган қўлантаёққа кўнгил қўйиши мумкинлигини қай гўрдан ола қолдинг ўзи?

— Қай гўрдан бўларди, биродари азиз? Сабаби кўп, яна-тагин асосли сабаблар: масалан, бир-бировимизга қилган хизматларимиз; ўзинг ҳозиргина эслаган сафару юришларимиз... Хўш, пировард-оқибатда, сен менинг синалган ва садоқатли дўстимсан.

— Буларнинг жами сен билан биз учун яхши, сержант, лекигин ёқимтой қизингга ҳеч қандай алоқаси йўқ буни. У ҳозир биз тилга олган сафарлар менинг авваллари эҳтимол сал ёқимлироқ бўлган турқи-тароватимни фақат дағаллаштириб юборган деб ўйлаши мумкин. Отаси билан эски қадрдонлиги шарофати билан қиз боланинг муҳаббатини қозониш амримаҳолдир-ов. Феъли-атвори ўхшаш одамларгина бир-бирларини сева оладилар, менинг хулқи-атворим, менинг қилиқ-одатларим Мабель Дунгамнинг одату кўникмаларига бутунлай ўхшамайди.

— Сен ҳануз илгаригидек камтарлик қиляпсан, Изқувар, бундай йўл билан эса қиз боланинг муҳаббатини қозониб бўлмайди. Камсуқумлик ҳарбий хизматга янги олинган аскарга ва айниқсанги полк ихтиёрига юборишган, ўз вазифасини пухта ўзлаштириб олмагунича подпрапоршчикни масхара қилмайдиган прапоршчикка ярашади. Камсуқумлик, пировард-оқибатда, руҳонийга муносиб, локин, агарда ҳақиқий аскар ёки ошиқ шу дардга мубтало бўлса, падарига лаънат уни! Агар аёл қалбини ром этишни истасанг камтарлик дардидан қутулишга ҳаракат қил. Сенинг анави, феъли-атвори бир-бирига тўғри келганларгина қовуша оладилар; деган фикрингга келганда эса — бутонфадаги ишларда бемаъни гап. Йўқ-йўқ, асло! Менимча, аксинча, табиати ўхшаш бўлмаганлар қовушадилар — шундоқ экан, бу жиҳатдан Мабелдан чўчима сира. Поручик Мюйрни қарагин-а, айтишларича беш марта уйланган экан-у, камтарликдан бўлса учқуни ҳам йўқ.

— Қанчалик чираниб-думини жилпанглатмасин, икки дунёдаям Мабель Дунгамга эр бўлолмайди поручик Мюйр.

— Жуда тўғри айтдинг, Изқувар; нега деганингда, аллақачонлар дилимга тугиб қўйганман, сен куёв бўласан менга.

— Мабелни ўз майлига қўйиб берайлик, сержант! У ёш, юрагида ҳеч бир ўй-ташвиш, ғам йўқ, шундоқ бўлгач, унинг қувончу бахтга тўлиқ қалбига ақалли пардай енгил юк ортиб озор етказишни истамайман!

— У билан очикчасига гаплашдингми ўзи?— деб сўради сержант дудуқланиб.

Изқувар шунчалик тўғриси эдики, ушбу саволга нотўғри жавоб бера олмади; аммо шунга қарамай, ниҳоятда ҳимматли, мард одам бўлгани сабабидан Мабелни гоҳо-гоҳо қаттиққўллиги ҳамда баджаҳллиги тутиб турадиган отасининг қаҳрига дучор этмасликка тиришди.

— Бир-бировимиз билан очикчасига гаплашдик,— жавоб берди у,— гарчи ҳар қандай одам ҳам Мабелнинг чеҳрасида ўзига нисбатан мойилликни кўргиси келса-да, мен унда ўзим тўғримда юксак фикрда бўлишимга ҳақ-ҳуқуқ берадиган аломатни топмадим.

— Сенга, отасининг энг қадрдон дўстига рад жавоби беришга журъат этмагандир-ку, ахир!— деди сержант бўғилиб.

Изқувар юзида зоҳир бўлган қайғуни яшириш ниятида тескари қаради-да, паст, бир оқ қатъий овоз билан деди:

— Мабель ҳаддан зиёд мулоим, назокатли қиз, шунинг учун қўполдан-қўпол қилиб рад этолмайди; у итга ҳам жеркиб гапиролмайди. Айтмоқчи, мен унақанги кескин йўқ дейдиган қилиб сўрамадим ҳам.

— Нима, қизимни ҳатто сенинг яхши ният-режаларингни билмасдан турибоқ бўйнингга осилиб, суюниб кетади деб ўйлаганмидинг? Агар шундай қилганида онасининг қизи бўлмасди, кейин, ўзим ҳам менинг қизим эканига шубҳаланиб қолган бўлардим. Дунгамлар очикчасига гапиришни яхши кўришади-ю, локигин бунақанги очикчасини эмас. Буёғини менга қўйиб беравер, Изқувар, ҳаммаси жойида бўлади. Шу бугун кечқуруноқ у билан гаплашаман сенинг номингдан.

— Йўқ, сержант, керакмас! Маслаҳат бермайман сенга бунди. Кел, бу гап Мабель иккаламизнинг орамизда қолаверсин. Ўйлайманки, охир-оқибатда бир-бировимизни тушуниб оламиз. Ёш қизлар — ҳуркак қушчалардир; улар ўзларини қисти-бастига олишларини ёки ўзларига қаттиққурум гапиришларини ёқтирмайдилар.

— Ҳаммасига розиман, қадрдон дўстим, локин битта шарт билан, дастлабки қулай фурсат келди дегунича у билан очик-ойдин, дангал гаплашишга сўз берасан.

— Сўрайман ундан, сержант... Ҳа, сўрайман ундан, фақат сен бу ишга аралашмасликка ваъда берсанг бас. Башарти таклифимни эшитиб башарамга қараб туриб ҳа-холаб кулганидаям, менга тегишни хоҳлаш-хоҳламаслигини сўрайман ундан.

Сержант Дунгам бажонидил рози бўлди бунга. Ўзи

шунчалик иззат-хурмат қиладиган одам қизига ёқмай қолмаслигига имони комил эди.

Икки дўст тепаликдан соҳилга тушиб келишар экан, сержант йўл бошловчини унинг ўзига ишончи йўқлигинга тўлиқ муваффақият қозонишига халал берганига ишонтирришга уринди. Бироқ Изқувар табиатан ҳаддан ташқари камсуқум бўлиб, бунинг устига Мабель билан ораларида ўтган суҳбатдан кейин руҳи тушиб кетганди, ана шу боисдан Дунгамнинг гапига қўшилолмасди. Аммо сержант шунча асосу далиллар келтирдик, оқибатда унинг сўзлари Изқуварга ҳақиқатга яқиндек туюлди. Табиатнинг ушбу соддадил ўғлони, Мабель меники бўлиши мумкин ҳали, деган ўйдан қувониб кетди. Ҳаттоки Мабель билан ораларидаги энг охириги гаплари ҳам унинг хаёл кўзгусида янгича маъно касб эта бошлади. Рост, у сержант айтганларнинг барига ишонмасди-ю, лекин қизлик ибоси, андишаю ўз туйғулари бобидаги иккиланиш Мабелни шундай иш туттишга мажбур қилгандир, деган хаёлдан тиёлмади ўзини.

— Квартирмейстерни хуш кўрмайди Мабель,— деди Изқувар сержантнинг гапига жавобан.— У Мюйрга беш марта уйланган одам деб қарайди.

— Ўша бештасиям етади унга! Одоб-ахлоқ доирасидан чиқмай икки марта уйланса бўлади, бунга розимаи, локигин тўрт мартаси кечириб бўлмас гуноҳ.

— Чамамда, бир марта уйланишнинг ўзиёқ — бу, мистер Қап айтганидек, «шарт-шароит»нинг ўзгинаси-ку,— деди Изқувар одатича унсиз кулиб. Унинг асли зеҳнию зийраклиги қайта бошлаганди.

— Албатта-да, қадрдоним, яна-тагин мутлақо енгиб бўлмайдиган шарт-шароит! Агарда сенга ўз қизимни беришни ният қилмаганимда, умрбод бўйдоқ бўлиб қолишни маслаҳат беришим тайин эди... Ана ўзиям кўриниб қолди! Тсс!.. Жим-м!

— Эҳ, сержант, сен янглишяпсанми деб қўрқаман-да!

УН ТУҚ ҚИЗИНЧИ БОБ

Мабель уларни қирғоқда кутиб турган эди. Қайиқ ўша заҳоти сувга туширилди. Изқувар ҳамроҳларини бурунқоялар орасидан худди боягидек чаққонлик билан олиб ўтардики, «Учқур» ёнида тўхтаганлариди шалоплаётган тўлқинлардан ҳатто бир томчи сув сачрамаган эди уларга. Онтарио аллақачон тинчиб бўлган; фақат сувости қоя-

лари тизмаси атрофида худди сувга тош ташлаганда ҳосил бўлгандагидай доира-ҳалқачалар ёйилиб кетарди. Жаспер мувофиқ шамол илинжида елканларни кўтарди.

Ҳаво тўлиб грот қаппайган ва кема тўлқинларни ёриб сузишни бошлаганда қуёш ботиб бўлган эди. Жанубдан енгил шамол эсарди. Кеча ҳеч қанақа хавф-хатарсиз ўтди; кема йўловчилари тинч, чуқур уйқуга кетдилар.

Жасперга бўлган ишончсизлик аввалига кемага ким дарғалик қилиши борасида иккиланиш туғдирди, аммо охирида ҳаммаси осойишта ҳал этилди. Қап бош қўмондонлик лавозимини сақлаб қолди, йигитга эса кекса денгизчининг кузатуви остида ва у айтганидек ҳаракат қилиш топширилди. Жаспер Мабелни янги хавф-хатарлар остида қолдирмаслик учунгина рози бўлди бунга; энди, бўрон тингач, «Монкальм» «Учқур»нинг изидан таъқиб этажагига унинг ишончи комил эди.

Йигитча «Монкальм»нинг дарғаси, ёш ҳамда довюрак француз офицери Ниагара бандаргоҳидан йўлга чиқади ва иложи борича кўпроқ кенгликни кўриш, «Учқур»ни олдиндан пайқаш учун кўлнинг ўртасидан сузади, деб тахмин қиларди. Шунинг учун Жаспер, қирғоққа яқинроқ юрилса оқилона иш бўлади, деган қарорга келди. Кеманинг мачтасию арқонлари қирғоқ муҳитида унчалик сезилмайди ва шу тариқа рақиб кемаси билан учрашувдан қочиш осонроқ. Жаспер жанубий қирғоққа яқинроқ юришни афзал кўрди, чунки шамол шу тарафдан эсаётган эди, айни пайтда рақибларнинг кемани ушбу қирғоқдаги француз қишлоқлари ва соқчигоҳлари яқинидан ўтади деб тахмин қилишлари қийин эди.

Яхшиямки Кап бу режа ҳақида ҳеч нарса билмасди. Жаспер тонггача аста-секин бутун ҳокимиятни қўлига оливолди, ҳеч ким билан маслаҳатлашмасдан буйруқ берарди у. Кема хизматчилари унга ишонч билан ва сўзсиз қулоқ солардилар.

Энди тонг оқара бошлаганда ҳамма кема саҳнига тўланди. Шарқда, ғарбда, шимолда фақат мўралаб чиқиб келаётган қуёш нурларида ялтираётган сув кўринарди, жанубда эса ўша замонларда Онтариони қуршаб олган ўрмонлар қорамтир-кўкариб турарди. Бирданига олд томон чарақлаб ёришиб кетди, дарё қуйилишида, қирғоқда ташқи томони истеҳкомлар ва боғлар билан ўралган аллақандай қалъанинг мустаҳкам деворлари кўринди. Ана шу манзара кўзга ташланган дақиқада қалъа узра оқ булут кўтарилгандек бўлди. Ҳаял ўтмай Франциянинг оқ байроғини кўрдилар.

Шунда Кап бақириб юборди:

— Ҳавода ифлос сочиқ ҳилпираб турибди! Каминанинг исми шарифи Чарлз Каплиги қандай ҳақ бўлса, бу ҳам худди шундай аппа-аниқ!— тўнгиллади у.— Биз бу ланнати қирғоққа шунчалик яқинлаб, суйканиб боряпмизки, худди Ҳиндистон сафаридан биринчи бор қайтиб, у ерда бола-чақаларимиз билан учрашадигандек! Қулоқ солинг, Жаспер, ахир сиз, чамам-да, бу ерда қурбақа овлаётганингиз йўқ шекилли? Нима учун бу Янги Францияга шунчалик яқин сузаяпсиз?

— Рақиб кемасига сездирмай ўтиб кетармиз деган умиддаман, сэр, шунинг учун қирғоққа яқин сузаяпман, у қаердадир яқин-орада шамол таъсирида бўлиши керак, мен бунга аминман.

— Яхши, яхши! Оғизда бунинг ҳаммаси яхши; амалда ҳам шундай бўлади деб ишонаман. Бу ерда сувости оқими йўқ деб ўйласам бўладими?

— Бу қирғоқда биз шамол таъсиридамиз,— деди Жаспер кулиб.— Уйлашимча, хўп деяверинг, жаноби Кап, кучли сувости оқими бор жойда лангар ташлаб туриш ёмон эмас чоғи. Уша оқимга биз ҳаётимиз учун раҳмат дейишимиз керак.

— Французча хомхаёллар!— Жаспер эшитиб қолишни ҳеч ўйламай, нимтовушда мингиллади Кап.— Бизга кун ёруғидан чўчимайдиган ҳалол, мард, ошкора оқимни кўрсатинг! Нима фойда ўша сизнинг қабиҳ сувости оқимингиздан, у шундай чуқурликда писиб ётадики, асло кўра олмайсан уни! Шуни айтиш керакки, агарда тагига етиб, сирасини айтадиган бўлинса, бу бадном халоскорлик — олдиндан тайёрлаб қўйилган бир найранг.

— Жуда бўлмаганда, оға,— деди сержант,— рақибларнинг Ниагарадаги соқчихонасини томоша қилишимиз мумкин-ку, унинг ёнидан ўтиб кетаётиб анқаймаслик керак. Шуни эсда тутингки, биз душман билан деярли юзма-юз турибмиз.

Сержант бекорга огоҳлантирарди, чунки шундоқ ҳам ҳамма кўздан холи ана шу хилватдаги одамлар истиқоматгоҳининг ҳар бир бурчагини қизиқиб томоша қилиб келаётган эди. «Учқур» шамол ёрдамида тўлқинлар кўксини ёриб ўтарди. Жаспер рулни ўз кўлига олди ва куттерни дарё қуйилишга яқин олиб келди. Шу дақиқада шамол олисдан олиб келган бўғиқ гувиллаш эшитилди; буни қандайдир улкан органдан янграётган тантанавор оҳанслар деб ўйлаш мумкин эди. Ушбу садо тобора зўрайиб бораркан, унинг заптдан гўёки ер титраётганга ўхшарди.

— Бу тўлқин қирғоққа урилганда чиқаётган шовқинга ўхшайди,— деди ғалати овозлардан таажжубланган Кап.

— Ҳа-ҳа,— жавоб берди Изқувар,— тўлқиннинг қирғоққа бундай урилишини дунёнинг фақат шу қисмида учратиш мумкин. Бу сўвоти оқими эмас, мистер Кап. У ерда қояларга урилиб парчаланиб кетадиган тўлқинлар орқага қайтмайди. Сиз тоғдан қуйилаётган кекса Ниагаранинг овозини эшитганмисиз?

— Наҳотки бирор одам уялмай-нетмай мана шу улкан, гўзал дарё тоғдан қуйилади деб ишонтирмоқчи бўлса?

— Бир кўз олдингизга келтиринг-а, мистер Кап, оҳиста тушиладиган зинапоя бўлмаганидан кейин қуйилмай нима қилади. Гарчи сизларнинг океанларингизда бундан яхшироқ бўлса-да, бизнинг бу ердаги табиатимиз ана шунақа. Оҳ, Мабель! Қани энди сиз мана шу дарё қирғоғидан ўн-ўн беш миль, анави тоғларгача сайр қилиб, табиатимиз мўъжизаларини бир кўрсангиз эди-я.

— Бундан чиқди сиз ўша машҳур шаршарани кўрган экансиз-да, Изқувар?— сўради қиз.

— Ҳа, уни кўрганман. Бу ажойиб ва даҳшатли манзара! Биз Улкан Илон билан ўша қалъа гарнизони ҳаракатларини кузатганмиз, айтмоқчи, ўшанда Илон менга қабиласи ривоятларида мана шу теварак-атрофдаги катта шаршара ҳақида ҳикоя қилинишини айтди ва бу ажойиботни бориб кўришни таклиф этди. Илгарироқ шаршара ҳақида олтмишинчи полк жанчиларидан ҳам эшитгандим; эллик бешинчи билан эса анча кейин алоқа қилганман. Ҳар қандай полкда ҳам фирт ёлғончилар кўп бўлади, шу боисдан ҳарбийларнинг ҳикояларини ярмигагина ишонардим... Қисқаси, Улкан Илон икковимиз шаршарани қулоқларимиз ёрдамида топишимиз ва унинг ваҳимали овозидан худди ҳозиргидек ҳайратланишимизни ўйлаб йўлга тушдик. Аммо ўша маҳалда у бугун эрталабдагидек ваҳимали гувилламасди. Урмонларда ҳам шундай бўлиб туради, мистер Кап: баъзан бутун борлиқ оҳиста уйқуга кетгандек, сокинлик чулғайди оламни. Бир вақт биз шаршарадан бир оз юқоридаги дарё қирғоғидан чиқиб қолдик: бизни кузатиб борган ёш делавар қайиқ топиб олди ва гирдоб ўртасида жойлашган оролчага оқимдан сузиб ўтмоқчи бўлди. Биз унга, бу йиш ақлга тўғри келмаслигини, бу билан ҳазиллашиш хавfli эканлигини айтдик. Аммо ёш делаварлар — ёш жангчиларнинг худди ўзи: улар мафрур ва ҳаддан ташқари марддирлар. Бизнинг гапимиз ун-

га кор қилмади, у йўлга тушди. Қайиқ аввалига худди шамол илгари сурган елкандек тез кетди, кейин гир-гир айлана бошлади: ёш делаварнинг на кучию на чаққонлиги ёрдам бера олди оқим қаршилигини енгилга. Шунга қарамай у, итлар таъқибидан қочиб, жонини асраб қолиш учун ўзини сувга отган бугудек, охирги дақиқагача ҳаддан зиёд, бор кучи-ла зўр берди. У оқимни шундай тез кесиб ўта бошладик, биз унинг муваффақиятига аввал ишонч ҳосил қилдик; аммо у оралиқдаги масофани нотўғри чамалаганиди, буни сезгач эса дарё бўйлаб юқорига қараб сузишга уриниб кўрди. Агар у минг бўлган тақдирида ҳам, ўша вақтда бари бир унга раҳмим келган бўларди. Бир неча дақиқа давомида делавар шунчалик жон-жаҳди билан ҳаракат қилдики, шалоладан ўтиб улгураёзди, аммо шунда тугаб қолган қуввати панд берди; бир маротагина нотўғри эшкак солиш ишнинг пачавасини чиқарди — у орқасига сурилиб кетди-ю, қўлга киритишга муваффақ бўлган ютуғини қаричма-қарич бой бера бошлади. У дарё сатҳи бамисоли улкан қоя узра миллион-миллион ипак толалардан тўқилган матодек туюлувчи сип-силлиқ ерга етди-ю, бирдан камон ўқи янглиғ уча кетди ва кўздан ғойиб бўлди. Орадан бир неча йил ўтгач, бу ишларнинг бари-ни нариги қирғоқдан кўриб турган бир мохаукни учратиб қолдим. У менга делаварнинг қайнаб-кўпириб турган шаршарада фарқ бўлгунига қадар эшкагини ҳавода муттасил силкишни бас қилмаганини сўзлаб берди.

— Бечорага нима бўлди?— сўради Мабель.

— У авлодлари руҳи ов қилиб юрган дориламон овчилар масканига равона бўлди. Йигитча жуда мағрур, аммо довбюрак эди. Оқибати ўйламасдан қилинган иш уни ҳалок қилди, энди у Маниту¹нинг ҳукми-салтанатида.

Шу вақт қалъада замбарак овози янгради — тўп ўқи куттер мачталари устидан чувиллаганча ўтиб кетди. Жаспер ушбу одобсизона саломлашувга парво ҳам қилмай, руль ёнида илжайганча турарди. Бу пайтда «Учқур» хийла олислаб кетган ва иккинчи бор тўпдан ўқ узишларидан чўчимаса бўларди. Куттер дарёга яқинлашганида Жаспер «Монкальм»нинг бу ерда йўқ эканини кўрди. Мачта тепасидаги навбатчи матрос кўлда биронта ҳам елкан кўринмаётганини хабар қилди. Шунда Жаспер эҳтиёткорлиги беҳуда кетмаганига ва французлар кемасининг дарғаси, шаксизки, қаердадир кўл ўртасида пойлаётганига қаноат ҳосил қилди.

¹ Маниту — баъзи ҳинду қабилаларида илоҳий куч — маъбуднинг номи.

Кунбўйи жанубдан шамол эсиб турди, куттер олти — саккиз узел (ўн бир ярим — ўн беш км) тезликда қирғоқдан бир миль масофа беридан сузиб бораверди. «Учқур» бурунларни қоралаб борар экан, шунақанги чуқур қўлтиқлардан сузиб ўтардики, уларни бемалол кўрфаз деса бўларди. Ҳеч қаерда маданий олам нишонасию аломати кўринмасди. Дарёю ирмоқлар улкан кўл ҳавзасига ўз божу хирожларини келтириб қуярдилар. Қирғоқда дов-дахтлар яшил девордек саф тортган, дарахтлардан бўлак ҳеч нарса ташланмасди кўзга. Ҳатто Онтарио билан тору энсиз ирмоқлар-ла туташган катта-катта кўрфазлар ҳам баногоҳ пайдо бўларди-ю, ҳеч қандай тириклик нишонасини ошкор этмай, яна кўздан йўқоларди.

Қаршиларида намоён бўлган манзарадан ҳаммадан кўпроқ Изқувар завқланарди. Унинг беҳудуд ўрмонга тикилиб кўзи тўймас, гарчи Мабелнинг яқинида бўлишдан дили яйраса, қизнинг овозини эшитиб турса ҳамки, ҳар қалай, кун давомида бир неча бор кўнглида эман, арғувон ва заранглар ҳосил қилган яшил гумбазлар остига шўнгиб кетиш истаги, ўзи мустаҳкам ҳамда боқий бахт топишни дилига туккан мазкур узлатгоҳга жўнаб қолиш майлу иштиёқи туғилди. Капнинг кайфияти бўлакча эди. На минора, на маёқ, на уёқдан-буёққа танда қўяётган кемалар бодроқдай бодраган бандаргоҳдан асар кўринади бу ерда, дея такрор-такрор нолиб, бунақанги соҳил бутун оламда йўқ, деб қўярди; кейин сержантни бир четга олиб ўтиб, ушбу ўлканинг ҳеч қачон равнақ топмаслигига жиддиян ишонтиришга тушди, чўнки бу ерда кемагоҳларнинг қадрига етиб, менсишмас экан, бу ернинг дарёлари ҳам бекору бефойда оқиб ётганмиш, шамоли бўлса нуқул ўрмон ҳидини олиб келармиш, шундоқ экан, ҳеч нимага ярамасмиш.

Кунботарга борганда куттер Освего томонга қараб юз миль йўл босиб қўйган эди. Сержант Дунгам қалъага бориб, майор Дункандан янги кўрсатма олишни ўз вазифаси деб ҳисоблаганди. Шу сабабли Жаспер тун бўйи соҳил ёқалаб сузишни давом эттирди. Эрталабга бориб шамол аста-аста кучсизлана бошлаган бўлса ҳам, токи куттер қалъадан икки милча беридаги қояга етгунига қадар эсиб тураверди. Шу ерга келганларида шимолдан енгил шабада эса бошлади-ю, шамол кучайиб ёхуд йўналишини ўзгартириб қолиши олдини олиб, куттер соҳилдан узоқлашди.

Эрталабга бориб куттер Освегонинг мансабида, қалъадан икки милча беридан турарди, уёқда тонгги тўп садоси

янграши биланоқ Жаспер арқонларни бўшатиб, бандаргоҳ сари сузишни буюрди. Худди шу пайт кеманинг тумшуқ томонида қичқиріқ эшитилиб, ҳамманинг нигоҳи буруннинг шарқий соҳилига қадалди: уёқда, истехкомдаги замбаракларнинг ўқи етмайдиган ерда «Монкальм» «Учқур»нинг қайтишини кутиб турарди.

Француз кемаси ёнидан ўтиб кетишнинг иложи йўқ эди: «Монкальм» елканларини кўпайтириб, бир неча дақиқа ичида куттернинг йўлини кесиб қўйиши мумкин. Тезлик билан бирор қарорга келиш зарур эди. Қисқа муддатлик кенгашдан сўнг сержант тағин ўз режасини ўзгартириб, иложи борича тезроқ олдинги кўзланган манзилига жўнашга қарор берди; куттернинг душмандан ўзиб, ундан яширинишга улгуришига ишонарди. «Учқур» барча елканларини ёйиб, шамол заптида ела кетди. Қалъадан отишма овозлари эшитилди, дамба-кўтарма бўйлаб аскарлар таралишди. Бирёқ Лэнди мазкур бефойда «иззат-икром»дан бўлак ҳеч қандай ёрдам беролмасди куттерга. «Монкальм» эса ўз навбатида бир неча бор тўплардан ўқузиш билан жавоб қайтарди; кейин француз байроғини кўтарди-ю, жамики елканларини шамолга тўғрилаб, таъқибга отланди.

Бир неча соат мобайнида ҳар иккала кема ақл бовар қилмайдиган тезликда, бандаргоҳ томон йўналиш имконини қўлдан бермасликка уриниб, кўлни бамисли шудгор қилиб ҳайдаб ташлади. Улардан бири бандаргоҳга ўтиб олишга, иккинчиси эса унинг йўлини тўсишга ҳаракат қиларди.

Чошгоҳга бориб француз кемаси мачталарининг учигина кўриниб турарди. «Учқур»нинг олдида бир неча орол бўлиб, Жаспер душмандан яшириниш учун ўшаларнинг орқа томонига ўтиб олишни ўйларди. Кап, сержант ва айниқсанги поручик Мюйрларнинг бояги-боягиндай ёш денгизчини хоин деб шубҳаланаётганларига, ҳатто Фронтенакнинг яқинлигига қарамай, ҳамма Жаспернинг фикрини маъқуллади. Муҳокамаю мунозара қилиб ўтиришга вақт йўқ эди. Квартирмейстер, Жаспер биргина йўл билан, куттерни очикчасига душман бандаргоҳига қараб ҳайдаш билангина хиёнат қила олади, деб ҳақ гапни айтди; бунга эса ҳар қачон қаршилиқ кўрсатса бўларди, зероки французларнинг кўлдаги ягона ҳарбий кемалари уларга нисбатан шамолга тескари томонда эди, бинобарин, бевосита хавф сололмасди.

Эркин ҳаракат қила бошлаган Жаспер кўп ўтмай ўз маҳоратини кўрсатди, У оролларнинг орқа томонидан

Ўтиб бориб, «Монкальм»ни уфқ чизиги ортида қолдирганча, ороллардан мағриб ёққа қараб кетди. Кунботарда куттер ўша ороллардан каттакон кўрфазда жойлашган биринчисига янгитдан яқинлаб келди. Тун чўкмасдан кема эҳсиз ирмоққа кириб борди; ана шу ирмоқ билан тўғри соқчилик манзилига ўтиб бориш мумкин эди. Кечки соат ўн бўлиб қолганди, шу вайдан Кап лангар ташлаш керак деб туриб олди: ороллар оралигидаги кўл иланг-биланг бўлганидан кекса денгизчи французлар қалъа-истеҳкомларидаги замбараклар ўқиға рўпара келишдан чўчиётган эди. Жаспер олдиндан зарурий чора-тадбирларни кўрмай туриб соқчилик манзилига яқинлашмаслик хусусида махсус кўрсатма олгани сабабли бу талабга қаршиликсиз рози бўла қолди. Бирорта қочоқ душманга хабар қилиб қўйиши мумкин деган хавотирда соқчилик манзилига олиб борадиган йўлни ҳеч ким билмаслиги керак эди.

«Учқур» йироқдаги чоғроққина қўлтиқда лангар ташлади, уни бу ердан ҳатто кундузи излаб топиш мушкул эди. Сўнгра соқчидан ташқари ҳаммалари дам олгани вастга тушиб кетишди. Капнинг бу икки кун мобайнида шунчалик тинка-мадори қуриган эдики, узоқ ва данг қотиб ухлади, у уйғонганида тун тугаб, кун кириб бўлганди аллақачон. Кўзини очар-очмас куттернинг лангар кўтариб бўлганини пайқади. Кема саҳнига кўтарилиб, «Учқур»нинг оролларни оралаб сузиб бораётганини кўрди, бунинг устига Жаспер ва лоцмандан бўлак, куттернинг қайси йўналишда кетаётгани билан ҳеч қанча иши йўқ соқчини мустасно қилганда, кема саҳнида ҳеч зог кўринмасди.

— Бу қанақаси бўлди, мистер Уэстерн?!— ўдағайлади Кап ғазаб-ла.— Тағин ухлаб қолганимизда бизни Фронтенак бандаргоҳига ҳайдаб қолмоқчимасмидингиз?

— Мен берилган буйруқни адо этипман, мистер Кап. Майор Дункан ҳеч қачон ҳаммани вастга тушириб юбормай туриб соқчилик манзилига яқинлаша кўрмасликни буюрган. Бу сувларда хизмат талаб этадиганидан ортиқча лоцманнинг ҳожати йўқ.

Кап ҳуштак чалиб қўйди:

— Қойил! Манави бутазорлару қоялар орасига кирсаг-у, кема саҳнида ҳеч ким бўлмаса-я! Ҳатто йорклик лоцман ҳам адашиб-довдираб қолади-я бу ирмоқда!

— Фикри-ёдим, агарда куттерни токи кўзланган манзилга етгунига қадар менинг қўлимга топшириб қўйсангиз жуда соз иш қилган бўлардингиз-да, деган ўй билан банд эди доим, сэр,— деди Жаспер кулиб.

— Башарти шарт-шароит бундай бўлмаганида шундай

қилган бўлардик, Жаспер, ҳа, шундай қилган бўлардик. Аммо-лекин бу шарт-шароит ниҳоятда муҳим, кейин десаңгиз, ҳар бир ақли бор одам унга эътибор қилиши лозим.

— Нияям дердим, сэр! Чогимда кўзлаган еримизга яқинлашиб қолган кўринамиз. Агарда мувофиқ шамол бўлса, бир соат ўтмаёқ соқчилик манзилга стамиз, ана шунда сизнинг кўзингизга кўринаётган ўша жамики «аҳвол-шароит»лардан хавотирланишнинг ҳожати қолмайди.

— Ҳим-м?— Қап ортиқ ҳеч нима деб эътироз билдира олмади; ҳамма нарса Жаспернинг очиқчасига иш тутгани ва барчани осонгина ўз томонига оғдириб олганидан далолат бериб турарди.

Ороллар сони балки мингга бормасдир-ку, лекин улар чиндан ҳам жуда кўп эди. Жаспер катта ирмоқдан чиқиб олгач, мувофиқ шамол ёрдамида оқим бўйлаб энг тор шахобчалардан сузиб ўта бошлади. «Учқур»нинг бундай жойлардан анжом-аслаҳалари дарахтларга тегмай ўтиб кетишини тасаввур этиш қийин эди. Баъзида у мўъжаз кўрфазчалардан ўтиб бораркан, буталар, ўрмону қоялар оралиғида буткул йўқолиб кетганга ўхшарди. Сув шунчалар тиниқ, мусаффо эдики, лот ишлатишга ҳожат ҳам қолмаганди. Йўлнинг ҳеч қандай хавfli ери йўқ эди афтидан. Чуқурлик ҳамма ерда бирдай эди. Шунга қарамай, океанга ўрганиб қолган Қап, ишқилиб куттер саёзликка ўтириб қолмасин-да, деган кўрқуьда мудом жон ҳовучлаб борарди.

— Хўш дегандан, тан бераман, Изқувар,— деди кекса денгизчи ниҳоят, кема яна бир шахобча, сонини ҳисоблаганда йигирманчи бўғоздан зиён-заҳматсиз чиқиб оларкан,— иқрорманки, бу ҳол денгизчилик илмини назар-писанд қилмаслик, унинг жамики қонун-қоидаларини бир пулга олмаслик демакдир!

— Йўқ-йўқ, мистер Шўр Сув, бу маҳорат чўққисидир! Жаспернинг ҳеч қачон иккиланмаслигини ўзингиз кўриб турибсиз. У асил тозидай ўз сезгисига инониб, бошини бандланд кўтарганча олға интиляпти. Бошимни гаровга қўйиб айтаманки, йигит ахийри бизни манзилга етказди, агарда аввал-бошдаёқ ўз ихтиёрига қўйиб берилганида аллақачонлар шундай қилган бўларди.

— Лоцмансиз, лотсиз, бемаёқ, бебакен, бе...

— Беиз!— унинг сўзини бўлди йўл бошловчи.— Ана шунисини сира ақлим бовар қилмайди-да! Сувда из қолмаслиги аён, лекигин Жаспер, гўёки баргу хазонларда

аниқ-тиник қолган мокасин изларини яққол кўриб тургандай, дадил олға кетяпти-я!

— Ким билсин!.. Чамада, унинг ҳатто компаси ҳам йўққа ўхшайди чоғи?!

— Қия елкан йиғилсин!— дея қичқирди Жаспер ҳамроҳларининг гапларига жавобан жилмайибгина қўйганча.— Энди туширилсин! Унгга бур! Яна ўнг биқинга олинсин! Рулни оҳиста, салгина бур! Бўпти! Энди арқонни олиб, қирғоққа сакра! Йўқ, яхшиси итқита қол уни: қирғоқда одамлар бор, илиб олишади.

Матрослар буйруқларни шунчалик тез бажарар эдиларки, томошабинлар бу ҳаракатларни тўла-тўкис пайқамай қолдилар. «Учқур» шамолга нисбатан шундай ҳолатга келтирилдики, бош мацтанинг пастки чорси елкани шалоплаб кетди; сўнгра кемани ёлғизгина руль ёрдамида қоядан ташкил топган табиий соҳил бўйига турғазиб, ўша заҳотиёқ «арқонлаб» қўйдилар. Хулласи, куттер соқчилик манзилига етиб келди ва эллик бешинчи полк аскарларини ўртоқлари хурсанд кутиб олдилар; табиийки, бундай зерикарли соқчилик навбатини топширишни сабрсизлик ила кутиб ётишган эди улар.

Оролларнинг бари сув сатҳидан нақ бу ерда соғлиққа зиён етишидан хавотир олмай бемалол яшаса бўлгудек даражада кўтарилиб турарди. Уша замонларда улардан аксари қўл тегмаган ўрмон билан қопланган эди.

Соқчилик қароргоҳи жойлашган оролнинг майдони бор-йўғи йиғирма акр¹дан иборат бўлиб, бир неча юз йил муқаддам қандайдир йўлу сабаб билан дов-дарахтларнинг аксар қисмидан ажраган бўлса керак; ҳар ҳолда оролнинг ярми майса-гиёҳ билан қопланган яйдоқ эди. Шунга қарамай у атрофини қуршаган ороллар ичида беқиёс даражада сўлим кўринарди.

Аскарлар атаганидек — Соқчихона оролининг бутун қирғоғида қаттиқ қўриқланадиган майда буталар ўсиб ётарди, зотан бутазорлар орқа томонда яширинган одамлар ва иморатларни кўздан пана қилиб турадиган ихота эди. Ана шу бутазорлар билан оролнинг иккинчи ярмини ишғол этган ўрмон ҳимоясида офицер ва оддий аскарлар учун етти ёки саккизта кулба, аслаҳа-анжом омборлари, ошхона ҳамда чоғроққина ҳарбий касалхона паноҳ топган эди. Кулбалар хода-ғўлалардан қурилган бўлиб, айни чоғда эҳтиёткорлик қилиб, тагин дарахт қирқилгани бировларнинг эътиборини тортиб қолмасин деган мақсадда қури-

¹ Акр — 4047 кв. метрга тенг бўлган ер ўлчови.

лиш учун ёғочни бошқа, олисдаги оролдан келтирилган эди. Фақат бир неча ой давомидагина истиқомат қилинадиган бу кўлбаларда шу қабилдаги вақтинча бошпаналарда қанчалик қулайлик яратиб бўлса, ўшанчалик қулайлик мавжуд эди.

Оролнинг шарқий қисми олдинга туртиб чиқиб, бурун ҳосил қилганди. Бу яхлитича ўрмон билан қопланган бир акрча майдон эди. Ҳаммаёқда қалин буталар ўсиб ётарди. Хазонрез палла етиб, барглар тўкилиб бўлмагунича бурун ҳеч вақони кўриб бўлмайдиган яшил девор янглиғ тураверарди киши кўзи ўнгида. Бурунни орол билан туташтириб турган энсизгина бўйин яқинида чоққина ёғоч истеҳком қурилган эди. Ушбу иншоотни қуришда замбарак ўқига дош берадиган йўғон-йўғон ходалар танланганди. Деразалари шинаклар хизматини ўтар, эшиклари эса кичигу вазмин, томига эса худди деворларидаги каби йўғон ходалар терилиб, ёғин-сочинда чакка ўтмаслиги учун устидан пўстлоқ ёпилганди. Пастки қаватда аскарий анжом-аслаҳалару озуқа сақланарди; юқори қават ҳам ётоқжой, ҳам қалъа-қўрғон хизматини адо ётарди. Пастакки на чордоқ ўн беш чоғли одам ётадиган икки ё уч хонага бўлинган эди. Буларнинг бари ниҳоятда жўн, аммо, шу билан бирга аскарларни ногаҳоний ҳужумдан ҳимоя этиш учун етарли даражада мустаҳкам қилиб қурилган эди. Бинони чор атрофдан қуршовга олган дов-дарахтлар истеҳкомни оролга сиртдан яқинлашадиганлар кўзидан пана қилиб турарди. Юқориги қаватдаги шинаклардан оролнинг яйдоқ қисми кўриниб турар, бинонинг пастки қисми бўлса деярли қалину қуюқ буталар панасига яшириниб олганди.

Аслида ҳимояланиш мақсадида барпо этилган мазкур иншоот қамал пайтида ҳеч ким халал бермай ёғоч пақирда сув ботириб олиш учун атайлаб кўл ёқасига қурилган эди; сув билан таъминлашни осонлаштириш ниятида истеҳкомнинг юқори қаватлари бинонинг қуйи қисмидан бир неча фут олдинга чиқариб қурилганди. Жамики қаватлар ўзаро зина-нарвон билан боғланарди.

Оролнинг жойлашиши ҳарбий соқчихона учун ғоятда қулай бўлиб, унинг асосий афзаллиги ана шундан иборат эди. Бўлак гуруҳ-гуруҳ орол тўдалари орасидан уни излаб топиш осон эмасди. Бандаргоҳ вазифасини адо этгувчи мўъжазгина қўлтиққа кириладиган жойни буталару қўшни ороллар шу қадар тўсиб-пана қилиб турар эдики, бир сафар «Учқур»дагилар балиқ овидан қайтаётиб ада-

шиб қолишган ва бир соат давомида топиша олмаганди уни.

«Учқур»нинг манзилга етиб келганига аллақачон бир соат бўлди ҳамки, ҳеч ким дам олишни ўйламасди. Навбат алмашишни кутаётган офицер соқчилик қўмондонлигини сержантга топширди-ю, ҳамма одамлари билан ўша заҳотиёқ «Учқур»га чиқиб олди. Сўнгра бу кунни жон-жон деб оролда ўтказишга тайёр Жаспер мувофиқ шамолдан фойдаланиб қолиш мақсадида ҳаялламай лангарни кўтариш ҳақида буйруқ олди. Бироқ «Учқур» йўлга чиққунича поручик Мюйр, Кап ва сержантлар офицер билан махфий равишда суҳбат қуришиб, унга Жаспер хусусида ўз шубҳа-гумонларини етказишди. Офицер йигитнинг хатти-ҳаракатини жиддий кузатиб боришга ваъда берди. Етиб келганига уч соат бўлмаёқ куттер аллақачон лангар кўтариб улгурган эди.

Мабель отасига ажратилган кулбага жойлашди. Енгилли хўжалик ташвишларини тугатгач, қиз оролни айлангани чиқди. Дарахтлари кесилган кичикроққина ялангликни босиб ўтган қиз қирғоққа элтадиган ёлғизоёқ йўлдан кета бошлади. Сезилар-сезилмас мавжланиб турган зилол сувга тикилган кўйи ўзининг ҳозирги, янги аҳволи ҳақида ўйга толди у.

— Сулув хилқат сўлим жойга қадамранжида қилибдилар-да, мисс Мабель!— деди унга осмондан тушгандек тўсатдан пайдо бўлиб қолган Дэви Мюйр.— Нимасини айтасиз, ҳеч шубҳа йўқки, бу жойларнинг кўрки-чиройи сизнинг ҳусну малоҳатингиз олдида ип эшолмайди.

— Борди-ю сизга, мистер Мюйр, бу хушомадларингиз ёқмайди менга, десам, ишонмаган бўлардингиз гапимга,— жавоб берди Мабель,— умид қиламанки, ҳар ҳолда мен бунақанги хушомадлардан кўра жиддийроқ суҳбатни яхшироқ тушунаман, десам, ишонарсиз.

— Сизнинг ақлингиз, гўзал Мабель, худди аскарнинг пилтамилтиги миллининг оғзидай сайқал топган, кейин десангиз, сизнинг суҳбатингиз, иқрорманки, тўрт йил умрини бу ерларда, ўрмонда ўтказиб, кўпроқ билим ололмаган бир кимса учун ҳаддан зиёд донишмандона гапдир... Лекин айтингчи, навқирон хоним, наздимда, бежирим жажжи оёқчангизни яна қаттиқ ерга қўйганингиздан афсусланмаётибсиз чоғи!

— Ҳа, икки соатча бурун шундай ўйда эдим, мистер Мюйр; лекин, қаранг, «Учқур» бу ердан, манави дарахтлар орасидан қандай чиройли кўриняпти, кўлда қандай

енгил сузиб боряпти-я у! Рости, ҳозир кема саҳнида эмас-лигимга ачиняпман.

Қиз шундай деб, Жаспернинг хайрлашув ишорасига жавобан рўмолчасини силкишга тушди. Йигитча токи куттер бурунни айланиб ўтиб, барглардақ тўқилган яшил гажим ортида ғойиб бўлгушга қадар қиздан кўз узмади.

— Улар кетишди, лекин мен, хурсандчилигу шодлик ҳам улар билан бирга кетди, деёлмайман. Илоё яратган уларга оқ йўл берсин, негаки, мабодо улар бирон фалокатга учрагудек бўлсалар, биз ё шу ерда қишлаймиз, ёки Квебек қалъасига жўнатиламиз. Бу Жаспер Чучук Сув ўтакетган доғули экан, очигини айтганда, у тўғрисида нима деб ўйлашингни ҳам билмайсан. Гарнизонда унинг тўғрисида шунақанги нохуш миш-мишлар юрибдики, асти қўяверасиз. Ҳурматли дадагиз билан ҳурмат-иззатда ундан камчил жойи йўқ тоғангиз ҳам йигитча хусусида яхши фикрда эмаслар.

— Бу гапларни эшитиш мен учун жудаям кўнгилсиз, мистер Мюйр. Вақти-соати билан уларнинг жамики гуномлари йўққа чиқишига шубҳа қилмайман.

— О, қани энди вақт каминанинг ҳам шубҳаларини йўққа чиқара олса!— дея жавоб берди Мюйр дудуқланган оҳангда.— Фойдадан ўзга нарса келтирмасди-я отангизга бу, Мабель, бунинг устига, борди-ю мен истеъфога чиқсам, ўрнимни эгаллаш сержант учун чакки бўлмасди асло.

— Агар отам сизнинг ўрнингизни эгаллашга муносиб бўлса, мистер Мюйр, — деди қиз айёрона табассум-ла, — у ҳолда, ўйлайманки, сиз ҳам отамнинг ўрнини эгаллашга муносибсиз.

— Қанақаси бўлди бу, жин урсин! Наҳотки менинг мансабим пастлашини истасангиз, Мабель?

— О, ундай эмас! Ростдан, ундай эмас, сэр! Сиз истеъфога чиқишингиз тўғрисида гапирганингизда мен қўшинни хаёлимга ҳам келтирмагандим. Мен ўз тажрибангиз ва мулоҳазакорлигингиз билан жудаям дадамга ўхшаб кетишингизни ўйлагандим; сиз бемалол унинг оилага бошлиқлик ўрнини эгаллашингиз мумкин.

— Соҳибжамол Мабель, ота ёки чинакам оила бошлиғи сифатида эмас, куёв сифатида. Гап нимадалигини кўриб турибман, шу боисдан сизнинг эътирозингиз жудаям ёқади менга, уларда шундоққина ҳозиржавоблик нафаси сезилиб турибди. Нима ҳам дердик, ёшгина аёлга ярашади ҳозиржавоблик — ишқилиб, бунинг замирида фа-

қат такаббурлик бўлмаса бас... Изқувар, ростини айтганда, гоётда ғалати одам-да.

— Ҳа, унинг тўғрисида гапирганда ё ростини айтиш, ёки ҳеч нима демай қўя қолиш керак, мистер Мюйр! Изқувар — менинг дўстим, содиқ дўстим, шундоқ бўлгач, менинг ҳузуримда у ҳақда бемаъни гапларни гапирсалар жимгина қулоқ солиб туролмайман.

— Сизни ишонтириб айтаманки, у ҳақда ҳеч қанақанги ёмон гап гапирмоқчи эмасман, бироқ, менимча, унинг тўғрисида кўпроқ яхши гап ҳам айтолмайсан киши.

— Ҳеч бўлмаганда у энг моҳир қурол билимдони, — дея жавоб қилди Мабель кулиб. — Ақалли шунисига эътироз билдирмассиз балки?

— Бу борадаги жасоратлари билан мақтанаверсин, майли, бироқ у нақ мохаукнинг ўзгинасидек нодону жоҳил одам.

— Эҳтимол у лотин тилини билмас, лекин прокезчани ҳеч ким ундан яхшироқ билмайди, бу тил эса оламнинг ушбу қисмида лотинчага қараганда чандон бора фойдалироқ.

— Башарти мендан шахсан Лэндиннинг ўзи сизнинг ниҳончилигингизга: ақлингизгами ёки ҳуснингизгами, қай бирига қойил қоласан, деб сўраса, эй ўзи гўзалу тили аччиқ Мабель, рости, унга нима жавоб беришимни билмайман. Мен унисига ҳам, бунисига ҳам бирдай тасанно ўқийман; баъзан биринчилик совринини ҳуснингизга тақдим этгим келса, баъзан ақлингизга тутқизгим келади. Эҳ, марҳума миссис Мюйр жуда-жуда сизга ўхшаб кетарди-да!

— Охирги миссис Мюйр демоқчимисиз, сэр? — сўради Мабель унга ясама соддадиллик ила тикилганча.

— Э! Бу Изқуварнинг ғийбату бўҳтони бўлса керак! Афтидан бу девона сизни гўёки менниг бир неча марта уйланганимга ишонтиришга уринган кўринади шекилли?

— У ҳолда вақтини беҳудага исроф қилган бўларди у, сэр! Бу ердагиларнинг ҳаммаси тўртта хотиндан жудо бўлганингизни жуда яхши билишаркан.

— Учтагина хотиндан холос, исми шарифим Дэви Мюйр экани қанчалик аниқ бўлса, буниси ҳам худди ўшанчалик аниқ-равшан! Тўртинчиси шубҳа остида...

— Тан оламанки, ўша тўртинчи хонимга ҳавас қилмайман: шубҳа остида бўлиш — унчалик ҳам кўнғилга хуш келадиган гап эмас.

— О, бу жиҳатдан асло ташвишланманг, сулув Мабель! Агарда сиз ўша тўртинчи бўладиган бўлсангиз, бошқаларининг бари унутилади: сизнинг ҳусну малоҳатингиз,

сизнинг афзаллигу фазилатларингиз ўша ондаёқ жамики-сини забун қилиб, биринчи ўринга чиқариб қўяди сизни. Бу жиҳатдан, тўртинчиси бўлар эканман, деб чўчимаанг асло.

— Анча тасалли берадиган фикр бу, мистер Мюйр,— деди Мабель кулиб.— Кимлигидан қатъи назар, бирөөнинг тўртинчи хотини бўлишдан ҳусн бобида тўртинчи даража-ли бўлишни афзал кўраман.

Қиз шу гапни айтди-ю, квартирмейстернинг ўз муваффақиятсизлиги устида бош қотиришига имкон бергандай, зипиллаганча жўнади-ворди. Сергайрат, жўшқин ва тап-тортмас Мабель ҳар ҳолда қўполлик қилишдан узоқ эди, аммо аҳвол-шароит Мюйрга нисбатан шундай муомалада бўлишга мажбур этганди уни. Мюйрни шу аҳволда ташлаб кетар экан, қиз унинг шилқимона, безорихон қилгувчи илтифотидан бутунлай қутулдим деб ўйлади. Бироқ қиз Дэви Мюйрни билмасди. Бунақанги раддияларга ўрганиб кетган, безбету беадаб, хирахандон Мюйр умид узишни хаёлининг кўчасига ҳам келтирмади. Мабель чоп-қиллаганча кетаркан, у пўписа қилибми, ўзига ишончу та-каббурликданми — ишқилиб, қизнинг ортидан «хап сени-ми» дегандай бош ирғаб қўйди, ана шу ишорасидан квар-тирмейстерни бирор шумликни бошлашни дилига тугди деган хулосага келиш мумкин эди. Токи у бош қотириб турар-кан, Изқувар кўринди ва сездирмайгина ёнига келди.

— Унинг кетидан югурмай қўя қолинг, квартирмейстер, қўйинг, овора бўлманг,— деди йўл бошловчи одатдагича кулиб,— у ёш ва чаққон: қувиб етиш учун жудаям илдам оёқ керак! Айтишларича, қизнинг илинжида юрганмиш-сизми? Лекигин унга умр йўлдоши бўлмайсиз бари бир.

— Мен ҳам сен тўғрингда худди шундай гапни эшит-дим, аммо-лекин бундай даъво қилиб жудаям катта кет-ворибсан, мен бунга инонмайман.

— Сўзларингиз ҳақиқатга яқин чиқмасайди деб кўр-қаман... Шундай, сиз ҳақсиз деб кўрқаман. Ўзимнинг ким эканим, иннайкейин, қанчалик оз нарсани билишим, кечи-раётган ҳаётим тўғрисида ўйлаб кўрган пайтларимда шун-дай билимдон, шундай меҳрибон, шундай шўх-шодон, шун-дай назокатлию латофатли қизга эришиш хусусида бирон дақиқа бўлса-да орзу қилишга ҳаққи-ҳуқуқим йўқ экан-лигини ҳис қиламан.

— Сен, шундай сулув қизни, дейишни унутдинг-ку!— қўполлик билан бўлди унинг сўзини Мюйр.

— Ҳа-я, шундай сулув қиз, дейишим керагиди унинг фазилатларини санаганимда. Эндигина ўйноқлаб сакраш-

ни ўрганаётган буғу боласи овчи кўзига Мабель менинг кўзларимга дилбар кўринганчалик чиройли, жозибадор кўринолмайди. Тан оламан, у ҳақда орзу қиларканман, мен ниҳоятда шуҳратпараст ҳамда ўзига бино қўйган одамга айланиб қоламан.

— Хўш деганингдан, қимматли дўстим, ўзинг тўғрингда шундай деб ўйлар экансан, табиятан камтарину камсўқум одам бўлганимдан сенга шу нарсани айтиб қўйишим керакки, эски қадрдон ва сафдошинг сифатида...

— Квартирмейстер, — деди йўл бошловчи унинг бетига тик боқиб, — сиз билан қалъа девори ортида кўп, лекин ўрмон ёки душман билан бўлган жангларда камданкам учрашганмиз.

— Гарнизондами ёки чодирдами — буни фарқи йўқ, Изқувар, бунинг устига вазифам аксар ҳолда анжом-аслаҳа ҳамда озуқа омборларидан унчалик узоқлашиб кетмаслигимни талаб этади; бундан ниҳоятда афсусланишимни ўзинг тасаввур этишинг мумкин, зотан сенинг кўксингда ҳам жанговарлик ғайрати жўш уриб, алангаланиб туради. Аммо Мабелнинг ҳозиргина менга сен тўғрингда нималар деганини эшитганингда борми, унда ўша заҳотиёқ бу беҳаё ва шаллақи қизга ёқиш ниятидан қайтган бўларминдиг балки!

Изқувар квартирмейстерга диққат-ла тикилди. Мабелнинг ўзи ҳақидаги фикрини билишга қизиқмаслиги мумкин эмасди, бироқ оқкўнгил овчи қиммат юзасидан бу тўғрида сўраб-суриштириб ўтирмади. У жим эди. Мюйрга Изқуварнинг босиқлиги қўл келмасди: квартирмейстер Изқуварнинг дўлворлигию очиқкўнгиллигидан фойдаланишга аҳд қилиб, бир зарба билан рақибидан қутулмоқчи эди. Йўл бошловчининг камтарлиги қизиқсиниш ҳиссидан устун келганини пайқаган Мюйр яна тилга кирди:

— Унинг ўзинг тўғрингдаги фикрини билишинг керак, зероки ҳар бир инсон дўстлари ва танишларининг ўзи тўғрисидаги фикрларини билиши зарур. Шундай қилиб, унинг ўз оғзидан сенинг феъл-атворинг ва ҳис-туйғуларинг тўғрисида мана нималарни эшитдим... Қулоқ сол, унинг менга айтган бутун гапларини бир неча оғизгина сўз билан тушунтириб беришга ҳаракат қиламан. Ўзинг биласан, агарда у бировни ачитиб узиб олмоқчи бўлса кўзлари ниҳоятда айёрона ва қаҳрли тикилади...

— Унинг кўзлари менга доимо иболи ва жозибали кўринади, поручик Мюйр, рост, гоҳо бу кўзларнинг кулиб турганини ҳам кўрганман... ҳа, кулиб турганини, самимий, мулоим кулгини кўрганман.

— Ана шуни айтяпман-да. Унинг кўзлари гоётада бўлакча кулиб турарди, яна-тагин десанг, пақ очилиб-сочилиб турган пайтида гуллаб қолди оғзидан... Ишонаманки, сени ранжитиб қўймасман-а, Изқувар?

— Очиғи, билмадим, квартирмейстер... рости, билмадим. Мабелнинг яхши фикри бошқаларнинг фикридан чандон бора қимматлироқ мен учун.

— Ундай бўлса мен оғзимга сўк соламану ортиқ бир сўз ҳам айтмайман сенга. Ростдан ҳам бир одамга дўстларининг у тўғрисида айтган гапини, яна-тагин бу гапларни эшитиш ўша одамга ёқмаслигини билиб туриб етказишнинг нима кераги бор? Ундан кўра ортиқ чурқ этмай қўя қолганим яхши эмасми.

— Мен сизни айтинг деб мажбур қилолмайман, квартирмейстер; бунинг устига, Мабелнинг мен тўғримда қандай фикрдалигини билмай қўя қолганим тузукдир эҳтимол. Сизнинг шама-ишораларингиздан бунинг кўпдаям менга ёқадиган мақтов эмаслигини тушуниб олдим. Бадфеъл, қўпол, жоҳилу нодон бўлатуриб бахтиёр бўлиш мумкин... агарда ўзининг нуқсонларингни билмасанг, албатта; лекигин айниқсанги ана шу нуқсонларинг бўлмаслигини истаб турган бир пайтингда шундай камчиликларинг борлигини кўриш жудаям оғир.

— Тўсатдан мени бу ерда қолдириб чопиб кетган пайтида Мабель билан худди шу тўғрида тортишиб тургандим-да. Сен пайдо бўлишинг биланоқ дабдурустан югурганча жўнаб қолганини пайқадингми ўзинг?

— Ҳа, пайқадим буни,— деб жавоб қилди Изқувар чуқур хўрсиниб, гўё бармоқлари маъданни эзиб кукун қилиб юбормоқчидек, милтиғи оғзини жон-жаҳди ила гижимлаб.

— Пайқадим дегин? Бу нафақат пайқайдигангина, балки яққол кўриниб турган нарсайди. Бутун бошли сўзлуқни соатлаб тит-пит қилганинда ҳам бундан тўғрироғу яхшироқ сўзни тополмайсан. Хўш деганиндан, Изқувар, гарчи бу, эҳтимол, номаъқул бўлса ҳамки, сенинг қизиқсинишингни қондира қолай. Шуни сенга айтиб қўйишим керакки, бу танноз сенинг ёнингни олиб айтадиган эътирозларимни эшитгиси келмай зинғиллаганча қочди-ворди.

— Хўш, квартирмейстер, нималар деб ёнимни олмоқчи эдингиз?

— Турган гапки, дўстим, шароитга қараб иш кўрардим. Мабодо у сени қўпол, яримёввойига ўхшайди дейдиган бўлса, мен унга, бу умрини чегарада ўтказаетгани, ўрмонда яримёввойиларча кун кечирганидан, деб жавоб

қилардим-у, ҳамма эътирозлари шу билан пучга чиқарди-қўярди.

— Унга шундоқ дедингизми ҳали, квартирмейстер?

— Айнан шундоқ дедим деб онт ичолмайман; лекин Мабелнинг мен айтмоқчи бўлган гапнинг ҳатто ярмисини эшитишга ҳам сабри чидамай, гўёки сен ҳақингда қатъий бир қарорга келгандай, ортиқ ҳеч нимани эшитишни хоҳламай, ўз кўзинг билан кўрганингдай қочиб қолди. У қатъиян шундай қарорга келмаган бўлса эди деб қўрқиб турибман-да.

— Мен ўзим ҳам шундан чўчийман, кейин, отаси чиндан ҳам адашган-ов. Шундай, сержант қаттиқ янглишган!

— Э қўй, азизим, бас, хафа бўлишга арзийдиган гапми шу? Бошинг омон бўлса яхши гапларни кўп эшитасан ҳали. Қани, милтиғингни қўлга олгин-у, — ниҳоятда моҳирона ишлатасан-да уни, — ўрмонга йўл ол. Оламда ақалли бир нафас ғам чекиб, куйганингга арзийдиган хотин зотининг ўзи йўқ! Ўз тажрибамдан биламан буни. Икки марта уйланган одамга ишонавер, ҳа, гапимга ишон, хотинлар биз тасаввур қилганимиздан мутлақо бошқача. Ана энди, борди-ю Мабелдан чинакамига ўч олмоқчи бўлсанг, жуда қулай фурсати келди — рад қилинган қаллиқ учун бундан аъло фурсат бўлмайди.

— Э, Мабелдан ўч олишни хоби-хотиримга ҳам келтира олмасман!

— Вақти-соати билан албатта шунга мажбур бўласан бари бир: инсон табиатан шундай тузилганки, у доимо кўнгилсизликка кўнгилсизлик билан жавоб қайтаришни қўмсаб туради. Мана ҳозир, айнан шу аснода дўстларингнинг ўзингга бўлган мойиллигини янада орттирадиган ажойиб фурсат етилиб турибди, бу эса душманларни ҳасаддан куйиб кул бўлишга мажбур этадиган чоранинг нақ ўзгинасидир.

— Мабель — менинг душманим эмас, квартирмейстер, лекинг, башарти ҳатто ғанимим бўлгани тақдирда ҳам, унга заррача озор беришни истамаслигим тайин эди.

— Ростки тилингда шундай деяётган экансан, Изқувар, дилингда ҳам шу ўй бўлса кераг-ов; лекин ақл ва табиат сенга қарши, булар пировард-оқибатда ўз кучини кўрсатади ҳали. Манави: «Эгасини суйган итига суяк ташлар» деган мақолни эшитган бўлсанг керак. Хўш, бунинг тескарисини олганда-чи? «Эгасини суймаган итини қуварлар». Ўзинг биласан, бу ердаги ҳозирги вазият-аҳволимизнинг замини заифу хавотирли; бу ерда деярли арслон оғзига рўпара бўлиб турибмиз.

— Арслон деганда французларни, оғзи деганда ушбу оролчани назарда тутяписизми, квартирмейстер?

— Бу шунчаки истиора, азизим, сабабки, французлар — арслон, мазкур оролча эса унинг жағи эмас. Мен, ишқилиб у эшакнинг жағига айланиб қолмаса эди, деб чўчнйман, холос.

Шундай дея квартирмейстер, худди дўсти Лэнди ушбу оролни ўз ҳаракат жойи сифатида танлаб қанчалик ўйламай иш қилганини намойиш этишни истаётгандек, овози борича хахолаб юборди.

— Соқчи қўйиш учун бундан зўрроқ жойни топиш қийин, — деди Изқувар манзара-кўринишнинг фазилату ус-тунликлари қадрини билгувчи билимдон қиёфасида атрофга назар ташларкан.

— Мен буни инкор этмайман, ҳа-ҳа, мутлақо инкор қилмайман. Майда, арзимас ишларда Лэнди тенги йўқ буюк одам, кейин, отаси ҳам худди шу маънодаги буюк лорд эди. Мен уларнинг амлокида туғилганман ва майор билан узоқ вақтларгача доимо бирга бўлганимдан жамики сўзларию қилиқ-қилмишларига ҳурмат-ла қарашга ўрганиб кетганман. Агар билсанг, менинг заиф томоним бу, Изқувар! Шундай қилиб, мен сенга айтсам, соқчихона учун бу жойни ё эшак танлаган, ёки донишмандлар донишманди Сулаймон — ундай деб ўйласа ҳам, бундай деб ўйласа ҳам бўлади; лекин ушбу қароргоҳ муваффақиятсиз танлангани Лэндининг барча эҳтиёткорлигию буйруқларидан кўрииб турибди. Минг Оролнинг қаёғига қарама, бутун ўрмонда ёввойилар изғиб юрибди; улар худди мана шу ерни излашяпти, Лэндининг шахсан ўзи аниқ маълумот олибди. Баски шундоқ экан, агарда уларнинг изини топиб, адаштириб юборолсанг эллик бешинчи полкка беқиёс хизмат қилган бўлардинг-да. Бахтга қарши, сержант Дунгам ҳамма фалокат анави ёқдан — дарёнинг юқорисидан келади, негаки Фронтенак биздан юқорида деган гапга зулукдай ёпишиб олган; тажриба бизга кўрсатишича эса ҳиндулар ҳамиша сира кутмаган томонингда пайдо бўлиб қолишади; бинобарин, уларни қарама-қарши ёқдан пойламоқлик лозим. Қуролингни олгин-у, бизни ўша томондан хавф-хатар бўлиш-бўлмаслигидан хабардор қилиш учун оқим бўйлаб оролларни оралаб ўшоққа бориб кўр. Агарда қуруқликдан, айниқсанги Йорк олдаги соҳилдан бир неча миль юриб борсанг, унда бизга келтирадиган маълумотинг янаям аниқ-пухта, аини пайтда янаям муҳимроқ бўлади.

— Улкан Илон пойлоқчилик қилиб юрибди уёқда; соқ-

чixonани жудаям яхши биледи у, борди-ю ўша томонларда бирон режа қурилайтган бўлса ўз вақтида хабар беради.

— Лекин у ҳинду-ку, бу иш эса оқ танли одамнинг маҳоратини талаб этади. Ана шу кичкинагина топшириқни виждонан адо қиладиган одамдан гојтда миннатдор бўлади. Лэнди. Очигини айтганда, азизим, ҳеч қачон бунга муваффақ бўлолмаслигига ўзининг ҳам ақли етади. Лекин уям худди кекса лорд — чўлпон юлдузидай аниқравшан кўриниб турган хатосини ўлақолса тан олмайдиган отасидай қайсар.

Квартирмейстер Изқуварни дарҳол оролни ташлаб кетишга кўндиришни давом эттирди; бу борада поручик турли-туман, гоҳо қарама-қарши далилу исботларни ишлатди. Шунчалик соддау ишонувчанлигига қарамай, Изқувар поручикнинг мулоҳазалари нақадар асосsizлигини фаҳмлади; бироқ Мюјрнинг рақибдан қутулиш ниятидагина уни узоқлаштиришга ҳаракат қилайтгани хаёлининг кўчасига ҳам келмади. Узоқ суҳбатдан сўнг улар кўнгилларида бир-бировларига нисбатан ишончsizлик ила ажралишдилар.

Орадан бир муддат фурсат ўтгач сержант билан квартирмейстер ўртасида бўлиб ўтган кенгашнинг натижаси анча жиддий оқибатларга олиб келди. Аскарларга қандайдир махфий буйруқлар берилди, ҳарбий хатти-ҳаракатлардан хабари бор одам аллақандайдир сафар тадориги кўрилайтганини шу замоноқ англаб олиши тайин эди. Қуёш ботиши биланоқ бу пайтгача гўёки бандаргоҳ деб аталмиш ерда банд бўлган сержант ўз кулбасига қайтди. Кап билан Изқувар унинг ёнида эди. Дунгам кечлик дастурхон устида одатдаги ўрнини эгаллагач, Мабелга қараб деди:

— Қизим, кечлик таомни қандай ташкил қилганингга қараганда, кўриниб турибдики, бу ерда ҳам қўл қовуштириб ўтирадиган эмассан. Вақти-соати келганда, ишонманки, душман билан бетма-бет рўпара бўлишни эплай оладиган одамлар зурриёди эканингни исботлайсан ҳали.

— Дадажон, сиз мендан Жанна д'Арк¹ ролини ўйнаб, аскарларингизни жангга бошлаб киришни талаб қилмасиз, албатта?

¹ Жанна д'Арк (1412—1431) — деҳқон қизи, Юз йиллик уруш даврида француз деҳқонларининг босқинчи инглизларга қарши курашида фаол қатнашган. Қамалдаги Орлеанни озод қилган отряд лашкарбошиси бўлган. Инглизлар қўлига тушиб қолиб, диний суд ҳукми билан шаккок ва жодугар сифатида ўтда куйдирилган.

— Кимни ўйнаб дединг, қизим?.. Кимни айтаётганини сен билмайсанми мабодо, Изқувар?

— Йўқ, сержант! Лекигни нимаси борақан буни? Уша исм-писим билан нима ишим бор экан мени! Мен бир омий, тарбия кўрмаган нарсаман, Мабелнинг овозини эшитишнинг ўзини олам-жаҳон ҳузуру лаззат бераверади менга.

— Мен биламан, - ишонч билан деди Кап,— бу охириги уруш пайтида талай ўлжани қўлга киритган морлак қароқчи кемасининг номи.

Мабель ўз шамаси отаси билан тоғасининг тарих борасидаги билими даражасига нисбатан қанчалик ноўғин бўлганини кўриб қизариб кетди-ю, бироқ Изқуварнинг самимий ҳамда жўнгина гапини эшитганида ҳатто тишини оқини кўсатишни ҳам эп кўрмади ўзига.

— Сиз, дадажон, бу билан мени, аскарлар сафига туриб, оролни ҳимоя қилишда уларга ёрдам бер, демоқчи эмасдирсиз эҳтимол?

— Нима қипти! Аёллар дунёнинг бу қисмида бот-бот ана шунақанги жасорат кўрсатиб туришган. Буни дўстимиз Изқувар исботлаб бериши мумкин сенга, қизалоғим! Эртага эрталаб турганингда мабодо биз бу ерда бўлмасак, тагин кўрқиб-нетиб юрмагин-а: сени огоҳлантириб қўйишим керак, бизлар кечаси йўлга чиқмоқчимиз.

— Сиз-а, дадажон? Мени Женни билан оролда ёлғиз қолдириб-а?

— Йўқ, ундаймас, қизалоғим, ҳарбий қонун-қондани унча-мунча биламан. Биз бу ерда поручик Мюйрни, оғам Кап, капрал Мак-Наб билан яна уч кишини қолдирамиз, улар биз йўқлигимизда гарнизонни ташкил қилишади. Женни сен билан бирга ана шу кулбада қолади, оғам Кап эса менинг жойимни эгаллайди.

— Мистер Мюйр-чи?— деб сўради Мабель деярли бехтиёр равишда.

— У сенга хушомад қилиб, кўнглингни овлаб юради, фақат бу нарса сени хушнуд этсагинна, Мабель; нега деганингда у кўнгли бўш, дарров севиб қоладиган йигитчада; ҳозиргача тўрт марта уйланган; хотинлари руҳи-хотирасини эъзозлашининг исботи учун поручик бешинчисини олиш ниятида.

— Квартирмейстер мени башарти одамнинг қалбини алам тиглари тилка-пора қилиб ҳайдаган бўлса, ўтмишнинг ана шу мудҳиш изларини йўқотиш учун уни молалаш лозим эканига ишонтиришга уринганди,— деб қўйди Изқувар соддалик билан.

— «Молалаш» ёки «ҳайдаш» — бунинг фарқи жуда

кам,— деди сержант истеҳзоли жилмайиб.— Лекигин, майли қўявер, Мабелга миясига келганини валдирайверсин, ана ўшанда ахийри хушомадлари оҳори тўкилиб, миси чиқади-қолади. Менинг қизим поручик Мюйрга тегмаслигини жуда яхши биламан.

Бу шундай бир овозда айтилган эдики, сержант қизини ўла қолса квартирмейстерга беришга рози бўлмаслигини очиқ-ойдин кўрсатиб турарди. Мабель сўлиш олди, туси олланди, хиёлгина жилмайди ва кўнгли беҳузур бўлаётганини сезди; аммо бор кучини тўплаб, ҳаяжонини яширган кўйи, шўхчан деди:

— Лекин, дадажон, олдин мистер Мюйрнинг менга турмуш йўлдоши бўлиш истагини ёки, аниқроғи, менга, яъни сизнинг қизингизга уйланиш истагини изҳор этишини кутишингиз керакка ўхшайди назаримда, йўқса, узум ҳали ғўра экан, деган масалга ўхшаб қолмасин тагин!

— Қанақанги масал бўлди бу?— сўради Изқувар.— Жуда қойиллатиб гапирасиз-да ўзиям, келинг, айтиб беринг бизга ўша масални; ўйлайманки, сержант ҳам ҳеч қачон эшитмаган уни.

Шунда Мабель ҳаммага маълум «Тулки ва узум» ҳақидаги масални чиройли қилиб айтиб берди, Изқувар ҳикоя давомида қиздан кўзини узмади: овчининг мамнунликдан оғзи қулоғига етиб, чеҳраси яшнаб кетганди.

— Нақ тулкининг гапини ўзгинаси бу!— хитоб қилди у.— Иннайкейин, мингнинг тилиям худди шундай, сабабки, ҳар иккаласининг ўхшаш томони бисёр: икковлариям бир хилда доғули ва айёр. Узумга келганда эса бу ўлкада, ҳатто унга қўли етадиганлар учун ҳам, умуман нордону ғўради. Уйлайманки, мингларга менинг бош терим жудаям хом, ғўра бўлиб туюлса керак-ов!

— Узум пишмаган, ҳали ғўра экан, деб биз эмас, балки мистер Мюйр зорланиши мумкин, болагинам. Ахир сен, Мабель, турган гапки, ҳеч қачон бу одамга тегишга кўнмасанг керак?

— Мабел-а!— нидо солди Кап.— Йўқ-йўқ, асло! Уша афанди, боз устига чинакам ҳарбий бўлмаган... чала аскарваччага-я!

— Дадажон... тоғажон, мен ҳеч кимга тегмоқчи эмасман. Келинлар, агар майли десанглар, яхшиси биронта бошқа нарсадан гаплаша қолайлик; борди-ю мен турмушга чиқишни ўйлаганим тақдирда ҳам, бари бир тўртта хотинни кўрган одамни танламаган бўлардим.

Сержант: «Кўряпсанми, ишларимиз қандай кетаётганини?» деган маънода Изқуварга қараб бош ирғаб қўйди.

да, сўнгра қизининг хоҳишига биноан суҳбат мавзуини ўзгартирди.

— На сенда, на Мабелда оролда қоладиган бу кичкинагина гарнизон устидан заррача ҳақ-ҳокимият бўлади, оғам Кап,— деди у,— лекин маслаҳат беришларинг ва катта таъсир кўрсатишларинг мумкин. Мен йўғинда капрал Мак-Наб бошлиқ бўлиб қолади. Тагин бу ерда ҳеч қандай фармонбардорлик қилишга ҳақ-ҳуқуқи йўқ, бу ерга фақат кўнгилли сифатида келган, локин ўзидан унвони катта одам, яъники поручик Мюйрга меъеридан зиёд ён бериб, бўш келиб ўтирмаса эди деган ҳадикда капралда ўз обрў-эътиборига ишонч ҳамда ғурур туйғусини уйғотишга ҳаракат қилдим. Эҳтиёт бўл, капрални қўллаб-қувватла; борди-ю квартирмейстер биз сафарда пайтимизда ҳокимиятни қўлига оливоладиган бўлсами, ўз-ўзидан равшанки, менга ҳам худди Мак-Набга буйруқ қилгандай фармойиш бергиси келиб қолади-я!

— Агарда Мабель сен йўғинда уни саёзликка ўтқазиб, дар қолдирадиган бўлса айниқсанги деявер, биродар Дунгам; илло, умид қиламанки, сержант, сувда нимаки бўлса — барини каминанинг изми-ихтиёрига қолдирарсан... Энг расвойи радди бало тўполону бошбошдоқчиликлар фельдмаршал билан адмиралнинг жанжалу низолари оқибатида келиб чиқади.

— Умуман, оға, капрал бош бўлиб қолади. Бу ердан мабодо жўнашга тўғри келгудек бўлиб қолса, ҳар эҳтимолга қарши сизларга битта бот¹ ташлаб кетаман. Капралга келганда эса, уни яхши биламан: у оқкўнгил ва жасур жангчи, агарда ромли қадаҳдан «ажрата» олинса, бе-малол ишонса бўладиган одам. Фақат бир нарсани, унинг шотланд эканию шу сабабдан ҳам осонгина квартирмейстернинг таъсирига тушиб қолиши мумкин эканлигини унутманглар. Мабель икковинглар ҳушёр бўлинглар.

— Нимага энди бизни бу ерга ташлаб кетмоқчисиз ўзи, дада? Мен буёққа сиздан ажралмаслик учун келганман-ку, ахир. Сиз билан бирга борсам нима қилади?

— Баракалла, Мабель, азамат қизим, сен ҳақиқий Дунгамсан! Локигин, ҳар ҳолда, шу ерда қолишинг керак. Бизлар эртага саҳарда бандаргоҳдан чиқиб кетаётганимизни биронта шумшук кўз кўрмасин учун тонг ёришмасидан оролдан жўнаймиз. Иккита катта ботда йўлга чиқамиз, сизларга эса учинчисини, қайиқчаси билан қолдирамиз. Биз французлар «сайр» қиладиган ирмоққа кира-

¹ Бот — кичик кема; катта қайиқ.

миз. Уша ёқда, эҳтимолки, бирор ҳафтача бўлиб, уларнинг Фронтенакка, ҳиндуларга турли буюму аслаҳалар ташийдиган кемалари йўлини пойлаймиз.

— Айт-чи, биродар, қўлингда ҳамма тегишли қоғозлар борми ўзи?— деб сўради Кап безовта бир қиёфада.— Шу нарсани билиб қўйишинг керакки, башарти қўлида ҳарбий кемадан талаб қилинадиган тегишли ҳужжат ёхуд лоақал оддийгина соқчилик қилиш гувоҳномаси бўлмаса, очиқ денгизда бирор кемани қўлга олиш денгиз талончилиги деб ҳисобланади.

— Камина ўз полковнигим фармойиши билан мазкур вазифага тайинланиш шарафига мушаррафман ва эллик бешинчи полкнинг катта сержантидирман!— дея жавоб қилди сержант обрў сақлаб.— Ҳатто француз қироли учун ҳам шунинг ўзи кифоя. Бундан ташқари, қўлимда майор Дунканнинг ёзма буйруғи ҳам бор.

— Илло соқчилик қилиш ҳуқуқини берадиган қоғоз йўқми?

— Ихтиёримда бори мен учун етарли, оға. Уша мен айтган кемаларнинг қўлга туширилиши ва Освегога олиб борилиши ниҳоятда зарур ва ғоятда муҳим: уларга қурол-яроғ, аслаҳа-анжом — қисқаси, шундай нарсалар юкланганки, французлар бу нарсалар ёрдамида ўз ёввойи иттифоқчиларини ёвзона ишларни бажаришга мажбур этадилар. Ана ўша аслаҳа-анжомларни қўлга тушириш билан биз уларнинг режа-ниятларини чиппакка чиқарамиз, вақтдан ютамиз, негаки улар кузнинг охирларигача янги аслаҳа-анжом ололмайдилар.

— Дадажон, инглиз қиролиям ҳиндулардан фойдаланадими?— деб сўради Мабель қизиқсиниб.

— Ҳа, албатта, унинг ҳам ҳаққи-ҳуқуқи бор бунга. Локин қизил танлиларни ким — инглизларми ёки французларми — ишга солишида катта тафовут бор. Бу ҳар кимга ҳам аён нарса.

— Лекин мен, дадажон, ерликларни ёвузлик қилишга инглизлар бошлайдими, французларми, ҳеч қандай фарқини кўрмаяпман. Буниси бари бир эмасми, ахир?

— Беҳад фарқи бор, қизгинам! Биринчидан, инглизлар инсонпарвар ва довжорак, французлар бўлса бешафқат ва кўрқоқдирлар.

— Бунинг ёнига яна қўшиб қўй, биродар: агарда иложи бўлса улар тонг саҳардан-қаро тунгача ўйин тушишдан ҳам тоймасдилар.

— Мутлақо ҳақ гап,— дея сержант жиддиёна тасдиқлади бу гапни.

— Бари бир тушунмаяпман, дадажон! Агар французлар ҳиндуларга ҳақ тўлаб, душманларига қарши курашга солиб ёмон иш қилаётган бўлсалар, унда бу инглизларга ҳам шараф келтирмайди-ку, ахир. Сиз нима деб ўйлайсиз, Изқувар?

— Бу тўғри, мутлақо ҳақ гап. Мен ҳеч қачон биз ўзимиз қилаётган ишни французлар қилса айб санайдиганлар сифида бўлган эмасман. Айтгандай, делаварларга қараганда минглар билан иттифоқдош бўлган минг карра ёмонроқ. Агарда бу олиҳиммат, мард қабила қирилиб би-таёзмаганида борми, уларни душманларимизга қарши курашга отлантиришни жиноят ҳисобламаган бўлардим мен.

— Аммо улар кексаю ёшни, аёлу болаларни ўлдириб, бош териларини шиби кетишади-ку!

— Уларнинг табиати ўзи шунақа, Мабель, шу боисдан ҳам ушбу қилмишлари учун қораламаслик керак. Гарчи турли қабилалар турли йўлдан борса ҳамки, уларнинг табиати — табиатлигича, феъл-атвори феъл-атворлигича қолаверади. Мана мен, масалан, оқ танлиман, оқ танлиларнинг одату русумларига риоя қилишга ҳаракат қиламан.

— Ҳеч нимага тушунмадим, — жавоб қилди Мабель. — Менимча, қирол Георг учун қонуний ҳисобланган нарса қирол Людовик учун ҳам қонуний саналиши керак-ку...

Кечлик таомдан сўнг сержант ўз меҳмонлари билан хайрлашиб, қизи икковлари ёлғиз қолишди. Назарида, Мабелни охирги марта кўриб тургандай туюлаверди, қиз ҳеч қачон кўзига шу оқшомгидек барно кўринмаганди. Мабель отасининг меҳр-ла сўзлаётганини кўриб қувнаб кетди, зотан унинг жўшқин қалби аллақачонлардан бери ташна эди бу меҳрга, шуни қўмсарди у.

— Ойимнинг бўйи мен билан баравармиди? — деди Мабель отасининг қўлини қўллари орасига олиб, кўзларида ғилқ-ғилқ ёш-ла бетига тикиларкан. — Назаримда, у мендан баландроқ бўлганга ўхшайди.

— Болаларга доим шундай туюлади, Мабель. Ота-онага ҳурмат билан қараш одати болалар кўзига уларни катта қилиб кўрсатади. Онангнинг бўйи сеники билан баравар эди.

— Кўзлари қанақа эди, дадажон?

— Унинг кўзлари мовий, мулойим боқувчи, худди сеникига ўхшаган (сенинг кўзларинг кўпроқ шўхчан ва қувноқ бўлса ҳамки) чиройли эди, жигарғўшам.

— Шу сафарингизда ўзингизни эҳтиёт қилмасангиз бу кўзлардаги қувноқлик бир умрга ўчади-я, дадажон.

— Раҳмат сенга, Мабель, ҳм... раҳмат сенга, болаги-

нам, локин мен ўз бурчимни адо этишим лозим. Менинг нииятим, жўнаб кетишингдан олдин Освегода жойлашиб, шу ерда турмушга чиқишингни кўрсам дегандим. Ушанда кўнглим анча хотиржам тортарди.

— Турмушга чиқсам? Кимга тегаман ахир, дадажон?

— Сенинг ёстиқдошинг ўрнида кўришни истаган одамимни биласан. Албатта, бошқасини, ундан ақллироқ, анчагина олифтароғини топишинг мумкин, локин биронта ҳам бунақанги оқкўнгил, одамохун, бунақанги зукко, эси бутун одамни тополмайсан, жигарбандим.

— Биронтаям-а, дадажон?

— Бўлак биронтасини билмайман мен. Бу жиҳатдан, ақлли Изқуварга тенг келадигани йўқ.

— Нима, албатта турмушга чиқишим шартми? Мана сиз, дадажон, ёлғизсиз, шуни-чун бу ерда қолиб, иссиқ-совуғингиз, ётар-турарингиздан хабардор бўлсам дейман.

— Биладан, худди шундоқ қилардинг ҳам, Мабель, бундай меҳрибончилигингни қоралаб, таъна-маломат ҳам қилмоқчимасман: бу мутлақо табиий. Локигин дунёда бундан кўраям табиийроқ туйғулар ҳам бор-да.

— Ота-онага ҳурмат туйғусидан яхшироқ нима бўлиши мумкин жаҳонда?

— Эрга муҳаббат.

— Ахир, менинг эрим йўқ-ку!

— Унда тезроқ турмушга чиққин! Менинг умрим абадиймас-ку, Мабель: табиат ёки уруш тез орада нуқта қўйиб қолар дейман унга. Сен ёшсан, узоқ умр кўрасан, шундоқ экан, ўзинг менга қанчалик парвона бўлаётган бўлсанг, сени ҳам ўшанчалик асраб-авайлайдиган, ғамингни ейдиган ҳомий керак.

— Наҳотки сиз, дадажон,— деди Мабель муғамбирона жилмайиб, жажжи қўллари билан отасининг пайдор бармоқларини ўйнаганча,— наҳотсиз сиз фақат Изқуварни, ёлғиз ўшанигина менга эр бўла олади деб ўйлайсиз? Ахир у сиздан атиги ўн ёки ўн икки ёш кичик, холос-ку.

— Нима қипти! У тийиқ ҳамда серҳаракат турмуш кечирган. Ундан бўлак ким ҳам паноҳ бўла оларди сенга?

Мабель кимни айтишини билмасди, сабабки, гарчи дилида милтиллаган умид ва истак учқунлари бўлса-да, бошқа ҳеч ким «менга тег» демаганди унга.

— Ахир биз Изқувар тўғрисида гаплашяпмиз-ку,— дея жавоб берди қиз гапни чалғитиб.— Сал ёшроқ бўлганида кўникиб, балки ўрганиб кетармидим.

— Сенга айтяпман-ку, гап ёшда эмас, куч-қувват ва соғломликда деб. Агар шу нарса ҳисобга олинадиган бўл-

са, ишонавер, ёш офицерларимизнинг кўпига қараганда ёшроқ у.

— Албатта, поручик Мюйрдан ёш-а!— Мабель юраги ниҳоятда ғаш тортиб турганига қарамай шўхчан кулди.

— Кўринишда Изқувар унинг набираси қатори кўринадику-я, локин, бундан ташқари, асли ёши жиҳатдан ҳам ундан анча кичик. Мабель (лоақал токи офицернинг қизи бўлганингча), сени офицер хотини бўлишдан яратганинг ўзи асрасин илоё!

— Борди-ю Изқуварга теккудай бўлсам, аниқ гапки, ҳеч қачон офицернинг хотини бўлолмайман-а, дадажон,— деди Мабель сержантга айёрона кўз қирини ташлаганча.

— Қирол хизматида унинг мансабу унвони йўқ, локин у ўз хизмати жабҳасида биринчи. Агарда унга текканингни кўрсам бахтиёр бўлиб, бемалол оёқ узатардим.

— Дадажон!

— Қизингни ҳимоячисиз қолдириб кетаётганингни ўйласанг юрагингни ғам-андух юки босиб, жангга киришга сира кўнглинг чолиб, оёғинг тортмас экан!

— Кошки эди дардингизни олиб, ғаш кўнглингизни енгиллата олсам, дадажон!

— Қўлингдан келади шундай қилсанг,— деди сержант, қизига меҳри ийиб тикилган кўйи,— локин менинг юрагингдаги ғам-андух сенинг қалбингга кўчишини истамайман.

Бу гапни у жиддий, титроқ товуш билан гапирди. Қизи ондида ўз меҳрини сира бунчалик ошкора намоён этмаганиди у. Одатдаги вазмину жиддий чеҳрасида қалбий ҳаяжон акс этиб турар, юзи ҳеч қачон бундайин жозибадор бўлмаганди. Қизининг юрагида отасини тинчлантириш истаги бамисоли аланга олганди.

— Дадажон, айтинг, нима қилишим керак?— нидо солиди қиз ҳаяжон исканжасида.

— Йўқ, Мабель, бу адолатсизлик бўлурди: сенинг истак-хоҳишинг меникига мос тушмаслиги мумкин.

— Менда ҳеч қандай истак-хоҳиш йўқ, шуни-чун нима демоқчилигингизни билолмаяпман. Менинг келажакда турмуш қуришим ҳақида гапиряписизми ўзи?

— Башарти сени Изқуварнинг қаллиғи ўрнида кўрсам, башарти сен унинг ёстиқдоши бўлишингни аниқ билсам, сизматим қандай кечишдан қатъи назар, назаримда, хо-биржамгина жон таслим қиладигандекман. Локин сендан нима қанақанги ваъда беришни талаб қилмайман, қароғим, сени мажбур этишни истамайман, кейин пушмон ейшинг-

ни хоҳламайман. Мени ўпгин-у, кейин бориб ёта қол, Ма-
бель.

Мабодо сержант Дунгам Мабелдан ўзи ич-ичида шун-
чалар истаб тургани — ваъда беришни қатъийроқ талаб
қилган тақдирида қаттиқ қаршиликка учраши аниқ эди,
ана унда қизини унатиши амримаҳолиди. Аммо қизининг
ўзига қўйиб бериб, у хийла оқилона йўл тутганди. Меҳри
дарё Мабель дағдаға-пўписага қараганда эркалаш, меҳ-
рибонликка тезроқ ён беражагини сезиб турарди. Айни
сонияда қиз ёлғиз отасинигина ўйлар, унга бўлган муҳаб-
бати — сержантнинг қаттиққўллиги, дағаллиги орқасида
совий бошлаган оташин муҳаббати яна янги куч-ла ала-
га олган эди. Эндиликда отаси унинг учун жону жаҳонни
бўлиб қолган, отасини деб ҳар қандай қурбон беришга ҳам
тайёр эди.

— Дадажон, — деди қиз, — сиз танлаган одамга текка-
ним бўлсин.

— Йўқ, Мабель, турмушга чиқадиган одамингни ўзинг
танлашинг керак.

— Кимни ҳам танлардим, Изкувар билан мистер Мюйр-
дан бошқа одам менга уйланиш истагини билдиргани йўқ-
ку, улардан қай бирини танлашда на сиз, на мен иккила-
намиз. Шундай, дадажон, агар сиз лозим топган экансиз,
Изкуварга текканим бўлсин.

— Мен кимни танлаганимни биласан, қизгинам: ёлғиз
Изкуваргина сени тўла бахтли қила олади.

— Нимаём дердим, борди-ю у ҳануз менга уйланиш ния-
тида бўлса, майли, қўлимни сўрай қолсин... Сиз Изкувар-
га бундай таклифни қизингизнинг ўзи ёки унинг номидан
бошқа бирор кимса айтишини истамасангиз керак... Йўқ,
керакмас, унга бошқа бировнинг айтишининг ҳожати йўқ.
Лекин унга айтган гапларимдан кейин ҳам менга уйлан-
моқчи бўлса — уники бўлишга тайёрман.

— Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин, жигаргўшам,
итоатгўй фарзанд сифатида ўзи яллақасин сени.

— Хотиржам бўлинг, дадажон, сафарга беташвишу бе-
малол кетаверинг. Энди мендан ташвиш тортмасангиз ҳам
бўлади. Кўкламда, дадажон... ҳозирча озроқ фурсат бер-
сангиз-у... лекин кўкламда, — агар у ҳамон шундай бўли-
шини хоҳласа, — Изкуварга тегаман.

— Мабель мен онангни қанчалик яхши кўрган бўлсам,
у сени ўшанчалик севади. Сенда қанчалик кўнгли борли-
гини айтаётганида худди ёш боладек йиғлади-да ўзиям.

— Ишонаман, мен тўғримда аслида ўзим арзиганим-
дан чандон бора яхшироқ фикрда эканига ишонч ҳосил

қилдим, иннайкейин, ҳеч кимни (ҳатто сиз ҳам истисно эмассиз бундан) Изқуварчалик ҳурмат қилмайман, дадажон.

— Шундоқ бўлиши керак-да ўзи, қизалоғим! Изқуварга шу гапни айтсам бўладими?

— Яхшиси, унга ҳеч нима демаганингиз маъқул, дадажон! Қўяверинг, ҳаммаси ўз мароми билан бораверсин.

Мабель шу сўзларни айтаркан, чеҳраси гул-гул яшнаб кетди. Отасининг наздида бу қувонч жилвасидек туюлди, аммо унинг ўрнида қалб кечмишию ҳолатларини тузукроқ ажрата оладиган одам бўлганида мазкур жилмайишда қандайдир галати жиҳат ва зўрма-зўракилик мавжуд эканини пайқаши тайин эди.

— Қўяверинг, дадажон,— такрорлади қиз,— майли, ҳаммаси ўз мароми билан бораверсин; лекин мен сизга сўз бердим-а...

— Менга ортиқ ҳеч нима керакмас, Мабель! Энди ўлиб қўй мени. Сен итоатли, рисоладаги қизсан.

Мабель ўзини отасининг бағрига отди. Умри бино бўлиб биринчи маротаба шундай қилиши эди, шу боисдан ҳам у отасини қучоқлаб, ёш боладай юм-юм йиғларди. Кекса аскарнинг метин юраги юмшаб, отанинг кўз ёшлари қизининг ёшларига қўшилиб кетди. Бироқ сержант ўз ожизлигидан хижолат тортиб ўша замоноқ ўзини ўнглаб олди: у қизининг оғушидан халос бўлиб, ётгани жўнади. Мабель пиқиллаб йиғлаган кўйи каравоти турган бефайз бурчак сари йўл олди.

Шу гаплар бўлиб ўтганидан бир неча дақиқа ўтгач кулбада фақат кекса жангчининг баравж хурраги янграй бошлади.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Мабель уйғонганида офтоб анча баландлаб қолганди. У сакраб туриб, шоша-пиша кийинди-ю, эрталабки сарин хаводан тўйиб нафас олгани ташқарига отилди.

Қиз ушбу янги жойнинг ўзгача гўзаллигию ажиб бир кимсасизлигидан лол қолди.

Ажойиб куз куни эди.

Орол унинг кўзига бутунлай одам қадами етмаган ердек кўринди. Келиб тушган кечаларида бундай ҳолларда муқаррар содир бўлгувчи тўс-тўполон орол қиёфасига бир қадар ҳаёт қайнаётгандек тус берганди, ҳозир эса ҳам-

маёқ сув қуйгандек жимжит эди, Мабель атрофга узоқ тикилиб, одамзод боласи қорасини кўрмади.

Ниҳоят гулхан ёнида тўпланган ўз ҳамроҳларига кўзи тушди. Бутунлай ёлғиз қолибман деган ҳис васвасасида дилига қутқу солган беихтиёрый кўрқув тоғасига кўзи тушгани ондаёқ бутунлай тарқади-кетди. Қиз нотанишу ғаройиб табиат манзарасини қизиқсиниш-ла кузатишни давом эттирди. Гулхан теграсида Капдан ташқари квартирмейстер, капрал, уч жангчи ва нонушталик ҳозирлигини кўраётган аёл ўтиришарди. Кулбалар бўм-бўш ва жимжит эди; истеҳкомнинг кузатув минорачаси (пастаккина бўлса-да) белигача ўраб-чирмаб турган буталар орасида улкан минорадек кўринарди.

Мабель ҳамманинг нонуштадек муҳим юмуш билан бандлигини кўриб, ҳеч кимга сездирмайгина соҳилга ўтиб борди, бу ерда уни дов-дарахту буталар киши кўзидан яшириб турарди. Қиз пастга солиниб-солланиб турган шох-шаббаларни нари-бери сурганча нақ сув ёқасига бориб, шу ерда тўхтади-да, чоғроқ-чоғроқ тўлқинларнинг қандай бостириб келиши, қирғоққа етиб-етмай яна орқага қайтишига тикилиб қолди. Атрофни қуршаган оролларни кўздан кечираркан, қиз шу пайтгача бундан сўлимроқ манзарани кўрмаганини ўйлади.

Бироқ Мабель баногоҳ кўрқиб кетди: қарама-қарши орол соҳилини қоплаб олган буталар орасида одам шарпаси кўрингандек бўлди кўзига. Ҳар икки соҳил эралиги юз ярдга ҳам бормасди. Мабель кўзи алдамаганига амин эди. Борди-ю бирор ирокез кўриб қолса ўзини ўқдан ҳеч нима ҳимоя қилолмаслигини англаган қиз буталар панасига яширинишга уриниб, қарши соҳилдан кўзини узмаган ҳолда, беихтиёр орқага тисарилди. Бир неча дақиқа беҳуда кутгач, қиз ўз шубҳа-гумонларини етказмоқ учун энди тоғаси ёнига қайтишга чоғланган ҳам эдики, тўсатдан қарши соҳилдаги бута узра дўстлик аломати сифатида кўзга кўринмас қўл силкиётган зирк шохчасини кўриб қолди.

Чегарадаги уруш таомилидан беҳабар Мабель учун бу таҳликали онлар эди. Қиз шу топда дадил бўлиш, эҳтиёткорлик ҳамда тадбиркорлик ила иш тутиш лозимлигини-гина тушунарди, холос.

Мабелнинг хаёлидан шу топда ўзи сержант Дунгамнинг отасига муносиб қизи эканини намоён этиши зарур бўлган дақиқа келгани ҳақдаги фикр кечар экан, бу ўй қизнинг жасоратига жасорат қўшди. Қарши соҳилдан берилаётган ишора-аломат наздида дўстона туюлди-ю, бир

нафаслик иккиланишдан сўнг битта шохчани синдириб олиб, у ҳам жавобан силкий бошлади.

Ушбу сас-садосиз суҳбат бир неча дақиқа давом этди. Тўйқусдан Мабель аста барглар ораси очилганини кўрди ва қаршисида бировнинг гавдаси пайдо бўлди. Бу қизил танли аёл эди. Мабель унга тикилиб қараб, Саратон Шабнами — Ароухеднинг хотинини таниди. Саёҳатлари пайтида, икқовлари бирга эканликларида Мабель ҳинду жувон ўз эрини севишини, унга ширин-мулойим муомала қилиши, чурқ этмай итоат этишию эрининг ҳурматини ўрнига қўйишини пайқаган эди. Бир гал Мабелнинг назарида тускарор ўзига одатдагидан кўра тикилиброқ қарагандек туюлганди; ана ўшанда хотинининг чеҳрасида ўкинч ва рашк аломатлари акс этганди. Бироқ Мабель ҳинду жувонга беихтиёр етказган кўнгилсизлигини ўзининг зийраклигу илтифот-ла кўрсатган беҳад яхши муомаласи билан ювиб юборган эди. Саратон шабнами ҳам худди шундай яхши муносабатда бўлгандек кўринганди у билан, қисқаси, икковимиз дўст бўлиб ажралишдик, деб ўйлаганди қиз.

Ароухеднинг хотини ўзига нисбатан шу қадар ишонч уйғотган эдики, Мабель унинг қўққисдан пайдо бўлиб қолганидан заррача шубҳага бормади ва ҳозироқ ҳинду жувон билан сўзлашишга жазм этди. У сира иккиланмай буталар орасидан чиқаркан, Саратон Шабнами ҳам ўз панагоҳидан чиқиб қелганини кўриб қувониб кетди.

Мабель ҳинду жувонга яқинроқ кел деган маънода ишора берди, сабабки, ўзининг бундай қилишга иложи йўқ эди.

Саратон Шабнами бирон дақиқача йўқолиб кетиб, яна пайдо бўлди, аммо бу гал у ярмигача буталар орасидан чиқиб қолган қайиқнинг тумшугида эди. Мабель жувондан яқинроқ сузиб келишни сўрашга чоғланган ҳам эдики, шу сонияда тоғасининг уни чақираётган баланд овозини эшитиб қолди. Мабель Саратон Шабнамига бекин дея ишора қилиб, овоз келган томонга қараб югурди ва ҳаммалари нонушталик билан банд эканликларини кўрди. Бутун борлиги ила тамаддига берилиб кетган Кап Мабелни чақиритиш учун дастурхондан аранг бош кўтарган эди. Саратон Шабнами билан учрашишнинг зап вақти экан-да, деган ўй кечди қизнинг хаёлидан. Мабель ҳозир нонушта қилгани иштаҳам йўқроқ, деган баҳонани рўқач қилиб, бояги жойига қайтди-да, ҳинду жувон билан суҳбат-музокарани қайтадан бошлади.

Саратон Шабнами Мабелнинг ишорасини дарҳол ту-

шунди; бир неча бор шарпа чиқармай эшкак эшилди-ю, қайиқ Соқчи ороли соҳилига етиб келди. Мабель ҳинду жувонин қўлидан ушлаб, ўрмондан ўз кулбаси сари бошланди; бахтларига кулба гулхан ёнидагилар кўролмайдиган ерга жойлашганди. Ҳеч зот пайқаманган аёллар кулбага киришди. Мабель Саратон Шабнамига бирпас ёлғиз ўзи қолишга тўғри келишини тушунтириб, ундан бемалол жойлашини ўтинди. Ҳинду жувон то ўзи чақирмагунича ташқарига чиқмаслигига ишонган қиз ҳамроҳлари қаторига қўшилиб, ўзини хотиржам кўрсатишга тиришди.

— Еттовлон бир кишини кутиб ўтирмайди, Мабель!— деди тоғаси унга қаттиқ қовурилганидан қотиб кетаёзган (чунки пазандалик санъати, гарчи масаллиқ доим аъло бўлса-да, бу ерда ҳали тетапоя ёшда эди-да) сёмга балиғи бўлаклари билан оғзини тўлғазаркан.— Шундай, еттовлон бир кишини кутмайди — бу ялқовларга таъсир қилишга мўлжалланган ажойиб қоида-тартиб.

— Ҳечам ялқовмасман-да, тоғажон, турганимга ва бутун оролимизни айланиб чиқиб бўлганимга бир соатдан ошиб бўлди аллақачон.

— Бунинг сиз учун ҳеч қанча қийин жойи йўқ эди, мисс Мабель,— деди Мюйр.— Орол катта эмас. Лэнди... Майор Дункан демоқчиман... бу оролни забт этиб ҳазрати олийларининг мулкларини кенгайтиргани йўқ. Даромад хусусида нақ машҳур Санчо¹ оролининг ўзгинасига ўхшаб кетади у... Шубҳам йўқки, мистер Кап, Санчо билан ошносиз; сиз, турган гапки, бекорчилик пайтларингизда унинг тарихини мутолаа қилган бўлсангиз керак.

— А-лаббай! Уша сиз айтаётган жойни биламан, квартирмейстер. Санчо ороли — яқинда пайдо бўлган маржон қоялардан иборат; тан оламан, қоронғи тун ва кучли бўрон пайтида унга тўқнаш келиш даҳшатли. Уша Санчо ороли норжил ёнғоғию какра суви билан шоён диққатга сазовордир.

— Озуқа бобида унчалик машҳур эмас у,— эътироз билдирди Мюйр, Мабелга ҳурмати юзасидан лабларига қўнаёзган табассумини тийиб,— у ернинг мева-чева, сабзавотлари бу ерниқидан яхши эмас. Менимча, мистер Кап, бу ердаги ҳарбий соқчилик марраси нобоп, кейин десангиз, эртами ё кечми, бу ерда фалокат рўй беришини кўнглим сезиб турибди.

— Умид қиламанки, мен жўнаб кетганимдан кейин,—

¹ Мюйр Дон-Кихотнинг яроқбардори Санчо Пансо ҳақида гапиряпти.

дея гап қўшди Мабель.— Менинг французчани ўрганиш ҳавасим йўқ сира.

— Ҳали ирокезчани ўрганишимизга тўғри келмаса гўр-га эди: Мен ушбу соқчилик марраси хусусида майор Дункан билан гаплашгандим, лекин у қайсарга бас келиб бўлсан. Мазкур сафарга мен, авваламбор, қўлимдан келганича сулув жиянингизнинг кўнглини хушлай, кейин унга бирон манфаатим тегар-деган мақсадда, қолаверса, душмандан қўлга тушириладиган озиқ-овқат ҳақда хабар етказиш ниятида қўшилганман, мистер Кап.

— Сиз ҳозирги аҳвол-шароитимизни шунчалик хатарли деб биласизми?— деб сўради Кап. Жавобни эса у шу қадар тоқатсизлик билан кутардики, ҳатто илвасин бўлагини чайнашни ҳам бас қилганди.— Наҳотки аҳволимиз шунчалик таҳликали бўлса?

— «Ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам деёлмайман. Уруш ҳамишаям хавфу хатар билан эгизакдир, баски, қўшинларнинг асосий қисмлари жойлашган ердагига қараганда олдинги марра хавфлироқ бўлади. Мабодо французлар бизни ғафлатда қолдиргудай бўлсалар, бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ.

— Илло, жин урсин, нима қилишимиз керак унда? Олти нафар эркагу икки аёл учун бунақанги жойни мудофаа қилиш ҳазил иш эмас. Ахир, французлар, шубҳасизки, бу ерга анча-мунчагина бўлиб келишса керак.

— Эҳтимол шундай бўлар... Бизнинг кучимиз бир тутамгина бўлгани сабабли оролни ҳарбий тактиканинг жамики тартиб-қоидаларига мувофиқ мудофаа қилишимизга тўғри келади. Авваламбор, душман аскар тушираётганида уни чалғитиб туриш учун қирғоққа бўлинма жўнатамиз. Шундан кейин етарлича жангини истеҳкомга юборамиз; французларнинг яқинлаб келаверишига қараб турли бўлинмалар худди ана ўша ёққа қараб чекинадилар. Шунингдек, истеҳком атрофида айланасига зовур қазиниш мумкин, негаки, агарда биз душмanning истеҳком деворига яқинлашишига йўл қўйиб берадиган бўлсак, жамики ҳарбий санъат қонун-қоидаларига бўйсунмаган бўламиз. Ғовтўсиқлар рақибларнинг отлиқ қўшини ҳамласини тўхтатиб қолади. Артиллерия масаласига келганда эса, гирди ҳандагу кўтарма-дамбали истеҳкомлар қуриш мумкин. Кучли отлиқ бўлинмалар қамал қилувчилар ҳаракатини тўхтатиб, ғанимларни қисти-бастига олиб катта наф келтирадилар, анави кулбалар эса, зовурлар билан иҳоталанган бўлганларида эди, жуда қулай марра вазифасини ўтардилар-да,

Кап ҳуштак чалиб юборди:

— Қойил-э, квартирмейстер! Илло, жин ургур, ўша режаларнингизни бажарадиган одамларни қаердан оласиз?

— Бу нарсаларнинг бари устида қирол бош қотириши лозим, мистер Кап. Ахир ўшанинг иши-ку бу; уруш олиб бораётган ўша, бинобарин, урушнинг оғирлигини ҳам ўзи кўтариши керак-да.

— Ахир биз бор-йўғи олти кишимиз-ку! Қойилмақом режани қаранг-а! Душманнинг қўшин туширишига тўсқинлик қилиш учун бемалол соҳилга бораверинг; Мабель бизга тили билан мадад беради; аскар хотини отлиқ қўшиннинг йўлини тўсиб, ғов-тўсиқ хизматини ўтайди; капрал зовур-ҳандақларга бошчилик қилади; манави учала жангчи бешта кулбага жойлашишади, камина бўлсалар истеҳкомга ўрнашаман. Оббо азамат поручиг-эй! Жуда қотириб ташладилар-ку тасвиру тавсифниям! Сиз аскар эмас, рассом бўлишингиз керак экан.— Шундай дея Кап тагин ҳуштак чалиб қўйди.

— Мен аслида қандоқ бўлиши лозим бўлса, ўшандоғича тасвирладим. Башарти ушбу режани амалга оширолмасак, у ҳолда бу менинг эмас, балки олий ҳазратлари министрларининг айбидир.

— Ҳалиги, борди-ю душман чиндан ҳам келиб қолса нима қиламиз?— деб сўради Мабель ўз навбатида, ўзи кулбада қолдириб келган ҳинду жувон ёдига тушиб.

— Менинг маслаҳатим, машҳур Ксенофонтдан ибрат олмоқлик керак, соҳибжамол Мабель...

— Чамамда сиз, агар шамангизга тушунган бўлсам, чекинишни назарда тутяпсиз шекилли?

— Эй соҳибжамол Мабель, сизга ато қилинган беқиёс ақлингиз нима демоқчи эканимни бағоят аниқ-равшан бовар этибди. Муҳтарам отангиз капралга французлар ҳужум қилиб қолганлари тақдирда оролни қандай мудофаа этиш борасида йўл-йўриқ кўрсатиб кетганлар. Аммо сержант фармойиш бераётиб ақл билан эмас, балки ўз юраги билан маслаҳат қурган. Башарти қалъа таслим бўлар экан, бунинг учун қалъани мудофаа қилган эмас, балки буйруқ берган жавобгардир. Мудофаачиларнинг мўлжал-аҳди қандай бўлганидаям, мен ҳар қалай токи французлар ва уларнинг иттифоқдошлари қўшин туширмасдан бу-

¹ Ксенофонт (эрамыздан аввалги 430—355 йиллар атрофи)— юнон тарихчиси; Кичик Кайхусравнинг Эрон шоҳи бўлмиш акаси Артаксеркс II га қарши олиб борган ўн минг кишилик юнон ёлланма кўшинлари сафарига иштирок этган ва уларнинг чекинишида раҳнамолик қилган; ана шу чекиниш ҳақида «Анабазис» китобини ёзган.



рун, олдинроқдан чекиниш чораларию имкониятларини кўриб-ҳозирлаб қўйишимиз даркор деб ўйлайман. Мен, мистер Кап, флотимиз адмиралига зарурат туғилиб қолди дегунча дарҳол оролни ташлаб кетишимиз учун ботни шай тутишни маслаҳат берардим. Каттагина ботнинг етарлича елканлари бор. Агар уни яқинроққа... масалан, анави буталар олдига келтириб қўйсак, истаган дақиқада сузишга тайёрмиз-да. Кўряпсизми, соҳибжамол Мабель, мана шу ер билан биз оролни забт этадиганлардан пинҳона жўнаб қолишимиз мумкин бўлган ирмоқ ораси эллик ярддан ошмайди.

— Эҳтимол ҳаммаси шундайдир, мистер Мюйр, лекин французлар худди ўша ёқдан келишлари ҳам мумкин-ку, ахир. Агар ўша жой чекинишга қулай бўлса, ҳужум қилиш учун ҳам худди ўшандай қулай-да.

— Улардан қаёқда бундай ақл чиқарди!— эътироз билдирди Мюйр, яширинча ҳамда безовталиқ ила ирмоқ томонга кўз қирини ташлаб қўяр экан.— Эҳтиётсиз одамлар улар... Ўша французларингизнинг ҳаммаси ҳавойи, енгил-так: улар доим таваккалига иш тутадилар, шундоқ экан, мабодо пайдо бўлганлари тақдирда ҳам, чамамда, оролнинг бошқа тарафидан келадилар-ов.

Аммо Мабель суҳбатнинг давомига деярли қулоқ солмасди. У довьюраклига ҳеч ким шубҳаланмаган поручик Мюйрнинг нега очиқчасига чекинишни маслаҳат бераётганидан ажабланаётганди холос, бу нарса қизнинг наздида икки карра жинояткорликдек туюлаётганди, чунки отасининг шаъни, ор-номуси орол мудофааси билан боғлиқ эди-да. Шундай бўлса-да, Мабелнинг хаёлини кўпроқ Саратон Шабнами банд этганди; дастлабки имконият туғилгани замоноқ қиз ўрнидан турди-ю, орадан бирор дақиқа ўтмаёқ ўз кулбасига етиб олди. Эшикни зичлаб ёпиб, шапалоқдеккина деразининг пардаси туширилганига қаноат ҳосил қилгач, Мабель Саратон Шабнамни, ёки одатда шунчаки атаганларидек, Шабнамни хонанинг ичкарисига бошларкан, унга имо-ишора ёрдамида ўз муҳаббати ҳамда ишончини изҳор этарди.

— Сени кўрганимдан хурсандман, Шабнам,— деди Мабель майин жилмайиб.— Сени кўрганимдан жудаям хурсандман! Лекин буёққа нимага келдинг, кейин, қандай қилиб топдинг бу оролни?

— Секинроқ гапир,— деди Шабнам табассумга табассум-ла жавоб қайтариб, Мабелнинг жажжи қўлларини ўзининг худди шундай кичкинагина, бироқ меҳнатда да-

галлашган қўлчалари ила сиқар экан,— шошилмай гапир, бўлмаса жуда тез сўзлаялсан.

Мабель ўз саволларини такрорлади.

— Шабнам — дўст,— жавоб қилди ҳинду жувон.

— Сенга чин дилдан ишонаман. Лекин бу нарсани буёққа келишингга нима алоқаси бор?

— Дўст дўстникига кўргани келади,— жавоб берди Шабнам жилмайиб.

— Биронга бошқа сабаби борга ўхшайди, Шабнам, йўқса бунақанги хавфли ишга, яна бир ўзинг журъат этмаган бўлардинг. Бир ўзинг келгансан-ку, тўғриямасми?

— Шабнам ёнингда, бошқа ҳеч ким йўқ. Шабнам қаёқда бир ўзи келди...

— О, бунга ишонаман, чиппа-чин ишонаман! Ахир сен мени тутиб беришни хоҳламайсан-ку, а, Шабнам?

— Нимани тутиб беради?

— Сен менга хиёнат қилишни, мени французларга... ирокезларга... Ароухедга тутиб беришни хоҳламайсан-а?

Ҳинду жувон йўқ деган маънода бош чайқади.

— Менинг бош теримни сотишни истамайсан ҳам-а?

Шунда Шабнам бир қўлини Мабелнинг белидан ўтказиб, уни шундай меҳр-ла бағрига тортиди, сержантнинг қизи кўзларида ёш ҳалқаланди. Ушбу унсиз суйиб-эркалаш бутун аёллик меҳр-муҳаббатю латофати ила йўғрилган эди; Мабель ҳам уни оғушига тортиб, кейин ўзидан сал узоқлаштирди-да, сўраб-суриштиришни давом эттирди.

— Агарда Шабнам ўз дугонасига бирон нимани хабар қилмоқчи бўлса, очиқ-ойдин айтаверсин,— деди у:— менинг қулоқларим эшитишга тайёр.

— Шабнам қўрқади. Ароухед ўлдиради уни.

— Ароухед ҳеч қачон билмайди буни,— Мабель шу сўзларни айтarkan қизариб кетди; у хотинини эрига нисбатан мунофиқлик қилишга кўндирмоқчи бўлаётганини фаҳмлаганди.— Мабель унга ҳеч нимани айтмайди.

— У Шабнамни калласини томагавк билан чопиб ташлайди.

— Ҳеч қачон бундай бўлмайди, жонгинам! Яхшиси гапирмай қўя қол: мен сени бунақанги хатарга дучор қилишни истамайман.

— Истеҳком — ухлашга яхши жой, ўша ерда қолиш керак.

— Истеҳкомда бўлсанг ҳаётингни асраб қоласан демоқчимисан, Шабнам? Менга буни айтганинг учун Ароухедни сендан жаҳли чиқмаса керак, ахир. У менга ёмон-

ликни раво кўриши мумкин эмас, чунки уни ҳеч қачон рағжитган эмасман.

— Ароухед оқ юзли сулуга ҳеч қанақанги ёмонлик қилишни хоҳламайди,— деб жавоб қайтарди Шабнам тескари қараб, гарчи у ҳинду қизларига хос эркаловчи ҳамда мулојим овозда сўзлашда давом этса-да, сўзларни аста, ғамгин ва ҳуркиброқ, чамаси, маънодор оҳангда гапирарди.— Ароухед оқ юзли қизни яхши кўради.

Мабель негалигини ўзи ҳам билмай қизариб, бир нафас сўраб-суриштиришдан тўхтаб қолди. Аммо у кўп нарсани билиб олиши зарур эди: ҳинду жувоннинг сўзлари кўнглида шубҳа уйғотганди, шу боисдан қиз яна суриштиришни бошлаб юборди.

— Ароухеднинг мени яхши кўриши ёки ёмон кўришига ҳеч қандай сабаб йўқ-ку,— деди у.— Сен билан бирга эмасми ҳали у?

— Эр доим хотини билан бирга, манави жойда бўлади,— деди Шабнам кўлини кўксига қўйиб.

— Қандай ажойиб аёлсан-а! Менга шуни айт-чи, Шабнам, анави истеҳкомга бугун эрталабдан, ҳозироқ яширишиб олишим керакми?

— Истеҳком жуда яхши жой, сквау учун яхши жой. Истеҳкомга борсанг — бош терингга тегишмайди.

— Чўчиб турибман, ишқилиб гапингга тўғри тушуняпманмикин ўзи? Отамни кўришни истамайсанми?

— Бу ерда йўқ: кетган.

— Буни билишинг мумкинмас, Шабнам. Кўряпсанми: оролда анча аскарлар бор.

— Озгина... кетишган...— Гап шу ерга етганда ҳинду жувон тўртта бармоғини кўрсатиб, деди:— Қизил кўйлақлар шунча...

— Бўлмаса Изқуварни кўришни-чи? У сен билан ирокезчалаб гаплаша олади.

— Тили ўзи билан бирга кетган,— деди Шабнам кулиб,— тили оғзида турибди уни.

Шабнамнинг болаларча табассуми шунчалар майину назокатли, шунчалар таъсирлию юқумли эдики, хавотиргарчилиги ошиб бораётганига қарамай, Мабель ҳам беихтиёр кулиб қўйди.

— Шабнам, назаримда, сен бу ерда нималар бўлаётганини биласан ёки ўзингни ҳаммасидан хабардор қилиб кўрсатмоқчисан; ҳўп майли, Изқувар бу ерда йўқ дейлик, унда Чучук Сув французчалаб гаплаша олади-ку. Сен Чучук Сувни биласан-ку, ахир, тўғриямасми? Хоҳласанг, чоп-

қиллаб бориб, айтиб келаман, сен билан гаплашади у, бўптими?

— Чучук Сув ҳам кетган, лекин юраги шу ерда, мана-ви жойда.— Ҳинду жувон шундай дея тагин кулиб қўяркан, Мабелнинг саросималаниб қолганини кўришни истамагандек, атрофга аланглай бошлади; кейин қўлини қизнинг сийнаси устига қўйди.

Мабель ҳиндуларнинг ҳайратомуз сезгирлиги ҳақида, уларнинг гўёки ҳеч нимага парво қилмаётгандай бўлиб жамики нарсани пайқаб оладиган зийрак эканликлари тўғрисида бот-бот эшитиб турарди; бироқ у суҳбатнинг бундайин тус олишини сира кутмаган эди. Суҳбат йўналишини ўзгартириш истагида, айни замонда ўзларига таҳдид солаётган хавфу хатар қанчалик катта эканини билишга сабри чидамай курсидан туриб кетди у. Мабель иложи борича эҳтиёткор бўлишга қарор бераркан, шу йўл орқали ўз ният-мақсадига осонроқ етиш ҳамда ўзини хижолатга солаётган шамалардан қутулиш умидида эди.

— Нимани айтиш мумкину нимани мумкинмас, буни ўзинг биласан,— деди у.— Ишонаман, сен мени шунчалик яхши кўрасанки, ҳаммасини айтиб берасан. Тоғам шу ерда, оролда. Сен, худди менга ўхшаб, унга ҳам яхшилик истасанг керак, шуни-чун биз Освегога қайтганимизда хизматингни унутмаймиз.

— Балки ҳеч қачон қайтмассан уёққа — ким билади яна?

Ушбу жумла шубҳа оҳангида, беҳазил ҳамда ҳеч қандай қўрқитиш истак-майлисиз айтилди.

— Эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Лекин қутулиб қолишимизга ёрдам бериш сенинг қўлингдан келади-ку, ахир.

— Истеҳком жуда яхши,— такрорлади ҳинду жувон, кейинги икки сўзни алоҳида таъкидлаб.

— Тушунаман буни, Шабнам, тунни ўша ерда ўтказаман. Тоғамга сен хабар қилган гапни айтаман.

Саратон Шабнами бир сапчиб тушди.

— Йўқ, йўқ, йўқ!— деди у ҳаяжон-ла.— Шўр Сувга айтиш яхшимас! У кўп гапирарди, тили узун уни. У ўрмонни сув деб ўйлайди; ҳеч нимага тушунмайди. Ароухедга айтиб қўйса Шабнам ўлди деявер.

— Сен тоғамга нисбатан ноҳақ, нотўғри гапиряпсан: хоинлик қиладиган, сотадиган одаммас.

— Сира тушунмайман. Шўр Сув — тил, кўзи йўқ, қулоғи йўқ, бурни йўқ, фақат битта тили бор, тили!

Мабель бу фикрга бутунлай қўшилмасди-ю, аммо ҳин-

ду жувонининг Капга ишонмаётгани ва унинг ўрталарида воситачию ҳакам бўлишини хоҳламаётганини кўриб турарди.

— Назаримда, сен бизнинг аҳволимиздан яхши хабардорман деб ўйлаяпсан шекилли,— сўзини давом эттирди у. — Бу оролда илгарилариям бўлганмисан ҳали?

— Эндигина келдим.

— Айтган гапларингга ўзинг ишонасанми ишқилиб? Дадам, Изқувар ва Чучук Сувлар шундоқ яқингинада, агар чақирсам овозимни эшитишадиган жойда-ку.

— Ҳаммаси кетган!— деди Шабнам қатъий ишонч билан шўхчан илжайиб.

— Шундоқлигига ишонч ҳосил қилиш учун ороллари ўз кўзинг билан қараб чиқмай туриб қандай бунчалик даядил гапиряпсан?

— Кўзларим яхши. Одамлар ўтирган катта қайиқни кўрдим — кетишди; кемани кўрдим — Чучук Сув ўшанда.

— Ҳали сен уларни пойлаган экансан-да! Лекин сен, ўйлайманки, ақалли бу ерда қолганларни санаб чиқмагандирсан-ку?

Ҳинду жувон кулиб, яна тўртта бармоғини, кейин эса иккита бошмалдоғини кўрсатди; тўртта бармоғига ишора қиларкан: «Қизил кўйлақлар», дея такрорлади, икки бошмалдоғини кўрсатганида бўлса: «Шўр Сув, квартирмейстер», деб қўшиб қўйди. Бу гап шунчалар тўғри эдики, Мабель Шабнамни ундан янада батафсилроқ шарҳу баён олмай туриб жўнатиб юбориш оқилона иш бўлармикин, дея жиддий ўйлай бошлади. Бироқ ўзига ишонч билдирган бу меҳрибону назокатли хилқатнинг соддалигию ишонувчанлигидан фойдаланиш Мабелнинг маънавиётига хилофу зид бўлурди. Бошда хаёлига келган, ҳаммасини тоғамга айтсаммикин, деган фикрни дугонасига нисбатан номуносиб иш ҳамда ноҳақлик бўлурди деб билиб, йиғиштириб қўйди; бунинг устига у, борди-ю сўроқ қилганлари тақдирда ҳам, Саратон Шабнамнинг ҳар қандай қийноқ-қистовларга қарамай, бир оғиз сўз айтмаслигига қаттиқ ишонарди.

— Шундай қилиб сен мени истеҳкомда турганим яхши деб ўйлайсанми?— суриштиришни давом эттирди Мабель.

— Сквау учун яхши жой. Истеҳкомга борсанг — бошингни терисига тегишолмайди: ходалар мустаҳкам.

— Шабнам, худди истеҳкомда бўлиб, деворларини текшириб кўрган одамдай ишонч билан гапирасан-а...

Шабнам маънодор жилмайиб қўйди-ю, ҳеч нима демади.

— Бирор киши бу оролга келадиган бошқа йўлни биларканми? Ирокезлардан бирортаси уни кўрган эканми?

Шабнам ғамгин ҳамда безовталиқ ила, гўёки бирор кимса яширинча гап пойламаётибдимикни дегандек, атрофга аланглай бошлади.

— Освегода, бу ерда, Фронтенакда — ҳаммаёқда тускарор бор. Мохаук — ҳаммаёқда. Агар у Саратон Шабнамини кўрса — ўлдиради уни.

— Бизлар бўлсак, бу оролни ҳеч ким билмайди, токи шу ерда эканмиз, душманларимиздан кўрқишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлагандик.

— Ирокезлар узоқни кўради.

— Биргина кўзни ўзи ҳамишаям кифоя қилавермайди, Саратон Шабнами: бу ер кўздан пана жой, иннайкейин, бизникилардан кўпчилик буёққа қандай келишни ҳам билмайди.

— Биров нохосдан, французча гапирадиган ингизлар ҳам бор дейиши мумкин-ку.

Мабель юраги муз тортиб кетганини сизди. Жасперга қарши жамики шубҳа-гумонлар, қиз рад этган шубҳалар баногоҳ ёпирилиб келди хаёлига, ушбу туйғу шу қадар зўр куч-ла ҳамла қилган эдиким, қизнинг ҳушдан кетишига бир баҳя қолди. Бироқ даҳшатни енгиб, отасига берган ваъдасини эслади-ю, гарчи қалби хуфияхонасида Жасперни ҳануз беайб деб билиш истаги милтиллаб турган бўлса-да, йигитнинг жинойти билан неча пуллик ишим бор, деган хаёл оғушида хонани бир неча бор айланиб чиқди.

— Фикрингга тушунгандайман, Шабнам, — деди у ахийри: — бизникиларга орол йўлини хоин кўрсатиб берди, демоқчисан.

Шабнам кулимсираб қўйди, зотан унинг наздида ҳарбий ҳийла жинойт эмас, балки афзаллик, фазилат эди. Ўз қабиласига содиқ жувон аҳвол-шароит талаб этганинигина ошкор қилганди. Унинг муроди Мабелни, ёлғиз Мабелнигина қутқариб қолиш — бўлак ҳеч қандай тилаги йўқ эди.

— Оқ юзли қиз энди аёл учун истеҳком яхшилигини билади, — қўшиб қўйди у. — Эркаклар ва жангчилар учун — билмадим.

— Лекин бу ҳақда индамай, сир сақлашим мумкинмас, Шабнам: ўша эркаклардан бири — тоғам, уни яхши кўраман, бошқалар эса — юртдошларим ва дўстларим. Нима гап бўлганини оқизмай-томизмай уларга айтишим керак.

— Унда Шабнамни ўлдиришади,— жавоб қайтарди ҳинду жувон хотиржамлик билан, лекин айни пайтда унинг маънос тортганини пайқамасликнинг иложи йўқ эди.

— Йўқ, сенинг бу ерга келганингни билдирмайман уларга. Ахир улар эҳтиёт чораларини кўришлари керак-ку, кейин ҳаммамиз биргалашиб истеҳкомга жўнаймиз.

— Ароухед ҳаммасини билади, ҳаммасини кўради. Шабнам ўлдирилади. Дугонасига — оқ юзли қизга айтгани келган у, эркакларга айтгани эмас. Ҳар бир жангчи бош терисини ўзи эҳтиёт қилади. Шабнам — сквау, у сквауга гапиряпти; эркакка гапиряётгани йўқ.

Мабель ўз дугонасининг мазкур иқроридан ниҳоятда гамгин тортди. Шабнам ўзи етказган хабар сир бўлиб қолади деб ўйлаганди. Мабель сирни сақлаш ҳиндулар учун қай даражада муқаддас эканини билмасди; у ноўрин босган қадами ҳинду жувоннинг ҳаётини хавфу хатарга дучор қилишини хаёлига ҳам келтирмаётган эди. Ана шу ўй-фикрлар қўққисдан миясига бостириб келди-ю, бу борада мулоҳаза юритар экан, аҳволи-руҳияси янада мушкулланиб, баттарин изтиробли тус олди. Саратон Шабнами ҳам гамгин кўринарди; у Мабелнинг қўлидан ушлади, бир чеккага қўйган буюмларини йиғиштираркан, кетишга чоғланди. Мабель энди уни ортиқ тутиб қолишни ўйламай ҳам қўйган эди.

— Шабнам,— деди у, мулоўиму назокатли хилқатни меҳр-ла бағрига босиб,— биз дўстмиз. Сира қўрқма менадан, буёққа келганингни бирон одам зоти билмайди. Агар иложини топсанг, хавф таҳдид қиладиган пайтда ишора — истеҳкомга жўнайдиган фурсатинг етди деб бирорта ишора берсанг.

Шабнам тўхтади, чегаки у йўлга тушиш тадоригини ниҳоясига етказиб улгурмаганди, сўнгра оҳистагина деди:

— Шабнамга кабутар келтириб бер.

— Кабутар? Қаёқдан оламан уни?

— Энг яқиндаги кулбадан... қарисини опкегин. Кейин Шабнам қайиққа боради.

— Чамамда, гапингга тушунаётгандайман; лекин сени бутазоргача кузатиб қўйганим яхшимасми? Бизникилардан бирортасига рўпара келиб қолишинг мумкин.

— Биринчи бўлиб чиққинда, одамларни сана: бир, икки, уч, тўрт, беш, олти...— Шунда Шабнам кулиб, бармоқларини кўрсатди.— Ҳамма йўл устидамас — яхши бу; биттасидан бошқа ҳаммаси; уни четга чақириб, кейин қўшиқ айтиш, кейин кабутар қидириш керак.

Мабель ёш жувоннинг ушбу ўткир зеҳну фаросат би-

ни ўйлаб топган тадбирига қулоқ соларкан, ўзини жил-жайишдан тиёлмади ва унинг майлини адо этишга чоғланиб, эшикка яқинлашган пайтида тўхтади-да, орқасига ўтирилиб, Шабнамга ўтинч-ла боқди.

— Шундай қилиб, бундан кўпроқ нарсани билишга умид қилмасам ҳам бўларкан-да?— деди у.

— Энди ҳаммасини биласан: истеҳком яхши жой, кабулар хабар қилади; Ароухед ўлдиради...

Шу сўзларнинг ўзи етарли эди. Мабель сирни ошкор этгани учун эри ҳинду жувонни ўз қўли билан ўлдиришини билгани сабабли ҳам ортиқ ҳеч нима ҳақда сўраб-сураштиришга ботина олмади. Эшикни очиб, Шабнамга хайр-маъзур ишорасини қилди-да, айни сонияда орол истиқоматчилари нима билан машғул эканликларини билиш ниятида кулбадан ташқари чиқди.

Қиз ўз дугонасининг жўнгина маслаҳатидан фойдаланиб, юзлари ҳамда кийимларига бирма-бир тикилиб ўтирмай, шунчаки одамларни санади ва гулхан ёнида учмиши ўтирганини, икки киши қайиқда сузиб боришаётганини кўрди — улардан бири Мюйр эди; олтинчиси Мабелнинг тоғаси бўлиб, у гулхан яқинида хотиржамгина балиқ овлагани қармоқ созлаётганди; аскар хотини бўлса ўз кулбасига кетганди.

Шуларни аниқлагач, Мабель ўзини гўё бир нарсаси тушиб қолгандай кўрсатиб, хиргойи қилганча орқага, ҳониргина чиқиб келган кулбасига қайтиб, худди ерда ётган нарсасини олаётгандек энгашди-ю, кейин Саратон Шабнами айтган кулбага қараб чопқиллаб қолди.

Бу яримхароба иморат эди; аскарлар бу ерни бир нави озиқ-овқат сақланадиган омборхонага айлантириб олишганди. У ерда беш-олтита кабулар канадаликлар фермасидан талаб келинган бугдойни чўқилаб, донлаб юрганди.

Мабель улардан биттасини осонгина ушлаб олиб, кўйлагини остига яширди-да, аллақачон ҳеч зор қолмаган кулбасига қайтди. Ичкарига бирров кўз югуртди-ю, соҳилга қараб зинғиллади.

Паналаб бориш Мабель учун ҳеч гап эмасди, чунки дарахту буталар уни бутунлай тўсиб турарди. Саратон Шабнами аллақачон қайиқда ўлтирарди; у кабуларни олиб, иш қутисига соларкан: «Истеҳком яхши», деган сўзни қайта-қайта такрорлаганча қирғоқни туртиб юбориб, энсиз қўлтиқни худди биринчи галдағидек шарпа чиқармай кесиб ўтди.

Мабель, Шанбам соҳилга ўтганидан кейин хайр-маъзур ишорасини қилади, деб бир неча дақиқа кутди.

Аммо кутгани зое кетди. Гўёки борлиқ табиатнинг улугвор осудалиги асло бузилмагандек, қўшни оролларнинг барида сукунат ҳукм сурарди. Шабнам огоҳ этган хатар шунчалик яқин эканига ишониш амримаҳол эди шу топда.

Мабель соҳилдан қайтаётиб, одатдаги пайтларда ўзи эътибор ҳам бермаслиги тайин бўлган, ҳеч нимага арзимас аҳвол-шароитдан лол қолди. Ҳозир кўнглида шубҳагумон уйғонган бир пайтда эса Мабель бехосдан кўзига чалинган кема байроғига ишлатиладиган қизил мато парчасига хавотирлик билан қаради; алвон парча пастак дарахтнинг қуйи шохида ҳилпираб турарди.

Дилига гўлгула тушган Мабель эпчиллик бобида Саратон Шабнамидан қолишмайдиган фавқулудда бир чаққонлик-ла, ўз фикрича ватандошлари хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган мато парчасини ҳар тарафдан кузатиб-кўздан кечириб чиқди. Қиз шу заҳотиёқ мато парчаси энг яқиндаги оролдан кўриниб турган бўлиш мумкинлигини пайқади. Мато парчаси қизнинг кулбаси билан қайиқ оралиғида осилиб турарди, шу боисдан Шабнам, нақ тагидан бўлмаса ҳамки, албатта унинг ёнидан ўтиши керак эди... Мато парчаси яқин ерда пистирма қурганларга қандайдир ҳодиса содир бўлиб, ҳужумга ўтиш учун қулай фурсат етганини билдирувчи белги хизматини ўташи мумкин-ку. Мабель мато парчасини юлқиб олди-ю, буёғига нима қилиши устида бош қотирган қўйи йўлини давом эттирди. Ароухеднинг хотини уни алдаши мумкин, лекин Шабнамнинг боқишлари, унинг Мабелга бўлган меҳри, сафарлари давомида намоён бўлган мўмин-мулоийм феъл-атвори — жами ушбу фаразу тахминига зид келарди. Устига устак, Мабель тускарорнинг унга, оқ танли қизга қандай тикилганини эслади-ю, ўз рақибасига (беихтиёрий рақибга бўлса-да) мойиллик кўрсатадиган хотин камданкам топилиши хаёлидан кечаркан чўчиб кетди. Ана шундай ўй-фикрлар хирагина саф тортиб ўтди Мабелнинг хаёл кўзгусидан; улар қизни шошилишга мажбур этарди. Қиз бора солиб ўзи билан бирга истеҳкомга олиб кетиш ниятида аскарнинг хотини жойлашган кулба сари ошиқди, зотан унга бўлак ҳеч зог ҳамроҳ бўлолмасди. Шунда у тўсатдан Мюйрнинг овозини эшитиб тўхтади.

— Қаёққа шошиляпсиз бунчалик, сулув Мабель? — дея хитоб қилди у. — Кейин, нима сабабдан бундай узлатни излаб қолдингиз? Агарда қизи бутун эртани ёлғиз ўтказганини билгудек бўлса, ҳурматли сержант мен тўғримда ёмон фикрга бориб қолади-я; ахир каминанинг оташин

истак-хоҳиши — қизининг асири бўлишу бирон дақиқа ёл-
ғиз қолдирмаслик экани ул зотга яхши аён-ку.

— Бу ерда сизнинг измингизда озми-кўпми ҳокимият
бор, мистер Мюйр,— деди Мабель қўққисдан тўхтаб,— ке-
йин, сизнинг унвон-мансабингиз буйруқ беришга, лоақал
капралга буюришга ҳуқуқ беради...

— Билмадим... рости, билмадим!— Мюйр тоқатсизлик
ила ва ҳатто бир қадар безовталаниб, унинг сўзини бўл-
ди, эҳтимолки бошқа пайт бўлганида Мабель буни пай-
қаб олармиди.— Буйруқ ҳам, интизом ҳам, ҳокимият ҳам
ўз йўлига. Узай деб турган мевасига мен ҳам қўл чўзгудек
бўлсам муҳтарам отангизни бағоят қаттиқ ранжитиб қўя-
ман. Капралга фармойиш берар эканман, айни пайтда
сержантга ҳам буюришим лозим бўлиб қолади унда. Са-
фарга даҳли йўқ хусусий шахс сифатида ўзимни бу иш-
лардан четроқда тутишим лозим: шундай қилганим хийла
оқиллик бўлади. Ҳамма, ақалли, шундай деб ўйлайди, ҳат-
то шахсан Лэндининг ўзи ҳам бундан мустасно эмас.

— Ҳаммасини биламан; аслида ҳам айнан шундайдир
балки; мен отамга ҳеч қандай кўнгилсизликни раво кўр-
майман-у, лекин сиз капралга таъсирингизни ўтказишин-
гиз мумкин-ку.

— Ҳа, албатта,— жавоб қайтарди Мюйр.— Соҳибжа-
мол Мабель, умуман одамларнинг ғалати-ғалати қилиқ-
одатлари бор-да; уларни тўғри йўлга солиб юбориш жуда
огир, айни чоғда уларни нотўғри изга буриб юборишдан
осони йўқ. Шунини унутманг, жонгинам, доимо ёдингизда
тутинг... Ие, нозик бармоқчаларингизда ўйнаётганингиз
нимади ўзи?

— Бу мато парчаси, байроққа ўхшаган нарса, диққат
беришга арзимайдиган бекорчи бир нарса, албатта, буна-
қанги шароит бўлмаганида...

— Бекорчи нарса! Бу, мисс Мабель, сиз ўйлаганчалик
арзимас нарса эмас!— Шундай деркан у мато парчасини
қўлига олиб, бор бўйича ёйиб, уёқ-буёғини кўздан кечира
бошлади. Мюйрнинг афти буришди, қошлари чимирилиб,
кўзларида бесаранжомлик акс этди.— Мабель Дунгам,
буни нонушта қилган еримиздан топмадингизми мабодо?

Мабель унга бу мато парчасини қаердан ва қандай қи-
либ топганини сўзлаб берди. У сўзлаётганида квартир-
мейстернинг кўзлари аланг-жалаңг, бежо ўйнаб турди: у
навбати билан гоҳ қизнинг бетига, гоҳ мато парчасига ти-
киларди. Унинг илгариги шубҳа-гумонлари (буни ошкор
қилишга унинг майл-рағбати йўқлигига қарамай) ҳозир
қайтадан уйғонганини пайқаш қийин эмасди.

— Мабель Дунгам, биз дунёнинг туғрою байроқларимизни беҳудадан-беҳуда осиб қўйса бўлаверадиган қисмида эмасмиз,— деди у ишончсизлик билан бошини сарак-сарак қилганча.

— Гапингизга тўла қўшиламан, мистер Мюйр, кейин десангиз, тагин бизнинг шу ердалиғимизни душманга ошкор этиб қўймасин деб қўрққанамдан юлқиб олдим бу матони, эҳтимол бу латта савилни дарахтга ҳеч қанақанги ният-пиятсиз шунчаки илиб қўйишгандир. Ҳалиги, бу аҳвол-шароитдан тоғамни хабардор қилиш керакмикин?

— Фикримча, ҳожати йўқ, сулув Мабель! Бунинг «аҳвол-шароит» эканини тўғри пайқабсиз, «шароит-аҳвол» эса гоҳо муҳтарам денгизчимизни бетинч қилиб, фулғулага солиб қўяди. Бу байроқ, мабодо уни шундай деб атаб бўлса, бирорта кеманики бўлиши керак. Бу лахтак фақат кемадагина ишлатиладиган парусин парчаси эканлигининг ўзингиз кўриб турибсиз. Бизнинг байроғимизни эса шойи ёки бўялган сурпдан қилинади. Иннайкейин, биласизми, бу лахтак «Учқур»нинг байроқчасига жудаям ўхшаб кетади. Энди эсимга тушди, куттер байроқчасининг учи қирқиб олинганди.

Мабель кўнгли бир хил бўлиб, ўзини беҳузур ҳис этди, бироқ ўзини босиб олишга қуввати етарли эди; у ҳеч нима деб эътироз билдириб ўтирмади.

— Эътибор берса арзийдиган ҳол бу,— сўзини давом эттирди Мюйр,— кейин, қисқаси, мистер Кап билан маслаҳатлашсакмикин, негаки бутун Британия империясини излаб чиққанда ҳам ундан садоқатлироқ фуқаро топилмайди.

— Шунчалик ваҳимага тушиб қолдимки,— деди Мабель,— Женнини олиб, истеҳкомга кўчиб ўтмоқчиман.

— Очигини айтсам, бу айтарли оқилона тадбир эмас. Истеҳкомга биринчи навбатда ҳужум қиладилар, ҳақиқа кўчганда эса, бизда қамалга дош берадиган ҳеч қанақанги воситамиз йўқ. Бундай оғир вазиятда ўз фикримни айтишга руҳсат этгайсиз: сизга ирмоқдаги қайиққа ўтиришни маслаҳат бераман, у қочиш учун ғоятда қулай жойда турибди, зероки икки ёки уч дақиқа ўтмаёқ ороллар сизни пана қилиб, тўсиб туради. Изқувар ҳақ гапни айтганидек, сувда из қолмайди; ўша ёқда шунчалик беҳисоб йўллар кесишганки, қочиб қутулиб кетсангиз ажаб эмас. Мен ҳаммиша, Лэнди соқчиллик маррасига шундай ноқулай ва шундай очиқ жойлашган ерни танлаб ниҳоятда хавфлию қалтис иш тутяпти, деб ўйлаб келардим.

— Бундан афсус чекишнинг фурсати ўтган, мистер

Мюйр; ўз шахсий хавфсизлигимизни ўйлашимизгина қолган ҳозир.

— Қирол шаънини ҳам, соҳибжамол Мабель. Ҳа-ҳа, олий ҳазратлари қуроли шуҳратини ҳамда унинг муборак номини ҳам — бунни асло унутмаслик лозим!

— Менинг назаримда, — деди Мабель кулиб, — қайиқдан нажот ахтаргандан ҳаммамиз атайлаб мудофаа мақсадида қурилган жойга кўчиб ўтганимиз минг карра маъқулга ўхшайди. Шундай қилиб, мистер Мюйр, мен албатта истеҳкомга бориб, отамни бўлинмаси билан қайтишини ўша ерда кутаман. Агар йўқ пайтида қочиб қолсак хафа бўлади у; бурчи-вазифасига ўзи қанчалик садоқатли бўлса, бизнинг ҳам ўшанчалик содиқ қолишимизга ишонади.

— Йўқ-йўқ, само ҳаққи, асло бундай хато ўйга борманг-а! — дея қичқариб юборди Мюйр алланечук бир ваҳима ичра. — Мен аёллардан бўлак бирон кимсага нажотни қайиқдан ахтаришни маслаҳат бермаган бўлардим. Биз, эркаклар — бошқа гап; бизнинг бурчимиз кундай равшан: мен ўзим дастлабки дақиқаданоқ соқчихонани мудофаа қилиш ёки унинг харобалари остида ҳалоқ бўлишга аҳд этганман.

— Унда, мистер Мюйр, икки аёл кишини шундай зилзамбил қайиқни бошқаришни эплаб, худди қобиқдан ясалган қайиқни ҳайдайдиган ҳиндучалик тез-эшкак эша олади деб ўйлайсизми?

— Эҳ, соҳибжамол Мабель, муҳаббатнинг кўзи кўрқулоғи батанг бўлади-ку! Кўрқув ва хавотиргарчилик ошиқнинг ақлини тушовлаб қўяди. Менинг фикри-ёдим сиздай бебаҳо хонимни қандай қутқариб қолиш ўйи билан банд бўлиб, бунни бажариш қандай мушкул эканини унутиб қўйибман. Лекин ҳолимга раҳм этгайсиз-у, сизга таҳдид қилаётган хавф-хатарни ўйлаганимдаёқ вужудимга туташаётган хавотирсирашимни жиноят деб билмагайсиз!

Мабель бунақанги гапларни неча марталаб эшитганди, ҳатто шод-қувноқ дамларида ҳам сира-сира ёқмайдиган бундай ишқий дил розини охиригача эшитиш хоби-хотиридаям йўқ эди. Қиз квартирмейстер билан шоша-пиша хайрлашиб, энди аскар хотини турадиган кулба томонга юрмоқчи бўлган эдики, Мюйр қўлидан ушлаб тўхтатди уни.

— Мени ташлаб кетмасингиздан олдин яна бир оғизгина гап бор, Мабель, — деди у. — Манави мато парчасининг махсус хизмати, маъноси бўлиши мумкин, балки ҳеч қанақанги хизматю маъноси йўқдир; борди-ю бирор нарса билдирадиган маъноси бўдса, осифлиқ турган ўша жойига бошқатдан илиб қўйиш керакдир-ов. Қим билади

дөһсөз, агар бунн сергаклик билан кузатсак, эхтимол фит-
тин фош қилармиз. Акс ҳолда ҳам, бари бир, ҳеч нима
ютқизмаймиз.

— Бу гапларнинг ҳаммаси эхтимол тўғридир, мистер
Мюйр, лекин бу байроқ, ҳатто тасодифан илиниб тургани
дақдиридаям, соқчилик манзили қаерда жойлашганини
душманга осонгина билдириб қўйиши мумкин.

Мабель шундай деди-ю, югурганча кетди ва тезда кўз-
дан ғойиб бўлди. Квартирмейстер турган жойида, худди
ўша ҳолатда дам олислаб бораётган Мабелга, дам қўли-
да ҳануз иккиланиб ушлаб турган мато парчасига тикил-
ларди. Бироқ унинг тараддудланиши узоққа чўзилмади,
бирон дақиқа фурсат ўтмаёқ у ўша дарахт остига етиб
бордию, мато парчасини дарахт шохига танғиб қўйди.
Нимага бундай қилгани номаълум-у, аммо квартирмейстер
лахтакни ирмоқ томондан олдингисидан ҳам яхшироқ,
орол тарафдан эса боягисидан ҳам ёмонроқ кўринадиган
қилиб осганди.

ИИГИРМА БИРИНЧИ БОБ.

Мабель Дунгам аскар хотинини олиб кетгани кулбага
қараб борар экан (галати томонини қарангки), бошқалар-
нинг ҳаммаси хотиржам-у, ёлғиз угина кичкинагина гар-
низоннинг ҳаёт-мамоти учун жавобгарлик юкини ўз гар-
данида ҳис қилаётгани хусусида ўй сурарди. Қиз Шаб-
намнинг истак-рағбатидан шубҳалана бошлаганди; бироқ
Мабель ҳинду жувоннинг бутун туриш-турмушида «мана-
ман» деб акс этиб турган самимийлик ҳамда меҳр-оқибат-
ни, ўрмон оралаб кечган сафарлари пайтида Шабнам не-
ча-неча бор намоён қилган ўша софдиллик, ўша ҳалолли-
гу покликни эсларкан, кўнглидан бу шубҳа-гумонни қу-
виб солди. Аммо Мабель Саратон Шабнами билан қурган
судбати сирини ошкор этмай бошқаларни хавфдан огоҳ-
лантиришнинг илож-имкони йўқ эканини кўриб-билиб ту-
рарди. У айниқсанги ҳозиргидек муҳиму жиддий ишлар
бобида ўзи одатланмаган ниҳоятда эҳтиёткорлик ва пух-
та мулоҳазакорлик ила ҳаракат қилишга мажбур бўлди.

Аскарнинг хотини ҳамма керакли буюмларни истех-
комга ташиш ва бирон дақиқага ҳам ўша ердан остона
ҳатлаб чиқмасликка буйруқ олди. Мабель унга сабабини
тушунгириб ўтирмади. У айланиб юриб, тасодифан баъзи
бир шубҳали аломатларни пайқаб қолганинигина айтди,
холос. Бу ҳол қизни, душман оролни улар илгари ўйлаган-

ларидан кўра яхшироқ биларкан-да, деган хавотирга солиб қўйган эмиш. Шунинг учун ҳам улар хатарнинг дастлабки белгиси аён бўлгандаёқ бежавотир пана жой излашга тайёр туришлари лозим экан. Ҳиндуларнинг бешафқат қилмишлари тўғрисидаги гап-сўзларга ҳамниша астойдил ҳамда бажонидил ишониб келган бу аёлнинг дилига қутқу солиб қўйишдан осони йўқ эди. Женнининг етарлича ваҳимага тушгани ва эндиликда ўзини сергак тутажагига ишонч ҳосил қилгач, Мабель уни ўз хавотирини аскарларга айтишининг ҳожати йўқ эканлигига ишонтиришга тиришди. Бу билан қиз фақат мушкуллиқкина туғдириши мумкин бўлган савол-жавоблардан қочмоқчи эди. Тоғаси, капрал ва унинг аскарларини бўлак чора-воситалар ёрдамида эҳтиёткорликка даъват этиш ниятида эди.

Бахтга қарши, бутун британ қўшинларини излаб чиқилганда сержант Дунгамнинг ўринбосари — капрал Мак-Набдай соқчихона бошлиғиликка яроқсиз одам топилмасди. Тўғри, у қатъий, жасур, аскарий ҳаётнинг жамики аччиқ-чучукларини тотиб, жангу жадалга кўникиб кетган, бироқ шу билан бирга Америкада туғилганларга нопи-сандона қарар, ўзининг тор хизмат доирасига киргувчи барча масалаларда ўлардай саркаш бўлиб, Буюк Британияни, биринчи навбатда Шотландияни оламда нимаики ва қандайки эзгулик бўлса, ўшанинг асос-пойдевори деб ҳисоблайдиган зот эди. Бир сўз билан айтганда, бу мустамлакаларга жўнатилиб туриладиган: ўз-ўзига бўлган ҳурмати маҳаллий аҳолига бўлган нафратига теппа-тенг келадиган Британия фуқароларининг ўзига хос намунаси эди. Унинг кўзига америкаликлар британияликларга нисбатан хийла зоти паст халқ эди; америкаликларнинг ҳарбий хизмат хусусидаги фикр-ўйлари унинг наздида айниқса бемаънию беҳуда гап бўлиб туюларди. Бир эмас, бир неча мароталаб у Америкада туғилган (фақат шу сабаблигина) офицерларнинг буйруғини бажармаган ҳоллар ҳам бўлган. Бироқ у айтилган вақтда чинакам шотландча айёрлик ила онгли равишда кўрсатган итоатсизлигининг самараси бўлмиш жазодан ўзини халос этишга уринарди. Ана шуларга қарамай Мабель ўйлаган режасини амалга ошириш учун бирон дақиқа фурсатни ҳам бой бериш мумкин эмаслигини ҳис этиб турарди.

— Капрал, отам сизнинг зиммангизга оғир масъулиятни юклаганлар,— деди қиз Мак-Набни бўлак жангчилардан хиёл чеккароқда учратгани замоноқ.— Борди-ю, оролни душман эгаллайдиган бўлса, унда нафақат бизни, балки сафарга чиққан бутун бўлинмани қўлга туширади.

— Шунни билиш учун Шотландиядан буёққа келиб овра бўлиб юришнинг ҳожати бўлмаса керак,— дея эътироз билдирди Мак-Наб қуруққина.

— Бунни билишингизга ишончим комил, Мак-Наб, лекин мен хавф-хатар, жанг-жадалга кўникиб кетган сиздек тажрибали жангчини тағин ҳозирги аҳвол-шароитимизда зарур бўлган баъзи эҳтиёт чораларини кўришни назар-писанд қилмаяпсизми деб қўрқяпман-да.

— Бизлар Шотландия ўғлонларимиз; етарлича ҳушёр ва ногаҳоний ҳужуму ҳамлаларга ўрганиб кетганмиз.

— Йўқ, дўстим, мени тушунмадингиз. Биринчидан, мен мутлақо Шотландия тўғрисида эмас, балки мана шу орол ҳақида гапиряпман; иккинчидан, сизнинг эҳтиёткору ҳушёрлигингизга заррача шубҳам йўқ. Мен фақат бир нарсадан, ишқилиб, довюраклигингиз сизни юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарга нисбатан бепарво қилиб қўймаса гўрга эди, деб чўчияпман холос.

— Менинг жасурлигим, мисс Дунгам, албатта, бир нави, қаёққа ҳам борарди дейсиз, негаки у бор-йўғи шотландияликнинг жасорати-да. Мана сизнинг отангиз — бошқа гап, у — янки; мабодо ҳозир биз билан бирга бўлганида борми, шубҳасизки, тамоман бошқача тайёргарликни кўрардингиз. Ҳа, бўлмагур замонлар келди: Шотландия кўшинида муҳожирлар мансабга эришиб, табар кўтариб юрадилар; эндиликда жангларда гоҳо ютқазиб қўяётганимизнинг сира ажабланидиган жойи йўқ.

Мабелнинг деярли тарвузи қўлтиғидан тушиб бўлаётган, бироқ унинг қулоқлари остида ҳануз Шабнамнинг сирли огоҳлантириши янграб турар, тезгина ён беришига йўл қўймаётган эди. У ўзига етиб келган — ғоятда қатъий сергакликни талаб этгувчи хабар манбаъини ошкор қилмай туриб ҳамма ўртоқларини истеҳкомга кўчиб ўтишга кўндиришдан ҳамон умид узмаган ҳолда ҳужум режасини бирмунча ўзгартирди.

— Назаримда сиз ҳаққа ўхшайсиз, капрал Мак-Наб,— деб қўйди у.— Сизнинг ватанингиздан чиққан қаҳрамонлар тўғрисида кўп эшитганман, агарда менга ҳикоя қилганларининг бари рост бўлса, улар илм оламининг буюк зотлари билан бир қаторда турадилар.

— Мисс Дунгам, Шотландия тарихини ўқиганмисиз ўзи?— деб сўради капрал суҳбатдошига биринчи марта нигоҳ ташлаб; унинг бешафқат ва совуқ башарасида аллақандай табассум отлиқ нарсанинги шарпаси пайдо бўлди.

— Унча-мунча ўқиганман, лекин кўпроқ эшитганман,

капрал. Мени тарбиялаган хоним шотланд аёли эди, Шотландия тўғрисида ҳикоя қилишни яхши кўрарди.

— Турган гапки, сержант ўз полки тузилган ўлка шон-шуҳратининг ақалли тирноқчалик ғамини емаган чоғи!

— Мен доим шотландларнинг иккита жанговар фазилати — жасурлик ҳамда эҳтиёткорлик хислатлари борлигини эшитиб келардим, — деди қиз, — имоним комилки, капрал Мак-Наб ўз миллий шон-шарафини ёқлайди.

— Бу тўғрида отангиздан сўраб кўринг, мисс Дунгам; у капрал Мак-Набни билади, жон-жон деб санаб беради капралнинг қусурларини. Биз жангларда бирга бўлганмиз. У — меннинг бошлиғим, ўз қўл остидагиларнинг хулқ-атвори ва одоб-ахлоқига баҳо беришга ҳақли.

— Отам сиз тўғрингизда яхши фикрда, Мак-Наб, йўқса у бутун бор буд-шудини, қўшимчасига ўз қизи билан, сизга ишониб ташлаб кетмаган бўларди. Биламан, жумладан у айниқса сизнинг мулоҳазакорлигингизга ишонган ва истехкомнинг жиддиян қўриқланишига умид боғлаган эди.

— Агарда у эллик бешинчи полк шон-шарафини хода ва тахталардан барпо этилган девор панасида ўтириш билан ҳимоя қилишни истайдиган бўлса, бу ерда ўзи қолгани яхшийди. Шотланднинг қони ва эътиқоди душман ҳали ҳужумга ўтиб улгурмасиданоқ бонг уришга йўл қўймайди. Бизлар қиличбозликка ўрганиб кетганмиз, баски, таомилимиз — ёвни бетма-бет туриб қарши олиш. Ҳозирги кунда эъзозланаётган америкача жанг қилиш усули, гарчи жангчиларнинг жасоратига зиён етказмаган тақдирда ҳам, олий ҳазратлари қўшинларининг шон-шуҳратига доғ туширади.

— Лекин тажрибали жангчи эҳтиёткорликка нописандлик билан қарамайди. Бу атрофда энг довурак майор Дунканнинг ўзиям қўл остидагиларга ғамхўрлиги билан ном чиқарган-ку.

— Лэндининг ўз заиф томони бор: у бизнинг дудама ва арчагулларимизни бу ернинг қуролию ўрмонларига алиштириб юборди. Аммо-лекин, мисс Дунгам, эллик бешга тўлиб қолган кекса жангчининг сўзига ишонаверинг, оламда душманга ундан қўрқаетганингни сездиришдан кўра кўпроқ далда берадиган нарса йўқ! Ишонинг, бу ҳиндулар урушида бирорта хавф-хатар йўқки, ҳар битта бута остида ҳинду ўтирибди деб ўйлашга тайёр америкаликларингизнинг хаёли билан бўрттирилмаган бўлсин. Биз шотландлар сайҳон ўлкадан келганмиз, шунинг учун ҳам пи-

сиб-яширинишга муҳтожлик жойимиз йўқ; ҳали кўрасиз ўзингиз, мисс Дунгам...

Капрал тўсатдан баланд ирғишлади-ю, ерга муккаси-дан қулаб, кейин чалқанчасига ағдарилди. Бу ҳол шундай баногоҳ юз бердики, Мабель ўқ овозини аранг эшитиб қолди. Қиз қичқиргани ҳам, ҳатто титраб-қалтирагани ҳам йўқ: ушбу фалокат шунчалар даҳшатли, шунчалар ногаҳоний эдики, ҳеч қандайин ожизлигу заифликка ўрин қолмагани. Аксинча, Мабель табиий майлу рағбатга итоат этиб, капралга ёрдамга ташланди. У ҳали жони узилмаган ва нима содир бўлганини англаб-фаҳмлаб турарди. Бироқ юзида қўққисдан жонига чанг солган ажалнинг ваҳимали кўлагаси муҳр янглиғ қотган-қолганди.

— Иложи борича тезроқ истеҳкомга югуринг!— дея шивирлади Мак-Наб Мабель тепасига энгашганида.

Мабель қай ҳолатда қолганини ана шундан кейингина тушунди. Оёғи остида ётган капралга тезгина кўз ташлаб, унинг ортиқ нафас олмаётганини кўрган Мабель югура кетди. Бир неча дақиқадан сўнг у истеҳком ёнига етиб борганди, аммо аскар хотини — Женни — ўтакаси ёрилаётганидан ўз жонидан бошқа борлиқ жаҳонни унутиб, бетига эшикни қарсиллатиб ёпиб олди. Токи Мабель овози борича эшикни оч деб қичқираркан, беш ёки олти бора ўқ узилди. Янги ўқ овозларидан баттар эхонаси чиқиб кетган жувон эшик тамбасини ҳадеганда сура олмади. Орадан бирон дақиқалар фурсат ўтгач, Мабель эшик ҳар қалай оз-оздан сурилайётганини сизди, кейин кичикроққина тирқиш ҳосил бўлган заҳотиёқ ўзини ёнламасига ичкари урди. Мабелнинг юраги энди унчалик безовта урмаётган эди. Қиз бир оз тинчланган ва ўйлаб иш кўрадиган ҳолатга келиб қолганди. Мабель титраб-қақшаб эшикни қайтадан ёпишга уринаётган Женнига ёрдам бериш ўрнига, дўстлардан бирортаси паноҳ излаб келиб қолмасмикин дея кутиб, бир муддат уни ёпмай турди. Ҳеч зог кўринадармагач, у эшикни беркитишга имкон берди ниҳоят. Мабель лўкидонлардан атиги биттасини суриб қўйиб, Женнига эшик ёнида туришни ва ўз одамлари овоз бериши биланоқ уни очишни буюрди. Сўнгра қиз зина-нарвондан юқори қаватдаги хонага кўтарилди. Бу ерда у шинаклар орқали бутун ёролни — дов-дарахту буталар имкон берганича — кўриши мумкин эди. Пастда, эшик олдида турган Женнига далда берган кўйи, атрофни диққат-ла кузата бошлади қиз.

Мабель олдинига оролда бирор тирик жон қорасини кўрмай ҳайратда лол қолди. Гарчи шамол суриб келаёт-

ган оппоқ булут парчаси — тутун уларнинг қай томондан келишини айтиб турган бўлса-да, на французлар, на ҳиндулар кўринарди.

Саратон Шабнами келган орол томондан ўқ узишган эди, бироқ Мабель душманининг ҳозир ҳам ўша ердалиги ёки аллақачон бу қирғоққа ўтиб олишга улгурганини билмасди. Мабель ҳалок бўлган Мак-Набнинг жасади ётган тарафга қараган шинакдан мўралаганди, даҳшатдан жунжикиб кетди: уч аскар капралнинг қаватида чалқайиб ётишибди. Улар биринчи ўқ отилгандаёқ шу ерга югуриб келишган ва бирин-кетин кўзга кўринмас ғанимлар ўқига дучор бўлишган эди.

На Қап, на поручик Мюйр кўринарди. Мабель ташвиш-ла дарахтзор оралиғидаги ҳар бир яланг жойга тикиларди, кейин ҳатто истеҳком минорасигача чиқди-ю, аммо нафи бўлмади буни. Қиз тоғасининг жасади бирон ерда ўт устида чўзилиб ётганини кўриб қолишдан қўрқарди, лекин ҳеч ердан излаб тополмади уни. Бот турган томонга ўгирилиб қараган Мабель қайиқнинг ҳамон соҳилга боғлоқлик турганини кўрди; демак, қандайдир тасодиф Мюйрга ўша тарафга қараб чекинишга халақит берган бўлиши керак. Оролда қабристон сукунати ҳукм сурарди.

— Мисс Мабель,— дея қичқирарди пастдан қўрқув билан олишувга ожизлик қилиб қолган жувон,— айтинг, худо ҳаққи, бизникилардан бирор киши тирикми ўзи? Назаримда инграган овозларни эшитаётгандайман, оҳ-воҳлар тобора пасайиб боряпти, шуни-чун ҳаммаларини ўлдиришдими деб қўрқяпман...

Мабель шунда аскарлардан бири бу аёлнинг эри эканини эслади-ю, кўнглидан, агар унинг ўлганини билса Женнининг ҳоли нима кечаркин, деган хаёл ўтаркан қалтираб кетди.

— Эшикка қараб тур, Женни,— жавоб берди у,— ҳар қандоқ бўлганидаям менинг рухсатимсиз асло оча кўрма уни.

— О, айтинг-чи, мисс Мабель, бирон жойда менинг Сэндимни кўрмаяпсизми? Қани энди унга менинг бежавотир жойдалигимни хабар қилишнинг иложи бўлса, меҳрибон эрим озодликдами ёки бандиликдами, кўнгли жойига тушиб, енгил тортарди-да!

Аммо Сэнди шу топда Мабель мўралаб турган шинакнинг рўпарасида жонсиз ётарди.

— Нимага Сэнди тўғрисида ҳеч нима демаяпсиз ахир?— дея такрорлади жувон бетоқатлик ила жавоб кутганча.

— Бир неча аскар Мак-Набнинг атрофида ётишибди,—

жавоб қайтарди Мабель, зотан бундай даҳшатли шароит-да ёлгон сўзлаш унинг наздида ножозу ноҷўя ишдай туюлди.

— Сэнди ўшалар орасидами?— деб сўради жувон.

— Шунақага ўхшайди; шошма: .. бэр, икки, уч, тўрт... ҳаммалари эллик бешинчи полкнинг қизил мундирида.

— Сэнди!— дея фарёд урди жувон қандайдир қутурганнамо.— Нимага ўзингни эҳтиётингни қилмаяпсан, Сэнди? Ҳозироқ қоч-у, хотинингни олдига кела қол! Ҳозир ўша аҳмоқона тартиб-интизомларингу шон-шуҳратларингни ўйлайдиган пайтми, Сэнди?! Сэнди!..

Мабель эшик лўкидонининг сурилайётгандаги овозини эшитди. Эшик ошиқмошиғи гижирлади. Мабель ҳозир қандайдир даҳшатли воқеа рўй беришини кутиб, шинак ёнида ваҳима исканжасида қилт этмай туриб қолди. Кўп ўтмай у буталар оралаб жасадлар ётган жойга қараб югуриб бораётган Женнини кўрди. Бирон дақиқа ўтмаёқ Женни у ерга етиб олганди. Бу зарба шунчалик ногаҳоний ва шунчалик кучли эдики, қизиқ устида у бошига тушган мусибатни ҳали англаб етмаётган кўринади. Унинг хира тортган онгида бетизгин бир ўй чақнаб ўтди: аскарларни бошига тушган кулфатдан кулаётишибди деб ўйлади хаёлида. Жувон эрининг ҳали илиқ қўлидан ушлади.

— Ўз ҳаётингни қил устида қолдириб, нега бунақа ҳазиллашасан, Сэнди?— дея қичқирди у эри қўлини тортқилаб.— Агар истехкомга кириб яширинмасанглар, ҳаммангларни ўлдиришади бу лаънати ҳиндулар! Юр, юр дейман! Фурсатни ўтказмайлик, юра қол!

Женни жон-жаҳди билан кучаниб, эри жасадини тўнкарди-да, унинг юзига кўзи тушди: чаккасидаги ўқ ўйиб ўтган жимитдаккина тешигу терисида қотиб қолган бир неча томчи қон эрининг нега индамаётгани сабабини ошкор этди-қўйди. Ана шунда даҳшатли ҳақиқат бор кучию маъно-моҳияти ила намоён бўлди жувон қаршисида; жувон қўлларини қовуштирди, шундай фарёд урди-ю,— бу фарёд қўшни оролларгача етиб борди,— эрининг жонсиз танаси устига шилқ этиб тушди. Жувоннинг фарёди қанчалик қаттиқ, телбаёна ва даҳшатли бўлмасин, кетидан янграган ҳайқириқ олдида бамисоли майин наводай бўлиб қолди. Чор атрофда ваҳшиёна жанговар наъралар янграб, башарасию танасига ваҳимали жанговар бўёқлар чаплаб олган йигирма чоғли ҳиндулар бош терисини тезроқ шилиб олиш дардида буталар орасидан отилиб чиқишди. Олдинда Ароухед келаётганди, унинг томағавки Женнининг бошини қоқ икки паллага ажратди. Истехкомдан югуриб

чиққанига икки дақиқа бўлмаёқ сочлари тускарорнинг тасмасида осифлиқ турарди. Мак-Наб ва жангчиларнинг абжағи чиқарилган мурдалари ғилқ-ғилқ қон ҳалқобига ботиб ётарди.

Мабель мазкур қўрқинчли манзаранинг беихтиёрий гувоҳи бўлди. У гўеки михлаб қўйилгандек қилт этмай тураркан, ўзини, таҳдид солаётган хатарни ўйлаш ақалли бир марта хаёлига келмади. Бироқ жасадлар ётган ўтлоқ тантана қилаётган ирокезлар билан тўлганини кўрганида бирдан пастдаги эшик очиқ қолгани эсига тушди. Қизнинг юраги гурс-гурс тепа кетди, зеро бу эшик унинг яккаю ягона ҳимоячиси эди-да. У зина-нарвон томон ташланди, бироқ у эшикнинг ғийқиллаб очилганини эшитганида ҳали хонанинг ўртасига ҳам етиб бормаган эди. Мабель, энди ҳалок бўлдим, деб ўйлади. Жон аччиғида тиз чўкди, аммо бирдан эшик лўкидонню тамбалари — биттаси эмас, учаласи ҳам — сурилаётгани қулоғига чалинди.

Бунақанги дамларда мия шитоб-ла ишлайди. Олдини-га Мабель истехкомга тоғам кирди деб ўйлади; қиз югуриб бориб, ўзини унинг қучоғига отишга ҳам тайёр эди-ю, тўсатдан бу бошқаларнинг ичкарига киришига йўл бермай, ёлғиз ўзи бемалол ўғрилиқ қилишни мўлжаллаган бирор ҳиндудир эҳтимол, деган ўй келди хаёлига. Ана шу ўй уни тўхтатиб қолди... Пастда осудалик ҳукмрон эди; равшанки, ичкари кирган одам ҳамиша беҳаловату шанғи Кап бўлмаса керак, зотан бу сокинлик кўпроқ душманининг ҳийла-макрига ўхшаб кетади. Мабель пастки қаватга тушиладиган эшикча, зина-нарвон олдида турарди. Ҳар дақиқада ҳиндунинг қўрқинчли гавдаси кўриниб қолади деб кутаётганди. Ниҳоят қўрқув шу даражага бориб етдики, у бекинса бўладиган жой излаб атрофга аланглай бошлади. Хонада бир неча бочка турарди. Мабель тепага очиладиган туйнук эшикчасидан кўзини узмай, шулардан иккитасининг орқасига яшириниб олди. Қўққисдан енгил, шипиллаган одим шарпасини эшитди: аллаким зина-нарвондан эҳтиёткорлик ила тепага кўтариляпти. Кейин зина пояларининг қисирлагани қулоққа чалинди. Ҳали ҳеч кимнинг қораси кўринмаган бўлса ҳам, Мабель кимдир яқингинада турганини ҳис этди. Мана, туйнукда аввал зулукдай қора соч кўринди, сўнгра қорамтир-қизғиш пешона ва пировардида ҳинду жувоннинг боши пайдо бўлди. Мабель қўрқувни енгиб, бемалол қараркан, қаршисида Саратон Шабнаманинг мулойим, ташвишли ҳамда гўзал чеҳрасини кўрди.

ИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

Улардан қай бири: кутилмаган меҳмон Ароухеднинг ўзи эмас, унинг хотини эканини билган Мабелми ёхуд маслаҳати адо этилганига ишонч ҳосил қилган ва ўзи шунчалик хавотирга тушиб излаган қизи истеҳкомда эканини кўрган Шабнамми — кўпроқ суюниб кетганини айириш маҳол эди. Улар бир-бирларининг қучоғига ташланишди, шунда ҳинду жувон дугонасининг белидан қучиб, астагина кулди.

— Истеҳком яхши,— деди ҳинду жувон:— бош терисига тегишолмайди!

— Ҳа, у яхши,— дея жавоб қилди Мабель ҳозиргина ўзи шоҳид бўлган даҳшатли манзара эсига тушиб титраб кетаркан.— Барча азиз-авлиёлар ҳаққи айт-чи, тоғамга нима бўлганини билмадингми? Мен ҳаммаёққа қараб, кузатдим-у, тополмадим уни.

— Бу ерда йўқ, истеҳкомда-я?— деб сўради Шабнам бирмунча қизиқсиниб.

— Истеҳкомда йўқ у, бу ерда ёлғиз ўзимман. Женни, мен билан бирга келган аёл, эрининг олдига югуриб, бу ақлсизлиги бошига етди.

— Шабнам билади, Шабнам кўрди, бу жуда ёмон: Ароухедни ўша хотинга меҳри йўқ, ўзининг хотинига меҳри йўқ.

— Эҳ, Шабнам! Сенинг ҳаётинг лоақал хавф-хатардан холи-ку!

— Билмайман! Агар ҳаммасини билса Ароухед ўлдиради мени.

— Айт, энди нима қилай, кейин, бечора тоғам ҳали тирикмикин?

— Билмайман. Шўр Сувни катта қайиғи бор; балки дарёда кетаётгандир.

— Катта қайиқ соҳилда турибди, лекин на тоғам, на квартирмейстер ҳеч қаерда кўринмайди.

— Ўлдиришмаган, бўлмаса Саратон Шабнами кўради. Бекинишган. Қизил танлилар бекинади — шундай қилса оқ юзлиларга ҳам уятмас.

— Бекиниш улар учун уятли бўлдимиз ёки уят бўлмадимиз, менга бари бир, мен бошқа нарсадан кўрқаман. Сизларнинг ҳужумингиз ваҳимали, шунақанги тўсатдан бўлдики, буёғини асти қўяверасан, Шабнам!

— Тускарор бу!— дея кулиб жавоб берди жувон, гўёки эрининг абжирлиги билан мағрурланаётгандек.— Ароухед — буюк жангчи!

— Сен бирам оққўнгил, бирам меҳрибон, назокатлисанки, Шабнам! Бундай ҳаёт кечиришда бахтиёр бўлмайсан!

Саратон Шабнамнинг чеҳраси ғамгин тортди, жувон қуйидагича жавоб бераркан, унинг кўзларида хунук бир ўт чақнаб кетгандай туюлди Мабелга:

— Ингизлар жудаям очофат, ўрмонларни, ов қиладиган жойларни тортиб олишяпти; олти қабилани кунчиқардан кунботарга қараб ҳайдашяпти; ёмон қирол, ёмон халқ. Оқ юзлилар — жудаям ёмон халқ.

Мабель ушбу сўзлар асосан ҳақ гап эканини билганидан унга қарши чиқишга журъат этолмади.

— Энди нима қилай, Шабнам? — деб сўради у. — Ҳадемай қабиладошларинг бу иншоотни ўраб олиб, ҳужум бошлашади.

— Истеҳком яхши: бош терисига тегишолмайди.

— Бу ерда гарнизон йўқлигини — агар аллақачон билиб олишмаган бўлса — тезда билиб олишади-ку, ахир. Оролда қанча одам қолганини сен ўзинг ҳам айтмаганмидинг менга; шубҳасизки, сен буни Ароухеддан билгансан.

— Ароухед билади, — жавоб қилди Шабнам, одамлар сонини кўрсатиш учун олтига бармоғини баланд кўтариб. — Ҳамма қизил танлилар билади. Тўрттаси бош терисидан ажради, иккитасининг сочи ҳали бус-бутун.

— Буни гапирма, қўй, Шабнам, даҳшатдан томиримда қон музлаб қолай деяпти! Сеникилар истеҳкомда мен бир ўзим эканимни билишмайди; улар тоғам, квартирмейстерни мен билан бирга деб ўйлаб, ташқарига чиқишга мажбур қилгани истеҳкомни ёқиб юборишлари мумкин.

— Истеҳкомни ёқишмайди, — деди Шабнам хотиржамгина.

— Сен буни қаёқдан ҳам билардинг, меҳрибон Шабнамгинам.

— Истеҳкомни ёқишмайди. Истеҳком яхши: бош терисига тегишмайди.

— Хўш, айт-чи менга, Шабнам, нега? Мен ҳар қалай ёқиб юборишади деб қўрқяпман.

— Ёмғир кўп бўлган, ёғочлар ҳўл, дарров ёниб кетмайди. Қизил танли истеҳкомни ёқиш ингизларга ирокезлар бу ерда бўлганини сездириб қўйишини билади. Йўқ-йўқ, ҳинду жудаям айёр, ҳеч нимага тегмайди.

— Тушунаман сенга, Шабнам, кейин, сенинг башоратинг тўғри келишидан умидворман; агарда отам қутулиб кетганида эди-я... Эҳ, Шабнам! Балки аллақачон ўлдирилган ёки бандиликдадир...

— Отага тегишмайди — унинг қаёққа кетганини билишмайди: сувда из йўқ, қизил танли тополмайди уни. Истеҳкомни ёқишмайди, истеҳком яхши, бош терисига тегишмайди.

— То отам қайтиб келгунича шу ерни мен учун бежавотир жой деб ўйлайсанми?

— Билмайман; отаси қачон келишини қизи яхшироқ билади.

Шу сўзларни айтarkan Шабнамнинг қора кўзлари ялтираб кетганини кўриб ташвишга тушиб қолди Мабель. Қиз, дугонам ўз қабиладошларига нафи тегиши мумкин бўлган жамики нарсани билиб олишга ҳаракат қиляпти чоғи, деган фикрдан сира қутулолмаётган эди. У мужмал жавоб билан чалғитиб, мавзуни ўзгартирмоқчи бўлди.

Кўққисдан ташқаридаги эшикнинг зарб билан тарақлатиб урганлари эшитилди.

Мабелнинг бутун ўй-хаёли айни сонияда таҳдид солиб турган хавфга қаратилди зумда.

— Улар етиб келишди! — хитоб қилди у. — Эҳтимол бу тоғам ёки квартирмейстердир, Шабнам. Бундай пайтда ҳатто Мюйр бўлганидаям эшикни очмасликка иложим йўқ.

— Нимага қараб кўрмайсан? Бунинг учун шинаклар кўп-ку.

Мабель унинг маслаҳатига қулоқ солиб, чопқиллаганча шинаклардан бирининг ёнига борди; одатда туйнукка тиқиб бекитиб қўйиладиган ғўлачани суғуриб олди-да, эшик олдида нималар бўлаётганини билиш ниятида ўша шинакдан мўралади. Мабелнинг чеҳрасида безовталиқ пайдо бўлганидан дугонаси ҳиндулар истеҳкомга етиб келишганини фаҳмлади.

— Қизил танли одам, — деди Шабнам, иложи борича оқилона иш тутиш керак деган маънода бармоғини лабига босиб.

— Тўрт киши! Ваҳимали қилиб бўёқлар чаплаб олишган, белларида қон томчилаб турган ўлжалари осиглиқ! Ароухед ҳам бор ораларида!

Шабнам шу дамда бир нечта қурол териб қўйилган бурчакка ўтиб борганди; жувон қуролдан бирини қўлига ҳам олганди, лекин эрининг исмини эшитиб тўхтади-ю, ўйланиб қолди. Бу ҳол бирор дақиқадан нарига ўтмади барибир; жувон шинак олдига келиб, милтиқ милини энди туйнукка тиқишга чоғланганида Мабель қон тўкишга нисбатан нафратини енга олмай, унинг қўлидан ушлаб қолди.

— Йўқ, йўқ, йўқ, Шабнам!— деди у.— Эрингга қўл кў-
тара кўрма, ундан кўра мен ўлганим яхши.

— Ароухедга зиён етмайди,— эътироз билдирди Шаб-
нам, хиёл титраб кетиб,— ҳамма қизил танлиларга зарари
тегмайди. Уларга қараб отмайман, уларни чўчитиб қўяман
хелос.

Шунда Мабель Шабнамнинг ниятини тушунди-ю, қар-
шилиқ қилиб ўтирмади.

Бу орада ҳинду жувон милтиқ милини шинакдан ўт-
казди-да, диққатни тортиш учун имкони борича шовқин
чиқаришга тиришиб, тепкини босди. Ҳали варанглаб отил-
ган ўқ овози тинмасданоқ Мабель дугонасига таъна қила
кетди:

— Отмайман девдинг-ку... эҳтимол ўз эрингни ўлдириб
қўйгандирсан...

— Отмасимдан буруноқ ҳаммалари тирақайлаб қочиб
қолишган!— дея эътироз билдирди Шабнам кулиб.

Ўз дўстларининг хатти-ҳаракатларини кузатиш мақса-
дида иккинчи шинак ёнига бораркан, жувон янаям қат-
тиқроқ кулди:

— Қара, ҳамма жангчилар буталар орасига уриб ке-
тишибди! Шўр Сув билан квартирмейстерни шу ерда деб
ўйлашди. Энди қўрқиб қолишди.

Шабнам милтиқни қўйиб, Мабель дармонсизланиб ўти-
риб қолган сандиқнинг ёнгинасига чўкди. Ҳинду жувон ду-
гонасига тикилди. Шабнамнинг юзи — Мабелнинг назари-
да шундай кўринди — жиддий ва шу билан бирга ташвиш-
ли тус олди.

— Ароухед — буюк жангчи,— деди тускарорнинг хоти-
ни,— қабиланинг ҳамма қизлари унга кўп қарашади. Оқ
юзли сулувнинг ҳам кўзи бор.

— Шабнам! Бу нима деганинг, нега бундай ғалати ти-
киляпсан? Нима демоқчисан ўзи?

— Шабнам Ароухедни ўлдириб қўяди деб нимага бу-
нақа кўрқдинг?

— Хотиннинг эрига қўл кўтарганини кўриш даҳшат
эди мен учун! Йўқ, Шабнам, ундан кўра мен ўзим ўлганим
яхшийди!

— Ростми шу?

— Рост, Шабнам? Онт ичаман, рост бу! Мен бугун
шундоқ ҳам ҳаддан ортиқ, жуда кўп даҳшатни кўрдим.
Лекин сен нимадан гумонсираяпсан ўзи?

— Билмайман. Шўрлик тускарор қизи жудаям тентак-
да. Ароухед — буюк жангчи, атрофидаги ҳамма нарсага

қарайди, кўради. Тушида оқ юзли сулув тўғрисида гапиреди. Улуғ сардор кўп хотинларни яхши кўради.

— Сизларда сардорлар кўп хотинли бўлишига йўл қўйиладими ҳали?

— Қанчани боқолса, ўшанча хотин олади. Буюк овчи тез-тез уйланади; Ароухедда бўлса фақат Шабнам, шунинчун у оқ юзли қизга кўп қараган, кўп кўрган қизни, кўп гапирган сулув тўғрисида.

Буни Мабелнинг ўзи ҳам биларди, ўрмонда кечган сафарлари пайтида Ароухеднинг ортиқча диққат-эътибори бир неча мартаба қизга ҳақоратдай туюлиб, дили ранжиганди; бироқ, ҳар ҳолда ҳозир хотинининг оғзидан бундай шамани эшитиб лол қолди. Узини тускарор хотинининг беихтиёр рақибаси ўрнида кўришдек оғир ва ҳаттоки изтиробли ҳиссиётни туйишдан ташқари Мабель, ишқилиб Саратон Шабнамнинг рашк қилиши зиён етказмаса гўрга эди, деб қўрқиб турарди. Аммо Шабнамга диққат ила тикиларкан, Мабель кўнгли жойига тушиб, тинчлана бошлади. Ушбу табиат қизининг очиқ чеҳрасида алданган севги ғам-андуҳи муҳрини ўқиш мушкул эмасди, бироқ энг синчкову энг шубҳачи нигоҳ ҳам унинг юзидан хоинлик ёхуд нафратдан асар тополмасди.

— Шабнам, сен менга хиёнат қилганинг йўқ-ку, ахир?— деди Мабель унинг қўлини қисиб, мардона очиқкўнгиллик эпкинига ён бериб.— Сен, ахир, менинг бошимни томагавк остига қўйиб бермассан?

— Сенга томагавк зиён еткизмайди. Ароухед бунга йўл қўймайди. Агар Шабнамнинг пешонасига эгачи-кундош битилган бўлса, Шабнам ўша сен бўлишингни истайди.

— Йўқ, Шабнам, менинг жамики сезгию ҳиссиётларим бунга қарши. Башарти қисматим ҳиндуга тегиш бўлган тақдирдаям, мен вигвамдаги сенинг ўрнингни эгаллашга ҳеч қачон рози бўлмайман.

Шабнам ҳеч нима демади-ю, аммо унинг нигоҳида миннатдорлик яққол акс этиб турарди. У билади, Ароухед танийдиган ҳинду қизларидан бирортаси ҳусну малоҳат бобида ўзи билан баҳслаша олмайди. Эри истаса ўнлаб хотин олиши мумкин — Мабелдан бўлак ҳеч бири унга хавфли рақиб бўлолмайди. Мабелнинг ҳусни, жозибаси, латофатию аёллик малоҳати унинг қалбига шунақанги кучли таъсир кўрсатардики, бу туйғу рашк тазйиқи остида заифлашиш бир ёқда турсин, ҳатто кучайиб борарди. Ана шу боисдан ҳам у хаёлий рақибасини оролга бўлади-ган ногаҳоний ҳамла оқибатларидан халос этиб қолиш учунгина мана шундай қалтис қадам қўйишга ботинган

эди. Мабелни таҳдид қилиб турган фалокатдан огоҳ этиш учун хотинини Ароухеднинг ўзи юборганди, бироқ у ҳозир аёлининг сездирмайгина жангчилар билан бирга оролга ўтиб олгани ва ҳозирда истеҳкомда эканидан бехабар эди. Аксинча, у Кап билан Мюйрни Мабель билан бирга, ўқни ҳам ўшалардан бири узди деб ўйлаётганди.

— Нилуфарнинг,— ҳинду жувон ўз шоирона тилида қаҳрамонимизни ана шундай атарди,— Ароухедга тегишни хоҳламаслигига ачинади Шабнам. Унинг вигвами кенг, каттакон; буюк жангчига уни тўлдириши учун кўп хотин керак.

— Ҳимматинг учун ташаккур сенга, Шабнам, аммо бундай таклиф оқ танли аёлларнинг майлу одатларига зид келади,— дея эътироз билдирди Мабель беихтиёр кулиб.— Бунинг устига, эҳтимолки, ҳеч қачон турмушга чиқишга жазм этолмасам кераг-ов.

— Сенга яхши эр керак,— деди Шабнам.— Агар Ароухед ёқмаса, Чучук Сувни танла.

— Ҳозир бунақанги нарсани ўйлайдиган пайтмас-ку, Шабнам! Агарда иложи бўлса, тоғамнинг ўлик-тириклиги ва бехатар жойдами, йўқми, шунни билишни истардим.

— Шабнам қараб келгани боради.

— Нима-нима, сен ўшоққа бормоқчимисан? Шу оролда эканингни кўриб қолишларидан қўрқмайсанми? Қабиладош жангчиларинг сени шу ердалигингни билишадими ўзи? Аёл кишининг уруш сўқмоқларида изларидан эргашиб келганини билиш уларга ёқармикин?

Мабель ушбу саволларни, худди ўзи кутганидан бошқача жавоб олишдан қўрқаётгандек кетма-кет, шоша-пиша қалаштириб ташлади. Унинг наздида Шабнамнинг жангчиларга эргашиб келгани ғалати туюлаётган эди. Шабнамни ўз қайиғида ирокезлар билан изма-из чиқиб, уни ўлимдан сақлаб қолган маслаҳатни бериш учунгина буёққа жангчилардан олдинроқ етиб келган деб ўйлаётганди. Аммо бу тахминларнинг бари хато эдики, тез орада Шабнам ўзига хос тилида уни ушбу ҳолдан воқиф этди.

Ароухед гарчи сардор бўлса-да, ўз қабиласида ҳурмат қозонолмай, ирокезлар билан вақтинча иттифоқ тузиб, ўшалар билан биргалашиб иш тутаётган эди. Унинг ўз вигвами бор экан-у, бироқ кулбасига аҳён-аҳёнда бораркан; ўзини инглизларга дўст кўрсатиб, бутун ёзни уларнинг хизматида ўтказибди-ю, аслида эса французларга хизмат қилибди; хотини унинг барча сафару кезишларида ҳамроҳ бўлибди. Хулласи калом, унинг шу ерда эканлиги сир эмас экан: эри Шабнамсиз камдан-кам йўлга чиқар-

кан. Шуларни барини билгач, Мабель қизил танли дугонасини раъйдан қайтармоқни бас қилди. Улар келишиб олишди, қулай фурсат келди дегунича Шабнам истеҳкомдан чиқиб, Капга нима бўлганини билиб келадиган бўлди.

Улар барча шинаклардан оролни кузатиб чиқишар экан, голибларнинг бутун кулбаларни талон-торож қилиб бўлиб, энди базму зиёфатга ҳозирланаётганларини кўришди. Озиқ-овқатнинг аксар қисми истеҳкомда сақланарди-ю, лекин кулбалардан ҳам етарлича ўлжа топилган эди. Жасадларни қаёққадир олиб кетишибди, ўлдирилган жангчиларнинг қуроолларини эса базм қуришга мўлжаллаган жойлари ёнига қўйишибди. Оролдаги ҳамма нарса илгари қандоқ бўлса ўшадоқлигича қолдирилган, зероки голиблар пистирма қўйиб, сержантнинг бўлинмасини тузоққа илантириш умидида эдилар. Бўлинма яқиндагина йўлга чиққан, уни фақат кутилмаган ҳодисагина орқага қайтишга мажбур эта олиши мумкинлигича ҳам қарамай, Шабнам дугонасига дарахт тепасида ботнинг қайтишини пойлаб ўтирган одамни кўрсатди. Истеҳкомга ҳужум қилишдан далолат берадиган ҳеч бир аломат сезилмасди; ҳужум асоратларини Изқуварнинг кўзи сингари тажрибали кўз пайқаб қолмасин деган хавотирда ҳиндулар то сержант бўлинмаси билан қайтгунига қадар уни қамалда тутиб туришмоқчига ўхшайди, дея тахмин қилди Шабнам. Ҳиндулар ботни ўзларининг қайиқлари турган буталар остига яшириб қўйишибди.

Шабнам ўз одамларини кўрмоқчи эканини айтди. Фурсат истеҳкомдан чиқиш учун жуда қулайдек кўринди унга. Улар зина-нарвондан пастга тушишаётганларида Мабелнинг кўнглида бир нафаслик шубҳа туғилди-ю, бироқ ўша ондаёқ ўзи уялиб кетди бундан, зотан бу дугонасига нисбатан адолатсизлик ҳамда шахсан ўзига нисбатан номуносиб ҳол эди. Эшикни улар ниҳоятда эҳтиёткорлик билан очишди. Охирги ғалақа сурилиб, эшик сирғалиб чиқиб кетгудек қия очилган заҳоти Шабнам тирқишдан лип этиб ўтди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Мабель эшикни яна ёпа солиб, ғалақалардан бирини сурди. Юраги шунақанги дукурлаб урардики, тез-тез дукуллаши нақ эшитилиб турарди. Ана шундан сўнггина сал енгил тортиб, қолган иккита ғалақани энди хотиржамроқ суриб қўйди. Ҳаммаси илгаригидек жой-жойига келгач, у истеҳком девори ортида содир бўлаётган жамики хатти-ҳаракатлар кўриниб турадиган биринчи қаватга кўтарилди.

Йилдай узун, одамни эзадиган ва изтироб берадиган соатлар бошланди. Мабель Шабнамга нима бўлганини

билмасди. Қулоғига ҳиндуларнинг ҳайқириқлари чалиниб турарди. Кучли ичимликлар уларни одатдаги эҳтиёткорликларини унутишга мажбур этганди. Чошгоҳга яқин у оролда аллақандай оқ танли одамни кўриб қолди; кийими ва дағал кўринишидан уни олданига янги келган ҳинду бўлса керак деб ўйлаш мумкин эди. Унинг башарасига диққат-ла тикилиб қараркан — айтмоқчи, тўқ бугдойранг, бунинг устига офтобда қорайган — Мабель ўз гумони тўғри эканига шубҳаланмай қўйди. Қалби гўёки сал енгил тортгандай бўлди: ҳар нима қилганидаям яқингинасида оқ танли одам бор, ниҳоятда қисталанг келиб қолган хатарли дамда унга мурожаат қилиши мумкин-ку.

Кун Мабелга бугун бир ойдек туюлди. У, афтидан, Шабнамнинг ҳақ эканини, истеҳкомга отаси келгунига қадар тегмасликларини, ҳиндулар пистирма қўйиб, отасини тузоққа илинтириш умидида эканликларини тушуниб турарди. Шу боисдан у бевосита хавфу хатардан унчалик ташвиш тортмаётган эди-ю, бироқ келажак одмию хира бўёқларда намоён бўлаётганди тасавурида. У ўзини асир олганларидан кейин ҳоли нима кечажagini ўйламаслигининг иложи йўқ эди. Мабель агар ҳиндулар бандиларни ўлдирмасалар, уларни ўз манзилгоҳларига олиб кетишларидан яхши хабардор эди. Уёқда асирни кимки ўз хонадонига олиш истагини билдирса, банди ўшанинг хусусий мулкига айланади. Мабель қолган умриларини ўзларини олиб қочганларнинг вигвамида ўтказган талайгина аёллар тўғрисида эшитганди.

Кундузи унинг аҳволи қанчалик қўрқинчли бўлмасин, оролга оқшом кўлагаси қўна бошлаганда янада даҳшатли тус олди. Ёввойилар бу пайтга келиб жазавага тушиб, ўзларини йўқотар даражага етгандилар: инглизларнинг кулбаларидан топган жамики ичкиликни ичиб тугатган эдилар. Француз бошлиқларининг уларни итоатда тутишга бўлган уринишлари асло иш бермади, шу сабабли у олдиндан оқ манзилгоҳга ўхшаш панагоҳи бор қўшни оролга жўнаб қолди. Аммо жўнаб кетишдан олдин у ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса ҳамки, оловни ўчириш ва янгитдан ўт ёқса бўладиган барча восита-қуроолларни қўлга киритишга уринди. У ўзининг келгуси режалари учун зарур бўлган истеҳкомни ҳиндулар ёқиб юбормасинлар тагин деган хавотирда ана шу эҳтиёт чораларини кўришга чоғланган эди. У қуроолларни ҳам қўлга оливолишга ҳаракат қилиб кўрди-ю, лекин бу фикридан қайтишига тўғри келди: жангчилар пичоқ ва томагавкларини ўз шаъни-обрўини қадрлайдиган одам сифатида жон-жаҳдлари би-

лан ҳимоя қилдилар; қуроолларга келганда эса, пичоқ ва томагавкларни қолдириб, уларни олиб кетиш бефойда эди. Тез орада французнинг ўтни ўчириб ақлли иш қилгани маълум бўлди; негаки у кетиши биланоқ жангчилардан бири истеҳкомга ўт қўйишни таклиф қилди; Ароухед ҳам ирокезлар эс-ҳушидан айрила бошлаганларини сезгани ҳаманоқ маст-аласт тўда ёнидан жўнаб қолганди. У кулбалардан бирига кириб, бедор ўтган икки кечадан кейин дам олиш учун таппа похол устига ташлади ўзини. Шундай қилиб, ҳиндулар орасида Мабелнинг ташвишини чекиши мумкин бўлган ҳеч ким қолмади; қиз борлигини ҳатто улардан бирортаси билмас ҳам балки. Ана шу боисдан маст ҳиндунинг таклифини худди ўзи сингари масту аласт саккиз ёхуд ўн чоғли шериклари завқ-шавқ-ла кутиб олишди.

Бу Мабель учун даҳшатли онлар эди. Ҳиндулар шундай бир аҳволга келган эдиларки, истеҳкомда ҳар қанча куч бўлган тақдирда ҳам, эндиликда қуроолдан заррача чўчимай қўйишганди. Улар баралла ҳайқириб-қичқирган кўйи истеҳком деворига яқинлаб боришди. Дастлабки ҳамла эшикка қаратилган бўлиб, ҳаммалари биргалашиб унга ташланишди. Бироқ ғўла-ходачалардан ясалган мустаҳкам эшик уларнинг зарбасига дош берди. Юз киши бор кучини жамлаб туриб ташланган чоғда ҳам уни синдириб ё кўчириб чиқара олмасди бари бир. Аммо Мабель буни билмасди ҳали. Юраги кўкрак қафасида типирчилай кетди ва у эшикка ҳар бир кучли зарба берганларида қўрққанидан бир сапчиб тушарди. Ниҳоят Мабель эшик мустаҳкам турганини кўриб хийла дадиллашди-да, шинакдан ташқарига мўралади. Сабабини тушуниш маҳол бўлган жимжитликдан таажжубланди у: муқаррар фалокат яқинлашиб келаётганини кўнгли сезиб турган одамга ўша фалокат қачон содир бўлишини била олмаётгани ҳаммасидан кўра кўпроқ азоб беради.

Мабель икки ёки уч ирокезнинг кул-қўрни титиб, бир нечта чўғни топганлари ва пуфлаб ёндиришга тиришаётганларини кўрди. Вайрон қилиш, емириш иштиёқию қонқонларига сингиб кетган кўникмалари уларни якдиллик ва чаққонлик-ла ҳаракат қилишга даъват этганди. Оқ танли одам бўлганида кул орасида милтиллаётган қўрни пуфлаб ўт олдиришга уринишни аллақачоноқ йиғиштириб қўйиши тайин эди, бироқ бу ўрмон фарзандлари оқлар билмайдиган талай чора-тадбирлардан хабардор эдилар. Қуруқ хазон ёрдамида улар пировард-оқибатда ўт олдиришга муваффақ бўлдилар. Мабель шинакдан яна бир бор мў-

ралаганида ҳиндулар аллақачон эшик олдига шох-шабба қалаб, уни ёқиб юборишган эди. Олов тили шаббалар уз-ра сакраб-ўйноқлаб, ҳеч қанча вақт ўтмай ловиллаб ва чирсиллаб гулханга айланди. Шунда ҳиндулар емириш ишлари бошланги кетганига ишонч-ла, тантанавор наъра тортиб, ўз шериклари ёнига қайтдилар. Мабель жойидан қимирлашга ҳам ҳоли келмай, ҳануз пастга жавдираб тикилганича турарди. Даҳшатли хавф солиб, жонига қасд қилишга шайланган олов қизнинг нигоҳини қилт эткиздирмай, ўзига маҳлиё қилиб қўйганди. Аланга тобора баландлагандан-баландлаб борарди: ниҳоят у қизнинг нақ кўзлари рўпарасида ярқираб кетди. Қиз қарама-қарши бурчакка бориб биқинган сонияда аланга шинакдан ичкарига бостириб кириб, бутун хонани ёритиб юборди. Мабель куним битиб, қазойим етибди деган фикрга ҳам келиб қўйди, зероки яккаю ягона ташқарига чиқиб кетиш йўли бўлмиш эшик гулхан алангаси-ла тўсиб қўйилган эди. У кўзларини чирт юмди... Аммо яшаш иштиёқи ғоятда кучли эди, уни узоқ гафлату беҳушлик оғушига ташлаб қўя олмасди. Қиз беихтиёр кўзларини очаркан, гарчи кичкинагина шинак биқинидаги ёғочга ўт туташиб, шабада ёрдамида атрофга ёйила бошлаган бўлса-да, эндиликда аланга ичкарига урмаётганини кўрди. Бурчакда сувли бочка турарди, Мабель ондан кўра кўпроқ табий майлга итоат этиб, каттакон кружкани ола солиб сувга ботирди-ю, қўллари титраб ўша ёнаётган жойга сув сепиб ўчирди. У ердан чиққан тутун бир муддат қизнинг пастга қарашига халал бериб турди, лекин пировардида у сал тарқагач, қизнинг юраги умид ва хурсандчиликдан тепа кетди: у гулханнинг сочиб ташланганини, сув оқиб тушаётган эшик бўлса энди ёнмай, фақат тутаётганини кўрди.

— Ким у?— сўради Мабель.— Яратган кимни юборди менга мадад бергани?

Пастда енгил одим шарпаси эшитилиб, аллаким эшикни аста-аста тикиллатди.

— Буёққа кирмоқчи бўлаётган ким? Бу сизмисиз, меҳрибон, азиз тоғажоним?

— Шўр Сув йўқ бу ерда; Чучук Сув авлиё Лаврентийда,— деган жавоб бўлди пастдан.— Тезроқ оча қол, мен ичкарига киришим керак.

Мабель зина-нарвондан югургилаб тушди, ҳеч қачон у бундай енгил одим ташламаган, ҳеч қачон бундай илдам ва тез ҳаракат қилмаганди. Айни аснода қиз фақат қутулиб, жон сақлаб қолишнигина ўйларди, шу ўй билан у, эҳтиёткорликни йиғиштириб қўйиб, эшикни шошилиб, шарт-

та очди. Унинг хаёлига келган биринчи истак очиқ ҳавога отилиб чиқиш, кўр-кўрона умид даъвати-ла истехкомни тарк этиш эди, аммо Шабнам унинг йўлини тўсиб, хотир-жамгина эшикни беркитди.

— О, ташаккур сенга, миннатдорман сендан, Шабнам!— нидо солди Мабель жўшиб.— Негаки сен мени ўлимдан қутқариб қолдинг!

— Бунақа қаттиқ қучоқлама,— жавоб қилди ҳинду жувон.— Оқ юзли аёл нуқул йиғлайди ёки кулади. Қўй энди, Шабнам эшикни қулфласин.

Мабель тинчланди, сал ўтмай улар юқориги қаватга чиқиб олишганди. Ораларидаги ҳар қандай шубҳа-гумон ёки рашк барҳам топганди.

— Энди айт менга, Шабнам,— дея гап бошлади Мабель дугонасини маҳкам қучиб,— бечора тоғамни кўрмадингми ёки у тўғрисида бирон нима эшитмадингми?

— Билмайман. Ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким эшитмаган, ҳеч ким билмайди. Балки Шўр Сув ирмоқда бекиниб олгандир. Йўқса қаёқда бўлади у? Квартирмейстер ҳам. Мен қарадим, қарадим, қарадим, лекин уларни — на унисини, на бунисини — ҳеч қаерда кўрмадим.

— Худога шукр! Қаергалигини билмасак ҳам, ишқилиб, қочиб қолишибди. Назаримда, бу ерда, оролда французга кўзим тушгандай бўлди шекилли?..

— Ҳа, француз капитан келди ва яна кетди. Оролда ҳиндулар анча.

— О, Шабнам! Душманларнинг қўлига тушиб қолмаслиги учун отамни огоҳлантиришнинг биронта чораси йўқмикин-а?

— Билмадим. Ўйлайманки, жангчилар пистирмада туришибди, ингизлар бош териларидан ажрашади.

— Сен қизига шунча яхшилик қилиб, наҳотки отасинга ёрдам беришга унамасанг?

— Отасини билмайман, отасини яхши кўрмайман. Шабнам ўз халқига ёрдам беради, Ароухедга ёрдам қилади; эри бош терисини яхши кўради.

— Шабнам, бу сенга ўхшамайди-ку сира! Наҳотки сени бизнинг аскарларимизни қандай ўлдиришларини кўргинг келса?!

Шабнам чарос кўзларини бепарвогина Мабелга қадади; унинг нигоҳида оний шафқатсизлик йилт этди-ю, ҳаял ўтмай ғамнок ҳамдардлик ила алмашинди.

— Нилуфар — ингиз қизи-я?— дея сўради у.

— Ҳа, шунинг учун ҳам мен ингиз қизи сифатида ўз юртдошларимни қирғиндан қутқариб қолсам дейман.

— Агар уддасидан чиқсанг, жуда яхши. Шабнам ингиз қизимас. Шабнам — тускарор аёли; унинг эри тускарор, юраги тускарорники, ҳис-туйғулари тускарорники — ҳаммаси тускарорники.

— Менга ёрдам бердинг, мени қутқардинг-ку, Шабнам! Агар фақат тускарордай ўйлайдиган бўлсанг, унда нимага бундай қилдинг?

— Фақат тускарордай ҳис қилмайман, қиз боладай, скваудай ҳис қиламан. Гўзал Нилуфарни яхши кўраман ва уни кўксимда сақлайман.

Мабель ҳўнграб йиғлаганча бу ёқимтой ҳамда меҳрибон хилқатни маҳкам оғушига олди. Орадан бирор дақиқа ўтиб қиз пича хотиржам тортди-да, бағоят изчиллик-ла гап бошлади.

— Қани айт-чи, Шабнам, мени нима кутяпти?— деб сўради у.— Ҳозир: кечаси, сенинг дўстларинг хурсандчилик қилишяпти; эртага нима қилиш ниятида улар?

— Билмадим. Ароухедни кўришдан чўчийман, сўрагани қўрқаман; бекинишиб, ингизларнинг қайтишини кутишса керак, деб ўйлайман.

— Улар истеҳкомга яна ҳужум қилишмасмикин? Уларнинг қўлидан нималар келишини ўзинг кўрдинг-ку!

— Ром кўпийди, Ароухед ухлаб ётибди, бўлмаса ҳеч ким ботинолмасди; француз кетган, бўлмаса ҳеч ким бундай қилолмасди. Ҳозир ҳамма ухлагани кетган.

— Сенингча, мени хавф-хатардан холи, ақалли шу кеча, деб ўйлайсанми?

— Ром жуда кўп, Нилуфар Шабнамга ўхшаганидами, ўз халқига анча хизмат кўрсатган бўларди.

— Қошки ўз юртдошларимга ёрдам бериш истаги мени худди сендек довиорак қила олсайди, унда сенга ўхшаган бўлардим.

— Йўқ, йўқ, йўқ!— дея шивирлади Шабнам унга.— Бунга юрак етишмайди, борди-ю етишганидаям бари бир Шабнам қўйиб юбормасди. Шабнамнинг онаси бир марта асир тушган, ўшанда жангчилар ичиб маст бўлишган. Она уларни ҳаммасини томагавк билан ўлдирган. Қизил танли хотин элати хатарда қолган ва бош терисини шилишни хоҳлаганида мана нималарни қила олади!

— Сен тўғри айтяпсан,— жавоб қайтарди Мабель бир сесканиб тушиб, ихтиёрсиз равишда Шабнамнинг қўлларини қўйиб юборар экан.— Мен бундай қилолмайман. Қўлларимни қонга белагани кучим ҳам, жасоратим ҳам, иродам ҳам етмайди.

— Узим ҳам шундай деб ўйлайман. Ана шу ерда қол. Истеҳком яхши: бош терисига тегишмайди.

— Шундай қилиб сен, бу ерда беҳавотир бўласан, ақалли отанг қайтгунича, деб ўйлайсанми?

— Шундай деб ўйлайман. Эрталаб истеҳкомга теккани ҳеч зоғ журъат этолмайди. Қулоқ сол — ҳозир ҳаммаёқ жимжит; то бошлари шилқ этиб тушгунича ром ичишди, худди холадай қотиб ухлаб ётишибди.

— Қочиб қолсам бўлмайдими? Оролда қайиқ кўпга ўхшайди шекилли... Улардан биттасини олиб, бу ердаги воқеалардан отамни огоҳлантиргани сузиб кетсам бўлмай-дими?

— Эшкак эшишни биласанми ўзи?— деб сўради Шабнам дугонасига ўгринча кўз қирини ташлаб қўяр экан.

— Эҳтимол сенчалик яхши билмасман-у, лекин эрталабгача кўзга кўринмайдиган жойгача етиб ололсам керак деб ўйлайман.

— Ундан кейин-чи? Олти, саккиз, ўн милгача эшкак эшиб бороласанми?

— Буни удалай оламанми-йўқми, билмадим-у, лекин отамни, олиҳиммат Изқувар ва бошқаларни огоҳлантириш учун қўлимдан келганини ҳаммасини қиламан.

— Изқувар ёқадими?

— У таниганларнинг ҳаммасига ёқади. Сенга ҳам ёқиши мумкин эди... йўқ, ёқардигина эмас, қалби қанақалигини билганингда севиб қолган бўлардинг уни!

— Яхши кўрмайман, сираям яхши кўрмайман уни! Қуроли жудаям яхши, кўзи жуда ўткир, жуда кўп ирокезлар — жуда кўп Шабнамнинг биродарларини отган. Қани энди қўлимдан келса, бош терисини шилиб олардим!

— Мен бўлсам-чи, агар урдасидан чиқолсам, уни қутқаришим керак. Бу хусусда биз бир-бировимизни тушунолмаймиз, Шабнам. Ҳамма ухлаб ётганида бориб, қайиқни излаб топиб, оролдан жўнай қолай.

— Қилолмайсан бундай. Шабнам юбормайди. Ароухедни чақиради.

— Шабнам! Сен менга хиёнат қилолмайсан, шунча яхшилик қилиб қўйиб, мендан юз ўгиришни истамассан энди!

— Истайман!— дея қаршилик билдирди Шабнам қўларини орқасига қилиб, Мабель шу пайтгача унда сезмаган қизиққонлик ва эҳтирос-ла куйиб-ёниб.— Овозим борича Ароухедни чақираман. Аёлнинг бақирган овози жангчиларни уйғотиб юборади. Шабнам Нилуфарни душман-

ларга ёрдам бергани юбормайди, ҳиндунинг Нилуфарни ўлдиришига қўймайди.

— Тушуняпман сенга, Шабнам, иннайкейин, тўғрисини айтганингдан кўнглим бузилиб кетди; албатта, шу ерда қолганим яхши-я; назаримда, ўз кучимга ҳаддан ортиқча баҳо беряпман шекилли. Лекин менга бир нарсани айт: мабодо кечаси тоғам келиб қолсаю ичкарига киритишни сўраса, унга эшик очишимга рухсат берасанми?

— Албатта; бу ерда у банди бўлади, Шабнам бўлса бош терисидан кўра бандиларни кўпроқ ёқтиради; бош териси шон-шуҳрат учун яхши, банди эса ҳис-туйғу учун яхши. Лекин Шўр Сув шунақанги усталик билан бекиниб олганки, қаердалигини ўзиям билмайди.

Гап шу ерга етганда Шабнам ўзининг ифбатли, шўхчан табассуми-ла кулиб қўйди. Дугоналар орасида узоқ суҳбат бошланди. Мабель ўзининг ҳозирги аҳволи хусусида аниқроқ бирон нарсани билиб олишга тиришар ва билладиган янги маълумотларимнинг нафи тегиб қолар дея қисман умид боғларди. Шабнам унинг барча саволу сўроқларига оддийгина қилиб, аммо эҳтиёткорлик ила жавоб берарди. У нима аҳамиятсизу нима дўстларини хавфхатарга қўйиши ёхуд бундан буёнги ҳаракатларига халал бериши мумкинлигини яхши тушунарди. Мабель эса устмонлик қилиш ва айёрлик билан дугонасидан сир олишнинг уддасидан чиқолмасди. Устига-устак, бундай уриниш бефойда эканини сезиб-пайқаб турарди у.

Шабнамнинг гапига қараганда Ароухед аллақачонлардан бери французлар билан алоқада экан-у, фақат эндигина, биринчи маротаба ниқобини олиб ташлабди, нега деганда ўзига нисбатан ишончсизлик аломатларини — асосан Изқувар томонидан — пайқабди. Оролга ҳужум қилишда у ҳиндуларга йўлбошчилик қилибди (аммо французлар буйруқларига итоат этган ҳолда). Дарвоқе, Шабнам оролни топган ва унинг қандай жойлашганини кўрсатиб берган айнан Ароухед эканини айтмади. Бу тўғрида миқ этмади-ю, лекин қувиб етиб, қўлга туширган пайтларида эри икковлари «Учқур»ни кузатиб юрганларини тан олди. Соқчи оролининг қаерда жойлашганини французлар яқингинада билишибдиммиш. Мабель, гўёки юрагига ханжар санчилгандек, қаттиқ бир оғриқни туйди; ҳинду жувоннинг мавҳуму мубҳам шамаларидан асосий маълумотларни Дункан Лэндининг қўл остидаги оқ танли одам етказганини фаҳмлаб олди у. Бироқ бир оздан сўнг, Мабель дугонасининг сўзлари устида ўйлаб кўриб, унинг жумлалари қанчалик калта-култаю жумбоқли эканини эс-

ларкан, унинг гапларига яхши тушунмадим, Жаспер Уэс-терига қарши жамики шубҳа-гумонлар нотўғри, деган умид-ла ўзига тасалли бера бошлади.

Шабнам ўзини оролга у ерда қанча одам қолганини аниқ билиш мақсадида юборганларига иқрор бўлди; бироқ у, айни пайтда, ўзига хос соддадиллик ила Мабелга ёрдами тегиши умидида бу топшириқни бажонидил қабул этганини ишора қилиб ўтди. У олиб борган маълумотлар ҳамда бўлак ахборотларга биноан душман рақибнинг кучи қанчалигини аниқ билган. Ирокезлар, шунингдек, сержант Дунгам билан қанча аскар кетгани ва бу сафарнинг мақсади қандайлигидан хабардор эканлар-у, аммо сержантнинг француз ботларини қаерда қарши олиши номаълум экан.

Вақт сезилмай ўтиб борарди. Икки аёл суҳбатга шунчалик берилиб кетишган эдики, ҳатто уйқуни унутишганди. Бироқ саҳарга қараб чарчоқ ғолиб келди. Мабель аскарлар учун тайёрлаб қўйилган поҳол тўшаклардан бирига ётишга рози бўлди ва ҳадемай қаттиқ уйқуга кетди. Шабнам унинг ёнига узанди. Шундай қилиб бутун оролни (мисоли ушбу ўрмонлар салтанатига ҳеч қачон инсон қадами етмагандек) теран осудалик ўз ҳукми-ихтиёрига олди.

Мабель уйғонганида шинаклардан ичкарига офтоб нурлари туша бошлаганди аллақачон; қиз алламаҳал бўлиб қолганини англади шунда. Шабнам умрида ҳеч бир ғамташвиш чекмагандек, бемалолу хотиржамгина ухлаб ётарди ҳануз. Шундай бўлса-да, кўп ўтмай Мабелнинг қимирлашидан уйғониб кетди у. Шундан сўнг икковлари ўрниларидан туриб, шинак туйнукларидан оролни кузата бошладилар.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БО

Мабель билан Саратон Шабнами бир шинак ёнидан иккинчисига ўтишаркан, оролда бирон тирик жон зотини кўришмади. Мак-Наб ва унинг ўртоқлари ўзларига овқат пиширган жойда ҳануз олов милтиллар, ундан осмонга ўрлаётган тутун бамисоли олисдагиларни ёнига чорлар эди. Кулбалар атрофида ҳамма нарса жой-жойида эди. Мабель тўсатдан сесканиб тушди: бепарвогина майсага ёнбошлаганча, гўё беғаму беташвиш алланима ҳақдадир суҳбат қураётган эллик бешинчи полкнинг қизил мундиридаги уч кишига кўзи тушиб қолганди. У диққат-ла тикила бошлади, мурдаларнинг қони қочган юзию хира торт-

ган кўзларини пайқаб пешонасидан муздек тер чиқиб кетди. Уларни шунақанги усталлик билан жойлаштирган эдиларки, бу манзара юз ярд масофадан ношуду бепарво кузатувчини чалғитиши ҳеч гап эмасди. Шабнам оролнинг тўрт томонини синчиклаб назардан ўтказгач, ўз дугонасига оёғини сувга осилтирган кўйи, дарахтга суйанганича қармоқ ушлаб ўтирган тўртинчи жангчини кўрсатди. Бу бахти қароларнинг терисидан жудо бўлган бошларига қалпоқ кийдирилган бўлиб, уларда қон изидан асар ҳам кўри-масди.

Мабелнинг даҳшатдан юраги ўйнаб, ич-эти эзилиб кетди. У ўтира солиб, юзини пешбанди ила беркитди-ю, бир неча дақиқа у ҳолатда қилт этмай ўтириб қолди. Бироқ дугонаси уни оҳиस्ताгина шинак ёнига чорлади. Саратон Шабнами унга Женнининг жасадини кўрсатди; жасад сал олдинга энкайганча кулба эшигида турарди — гўёки жувон суҳбат қураётган жангчилар томонга қараётгандай. Мурданинг қўлида чўтка. Бошига кийгизиб қўйилган мато қалпоқча шамолда ҳилпирарди. Ораликдаги масофа узоқ бўлганидан афтини аниқроқ кўришнинг иложи йўқ эди. Шунга қарамай, Мабелга маитнинг лаблари ваҳимали кулгу-ла қийшайиб-қинғайиб тургандай кўринди.

— Оҳ, Шабнам, Шабнам! — дея нидо солди у. — Мен сенинг қабилангнинг макрию хиёнаткорликлари ҳақида эшитиб келардим шу пайтгача, лекин буниси ҳаммасидан ҳам ошиб тушди-ку!

— Тускарор жуда айёр, — жавоб қилди Шабнам, у шундай оҳангда гапирдики, бундан жувоннинг ушбу ҳийлани нафақат қораламаётганигина эмас, балки аксинча маъқуллаётгани яққол сезилиб турарди. — Аскарларни жони огриётгани йўқ ҳозир — ирокезларга фойда етказяпти улар: олдин бош терисини шилиб олиб, энди ўликларни ишлашга мажбур қилишяпти. Кейин бўлса уларни ёқишади.

Ушбу сўзлар Мабелга фикрлаш, тафаккур тарзи бобида ўз дугонасидан қанчалар йироқда эканини кўрсатди. Мабелнинг бир неча муддатгача дугонаси билан сўзлашишга тили бормади, бироқ Шабнам дугонасининг тушунарсиз туйғуларига мутлақо бепарво қараб, ўзига хос куйгунчаклик ила нонушта ҳозирларкан, мазкур бир нафаслик ҳазару жирканишни пайқамади ҳам. Нонушта устида Мабель номигагина тотинди, аммо дугонасининг иштаҳаси ҳеч қанча озайгани йўқ; сўнгра улар тағин оролни узоқ кузатишиб, ўй суришди, ҳар қайсиси ўз хаёли билан бўлди.

Узоқ кун давомида на бирон ҳиндунинг, на бирон фран-

цузини қораси кўриди. Ниҳоят тун қўрқинчлию жонсиз саҳна узра ўз чойшабини ёйди. Бу кеча хийла осойишта кечди, қисмати отаси қайтиб келмасидан бурун ҳал бўлмаслигига ишонч ҳосил қилган Мабель қаттиқ уйқуга кетди. У отасининг эртага қайтишини кутмоқда эди.

Мабель эрта билан уйғонган заҳоти оролда об-ҳаво қандайлигию нималар бўлаётганини кўриш учун шинак олдига югуриб борди. Қўрқинчли мурдалар тўдаси ҳамон ўша ҳолатда: балиқчи ҳануз қармоқни ушлаб ўтирибди, Женнининг жасади ҳам кулба эшиги олдида энкайганча турибди. Ҳаво ўзгарибди: шамол жанубдан эсяпти, гарчи ҳаво очик, мусаффо бўлса-да, бўрон нафаси келиб турибди.

— Бу манзарага ортиқ дош беролмайман!— деди Мабель туйнук ёнидан узоқлашаркан.— Анави қўрқинчли мурдаларга тикилиб ўтиргандан душман билан бетма-бет бўлган тузукроқ.

— Қулоқ сол, улар келишяпти! Саратон Шабнами эшитди — худди жангчи бош терисини шилаётганда ҳайқиргандақанги ҳайқиришяпти.

— Нималар деяпсан ўзи! Бу ерда яна қирличоқ бўлиши мумкин эмас-ку!

— Шўр Сув!— қичқириб юбораёзди ҳинду жувон шинакларнинг биридан мўралаб, кулганича.

— Вой тоғажоним! Худога шукр, тирик экан у! О Шабнам, Шабнам, уни ҳалок этишларига йўл қўймайсан-а?!

— Шабнам — ожиза бир сквау. Қайси жангчи унинг айтган гапига қулоқ соларкан? Ароухед уни буёққа олиб келяпти.

Мабель туйнукдан мўралаб, Кап билан кватирмейстерни душманлар қўлида кўрди. Саккиз ёхуд ўн чоғли ҳиндулар бандиларни истехком томон олиб келишяётган эди. Уларни асир олгач, ҳиндулар оролда бўлак бирор эркак қолмаганига ишонч ҳосил қилгандилар. Мабель бутун бўлинма тўғри эшик рўпарасига келиб тўхтаганини кўрганида нафаси ичига тушиб кетаёзди, аммо ҳиндулар орасидаги француз офицерга кўзи тушиб ўзида йўқ суюнди. Оқ танли бошлиқ ва Ароухед ўз асирлари билан оҳиста, лекин қизғин гаплашиб олишди. Шундан сўнг Мюйр баланд овозда Мабелни чақиришга тушди:

— Соҳибжамол Мабель! Ҳой сулув Мабель! Шинакларнинг биридан қаранг, ўтинаман сиздан, биз бечораларнинг аҳволимизга раҳмингиз келсин! Агар ғолибларга эшикни очмасангиз, бизга бешак ўлим таҳдид қиляпти.

Бирор дақиқани зое кеткизманг, йўқса — минг афсуски! — ярим соатдан кейин бошимиз терисидан жудо бўлади.

Ушбу нидонинг истеҳзоли ҳамда енгилтагона оҳанги Мабелнинг имкони борича истеҳжомда жон сақлаш ниятини янада мустаҳкамлади.

— Тоғажон, айтинг, — деди у шинакка тақалиб келиб, — ўзингиз айтинг, нима қилишим керак?

— Худога шукр! — деди Кап. — Майин овозинг, Магнит, қалбимни эзиб ётган оғир ғам-андух юкини енгиллатди. Сенинг бошингга ҳам шўрлик Женнининг қисмати тушмадимикин деб қўрққандим. Кейинги икки кун ичида наздимда худди юрагимга тонналаб қўрғошин осиб қўйгандек бўлаверди нуқул. Сен мендан, нима қилишим керак, деб сўраяпсанми, бўталоғим? Синглимни қизи, туғишган жигарим бўлсанг ҳам, ростини айтсам, сенга нима маслаҳат беришни билмай қолдим! Бечора қизалоғим, икковимиз мана шу чучук сув кўлмагини кўрган кунимизга лаънатлар ўқишдан бўлак гапим йўқ энди!

— Тоғажон, ҳаётингиз ҳақиқатан ҳам хавф остидами? Сиз нима дейсиз, анави пастдаги эшикни очишим керакми?

— Бу минора — лангар ташлаб турадиган ажойиб бандаргоҳ; агарчи кимки манави иблисларнинг чангалига тушмаган экан, мен унга буларни ўз ихтиёри билан ёнига киритишни маслаҳат бермасдим. Квартирмейстер билан менга келганда эса, икковимиз ҳам кекса одамлармиз, ҳалолу покиза Изқувар айтганидек, қолган инсоният учун ҳеч нимага арзимаймиз. Мистер Мюйр учун эса, ростини жиндаккина фарқи бор — шу йил ёки янаги йили ўзининг озиқ-овқат ҳисоб-китоб дафтарига чек қўйиб, хотима ясайди. Қани энди кема саҳнида бўлсам, ана унда нима қилишимни ўзим билардим-а! Бу ерда, мана шу ҳувиллаган ботқоқда эса иш тамоман бошқача... Бу ерда мен фақат, агарда ушбу деворлар ортида ўтирган бўлсам, ҳиндуларнинг ҳеч қанақанги ваъдаю алдаб-сулдашлари мени у ердан ташқарига етаклаб чиқаролмасди, дея оламан, холос.

— Тоғангизнинг гапларига эътибор берманг, гўзал Мабель! — қичқирди Мюйр. — Фалокат унинг эс-ҳушини лат едирган кўринади чамамда, шунинг учун ҳам шароит нимани талаб қилаётганини мундоқ ўйлаб кўрадиган ҳолатда эмас у. Биз мулоҳазали ва боҳурмат одамлар қўлидамиз, баски бирон-бир зўравонлик ишлатишларидан чўчишимизга ўрин йўқ. Бошимизга тушган кўргиликларнинг ҳаммаси уруш ҳаракатлари бораётган пайтдаги энг оддий нарсалардир ва бу ҳол рақибларимизга бўлган ҳурмати-

мизга путур етказолмайди. Хатти-ҳаракатларидан кўриниб турибдики, асирлар билан қонунга мувофиқ муносабатда бўладилар. На мен, на мистер Кап ўзимизни жасорати, босиғу вазминлиги билан нақ қадимги римлик ва спарталикларни эслатадиган мистер Ароухеднинг қўлига топширганимиздан берига норозилик туғдирадиган заррача важҳу баҳона бор бизда. Яна бизнинг одатларимиз билан ҳиндуларнинг таомиллари мутлақо бошқа-бошқа эканини бир эсланг-а, шундоқ экан, башарти сиз таслим бўлиш билан бизни халос этмасангиз, мистер Ароухед бизнинг бош теримизни ҳалок бўлганларнинг арвоҳу руҳларини шод этиш йўлида қурбон қилишга ҳақлидир.

— Мен токи оролнинг тақдири ҳал этилмагунча истеҳкомда қолсам бамаънироқ иш қилган бўламан,— жавоб қайтарди Мабель.— Менинг қаерда бўлишим душманларимиз учун бари бир; уларга ҳеч қандай ёмонлик қилолмаслигимни билишади ўзлари. Мен шу ерда қолганим маъқул. Менинг ёшим ва жинсимдаги одам учун хийла муносиб иш бўлади бу.

— Гап фақат сиз тўғрингизда борганида-ку, Мабель, биз жон-жон деб истак-хоҳишингизга қўшилган бўлардиг-а; лекин манави жаноблар истеҳкомни ўзларининг режаларини амалга оширишда фойдаси тегиб қолар деб ўйлаб, уни қўлга киритишни жуда-жуда исташяпти-да. Сизга очиғини айтсам, тоғангиз билан бирга шундай танг аҳволда қолган эканмиз, мен офицерлик ҳақ-ҳуқуқимдан фойдаландим ва оғзаки битим тузиб, шунга биноан истеҳком билан оролни топширишга сўз бердим. Бу — урушнинг бевафою беқарорлиги, баски, унга тан бермоқ даркор. Шундай қилиб, сулув Мабель, эшикни очинг-у, истеҳкомни тарк этинг-да, бошга фалокат тушганда гўзаллиги эзгуликка нисбатан қандай муносабатда бўлишни биладиганлар ҳимоясига ишонаверинг измингизни. Бу сардордан кўра илтифотли ҳамда хуштавозею хушмуомалароқ ёки одоб-ахлоқ қонун-қоидаларини яхшироқ биладиган одам бутун Шотландияни излаб чиққанда ҳам топилмайди.

— Истеҳкомдан чиқа кўрма!— дея шивирлади Мабелнинг ёнгинасида бўлаётган жамики воқеаларни кузатиб турган Саратон Шабнами.— Истеҳком яхши: бош терисини шилиб олишолмайди.

Башарти ана шу маслаҳат бўлмаганида, Мабель ўнгити унатишларга ён берармиди: у, рақибларни қаршилиқ кўрсатиб аччиғини келтиргандан кўра ён бериб тинчлантирган маъқулга ўхшайди чамамда, деган ўйга ҳам бориб қолаёзган эди. Мюйр билан тоғаси истеҳкомда эркак йўқ.

лигини билиб турган ҳиндулар ҳукмида эдилар. Мабель агарда душманларни ихтиёран ичкарига киритишдан бош тортса, улар зўрлик ила эшикни бузиб киришлари ёхуд болға билан ёғоч деворни чошиб-бузиб киришлари мумкин деб ўйлади, зероки ғанимларнинг қуролдан чўчишларининг ҳожати йўқ эди. Бироқ Шабнамнинг сўзлари уни тўхтатиб қолди.

Ҳинду жувоннинг маънодор қўл сиқишларини ўтинчли қарашлари Мабелнинг таги зил кета бошлаган аҳдини мустаҳкамлади.

— Ҳозирча таслим бўлма!— шивирлади ҳинду жувон.— Майли, ўзлари ҳужум қилиб олиша қолсин. Қўрқмай гапиравер. Шабнам уддалайди буёғини.

Мабель Мюйр билан дадилроқ музокара олиб бора бошлади, сабабки тоғаси — ўз виждонини озутиш учун бўлса керак — миқ этмасди. Ниҳоят қиз истехкомни топширмаслигини узил-кесил эълон қилди.

— Аммо-лекин сиз, мисс Мабель, менинг таслим бўлиш ҳақдаги гапимни унутиб қўйяпсиз!— деди Мюйр.— Бу ерда гап ҳазрати олийлари фуқаросининг ор-номуси, ҳатто шахсан қиролнинг шон-шарафи хусусида кетяпти, ахир. Унутманг, ҳарбий кишининг ор-номуси ҳазил гап эмас-а!

— Ҳаммасини биламан, мистер Мюйр, иннайкейин, сизнинг бу сафар чоғида ҳеч қанақанги ҳукми амалингиз ва шу сабабдан истехкомни топширишга ҳеч қандай ҳуқуқингиз йўқ. Бунинг устига, эсимда, бир марта дадамдан, банди асирликда ўз ҳукми-амалидан айрилади, деган гапни эшитгандим.

— Фирт сўфийлик, сафсата бу, сулув Мабель! Бу қиролга хоинлик, унинг исми шарифига нисбатан ишончсизлик билдириш ва унинг офицери шаънига доғ туширишдир. Агарда соғлом ақлингиз билан пича ўйлаб, шароитнинг қанчалик оғирлигини тарозуга солиб ўлчаб кўрсангиз, ўз аҳдингизда узоқ собит туrolмайсиз!

— Ана бу чинакам шарт-шароит бўлди-ку, жин ургур!— дея тўнғиллади Кап.

— Тоғанни гапига эътибор берма!— хитоб қилди хонанинг нариги бурчида нима биландир уймалашаётган Шабнам.— Истехком яхши: бош терисига тегишолмайди.

— Токи дадам ҳақда бирор хабар олмагунимча шу ерда қоламан мен, мистер Мюйр.

— Эҳ, Мабель, бизнинг ҳамма нияту режаларимизни биладиган душманни чалғитолмайди бу ҳийла! Мабодо биз анави бахти қаро йигитчадан хиёнатда гумонсирама-

гапимизда рақиблар буларнинг барини қай йўл билан биллиб олганини тушуниб бўлмасди-ку, ахир. Сержант ўз бўлинимаси билан шу бугун кечқурун, балки ундан ҳам илгарироқ душман измида бўлади. Ёдингизда бўлсин: тақдирга тан бермоқ — бу чинакамига христианча ҳиммату саховатпешалиқдир!

— Мистер Мьюр, сиз ҳали, афтидан, бу бинонинг қанчалик мусту-мустаҳкамлигини билмайсиз шекилли. Агарда ҳимояланишга қарор берсам нималарга қодир эканлигимни кўришни истамайсизми мабодо?

— Қани, кўрайлик,— жавоб қайтарди квартирмейстер.

— Хўш, масалан, мана бунга нима дейсиз? Тепадаги шинакка бир қаранг-а.

Мабелнинг оғзидан шу сўзлар чиқар-чиқмас, ҳаммаларининг нигоҳи тепага қаратилди: уёқдаги шинакдан милтиқнинг мили оғзи чиқиб турарди. Шабнам яна эски ҳийласини ишлатганди, ҳозир ҳам фойдаси тегди буни. Ҳиндулар машъум қуролга кўзлари тушгани ҳамоноқ жонҳолатда ўзларини четга отдилару бирон дақиқа ўтмай барчалари буталар орасига уриб кетдилар. Француз офицер милтиқ оғзига қараб, ўзига ўқталинмаганига қаноат ҳосил қилгач, бамайлихотир қиёфада искаладиган тамакисидан бир чимдим олди. Мьюр билан Капнинг ҳиндулар учун қўрқинчли ушбу милтиқдан қўрқадиган жойлари йўқ эди, шу боисдан қамирламай тураверишди.

— Эс-ҳушингизни йиғинг, гўзал Мабель, ўйлаб иш қилинг!— хитоб қилди Мьюр.— Бефойда жанг бошлаб ўтирманг. Айтинг-чи, бунақанги қонхўрларча мақсадда ёғоч минорага яшириниб олган ким ўзи? Бу ерда аллақанақанги афсунгарлик борга ўхшайди!

— Мистер Мьюр, борди-ю шундоқ ҳам етарлича мустаҳкам жой гарнизони ўрнини Изқувар эгаллаган бўлса нима дердингиз?— дея жавоб қилди Мабель.— Сизнинг ўша француз ва ҳинду дўстларингиз унинг аниқ мўлжалга урадиган қуроли ҳақида қандай фикрдалар?

— Бизларга раҳмингиз келсин, сулув Мабель, кейин қиролнинг — илоё уни ва авлод-аждодини яратганнинг ўзи яллақагай!— содиқ хизматчиларини олий ҳазратларининг ғанимлари билан адаштирманг унақа! Агарда Изқувар чиндан ҳам истехкомда бўлса, унда биз билан шахсан ўзи музокара олиб борсин. Изқувар биз дўсти эканлигимизни ва унга ишонишимизни, айниқса менинг ишончим зўрлигини билади, сабабки, ўзингизга маълум бўлганидек, у менинг рақибим, мард одамлар орасидаги рақобат — дўстликнинг энг яхши гаровидир. Икки кишининг айнан

бир аёлни севиши бир-бирларининг ҳис-туйғу ҳамда таъбу дидларига хайрихоҳлигининг исботидир.

Шу пайтгача мардона ҳамда қилт этмай турган француз офицер бу даҳшатли номни эшитиб бир неча одим тисарилди. Чегарадаги урушларга кўпдан кўникиб кетган бу темир асабли одам бутун чегарага маълуму машҳур «буғу урар»нинг ўқи етгулик ерда туришни истамди мутлақо. Француз аста узоқлашиб бораркан, ҳар иккала бандидан орқасидан юришни талаб қилди. Мабель истехком ёнидан истар-истамас ва имиллаб узоқлаша бошлаган тоғасига ҳавойи хайрлашув муччасини йўллаб, таскин бериш учун бир неча оғиз сўз айтди.

Душманлар, чамаси, бу ғалати истехкомни қўлга киритиш ниятидан қайтган кўринардилар. Шабнам кўтарма эшикдан томга чиқди, бу ердан бутун оролни кўриш мумкин эди. Атрофни кузатиб чиқиб, дугонасига ҳаммалари олисда, хилват жойда тамадди қилгани тўпланишганини, Мюйр ва Кап эса, афтидан, хийла хотиржам эканликларини, улар билан овқатланишаётганини хабар қилди. Бу хабардан Мабелнинг кўнгли пича жойига тушди. Қиз шунда душманга сездирмай қочиб қолса бўлиши ёки таҳдид солиб турган фалокатдан қандай қилиб отасига хабар бера олиши устида бош қотира бошлади. У сержантни пешиндан кейин етиб келади деб кутар ва бирор дақиқа ҳаяллаш отаси қисматини ҳал қилиши мумкинлигини фаҳмлаб турарди.

Орадан яна уч ёки тўрт соат ўтди. Оролга тагин чуқур жимлик чўқди. Кун оғиб, кеч кириб қолган бўлса-да, Мабель ҳеч қандай қарорга келолмаганди ҳали. Дугонаси пастда камтарона кечлик ҳозирлаётган, ўзи бўлса томга кўтарилиб, атрофни кузатаётган эди, кўз ўнгида чор атрофда у ер-бу ердаги дарахтлар учигина тўсиб турган бепоён кенглик намоён бўлганди. Шўрлик қиз кўнглига гулу солган хавотиргарчиликка қарамай, ҳиндулардан бирортаси отиб қолиши ҳеч гап эмас деган ўйда очикдан-очик кўзга ташланишга ботинолмади. Қиз эшикни кўтариб, ўша ердан бошини чиқариб, бот-бот мўралаб оролга олиб келадиган йўлларни кузатишгагина журъат этди холос.

Офтоб ботган, тез орада қайиқлар келишидан эса бирон-бир нишона кўринмасди. Мабель, отам ўз бўлинмаси билан балки ҳиндуларнинг пистирмаси кундузгидай қўрқинчли бўлмайдиган тун қоронғисидан фойдаланар, деган умидда оролга охирги марта нигоҳ ташлагани яна томга кўтарилди; бунинг устига, қоронғида отасига ўт ёрдамида бирор ишора-белги бериш қулайроқ эди. Қиз бутун уфқни

диққат-ла кузатиб, энди пастга тушай деганида, бирдан қоронғилик қўйнида аллақандай янги нарсани пайқаб қолди. Ороллар бир-бировига яқин-тиғиз жойлашган, уларни энсизгина ирмоқлар ажратиб турарди. Мабелнинг назарида, гўёки ана шу ирмоқлардан бири, бошқаларига қараганда соҳилдаги дарахтзөру буталар билан кўпроқ — айниқса бир қисми бутунлай — тўсилган ирмоқда энгил қайиқ писиб турганга ўхшади. Қиз синчиклаб тикилар экан, янглишмаганига ишонч ҳосил қилди: қайиқда, ҳеч қандай шубҳа йўқки, одам яшириниб ўтирарди. Агар бу душман бўлса берган ишорам ҳеч кимга зиён етказмайди, борди-ю дўст бўлса, албатта фойдаси тегади, деган қарорга келди у. Бир нафаслик мулоҳаза юритишдан сўнг қиз отасини огоҳлантириш ниятида олдиндан ҳозирлаб қўйган байроқчасини нотаниш одам писиб ўтирган томонга қараб силкитди. Шу ишни адо этаркан, бари бир у ишорасини оролдагилар пайқаб қолмасликдари учун барча зарурий эҳтиёт чораларини кўрди.

Мабель байроқчани саккиз ёхуд ўн мартача силкиб, энди бирон иш чиқишидан умидини уза бошлаган ҳам эдики, бояги одам тўсатдан эшкак силкиб жавоб қайтариб қолди унинг ишорасига, ўша ондаёқ одамнинг қораси кўринди, қиз шунда Чингачгукни таниди дарров. Ниҳоят қаршисида унга ёрдам бера оладиган ва, турган гапки, мадад қўлини чўзишга тайёр дўст турибди! Қизга яна вазминлиги қайтиб, анча ўзини босиб олди. Могиқан уни кўрди ва таниди, албатта; унинг отаси билан сафарга чиққани маълум эди Илонга. Шу боисдан ҳам Мабель бутунлай қоронғи тушганидан кейин могиқаннинг унга ёрдам бериш учун қўлидан келган ҳамма чорани кўражагидан умидвор эди. Кўрган барча эҳтиёткорлик тадбирларига қараганда, делавар оролда душман жойлашиб олганини билади, шунинг учун ҳам Мабель унинг тадбиркорлигию эпчиллигига тўлиқ ишонарди. Аммо Шабнамнинг шу ердалиги жиддий мушкуллик туғдирарди. Мабель, дугонаси ўзига ниҳоятда меҳрибон эканига қарамай, бу жувоннинг ўз халқини нақадар севишини жуда яхши биларди; яна жувоннинг душман ҳиндуни истеҳкомга киритишга кўнмаслиги ёки агарда Ароухеднинг режасини бузадиган бўлса, ўзини бу ердан чиқариб юборишга кўнмаслигини ҳам биларди.

Мабель Дунгам Улкан Илонни кўрганидан буёғига ярим соат ўтиб бўлди, бу фурсат қизнинг ҳаётидаги энг оғир дақиқалар эди. Қиз гўёки жўшиб интилган мақсадига етгандай, уни пайпаслаб «ушлагандай» бўлди, энди-

ликда эса ўша мақсадни осонгина бой бериб қўйиши ҳам мумкин эди. Мабель Шабнамнинг совуққону қатъиятлилигини, шунинг билан бирга самимий ҳамда беозор-мулойим эканлигини биларди, бироқ, таассуфки, ўз дугонаси ва ҳимоячисини алдашдан ўзга иложи қолмаганини кўриб турарди. Ахир гап отасини қутқариб қолиш хусусида бораётган эди-да.

Тун яқинлашгани сайин Мабелнинг юраги кучлироқ ура бошлади. У турли режалар қуварди, бир соат давомида йигирма мартача ўзгартирди бу режаларини.

Ҳаммадан кўра у Саратон Шабнамнинг шу ерда эканидан кўпроқ қисинарди. Мабель Чингачгукнинг тез орада истеҳком эшиги олдига келишига ишончи комил эди-ю, лекин унинг келишини қандай ими-жимиди кутишини билмасди; устига-устак, сезгир дугонасини безовта қилмай истеҳкомга кирита олармикин?

Вақт эса ўтиб борарди, могикан келиб, яна кетиб қолиши ҳеч гап эмасди. Бирор қарорга келиш фурсати етганди. Мабель узоқ иккиланишлардан сўнг дугонасига яқинлашиб, қўлидан келганча босиқлик ила деди:

— Шабнам, қабиладошларинг энди Изқуварни шу ерда деб ўйлаб, истеҳкомга ўт қўйиб юборишларидан қўрқмайсанми тагин?

— Йўқ, бундай қилишади деб ўйламайман. Истеҳкомни ёқишмайди, Истеҳком яхши: бош терисига тегишолмайди.

— Буни билиб бўлмайди, Шабнам. Ахир улар Изқуварни шу ерда деб ўйлаб бекиниб олишди-ку.

— Бу қўрқув. Қўрқув тез келади ва тез кетади. Қўрқув одамга: «Қайт орқанга!»— дейди. Қўрқувдан жангчилар ёш қизалоқларга ўхшаб тентак бўлиб қоладилар.

Шунда Шабнам хаёлига бирорта қизиқ гап келиб, ҳамма хотинлар сингари кулиб қўйди.

— Мени нимагадир хавотир боса бошлади; томга чиқиб, атрофга бир разм солсанг дегандим, тагин бизга қарши бирон шумликни ўйлашаётган бўлишмасин. Бунақанги нарсаларда мендан кўра кўпроқ нарсага ақлинг етади сени.

— Агар Нилуфар истаса, Шабнам бораверади, лекин Шабнам ҳиндулар отани пойлаб, ухлаб ётишганини яхши билади. Жангчи ейди, ичади, жанг қилмаётган ва уруш сўқмоғида кетиб бормаётганида ухлайди доим. Жангчилар ҳозир ҳам ухлаб ётибди.

— Илоё айтганинг тўғри бўлсин! Ҳар ҳолда, Шабнам,

чиқиб, атрофни яхшилаб кузатгин. Фалокат сира кутмаганда, қўққисдан бостириб келиши мумкин.

Шабнам ўрнидан туриб, томга чиқишга чоғланди-ю, бироқ зина-нарвоннинг биринчи бурилишидаёқ тўхтатди. Мабелнинг юраги шунақанги қаттиқ ура бошладики, ҳатто у ҳаяжонини дугонаси пайқаб қоладими деб қўрқиб кетди. Наздида Саратон Шабнами унинг асли ниятини фаҳмлай бошлагандек туюлди. Ушбу хавотирсираши қисман тўғри эди; Саратон Шабнами, нотўғри иш қилмаётганмиканман, дея пухта ўйлаб олиш учун тўхтаган эди. Олдинига у Мабелни қочиб кетмоқчи деган шубҳага борди, бироқ оқ юзли қизнинг оролдан қочиб кетолмаслигини, истехком унинг учун энг яхши ҳамда энг ишончли паноҳгоҳ эканини ўйлаб, мазкур гумонга хайф берди. Кейин у, ёки Мабель отаси қайтганидан далолат берадиган биронта белги-нишонани кўриб-пайқаб қолмадикан, дея хавотирлана бошлади. Дарвоқе, ушбу фикр Шабнамни бирон дақиқадан ортиқ банд этолмади; зотан ҳинду жувон ростки ўзи ҳеч нимани пайқамаган экан, Мабелнинг пайқасмаслигига амин эди.

Шубҳа-гумонлари тарқади-ю, хотиржамгина зина-нарвондан кўтарилла бошлади.

Шабнам тепага чиққани ҳаманоқ Мабелнинг миясида янги фикр туғилди-ю, у шоша-пиша ва хийла ўзгарган овозда ҳинду жувонга етказди бу фикрни.

— Мен пастга тушиб, сен томда пайтингда эшик олдида ташқарига қулоқ солиб тураман; иккаламиз ҳам: сен тепада, мен бўлсам пастда пойлоқчилик қиламиз,— деди у.

Гарчи Шабнам буни ортиқча эҳтиёткорлик деб ўйласа-да (зероки у ҳеч зог истехкомга ўзларининг ёрдамларисиз кира олмаслигини жуда яхши биларди), Мабелнинг таклифини қизнинг қўрқаётгани ва тажрибасизлиги оқибатига йўйиб, тўлиқ ишонч-ла қабул этди. Шундай қилиб, дугонаси томга кўтариларкан, Мабель энди бемалол пастга тушиши мумкин эди. Шабнамнинг унинг орқасидан пойлашига айтарли ҳеч қандай сабаб йўқ эди. Уч ёхуд тўрт дақиқа мобайнида улардан бири диққат-ла қоронғиликка тикилди, икинчиси эса эшик олдида тиқ этган шарпага шундай қулоқ солардики, бамисоли бутун вужуди қулоққа айлангандек эди.

Шабнам ҳеч нимани илғаёлмади, ўзиям десангиз, ҳеч нимани кўриб бўлмайдиган зимистон қоронғилик чулғанди борлиқни. Аммо Мабелнинг аллакимнингдир эшикни оҳистагина ҳамда эҳтиёткорлик ила итараётганини эшитганидаги аҳволи-руҳиятини тавсифлаш мушкул эди. Ма-

бель хатога йўл қўйишдан қўрқиб ва айни чоғда Чингачгукка шу ерда эканини билдириш истагида паст ҳамда титроқ товуш билан хиргойи қила бошлади. Тун нақ сув қуйгандек осуда эдики, ушбу чўчибгина чиқаётган заиф товуш истехкомнинг теппасидан ҳам эшитилди. Шабнам томдан туша бошлади. Мабелни умидсизлик чулғади: бирон дақиқани зое кетказмаслик зарур эди. Шунда умид қўрқувдан устун келди-ю, қиз титроқ қўли билан эшик ғалақа-тамбаларини суришга тушди. Биринчи ғалақа энди суриб бўлинган сонияда қиз юқори қаватда ҳинду жувоннинг мокасини шипиллаганини эшитди, иккинчисини сурганда эса Шабнам зина-нарвоннинг қоқ белигача тушишга улгурган эди.

— Нима қилияпсан?— деб қичқирди у жаҳл билан.— Қочмоқчимисан? Тентак! Истехкомдан чиқмоқчимисан? Истехком яхши-ку!

Иккала дугона охирги ғалақага ёпишишди, агарда ташқаридан қаттиқ итариб эшикка маҳкам қисиб қўйилмаганида у ўша заҳотиёқ дугоналар измига итоат этиши турган гап эди. Шунда ёш аёллар ўртасида қисқагина олишув бўлиб ўтди. Башарти эшикка тушган иккинчи, биринчисидан кучлироқ зарбадан қўлидаги ғалақа чиқиб кетмаганида Шабнам ғолиб келарди-ёв. Эшик ланг очилиб, ичкарига биров кириб келди-ю, бундан бир хилда эсхонаси чиқиб кетган иккала аёл шу замоноқ зина-нарвонга қараб отилишди. Нотаниш одам эшикни маҳкамлаб беркитиб, пастдаги хонани диққат-ла кўздан кечирди-да, зина-нарвондан тепага чиқа бошлади. Шабнам кечқурун пастки хонанинг шинакларини беркитиб, шам ёқиб қўйганди. Унинг хирагина шуъласида иккала аёл ваҳима ичра янги келган одамнинг кўринишини кутишарди, келгиндининг эҳтиёткорона, аммо дадил одим шарпасини яққол эшитиб туришарди улар. Нотаниш одамнинг йўл бошловчи эканини кўрганларида икковларининг қанчалик ҳайратга тушганларини тасвирлашнинг имкони ҳам, иложи ҳам йўқ.

— Худога шукр!— нидо солди Мабель, бундай ҳимоячи соясида истехком олиб бўлмас қўрғонга айланганини англаб.— Отамга нима бўлди, Изқувар?

— Ҳозирча сержант — ғолиб ва бехатар жойда, лекин бу ишларнинг пироварди нима билан тугашини олдиндан билишдек башоратгўйлик ато этилмаган одам боласига. Анави, бурчакка қисилиб олган Ароухеднинг хотинига ўхшайдими?

— Унинг тўғрисида бунақанги таънали, айбситиб гапирманг, Изқувар! Мен ҳаётим ҳамда хавфсизлигим учун

унинг олдида қарздорман. Айта қолсангиз-чи, отамнинг бўлинмаси қаерда? Узингиз қандай келиб қолдингиз бу ерга? Мен бўлсам сизга бу оролда юз берган ҳамма даҳшатли воқеаларни гапириб бераман.

— Бунинг учун икки огизгина сўз кифоя, Мабель. Қимки ҳиндуларнинг ҳийла-найрангларига ўрганиб кетган бўлса, унинг бунақанги ишлар хусусида узундан-узун ҳикоя қилишининг ҳожати йўқ. Сафаримиз муваффақиятли тугади, негаки разведкага Илон жўнатилган эди, у кўнглимиз нимани тусаса, ҳаммасини хабар қилиб турди бизга. Биз учта ботни қўлга туширдик, улардаги жамкики французларни тушириб юбориб, олдинган буйруққа биноан ботларни ирмоқнинг энг чуқур ерига чўктириб юбордик. Юқори Канададаги ёввойилар бу қишни қийинчиликда ўтказадилар энди: уларда яхши овчи ва жангчилар истаганичалик ўқ-дори бўлмайди. Биз бўлсак бирор одамни йўқотмадик: бирортамизнинг ақалли теримиз тирналгани ҳам йўқ. Айтмоқчи, менимча, душманнын талафоти ҳам катта эмас чоғи. Хулласи калом, Мабель, бу Лэнди ёқтирадиган сафарлардан бири бўлди: душманга кўпроқ зиён етказдиг-у, ўзимиз бўлсак ҳеч нима йўқотмадик.

— Эҳ, Изқувар! Майор Дункан бу ерда содир бўлган воқеаларни эшитганида афсусланиб ўтирмаса деб кўрқаман.

— Нима демоқчи бўлаётганингизни билиб турибман: лекигин аввал гапимни тугатай, ана ўшанда мениннг гапимга тузукроқ тушунасиз. Ҳамма иш муваффақиятли тугаганини кўргач, сержант ишлар қандай кетаётганини сизларга хабар қилиш учун бизни — мен билан Илонни — қайиқда буёққа жўнатди; ўзи эса икки ботда изимиздан йўлга тушмоқчи эди, ботлар оғир бўлганидан бу ерга эртага эрталабдан олдин етиб келолмайди. Чингачгук икковимиз бугун чошгоҳдан кейин ажралишарканмиз, йўл бехатарлигини билиш учун бошқа-бошқа ирмоқдан сузишга келишиб олдик. Шундан бери сардорни кўрганим йўқ ҳали.

Бу гапларни эшитиб бўлгач, Мабель могиқанни қандай кўриб қолганини, Изқувар келган пайтида уни қандай кутаётганини ҳикоя қилиб берди.

— Йўқ, ҳақиқий разведкачи — токи очиқ ҳавода эркин қуш мисоли ҳаракат қилиш ва наф келтириш имкони бўлса — тўрт девор ёки ёғоч-ходалар ортида биқиниб ўтирмайди ҳеч қачон. Башарти сержантга сизга далда бўлиш ва сизнинг хавфсизлигингиз ғамини ейишга сўз бермаганимда мен ўзимдай одам ҳам буёққа келмасдим асло. Ё раб! Бугун чошгоҳдан сўнг оролни кўрганимда юрагим

қанчалар сиқилиб кетди-я! Хаёлимдан сизни ҳам, ҳалок этилганлар қаторида бўлса-я, деган ўй кечган дақиқа қандайин оғиру мудҳиш эди денг...

— Ҳалокатдан қандай бахтли тасодиф халос этди сизни? Ахир оролга тўғри сузиб келиб, душманининг қўлига тушишингиз мумкин эди-ку!

— Мабель, тозига бугунинг яқинда эканидан дарак берадиган, бугуга эса тозидан қандай қочиб қутулишни далолат этадиган ҳолату тасодифлардан биттаси. Э-йўқ, ушбу мурдалар хусусидаги иблисона ҳийла-найраиғлар эллик бешинчи полк жангчилари билан қирол офицерларини чалғитиши мумкин, лекигин, бутун умрини ўрмонларда ўтказганларни эмас асло. Мен нақ анави сохта балиқчи ўтирган жойга қарама-қарши ёқдан сузиб келдим. Бу разиллар шўрликни қойиллатиб ўтқазиб қўйганларига қарамай, мурдорларнинг санъату маҳоратлари тажрибали кўзларни алдаёлмасди: эллик бешинчи полк жангчиси қармоқни ҳеч қачон бунчалик баланд кўтара олмаган бўлурди (агарда у илгарилари буни билмаса, Освегода балиқ овлашни аллақачон ўрганиб олиши лозим эди); иннайкиин, қармоғини балиқ «чўқилад» тортқиламаётган, пўкаги қимир этмай турган балиқчи бундай қотиб ўтирмайди. Биз соқчихонага ҳеч қачон кўзимизни юмиб, эҳтиёт чораларини кўрмасдан яқинлашмаймиз. Бунақанги бемаъни макр билан на мени, на Илонни лақиллатиб бўпти. Чоғимда улар ўзлари ўтакетган доғули-ю, лекигин ҳиндуларнинг макрини топишда тўпори шотландларни лақиллатмоқчи бўлишган шекилли.

— Сизнингча қандай, дадам бўлинмаси билан алдовга учмасмикин?— шоша-пиша сўради Мабель.

— Агарда мен бунга халал беришга улгуролсам, ундай бўлмайди, Мабель. Кейин, башарти Илон ҳам, сиз айтганингиздек, соқчиликда бўлса, унда ихтиёримизда сержантни хатардан огоҳ этишнинг қўша имконияти бор. Биз унинг бўлинмаси қай тарафдан келишини билмаймиз, холос.

— Изқувар,— деди кўзи олдида рўй берган фожиаалардан кейин ўлим янада даҳшатлироқ кўриниб қолган Мабель ҳаяжон-ла,— Изқувар, сиз мени севаман дегандингиз, мени рафиқангиз бўлишимни истагандингиз!

— Мабель, мен буни бир марта айтишга журъат этганман, кейин, сержант яқинда менга сизнинг рози эканлигингизни ҳам етказганди. Лекигин мен хиралик қилиб, севадиган одамимни тинчини бузиб юрмайман унақанги.

— Гапимни охиригача эшитинг, Изқувар! Сизга ҳурмат-эҳтиромим баланд. Отамни даҳшатли ўлимдан қутқа-

нинг, ана унда сизга тан бериб, оёқларингизга бош ураман! Мана менинг қўлим: берган ваъдамнинг муқаддао гарови бўлсин у.

— Камина бунга лойиқ эмас, Мабель! Бундай ноёб жавоҳирни муносиб тарзда қадрлаёлмайманми деб қўрқаман. Лекигин бунингсиз ҳам сержант учун қўлимдан келган жамики ишни қилардим бари бир: биз у билан эски қадрдонлармиз, ҳаётимиз учун бир-бировимиздан қарздормиз. Фақат бир нарсадан, отаси билан эскитдан қадрдон бўлиш — ёшгина қизининг кўзига ҳамишаям яхши тавсия ўрнида ўтавермас-ов, деб чўчийман, Мабель.

— Сизнинг хатти-ҳаракатингиз, жасоратингизу садоқатингиз — мана сизнинг тавсияномангиз, бошқасининг ҳожати йўқ сизга. Гапирадиган гапингизу қиладиган ишларингизнинг бари, Изқувар, менинг фикр-ўйларимга мос келади, ишончим комилки, ҳис-туйғуларим фикр-ўйларимдан айрича тушиб, ортда қолмаса керак.

— О, бу кеча шундай бахтга муяссар бўлишни кутмагандим! Сўзларингиз дилга қувонч бахш этади, Мабель, лекигин мен шундоқ ҳам инсон боласи қодир бўлган жамики ишни қилишга тайёр эдим. Ҳа майли, сизнинг сўзларингиз менинг ғайратимни сусайтирмайди асло.

— Ана энди, Изқувар, бир-биримизни тушуниб олдик, — деди Мабель тушкун овоз билан. — Шундай экан, қимматли дақиқаларни бой бериб ўтирмайлик эндиликда. Қайингизга ўтириб, дадамни қаршилагани йўлга чиқсак бўладими?

— Йўқ, бундай қилиш ярамайди, Мабель! Буёққа йигирма тарафдан келса бўлади, шунинг учун ҳам отангиз қай бирини танлашини билмайман. Илонга ишонаверинг: у ҳамма ироқларни кузатиб туради. Менинг маслаҳатим — истеҳкомда қолиш. Истеҳком қурилган ходалар ҳали яп-янги ва нам, уни ёндириш қийин, шу ерда туриб бутун бошли қабилага бас кела оламан. Токи истеҳкомни ёнгиндан асраб тура оларканман, мени бу ердан суриб чиқариш ирокезларга йўл бўлсин. Сержант, чамаси, ҳозир ороллардан бирортасига келиб тушган ва тошготмасдан бурун етиб келмаса керак бу ерга. Шу ерда қолсак, ўқузиб уни огоҳлантиришимиз, ҳушёрликка чақиришимиз мумкин. Борди-ю у — феъл-атвори унга ўхшаган одамнинг шундай қилиши турган гап — ҳиндуларга ҳужум қилишга жазм этадиган бўлса, унда ҳам бу иншоотни қўлда ушлаб туриш зарур, негаки, жуда катта фойдаси тегади истеҳкомни. Агар мақсадимиз сержантга ёрдам бериш бўлса, унда ақлим менга (гарчи ҳиндуларни чалғитиб, иккови-

мизнинг сездирмайгина қочиб қолишимиз унчалик қийин бўлмаса-да): шу ерда қол, деяпти.

— Қолаверинг унда,— пичирлади Мабель.— Нима қилсангиз ҳам, ишқилиб отамни қутқариб қолсангиз бас!

— Сиздан шу гапни эшитганимдан хурсандман, Мабель. Ҳозир сержантга албатта ёрдам бериш зарур. Шу пайтгача у ўз шон-шуҳратини жуда яхши асраб келди. Башарти у анави ярамасларни қувиб чиқара олса ва истехкомни ҳам, кулбаларни ҳам кулни кўкка совуриб, шараф-ла чекинишга муваффақ бўлса, ҳеч шубҳа йўқки, Лэнди буни ёдда сақлайди, уни хизматига яраша тақдирлайди. Ҳа-ҳа, Мабель, биз отангизнинг нафақат ҳаётини, шунингдек, шон-шарафини ҳам қутқариб қолишимиз керак.

— Ҳиндулар оролни кутилмаганда эгаллаб олишди, шунинг учун айб отамнинг зиммасига тушиши мумкин эмас.

— Билмадим, билмадим-ов! Ҳарбий шон-шуҳрат бевафо нарса. Жангчи учун энг муҳими — мағлубиятга учрамаслик.

— Дадам оролдаги аҳвол-вазнят душманга маълум эканини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак,— сўзини давом эттирди Мабель.

— Бу ҳақ гап; оролни французлар қандай топишганига меням сира ақлим етмаяпти. Жуда боп жой танланган: ҳатто оролда олдин бўлганлар ҳам уни излаб топишлари осонмас. Хоинлик содир бўлмадимикин деб қўрқаман. Ҳа, хиёнат оралаган бўлиши керак.

— О, шундай ҳам бўлиши мумкинми, Изқувар?

— Бўлганда қандоқ, Мабель; баъзи хил одамлар учун хоинлик худди очликдай табиий бир нарса. Бирор маҳмадона билан учрашиб қолган пайтларимда унинг ишларига разм соламан, негаки тўғри кўнгил одам ҳамиша тили билан эмас, қилмишлари билан сўзлайди.

— Жаспер Уэстерн маҳмадона эмас-ку!— деди Мабель қизгин.— Ундан софдил йигит бўлмаса керак! Унинг доимо дилидагиси тилида-ку!

— Жаспер Уэстерн! Ишонинг, Мабель, бу йигитнинг тилиям, дилиям бир хилда пок! Лэнди, квартирмейстер, сержант ва тоғангизнинг у тўғрисидаги фикрлари худди қуёш тунда, юлдузлар эса кундузи нур сочади дегандек бемаъни гап. Чучук Сувнинг ҳалоллигига бош терим, зарурат туғилиб қолса — қуролим билан жавоб бераман!

— Шунчалик олиҳиммат, шунчалик тантисизки! Жаспернинг бегуноҳлигига бу қадар амин эканлигингизга чин қалбимдан хурсандман... Энди бошқа нарса тўғрисида

гаплашайлик... Ароухеднинг хотинини чиқариб юборсак-микни?

— Унинг тўғрисида ўзим ҳам ўйлаётгандим. Борди-ю уни юқори қаватга чиқариб, нарвонци олиб қўйсак, ақалли, асирамиз бўлармиди у.

— Йўқ, ҳаётимни сақлаб қолган аёлга нисбатан бундай муносабатда бўлолмайман. Уни қўйиб юборганимиз маъқул: у менга жуда меҳр қўйган, шуни-чун менга ёмонликни раво кўрмаса керак.

— Уларни билмайсиз, Мабель! У, очиғини айтганда, ҳақиқий минглар наслиданмас-у, лекигин бу дайди-саёқлар билан алоқада, баски, ўшалардан аллақачон турли фирибгарликларни ўрганган бўлиши керак... У-ҳў, бу нима бўлдикин?

— Бу эшакнинг шовқини: ирмоқдан бирорта қайиқ сузиб келаётганга ўхшайди.

Изқувар Шабнам қочиб қолмасин учун қуйи хонага тушиладиган кўтарма эшикни беркитди-да, шамни пуфлаб, ошиғич шинаклардан бирининг олдига чопиб борди. Мабель нафасини ичга ютганча унинг елкаси оша ташқарига мўралади. Орадан икки ёхуд уч дақиқа фурсат ўтиб, йўл бошловчининг кўзи зулмат қўйнидаги нарсаларни илғай бошлади-ю, у соҳил ёқалаб сузиб келаётган иккита қайиқ истеҳкомдан эллик ярдлар чамаси нарида, соҳилга тушиш қулай ерда тўхтаганини кўрди.

Қоронғилик Изқуварнинг тузукроқ кўришига халал бераётганди, шунда у Мабелнинг қулоғига, бу қайиқларда сузиб келганлар душманлар бўлиши мумкин, деди. Қизнинг отасини бунчалик эрта етиб келишига кўзи етмасди унинг.

— Қайиқлардан бир неча киши тушишди-ю, орқама-орқа эшитилган инглизча уч карра хитоб бу кимнинг бўлинмаси экани ҳақдаги шубҳа-гумондан асар ҳам қолдирмади. Изқувар зина-нарвондан пастга отилди, эшикка етиб бора солиб ғалақаю тамбаларни суришга тушди. Ҳар бир ҳаяллаган сония замирида катта хатар яширинган эди. Мабель унга эргашди, икковлашиб эшикни очиб улгуришди ҳамки қуроллардан бир йўла ўқ узилди.

Улар ҳануз изтиробли хавотирлик ила қулоқ солишар экан, тўсатдан атрофдаги барча буталар остидан ҳиндуларнинг жанговар ҳайқириқлари янграб қолди. Эшик ланг очилди-ю, Изқувар билан Мабель истеҳкомдан отилиб чиқишди.

Ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Аммо қўққисдан йўл бошловчининг тийрак қулоғига ботлар томондан оҳишта

ингроқ чалингандай бўлди. Шамолнинг гувиллашию баргларнинг шовуллаши бу инграшни тузук-қуруқ эшитишга халақит берарди. Ваҳима ҳамда ташвиш олга ундаётган Мабель Изқуварни қувиб ўтиб, тўғри ботлар турган та-рафга қараб югурди.

— Э-йўқ, Мабель,— деди разведкачи паст, аммо қатъий овоз билан, қизнинг қўлидан тутиб қолар экан,— ҳеч қачон бундай бўлмайди. Уёқда сизни муқаррар ажал кутяпти, кейин, ҳеч кимга ёрдам беролмайсиз ҳам. Истеҳкомга қайтиш лозим.

— Дадагинам, бечора, азиз дадажонимни ўлдиринди!— нидо солди қиз ноумидлик исканжасида, бироқ эҳтиёткорлик кўникмаси (ҳатто унинг учун ана шу даҳшатли онларда ҳам) қизни овозини пасайтиришга мажбур этди.— Агар мени севсангиз, Изқувар; қўйиб юборинг, отамнинг ёнига борай!

— Йўқ, Мабель, мумкин эмас бу. Қизиқ, ҳаммалари жим, қайиқлардан ҳам жавоб ўти очишмади. Мен бўлсам «буғу урар»имни истеҳкомда қолдирибман-ку! Дарвоқе, ҳеч кимни кўриб бўлмаганидан кейин қуролни кимга кераги бор-а!

Айнан шу аснода йўл бошловчининг зимистонлик қўйнига тикилишни қўймаган ўткир нигоҳи, чамаси, ундан олдинроқ ўтиб, истеҳкомга қайтиш йўлини кесиб қўйиш мақсадида ерда ўрмалаб бораётган беш ёхуд олти одамнинг тарҳи шарпасини илғаб қолди. Шунда Изқувар Мабелни нақ ёш боладай шартта кўтариб олди. Бир неча қадам орқароқда ҳиндулар қувиб келаётган овчи истеҳком томон бамисоли ўқдай отилди ва тезда етиб олди у ерга. У бинога югуриб кира солиб қизни ерга қўйди-ю, шоша-пиша эшикни беркитди. У ғалақалардан биттасини суриб улгурар-улгурмас эшикка шунақанги зарба келиб тушдики, нақ ошиқ-мошиғи билан кўчириб юбораёзди. Орадан бирон дақиқа ўтмаёқ Изқувар ҳамма ғалақаларни суриб-беркитиб бўлганди. Мабель дарвозахонадан биринчи қаватга кўтарилди. Қиз ихтиёрсиз равишда шамни ёқди, зотан йўл бошловчи шуни сўраганди ундан.

Изқувар шамни қўлига олди-да, бирортаси биқиниб олмаганига ишонч ҳосил қилиш учун бир қаватдан-иккинчисига ўтиб, бинони синчиклаб кузатиб чиқишга киришди.

Истеҳкомда ўзи билан Мабелдан бўлак ҳеч ким йўқ эканига қаноат ҳосил қилгач (Шабнам қочиб қолган эди), разведкачи билан қиз асосий хонага киришди. Изқувар шамни ерга қўйиб: милтиғи тепкисини кўздан кечирди, ана шундан кейингина ўтирди.

— Энг қўрққан фалокатимиз юз берди,— деди Мабель, унинг назарида ана шу даҳшатли беш дақиқагина фурсат давомида бутун бир асрлик умрни бошдан кечиргандек туюлганди.— Азиз дадажоним бутун бўлинмаси билан ҳалок бўлди ёки асир олинди!

— Ҳали буниси номарълум. Эрталаб ҳаммасини билиб оламиз. Менимча, бундай бўлмади-ёв, акс ҳолда анави дайди мингларнинг буёққа, истеҳкомнинг остигинасига келиб, ғалаба тантанаси сифатида ваҳшиёна қийқирган наъраларини эшитардик. Фақат биргина нарса тўғри: башарти ғанимларимизнинг қўли баланд келган бўлса, улар шу замоноқ буёққа келишади-ю, бизнинг таслим бўлишимизни талаб қилишади. Сквау бизнинг аҳволи-шароитимизни гапириб берган бўлиши керак уларга. Дайдиларга шу нарса жуда яхши аёнки, токи «буғу урар» ўз шуҳратини сақлаб қолишга қодир экан, истеҳкомга кундузи ўт қўйиб бўлмайди. Шу сабабдан улар бу ишни кечаси бажаришга албатта уриниб кўрадилар.

— Шошманг... Ихраган товушни эшитгандай бўляпман...

— Сизга шундай туюляпти, Мабель. Аёлларни ваҳима босганида кўпинча хаёлларига тағи-туғида йўқ нарсалар келади.

— Янглишаётганим йўқ: пастда аллаким азоб чекаётганга ўхшайди.

Изқувар Мабелнинг қулоғи алдамаётганини тан олишга мажбур эди. Бироқ у қизга тинчланинг дея илтижо қилди ва ҳиндуларнинг ўз мақсадларига етиш йўлида қандай макру ҳийлаларни ишга солишларини эслатди унга.

— Эҳтимол бу нола,— деди у,— мингларнинг найрангидир. Улар ёлғондакам «оҳ-воҳ» билан бизни алдаб истеҳкомдан ташқарига чиқишга ёки ҳеч бўлмаганда эшикни очишга мажбур қилиш умидидалар.

Э-йўқ, йўқ!— шоша-пиша эътироз билдирди Мабель.— Бу товушда муғамбирлик йўқ, қалбий бўлмасаям жисмоний азоб сезилиб турибди. Изтироб шундай даҳшатли, шундоққина табиий!

— Агар шундай бўлса, бу дўстми ёки рақибми, ҳозироқ билиб оламиз-да. Шамни яширинг, Мабель! Мен у билан шинак орқали гаплашиб кўраман.

Тадбиркор ҳамда тажрибали Изқувар ғоятда эҳтиёткорлик-ла ҳаракат қилди. У шинак олдиға фақат ташқаридаги одамнинг овозини эшитадиган ва ташқаридаги одам унинг оҳистагина айтадиган гапини англай оладиган даражадагина яқинлаб борди.

— Уёқдаги ким?— деб сўради Изқувар.— Ихраётган ким? Агар дўст бўлса, дадил гапирсин-у, бизнинг ёрдамизга ишонаверсин.

— Изқувар!— дея жавоб қилди Мабелга ҳам, йўл бошловчига ҳам жуда яхши ошно бўлган сержантнинг овози.— Изқувар, айт-чи, қизимга нима бўлди?

— Дадажон, мен бу ердан, бежавотир жойдан, яраланганим ҳам йўқ! Ишқилиб, сиз ҳам мендай соғ-саломат бўлсангиз бор жаҳонимни беришга тайёрман!

Мабель билан Изқувар унинг хурсанд хитобини эшитди-ю, овоз яна ингроққа айланди.

— Уша кўнглим сезиб турган даҳшатли фалокат юз берди-я!— деди Мабель қандайдир бир хотиржамона дилхастлик ила.— Изқувар, отамни қандай бўлмасин истехкомга олиб кириш керак!

— Тинчланинг, Мабель! Инсон боласининг қўлидан келадиган ҳар қанақанги ёрдам кўрсатилади унга. Фақат биргина нарсани ўтинаман сиздан: ўзингизни босинг, тинчланинг!

— Мен хотиржамман, Изқувар. Умримда ҳеч қачон ҳозиргидек хотиржам бўлмаганман, ўз-ўзимга бунчалик ишонган эмасман. Лекин шу топда биз учун ҳар бир дақиқа қанчалик қиммат ва қанчалик хатарли эканини эсланг-а бир!

Изқувар Мабелнинг ушбу сўзларни қандайин дадил, қандайин қатъий овоз билан айтганини эшитиб лол қолди. У ўша заҳотиёқ эшикни очиш учун пастга тушди. Одатга кўра у барча эҳтиёт чора-тадбирларини кўрди, бироқ ғалақани суришга киришар экан, эшикни куч билан итраётганларини сизди-ю, бошқатдан ёпиб қўйиш хаёлига ҳам борди. Лекин тирқишдан мўралаб қараркан, дарров очди эшикни. Сержантнинг эшикка суяниб турган гавдаси чайқалиб кетиб, ерга қулади. Изқувар уни ичкарига сургаб киритди, бу ерда улар ярадорга бемалол ёрдам беришлари мумкин эди.

Мазкур оғир, изтиробли манзара намоеън бўлаётган дамда Мабель аёллар кўпинча кучли ҳаяжонлини дамларида намоеън этадиган беқиёс ғайрату қатъиятини сақлаб қолди. У зинғиллаганча шамни келтирди. отасининг порсиллаб ёрилган лабларини ҳўллади ва Изқувар билан биргалашиб отасига жой ҳозирлади. Бу ишларни у чурқ этмай, сидқидилдан, тиришиб қилди. Мабель то отасининг унга кўрсатаётган меҳрибонлигию ғамхўрлиги учун миннатдорчилик билдирган овозини эшитмагунича бирор томчи ҳам ёш тўкмади. Бу орада йўл бошловчи сержантнинг

жароҳатини диққат-ла кўздан кечирди; у ўқ ўпириб чиқиб кетганини ва сержантнинг ҳаётини сақлаб қолишдан умид кам эканини кўрди. Бунақанги тоифа жароҳатлар Изқуварга беш қўлдай маълум эди.

ЙИГИРМА ТУРТИНЧИ БОБ

Сержант Дунгам шам келтирганларидан берига қизидан кўз узмай, унга тикилгандан-трикилиб ётарди. Эшик кўнгилдагидай маҳкамлаб ёпилганини билмоқлик учун атиги бир мартагина ўша томонга бурилиб қаради холос (у пастда ётарди), кейин яна нигоҳи Мабелга қадалди.

— Худога шукр! Болажоним!— деди у бурро қилиб, гўёки жони мутлақо азоб чекмаётгандек.— Ақалли сен уларнинг ўқидан қутулиб қолибсан-ку, ишқилиб... Бу қайғули воқеалар қандай бўлганини гапириб бер менга, Изқувар.

— Эҳ, сержант! Чиндан ҳам бу қайғу-надоматли воқеа. Уйлайманки, бизни сотишган, орол қаерда жойлашганини душманга хабар қилишган; истехкомнинг ҳали-ҳозирча бизнинг қўлимизда эканлиги қанчалик ҳақ бўлса, буям шунчалик тўғри гап, лекигин...

— Майор Дункан ҳақ экан,— эътироз билдирди сержант, қўлини ўртоғининг кифтига қўйиб.

— Фақат сен тахмин қилаётган маънода эмас, сержант! Сен янглишяпсан. Биламан, табиати заиф... яъни инсон табиати демоқчиман... шу бонсдан ҳам кимга — на қизил танлиларга, на оқ танлиларга ортиқча баҳо бериш ярамайди; лекигин мен бутун чегарада Жаспер Уэстерндан олиҳимматлию ҳалолроқ одам топилмайди деган ақидадаман.

— Бу сўзларингиз учун сизга минг ташаккур, Изқувар!— нидо солди дил-дилигача таъсирланиб, кўнгли бузилган Мабель, у шундай деди-ю, кўзларидан шашқатор ёш юмалай кетди.— Раҳмат сизга, Изқувар! Мард одам ҳамиша мардга тан беради, ҳалол одам виждони пок одамни қўллайди!

Отаси шу аснода қизига теран ғаму ҳасрат ифодаси-ла жавдиради, Мабель ёшларини тиймоқ ниятида пешбанди ила юзини яширди; сўнгра сержант ниманидир сўрамоқчидек Изқуварга қаради. Разведкачининг чеҳрасида одабий олижаноблик, оқкўнгиллик ҳамда самимият акс этиб турганини кўрган сержант, давом эттиравер, деган маънода бош ирғаб қўйди.

— Илон икковимиз сизларни қачон ва қаерда қолдириб кетганимиз ёдингиздадир,— сўзини давом эттирди Изқувар.— Ушандан хиёл олдинроқ нималар содир бўлганини сенга ҳикоя қилиб бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Утган ишга салавот, энди пушаймон сийиш бефойда. Мен ботда қолганимда оқибат бундай бўлмасди. Нимаям қилардик энди! Яхши йўл бошловчи бўлиш мумкин, лекинги табиат ўз тухфа-инъомларини ўзи хоҳлаганидек улашаркан, шунинг учун ҳам яхши йўл бошловчилар борку-я, аммо улардан яхшироқлари ҳам йўқ эмас. Имоним комилки, менинг ўрнимга қолган бечора Жильберт йўл қўйган эҳтиётсизлигига яраша жазосини тортган бўлиши керак.

— Жонидан жудо бўлиб, танаси гуп этиб шундоқ ёнгинамга қулади,— ғамгин жавоб қилди сержант.— Эҳтиётсизлигимиз учун ҳаммамиз ҳам жазоимизни олдик.

— Йўқ, йўқ, сержант, сени тирноқчалик ҳам айбламайман! Бу сафар мобайнида ўз одамларингга жуда яхши кўмондонлик қилдинг, сендан бошқа ҳеч зот бунчалик бошқаролмасди. Ўз кемангни душман замбарагига қарши жангга солиш санъатинг ҳатто Лэндининг ўзидай одамгаям сабоқ бўлгудек эди.

Сержантнинг нигоҳи жонланди, юзида ҳатто шодийна зафар ифодаси пайдо бўлди.

— Ҳа, буёғи чакки бўлмади, дўстим,— деди у,— биз уларнинг хода-ғўлалардан уюлган тўсиқларини ҳужум билан эгалладик.

— Жуда қойиллатиб адо этилганди бу, сержант, бу дайди-саёқлар ишқилиб ўз замбаракларини қайта қўлга киритмаган бўлсинлар-да, деб чўчиб турибман. Майли, ҳечқиси йўқ, ҳечқиси! Дадил бўл, сержант, бари кўнгилисиз нарсаларни унутишга ҳаракат қил-у, фақат ҳурмат-эътиборингни оширадиган, шуҳратингга шуҳрат қўшадиган нарсаларнигина ёдингда тут. Сен учун бу ҳозир энг аъло тасалли бўлади. Борди-ю ғанимларимиз замбаракни қўлга туширган бўлсалар, илгари ўзларига тегишли нарсасига эга бўлишибди, холос. Истеҳком эса бояги-боягидек бизнинг қўлимизда-ку, ҳар ҳолда. Тўғри, душман тун қоронғисидан фойдаланиб унга ўт қўйиб юбориши мумкин, йўқса, бўлак йўл билан эгаллаб бўпти... Хў-ўш деганингдан, сержант, мен Илон билан дарё оқими бўйлаб борганда ўн миляча нарида ажралишдим. Биз одатдагидек эҳтиёт чораларини кўрдик, ҳатто дўстларимиз қароргоҳига олиб борадиган йўлларда ҳам. Чингачгукка нима бўлди — билмайман; Мабелнинг айтишича у шу яқин-орада эмиш. Ишонаманки, гарчи уни кўрмаётган бўлсак-да, жўмард

делаваар ўз бурчи-вазифасини адо этипти. Шу гапим эсинг-да турсин, сержант: ҳамма ишлар оппон-соппон бўлмасидан бурунроқ Чингачгукнинг дарагини эшитамиз ҳали. Эҳтиёткор ва абжир делаваар энг оғир дақиқаларда қўққисдан ёрдамга етиб келади бизга. Илон — доно ҳамда жасур сардор, унинг феъл-атворию истеъдодига талай оқ танлилар ҳавас қилса арзийди, аммо-лекин, рўстини айтганда, унинг милтиғи «буғу урар»чалик аниқ уролмайди нишонга. Оролга яқинлаб келаётиб тутунни кўрмадим, ана шу нарса мени сергак бўлишга ундади. Эллик бешинчи полкнинг жангчилари кўпдаям уддабуро одамлар эмаслигини, зотан уларнинг тутун шу ерда эканликларини ошкор этиб қўйишини хаёлларига ҳам келтирмайдиган беғам эканликларини билардим-да. Шундай қилиб десанг, бусиз ҳам ўзим хушёр эдим-а, лекигин сохта балиқчини кўрганымда — буни яқиндагина Мабелга гапириб берувдим — ўша заҳотнёқ мингларнинг жамики макру найранглари бамисоли кафтимда тургандек аниқ-равшан аён бўлди-қўйди менга. Аввало Мабелни ўйлаганимни сенга айтиб ўтирмасам ҳам бўлади, сержант; унинг истеҳкомда эканидан хабар топган заҳотимоқ ё у билан бирга бўлиш, ё биргалашиб ўлиш учун бу ерга сира ҳаялламай етиб келдим.

Ота қизига меҳри товланиб жавдиради, шунда Мабелнинг юраги тўхтаб қолгандек бўлди: сабабки, фақат отасини ўйлаши лозим бўлган бир дақиқада жисмини бўлак ўй-фикрлар безовталантираётганини ҳис этгани у. Қиз сержантнинг қўлини олиб ўпди-ю, отаси қаршисида тиз чўкканча, юм-юм ёш тўка бошлади. Юраги пора-пора бўлиб кетгудек эди шу топда!

— Мабель! — деди сержант қатъий оҳангда. — Бир-бировимизни алдашдан маъни йўқ. Менинг куним битиб, вақти-соатим етди! Чинакам жангчидай жон бераётганим кўнглимга таскин беради. Лэнди мени муносиб тарзда тақдирлайди, зероки саховатли дўстимиз Изқувар унга нималар қилингани ва улар қандай содир бўлганини сўзлаб беради. Охирги суҳбатимизни унутганинг йўқми ишқилиб?

— Оҳ, дадажоним! Менинг ҳам вақт-соатим яқин қолганга ўхшайди! — нидо солди Мабель, айти шу сонияда ўлиб қўя қолгани ўзи учун осону енгилроқ эканини ҳис этиб. — Мен бари бир қутулиб кетолмайман, шуни-чун Изқувар бизни шу ерда қолдириб, иложи бор бу машъум хабарни етказгани Освегога қайтгани тузукмиди.

— Мабель Дунгам, — деди Изқувар таънаомуз, аммо ёш қизнинг қўлидан авайлабгина тутаркан, — мен бунга

лойиқ айб қилганим йўқ чоғи! Биламан, мен қўпол, оми, бесўнақай бир одамман...

— Изқувар!

— Яхши, яхши, бўпти, буни унутамиз! Сиз буни наварда тутмагансиз, буни хаёлингизга ҳам келтирмагансиз... Ҳозир қочишдан сўз очиш бефойда, негаки сержантни бу ердан олиб кетиб бўлмайди. Ҳар қандай бўлган чоғдаям истеҳкомни мудофаа қилиш лозим. Балки Лэндига бизнинг аҳволимиз қандайлиги хабарини етказишар-у, у душманни суриб ташлаш учун буёққа мадад юборар.

— Изқувар! Мабель!— деди сержант, оғриқни енгиш учун охирги куч-қувватини тўплаб. Юзидан совуқ тер чиқиб кетганди шу топда.— Икковинглар ҳам яқинроқ келинглари. Ишонаманки, бир-бировларингга тушунасизлар-а?

— Дадажон, бу тўғрида гапирмай қўя қолинг! Ҳаммаси худди сиз истагандай бўлади.

— Худога шукр! Қўлингни бер менга, Мабель!.. Изқувар, ол уни! Биламан, унга меҳрибон эр бўласан. Менинг ўлимимни деб тўйларингни кейинга суриб юрманглари. Кеч кузда Освегога кашиб келади: никоҳлаб қўйсин у. Қайноғамни, агар тирик бўлса, ўз кемасига қайтиб кетгиси келиб қолар балки, ана шунда қизим ҳимоячисиз қолади. Умидворманким, Мабель, отаингнинг дўстига тегиш, сен учун кўнгилли бўлади...

— Менга ишонавер,— жавоб қилди Изқувар,— ҳаммасини менга қўйиб беравер. Кўнглинг тўқ бўлсин, бари жойжайда бўлади.

— Тўла-тўқис сенга ишонаман, эй садоқатли дўстим. Ҳамма инон-ихтиёрни сенга топшираман, ўзим тирик бўлганимда қандай қилсам, сен ҳам ўшандай иш кўравер... Мабель, нуридийдам... бу кечани ҳеч қачон қайғу-надомат билан ёдга олмайсан...

Гарчи Мабелнинг наздида алланима қалбини қўрғошин мисоли эса бошлагандай, шу топда ўлим беқиёс бахтдай туюлган бўлса-да, ушбу ғамхўрлик чуқур таъсир қилиб, бир хил бўлиб кетди.

Сержант бир-неча фурсат индамай ётди, сўнгра эса энтика-энтика калта-култа сўзлар ила Изқувар билан делавар кетганидан кейин нималар содир бўлганини ҳикоя қилди.

Қулай шамол туриб қолибди-ю, олдин келишиб олганларидек бирорта оролга тушиш ўрнига сержант йўлда давом этишга қарор берибди ва шу тунёқ истеҳкомга қайтибди. У, душман бўлинманинг етиб келганини пайқамайди-ю, шу йўл билан ярим-ёрти хавф-хатардан қутулиб ко-

ламиз, деб мўлжаллабди. Бахтга қарши, қўшни оролга, бу ерга жуда яқин жойга келиб тўхташибди, турган гапки, душман аскарларнинг қайиқдан тушаётгандаги шовқин-шарпаларини эшитган. Қирғоққа тушиб, рост, ҳеч қаерда соқчи йўқлигини кўриб ҳайрон бўлишибди-ю, лекин хавф-хатарни мутлақо ҳаёлларига келтиришмабди. Олдин озиқ-овқат ва сафар тўрваларини қуруқ ерга тушириш ниятида қуроолларини қайиқларда қолдиришибди. Айнан шу паллада улар душманнинг шундоқ тумшуққинаси остига келиб қолишган эканки, зим-зиё қоронғиликка қарамай, душман қуролидан узилган ҳар битта ўқ муқаррар ўлим келтирибди. Ҳамма аскарлар гуппа қулашибди, бироқ икки ёки уч киши ўша замоноқ сакраб туриб, яширинибди, тўрт ёхуд беш киши турган ерида тил тортмай қолибди ёки бир неча дақиқадан сўнг жонлари узилибди. Сержант бошқалар билан баравар қулабди-ю, айни сонияда истеҳкомдан отилиб чиққан Мабелнинг овозини эшитиб қолибди. Юрагини пора-пора қилгудек фарёддан унинг жисмидаги оталик меҳри жўш уриб кетиб, истеҳком эшигигача сургалиб келишига қувват берибди.

Сержант мазкур жўнгина ҳикоясини тугатар экан, ниҳоятда бўшашиб кетганини туйди; унга ором зарур эди шу топда. Мабель билан Изқувар ундан кўз узмай, гаплашмай, ҳар қандай истак-ишорасини адо этишга шай турардилар. Бу орада разведкачи фурсатдан фойдаланиб, оролда нималар бўлаётганини билиш мақсадида шинаклардан мўралаб, томга чиқиб қаради. Қуроолларни кўздан кечирди. Истеҳкомда ўн-ўн икки чоғли қурол бор эди, зотан жангчилар сафарга жўнаётиб фақат мушкетларинигина оливолишганди. Мабель отаси ёнидан бирор нафасга ҳам жилмади ва кўп ўтмай нафас олишидан унинг уйқуга кетганини сезди.

Ярим соатлар чамаси жимжитлик ҳукм сурди, ушбу сукунатга Изқувар мокасинининг шипиллаганию милтиқ қўндоқларининг тўқиллаб полга текканигина рахна солиб турди, холос: йўл бошловчи милтиқлар жойидами, ўқлоғлиқми — шунини текшириб кўраётган эди. Бу ишлардан сўнг яна жимлик чўқди, уни ярадорнинг оғир-оғир нафас олишидан бўлак нарса бузмасди.

Мабель тез орада умрбод жудо бўладиган отаси билан яна бир бор гаплашишни жуда-жуда истарди-ю, лекин уни уйғотишдан чўчирди. Гарчи Дунгам мутлақо бедор бўлсада, қизнинг наздида у ухлаётгандек эди: сержант ҳозир инсон боласи кўзига ҳаёт бутун жозибасию гўзаллигини, бутун мафтункорлигию қудратини йўқотиб, номаълуму

мубҳам истиқбол бепоён кўлами ила бандаси нигоҳи олди-дан тўсиб оладиган бир ҳолатда эди.

Жон таслим қилаётган отасининг ҳар бир ҳаракатини кузатиб ўтирган Мабель тўсатдан эшикнинг астагина тикиллаганини эшитиб қолди. Қиз, бу Чингачгук бўлса керак, деган ўй билан ўрнидан қўзғалиб, ғалақалардан икитасини сурди, аммо эшикни очишдан бурун, тақиллатаётган ким, деб сўради. Сўровига жавобан тоғасининг тезроқ очақол дея ёлборган овозини эшитди. Мабель дарҳол охирги ғалақани сурди-ю, Қап ўзини ичкарига урди. У остона ҳатлаб ўтгани ҳаманоқ Мабель тагин эшикни беркитди, хавф-хатар кўникмаси қизни шунчалик эҳтиёткор қилиб қўйган эди.

Денгизчи Мабель билан куёвини — у ярадор бўлса ҳамки — бехатар жойда кўрганида кўзларидан севинч ёшлари чиқиб кетди. Қап соқчиларнинг парвосизлигидан фойдаланиб истеҳкомга қараб қочиб қолганини гапириб берди. Соқчиларнинг назарида Қап билан квартирмейстер минглар режаларини амалга оширишларига халал бермасин учун жўрттага ичиришган арақдан маст бўлиб учиб қолгандай кўринишган. Мюйр уйқуга кетган ёки ўзини ухлаётганга солган, Қап эса тўқнашув пайтидаги тус-тўполонда бутазорга яшириниб олган. Изқуварнинг қайиғини гопиб, унга ўтирган-у, Мабель билан қочиб қутулиб кетиш умидида истеҳкомга қараб сузган. Бироқ куёвининг аҳволи қанчалик хавфли эканини кўргач, турган гапки, ниятини ўзгартирибди.

— Ишлар агар баттар чатоқлашадиган бўлса, дўстим Изқувар,— деди у,— байроқни туширамиз, бу нарса бизга шафқат юзасидан омон қолиш ҳуқуқини беради. Илло бизнинг обрў-эътиборимиз, шаъни-шавкатимиз бирдан таслим бўлмаслигимизни тақозо этади. Байроқни сулҳ тузиш учун энг қулай шарт-шароит туғилгандай кўринган дақиқадагина туширамиз. Мюйр бизни анави сиз дайди-саёқлар деб атайдиган одамлар қўлига туширган пайтдагидек ҳаракат қилганида соз бўларди-да; дарҳақиқат, бутун жаҳонда бу саёқ-санқилардан манфурроғи йўқ экан.

— Қилмишларига яраша сўқяпсиз уларни,— дея унинг гапини бўлди мингларни ҳақоратлаб, унинг дўстларини мақтайдиганларни маъқуллашга доим тайёр Изқувар.— Агарда сиз делаварнинг қўлига тушганингизда, бу бошқа гап эди.

— Э! Менга қолса, уларнинг бари бир гўр! Улариям, булариям ғирт муттаҳам, турган гапки, дўстимиз Илон мустасно; ҳиндулар орасидаги чинакам жентльмен у. Ёв-

войилар бизга ҳамла қилиб, капрал Мак-Наб ва унинг одамларини қуён мисоли ер тишлатганларидан кейин поручик Мюйр икковимиз, бу ердаги қоялар оралиғидаги кўп-лаб горлардан биттасига яшириниб олдик. Квартирмейстернинг айтишига қараганда у сув кавлаган ҳақиқий гор экан. Худди кема тағхонасига яширинган икки фитначидек, икковимиз биқиниб олдик ўша жойга, то очлик қувиб чиқармагунича ўтиравердик. Овқатни инсон табиатию жисмининг пойдевори деса ҳам бўлади. Мен квартирмейстернинг музокара олиб боришини истардим, сабабки, горда ўтиришимиз қанчалик ёмон бўлмасин, унда биз ҳали бир ёки икки соатча ўзимизни ҳимоя қилишимиз мумкин эди, аммо у, мабодо ҳиндулардан бирортаси бизнинг ўқимиздан жароҳатлангудек бўлса, гўёки ўша муттаҳамлар асло ўз сўзларида турмайдилар, деган баҳона билан кўнмади. Ушанда байроқни туширишга рози бўлишимнинг боиси, биринчидан, улар бусиз ҳам бизга байроқни тушириб бўлдинглар дейишлари мумкин эди: кема тағхонаси тубида яшириниб ётиш — бу кемани мудофаа қилишдан бош тортиш билан баб-баробардир; иккинчидан, қорнимизда ҳар қандай душмандан кўра ашаддийроғу ёвузроқ ғаним қамалиб олганди. Очлик — чидаб бўлмас ҳолат: буни қирқ саккиз соат мобайнида туз тотмаган ҳар бир кимса тан олади.

— Тоғажон, — деди Мабель маъюс ҳамда илтижоли товуш-ла, — шўрлик отам жароҳатланганлар, жароҳатлари жудаям хавфли!

— Рост айтасан, Магнит, гапинг тўғри! Мана ҳозир ёнига ўтираман-да, эплаганимча унга тасалли беришга ҳаракат қиламан. Ғалақа-тамбалар яхшилаб маҳкамланганми ишқилиб, дўстгинам? Бунақанги ҳолатларда мия мутлақо хотиржам бўлиши, қатъиян ҳеч нимага чалғимаслиги лозим.

— Назаримда, ҳеч нимадан қўрқмасак ҳам бўлади.

— Жуда саз, Магнит, ўзингни босишга ҳаракат қил-у, тепа қаватга чиқа қол, Изқувар эса бу пайтда томга чиқади. Мен отанг билан танҳо қоламан, сабабки, аҳволи оғирлашиб, бирон сир-асрорини айтишга тўғри келадими.

Мабель тоғасининг таклифига кўнди. Изқувар атрофни кузатмоқлик учун аллақачон томга чиқиб олганди. Кап сержант билан ёлғиз қолгач, унинг ёнига чўкди.

Денгизчи одатдагидек, маънодор оҳангда бошлаган қуйидаги нутқи маъзи-мазмунни устида бош қотириб бир неча дақиқа жим ўлтирди:

— Сенга, сержант Дунгам, шуни айтмоқлик жоизким, бу омадсиз, ўнгмаган сафар давомида қандайдир хатога

йўл қўйилган. Ушбу муқаддас дамларда мен сен билан батамом очиқчасига гаплашиб олмоғим лозим. Хулласи қалом, бу хусусда икки хил фикр бўлиши мумкинмас: аскар эмас, башарти каминадек бир денгизчи, талайгина хатоларга йўл қўйилганини пайқаган эканман, бунинг учун махсус билим талаб қилинмайди биламан.

— Нимаям қилардинг, оғам Қап!— жавоб қилди жон таслим қилгувчи заиф товуш-ла.— Хатоларни тўғрилашга фурсат ўтиб бўлди энди.

— Ҳақ гап бу, иним Дунгам; илло тавба-тазарру қилиш ҳеч қачон кеч бўлмайди. Муқаддас битикларимиз шундай сабоқ беради, иннайкейин, мен ҳамиша, тавба-тазарру онлари — энг қимматли онлар, деб эшитиб келардим. Мабодо дилингда оғир тош бўлиб юрган бирор нарса бўлса, очиқ-ойдин айтавер менга: мен дўстингман сени. Сен туғишган синглимнинг ёстиқдоши эдинг, бечора жажжи Магнит эса — синглимнинг қизалоғи. Тирикмисан ёки марҳумми, сен ҳамишаликка мен учун иним, биродарим бўлиб қоласан. Энг катта фалокат ўз кемачангни тўхтатиб туриб, аввал бирорта қайиқни вазиятни билиб келгани юбормаганингда! Шундай қилганингда, бу нарса сенинг шуҳратингга шуҳрат қўшган, бизларни ҳаммамизни ҳалокатдан халос этган бўлурди. Э, сержант, ҳаммамиз ҳам хом сут эмган ожиз бандалармиз, ҳеч биримиз дунёга устун бўлиб қололмаймиз, бу нарса дилларимизга таскин беради, албатта. Сен ушбу ердан пича олдинроқ жўнаб кетяпсан, биз эсак бир оз кейинроқ равона бўламиз. Бу ҳол сенга бирмунча тасалли бермоғи керак.

— Буларнинг бари аён менга, оғам Қап, жангчи қисмати қарши олишга мутлақо тайёрман ҳам, локин бечора Мабел-чи...

— О, бу оғир савдо, гапингга қўшиламан! Илло сен ҳатто қўлингдан келган чоғдаям, уни ўзинг билан бирга опкетишни истамассан, ахир, тўғриямасми, сержант? Энг яхшиси, куч етганича жудолик аламини енгиллатишга ҳаракат қилиш. Мабель — меҳрибон, сахий қиз. У синглимнинг қизи, жияним бўлади-ку, шунинг учун ҳам унга муносиб куёв топишга астойдил ҳаракат қиламан — агар бош теримиз омон қолса, албатта.

— Оға, қизим айттириб қўйилган аллақачон: у Изқуварга тегади.

— Хў-ўш деганингдан, иним Дунгам, ҳар кимни ўз туншунчаси, ўз ўй-фикрларию ўз қарашлари бор. Бу изн-ихтиёр Мабелга хуш келмайди дейишим учун асос йўқ менда. Шунингдек, унинг қайлиғининг ёши хусусида ҳам ҳеч

қандай эътироз билдиrolмайман. Камина фақат ёш йигитчаларгина қиз болани бахтли қила олади деб ўйлайдиганлар тоифасидан эмаслар. Эллик ёшлар атрофидаги эркак эрмисан — эр бўлади. Илло эр-хотин ўртасида уларни бебахт қиладиган шарт-шароит бўлмаслиги лозим. «Шарт-шароит» — эр-хотин турмушининг чинакам хусусиятидир! Менимча, Изқувар жиянимчалик билимли эмас. Сен бу қизалоқни унчалик билмайсан, сержант, унинг билим-маънавиёти қай даражадалигидан-ку тариқчалик хабаринг йўқ. Башарти қизинг сен билан ҳам ўзи яқингинада таниган кимсалар билан гаплашганидек эмин-эркин гаплашганида унинг даврасида ҳар қанақанги ўқитувчиам ўзини қандай тутиши лозимлигини билмай довдираб қолишига ишонч ҳосил қилган бўлардинг.

— У меҳрибон, ёқимтой, қобил фарзанд,— дея пичирлади сержант, шунда унинг кўзларида ёш ҳалқаланди.— Уни яхши билмаслигим менинг бахти қаролигим...

— У ҳақиқатан ҳам яхши қиз, Изқуварга нисбатан жудаям билимдон: овчининг тенги эмас. Айтмоқчи, Изқувар ўз йўлига ақлли одам ва тажрибали йўл бошловчи, илло сен сферик тригонометрияни қанчалик тушунсанг, у ҳам одамларнинг хатти-ҳаракати, қилмишларини ўшанчалик англаб етади.

— Эҳ, огам Кап! Агарда Изқувар биз билан бирга бўлганида бу фалокатлар юз бермасди.

— Бу ҳақ гап. Ҳатто ашаддий душманиям Изқувардан ўтадиган йўл бошловчи йўқлигини тан олиши керак. Аммо сенга бор ҳақиқатни рўйирост айтишим лозим, сержант: ушбу сафар пайтида сен палапартиш, чаппасига иш тутдинг. Сен бандаргоҳга етиб келмасдан бурун қайиғингни турғунликка туширишинг, мен аввалроқ айтиб ўтганимдек, текшириб кўриш учун қайиқ жўнатишинг зарур эди. Бу гапларни эшитиш ёқмайди сенга, албатта, аммо бундай ҳодларда тўғриси айтиш керак, сержант.

— Менинг хатоларим жуда қимматга тушди, оға, энди буёғига Мабель бунинг касофати жабрини тортмаса эди деб қўрқаман. Агарда бизга хиёнат қилмаганларида бу фалокат юз бермасди деб ўйлайман. Оға, Жаспер Чучук Сув ҳақиқатан ҳам бизни сотдимикин деб чўцияпман!

— Мен ҳам шу фикрдаман; бу чучук сувларинг қурғур эртами-кечми, аммо албатта одамнинг одоб-ахлоқи, маънавиёти оҳорини ювиб кетади. Анави форда яшириниб ётганимизда Мюйр билан гаплашгандик шу ҳақда. У ҳам бизни Жаспернинг хонлиги ана шу дўзахи сувости қоясига рўдара қилган деган фикрга қўшилади. Эндиликда,

сержант, сен ўз руҳингга тасалли бериб, бошқа ишлар хусусида ўйламоғинг лозим. Нотаниш бандаргоҳга киришга чоғланган кема дарғаси сафари давомида кечган жамики саргузаштларни бир бошдан санаб чиқиш ўрнига қандай лангар ташлаш хусусида ўйласа, хийла оқилона иш бўлади. Бунақанги тонфадаги воқеа-ҳодисалар қайд қилиб бориладиган дафтар ёхуд кема журнали бор. Ушанда бизнинг жамики яхши ё ёмон ишларимиз узун устунча қилиб битиб қўйилади.. Э, ана! Мана, Изқувар ҳам тушиб келди! Хўш, уёқда, мувофиқ шамол остида нималар бўляпти? Нима бало, худди бош териси дардида зир югуриб қолган ҳиндудай нарвондан югургилаб тушяпсиз?

Йўл бошловчи бармоғини юқори кўтариб, жим дегандай ишора қилиб, Капга орқасидан юришни имлади.

— Жуда эҳтиёткор ва дадил бўлишимиз керак,— дея гап бошлади Изқувар пичирлаб.— Аनावи газандалар истеҳкомни ёқиб юборишмоқчи; бу ерни бутун қолдиришдан энди ҳеч қандай наф йўқ уларга. Улар орасида Ароухеднинг овозини эшитдим, ўша ярамас уларни ўзининг дўзахий ниятини шу кечасиёқ амалга оширишга кўндиришга уришиб ётибди. Ҳаракатимизни қилишимиз керак, Шўр Сув, бор кучимиз билан ҳаракат қилишимиз лозим! Омадимизга, шу ерда тўрт ёки бешта бочкада сув бор, қамал пайтида катта иш беради бу. Бундан ташқари, агарда ҳисоб-китобда янглишмаётган бўлсам, Илоннинг катта ёрдами тегади бизга. Яхшиямки бу ҳалол йигит ҳозир озодликда экан!

Кап такрорий таклифни кутиб ўлтирмай, шошганча Изқувар ортидан юқориги қаватга кўтарилди. Йўл бошловчи шинаклардан бирини очиб, душман ўқига нишон бўлмаслик учун шамни панага қўйди-да, кейин ўзи кутаётган талабларга жавоб бергани туйнукдан пича нарироққа ўтиб турди.

Орага чўккан жимликни тез орада Мюйрнинг овози бузди.

— Мистер Изқувар!— дея қичқирди Шотланд.— Сен билан дўстинг музокара олиб бормоқчи. Шинакларнинг биридан бежавотир қарайвер: эллик бешинчи полкнинг офицери билан гаплашишдан чўчимасанг ҳам бўлаверади.

— Сизга нима керак, кватирмейстер, нима дейсиз? Эллик бешинчи полкни биламан ва ўйлайманки (гарчи олтмишинчини кўпроқ ёқтирсам, делаварларни унисидан ҳам, бунисидан ҳам ортиқроқ кўрсам-да), эллик бешинчи жасур полк. Лекинига, мистер Мюйр, муродингиз нима? Чамамда, кечаси алламаҳалда, бунинг устига «буғу урар»

истеҳкомда эканини билиб туриб, сизни бирорта ғоятда муҳим нарса нақ мана шу шинаклар остигинасига келишга мажбур этган кўринади.

— Биламан, Изқувар, сен дўстингга ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмайсан, шунинг учун ҳам менга хавф таҳдид қилмаслигига инонаман. Сен эсли-хушли одамсан, кейин, жасурлигинг бутун чегарага аён, шундоқ бўлгач, ўз шуҳратингни сақлаш учун ортиқча одам ўлдиришга муҳтожлик жойинг йўқ, албатта. Қаршилик кўрсатишнинг иложи бўлмагач, ихтиёрий равишда таслим бўлишдан яхшироғи йўқ эканини тушунишинг қийин эмас. Душманларимизнинг хийла қўли баланд, довюрак дўстим! Мен сенга истеҳкомни бизга ҳарбий асирлардек муносабатда бўлиш шарти билан топширишни маслаҳат бергани келгандим.

— Маслаҳатингиз учун ташаккур сизга, квартирмейстер, мазкур маслаҳатингиз бир пақирга қимматлиги учун ҳам жуда кўнгилга хуш келади. Лекигин, токи сув билан егулик нарсалар бор экан, бундай жойни топширишга ўрганмаганман мен.

— Маъқул гап, Изқувар! Мабодо охири бахайр бўлишига кўзим етса, мен ўзим ҳам бунақанги мардона ният-режага эътироз билдириб ўтирмасдим. Бироқ сенга шу нарсани айтиб қўйишим керакки, мистер Кап орамизда йўқ энди: у ҳалок бўлди...

— Мутлақо ундаймас! Асло!— бошқа шинакдан шанғиллади Кап.— Кап ҳаёт, ҳалок бўлмадигина эмас, у буёққа, тепагаям чиқиб олди, иннайкейин, токи у анави муттаҳамлардан олисроқда бўлишга имкони боракан, ўз сочларини қизил танли сартарошларга ишонишга заррачалик истаги йўқ дилида. Мен ушбу истеҳкомга бир «шарт-шароит» деб қарайман-у, ундан фойдаланиш ниятидаман.

— Агарда тирик одамнинг овози бўлса,— жавоб қайтарди Мюйр,— унда бағоят хурсандман бу овозни эшитишдан. Биз ҳаммамиз овоз эгасини энг сўнгги олишув пайтида ҳалок бўлди деб ўйлагандик, Шунга қарамай, Изқувар, башарти сен дўстимиз Кап билан бирга эканингдан ҳузур топаётган бўлсанг-да (ғоятда кўнгилли бу — буни ўз тажрибамдан биламан, негаки икки кунни ер қаърида у билан бирга ўтказганман), бари бир сержант Дунгамдан айрилдик, қария барча жасур ўртоқлари қатори ўлдирилди.

— Сиз яна янглишяпсиз, квартирмейстер, ҳа, тагин янглишяпсиз!— дея эътироз билдирди Изқувар, ўз гарнивони сонини ошириб кўрсатиш ниятида айёрлик ишлатиб.— Сержант истеҳкомда, ўз оиласи даврасида десак ҳам бўлади.

— Ростданми? Бошим осмонга етди буни эшитиб! Биз бўлсак сержантни ҳам ҳалок бўлганлар қаторига қўшиб қўйгандик. Агар соҳибжамол Мабель истеҳкомда бўлса иложи борича тезроқ чиқиб кетсин у ердан, чунки душман бу бинога ўт қўйишга ҳозирлик кўряпти. Оловнинг даҳшатли кучини ўзинг биласан ва ҳамма ўйлаганидек тажрибали ҳамда эҳтиёткор жангчи сифатида ҳимоя қила олмайдиган жойингни ташлаб чиқасан. Лангиллаб ёнаётган ёғоч-ходалар устиларингдан босиб тушишини хоҳламассанку, ахир?

— Квартирмейстер, ўзингиз айтаётгандек, оловнинг кучини яхши биламан! Шу қатори бундай вақтда уни кечлик овқат тайёрлаш учун ёқинларидан ҳам хабардорман. Сиз ҳам, шунингдек, «буғу урар»нинг куч-қудрати тўғрисидаям эшитган бўлсангиз керак. Қулоқ беринг менга: кимки бу иморатга ақалли бирорта ёниб турган хас ё шаббани ташлашга ботингудек бўлса, ўша кимса қуролимнинг нишонига аниқ уришини ўз танасида синаб кўради. Менга тегмаган пайтларидагина мўмин-қобилман, лекиги кимки истеҳкомга ўт қўйишга уринса, оловни ўшанинг қони билан ўчираман!

— Бу гапларнинг бари хомхаёл гаплар, Изқувар, оқибатини ўйлаб кўрсанг, бу сафсатани ўз-ўзидан бас қиласан. Имоним комилки, эллик бешинчи полкдагиларнинг довураклигига шубҳанг йўқ, мени яна шунга ҳам ишончим қатъийки, бундай ҳолларда ҳарбий кенгаш муқаррар таслим бўлишга қарор қилиши турган гап эди.

— Квартирмейстер, ҳар икковимиз ҳам ният-режаларимиз ҳамда эътиқод-маслагимизга қатъий риоя қиламиз, шу боисдан ҳам гапни ортиқ чўзиш бефойда. Агарда теварагингизни қуршаб турган махлуқлар ўзларининг дўзахий ғаразларини амалга ошириш ниятида бўлсалар, келинг майли, бошлайверсинлар; майли, ёғоч-ходаларга ўт қўяверсинлар, мен эсам милтиқдорини ўт олдираман. Сиз қирол офицери сифатида бизга кўп — ҳатто ҳаддан зиёд! — маслаҳатлар бердингиз, шундоқ экан, ҳаммамиз ёниб кетган тақдиримиздаям, ҳеч биримиз сиздан аччиқланмаймиз.

— Лекин сен, Изқувар... сен сулув Мабель Дунгамни бундай фалокатга гирифтор қилиб қараб ўтирмассан?

— Токи менинг қўлим соғ, кўзларим кўриб турар экан, унинг бошидаги бирор соч толасигаям зиён етмайди! Бас, етар! Майли, ана энди ҳар иккала томон ҳам қўлидан келганча ҳаракатини қилаверсин.

Ушбу суҳбат давомида Изқувар тагин бирортаси ўқузиб қолмасин деган ҳадикда шинакдан ўзини асло кўр-

сатмади. У душманларнинг биринчи ҳужум бошлашларига тайёр бўлиб туриш учун Капга томга чиқишни ишора қилди. Кап шу заҳотиёқ томга чиқиб, у ерда аллақачон келиб тушган ўн чоғли ёниб турган камон ўқларини кўрди. Худди ўша ондаёқ қутқули ҳайқириқлар, ғанимларнинг ваҳшиёна қичқириқлари, бараварига отилган милтиқ овозларию чувиллаб келиб ходаларга қадалган ўқларнинг ҳуштаги янгради. Бу ҳол ҳазилакам қамал бошланмаганининг нишонаси эди.

Аммо шовқин-сурон на Изқуварни, на Капни заррача безовта қила олди.

Ўз ғам-қайғуси бошидан ошиб ётган Мабель ҳеч қандай қўрқувни сезмади ҳам. Қулоғига бундай ҳайқириқлар яхши таниш бўлган отаси, гўёки қайтадан жон битаётгандек, бир сесканиб тушди. Мабель ғамгин қиёфада унинг жангу жадал шовқинига қулоқ солиб ётганини ва нурсиз, сўник кўзларида илгаригисидек ёлқин пайдо бўлганини кўриб турарди. Отанинг қони қочган ёноқларига тагин қизиллик тепчиди. Мабель унинг эс-ҳуши хира торта бошлаганини пайқади.

— Бошлаб берувчилар, олға!— ғудранди у.— Гренадёрлар, ўқла. Улар бизнинг қалъамизга ҳужум қилишга журъат этишяпти... Тўпчиларга нима бўлди, нега душманга қарата ўт очиб, нимага чўчитмаяпти уларни?

Айни шу дамда замбаракнинг гумбурлагани эшитилди. Истеҳкомнинг ёғоч деворлари қасирлаб кетди. Тўп ўқи ходаларни ўпириб ўтиб, юқори қаватга тушаркан, бутун иморатни силкитиб ташлади. Мабель қўрқувдан қичқириб юборди, назарида бино босиб тушаётгандек бўлди. Шу қўрққани етмагандек, айни сонияда сержант момагулдурак янглиғ овози-ла: «Ўқла!» деб қичқириб қолди.

— Мабель,— деди Изқувар кўтарма эшик туйнугидан пастга мўралаганча,— минглар тўйдан бурун ногора қоққандай шовқин кўтаришди, холос. Бу дайди-саёқлар биз французлардан тортиб олган замбаракни қўлга туширишиб, ўшандан истеҳкомга қараб ўқ узишди. Лекигин, бахтимизга, уларда атиги биттагина тўп ўқи борийди, энди бошқа отишолмайди. Уёқда, тепада ётказилган зиён каттамас; ҳеч ким жароҳатлангани йўқ, тоғангиз ҳануз томдалар. Мен бўлсам отишма овозига кўникиб кетганман ва замбаракдан қўрқмайман, агарда у ҳиндуларнинг қўлида бўлса-ку айниқсанги.

Мабель пичирлаб бир неча оғиз миннатдорчилик билдирган бўлди-да, бутун диққат-эътиборини яна қаддини ростлашга уринаётган, аммо заифлик бунга халал бераёт-

ган отасига қаратди. Шундан кейинги даҳшатли дақиқалар давомида қиз Ярадорга шунчалар парвона бўлдики, девор ортидан келаётган қичқириқларни деярли эшитмади. Борди-ю у ўз ғам-ташвишига бунчалик шўнғиб кетгани тақдирда ҳам, эшитилаётган қўрқинчли шовқин-сурон уни ваҳимага солишдан кўра қулоғини том битқазиб қўйиши аниқ эди.

Кап ҳайрон қоларли даражада хотиржам эди. Унда аста-секин ёввойиларнинг куч-қудратига, ҳатто чучук сувнинг улуғворлигига нисбатан эҳтиром уйғоша борарди, бироқ қалбига қизил танлилар солаётган даҳшатнинг сабаби мутлақо ўлим хавфи эмас, балки бош терисини шилиб олиб, азоб беришларидан қўрқиш эди. У кема саҳнида эмас, бинонинг томида эди, шу туфайли кемани кемага тақаб олиб бориладиган жангдан хавфсирайдиган жойнинг ўзи йўқ эди. У томда шунчалик бемалол ва дадил нари-бери юриб турардики, мабодо буни кўрганида борми, Изқувардек одамнинг ўзи ҳам уришиб берган бўларди уни. Ҳиндуларнинг таомилига мувофиқ душман кўзидан пана бўлиш ўрнига, худди денгиз жанги пайтида елканларни йиғаетгандек бир совуққонлик ила олов устидан сув қуйиб, томнинг ҳар ерида кўзга ташланиб турарди. Унинг қиёфаси ўз рақибини камдан-кам бундай хотиржам кайфиятда кўрадиган душманни бешбаттар гижинтирар ва улар Капни ҳар кўрганларида, бамисоли олисдан тулки пайқаб қолган тозилар тўдаси янглиғ, оламни бошга кўтаргудек ҳайқириқ кўтаришарди. Афтидан, Капни аллақандай сеҳрли бир куч қаноти остида асраб қолаётганга ўхшарди: боши узра ўқлар, ёмғири чувиллаб ўтишига қарамай, унга бирон зиён-заҳмат етмаётган эди. Замбарак ўқи деворни ўпириб ўтган пайтда кекса денгизчи сув тўла ёғоч пақирни қўлидан тушириб юборди-ю, шляпасини ҳавода силкиган қўйи, овози борича уч карра «ура» дея бақирди. Ушбу танг қолдирарли қилиғи, чамаси, унинг ҳаётини асраб қолди, зероки ҳиндулар ана шу дамдан эътиборан унга қарата ўқ узишни ва томга ёниб турган камон ўқи отишни бас қилдилар. Улар Шўр Сувни ақлдан озди деб ўйлашганди. Фаройибу антиқа ҳиммат, тантиликни қарангки, қизил танлилар ўзларни телба деб ҳисоблайдиган одамларига қарши ҳеч қачон қўл кўтармайдилар.

Изқувар ўзини мутлақо бўлакча тутарди. Унинг ҳар бир ҳаракатида эҳтиёткорлик ҳамда тадбиркорлик «мана ман» деб турарди. Машҳур йўл бошловчи бу маҳалгача, неча-неча бора ажал отлиқ жар ёқасига бориб келганди. Бир гал у ҳиндулар панжасига тушиб, қийноқ устунига

боғланган ва энг даҳшатли қийноқларга бардош берган-у, бирор марта ҳам энг дея овоз чиқармаган. Мазкур олис чегарада, одамлар яшаб, жанг олиб бораётган жой борки — ҳаммаёқда унинг жасоратлари ҳикояти оғиздан-оғизга кўчиб юради. Бироқ унинг ўтмишидан, унинг шухрати-дан беҳабар кимсалар овчининг ўз жонини сақлаш ғамини ейишини қўрқоқлик деб тушунишлари мумкин эди. Бундай кимсалар Изқуварни тушуна олмас эдилар: У Мабелни, борди-ю ўзини ҳалок этсалар қизга нима бўлишини ўйлаётган, ана шу ўй унинг одатий ҳушёрлигию эҳтиёткорлигини янада ошираётган эди.

Қамал бошланганига ўн дақиқалар бўлди, ана шу фурсат давомида Изқувар ўз қуролини бир жойдан бошқасига ўтиш учунгина ердан узди, холос. У душман ўқи истеҳком деворлари тикланган йўғоң ходаларнинг тешиб ўтолмаслигини, шунингдек, замбаракни қўлга туширишда ўзи ҳам қатнашгани сабабли ҳиндуларда бошқа тўп ўқи йўқ эканини ҳам жуда яхши биларди. Шундай қилиб, қамалга ташланганларнинг ўқидан қўрқадиган ери йўқ эди; фақат шинаклардан учиб кираётган ўқларгина зиён етказиши мумкин эди. Икки марта худди шундай бўлаёзди ҳам; бироқ ҳиндулар яқиндан туриб ўқ узганларидан ўқлар шинакларнинг ёндорига урилиб кучини йўқотарди; мабодо улар сал узоқроққа бориб отганларида юзтадан битта ўқлари шинакдан ичкарига тушиши ҳам маҳол эди. Изқувар қўққисдан мокасиннинг шипиллагани ва истеҳкомнинг шундоқ таккинасида қуруқ шаббаларнинг чирс этган шарпасини эшитди-ю, дарҳол ғанимларнинг бинога ўт қўйишга уринаётганларини фаҳмлади. Эндиликда хавф таҳдид қилмай қўйган томда Капни чақириб, душман шохшабба уяётган жойнинг тепасидаги шинак ёнида сувни тайёр қилиб туришни буюрди.

Изқувар ўрнида тажрибаси камроқ одам бўлганида душманнинг хатарли режасига ўша ондаёқ барҳам беришга шошилиши ва бор чора-воситаларни вақтидан бурун ишга солиши тайин эди; лекин йўл бошловчи ўзга йўл тутди. У ўзини кўпдаям ўчиртмаётган оловни ўчирибгина қолиш эмас, шунинг билан бирга душманга боплаб сабоқ бериш, шу йўл билан туннинг қолган қисмини беҳавотир ўтказиш ниятида эди. Бу режа-ниятини амалга ошириш учун у ёнғин шуъласи атрофдаги нарсаларни озроқ бўлса-да ёригадиган даражада аланга олгунига қадар кутиши лозим эди. Ирокезларга ҳеч ким халал бермади, шундай қилиб, улар талайгина шохшабба йиғиб, истеҳком тагига уйишди-да, уни ёқиб юбориб, ўзлари узоқлашишди. Йўл бош-

ловчи Капга керакли дақиқада ишлатиш учун ёғоч пақирдаги сувни шинакка яқинроқ суриб қўйишга рухсат берди. Унинг фикрича, ўша керакли дақиқа ёнгин алангаси атрофдаги буталарни ёритмасдан илгарироқ келмаслиги лозим эди. Ана шундай дам етиб келиб, унинг ўткир кўзлари буталар орасидаги — нисон чекаётган азобу изтиробларни хотиржамгина кузатишга кўникиб кетган одамлар сингари, лангиллай бошлаган оловни бепарвогина кузатиб турган икки ёки уч нафар ирокезнинг қорасини илғаб олди. Шундан сўнг Изқувар бундай деди:

— Тайёрмисиз, дўстим Кап? Ҳарорат ёриқ-тирқишлардан ичкарига ура бошлади, гарчи нам ходаларнинг алашга олиши қийин бўлса ҳам; ҳар қалай, тўхтатилмаса, алашга ҳаддан зиёд ёйилиб, қулоч отиб кетади. Қалай, ёғоч пақир ёнгинангиздами? Яхшилаб қаранг, олов чиндан ҳам тўппа-тўғри ўша шинакнинг тагидамикин, тагин сувни бекор исроф қилиб ўтирмайлиг-а.

— Ҳаммаси тайёр!— деди Кап буйруққа жавоб қайтаётган денгизчидек аниқ қилиб.

— Шундай қилиб, менинг ишорамни кутинг. Ҳал қилувчи дақиқада бесабрлик кўрсатиб, жанг чоғида ақлдан айрилгудек ботир бўлиб кетманг: буйруқни кутинг.

Изқувар ушбу фармойишни бераркан, айна чоғда зарурий ҳозирлик ишларини ҳам кўриб қўйди, зероки у ҳаракатга ўтиш фурсати етди деган қарорга келганди. У «буғу урар»ни бафуржа кўтариб, мўлжаллаб турди-да, ўқ узди. Милтиғи қўндоғининг ости ер искагач, шинакдан ташқарига мўралади.

— Судралувчи махлуқлар биттага камайди,— деди у ўз-ўзи билан шивирлашиб гаплашаркан.— Ўша саёқни илғари кўргандим — бағритош аблаҳ. Хўш дегандан, у табиати тақозо этгандай иш кўраётганди-ю, лекин, ана энди хизматига яраша насибасини олди. Яна битта бекорчи танбални асфаласофилинга жўнатсак, бас, бу кеча учун етарли бўларди-да! Тонготгач, эҳтимол, қийинроқ бўлар бизга.

У милтиғини қайта ўқлади, шунда иккинчи ирокез ҳам ер тишлади. Шунинг ўзи кифоя эди: истехком атрофидаги буталар орасида бекиниб турган ҳиндуларнинг ўша қўлнинг мерганлик маҳоратини исботловчи учинчи ўқ узилишини кутгилари йўқ эди. Буталар ўзларини яхши пана қилиб турибдими, йўқми — буни билмай, улар ўз пистирмаридан отилиб чиқиб, хатардан қочиб қутулиш ниятида гўрт томонга қараб тирқирадилар.

— Ана энди, мистер Кап, сувингизни сепаверинг,— де-

ди Изқувар.— Мен анави газзобларга ўз тамғамни уриб бўлдим, бу кеча гулханни ортиқ кўрмаймиз.

Кап:

— Қочиб қол, жиққа бўкасан!— дея қичқирганча, сувни шундай усталик ила сепдики, олов ўша замоноқ ўчди-қўйди.

Мазкур ҳамла шу тахлит тугади-ю, тун осойишта кеча бошлади: Изқувар билан Кап навбат билан соқчилик қилиб чиқишди. На униси, на буниси ақалли мижжа қоқди. Деярли уйқулари келмадиям, зотан икковлари узоқ навбатчилик қилишга кўникиб кетган одам эдилар-да.

Мабель отаси ёнидан жилмади.

ИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

Саҳар паллада Изқувар билан Кап оролни яна бир бор кўздан кечириш мақсадида тагин томга чиқишди. Том теграси ўқчилар яширина оладиган панжара-тўсиқ ила қуршалган шийпон тахлит қурилган эди. Изқувар билан Кап анчагина қалину мустаҳкам тўсиқ орқасида туриб, деярли бутун оролни, ороллар оралиғидаги ирмоқ-шахобчалардан талайгинасини бемалол кузатишлари мумкин эди.

Жануб шамоли эсмоқда эди. Кўкиш тўлқинлар эранқаран орол сари от сурмоқда эди. Изқувар безовталиқ билан атрофни кўздан кечираётган сонияда Кап шанғиллаган, дўрилдоқ овози-ла қичқириб юборди:

— Э-ҳей, елкан!

Изқувар ўгирилиб қараркан, дарҳақиқат, Капни ҳайратга солган нарсага кўзи тушди. Кеманинг қўйи елканлари жануби-ғарб томондаги ороллардан бирининг соҳилларини ҳошия янглиғ қуршаган буталар орасидан лип-лип ўтарди. Шамол шу қадар кучли эдиким, яшил девор оралиғидан липиллаб ўтаётган оппоқ елканлар гўёки пойгачи арғумоқдай елиб бораётганга ва кўк тоқида сузиб юрган парқу булутларга ўхшаб кетарди.

— Бу Жаспер бўлиши мумкин эмас,— деди Изқувар буткул умиди узилган бир қиёфада.— Йўқ-йўқ! Йигит фурсатни бой бериб бўлди. Бу французлар ўз дўстлари, ланнати мингларга мададга юборган бирорта кема бўлиши керак.

— Бу гал янглишдингиз, дўстим Изқувар, нимаям қилардик, хато қилдингиз!— қарши чиқди Кап.— Уёқдаги сув чучукми ёки шўрми, билмадим-у, лекин бу «Учқур»нинг гроти — баланд мачтасидаги қўйи елканнинг тепа

қисмидан бошқа нарса эмас. Унинг ўша елкани яхши турибди, буниси маъқул, фақат тумшукдаги гафели — қия елкани ҳаддан зиёд кўтариб юборилган, ана шунисидан таниб олиш қийин эмас уни.

— Иқрорман, бунини бирортасини кўрмаяпман мен, — деб жавоб берди Изқувар, ўртоғи айтаётган иборалар унинг учун хитой алифбосидек бир гап эди.

— Наҳотки кўрмаётган бўлсангиз? Ҳайронман бунга. Сизнинг кўзларингизни унча-мунча нарсага ўтади деб ўйлагандим мен. Каминанинг кўзларига эса ўша грот билан гафелдан аниқ кўриниб турган нарсанинг ўзи йўқ шу топда. Муҳтарам дўстим, сизга айтиб қўйишим жонизким, сизнинг ўрнингизда бўлсам, кўзим ишдан чиқмаяптимикин мабодо, деб хавотирга тушишим тайин эди.

— Агарда бу Жасперлиги аниқ бўлса, унда эндиликда ҳеч нимадан қўрқишимизга ҳожат қолмайди. Кам деганда саккиз ёки ўн соат давомида бутун бошли минглар қабиласига қарши тура оламиз; борди-ю Чучук Сув чекинаётганимизда бизни пана қилиб турса, унда ноумидликка тушишимизга мутлақо сабаб қолмайди. Ишқилиб у эҳтиёт бўлса, сержантга ўхшаб тузоққа тушиб қолмаса бас.

— Ҳамма хавф ана шунда-да! Сигнал шартларини келишиб, лангар ташлайдиган жойни белгилаб олиш кераги. Агарда бу азамат соҳилнинг бирон ерига келиб тўхтагундек бўлса, иш тамом — куттер хароб бўлди деяверинг! Иннайкейин, мистер Изқувар, яна битта гап, аслини олганда Жасперга бизнинг дўстимиз деб қарашдан кўра французларнинг махфий иттифоқчиси деб қарашимиз лозим эмасмикин? Биламан, сержант бу ишга айнан шундай деб қарайди, яна десангиз, ўзим ҳам тан оламанки, хиёнат оралаган орамизга!

— Тезда билиб оламиз, дўстим Кап, ҳа, тез орада билиб оламиз бунини! Ана, куттер аллақачон қўшини оролни айланиб ўтди, беш дақиқалардан сўнг ҳаммаси чароғон кундай равшан бўлади-қўяди. Ингитчага огоҳлантирувчи бирорта белги билдирсак чакки бўлмасди-ёв. Агарда биз огоҳлантирмаганимиз сабаблигина тузоққа илинса яхши бўлмайди.

Икковларининг дилларига уя қурган ташвишу хавотиргарчилик бирор огоҳлантирувчи ишора билдиришларига халақит берди. Дарҳақиқат, бунинг учун қандай ишора беришни ҳал этиш мушкул эди шу топда, куттер эса бу орада ирмоқ сувини кўпиклантирганича, оролга қараб эсаётган мувофиқ шамол кўмагида шунчалик учиб келардики, ўйлаб ўлтиргани вақт ҳам йўқ эди. Устига-устак, кема

сахнида тирик жон зотидан ном-нишон кўринмасди; кема нафақат тез, шунингдек дадил, тўппа-тўғри сузиб келаётганига қарамай, ҳатто руль чамбари олдида уни бошқарувчи ҳам кўринмасди.

Кап бу ғайриодатий манзарани кўрганида нафаси ичига тушган кўйи лол бўлиб, қаққайиб туриб қолди. Бироқ «Учқур» яқинроқ келганида денгизчининг тажрибали кўзи кема айланиб турадиган чигирдан рулга қараб тортилган арқонлар ёрдамида бошқарилаётганини илғаб олди-ю, уни ким бошқараётгани эса кўринмади бари бир. Куттернинг ён деворлари хийла баланд эканлиги туфайлидан сир тез орада ошкор бўлди: шубҳасизки, кема хизматчилари душман ўқидан ана шу девор-тўсиқ ортига яширинган эдилар. Афтидан, «Учқур»да ўзининг камсонли хизматчиларигина бўлиши керак.

Изқувар Капнинг ушбу шарҳу изоҳотини эшитиб бўлгач, ғамгин бош чайқаб қўйди.

— Бундан чиқди, Илон Освегога етиб боролмабди-да, унда гарнизондан мадад кутмасак ҳам бўларкан. Умид қиламанки, ишқилиб Лэнди миясига Жасперни бирор кимса билан алмаштиришдек бемаъни фикрни қуйиб олмаган бўлсин-да. Бунақанги ишларда Жаспер Уэстерннинг ёлғиз ўзи бутун бошли қўшинга баробар келади... Дўстим Кап, биз учовлашиб ҳимояга ўтишимизга тўғри келади. Сиз, денгизчи сифатида, куттер билан алоқа боғлайсиз. Жаспер кўл валломати сифатида сувда қилиниши лозим бўлган жамики ҳаракатларни бажаради, мен бўлсам, истаган мингнинг истеъдодидан зиғирча қолишмайдиган маҳоратим билан ҳалиги, мен...— нимасиниям гапириб ўтиради буни!— нима қилиш кераклигини ўзим биламан. Мабелни қутқариб қолиш учун ниҳоятда қаттиқ олишишимизга тўғри келади.

— Бўлмасам-чи! Албатта-да!— қизгин жавоб қайтарди Кап. Тонггача эсон-омон етиб олгач, у ўзининг бош териси зиён-заҳматсиз қолганига кўпроқ ишона бошлаганди.— «Учқур»нинг етиб келишини «шарт-шароитлардан» бири, Чучук Сувнинг ҳалол эканини эса иккинчиси деб ҳисоблайман. Бу Жаспер — эсли бола кўринади; у оролдан олисроқ тутяпти ўзини, кейин десангиз, назаримда, олдин бу ерда аҳвол-вазият қандайлигини билиб, ана шундан сўнггина яқинлашишга қарор берганга ўхшайди.

— Кўряпман, кўряпман!— хурсанд кайфиятда деди Изқувар.— Ҳув ана, кема сахнида Илоннинг қайиғи! Бундан чиқди, сардор кемада; у, турган гапки, бизнинг аҳволимиздан керакли одамни хабардор қилган. Делавар — минг

эмас: у ё бор ҳақиқатни айтади, ёки тилини тийиб, миқ эт-майди.

— Илло бу балки куттернинг ўзидаги қайиқдир?— деди денгизчи ишонқирамайроқ.— Буёққа келаётганимизда кемада Чучук Сувнинг қайиги борийди-ку, ахир.

— Тўғри гап, дўстим Кап. Лекигини, агарда сиз ўша слканлару мачталарингизни, гроту гафелларингизни қапдоқ билсангиз, мен ҳам ўз қайиқларим билан ўрмондаги изларни ўшандоқ биламан. Башарти сиз кемадаги янги слканни ажрата олсангиз, камина қайиқ ёш пўстлоқдан ясалганми, қарисиданми, айира олади. Бу Илоннинг енгил қайиги. Эй олижаноб дўстим! У истеҳком қамалда қолганини кўрган заҳотиёқ Освегога жўнаган. У «Учқур»га йўлиққан-у, бор гапни айтиб бериб, куттерни буёққа бошлаб келаверган. Ишқилиб Жаспер Уэстерн кемада бўлсин-да!

— Ҳа-ҳа, ҳақиқатан ҳам чакки бўлмасди унда: хоними у ёки ҳалол одамми, ҳар қалай тан бериш керак, пўртана пайтида эпчиллик билан қутулиб кетишга уста экан йигитча.

— Худди шунингдек, шаршарадан ўтиш пайтидаям,— деди Изқувар шеригини тирсаги билан туртиб, чин дилидан кулганча.— Ҳаттоки у бош теримизни ўз қўллари билан шилиб олган тақдирдаям, болакайга адолат юзасидан қойил қолишимиз керак!

«Учқур» бу пайтда яқин келиб қолган эди. Кап жавоб қайтармади. Шамол ҳануз шитоб-ла эсарди. Ёш-ёш дарахтчаларнинг учлари шу қадар эгилардики, бамисоли улар қандай бўлмасин ерга тегишга қасд қилганга ўхшарди, буталарнинг шох-шаббалари орасидан елиб ўтаётган шамолнинг ўкириги олисларда қалдираб бораётган арваларнинг босинқи шовқинига ўхшаб кетарди.

Ҳавода йилнинг бу фаслида бандидан чирт-чирт узилган, оролдан-оролга қуш галаларидек учиб-ўтиб юрган барглар чирпирак мисоли айланарди. Қабристоний осудаликни шамол билан тўлқинларнинг шовқинигина бузарди. Ирокезлар ҳануз шу ерда эдилар. Ҳиндуларнинг қайиқларию эллик бешинчи полкнинг ботлари соҳилдаги бандаргоҳ хизматини ўтайдиган чоғроққина «ўмиз»да жам бўлиб турибди. Куттернинг тўсатдан пайдо бўлиши ирокезларни гафлатда қолдирган бўлса-да, ҳарбий ҳолат эҳтиёткорлик чора-тадбирларини кўриб қўйиш уларнинг қоң-қонига сингиб кетгандики, бирор дақиқа ўтмаёқ ҳаммалари, худди уясига яширинган айёр тулки янглиғ, беркиниб олдилар.

Истеҳкомда ҳам шундай осудалик ҳукм сурарди. Изқувар билан Кап ирмоқни кузатарканлар, айни вақтда ўз-

ларини пайқаб-кўриб қолмасликлари тадбирини ҳам кўришганди. «Учқур»нинг саҳнида тирик жондан асар кўрилмаётгани гоятда таажжубли эди. Сиртдан қараганда ҳеч ким бошқармаётган кеманинг қандай сузиб келаётганини кўрган ҳиндуларни беихтиёр қўрқув ҳамда саросима босди. Ҳатто ораларидаги энг довиорақлари ҳам ўзлари учун шундай омадли бошланган ишнинг охири бахайр бўлишидан шубҳага тушиб қолишди. Кўлнинг ҳар иккала томонидаги оқ танлилар ила муомала қилишга ўрганиб кетган Ароухеддай одамнинг ўзи ҳам одамсиз кеманинг пайдо бўлишини беҳосият аломат деб билди. Айни шу дақиқада, ҳатто жон-жон деб яна қуруқликда бўлиб қолгуси келиб кетди.

Куттер эса ҳамон илгаригидек тезликда сузиб келарди. У шамол кучайганда гоҳ ёнбошга қийшайиб, гоҳ яна қаддини ростлаганда оқимнинг ўртасидан келяпти. Тумшуғида, тагтўсини тумшуғида ҳануз сув қайнаб-кўпиряпти. Елканлари ҳамарилган бўлса-да, у шиддат-ла сузаяпти. Куттер олисда, яшил дов-дарахту буталар ортида бамисоли парку булутдай пайдо бўлганидан бери бор-йўғи ўн дақиқалар фурсат ўтган бўлса-да, ҳозир истехком рўпарасига етиб келганди. Кап билан Изқувар кема саҳнини тузукроқ кўриш ниятида олдинга энгашдилар, шунда Жаспер Чучук Сувнинг баланд хитоб-ла сакраб оёққа турганини кўриб икковлари қувониб кетдилар. Кап хавфни ҳам унутиб, панжара-тўсиққа ирғиб чиқди-да, йигитнинг хитобига хитоб-ла жавоб қайтарди. Бахтига душман гоятда сергак бўлиб, ўзини фош этиб қўймаслик эҳтиётини қилиб бирор мартаям ўқ узмади.

Изқувар ишнинг ҳаяжонли томонидан кўра амалий жиҳатини назарда тутган ҳолда, дўстини кўрган заҳотиёқ шундай деб қичқирди унга:

— Агар ёрдамлашиб юборсанг, бугунги ғалаба бизники деявер! Уларга қарата, ҳув анови буталарга қараб бир «насиба»ларини жўнат, шунда уларни каклик ғаласидай эхоналарини чиқариб юборасан-да ўзиям!

Бу орада «Учқур» истехком ёнидан ўтиб бориб, бирор дақиқадан сўнг уни пана қилиб турган дарахтлар ортида кўздан ғойиб бўлди.

Икки дақиқача фурсат таҳликали кутиш-ла ўтди. Аммо яна дарахтлар орасидан елканлар липиллаб кўзга ташлана бошлади. Жаспер кемани шартта бурди-ю, елканни бошқа йўналишга мослаб, шамол эпкини билан орол ёқалаб сузаверди. Шамол-анчагина кучли эди, шу туфайли жиловини мувофиқ шамол измига қўйиб берган куттер

мўъжазгина бўғоздан чиқиши билан оролнинг қарши ша мол эсаётган томонига ўтиб олиши мумкин эди. Ана шу ҳаракатларнинг бари кўзни қувнатадиган абжирлик ила осонгина адо этилганди; бирорта ускунага қўл урилмади, елканлар ўз-ўзидан мосланарди йўналишга, енгилгина кема ҳаракатини фақат рулгина бошқариб турарди. Жаспернинг мақсади вазиятни аниқлаб олиш эди афтидан. Бироқ «Учқур» оролни бутунлай айланиб чиқиб, тағин шамолга қарама-қарши сузиб, боя яқинлаб борган ирмоққа киргач, рулни чапга бурди-ю, кема йўналишини ўзгартди. Гарчи катта мачтанинг қўйи елкани хийла ҳимариб қўйилган бўлса-да, шунақанги қаттиқ қарсиллаб-шалопладики, нақ бир неча замбаракдан бир йўла ўқ узилгандай туюлди, шунда Кап, елканлар чок-чокидан сўкилди-ёв, деб қўриқиб кетди.

— Иқроп бўлиш керакки, ҳазрати олийлари зап елкан-боп ажойиб мато билан таъминлайди-да, — гўлдиради кекса денгизчи. — Бунинг устига десангиз, тан бериш керак, бизнинг азаматимиз ҳам кемасини ўз касбининг устаси, тажрибали капитанлардек бошқаряпти. Сиз нима десангиз деяверинг-у, Изқувар, лекин мен бу мистер Чучук Сув ўз санъатига ана шу чучук сувли кўлмакда эришган деган гапга ишонсам отимни бошқа қўяман!

— Нима деганингиздаям бу шундай, ҳечам бошқача эмас; ҳар қалай касбини шу ерда, Онтариода ўрганган у. Мен кўпинча, кемачаю қайиқларни бошқариш санъати унинг асли қонида бор, деб ўйлардим, шундай деган ўйга борардим ва шунинг учун ҳурмат қилардим. Хоинлик, ёлгон ва жамики палидона қусуру иллатларга келганда, дўстим Кап, Жаспер Уэстерн энг жасур, энг шавкатли делавар жангчисидек йироқ бу нокасликлардан, делаварлар эса шундайки, мабодо чинакам ҳалол, виждонли одамни кўришни истасангиз, ўшаларнинг қабиласига боринг. Шундай одамни ўша ердан топасиз!

— Ана, буряпти у! — ҳаяжон-ла нидо солди Кап, «Учқур» елканларини яна аввалги йўналишга мослаётганини кўриб. — Энди азамат ниманинг режасини қураётганини кўрамиз! Албатта, у оёғуини тушаётган қизалоқдай, бу ирмоқлардан нари-бери бориб-келавермас, ахир.

«Учқур»нинг елканлари шунақанги шалвираб қолдики, иккала кузатувчи, ишқилиб Жаспер кемани ҳаракатсизлик ҳолатига туширишни хаёл қилмасин-да, деб бир нафас хавотирда қолишди. Ирокезлар ўз пистирмаларидан кемага эҳтиётсизлик билан уясига яқинлашиб келаётган ўлжани пойлаётган йўлбарс тахлит қонхўрона қувонч-ла

тиклишарди. Бироқ Жаспернинг мақсади бундай эмасди: оролни қуршаб турган ҳамма ирмоқларнинг чуқурлигини беками-кўст ўрганиб чиққанидан «Учқур»нинг соҳилга сира хавфсирамай, бемалол яқинлашиши мумкинлигини яхши биларди. У асло тап тортмай чоққина қўлтиққа кириб, ўша ерда боғлаб қўйилган иккала ботни шатакка олди-да, ирмоққа тортиб чиқди. Бошқа ҳамма қайиқлар Дунгамнинг иккала ботига боғлаб қўйилгани сабабли мазкур мардона ва муваффақиятли ҳаракат оқибатида ҳиндулар оролдан жўнаш имкониятидан маҳрум этилгандилар; улар учун сузиб кутулиб кетиш чорасигина қолганди, холос. Улар бу ҳолни кўрганлари замоноқ ҳаммасини тушундилар. Ўша лаҳзадаёқ ҳаммалари панагоҳларидан отилиб чиқдилар-у, ҳавони дод-вой ва ўқ (дарвоқе, мутлақо бе-зиён) овозлари тутиб кетди. Худди ана шу сонияда, улар эҳтиёткорликни унутиб ўзларини ошкор этиб қўйган дамда, кетма-кет иккита ўқ узилди. Олдинига истеҳком томида варанглаб милтиқ отилди-ю, ирокезлардан бири бош суяги пачақланиб, тил тортмай гуппа қулади. Иккинчи ўқ «Учқур»дан узилди, бу дўстичалик аниқ пойлаёлмайдиган делаварнинг ўқи бўлиб, бошқа ирокезни бир умрга майиб қилди. «Учқур» хизматчилари музаффарона ҳайқириб юбордилар, ҳиндулар, нақ ер ютиб юборгандек, тагин ғойиб бўлдилар.

— Илон садо берди!— деди Изқувар иккинчи ўқ узилган заҳоти.— Унинг милтиғи овозини ўзимнинг «буғу урар»имнинг товушидай яхши биламан. Ҳамишаям тил тортқизмай ўлдиравермасаям, ажойиб милтиқ! Яхши, яхши! Чингачгук билан Жаспер сувда, сиз билан биз эса, дўстим Кап, бу ерда, истеҳкомда туриб, дайди-саёқ мингларга ақл ишлатиб жанг қилиш қандай бўлишини бир кўрсатиб қўяйлик!

Ушбу вақт ичида «Учқур» сузишни давом эттирди. Кема оролнинг энг чекка нуқтасига етгани замоноқ Жаспер қўлга туширилган қайиқларни оқим измига топширди, шамол эса қўшни орол соҳилига қараб ярим миляча масофага суриб кетди уларни. Шундан сўнг куттер елканларини бошқа йўналишга мослади-ю, тагин оқим бўйлаб бўлак ирмоққа кирди. Кап билан Изқувар «Учқур» саҳнида ниманингдир тадориги кўрилаётганини пайқадилар. Уларни шу нарса бағоят қувонтириб юбордики, куттер асосий қўлтиққа, ҳиндулардан аксарияти яширинган жойнинг нақ рўпарасига етиб келган заҳотиёқ, бирдан кемадаги яккаю ягона тўпнинг оғзи олдинга сурилиб чиқди-ю, сочма ўқ буталар устига дўлдай ёғилди. Бу қўрғошин дўлидан

ирокезлар шундай тўзиб кетдиларки, ҳатто бедана галаси ҳам бундай питраб кета олмасди. «Буғу урар» йўллаган элчи яна бир ҳиндуни ер тишлатди, Чингачгук яралаган бошқаси оқсоқланганча қочиб қолди. Ҳиндулар зумда беркиниб олдилар. Ҳар иккала томон янги олишувга ҳозирланаётгандек эди, афтидан. Аммо тўсатдан қўлида оқ байроқ кўтарган Шабнам пайдо бўлди. Уни француз офицер билан Мюйр кузатиб келишарди.

Музокара истеҳком деворининг таккинасида олиб борилганидан ҳали яшириниб улгурмаганларнинг бари «буғу урар»га нишон эди. Жаспер нақ истеҳком рўпарасида лангар ташлади, унинг тўпи музокара олиб бораётганларга тўғриланганди, шу боисдан қамалдагилар ва уларнинг куттердаги дўстлари беҳавотир кўзга ташланаверишлари мумкин эди. Елғиз Чингачгуккина — шунда ҳам эҳтиёткорликдан кўра кўпроқ одатланганидан — пистирмада эди, холос.

— Сиз ғолиб келдингиз, Изқувар, — дея қичқирди квартирмейстер, — мана, капитан Санглие¹ сизга сулҳ таклиф этгани келди! Сиз, Изқувар, сизлар билан қонуний жанг қилиб, ўз қироли ва ватанининг шон-шарафи талаб этган жамики нарсани адо этган жасур душманингизнинг ўз обрўси билан муносиб тарзда чекинишига қаршилиқ кўрсатмассиз. Сиз ўзингиз содиқ фуқаросиз, шу важдан виждонан, ҳалол ҳаракат қилган одамга нисбатан шафқатсизона муносабатда бўлишни хоҳламассиз. Душман оролни ташлаб чиқиш, асирларни айирбошлаш ва бош териларини қайтаришни ваъда қиляпти. От-улов ҳамда артиллериянгиз бўлмай туриб, бундан ортиғини талаб ҳам қилолмайсиз бари бир.

Бу гапларнинг барини у баланд овозда айтганидан ҳар битта сўзи истеҳкомдагиларга ҳам, куттердагиларга ҳам эшитилиб турди.

— Сен нима дейсан бунга, Жаспер? — деб қичқирди Изқувар. — Таклифларини эшитдингми ўзи? Бу саёқларни қўйиб юборамизми ёки кейинчалик учрашганимизда таниш учун, худди қишлоқларда қўйларни тамғалагандек, тамға урамизми уларгаям?

— Мабель Дунгамга нима бўлди? — деб сўради йигитча, шунда унинг қошлари чимирилди, юзи эса дағдағали тус олди. — Агарда унинг бир тола сочига теккан бўлсалар, бутун ирокезлар қабиласи ҳолига маймунлар йиғлайди!

¹ Санглие (le sanglier) — французчада «қобон», «тўнғиз» дегани.

— Йўқ, йўқ, у ҳозир пастда! Соғ-саломат; аёлларга муносиб тарзда жон таслим қилаётган отаси бошида парвона. Сержант ярадор, лекигин унинг жароҳати эвазига ўч олишимиз ўринсиз: унинг бошига жангчи қисмати тушди; Мабелга келганда эса...

— Шу ерда у!— дея нидо солди ишлар қай томонга юзланганидан дарак топгани заҳоти томга чиқиб келган қиз.— Шу ерда у! Ортиқ қон тўкманг, қўйинг! Шундай ҳам анча-мунча қон тўкилди. Агар, Изқувар, бу одамлар оролни бўшатишмоқчи, агарда тинчгина кетишмоқчи бўлишса. Жаспер, ушлаб турманг уларни. Шўрлик отам ҳаёт билан видолашяпти. Қўйинглар, тинчгина оёқ узатсин. Боринглар, бораверинглар французлару ҳиндулар, бора қолинглар! Биз энди душман эмасмиз, ҳеч кимга ёмонлик истамаймиз.

— Бўлди, бас, Магнит!— гапга аралашди Кап.— Сенинг гапларинг, эҳтимол худога хуш келар, ўзиям оятларга ўхшаб кетади сўзларинг, илло ақл-идрокдан хийла йироқроқ. Душман саросимага тушган, Жаспер — лангар ташлаб турибди, бошлаб ўққа тутишга шай у, Изқуварнинг қўли қилт этмаяпти, кўзлари эса ҳар доимгидек ўткир ва тийрак... Биз ҳар бир бошдан товон ҳақию жарима пули олишимиз ва, устамасига, шон-шуҳрат қозонишимиз мумкин-а! Бизга ярим соатгина вақт беринглар...

— Хўш,— деди Изқувар,— мен Мабель томонидаман. Етарлича қон тўкилди, биз бурчимиз тақозо этган жамики ишни қилдик. Шон-шуҳрат масаласига келганда эса, дўстим Кап, сиз тушунгандай шон-шуҳратни ёш прапоршчиклару хизматга янги келганлар излайверишсин, мулоҳазали ҳамда тажрибали одамларга ярашмайди бу. Шон-шараф — бу адолатли иш тутишда: менймча эса, ҳатто мингни беҳудадан-беҳуда жонидан жудо қилиш адолатсизликдир. Шундай қилиб, поручик Мюйр, кўрайликчи, сизнинг дўстларингиз — француз ва ҳиндулар бизга нималарни таклиф қилишаркин.

— Менинг дўстларим?— деди Мюйр бир сесканиб.— Наҳотки сиз уруш тасодифлари мени уларнинг панжасига тутқазгани учунгина қирол душманларини каминанинг дўстлари деб атасангиз, Изқувар! Қадимги дунё ва ҳозирги замоннинг улуғ лашкарбошию жангчиларидан талайн ҳарбий асирлик насибасини тотганлар-ку, ахир. Мана, мистер Капни олайлик, ана шу фалокатдан қутулиб қолиш учун бизга боғлиқ бўлган жамики ишни қилганимизга гувоҳлик бериши мумкин.

— Ҳа-ҳа!— қуруққина жавоб қайтарди Кап.— Фақат

бир нарсани айтиб ўтиш керак: қутулиб қолиш учун эмас, қочиб қолиш учун. Биз пастга, нақ кема тагхонасининг ўзгинасига қочиб қолдик, кейин десангиз, шунақанги биқиниб олдикки, башарти нондонимизни тўлғазини заруриятини ҳис этмаганимизда ўша уямизда ҳозиргача ҳам пусиб ётсак бўларди. Сиз айёр тулкидай эпчиллик билан биқиниб олгандингиз, квартирмейстер, буёғини ким билди дейсиз, қачон излаб топа қолгандингиз ўша тулки уясини! Бу ҳол мен учун ҳақиқатан ҳам бир мўъжиза бўлди. Танбал матрос ҳам чап беришга тўғри келиб қолганида кема қуйруғидаги бирои-бир ковакка сиз ўша тулки уянгизга биқиниб олганингиздек эпчиллик билан яширина олмайди.

— Ортимдан эргашган ўзлари эмасмидилар, ахир? Одамнинг ҳаётида ақл-онги табиий туйғу-майлга айланиб кетадиган дақиқалар ҳам бўлади...

— Шунда одамлар уяга биқиниб оладилар-а, — дея гап қўшди Кап ва хахолаб кулиб юборди. Изқувар одатича унсиз кулиб қўйди; ҳатто ҳанузгача бутун хаёлини Мабелнинг ташвиши банд этиб турган Жаспер ҳам илжаймай қололмади. — Агарда тепага қараёлмаса, у одамни ҳатто Шайтони алайҳ лаънанинг ўзиям денгизчи қилиб тарбиялай олмайди, дейдилар; бу ерда бўлса, агарда аскар пастга, оёғи остига қараёлмаса — у аскар эмас чоғи.

Ушбу ҳазил-мутойиба Мюйрнинг кўнглига унчалик хуш келмаётган бўлса-да, ҳар ҳолда тинчлигу сулҳ қарор топишига катта ёрдами текканди. Кап ўткир аския қилганидан хурсанд эди, шунинг шарофати ила сулҳнинг асосий бандида ён беришга кўна қолди. Қисқагина муноқаша-тортишувдан сўнг ҳиндуларнинг ҳаммаси қуролсизлантирилиб, истехкомдан юз ярдча нарида, «Учқур»даги замбаракнинг ўқи бемалол етадиган ерга тўпланилди. Изқувар истехкомдан чиқиб, оролнинг душмандан бутунлай тозаланиши шартларини баён қилди. Мазкур шартлар ҳар иккала битишувчи томон учун қулай эди. Ҳиндуларга бутун қуролларини — бундан пичоғу томагавклар ҳам мустасно эмасди — топшириш буюрилди. Француз офицер, одатда бошқалар, шу қатори ўзи ҳам атайдиганидек мосье Санглие, бу шарт ҳаммадан кўра кўпроқ унинг бошлиқлик обрўйини тушириб юборажагини айтиб, эътирозга оғиз жуфтлади. Бироқ ҳиндулар қирғинига талай маротабалаб шохид бўлган ва мажбуран олинган ваъдаларнинг омонат, ишончсиз эканини билган Изқувар сўзида оғишмай туриб олди. Иккинчи шарт бир оз муҳимроқ эди: капитан Санглие зиммасига Кап билан Мюйр беркиниб ётган ўша уя ёхуд дарада сақланаётган ҳамма асирларни қайтариш мажбурия-

ти юкланарди. Асирларни олиб келишганида улардан тўрт киши мутлақо яраланмагани маълум бўлди: ҳужумга ўтилган пайтда улар ўзларини таппа ерга ташлашибди-ю, шу билан жонларини сақлаб қолишибди — бу ҳиндулар билан урушда қўлланиладиган одатий найранг эди. Бошқа икки нафари енгил жароҳатланган, хизматларини давом эттиришлари мумкин эди. Улар қуролларини кўтариб келишганди, кучлари шунчалик ортганини кўрган Изқувар янаям эркинроқ нафас олди. Душманнинг жами қурол-аслаҳасини истеҳкомга жамлаб, ўз аскарларини ўша ерга киритиб юборди-да, эшик ёнига соқчи қўйди. Қолган жангчилар ҳалок бўлишганди, зероки тезроқ бош териларини қўлга киритиш иштиёқида ирокезлар яраланганларни саранжом қилгандилар.

Жаспер битим шартлари билан танишгани ва оролда қолаётганлардан хавотирланмай нари кетиши мумкинлигини кўрган заҳотиёқ куттерни ботлар турган жойга қараб ҳайдади. Уларни шатакка олиб, ирмоққа шамолга тескари ёқдан кириб келди; бу ерда у ҳамма ҳиндуларга қайиққа ўтиришни буюрди, уларни шатакка олганича, шамол қичовида жадал сузиб борди-да, қайиқларни эпкин заптида бир миля илгарилаб кетишга мажбур этди. Ҳиндуларга ҳар бир қайиққа фақат биттадан эшкак берилганди; навқирон денгизчи мувофиқ шамолда уларнинг оқшом тушмай туриб Канада соҳилларига етиб олишлари мумкинлигини яхши биларди. Капитан Санглие, Ароухед ва Шабнамларнинг ўзлари ёлғиз қолишди. Санглие поручик Мюйр билан бирга баъзи бир қоғозларга имзо чекиши лозим эди. Мюйр офицерлик унвони юзасидан жамики ваколатга эгадек туюлганди унинг кўзига. Ароухед бўлса қандайдир хусусий сабабларга кўра ўз дўстлари — ирокезлар билан жўнашни истамасди. У, Шабнам ва капитан Санглие учун битта қайиқ қолдирилган эди.

ИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

Изқувар истеҳкомдан чиқаркан Мюйрга рўпара бўлди, у йўл бошловчини танҳо гаплашиб олиш ниятида четроққа бошлади. Квартирмейстер бунақанги мулойим-чучмал, сертакаллуф сўзларди-ю, бироқ бунинг замирида, чамаси, пинҳоний муғамбирлик ётарди.

Квартирмейстер қанчалик айёр бўлса, Изқувар шунчалик соддадил, квартирмейстер қанчалик мунофиқ бўлса, овчи шунчалик самимий эди; Изқувар доимо тўппа-тўғри

йўлдан борарди; квартирмейстер эса ҳамиша иланг-биланг йўлни танларди.

— Азиз дўстгинам,— деб бошлади Мюйр,— сен бизнинг ҳаммамиз учун яқингинада кўрсатган хизматларингдан кейин мишг бора қимматлироқ бўлиб қолдинг. Ушбу охирги савдоларда ўз шон-шуҳратингни чандон бора ортирдинг, мустақамладинг. Тўғри, сени офицерликка кўтаришмайди, чамамда, ўзингни бунга эришиш ўйинг ҳам, истагинг ҳам йўқ; бироқ йўл бошловчи, маслаҳатчи, содиқ фуқарою беқиёс мергансан. Яна билмадим-у, Америкада бош қўмондондай одамнинг шон-шуҳрати бунчаликмасдир-ов! Умрингни охирини осуда-хотиржам ўтказганинг маъқулмиди. Қадрдон дўстим, кечиктирмай уйлан, ўз бахтингни ўйла, негаки шон-шуҳрат ташвишини чекишингни ҳожати қолмаган эндиликда. Мабель Дунгамга уйлан, гўзал хотинлию пок номли бўлиб қоласан.

— Сиздан бундай гапларни эшитиш ғалати туюляпти, квартирмейстер,— дея жавоб қайтарди Изқувар.— Эшитишимча, гўёки сиз менинг рақибим эдингиз чоғи.

— Шундай, мен сенинг рақибинг эдим, шуниям айтиб қўяйки, даҳшатли рақиб эдим! Беш марта аёллар пайига тушганман-у, бирор мартаям бўш келмаганман... Лэндининг ҳисобича тўртта, лекин бу ғирт ёлғон. Ҳақиқат ҳамиша бу ҳисоб-китоб қатламини ёриб, униб чиқади. Шундоқ, Изқувар, мен сенинг рақибинг эдим, аммо эндиликда бу гаплар тамом, Мабелга эришишингда чин қалбимдан, самимият билан муваффақият тилайман. Агарда сержант жароҳатдан соғ-омон қоладиган бўлса, сен тўғрингда унга албатта икки оғизгина гапириб қўяман.

— Гарчи бунга муҳтожлик жойим бўлмаса ҳамки, менга бўлган илтифотингиз учун ташаккур сизга, квартирмейстер. Сержант Дунгам — менинг эски қадрдоним. Уруш пайтидаги битишувни қанчалик ишончли ҳисоблаш мумкин бўлса, ушбу келишувни ўшанчалик ишончли деб ҳисоблайман. Мабель билан отаси менинг истак-хоҳишимга розилик беришди, шундоқ экан, бутун бошли эллик бешинчи пол халал беролмайди бунга. Эҳ, афсус, бечора отанинг ўзи кўпдан орзу қилиб келган нарсасини кўриши даргумон кўринади!

— Аммо жон таслим қилаётиб у дилидаги истаги рўёбга чиқажагидан тасалли топиб кетади. Ёруғ жаҳон билан видолашаётиб, суюкли кишилари унинг ўлиmidан кейин бахтли бўлажакларига ишончи комил одамгина тасалли топиб кетади. Миссис Мюйрлар қазолари олдидан ана шундай ҳисни туйганлар.

— Квартирмейстер, ҳамма хотинларингиз ўзларига шу туйғу билан таскин берганларини тушуниш қийинамас.

— Бўлди! Бас, азизим! Мен сени бунчалик тили ботир деб ўйламагандим. Хўп майли, эски ошналар ҳазилга ҳафа бўлмайдилар. Башарти Мабелга уйланолмаганим тақдирдаям, лекин уни ҳурмат қилишни, кези келиб қолди дегунча уния, сениям мақташни ўз бурчим деб биламан. Аммо, Изқувар, шундай қизни қўлга киритиш бахтидан жудо бўлган одам бирон нарса билан тасалли топиши керак-ку. Тўғриямасми?— деди Мюйр хушомадгўёна оҳангда.

— Албатта, квартирмейстер, шубҳасиз!— дея жавоб қайтарди соддадил йўл бошловчи.— Мабелдан жудо бўлиш қанчалик оғир эканини ўз тажрибамдан биламан. Эҳтимол уни менинг рафиқам сифатида кўриш сиз учун кўнгилисиз бўлар, лекин сержантнинг ўлими, турган гапки, никоҳимизни кейинроққа қолдиришга мажбур этар бизни, шу боисдан бу фикрга кўникишингиз учун етарлича вақтингиз бўлади ҳали.

— Бу зарбага дош бераман мен... ҳа, юрагимнинг жамики торлари узилиб кетганида ҳам, дош бераман! Лекин сен ёрдам қилишинг мумкин менга. Ўзинг тушунасан, ушбу сафаримиз жуда ғалати бўлди. Офицерлик унвоним бўла туриб мен оддий бир кўнгилли аскар ўрнидаман-у, ёрлиқсиз офицер — бошлиқ. Ватанимизнинг шон-шавкатию ҳазрати олийларининг ҳақ-ҳуқуқлари учун жангга отланганларга қўмондонлик қилиш иштиёқида бутун вужудимдаги қон жўшиб турганига қарамай, талайгина сабабларга кўра рози бўлгандим бунга...

— Квартирмейстер,— дея унинг сўзини бўлди йўл бошловчи,— сиз душман қўлига тезгина тушиб қолдингиз, шунга қийналаётган бўлсангиз, қўйинг, виждонингиз хотиржам тортаверсин. Етар, бу ҳақда гапни бас қилайлик!

— Менинг фикрим ҳам худди шундай, Изқувар! Бирортамизга шу тўғрида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Сержант Дунгам сафдан чиқиб бўлди аллақачон...

— Нима дедингиз?— деб сўради йўл бошловчи.

— Сержант ортиқ командирлик қилолмайди, шундоқ экан, менинг фикримча, бундай ғолиб бўлишга капралнинг бошчилик қилиши номуносибдир. Қўлида поручиклик дипломи бор одам сифатида мен ўзимга тегишли ҳақ-ҳуқуқни талаб этмоқчиман. Аскарлар бунга эътироз билдиришга ботинишолмайди. Хўш, сенга келганда эса, азиз дўстим, эндиликда шундай шуҳрат қозонган, Мабель қўлингга кирган, виждонинг ўз бурчингни адо этганингни ҳис қилиб турган бир пайтда — ҳаммасидан ҳам қимматлиро-

фи шу эканини тан олмоқ керак,— шубҳасизки, менга мухолиф эмас, балки иттифоқчи бўларсан дейман!

— Уйлашимча, поручик, сиз эллик бешинчи полк жангчиларига бошчилик қилнига тўла ҳақлисиз. Гарчи сиз асир тушган бўлсангиз ҳам, бу ерда ҳеч ким қаршилиқ қилмаса керак; лекин шундай одамлар ҳам борки, улар ўзлари бандиликдан озод қилган кишига итоат этини унчалик хушламайдилар. Шунга қарамай, уйлашимча, бу ерда ҳеч зог сизнинг истак-майлингизга қарши чиқмаса керак ҳар қалай.

— Жуда соз, Изқувар! Французларнинг ботларини қўлга тушириш хусусида, истеҳком мудофааси ва умуман барча ҳаракатларимиз ҳақида ахборот бераётганимда сени ва хизматларингни унутмайман, кўрасан ўзинг.

— Мени ва хизматларимни тинч қўяверинг, квартирмейстер! Лэнди ўрмонда қандаю қалъада қандайлигимни биледи, генерал эса янаям яхшироқ хабардор бундан. Менинг ташвишимни чекиб юрманг; яхшиси ўз саргузаштларингизни гапириб беринг, кейин, Мабелнинг ҳар ҳолда ҳали-ҳозирча бошлиқ бўлиб турган отасининг хизматларига яраша муносиб баҳо беришни ҳам эздан чиқарманг.

Мюйр ушбу эскартмадан бағоят хурсанд эканини айтди, ҳаммага адолатан, ҳаққоний баҳо беражанини таъкидлади. Бу орада улар гулхан атрофида йиғилган тўда ёнига келиб қолишган эди. Квартирмейстер шу ерда Освегодан чиққанларидан берига офицер сифатида биринчи маротаба ўз ҳукмини ўткази бошлади. Капрални бир чеккага олиб бориб, унга очиқ-ошкора ва қатъий оҳангда унвони берадиган ҳақ-ҳуқуқни қўлга олиш ниятида эканини айтди-да, буни барча аскарларга эълон қилишни буюрди. Бошлиқ алмашинуви хотиржамгина кутиб олинди. Поручикнинг командирлик вазифасини эгаллашга қонунан ҳақли эканлигини ҳаммалари билишарди, шу боисдан ҳам ҳеч ким унинг фармойишларига зид бормоқчи эмасди.

Айни сонияда капитан Санглие файласуфона беғамлик, кекса ҳарбийлардек бепарволик, французча маҳорату чапдастлик ҳамда туяқушдек мечкайлик ила нонушта қилаётган эди. Унинг мустамлакаларда яшаётганига ўттиз йил бўлганди; буёққа Франциядан ҳарбий бўлинма билан бирга, деярли ҳозир Мюйр эллик бешинчи полкда эгаллаб турган лавозимда келганди. Унинг темирдай мустаҳкам қад-қомати, унинг шафқатсизлиги, ҳиндуларни бошқаришдаги уддабуролиги, ўта довюраклиги — ана шу жамики фазилату хислатлари унга иттифоқдош ҳиндуларнинг ҳар-

Бий ҳаракатларини бошқариш вазифасини топширган бош қўмондонга аллақачонлароқ етиб борганди. Ана шу зиммасига юкланган охириги вазифа унга капитан унвонига эга бўлиш имконини берганди, мазкур лавозимга тайинланганидан сўнг у ҳеч қанча вақт ўтмаёқ ўз иттифоқчиларининг кўпгина одат ва ҳатто қарашларигача ўрганиб-ўзлаштириб олганди. Талон-торожга отланган ҳиндулар тўдасига бот-бот раҳнамолик қилиб турарди у. Ўз аҳамияти ва оқибати жиҳатидан ҳиндуларнинг одатий сиёсатларидан хийла олислаб кетадиган жанговар ҳаракат режаларини тузарди-ю, кейин ўзи сабабчи бўлган фалокату мусибатларни камайтиришга уринарди. Номи қўл остидигиларнинг кўплаб ваҳшиёна, шафқатсиз қилмишлари билан боғлиқ бўлганлиги важдан у Америка кенту қишлоқларарида ёвуз деб ном таратган эди. У ўз-ўзини атайдиган — Санглие — қобон, ёки одатда чегарада атаганларидек Тошюррак исми оламнинг мазкур қисмида бола-бақраю хотинхалажни даҳшатга солар эди.

Изқувар билан Санглиенинг учрашуви икки лашкарбошининг бир-бировига рўпара келишини эслатарди. Гулхан ёнидан жой олар эканлар, бир дақиқача чурқ этиб оғиз очмай, фақат диққат-ла бир-бирларини кузатдилар; униси ҳам, буниси ҳам даҳшатли рақиби ҳузурида эканини ҳис этиб, унисиям, бунисиям ўз ғанимига—жангчига муносиб тарзда—ишонч-ла қараши лозимлигини тушуниб турарди; ҳар икковлари ҳам хулқу атвор ҳамда истак-мақсадлари ўртасида беҳудуд тафовут борлигини кўриб-фаҳмлаб турардилар. Изқувар кўп нарсаларни бошдан кечирган одам сифатида Санглиени жасурлиги учун ҳурмат қилар, у тўғрида тарқалган жамики бемаъни мишмишларга ишонмас эди. Бироқ овчи французнинг худбинлигини, унинг совуққонлик ила режаланган ҳисоб-китобларини маъқулламасди. Капитан Санглиени оладиган бўлсак, йўл бошловчи унинг учун бир жумбоқ эди: француз мутлақо тушуна олмасди унга. Изқуварнинг беғаразлиги, адолатпарварлиги, самимийлиги тушунарсиз эди капитанга.

Ҳар иккала қаҳрамон жимгина бир-бировини кузатишаётган эди. Капитан Санглие қўлини шапкаси сари олиб борди. Дағал чегара ҳаёти унинг вужудидаги илгариги одобу назокатни бутунлай йўқотиб улгурмаган, чеҳрасидан французларга хос туғма фазилатдай туюлувчи хушмуомалалигу тавозе ифодасини бутунлай сидириб юборолмаган эди ҳали.

— Мосье Изқувар,— деди у дўстона жилмайиб, фран-

цузча сўзларни инглизчага қориштириб:— *une militaire*...¹ яъни урушнинг шон-шавкати, *le courage et la loyauté*². Ирокезча гаплашишни биласизми?

— Ҳа, бу разилларнинг тилини биламан ва зарурат туғилиб қолганида гаплаша оламан унда,— жавоб қайтарди Изқувар,— лекигин на бу тил, на бу қабилани жиним суюди. Менимча, мистер Тошюрак, мингга дуч келиш муттаҳамга йўлиқиш дегани. Мен сизни, гарчи жанг пайтида бўлсаям, тез-тез кўриб турардим, иқрор бўлишим керакким, ҳамиша олдинги сафларда... Чоғимда, бизларнинг ўқларимиз аллақачоноқ сизга танишдир-а?

— Фақат сизники билан эмас, мосъе Изқувар! Сизнинг ҳимматли қўлингиз йўллаган ўқ — нақ ажалнинг ўзгинаси. Сиз ороллардан бирида менинг энг яхши жангчимни нобуд қилдингиз.

— Бўлиши мумкин, лекигин, менимча, уларнинг бари ўтакетган палидлар. Мен сизни ҳақоратлаб, ранжитмоқчи эмасман-у, мистер Тошюрак, аммо, очигини айтганда, бемаъни, ярамас одамлар орасида яшайсиз.

— Шундоқ, сэр,— дея жавоб берди француз хушмуомала бўлишга аҳд қилиб, айни чоғда инглизчани қийинчилик ила тушунаркан, буни ўзига хушомад деб ўйлаб.— Жуда бағри кенг одам экансиз, бироқ ип *brave*³ ҳамиша *comme ça*⁴... Шошмангчи! Нима гап бўляпти ўзи? Анави *jeune homme*⁵ни нима қилишмоқчи?

Изқувар Санглие кўрсатган томонга ўгирилиб қараркан, икки аскарнинг қўполлик билан Жасперни икки ёқдан олиб, қўлларини қайиришга уринаётганларини кўрди.

— Нима гап ўзи?— дея қичқирди йўл бошловчи аскарлар сари ташланиб, уларни бир силташда нарига итқитиб юборар экан.— Чучук Сув билан шундай муомала қилишга кимнинг виждони йўл берди? Менинг кўз ўнгимда шундай қилишга журъат этган ким?

— Менинг буйруғимга биноан бу, Изқувар!— жавоб қилди квартирмейстер.— Мазкур фармойишнинг масъулиятини ўз зиммамга оламан. Олий ҳазратлари офицерининг буйруғи қонуний эканини рад этмасиз, ахир!

— Башарти Жасперни ана шундай муомала қилишга лойиқ дейдиган бўлса, шахсан қиролнинг сўзиниям рад этишим тайин эди. Ҳаммамиз бош теримиз омон қолгани

¹ *Militaire* (франц.)— аскарый.

² *Le courage et la loyauté* (франц.)— мардлик ва садоқат.

³ *Un brave* (франц.)— мард, довьорак.

⁴ *Comme ça* (франц.)— шунақа бўлади ўзи.

⁵ *Jeune homme* (франц.)— йигитча.

учун ундан миннатдор бўлишимиз керакмасми ҳали? Галаба қозонишимизга мадад берган у эмас, бошқа одамми? Пўқ, поручик, агарда сиз ўз ҳақ-ҳуқуқингизни фақат шу билан намоён этмоқчи бўлсангиз, у ҳолда мен биринчи бўлиб тап олмайман ўша ҳукми амалингизни!

— Бу гапингиздан итоатсизлик иси келяпти,— дея жавоб қайтарди Мюйр,— бироқ Изқувар учун кўп нарсани кечириш мумкин. Дарҳақиқат, Жаспер ўзини бу ишда бизга ёрдам бераётган қилиб кўрсатди, лекин ўтган ишларни ҳам унутмаслигимиз керак. Освегодан йўлга чиқишимиз олдидан сержант Дунгамга унинг сирини фош этган одам майор Дунканнинг ўзи эмасмиди, ахир? Кейин, бу ишда хиёнат содир бўлганини ўз кўзимиз билан кўриб, хоин фақат Уэстернгина бўлиши мумкин деган қарорга келмаганмидик ҳали? Эҳ, Изқувар, агар сиртига қараб одамга ишонадиган бўлсангиз, ҳеч қачон буюк давлат арбоби ёки улуғ саркардалик мартабасига эришолмайсиз! Мен ўйлайманки, мунофиқлик ҳатто ғаразу ҳасадгўйликдан чандон бора кўпроқ тарқалган иллат. Бу инсон хулқи-атвори, табиатининг мусибатидир!

Капитан Санглие елкаларини қисганча, дам квартир-мейстерга, дам Жасперга қарарди.

— Тунурдим ўша ҳасадгўйлигингиз, ўша мунофиқлигингиз ва ҳатто ўша инсоний хулқи-атвору табиатингизга ҳам!— деб жавоб қайтарди Изқувар.— Жаспер Чучук Сув — менинг дўстим! У довьюрак йигит, ҳалол, покиза, садоқатли ўспирин! Токи мен шу ерда эканман, эллик бешинчи полкдан бирон зот унга қўл кўтариб бўпти! Сиз аскарларингизга фармонбардорлик қилишингиз мумкин, мен билан Жасперга эса овора бўласиз!

— Вон!¹— деб юборди француз.

— Демак, сиз, Изқувар, ақлга қулоқ беришни истамай-сиз, шундайми? Ахир шубҳа-гумонларимиз ва далил-исботларимизни эсдан чиқармагандирсиз-ку! Мана сизга ишни чуқурлаштирадиган яна битта далолат. Манави мато парчасини кўряпсизми? Мабель буни оролга душман ҳужум бошлашидан нақ бир соат олдин дарахт шохидан топиб олганди. Ушбу лахтакнинг «Учқур»да ҳилпираб турган байроқнинг учи эканини аниқлаб кўриш ўзларига малол келмас дейман? Бундан кўра ишончлироқ далил бўлиши мумкин эмас.

¹ Вон (франц.)— қойил, ялши.

— Ma foi, c'est un peu fort, ceci¹,— гўлдиради Санглие фикиниб.

— Қалби-юрагини яхши билганимдан кейин, ўша байроғу ишора-белгиларингиз билан менинг печа пуллик ишим боракан!— дея қарши чиқди разведкачи.— Жаспернинг бутун вужуди ҳалоллик, поклик туйғуси билан йўғрилган, бу эса ғоятда ноёб фазилат. Унга аллақандай мишга қилинганидай муомала қилишга ҳеч кимнинг ҳадди йўқ! Йўқ-йўқ, тинч кўйинг уни, йўқса кўрамиз, кимнинг қўли балаид келаркин: эллик бешинчи полклик аскарларингиз билан сизними ёки Илон, «буғу урар» ва ўз кема хизматчилари билан Жасперними! Поручик Мюйр, ўз кучингизга қанчалик ортиқча баҳо бераётган бўлсангиз, Чучук Сувнинг обрў-эътиборини шунчалик ерга уряпсиз!

— Tres bien²,— гўлдираб қўйди Санглие.

— Хўп, нимаям дердим энди! Очиқ-ойдинроқ гапирман унда. Манави капитан Санглие билан жасур тускарор Ароухед менга бу бахти қаро йигитчини хоин деб айтишди! Ишонаманки, Изқувар, шундан кейин ҳам менинг буйруғимга қарши чиқмасиз?

— Scélérat!³— дея пичирлаб қўйди француз.

— Капитан Санглие — мард, жасур жангчи,— деди Жаспер,— у ҳалол бир денгизчига туҳмат қилишни хоҳламайди... Айтингчи, капитан Тошюрак, бу ерда, орамизда хоин борми?

— Ҳа-ҳа,— қўшимча қилди Мюйр,— шуни истаганингиздан кейин, майли, очиғини айтсин, эй шўрлик йигит! Кўрамиз, жазодан қочиб қутула олармикансиз!.. Капитан, орамизда хоинни кўриб турибсизми ёки йўқ?

— О, кўрганда қандоқ, албатта-да!

— Жудаям кўп ёлғон гапирди!— деди Ароухед қаттиқ-қаттиқ, Мюйрнинг кўкрагидан итариб.— Қани менинг жангчиларим, қани менга тегадиган ингизларнинг бош териси? Жудаям кўп ёлғон гапирди!

Ҳиндунинг ушбу ҳаракатини зарба беряпти деб ўйлаган Мюйр орқасига тисарилди-ю, шартта қуролига ёпишди. Бироқ тускарор чаптастроқ эди. У дарғазаб ўқрайди-ю, белидаги тасмасига яшириқча қистириб қўйилган ханжарини чиқариб, кўз очиб-юмгунча бўлмаёқ нақ дастасига қадарли квартирмейстернинг кўксига қадади.

¹ Ma toi, c'est un peu fort, ceci (франц.)— Чин сўзим, бу энди ҳаддан ошиб кетди.

² Tres bien (франц.)— жуда соз.

³ Scélérat (франц.)— ёвуз, ярамас.

Мюйрнинг юзида ҳайрат ифодаси-ла қулаётганини кўрган Санглие бир чимдим тамаки чиқариб, хотиржам овоз билан деди:

— Voilà l'affaire finie! Mais ce n'est qu'un scélérat du moins¹.

Мюйрни ўлдириш шунчалик қўққисдан содир бўлгандиким, Ароухед ваҳшиёна қийқириб, ўзини буталар орасига отган пайтида оқ танлилардан бирортаси орқасидан ташланмади ҳам. Ёлғиз Чингачгуккина ўзини йўқотмади: буталар тускарорни яшириб улгурмасиданоқ делавар ўша ёққа отилди...

Французчани биладиган ва Санглиенинг хитобларию хатти-ҳаракатларидан таажжубда қолган Жаспер Уэстерн унга мурожаат қилди.

— Айтингчи, мосье,— деди у инглизчалаб,— мен хонманми?

— Мана у!— дея совуққина жавоб берди француз.— Бу бизнинг жосусимиз, бизнинг айғоқчимиз. Виждонан айтсам, ўтакетган ярамас эди у! Мана у!

Санглие квартирмейстернинг жасади узра энгашди-да, унинг чўнтакларидан биттасини кавлаштириб, ҳамён чиқариб, ҳамманинг кўзи олдида ағдарди ичини. Бир нечта луидор аскарлар оёғи остига юмалаб борди, аскарлар эса уларни липпа гумдон қилишдек қулай фурсатни бой бермадилар, албатта. Санглие ҳамённи жирканиб отиб юборди-да, вазминона одимлаб шўрваси ёнига қайтиб, уни иштаҳа билан ичаверди.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Аскарлар Мюйрнинг жасадини четроққа олиб бориб, устига шинель ёпиб қўйдилар. Шу аснода Чингачгук буталар орасидан чиқиб келиб, индамайгина гулхан ёнига чўкди. Санглие билан Изқувар унинг белидаги қонга беланган бош терисини кўришди-ю, аммо на униси, на буниси суриштириб ўтиришмади: улар Ароухед ўлдирилганини тушунишган эди. Француз бафуржа ўз шўрвасини ичишни давом эттираверди. Мюйрнинг хонлиги хусусида янада аниқроқ маълумот олиш истагида Изқувар савол бера бошлади, эндиликда ҳалок этилган айғоқчилари фаолиятини сир сақлаш зарурияти қолмаганини кўрган Санглие эса бажону дил жавоб бераверди бу саволларга.

¹ Иш тамом! Битта ёвуз камайди.

Маълум бўлишича, Мюйр эллик бешинчи полк чегарага етиб келгач, орадан ҳеч қанча вақт ўтмаёқ душманга ўз хизматини таклиф этган экан; ўз номзодининг бошқалардан устунлиги сифатида Лэнди билан иноқлигини, шунинг ёрдамида французларга энг аниқ маълумотлар етказиб тура олишини рўқач қилган экан. Унинг таклифи қабул қилиниб, капитан Санглие Освего атрофларида бир неча марта квартирмейстер билан учрашган, бир гал эса ҳатто бутун тунни қалъада ўтказган экан. Ароухед ахборотларни етказиб турадиган воситачи хизматини ўтар экан, майор Дункан номига ёзилган имзосиз хатни эса Мюйр ўзи ёзиб, Фронтенакка жўнатган, у ерда хатни кўчириб, ниҳоят, майорнинг қўлига тускарорнинг ўзи етказган экан.

«Учқур» Ароухедни ана шу топшириқни бажариб қайтаётганида қўлга туширган экан. Шундай қилиб, Жаспер ўз ҳалокати билан Мюйрни сақлаб қоладиган қурбонликка тайинланган экан. Мюйр махсус мукофот эвазига Минг Орол сафарига чиққанларни кузатиб боришга кўнган, ҳужумга ўтиш учун энг қулай фурсат етганида ишора бериш мажбуриятини зиммасига олган экан. Мазкур оролнинг жойлашган ерини душманга хабар қилган ҳам ўша экан.

Аёлларга бўлган ҳирсу иштиёқи билан ажралиб турувчи Мюйр, ҳар қандай бўлак аёлга етиша олганидек, Мабелга ҳам уйланиши мумкин экан-у, лекин у майордан сафарда қатнашишга рухсат олиш ниятида атайин қизга сохта шайдолигини ошириб кўрсатишга зўр берганмиш. Мабель борасидаги ҳангомалар Санглиени айниқсанги кулгисини қистатган, ушбу воқеалар ҳикоя қилинаётганида квартирмейстернинг топқирлигию кашфиётчилигидан заҳаролуд, истеҳзоли кулишга мажбур этган экан.

Санглие ўз ҳикоясини тугатиб, сира кутилмаганда Изқуварга қўлини узатди-да:

— Мана, ташланг қўлингизни! Сиз покиза одамсиз, бу эса катта гап! Биз жосуслардан бамисоли дорудек фойдаланамиз: урушда керак улар. Аммо уларни кўрарга кўзим йўқ мени! Мана сизга менинг қўлим!— деди.

— Қўлингизни бажону дил қисаман, капитан,— дея жавоб қайтарди Изқувар,— сиз ҳақиқий, оддий ва жасур рақибсиз. Лекигин квартирмейстернинг жасадига ҳеч қачон инглиз тупроғи насиб этмайди. Шармандайи-шармисорлиги шоҳиди бўлмиш жойда қолаверсин, қилган хиёнатни эса унинг қабрига ёдгорлик тоши бўлсин. Капитан Тошюрак, бунақанги жосуслар билан мулоқотда бўлиш ҳарбий одамларнинг вазифасига кириши мумкин, тушунман бунни, лекигин сизга очигини айтай: бу иш менинг қў-

лимдан келмасди, шу боисдан ҳам мазкур воқеа қабоҳати меннинг эмас, сизнинг виждонингизга ҳавола эканидан хурсандман. Қанчалик ашаддий гуноҳкор банда экан-а! Дуч келган томонидан ўз ватанига қарши, ўз дўстларига қарши фитналар уюштириб юрса-я!.. Жаспер, бир нафасга бери кел. Сенга икки оғиз гапим бор, бўтам.

Ўўл бошловчи йиғитчани четроққа олиб ўтди-да, қўлини маҳкам сиққанча, овози титраб деди:

— Чучук Сув, сен мени биласан, мен ҳам сени биламан; бўлиб ўтган жамики ҳангомалар сен тўғрингдаги фикримни бирон дақиқага ҳам ўзгартиролмади. Бир гал иш, назаримда, жиддий туюлган бўлса ҳам, уларнинг чўпчакларига ҳеч қачон ишонганим йўқ. Хиёнат сенинг феълиятвору табиатингга ёт эканини билардим ҳамиша, лекигин, тан бераманки, квартирмейстердан ҳам асло шубҳа қилмагандим.

— Яна бу киши ҳазрат олийларидан ёрлиғи бор одамлар-а!

— Бунинг аҳамияти йўқ, Жаспер! У қасамёд қилган-у, лекигин ўз бурчини адо этмади.

— Мабелга бўлган муҳаббати-чи, аслида қизга нисбатан ҳеч қандай севги-муҳаббати бўлмаганини айтмайсизми!

— Бу унинг ғирт аҳмоқчилиги. Марҳумнинг томирида мингларнинг қони оққан экан! Аёл кишини разил одамгина алдаши мумкин! Мана менга ҳам шундай бир хилқат ишониб топширилган. Сержант ўлим тўшагида қизини менга хотинликка берди, Мабелнинг ўзи, азиз қизалоғимнинг ўзиям рози бўлди бунга. Сезиб-пайқаб турибман, эндиликда икки жоннинг ғамини ейишим, икки киши ҳақида ўйлашим, икки қалбга қувонч бахш этишим лозим. Эҳ, Жаспер, шунақа ишлар!.. Баъзан, назаримда, ўз-ўзимга бундай дилдору ёқимтой навниҳолга унчалик ҳам муносиб эмасдай туюлиб кетаман!

Ушбу янгиликдан Жаспер нафаси бўғзига тикилиб, бўғилиб қолаёзди. У ҳаяжонини яширишга қанчалик уринмасин, икки бети мурда янглиғ кўкариб, паға бўлиб кетди; шунга қарамай, қатъий овоз-ла жавоб беришнинг уддасидан чиқа олди:

— Бундай дея кўрма иккинчи, Изқувар! Сен ҳатто қироличага ҳам муносибсан.

— Сенинг назарингда шундай. Ҳақиқатан, мен кийик билан мингни бехато қулатаман, кўзларим ўрмондаги излару осмондаги юлдузлар ҳолатини бехато аниқлай оладн. Албатта, мен билан яшаркан, Мабель на илвасин, на

балиқ, на кабутарга муҳтожлик сезади. Лекигин орадан пича вақт ўтгач, бир-бировимизга баҳо берадиган фурсат етганида, у менинг тимсолимда савия-тараққиёт жиҳатидан ўзига баробар, кўнгилли суҳбат қуришга қодир одамни топа олармикин?

— Ҳар қандай таинозу таитиқ аёл ҳам сенга ҳаққоний баҳо бериб, қадрингга етади, сен билан бахтиёр бўлади, Изқувар! Бундан асло чўчима... Бўпти, бу тўғрида гапни бас қилайлик энди!— дея қўшиб қўйди Жаспер, дўстининг қўлини маҳкам сиқиб, гулхан томон юраркан.— Етар, бас... Мабелга муносибсан. Мабель ҳам сенга мос. Сен Мабелни севасан, Мабель сени; отасининг ўзи куёвликка танлаб, розилик берган сенга, бу ҳақ-ҳуқуқингни ким ҳам рад эта олади!.. Квартирмейстерга келганда эса, унинг Мабелга ёлғондакам муҳаббати қиролга хиёнатидан ҳам ёмонроқ.

Шу аснода улар гулханга жуда яқинлашиб қолганларидан суҳбат мавзуини ўзгартиришга тўғри келди. Худди шу дақиқада жон таслим қилаётган куёви ёнидан чиқиб келаётган, ҳеч нимадан хабари йўқ Кап кўринди. Унинг одатдаги ўзига ишончидан асар қолмабди. У ғамгин, ўйга толиб келарди.

— Улим — қай томонидан олиб қарама, жуда бедаво нарса-да!— деди у суҳбатлашаётган дўстларга яқинлашар экан.— Мана, масалан, сержант Дунгам... ажойиб жангчи, тап бериш керак унга! Айни сонияда у арқонларини бўшатапти-ю, ўзи бўлса гўёки клюз¹дан қуйига тушмайди-гандек арқонга ёпишиб ётибди нуқул. Хўш, сабаби нимада? Қизига меҳр қўйганида. Мен, ҳеч бўлмаганда, дўстимнинг олис сафарга отланганини кўрарканман, ҳамиша ке²маси тезроқ жўнашини истайман ҳамда оқ йўл тилайман.

— Ажални тезлатиш учун сержантни ўлдириб керакмасдир-ку, ахир!— дея қаршилиқ билдирди Изқувар таънаомуз.— Ҳатто қариларгаям ҳаёт ширин, қадрли. Умр қисқарган, нархи арзонлашиб қолган сари қадрига кўпроқ ета бошлайдилар.

Шўрлик қариндошининг ўлимини тезлатиш Капнинг хоби-хотирига ҳам келмаганди. У шунчаки ўлим чангалида жон талашиб ётган сержантнинг азобдан тезроқ қутулишинигина истаётган эди. Айтган гапни нотўғри тушунганлари денгизчини ранжитди.

— Изқувар, сизнинг ёшингиздаги ва ақли-хуши сиздек одамнинг вужудини ғам-қайғу кемириб турган бир кимса-

¹ К л ю з — кема саҳнидаги лангар арқони пастга тушадиган гуй-вук.

га беҳуда таъна қилиши яхшиямас,— деди у.— Сержант Дунгам дўстим бўлади. Мен уни ҳурмат қиламан, иззатлайман; биламан, у муносиб тарзда, яхши яшади. Бирор кимсага арши аълода яхши бандаргоҳга қўнишини тилаш — катта гуноҳ бўлмаса керак, ахир! Ҳаммамиз ҳам осий бандамиз, орамизда энг улуғимиз, энг яхшимиз ҳам ўлим ҳақ эканлигини инкор этолмаймиз... Ҳа майли, илло, квартирмейстер қаёқда қолди? У бориб, бу фоний оламни биздан сал илгарироқ тарк этаётган бечора сержант билан видолашиши керак-ку.

Йўл бошловчи унга Мюйрнинг ўлими ва хоинлиги тўғрисида гапириб берди. Қап таажжубдан оғзи очилган кўйи қулоқ солди, Изқувар сўзини тугатгач эса, гўёки ўпкасини бўшатиб, нафас йўлини очаётгандек, икки ёхуд уч марта қаттиқ-қаттиқ йўталиб олди.

— Изқувар, чучук сув ва ёввойилар орасида кечаётган ҳаётларинг безовта-беҳаловат ҳамда бевафою беқарор экан!— деди у ниҳоят.— Бу ердан қанчалик тез жўнасам, ўз-ўзимга ўшанчалик ишончим, қудратим ортади. Гапингизга қараганда у хоин ватанини сотишга тайёр экан, яна тагин кимга денг? Ярамас французга-я!

— Ватанини, қалбини, танасини, Мабелни, кейин, ҳаммамизнинг бош теримизни — харидор ким эканлигини ўйлаб ҳам ўлтирмай — жамини сотишга тайёр экан. Тошюракнинг ҳамюртлари унга ҳақ тўлаб туришар экан.

— Улар аслида шунақа ўзи! Башарти енголмасалар ёки қочиб қололмасалар, жон-жон деб сотиб олишга тайёр улар.

Жаноб Санглие истехзо-ла шляпасини хиёл кўтариб, таъзим бажо келтирди.

— Мен буёққа, сержантнинг ўлими олдидан ўз ўринбосарига бир-икки оғиз гапи бордир, деб ўйлаб, Мюйрни чақиргани келувдим,— дея Кап Изқуварга мурожаат қилди.— Илло, аён бўлишича, поручик хизмат поғонасидан чиндан ҳам юқорилаб бўлибди-да аллақачон.

— Уринбосар хусусида сержантни безовта қилишнинг ҳожати йўқ. Чоққина, силласи қуриган бўлинмани, ўйлайманки, капрал бемалол бошқара олади. Қолган ҳаммасини мен ўзим иложини қиламан. Фақат ҳалок бўлганларни дафн этиб, душман ерида барпо қилинган истехком ва кулбаларни ғанимларимиз измида қолдирмаслик учун буткул ёқиб юборишимизга тўғри келади. Барчага аён бўлиб қолган экан, буёққа қайтиб келишдан нима фойда.

— Азиз дўстим, ҳаммаси жуда яхши-я, илло ҳозир шўрлик куёвим тўғрисида ўйлайлик. Гарчи у жангчи бўл-

са ҳамки, фикримча, тасалли бергувчи рози-ризоликсиз жон таслим қилишига йўл қўйишимиз ярамайди.

— Тўғри, рост!— деб жавоб қайтарди йўл бошловчи истеҳком томонга юраркан.— Мен сўнгги нафасида жони узилаётганларнинг тепасида кўп бўлганман: баъзилар абадият оламига қўполу нодонликларича жўнайдилар, бир хиллар оғир юкдан халос бўлаётгандек хурсанд жон таслим қиладилар. Уйлайманки, ана шу дамда жамики қилмиш-қидирмишларимиз кўз олдимизда жонланиб, қатор саф тортса керак.

— Ҳа, сиз ҳақсиз, Изқувар! Ҳаётим қил устида қолган пайтда бир марта шунақанги дақиқани бошдан ўтказгандим. Ушанда умр дафтаримни қандай тез варақлаб чиққандим-а! Ҳеч қачон гуноҳи азим қилмаганман: ўғрилигу талончилик қилмаганман, бировни сотмаганман, ўт қўймаганман-у, илло яшириқча мол келтириш ва шунга ўхшаш майда-чуйда гуноҳларга йўл қўйганман. Хўш, нимаям қилардим бўлмаса? Ўзим денгизчи бўлсам... эҳтимол, сизнинг касби-корингиз ҳам жуда жонга оппоқмасдир-ку!

— Кўплаб йўл бошловчи ва разведкачилар — товламачи қаллоблар, квартирмейстерга ўхшаб икки томонга хизмат қиладилар, лекигин менинг бунақанги айбим йўқ. Умримда уч марта йўлдан озаёзганман. Бир куни бизга қарашли ерларда йигирма олти дона ажойиб қундуз терисини топиб олганман, мўйналар бизнинг ўрмонларда ов қилишга ҳаққи бўлмаган француз овчиники эди. Мўйналарни олсам қонун мен томонда эканини билардим — ўзи-ям жуда маҳлиё қилиб қўйганди-да! Эҳтимолки бутун умиди шуларда бўлган бир бечоранинг орзу-умиди пучга чиқишини кўз олдимга келтириб, териларни жойида қолдириб кетганман. Овчилар мени аҳмоқдан олиб, аҳмоққа солишди, лекин мен ўша кеча мириқиб ухладим — демак, тўғри иш қилган эканман. Бошқа сафар — унда ҳали ёш эдим — ўрмонда кам топиладиган, ўзи қиммат турадиган милтиққа кўзим тушиб қолганди, ўша милтиқ қўлимда бўлса тез олға босишим, ном таратишим ҳеч гап эмасди. Шунақанги олгим келиб кетгандики уни, асти қўяверасиз! Лекигин бу иштиёқимни енгдим мен, кейинчалик эса ўз карабиним билан ўша қуролдан ўқ узган ғанимим устидан зафар қозондим... Учинчи гал олти нафар ухлаб ётган мингга рўпара келиб қолгандим... Уларнинг милтиқлари билан томагавклари бир чеккада турарди, шу сабабли қуролларини бемалол-бафуржа оливолсам бўларди. Лекигин виждонли, ҳалол одам на ухлаб ётганларга, на қуролсизларга ташланмаслиги керак. Бир муддат иккиланишдан

сўнг яширишиб олиб, уларнинг уйғонишларини кутдим. Улар қуролларини олиб йўлга тушганларида бир пистирмадан иккинчисига югуриб ўтиб ўққа тута кетдим. Натижада олти нафар муттаҳамдан бировигина, шунда ҳам оқсоқланиб қайтганди қишлоғига. Анча масофа орқароқда изимдан келаётган Улкан Илон уларнинг бош териларини қўлдан чиқармаганди, албатта. Мана, кўряпсизми,— деб қўшиб қўйди Изқувар истеҳкомга яқинлашар экан,— на виждону ор-номус, на хизмат бурчига хиёнат қилмай, адолатан иш тутса бўлар экан-ку.

Ушбу одоб-ахлоқ хулосасига буткул тушуниб, англаб етолмаган Кап жавобан алланималар дея гудраниб қўйди.

Улар эшик олдида, худди ўй-фикрларини тўплаётгандек, бир нафас туриб қолишди.

ЙИГИРМА САҚҚИЗИНЧИ БОБ

Изқувар риҳлатга юзланган дўсти ётган хонага афсунадоматли ҳамда ғамнок бир кайфиятда кириб борди. Капнинг аҳволи-руҳияси бўлакча эди: қўпол, қайсар, жиззаки ва қўшимчасига ўтакетган расмиятчи бўлмиш кекса денгизчи ҳатто ўлимнинг бетига — одатда Азроилни вужуди ларзага келиб кутиб олишга кўникиб кетган ҳамма одамлар қатори — титраб-безиллаб боқишга ҳам мойил эмасди. Атрофида бўлаётган жамики ҳодисаларга, кўёбини астойдил яхши кўришига қарамай, у жон бераётган жангчи ётган хонага бепарво қиёфада кириб келди-ю, энг сўнгги воқеалар, Мюйр билан Ароухеднинг ўлими ҳақида сўзлай кетди.

— Ҳар икковлариям мижжа қоқишга улгурмай лангар ташлаб бўлишди, иним Дунгам,— дея қўшиб қўйди у,— баски, сендан сал бурунроқ бошқалар интиҳосиз сафарга отланганлари, ҳа, ҳа, сен унчалик хушламайдиганлар сафарга отланганларидан кўнглинг тасалли топиши мумкин. Сенинг ўрнингда бўлганимда, бу менга бағоят таскин бериши аниқ эди... Волидам ҳамиша, жон бораётган бандасининг кўнглини юмшатиб-ийдириш эмас, аксинча, турли оқилона чоралар билан руҳини мустаҳкамлаш керак, дерди. Бу янгиликлар жудаям тасалли беради бечорага...

Эрининг оламдан ўтганини эшитган Шабнам ўрнидан турди-ю, зипиллаганча истеҳкомдан чиқиб кетди. Дунгамнинг бетига ҳеч қандай ҳис-туйғу ифодаси акс этмади, зотан уни ҳаёт билан боғлаб турган ришталар шунчалик бўшашиб кетган, Ароухедни аллақачон унутган, Мюйрнинг заррача ташвишини чекмаётган эди. У заиф товуш

билан Жасперни сўради. Йигитча шу замоноқ ёнига борди. Сержант унга меҳр-ла жавдирар экан, ёш денгизчини ноҳақ ҳақоратлаганига қанчалик афеус чекаётгани кўзларидан кўриниб турарди. Мазкур аснода истеҳкомда Изқувар, Кап, Мабель, Жаспер ва абадий масканига йўл олаётган сержант ҳозир эдилар. Ҳаммалари жони узиллишини кутиб, сержантни қуршаб туришарди. Мабель отаси ёнига тиз чўккан кўйи дам унинг совуқ тер чиққан қўлини ўз пешонасига босар, дам порсиллаб кетган лабларини сув билан намлаб турарди.

— Сен бизлардан олдинроқ кетяпсан, сержант,— деди Изқувар, у тез-тез ва кўплаб ўлим шоҳиди бўлавериб кўникиб кетганидан жони узилаётган сержантни кўрганида (гарчи қизгин жанг чоғида жон бериш билан осойишта уй шароитида оёқ узатиш орасида қандайин тафовут борлигини тушунса-да) унчалик эзилмади.— Мана, Ароухед ҳам сўнгги йўлга равона бўлди, лекигин у ҳалол, виждонли ҳиндулар юрадиган йўлдан эмас, бўлагидан жўнади. Сен у билан учрашмайсан: у борадиган сўқмоқ адолат сўқмоғи эмас. Буни бизга ақлимиз айтиб турибди, онгу идроки-миз поручик Мюйрнинг қисмати ҳам шундай бўлажанини башорат қиляпти. Сен ҳаёт экансан ўз бурчингни бажардинг, эндиликда, олис сафарга отланаркансан, юрагинг енгил, кўнглинг хотиржаму оёгинг илдам бўлиши керак.

— Умид қиламан, дўстим... мен бурчимни адо этишга ҳаракат қилдим.

— Ҳа-ҳа!— гапга аралашди Кап.— Аслида очиқ ерда сузишдан тўхтаб, соҳилда нима бўлаётганини билиб келгани разведкага қайиқ жўнатганинда яхши бўлардику-я. Локин нимаям дердик: сен ҳаммасини яхшилик ўйида қилганингга ҳеч қайсимиз шубҳаланганимиз йўқ!

— Тўғри, ҳаммасини яхшилик ўйида қилгандим.

— Дада! Меҳрибон дадажоним!

— Магнитни ғафлатда қолдирди бу қасирга,— деди Кап,— отасининг саёзликдан ўтиб олишига бирон-бир кўмаги тегадиган иш қилиш қўлидан келмаяпти шу топда. Шундоқ экан, уни эсон-омон ўтказиб қўйишга биз ҳаракат қилишимиз лозим. Ирмоқнинг кема бемалол суза оладиган ерига етиб олганида боласи тушмагур сержантни турғунлик ҳолатига тушишга мажбур қилиб қўймаса гўрга эди, деб қўрқиб турибман мен.

— Мабель, нуридийдам!— пичирлади ота.— Мабель, мен сени ташлаб кетяпман, болажоним... Қўлини қани?

— Мана, дадажоним, мана иккаласи...

— Изқувар,— дея қўшимча қилди сержант, ўрни усти-

ни пайпаслаб, янглишиб Жаспернинг қўлидан ушларкан,— ол буни, унга оталик қил, унинг инсон-ихтиёри сенда! Сизларга фотиҳа бераман, икковларингга!

Ана шу мунгину дабдабали дамда сержантга унинг янглишганини айтишга ҳеч ким ботинолмади, орадан икки ёки уч дақиқа ўтгач, Жаспер билан Мабелнинг қўлини ушлаган кўйи жон берди у. Қиз ўзининг қўли кимнинг қўли ила қовуштирилганини то Қапнинг нидоси отасининг жони узилганини англагунига қадар хаёлига ҳам келтирмаган, кўрмаганди ҳам. Бошини кўтарганида эса кўзлари Жаспернинг ўзига қадалган нигоҳи билан тўқнашиб, қўлининг қайноқ ҳароратини ҳис этди. Бироқ ушбу лаҳзада вужудини биргина туйғу қамраганди, холос, сўнгра қиз нималар содир бўлганини деярли фаҳми-фарқига бормаи нари кетди. Изқувар Жаспернинг қўлидан етаклаб, истеҳкомдан ташқари чиқди.

Иккала дўст миқ этмай, жимгина гулхан ёнидан ўтиб, ялангликдан юриб бориб, оролнинг қарши томонидаги соҳилида тўхташди.

Биринчи бўлиб Изқувар тилга кирди:

— Ҳаммаси тамом, Жаспер, бари тамом бўлди! Эҳ, бечора сержант Дунгам, ўз сафарининг ниҳоясига етди!.. Кимнинг қўлидан дегвн-а тағин! Мингнинг қўли чек қўйди бунга. Пешонамизда нима бор эканини, нима бўлишимизни ҳеч қачон билолмаймиз, масалан, эрта... индин, эҳтимол, менинг бошимга ҳам худди шу кун тушар.

— Мабел-чи? Мабель нима бўлади, Изқувар?

— Сержантнинг ўлими олдидаги гапини ўзинг эшитдинг: нуридийдасини менга топширди, Жаспер, бу васият муқаддас.

— Бу шунақанги васият, топшириқки, Изқувар, ҳар қандай одам сени қувонч-ла, жон-жон деб ундан халос этиши мумкин,— дея эътироз билдирди йигитча аламангиз, истеҳзоли жилмайиш-ла.

— Мен бот-бот, номуносиб одамга топширилмаётганмикин бу вазифа, деган хаёлга бораман. Мен шуҳратпараст, ўзига бино қўйган одам эмасман, Жаспер. Ҳа, ҳа, шуҳратпараст эмасга ўхшайман... йўқ, ундаймас! Лекин, башарти Мабель Дунгам менинг жамики нуқсонларим ҳамда жоҳилу омиллигимни жуда яхши англаб турсам-да, қаршилиқ кўрсатишим ножонз.

— Изқувар, кўксингда дўстинг совға қилган бебаҳо олмосни кўрганида ҳеч ким сенга таъна қилмаганидек, ма-

бодо Мабель Дунгамга уйланадиган бўлсанг ҳеч зор ёзгирмайди сени.

— Хўш, сенингча, Мабелга таъна қилишадими? Ҳа, ўзим ҳам, шундай бўлар-ов, деган фикрдан ташвишда эдим. Ахир менга ҳаммаям сенинг ва сержантнинг қизи кўзи билан қарамайди-да. (Шунда Жаспер Чучук Сув, гўёки қўққисдан бирон жойи санчиб қолгандек, бир сесканиб тушди.) Одамлар бўлса,— дея сўзинг давом эттирди йўл бошловчи,— ҳасадгўй, кейин, феъл-атворлари бемаъни, айниқсанги гарнизонларда турадиганларнинг. Хом сут эмган бандаси аслида шунақа ўзи!.. Биласанми, Жаспер, гоҳо миямга: Мабель сени севиб қолса-чи!— деган фикр келиб қолади. Ҳа-ҳа, баъзан шундай бўлишини, худди шунингдек сениям уни севиб қолишингни истайман десанг, негаки, назаримда нуқул мендан кўра сен билан қовушса анча бахтлироқ бўладигандек туюлади-да...

— Бу тўғрида шунча гаплашганимиз етар энди, Изқувар!— унинг сўзини бўлди Жаспер сабр косаси тўлиб ва нафаси бўғзига тикилаёзиб.— Сен Мабелга эр бўласан, бошқа ҳеч зорнинг кераги йўқ, ҳатто оғиздаям, ҳатто хаёлдаям! Мен... мен бўлсам Капнинг маслаҳатига кириб, океанга жўнайман, шўр сув билан танишиб-ошнолашаман, шоядки одам бўлсам шунда.

— Менга қара, Жаспер Уэстерн! Сен ҳали кўлни, ўрмонларни, чегарани ташлаб кетмоқчимсан? Суви таъмидаги жиндаккина фарқи деб сен уларни шаҳар ва кентларга алиштириб юбормоқчимсан? Агар тузга шунчалик зор бўлиб қолган экансан, бу ерда шўрхок жойлар қуриб кетибдими? Одам бошқалар қаноатланган нарса билан қаноатланиши лозиммасми, ахир? Мен сенга ишонгандим, Жаспер! Сенга ишонгандим ва эндиликда, Мабель икковимиз битта кулбада тура бошлаганимизда, бир оз вақт ўтиб сен ҳам шундай турмуш йўлдоши топасан-у, биз билан ҳамсоя бўлиб турасан деб умид қилгандим. Гарнизондан магрибга қараб эллик миля юрилса, ажойиб жой бор — ўша ерда маскан қуриш ниятидаман. Уша жойдан ўн миля нарида қўлинг ўргилсин қўналга-бандаргоҳ бор, куттернинг бемалол тураверади, бўш вақтларингда сузиб-сайр қилаверишинг мумкин. Сен хотиннинг билан ўша жойдан бирини, Мабель билан мен эсам иккинчисини эгаллаймиз деган хаёлда қувониб юргандим. Шундоқ бир-биримизга яқингинада яшардиг-а! Ов қилиб юриб, сираям чарчамай сенинг кулбанга етиб олардим, кейин десанг, бу оламда бахтли бўлишнинг илож-имкони бўлса, тўртовлон бахтиёр яшардик унда!

— Дўстим, сен унутиб қўйяпсан,— дея жавоб қайтарди Жаспер Изқуварнинг қўлини олиб, жилмайишга ури-наркан,— мени бу ерга боғлаб турадиган ортиқ ҳеч қандай ришта қолмаганини эсдан чиқариб қўйяпсан, иннайкейин, ҳеч қачон ҳеч кимни Мабелни севганимчалик сева олишим-ни ақлим бовар қилмайди.

— Миннатдорман сендан, болакай, чин қалбимдан та-шаккур! Мабелни севаман деяпсан, лекигин сенинг муҳаб-батинг — дўстлик муҳаббатидир, менинг унга бўлган туй-ғум мутлақо бўлакча. Биласанми, эндиликда ярим тунда қаттиқ уйқуга кетадиган табиатчалик ва ўзим илгарилари ухлаганимдек қотиб ухлолмайман: тун бўйи Мабель Дун-гам тушимга кириб чиқади. Ёш-ёш кийиклар атрофимда шўх-шўх ирғишлашиб-ўйнашишади, қуролимни улардан бирини отмоқчи бўлиб шайлашим биланоқ кийиклар шарт-та унинг қиёфасига киришади-ю, гўё илжайишиб: «Қўлинг-дан келса, қани, мени ота қол!» деб кулишаётгандай тую-лади. Кейин унинг майину ширин овозини қушлар навоси орасидан эшитгандек бўламан... Мана масалан, олисга бор-май, охирги кечани олайлик, тушимда гўёки Ниагарадан кечиб ўтишим керакмиш; Мабелни кўтариб олганмишман-у, оламда ҳеч нарсага бермайман деб сира-сира ажрагим келмасмиш ундан. Аллақандай иблис авраб қўйгандек, гўёки қандайдир мубҳам бахтсизлик оқибатида Мабелдан ажралиб қолаётганимни, гоҳ менга муносабати ўзгариб қолганини, гоҳ кимдир уни мenden тортиб олаётганини туш кўрган дақиқаларим энг аччиқ-аламли дамларимдир...

— У, Изқувар, агарда тушда кўрганнинг сенга шунча-лик аламли бўлса, буни ўнгида, ҳаётда ҳис қилаётган шўр-ликнинг аҳволи не кечаётган экан? Ҳеч қандай умиди қол-маган одамнинг ҳоли не кечяптийкини?!

Ушбу сўзлар қўққисдан синган идишдаги сув сочилиб кетгандек Жаспернинг оғзидан дабдурустдан учиб чиққан-ди. У беихтиёр, деярли онгсиз равишда, бироқ ниҳоятда самимийлигига асло шубҳа қолдирмайдиган изҳори қалб оҳангида айтганди бу гапни. Изқувар титраб кетиб, бир нафас бамисоли яшин теккандек ўз дўстига бақа бўлиб тикилиб турди; хулласи калом, қанчалик соддадил бўлма-син, ниҳоят ҳақиқатни тушуниб етди. Илгари хаёлига кел-тирмаган нарсанинг калитини ниҳоят топган дамида одам-нинг онги-тафаккури қанчалик тез ишлай бошлайди, фаразу гумонлар қандайин қувалашиб, ўй-хотиралар қўқ-қисдан ҳамда сира кутилмаганда ошкор бўлган нарсани тасдиқламоқ учун қандайин саф тортади денг! Изқувар та-биатан шунчалик ишонувчан, шунчалик олиҳиммат, ҳам-

ма дўстларини ўзи уларга қанчалик бахт тиласа, улар ҳам ўшанчалик бахт тилайдилар деб ўйлашга мойил бўлганидан ана шу бадбахт дамгача Жаспернинг Мабелни севиши хоби-хотирига ҳам келмаганди. Бироқ дўстининг куйиб-ёниши шунақанги баравж ҳамда шунақанги табиий эдики, унда заррача шубҳа-гумонга ўрин қолдирмаганди. Шунда Жаспернинг ёшлиги, кўҳлик чиройи, қисқаси, Мабелнинг йигитчани афзал кўришига сабаб бўлгувчи жамки фазилатлари ёдига тушди.

Йўл бошловчига хос олижанобона ростгўйлигу ҳақиқатгўйлик барча бўлак ҳис-туйғуларидан устун келди.

Изқувар Жаспернинг қўлидан ушлаб, тўнғак олдига бошлаб борди-да, йигитчани унга деярли зўрлаб ўтқазди. Сўнгра ўзи ҳам ёнига ўтирди.

Жаспер ҳис-туйғулари оғзидан чиқиб кетган сонияда ҳам хижолат тортган, ҳам изтироб домига тушганди. Оғзидан учиб чиққан сўзларни қайтариб олиш учун борлигини беришга тайёр эди-ю, бироқ у дўсти билан шу қадар очиқ кўнгиллик-ла, шу қадар самимий сўзлашардики, Изқувардан бирор нимани яшириб қолиш ёки, чамаси, у талаб қилишни истаб турган изоҳотдан воз кечишни хаёлига ҳам келтиролмасди!

— Жаспер,— деб гап бошлади Изқувар, у шундай даб-дабали оҳангда айтдики, йигитчани эти титраб кетди,— ҳайрон қолдим бу гапни эшитиб! Сени Мабелга худди шундай кўнгил қўйган деган ўй хаёлимга ҳам келмабди. Агарда яккаш менинг манманлигу мағрурлигим, бежилову бетизгин ўй-хаёлларим ўзимни шунчалик лақиллатган бўлса, сенга ачинаман, болакай, чин дилимдан ачинаман! Ҳа, эндиликда кимки Мабелга ўз қалбини бахшида этган ва қизнинг бунга жавоб қайтаришидан умиди узилган бўлса, ўша одамга қандай ачинишни биламан. Буни барини аниқлаш зарур, Чучук Сув, делавар айтганидек, орамизда заррача бўлсин булут қолмаслиги учун!

— Нимасини аниқлайди, Изқувар! Мен Мабель Дунгамни севаман, Мабель Дунгам бўлса мени севмайди. У сени танлабди, сени афзал кўради, шундоқ экан, шўр сувга жўнашу икковингларни унутишдан бўлак маъқул чорани тополмайман.

— Жаспер, мени унутасан! Хўш, нега энди, ахир? Нима айбим учун? Мабель мени афзал кўришини қаёқдан била қолдинг? Қаёқдан биласан буни, дўстим?

— У сенга тегмоқчи эмасми, ахир? Наҳотки Мабель ўзи суймаган кишисига тегса!

— Сержант ундан қаттиқ ўтинган, у эса шунақанги

қобил фарзандки, жон бераётган отасининг хоҳиш-ирода-
сига қарши бориш унинг учун оғир бўлганди, балки.
Уни севишингни, унда кўнглинг борлигини айтганмисан
сира?

— Ҳеч қачон, Изқувар! Бундай қилиб сени ҳақоратла-
маган бўлардим ҳеч қачон!

— Инонаман сенга, йигит, инонаман сенга ва шўр сув-
га жўнаб, сиринг ўзинг билан бирга ўша ёқларда қолиб
кетди деб ўйлайман. Лекигин бундоқ бўлмайди асло! Ма-
бель ҳаммасини эшитади: бундай синовдан ҳатто юрагим
пора-пора бўлиб кетгани тақдирдаям, унинг ўзи танлаши
керак. Хўш, демакки, ораларингда бир оғиз ҳам бундай
гап бўлмаган экан-да, Жаспер?

— Очиқ-ойдин бирор сўз, тўғридан-тўғри бирор гап
бўлмаган. Аммо ақл-ҳушимдан айрилаёзганимни тан ола-
ман сенга, Изқувар, ҳимматли дўстимдан ҳеч нимани яши-
риб ўтирмайман! Кейин тамом-вассалом! Сен ёшларнинг
ўзаро очиқчасига ҳамда аниқ-пухта гаплашмай туриб
ҳам — минг-минглаб турли-туман белги-аломатларга қар-
раб — бир-бировларини қандай тушунишларини, ёки йўқ,
тушунапман деб ўйлашларини, бир-бировларининг ўй-фикр-
ларини билиб, уқиб олишлари, ёки уқий оламан деб хаёл
қилишларини биласанми ўзи?

— Йўқ, Жаспер, мен буни билмайман, — дея очиқ жа-
воб қилди йўл бошловчи. — Йўқ, Жаспер, бу хусусда ҳеч
вақони билмайман. Мабель менга доим мулойим муомала
қилади, иннайкейин, нима демоқчи бўлса ҳаммиша очиқ-
ойдин гапирди.

— Хўш, бундан чиқди, Изқувар, сени севишини унинг
ўзидан эшитибсан-да унда?

— Шошма, Жаспер... Йўқ, бундай сўзларни айтмаган-
ди. У менга, биз ҳеч қачон... ҳеч қачон эр-хотин бўлмасли-
гимиз керак, деганди, гўёки у менга муносиб эмасмиш,
лекигин ўша заҳотиёқ мени иззат-ҳурмат қилишини айт-
ганди. Кейинроқ сержант менга, ёш ва андишали қизлар
доимо шунақа бўлишади ўзи, онасиям шундай қилган ва
шундай деганди, деб, нимаики бўлса ҳам тегишга кўниб-
дими, кўнглингни тўқ тутавер, деб айтганди... Хуллас, бу
гапларнинг ростлигига ишониб қолдим.

Жаспер омади чопган рақибига қанчалик меҳр-оқибат-
ли бўлмасин, унга чин дилда бахт тиламасин, бари бир
шу сўзларни эшитганида қалби шиддаткор қувонч ҳисси-
ла тўлганини ҳис этди.

— Тилсиз, овозсиз сўзлай билиш хусусида яна бирор
нима айтиб бер менга, — дея сўзини давом эттирди чеҳра-

си тундлашгандан-тундлашиб бораётган Изқувар.— Мен Чингачгук билан шундай гаплаша оламан, унинг ўгли Ункас билан — Ункас ҳали ҳаёт экаида — шундай гаплашардим-у, лекигин ушбу санъат ёш қизларга, айниқса Мабель Дунгамга маълумлигини билмасдим.

— Бу сен айтганингдай эмас, Изқувар. Мен кўз қарашлар, табассум, ёш аёл одамга бехосдан тегиб кетганида қўлнинг титраши тўғрисида айтяпман. Мен шунчалик лақма эканманки, Мабелнинг нафаси текканида, ҳатто кўйлагининг хиёлгина шитирлашини эшитганда қалтираб кетардим, қисқаси, телбаларча ўй-хаёлларим ўзимни алдаб, чалғитиб қўйган экан. Ҳеч қачон Мабелга очиқчасига розидил айтмаганман, эндиликда бўлса бефойда бу, чунки мен учун ҳеч қандай умид қолгани йўқ!

— Жаспер!— деди Изқувар жўнгина, аммо ортиқча қаршилиқ кўрсатиб ўтиришга имкон қолдирмайдиган сиполик билан.— Кел, сержантни дафн этиш ва ушбу оролдан жўнаб кетишимиз ҳақида маслаҳатлашиб олайлик. Кейинроқ сержантнинг қизи тўғрисида бафуржа, муфассал гаплашишга етарли вақтимиз бўлади. Мен бу ишни чуқур билишим, яхшилаб тушуниб олишим зарур, зероки отаси фарзандини менга топшириб кетган.

Жаспер гурунг тўхтаганига ҳатто суюнди, шундай қилиб, дўстлар ҳар қайсилари ўз вазифалари ташвишида ажраллишиди.

Чошгоҳдан сўнг ўлганларнинг барини кўмдилар. Сержант Дунгамнинг қабри яйдоқ ернинг ўртасида, баланд бужуннинг соясида дўплайиб турарди. Мабель юм-юм йиғлади, кўз ёшлари қайғусини бир оз енгиллатгандай бўлди. Тун, шунингдек эртаси кундузи ҳам осойишта ўтди. Улар ҳали йўлга чиқа олмасдилар, чунки Жаспер шамол ҳаддан зиёд кучли деди. Айнан шу важ капитан Санглиени ушлаб турарди; капитан оролни Дунгам жон берганидан кейинги учинчи куни эрталаб, ҳаво сал тинчиб, мувофиқ шамол эса бошлагачгина тарк этди.

Жўнаб кетар олдидан у Изқувар билан хайрлашди. Афтидан, у йўл бошловчига алоҳида тоифадаги бир зот деб қарар, шу боисдан ҳам биргаликда ўтказган, мулоқотда бўлган вақтини ғоятда қадрли ҳисобларди.

Ҳар икковлари бир-бирларини иззат-ҳурмат-ла алқаб ажралишиди-ю, аммо бир-бировлари учун жумбоқ бўлиб қолаверишиди.

ИГИРМА ТҰҚҚИЗИНЧИ БОБ

«Учқур» учинчи куни эрта билан йўлга тушиши керак эди. Жаспер ҳамма зарурий тадорикни кўриб қўйди. Жамики юк ва қурол-аслаҳаларни ботга юкладилар. Бир сўз билан айтганда, барча иш таппа-тахт бўлган, ҳинду аёл, Изқувар, Жаспер ва Мабелларгина ҳануз оролда эдилар. Ҳинду жувон танҳоликда ўз мусибатини чеккани чакалакзорга қараб кетди. Мабель, Жаспер ва йўл бошловчилар учта қайиқ турган тарафга қараб юрдилар; қайиқлардан бири Шабнам учун қолдирилган, иккита бошқаси эса «Учқур»га элтиб қўйиш учун уларни кутаётган эди.

Изқувар олдинда борарди, бироқ қирғоққа яқинлашар экан, тўғри қайиқларга қараб юриш ўрнига ҳамроҳларига орқасидан одимлашни айтиб, қулаган дарахт ёнига эргаштириб борди. Дарахт танаси ялангликнинг энг чеккасида ётар ва куттердан кўринмасди. Йўл бошловчи дарахт танасига ўтириб, Мабелдан бир ёнига, Жаспердан эса иккинчи ёнига жойлашишни сўради.

— Манави ерга ўтиринг, Мабель! Сен, Чучук Сув, бу ерга ўтир, — деди у. — Қалбимни аллақандай юк босиб ётибди, ҳозир ўша юкни олиб ташлаш фурсати етди. Ўтиринг, Мабель! Келинг, шундай қилишга ҳали-ҳозирча чоғим келиб турганида, виждонимни бўлмасаям, ақалли юрагимни бўшатиб олай.

Шу сўзлардан сўнг орага чўккан тин олиш икки ёхуд уч дақиқаларга чўзилди-ю, икки тингловчи таажжубда бўёғи нима бўлишини кутишди. Изқуварнинг виждонини қандайдир юк эзаётгани икковларининг наздида ақлга тўғри келмайдиган нарсадек туюлди.

— Мабель, — деди ахийри йўл бошловчи, — биз куттерда тоғангизга рўпара бўлишдан олдин бир-бировимиз билан очиқ-ойдин, аниқ-пухта гаплашиб олишимиз зарур. Айтмоқчи, Шўр Сувнинг кейинги уч кечадан бери куттерда тунаётганидан хабарингиз борми? Одам фақат ўша ердагина бош териси бехатар эканига ишонса бўлади, дейди у — ростдан ҳам шундоқ. Эҳ! Нимага калламга бўлмағур сафсаталар келяпти ўзи, ҳозир шунақанги аҳмоқона сафсата сотадиган пайтми-я! Мен ҳазилвон, қувноқ бўлишга тиришяпман-у, лекигин дарёни орқасига оқизиш инсон боласининг қўлидан келмайди бари бир. Мабель, ўзингиз билганингиздай, сержант жон бераётиб бизни эр-хотин бўлишимизни, бир ёстиққа бош қўйиб, бир-бировимизни севишимизни васият қилганди, шундайми?

Сарин тонг сабосида Мабелнинг ёноқлари илгаригидек

қирмизи тус ола бошлаган эди, ammo ушбу ноғажоний сўзларни эшитганида қизиллик сўнди-ю, икки бети яна боягидек заъфарон тусга кирди. У Изқуварга мунгли бўлса-да, дўстона нигоҳ ташларкан, жилмайишга уринди.

— Рост бу, олиҳиммат дўстим,— дея жавоб берди қиз,— бечора дадамнинг иродаси шундай. Сезиб турибман, бу тун ҳаётимни сизнинг сиҳат-саломатлигингиз йўлига бахшида қилганимдаям, бизга қилган хизматларингизни оқлаёлмасам керак.

— Мабель, эр билан хотинни бир-бировига хийла мустаҳкамроқ алоқа ришталари боғлаши керакка ўхшайди чоғи деб қўрқаман. Сиз мен учун ҳеч нима, ёки, лоақал бирор муҳимроқ иш қилмаган бўлсангиз ҳам, юрагим нуқул сизга талпинади; шунинг учун, менинг назаримда, бош терисини сақлаб қолишу ўрмондан омон-эсон олиб ўтиш бундай туйғуни уйғотишга етарли эмасга ўхшайди.

Мабелнинг ёноқларига тағин қизиллик тепчиди, гарчи у зўраки жилмайган бўлса-да, жавоб берганида овози хиёл титраб чиқди:

— Шу гапни кейинроққа қолдирганимиз маъқул эмасмикни, Изқувар? Ўзимиз ёлғиз эмасмиз, ўзи қатнашмаган оилавий суҳбатни эшитишдан кўнгилсизу ноқулайроқ нарса йўқ дейишади одатда.

— Худди ана шу ёлғиз бўлмаганимиз учун, яъни Жаспер ёнимизда бўлгани учун ҳам шу иш хусусида гапирмоқчиман-да, Мабель. Сержант мени, ўзим шубҳалансам ҳам, сизга эр бўла олади деб ўйларди...— ҳа-ҳа, жудаям қаттиқ шубҳаланардим!— у мени охир-оқибатда ишонтира олди, шундай қилиб, ўзингиз билганингиздек, ўзаро ҳал қилиб қўйгандик барини. Лекигин сиз отангизга шунақанги камсуқумлик, шунақанги мулоимлик билан менга тегиш-нини ваъда қилганингизда, Мабель, сиз билмайдиган шароит — тоғангиз айтганидек шарт-шароит бор эди, шу боисдан ҳам ўйлайманки, иш бутунлай охирига бориб етмай туриб, адолат сизга шуни айтишни тақозо этади. Кўпинча, яхши илвасин тополмаган пайтларимда озуқа учун ориқ кийикни танлардим, лекигин яқингинангда яхшиси турганида ёмонини танламаслигинг мутлақо табиий.

— Изқувар, жуда ғалати қилиб гапиряпсиз, гапингизга тушуниш қийин бўляпти. Агар мен билан ҳозир гаплашишингиз зарур бўлса, унда, барака топинг, очиқроқ қилиб гапиринг.

— Хўп бўлади, Мабель. Уйлайманки, сержантнинг ис-так-орзусига розилик бераётганингизда Жаспер Уэстерн-

нинг ҳам сизда худди шундай кўнгли борлигини билмагансиз.

— Изқувар!— Мабелнинг юзи оқариб-бўзарди: сўнг лов этди-ю лола янглиғ алвон тусга кирди.

Аммо ўз ўй-хаёллари оғушидаги йўл бошловчи унинг ҳаяжонини пайқамади, Чучук Сув эса кўрмади буни, зотан йигит ўз исмини эшитганда қўллари ила юзини тўсиб олганди.

— У билан гаплашдим, унинг орзу-умидини ўзимнинг орзу-умидларим билан, йигитнинг туйғуларини — ўз туйғуларим, унинг истак-майлини ўз истакларим билан қиёслаб кўриб, сиз хусусингизда ўйлаганимизда икковимизнинг фикримиз жудаям ўхшаб кетар экан-ку, деб қўрқиб қолдим, ишқилиб, биримизнинг бахтимиз иккинчимизнинг «кўзимизни чиқармасмикин»?

— Изқувар, сиз унутяпсиз... сиз икковимиз фотиҳа қилинганимизни эсдан чиқармаслигингиз керак-ку!— Мабель шоша-пиша ва шундай паст овозда дедики, тинглаётганлар вужудлари диққатга айланган тақдирдагина қизнинг сўзлари маънисини илғаб олишлари мумкин эди холос. Бунинг устига йўл бошловчи «фотиҳа қилинганимиз» дегани нималигини унчалик тушуниб етмаганди, у ўзининг ушбу нодовлигини тан олди.

— Нима дедингиз?— дея одатича қайтариб сўради у.

— Сиз — менинг қайлиғим, мен бўлсам сизнинг қаллиғингиз эканимизни унутиб қўйяпсиз, кейин, бундай таъналар ноўрин ва одамга оғир ботади.

— Мабель, ҳаққоний нарсаларнинг жами ўринли, жамики ҳаққоний нарсалар эса чин ҳақиқатга олиб боради. Бу, ўзингиз айтгандек, оғир ботади, ҳа, азоб беради — буни мен ўзим ҳис қилиб турибман. Гап бундоқ, Мабель, башарти Чучук Сув сизга худди мендай кўнгли берганини билганингизда, эҳтимол, мендек қари, мендек хунук одамга тегишга ҳеч қачон рози бўлмасдингиз.

— Одамни бунчалик бешафқат қийноққа солиб имтиҳон қилишнинг нима кераги бор, Изқувар? Жаспер Уэстернинг кўнглида сираям йўқ бунақанги хаёллар... у ҳеч нима демаяпти, унинг ҳечам бунақанги туйғуси йўқ...

— Мабель!— йигитчанинг лабларидан шашт-ла учган бу нидо бутун ҳис-туйғуларини ошкор этди-қўйди. Ортиқ чўрқ этиб оғиз очмади у.

Мабель иккала қўли билан юзини яширди. У ҳам, Жаспер ҳам валинеъматлари бахтини барбод этгувчи жиноят устида қўлга тушган жиноятчига ўхшаб кетишган эди шу топда.

Айни сонияда Жаспер, эҳтимолки, ўз эҳтироси, майл-иштиёқидан кечишга тайёр эди чоғи, зотан дўстнинг дилини вайрон қилишдан қўрқиш ҳисси уни изтиробга солиб қўйганди. Мабель эса... У ўз орзусига ишонмай туриб, деярли беихтиёр равишда умид боғлаган нарсасининг далил-исботи шунчалик тўсатдан намоён бўлгани ва ўзини шу қадар лол қилиб қўйганидан йиғлариниям, суюнаришям билмай, бирон дақиқача бамисоли девор бўлиб қотиб қолди. Ҳар қалай, биринчи бўлиб тилга кирди у. Жаспер на ёлгон гапиришга, на дўсти дилини тилимлаши мумкин бўлган сўзларни айтишга ботина оларди.

— Изқувар, бирам ғалати, қўпол гапларни айтяпсизки! Нима кераги бор бу гапларни?

— Мабель, ғалати, қўпол гапираётган бўлсам, бу табиий: ахир ўзингиз биласиз, мен яримёввойи одамман, яна-тагин одат-қилиқларимгина эмас, бутун туриш-турмушим шундай бўлмаса деб қўрқаман.— Шундай деб одатий унсиз кулгиси ила кулишга уринди у; бунинг ўрнига бўғзидан қандайдир ғайритабиий, бўғиқ товуш чиқди.— Шундай, мен ёввойироқ бўлсам керак, бу хусусда баҳслашиб ўтирмайман...

— О, азизим Изқувар! Менинг энг яхши, яккаю ягона дўстим! Бу гапни сизни ранжитиш учун айтди деб ўйламадингиз-а мени, тўғрими, шундай хаёлга боришингиз мумкин эмас!— дея нидо солди Мабель, деярли ҳаяжондан нафаси қисилаёзиб.— Агарда мардлик, одиллик, ҳиммат ва талай бўлак фазилатлар меҳр-муҳаббат ҳамда ҳурмат-эҳтиром уйғотадиган бўлса, унда оламда ҳурмат-эҳтиром ва меҳр-муҳаббат ҳуқуқига сиздан кўра кўпроқ эга бўлган одамнинг ўзи йўқ!

— Овозлари қандай майин ва жон олгудек ёқимли-я, Жаспер!— деди йўл бошловчи, эндиликда бемалол ҳамда табиий кулиб.— Ҳа, чамамда, табиат уларни ўрмон мусиқасию наволари тинганда қулоғимиз ором олсин учун атайлаб яратгандек... Лекигин биз бир-бировимизни тушунишимиз, дилимизда борини тўкиб-солишимиз даркор. Сиздан яна бир карра сўрайман, Мабель: башарти Жаспер Уэстери сизни менчалик, эҳтимолки, ҳатто ундан ҳам ортқ севишини (гарчи бунинг мутлақо имкону иложи бўлмаса-да) билганингизда; башарти йигит тушларида сизнинг кўлда акс этган чеҳрангизни кўриб, сиз билан гаплашиб чиқишини, Мабель Дунгамдан бўлак гўзал, ундан яхшироғу саховатлироқ инсон йўқ деб ўйлашини, сизни танигунига қадар бахт нималигидан беҳавар эканини, сиз қадам босган заминни ўпиш ўзига ҳузур бағишлашини,

сиз ҳақингизда орзу суриш, сизнинг ҳусну жамолингизни қўришдек бахтга муяссар бўлиш, овозингизни эшитиш қувончи учунгина ўз касби-корининг бор шодлигу хурсандчиликларини унутиб юборганини билганингизда менга тегишга рози бўлармидингиз?

Мабель, ҳатто шуни истагани тақдирда ҳам, бу саволга жавоб беролмасди. Юзини қўллари билан беркитиб олганига қарамай, ёноқларининг ловуллаган ол туси бармоқлари орасидан кўриниб турарди. Табиат, ҳар ҳолда, ўз ҳукмини сақлаб қолганди; ҳайратга тушган, деярли қўрқиб кетган қиз, худди Изқуварнинг йигитнинг туйғулари ҳақдаги сўзларига ишонмагандек, Жасперга зимдан кўз қирини ташлаб олган лаҳза ҳам бўлди. Ана шу бир қиёбоқиш унинг кўзига бор ҳақиқатни очди-қўйди-ю, қиз ўша заҳотиёқ яна юзини яшириб олди.

— Барини шовилмай ўйлаб кўринг, Мабель, — дея гапини давом эттирди йўл бошловчи. — Уй-хаёлию кўнгил майли бошқада бўла туриб бошқасига тегиш — ҳазилакам иш эмас. Биз бу борада Жаспер билан эски қадрдонларчасига очиқ-ойдин сўзлашиб олдик: биринчи кўргандаёқ сизни севиб қолганига иқрор бўлди; овозингиз қулоғига сувнинг шилдирашидек ёққанини; гўеки кемасидаги елканлар шамолда ҳилпираётган сизнинг кўйлагингиз бўлиб туюлишини; кулгингиз ҳатто уйқусида ҳам қулоғига етиб боришини, хаёлида сизни бировлар гўеки кўчиб ўтганингиз «Учқур»дан ўғрилаб кетаётгандек, уйқусираб сапчиб туриб кетишларини — ҳамма-ҳаммасини тан олди. Ҳа-ҳа, йигит сиз бошқа кимса билан умр кечиришингизни ўйлагандаёқ кўзига ёш келишига иқрор бўлди менга.

— Жаспер, ростми?

— Бу айни ҳақиқат, Мабель, адолат шуни тақозо этадики, сиз буни билиб қўйишингиз керак. Ана энди ўрнингиздан туринг-да, бировимизни танланг. Ишонаман, мен сизни қанчалик севсам, Чучук Сув ҳам ўшанчалик севади; у сизни менга қараганда ортиқроқ севишига ишонтиришга уринди, аммо-лекин мен бунга қўшилолмаيمان, сабабки, бундай бўлиши мумкин эмас. Фақат бир нарсага, йигитча сизни севишига, чин дилдан севишигагина ишонаман, холос. Сиз унинг гапига қулоқ беришингиз даркор. Сержант мени сизга ҳомий қилиб қолдирди, зулмкор қилиб эмас. Мен бўлсам, сизга нафақат эр, шунингдек оталик ҳам қиламан, дедим; кўксидан заррача инсоний туйғуси бор ҳеч бир ота зоти ўз фарзандининг севганига тегишдек ҳуқуқини поймол этолмайди. Тура қолинг, Мабель худди сержантнинг ўзи деб қаранг-у, отангиз билан сўзлашаёт-

гандек, очиқчасига гапираверинг менга. Мен сизга фақат бахт истайман, холос!

Мабель юзини очди, ўрнидан кўзғалиб, эркакларнинг қоқ рўпарасига ўтиб турди; икки бети лолақизгалдоқдай яллиғланарди.

— Мендан нимани истайсиз, Изқувар?— деб сўради у.— Мен бечора отамга сиз нимани истасангиз, ўшани қилишга ваъда берганман-ку, ахир?

— Менинг истагим мана бундай! Мана, қаршингизда мен — ўрмонлар ўғлони, маданиятдан орқада қолган кўпол ва оми одам турибман; ўзим муносиб бўлганимдан хийла ортиқроқ мукофотни қўлга киритсам дейман; лекигин бор кучимни ҳар иккала томонга нисбатан адолатли бўлишга сарфлайман. Аввало шунинг тани олиш керакки, мен билан Жаспернинг туйғумиз бир хилда, сизни баб-баравар севамиз. Жаспер ўзича муҳаббатини кучли деб ўйлайди, лекигин, виждонан айтганда, мен қўшилмайман бунга. Борди-ю чиндан ҳам шундай бўлгани тақдирда мен очигини айтишим, ўша заҳотгёқ эътироф этишим тайин эди. Хулласи калом, Мабель, ушбу жиҳатдан ҳар икковимиз ҳам баб-баравар ҳақ-ҳуқуқ-ла қаршингизда турибмиз. Менга келганда, икковинглардан ҳам каттароқ бўлганим сабабли авваламбор ўз фойдам ва ўзимга зид тушадиган нарсалар хусусида икки оғизгина айтиб ўтмоқчиман. Мерганлик ва овда, дадил айта оламан, мазкур ўлкада мендан ўтадиган бирор одам йўқ. Борди-ю кулбамизда илвасин, айиқ гўшти, парранда эти ёки балиқ етишмай қолгундек чоғдаям, бунга мен эмас, табиат айбдор бўлурди. Қисқаси, ўйлайманки, менга ҳаётини ишониб топширадиган аёл бирор-бир кун озиқ-овқатга муҳтожлик сезиши даргумон. Лекигин мен ғирт оми, бесаводман! Рост, мен талай тилларни биламан, аммо она тилимни дуруст билмайман. Мени сиздан ёшим анча катта; шунча йиллардан бери сержант билан қадрдон ўртоқ бўлиб келганимни эса сиз учун унчалик қиммати йўқ. Башарти хиёл ҳусндорроқ бўлганимда-ку чакки бўлмасди-я; лекигин ҳаммамиз табиат қандай яратган бўлса, ўшандаймиз. Ана шулар: ёш, қиёфа, зеҳн-идрок такомили, маънавий тараққиёту одат-кўникма — жамини эътиборга олиб, виждонан айтишим керакки, сизга мутлақо номуносибман демаган тақдиримдаям, сизнинг тенгингиз эмасман, Мабель. Агарда юрак торларим қандай таранг тортилганини ҳис этиб, билиб турмаганимдами, мана шу лаҳзадаёқ ҳар қанақанги орзу-умидни йиғиштириб қўйган бўлардим, илло бундан қутулиш осой эмас-ку, ахир...

— Изқувар! Танги, бағри кенг Изқувар!— нидо солди Мабель унинг қўлини ушлаб, алланечук бир эҳтиром-ла ўшаркан.— Сиз ўз-ўзингизга нисбатан адолатсизлик қил-япсиз, сиз шўрлик отамни, ўз ваъдангизни унутиб қўйяп-сиз-ку!.. Мени билмас экансиз ҳали!

— Ана энди Жасперга келсак...— дея гапини давом эт-тирди йўл бошловчи навнихол қизнинг меҳр уфуриб тур-ган сўзлари ўз аҳдига путур етказишига йўл қўймай.— Бу мутлақо бошқа гап. У ҳам ўз хотинини озиқ-овқат билан таъминлай олади; у меҳнаткаш, ғамхўр, куйди-пишди йи-гит. Ниҳоятда билимдон, французчани билади, талай ки-тобларни ўқиган, ҳамиша сизни тушуна олади, худди ана шу гапни ўз ҳақимда айтолмайман чоғи.

— Лекин бу гапларни нима кераги бор?— дея бетоқат-лик ила унинг сўзини бўлди Мабель.— Буни ҳозир гапи-риб ўтиришнинг ўрнимикин, иннайкейин, гапириб ўтириш зарурмикин умуман?

— Устига-устак, йигит ўз фикр-ўйларини шундай қо-тириб баён қила оладик, бу менинг қўлимдан келмайди ҳеч қачон. Башарти бирор нима менинг лаби-даҳанимга дадиллик ва ишонч бахш эта олгудек бўлса, бу сизсиз, Мабель, кейинги суҳбатларимизда эса Жаспер ҳатто ана шу жабҳада ҳам мендан ўзиб кетди, шу сабабли мен ўз-ўзимдан хижолатдаман. У менга сизнинг қанчалик содда, самимий, оққўнгил эканингизни айтди, шуҳратпарастлик-ни қанчалик ёмон кўришингизни, чунки сиз офицер хона-донининг бекаси бўлишга лойиқ бўлсангиз ҳам, қалбингиз фақат самимий туйғуларгагина садо беражагини айтди. У сиз тўғрингизда шундай деганида, томирларимдаги қон жадалроқ, жўшиб оқа бошлади; ҳа-ҳа, у сизни, беқиёс гў-зал, ажойиб, деди, буни ўзингиз ҳам билмас экансиз! У менга яна жамики хатти-ҳаракатларингизни худди ёш кийик мисоли, табиий ва нафис-назокатли деди. Тағин у менга бутун фикр-ўйларингизни тўғри ҳамда адолатли, юрагингизни жўшқин ҳамда меҳрга тўла деб айтди...

— Жаспер!— дея хитоб қилди Мабель ниҳоят ўз туй-ғуларига ён бериб: у ёш боладай хўнграб йиғлаганча йи-гитнинг бағрига шилқ этиб тушди.— Эҳ Жаспер, Жаспер-а, нимага энди мендан яширдингиз буни?

Бу орада бир соат вақт лаҳза янглиғ ўтди-кетди, Ма-бель ахийри ўзига келиб, оламда бошқалар ҳам бор экан-нини эслаган пайтида тоқати-тоқ бўлган тоғаси, нега энди Жаспер қулай шамолдан фойдаланиб қолишга ошиқма-япти, деб таажжубга тушган кўйи, куттер саҳнида нари бориб, бери келарди, Мабелнинг ўзини ўнглаб олгандан

кейин хаёлига келган дастлабки фикр, афтидан, ошкор бўлган ҳақиқат кимга оғир ботиб, кимга қаттиқроқ таъсир қилганини билиш бўлди чоғи.

— У, Жаспер!— нидо солди қиз.— Изқувар қани?

Жаспер қўрқувдан эмас, балки ўз дўсти қалбига стказган алам-жафоси хаёлига уриб, ана шу изтиробли ўйдан титраб кетди. У Изқуварни кўраман деган ўйда атрофга аланглади. Аммо йўл бошловчи ҳеч ерда йўқ эди. Мабель билан йигитча унинг қайтишини кутиб, эндиликда ўзларини қандай тутишлари лозимлигини билмай, бир неча дақиқа давомида жимгина, хомуш ўлтиришди. Ниҳоят ўйчан ҳамда ғамгин қиёфада ўзлари томон аста-секин яқинлаб келаётган дўстларига кўзлари тушди.

— Жаспер, тилу овозсиз қандай сўзлашиб, беқулоқ қандай эшитса бўлишини мана энди тушундим,— деди у қулаган дархт олдига келиб.— Ҳа-ҳа, энди тушундим. Мабель Душам билан шу тахлитда суҳбат қуриш ниҳоятда ёқимли гурунг бўлса керак! Эҳ, сержантга айтгандим-а ўзим ҳам, унга лойиқмасман, қарилки, омию қўполлик қиламан, деб, лекигин сержант гапимга ишонмаган ва ўзиникини маъқул деб туриб олганди.

Жаспер билан Мабель, дўстларига йўқотган оромини қайтаришнинг ўзи учуноқ ўз бахтларидан воз кечишга тайёр бир кайфиятда, нафасларини ичга ютганча ўлтиришарди. Изқувар бир неча лаҳза Мабелга суқланиб тикилиб турди, бу ҳиссини яширишга уринмади ҳам. Сўнгра унсиз кула бошлади. У одатда ўзининг хурсанду мамнунлигини ифодалаб, астойдил куладиган оддий ҳамда самимий одамлар сингари узоқ ва бетўхтов кулди. Аммо кулгиси қўққисдан узилди. Мабелдан бир умрга жудо бўлгани ёдига тушганди. Ҳеч бўлмаганда бирор дақиқа атрофида ўзига келолмади. Сўнгра, ўзини ўнглаб олгач, жиддий, деярли дабдабакор овозда сўзлай бошлади:

— Ҳар кимнинг ўз истеъдодио иқтидори борлигини доимо билардим-у, Мабель, лекигин мен ёш, гўзал ҳамда билимдон қизларга ёқиш лаёқатим йўқлигини унутган эканман! Умидворманки, менинг хатоним — гуноҳи азим эмас, борди-ю гуноҳ бўлгани тақдирда ҳам, мен шунга яраша жазомни тортдим. Мабель, нима демоқчи эканингизни билиб турибман... Қўйинг, гапирманг, ҳожати йўқ... уни гўёки эшитаётгандай сезиб-фаҳмлаб турибман. Ушбу соат мен учун мусибатли дам бўлди, Мабель! Ушбу соат мен учун беқиёс мусибатли дам бўлди, йигит...

— Соат?— дея такрорлади Мабель. Изқувар бу сўзни

айгганида қизнинг ёноқлари яна қирмизи тус олганди.—
Йўғ-э, бир соат ўтмади-ёв, Изқувар!

— Соат?— дея хитоб қилди Жаспер ўша заҳотиёқ.—
Йўқ-йўқ, олиҳиммат дўстим, бизни қолдириб кетганингга
ўн дақиқадан ошгани йўғ-э!

— Эҳтимол, эҳтимол; аммо бу фурсат менга бутун бир
кундай узун туюлди. Бахтиёрлар вақтни дақиқа, бебахт-
лар эса ой билан ҳисоблайдилар чоғи, деган хаёлга бориб
қолдим мен. Лекигин бу тўғрида бошқа гапирмаймиз. Ҳам-
маси тугади энди. Гап сотган билан сизлар янаям бахтли-
роқ бўп қолмайсизлар, бу ҳақда сўз очсам, жудоликни
кўпроқ ҳис қилиб, дарди-аламим тобора ортади, эҳтимол-
ки бу жудолик қилмишларимга яраша жазодир... Йўқ-йўқ,
Мабель, сўзимни бўлманг: бейфойда бу. Қанчалиқ яхши
ниятда, нимаки десангиз ҳам, аҳдими заррача бўшаш-
тиролмайсиз... Мана, Жаспер, у сеники! Гарчи айтиш оғир
бўлса-да, лекигин имоним комилки, сен билан бахтли бўла-
ди. Мен эса, ўйлайманки, агарда ўз-ўзимни билишда хато
қилмаётган бўлсам, унинг бахти йўлида қўлимдан келган
жамики ишни бажаришим тайин эди. Сержантнинг гапига
ишонмаганим яхши эди-я! Мабель кўл ёқасида айтган сўз-
ларга ишонишим керагиди. Унинг ҳақ эканига ўшандаёқ
ақлим етган, тушунган эдим-ку, ахир. Лекигин буни гапи-
ришдан на фойда ҳозир?.. Тўғри, Мабелнинг ўзи розилик
бергандек туюлганди, бироқ у отасининг раъйини қайтар-
маслик учун, ёввойиларнинг чангалига тушиб қолишдан
қўрқиб шундай қилганди.

— Изқувар!

— Тушуняпман сизни, Мабель, лекигин мен ҳеч қан-
дай алам-ҳасратсиз айтяпман. Миямга бирдан сизларга
яқинроқ ерга жойлашиб, бахтиёрликларингни ўз кўзим
билан кўриб юрсам деган фикр келиб қолди. Аммо эллик
бешинчи полкни ташлаб, олтмишинчига қайтганим маъ-
қул— худди туғилган қавмимдай бўлиб қолган менга.
Балки олтмишинчи полк билан асло ажралишмаганимда
яхши бўлган бўлармиди. Тўғри, бу ерда менинг хизматим-
га муҳтож эдилар, кейин, эллик бешинчи полкдагиларнинг
кўпчилиги, Масалан, сержант Дунгам билан — у ҳали бош-
қа корпусда эканидаёқ — эскитдан ёр-биродар эдик. Шун-
дай бўлса-да, Жаспер, сен билан танишганимдан афсус-
ланмайман...

— Мен билан танишганингиздан-чи, Изқувар?— унинг
сўзини бўлди Мабель жўшиб.— Наҳотки мени таниб-бил-
ганингиздан афсуслансангиз? О, агарда шундай бўлса, мен
ўзимни ўла-ўлгунимча кечирмайман!

— Сизни танигандан-а, Мабель!— дея эътироз билдирди йўл бошловчи қизнинг қўлидан ушлаб, юзига чинакам ҳамдардлик ила тикилганча.— Ҳузур-ҳаловатли куннинг туманли чодрасини ёриб-йиртиб ўтган куёшнинг заррин пур толаларини кўришдан афсусланар эканманми-я! Зулмат ичра ақалли бир нафасгагина бўлса-да чақнаб ўтган пурни кўришдан-а! Мен қалбим илгаригидек беташвишу хотиржам, оёқларим илдам бўлади, илгаригидек қотиб ухлайман деган умид билан ўз-ўзимни алдашни истамайман-у, лекигин ўзим лойиқ бўлмаган бахтга етишимга бир баҳя қолганини эслаб юраман! Мабель, сизни қоралаб, айбсн-тиш хаёлимнинг кўчасидан ўтгани ҳам йўқ... Аҳмоқонаю мағрурона ўй-фикрларим учун фақат ўз-ўзимни койийман, ҳолос! Қоя тошлар тепасида шу тўғрида суҳбатлашганимизда — эсингиздами? — бор ҳақиқатни айтгандингиз-ку, ахир! Ушанда сўзингизга ишонишим керагиди, сабабки, ёшгина қиз қалби нимани тусашини, ўз кўнглини отасидан кўра яхшироқ билади... Эндиликда бари тугади, шундай қилиб, жўнаб кетиш олдида сизлар билан хайрлашишгана қолди. Менимча, мистер Капнинг сабр косаси аллақачоноқ тўлиб бўлди, шу боисдан, бизга нима бўлганини билай деб соҳилга тушиб қолса ҳам ажабмас.

— Хайрлашиш!— дея қичқириб юбораёзди Мабель.

— Хайрлашиш! — деб такрорлади Жаспер. — Наҳотки биз билан ажралишни ўйлаган бўлсанг, дўстим?

— Энг яхшиси шу, Мабель, энг маъқули ва энг оқилона иш шу, Жаспер. Агарда қалбим, ҳис-туйғуларимга қулоқ соладиган бўлсам, албатта, ажалим етгунига қадар сизлар билан қолардим; лекигин, ақлга қулоқ берадиган бўлсам, унда шу ернинг ўзидаёқ сизлар билан хайрлашишим лозим. Сизлар Освегога қайтасизлар, етиб боришинглар биланоқ турмуш қурасизлар. Капнинг фикри-ёди фақат тезроқ денгизни кўришда. Мен бўлсам ўрмонга қайтаман... Яқинроқ келинг, Мабель,— дея сўзини давом эттирди Изқувар ўрнидан туриб; қизга яқинлашар экан,— мени ўпинг! Биттагина видолашув бўсаси учун Жаспернинг жаҳли чиқмас — негаки биз ҳозироқ ажралишамиз-да...

— О Изқувар!— нидо солди Мабель ўзини йўл бошловчининг бағрига отиб, уни устма-уст ўпаркан.— Кейинчалик келасизми бизникига, азизим, қадрдоним Изқувар? Сизни кўриш насиб этадими яна? Кексайганингизда келасиз-а бизнинг кулбамаизга? Ушанда мен қизингиз бўламан...

— Ҳа, шундоқ,— деди йўл бошловчи оғир-оғир нафас олиб,— мен сиз тўғрингизда хотиним эмас, қизим деб ўйлашга ҳаракат қиламан... Хайр, Жаспер! Ана энди юринглар, қайиқлар ёнига кетдик. Хийла тутилиб қолдик.

Изқувар олға юрди. Қайиққа яқинлашганда тагин Мабелнинг қўлидан ушлаб, афтига бир неча лаҳза тикилиб турди. Кўзларидан беихтиёр юмалаган ёш томчилари офтобда қорайган ёноқларини юва кетди. Кейин Жасперни қўлтиғидан ушлаб, четроққа олиб ўтди-да, шундай деди:

— Биладан, кўнгли бўш, мўмин-қобил йигитсан, Жаспер, шунга қарамай, икковимиз ҳам унга таққослаганда қўпол ва хиёл беқовушиқмиз. Эҳтиёт қил, авайла уни, ғамхўр бўл... бахтли бўлинглар!

Изқувар жўнашга ишора берди. У ўша жойида, милтиғига суюнган кўйи турарди. Қуттер то оролни буткул тўсиб қўядиган бурунни айланиб ўтунига қадар, охирги сониягача кўриниб турди йўл бошловчининг дароз қомати. У қилт этмай, кунни кеча содир бўлган воқеалардан хотира сифатида мазкур хилватгоҳга қўйилган ҳайкалдек қотиб турарди.

УТТИЗИНЧИ БОБ

Изқувар ёлғизлигу узлатга кўникиб кетганди, бироқ ҳозир кема кўздан ғойиб бўлганда танҳолик ҳисси уни эзиб қўйди. Илгарилар ҳеч қачон одамлардан узилиб-узоқлашиб қолганини сезмас ва буни хаёлига келтирмасди. Эндиликда эса унинг учун ҳамма нарса ғойиб бўлди: у дўстларисиз, келажак умиди-орзуларисиз қолди. Унинг учун оғиру мушкул бўлмиш ушбу дамларда ҳатто Чингачгук ҳам йўқ эди ёнида.

Изқувар милтиғига таянган кўйи турарди. Фақат оғир, бешафқат синовларга ўрганиб кетган одамгина бир жойда бир ҳолатда узоқ ҳамда тошдек қотиб тура олиши мумкин эди. Ниҳоят у ўша жойдан пастга тушди-ю, кўксидан оғир хўрсиниқ юлқиниб чиқди.

У тўғри Ароухеднинг қабрига қараб йўл олди.

Сочларини ёйганча қабр ёнидаги тошда ўлтирган Саратов Шабнами овчининг яқинлашаётганини пайқамади ҳам. У оролда ўзидан бошқа ҳеч зот йўқ деган ўйда эди; Изқуварнинг мокасини эса шарпа чиқармай босарди, шу бовсдан ҳам ҳинду жувон эшита олмасди мокасин шарпасини.

Йўл бошловчи жувонга унсиз қизиқсиниш-ла бир неча дақиқа тикилиб турди. Жувоннинг ғам-қайғусию ночор аҳволи, унинг бошига тушган абадий жудоликни эслаши овчининг ўз дарду ҳасратини пича совутгандек бўлди.

— Саратон Шабнами!— деди у ҳамдардлик ила.— Бошингга тушган мусибат дардини чекишда ёлғиз эмассан: ўгирилиб қара, қаршисидаги кимсага кўзларинг дўст деб боқсин.

— Шабнамнинг энди дўсти йўқ,— деб жавоб қайтарди жувон.— Ароухед бахтли ов ўлкасига кетди, энди Шабнамга ғамхўрлик қиладиган одам қолмади. Тускарорлар уни ўз вигвамларидан қувиб соладилар; ирокезлардан Шабнамнинг кўзлари жирканади, шунинг учун сквау уларга қараёлмайди. Йўқ, Шабнамга қўйиб бер, у эрининг гўри тепасида очдан ўлади!

— Ҳеч қачон бундай бўлмайди! Йўқ-йўқ, бундай бўлмайди! Бу ақлга зид. Сен Манитуга ишонасанми, Шабнам?

— У Шабнамдан рухсорини яширган: у энди арши аълода. У жувонни ёлғизликда ўлсин деб ташлаб кетди.

— Аслида оқ танли бўлиб туғилганига қарамай, қизил танлилар билан аллазамонлардан буён қардош бўлиб кетган одамнинг гапига қулоқ сол. Оқ танлиларнинг Манитуси оқ танлининг юрагига яхшилик уруғини сочмоқчи бўлса, унинг бошига қайғу-кулфат солади. Биз фақат бошимизга ғам-қайғу келгандагина ўз-ўзимизга ҳаққоний кўз билан боқамиз-у, адолат тўғрисида тузукроқ бош қотирамиз. Маниту сенга яхшиликни раво кўряпти, шу сабабдан ҳам ёлғончи тили билан сени тўғри йўлдан оздирмасидан бурунроқ уни ҳузурига чақириб олди.

— Ароухед буюк сардор эди!— дея мағрурона хитоб қилди ҳинду жувон.

— Унинг ўз яхши фазилатлари бориydi, лекигин нуқсонлари ҳам йўқ эмасди. Сен ҳимоячисиз қолмайсан, Шабнам. Майли, мусибатнинг жиловини бўшатиб юборавер, эркинлик беравер унга — инсон табиати шундай ўзи, лекигин вақти-соати етганда мен унча-мунча нарсани сўйлаб бераман сенга...

Изқувар ўз қайиғи ёнига қайтиб, оролдан жўнаб кетди. Қун давомида Шабнам унинг икки марта ўқ узганини эшитди. У қўлида ўтда кабоб қилинган илвасинни кўтариб, яна пайдо бўлганида қусш аллақачон заволга юз тута бошлаганди.

Орадан бир ой ўтди ҳамки Шабнам эрининг қабрини ташлаб кетишга кўнмай, оёқ тираб туриб олди, бироқ ўз

валинъмати назр-виёзини қабул этаверди. Улар вақти-вақти билан учрашиб, суҳбатлашиб туришарди, шундай чоғларда Изқувар ёш ҳинду жувоннинг руҳий ҳолати — кайфиятини билишга уринарди. Аммо бу учрашувлар қисқа ҳамда онда-сонда содир бўларди. Изқувар ҳар кеча муқаррар равишда ўзи чайла қуриб олган қўшни оролга жўнасада, Шабнам дўст ҳимоясида эканини билиб, кулбалардан бирида тунарди.

Ой охирларига бориб қиш яқинлашиб келаётгани сезила бошлади. Дов-дарахтлар яланғочланиб, тунлар совуқ ҳамда изғиринли бўла борди. Ахийри жўнаб кетиладиган вақт етиб келди. Айни шу пайтларда Чингачгук қайтди. У дўсти билан узоқ суҳбат қурди. Шабнам суҳбатлашаётганларнинг хатти-ҳаракатларини олисдан кўриб, ўз ҳомийсининг ғамгин эканини пайқади. Писибгина келиб, аёлларга хос майин-мулойимлигу меҳрибонлик ила унинг андуҳларини енгиллатишга тиришди.

— Раҳмат сенга, Шабнам, раҳмат! — деди овчи. — Лекигин буларнинг бари бефойда. Бу жойдан жўнаб кетадиган фурсат етди. Эртага йўлга тушамиз. Сен биз билан кетсан; ана энди ақлнинг сўзига қулоқ бера бошладинг.

Шабнам мўмин-қобиллик ила итоат этиб, жўнаб кетгунларича қолган вақтини Ароухеднинг қабри тепасида ўтказгани ўша ёққа қараб кетди. Бу ерда у совуқ кузак тунини мижжа қоқмай ўтказди.

Эрта билан учовлари: ҳар доимгидек жиддий ва серғайрат Изқувар, индамас, ҳар ишда дўстига ёрдамчи Улкан Илон ва бутунлай итоаткор, баёвгина ҳамда чуқур қайғуга ботган Шабнам — йўлга равона бўлдилар. Улар иккита қайиқда: Чингачгук олдинда оқим бўйлаб юқорига, изидан Изқувар сузиб боришарди. Улар кечалари оролларда тунаб, икки кун мағриб ёққа қараб эшкак эшдилар. Бахтларига ҳаво осойиш топган, улар кириб борганларида кўл худди ҳовуз сингари сип-силлиқ, осуда эди.

Учинчи кун эрталаб улар Освего мансабига етиб келдилар. Чингачгук ҳеч ёққа қарамай, қорамтир дарёни кўндалангига кесиб ўтаверди, Изқувар индамай унга эргашиб бораверди. Қалъанинг кўтарма-дамбасини томошатаблар тутиб кетганди. Лэнди ўзининг эски дўстларини таниб, улардан паролни сўрашни ҳам ман этганди.

Чошгоҳ паллада Чингачгук «Учқур» лангар ташлаб турган чоққина қўлтиққа кириб борди.

Қирғоқдан тепага қараб кўтарилиб борадиган, дарахтларни қирқиб очилган энсизгина йўлак ҳамон ўша-ўша,



кўлининг шундоқ лабгинасида эса, гарчи хийла беўхшов қилиб қурилган бўлса-да, барча қулайликлари бор ёғоч уй қад кўтарибди. Одамлардан йироқ хилват жойда ўрнашганига қарамай, иморатнинг теварак-атрофию ўзи овлоқ чегара ўлкасида имкони бўлган фаровонлик ҳамда ҳаловатдан далолат бериб турибди.

Жаспер соҳилда турарди, Изқувар етиб келганида олдинроқ қўл узатди унга. Улар жўнгина, аммо самимий кўришдилар. Изқувар Жаспердан ҳеч нарсани сўраб-суриштирмади — афтидан, Чингачгук бор гапни сўзлаб берганди унга. Изқувар дўстининг қўлини ҳеч қачон ҳозиргичалик маҳкам, бу қадар ҳамдардона сиқмаган эди. У ҳатто дўстига қараб шўхчан кулиб қўйди-да:

— Кўринишингдан жуда бахтиёр ва мамнунсан, Жаспер! Лекигин Мабель қаёқда ахир?— деди.

— Қадрдон дўстим, у бизни уйда кутяпти! Қара, Шабнам аллақачон етиб олибди уёққа.

— Шундай қилиб, йигитча, келсанглар кашиш қалъада экан-у, ҳаммаси адо этиб бўлинибди-да?

— Сен билан ажралишганимиздан бир ҳафта кейин никоҳ ўқитдик. Кап эртасига жўнаб кетди. Ўз дўстинг Шўр Сувни эсдан чиқариб қўйдингми, у тўғрида сўрай ҳам демайсан-а!

— Йўқ-йўқ, эсимдан чиқарганим йўқ! Илон гапириб берганди бу ҳақда, лекигин мен Мабель тўғрисида, унинг бахти ҳақида эшитишни жуда-жуда истайман, ёқтираман. Никоҳ маросими тугаганида кулдими ёки йиғладими?

— Унисиям, бунисиям бўлди, қадрдоним, аммо...

— Ҳа-ҳа, зоти шунақа уларни: кўзёши ва хурсандчилик. Мабель нимаики қилган бўлмасин, ҳаммаси ёқади менга... Сен қандай ўйлайсан, Жаспер, ўша қувончли дақиқада мени эсладимикин?

— Бўлмасам-чи, Изқувар! У ҳар куни, деярли ҳар соатда сени эслайди, сени тилидан қўймайди. Сени ҳеч ким бизчалик сева олмайди!

— Ҳа, шундай, биламан, мени сизлардан ҳам яхши кўрадиган одам камдан-кам, Жаспер! Чингачгук... эҳтимол унинг ёлғиз ўзидир... Хўп, бўпти, бу тўғрида сафсата сотиш етар энди. Нимани кутяпмиз ўзи? Ахир йўлга тушиш керак-ку... борсак бора қолайлик! Бошла мени, Жаспер, унинг кўркам, азиз чеҳрасини яна бир бор кўрай...

Мабель Изқуварни юзлари лола янглиғ қизариб, астойдил қувониб, меҳр-ла қарши олди. Изқувар уларникида ўтказган бир соат фурсат давомида кузатувчан, сезгир одам

Мабелнинг Изқувар билан эрига қилаётган муомаласи орасидаги фарқни тезгина пайқаб олиши тайин эди. У эри билан пича ийманиб, бироқ одатдагидан хийла мулойимроқ оҳангда сўзлашар, боқишлари эса назокатлироқ эди. Ҳар гал Жасперга боққанида ёноқларига қирмизи ранг югуриб, кўникишу вақт ўтиши билан ҳали оҳори тўкилиб улгурмаган туйғуларини ошкор қилиб қўярди. Изқувар билан муомалада эса ўзини бутунлай эмин-эркин, самимий ҳамда рўйирост тутарди, овози бирор марта титрамади, кўзлари бирор марта ер сузмади, башарти унда-бунда юзлари ловиллаб кетган чоғида ҳам, жони ачиганидан, гамхўрона ҳамдardликдан бўлаётган эди.

Пировард-оқибат Изқувар йўлга тушадиган дақиқа етиб келди. Чингачгук аллақачон қайиғини яшириб, чаңгалзорларга элтувчи сўқмоқда турарди. У хотиржамгина дўстини кутаётган эди.

Ушбу хабарни етказганлари заҳотиёқ Изқувар хайрлашмоқлик ниятида ўрнидан қўзғалди.

— Мен илгарилари қисматим тошдан қаттиқ экан деб ўйлардим, Мабель, — деди у, — лекигин манави аёлнинг тақдири хижолатга солиб, ўйлантириб қўйди мени...

— Шабнам шу ерда қолади, меникида туради, — дея овчининг сўзини бўлди Мабель.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим. Башартики оламда унинг ғам-мусибат кемирган қалбига малҳам бўлиб, уни ҳаётга қайтара оладиган бирор кимса топилса, бу сизсиз, Мабель, аммо-лекигин ҳатто сизнинг ҳам бунга муяссар бўлишингизга шубҳам бор. Шўрликкина қабиласиз, эрсиз қолди, бундай мусибатдан кейин кўнгли таскину тасалли топиши осон эмас. Дарвоқе, ҳозир ўзгаларнинг бахтсизлиги, уйланишию эрга тегиши ғамини ейишни ким қўйибди менга! Нима, ўз дарду ҳасратларим каммиди! Қўйинг, юпатманг мени, Мабель, овутмай қўя қол, Жаспер! Келинлар, тинчгина ва кирои эркакдай жўнаб кетайин. Мана, бахтли эканликларингни кўрдим, шунинг ўзи кифоя менга. Энди ғам-қайғуга бардош беришим осонроқ кўчади... Йўқ, Мабель, сизни ортиқ ўпмайман!.. Мана қўлим, Жаспер, уни қаттиқ қисавер, йигитча, чўчима: қалтираб-титрамайди — эр кишининг қўли бу... Энди сиз, Мабель, уни қисишни истайсизми?.. Йўқ-йўқ, қўя қолинг, сиз бундай қилмаслигингиз керак! — Шундай деб у Мабель ўпмоқчи бўлган қўлини тортиб олди. — Бундай қилишнинг кераги йўқ...

— Изқувар, яна қачон кўришамиз? — деб сўради Мабель.

— Узим ҳам ўйлаб турганим бу ҳақда... ҳа-ҳа, ўйлаб турганим. Бора-бора Мабелга синглим ёхуд фарзандимдек қарайдиган ҳолатга кела олсам... жўнгина қилиб, фарзандимдек, дейишим керагиди, зотан сиз шундай ёшсизки, қизим тенгисиз аслида... ана ўшанда келаман, ишонинг бунга. Сизларни бахтиёр кўрсам қалбим енгил тортади! Борди-ю, ундай бўлолмасам... Соғ бўлинглар, хайр, алвидо!.. Сержант айбдор... ҳа, сержант жудаям айбдор бунга!

Жаспер Уэстерн билан Мабель Дунгамларнинг Изқувар оғзидан эшитган энг охирги сўзлари шу бўлди. Изқувар бу сўзлар ғиппа томоғидан бўғаётгандек шартта бурилди-кетди; ҳеч қанча вақт ўтмай ўз дўсти ёнига етиб бораёзганди у. Чингачгук унинг яқинлаб келаётганига кўзи тушган заҳотиёқ лаш-лушини елкасига олди-ю, йўл бошловчини кутмаёқ, зипиллаганча дарахтлар орасига кирди-кетди. Мабель, эри ва Шабнамлар бирор ишора билан ёки ўгирилиб қараб хайрлашишини кутиб Изқувардан кўз узмай туришарди, аммо у қайрилиб қарамади ҳам. Кўзларига икки ёхуд уч марта у юрагини ғам-қайғу юки босиб ётган одам сингари бош чайқаб қўйгандай кўринди; худди орқасидан кўз узмай тикилиб туришганини билгандек, ҳатто қўл силкиб қўйди, бироқ шаштини ҳеч қандай ғам-ғусса бўшаштира олмайдиган жадал одимлар билан кўздан йўқолиб, чангалзор ўрмонда гойиб бўлди.

Шундан сўнг Изқуварни на Жаспер, на хотини қайтиб кўришди. Улар Онтарио соҳилларида яна бир йил туришди, кейин Капнинг қистовларига ён бериб, Нью-Йоркка жўнашди. Мабель уч марта ажойибу антиқа мўйна совға олди. Совға-салом устида жўнатган одамнинг исми-шарифи йўқ эди, бироқ юраги унга бу туҳфаларни ким юборганини айтиб турарди. Орадан талай вақтлар ўтиб, Мабель она бўлиб, тўнғичи ҳимоячиликка ярайдиган ёшга етиб қолган кезларда икки ўғли билан Мохаук соҳилларидаги ички штатларда бўлишига тўғри келди. Шу ерларда тасодифан олисдан ўзига шундай диққат-ла тикилаётган ғалати устбошли одамни кўриб қолдики, у ҳақда суриштирмай туролмади. Унга бу одамнинг машҳур овчи эканини, ҳалолу покизалиги ва бир хил ғалати жиҳатлари билан машҳурлигини, ушбу ўлкада лақаби «Кўн Пайпоқ» эканини гапириб беришди. Миссис Уэстерн бўлак ҳеч нимани билолмади, Аммо унга олисдан ташланган нигоҳу қарашлар, кейин нотаниш овчининг антиқа қиёфаси уни тунни бедор ўтказишга мажбур этди, чеҳрасига узоқ вақтларгача ўчмайдиган ғамгинлик муҳрини босди.

Саратон Шабнами, Изқувар башорат қилганидек, эрининг доғию қабиласидан жудолик дарди-аламига дош беролмади. У Мабелнинг кўл ёқасидаги уйида жон берди. Жаспер уни оролга элтиб, Ароухед қабрининг ёнгинасига қўйди.



МУНДАРИЖА

Б иринчи боб	3
И ккинчи боб	16
У чинчи боб	29
Т ўртинчи боб	40
Б ешинчи боб	54
О лтинчи боб	69
Е ттинчи боб	80
С аккизинчи боб	96
Т ўққизинчи боб	110
У нинчи боб	118
У н биринчи боб	129
У н иккинчи боб	147
У н учинчи боб	158
У н тўртинчи боб	176

Ун бешинчи боб	186
Ун олтинчи боб	202
Ун еттинчи боб	213
Ун саккизинчи боб	225
Ун тўққизинчи боб	239
Иигирманчи боб	267
Иигирма биринчи боб	286
Иигирма иккинчи боб	294
Иигирма учинчи боб	308
Иигирма тўрттинчи боб	328
Иигирма бешинчи боб	344
Иигирма олтинчи боб	354
Иигирма еттинчи боб	362
Иигирма сакказинчи боб	368
Иигирма тўққизинчи боб	376
Уттизинчи боб	386

ман. Э. Миробидов тарж.—
; 1984.—400 б., расм.

дор. Следопыт. Роман.
И (Амер.)